
Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

МАНГУЛИККА ДАҲЛДОР

Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига

ФАФУР ФУЛОМ. Найсон тонготари. *Шеърлар*.....

Менинг ўғригина болам. *Ҳикоя*.....

Ҳамидни эслаб.....

“Жалолиддин” драмаси ҳақида.....

Улкан адиб

ОЙБЕК. Фафур ҳақида.....

А.ҚАҲҲОР. Севимли шоиримиз.....

МИРТЕМИР. Ўтнафас.....

САИД АҲМАД. Биллур сиёҳдон.....

ЎТКИР ҲОШИМОВ. “Меҳрибон кампир ва уятчан ўғри”.....

УМАРАЛИ НОРМАТОВ. “Шум бола”: мафкуравий-сиёсий тазйиқ ва руҳ

эркинлиги.....

ОЛМОС. Дадамнинг шоғирди, менинг устозим.....

РАҲМАТИЛЛА ИНОҒОМОВ. Асрий биродарлик қиссаси.....

АМИР ФАЙЗУЛЛА. Буюк байналмилал шоир.....

Жаҳон нигоҳида.....

НАСР

С.М.ГОЛИЦИН. Омон қолган одамнинг дафтари.....

ЎРОЗБОЙ АБДУРАҲМОНОВ. *Бўсаға. Роман*.....

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

МАХТУМҚУЛИ. *Мард йигитлар баҳоси*.....

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

ВЛАДИМИР ОГНЕВ. *Гуржистонни қўмсаб*.....

АДАБИЙ ТАНҚИД

ТЎЛҚИН САЙДАЛИЕВ. *Аҳли жаҳондин яхшилиғ*.....

ЎКТАМ ЧОРИЕВ. *Буюк мутафаккир шоир*.....

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

АБДУҒАФУР АБДУМАЖИДОВ. *Диний ва ҳуқуқий маърифат намунаси*....

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЯЦЕК РОЙ. *Қора от кечалари ўлдирди. Қисса*.....

Бош муҳаррир:
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(Бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмоил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Қуддус Аъзамов
Одил Ёкубов
Рисбой Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Орипов
Файрат Шоумаров
Рустам Шоғуломов
Тўлепберген Қайинбергенов
Баҳром Қурбонов
Саидахор Фуломов
Пўлат Ҳабибуллаев

Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига

Фафур Фуломни эъзозлаб, улуглаб, унинг руҳини шод қилиб юрган одамларга яна бир бор минг раҳмат айтишимиз керак, мана шу бугунги ҳаётимизда ва келажак авлодни ўстиришда Фафур Фуломнинг ижоди, албатта, беқиёс аҳамиятга эга, унинг ҳиссаси ҳам жуда катта. Шунинг учун менинг тилагим шундайки, Фафур Фуломнинг ижодини фақатгина Ўзбекистонда эмас, авваламбор ҳар томонлама, бутун дунёга машҳур қилишимиз керак. Менимча, Фафур Фулом даврида ва ундан кейин у кишининг ижодини улуглаш учун, ижодини бутун дунёга машҳур қилиш учун қандай ишларни қилмаган бўлсак, шу ишларни қилишимиз зарур ва бу бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ислом КАРИМОВ

Фафур ФУЛОМ

Найсон тонготари

Шеърлар

ЧИН АРАФА

Саҳарда чарақлайди осмон тўла юлдузлар...
Толей тонг отардай, келажаги кўкдай кенг,
Эй менинг фарзандларим, қундуз қош, қора кўзлар,
Дастурхон атрофига юлдуз каби тўпланинг,
Букун чин арафадир.

Букун чин арафадир, голиблар ўлкасида.
Кўзгудек жилолансин мурғак кўнгиладингиз,
Бахтингиз қолмасин деб зулмат кўланкасида,
Дарё-дарё қон тўкиб, букунни келтирганмиз,
Букун чин арафадир.

Малъунлардан яширган тилисим сандуғингни оч,
Ҳимматинг қанчалар бор, олгин юзли офтоб?
Болаларнинг бошидан аямай зарингни соч,
Энди кулиш арғанун, қаҳқаҳалардир рубоб,
Букун чин арафадир.

Шодлик қўшини босди саодат кўчасини,
Гўдақлар жаранглатар ҳайитлик тангасини,
Келинчақлар ахтарар пардоз қутчасини,
Қирқ кокил бўлсин дейди, қистайди янғасини,
Букун чин арафадир.

Бўлган эдик интизор кўз-кўзга тушмак учун,
Ғолиблар қайтган кун, ёр орзуси қонган кун
Шеърий ўхшатиш билан қалбимиздир лолагун,
Айрилиқ унут бўлиб, бир-бирни кучмоқ учун,
Букун чин арафадир.

Юзимизни ёритди кечаги тўкилган ёш,
Бугун байрам келтирди кечаги ҳажру фиरोқ,
Бугун бўстон кезади, кеча қон кечган қуёш,
Ҳар куннинг файзи бошқа, эрта яна яхшироқ,
Букун чин арафадир.

Йигитга от келишар, байроқ ғолиб қўлига,
Қадри баланд инсонга шон керак, шараф керак,
Юз минг кўклам пойандоз арслон эрлар йўлига,
Менинг енгган элимга байрам кунни муборак,
Букун чин арафадир.

Эртага тонг отардан ноғорада зилу бам,
Чалинг, Аҳмаджон ота, навони савти билан,
Сен ҳам шоҳ шеърингни ёз байрамга, Гафур Гулом,
Фоилотан фаалан, фоилотан фаалан,
Букун чин арафадир.

ОНА ҚИЗИМ ЖАМИЛАГА

Жазоир зиндонида бир қиз укубатдадир,
Рубобнинг торларидек жонинг жонимга пайванд.
Ҳасратингдан қон томиб, кўзларим кулфатдадир,
Халхол таққан оёқлар букун кишан билан банд.

Ўз халқи озодлигин фидоси бўлган қизнинг
Париж сатангларида ўзгача ахлоқи бор.
Нил уфқидан балқиган йирик, ёруғ юлдузнинг
Жамила деб номи бор, жамолидай беғубор.

Бир севган йигитига шаҳло кўзин сузмасдан,
Жуда қисқа умрли япроқда шабнам каби,
Кулгусидан тонг отиб, қилиғи кўклам каби,
Ўз юргидан бемалол ҳали бир гул узмасдан,

Жазоир зиндонининг мазлумаси бўлган қиз,
Биз бутун Осиёмиз, Африкамиз — ҳаммамиз.
Сенга келувчи қилич менинг бошимни чопсин,
Золимларни қон бўғиб, мутлақ жазосин топсин.

Сен ўлмайсан, яшайсан, қотилнинг қўли қисқа,
Озодликнинг бошини зулмат қирқолмагандек,
Ўхшаш тарихларингиз, эмасдир бошқа-бошқа,
Зоя жаллодларидан тарих қасос олгандек.

Шарқдаги қуёш билан, ўртадаги ош билан,
Кекса кўзда ёш билан, шу чимирилган қош билан
Қасам ичиб айтаман: сен ўлмайсан, Жамила!
Сен ўлмайсан, Жамила, сен яшайсан, Жамила!

ҚОР

(Пейзаж)

Она ғознинг тўши каби юмшоқ қор
Сукут билан қуйилади сарбасар...
Борлиқ вазмин уйқу ичра беҳабар,
Ёки осмон туллаб, тўзғитмоқда пар.
Киприқларнинг момиқлардан юки бор.

Узоқларга боқар сузук кўзингиз,
Нуқтадай тор қорачиқдан оқар нур...
Тала-тузнинг кўркамлиги нур-биллур,
Елкалардан босар енгилтак сурур,
Бир бурда қор салмоғича ўзингиз.

Унутилар олам-олам алвон ранг,
Ёруғликдир коинотнинг энаси,
Чанчиб ўтар ҳар учуриқ игнаси,
Сутдай ошпоқ боғ-бўстоннинг сийнаси:
Гўё кўклам чаманида ранг-найранг.

Қор марварид қишиғидай куп-қуруқ,
Ҳурпанади бир зум олдин босган из.
Кўк супраси ёйилгандир теп-текис.
Тўй оқшоми инжу таққан етим қиз;
Мажнунтолнинг маржонида булдуруқ.

Оқ кўзининг сиртидаги баррадек
Эланади зарра-зарра беғубор.
Учиб келиб тушгунича қалтирар,
Қафтга кўниб, эриб титрар, ялтирар,
Ёш боланинг мижжасида қатрадек.

Пора-пора совургандек елларга —
Вафосиз қиз ёр мактубин майдалаб, —
Қиров каби қилтириғи тимдалаб,
Қор ёғди тинмай парда-пардалаб,
Бир мунтазам зарб бахш этиб дилларга.

Сутда мойдек сингиб кетган офтоб
Еру кўкнинг поёни йўқ ичида.
Микроскопсиз кўриш ҳам қийин жуда,
Олти қирра қор парчанинг учида
Илғанади қуёшчалар парпираб.

Сомон Йўлин эслатади даричам,
Бунда узоқ юлдузларнинг йўқ сони,
Ҳар юлдузнинг ўзига хос жаҳони.
Ижод уйин қордай босиқ имкони —
Шеър билан зийнатлади бу кечам...

КУЗГИ КЎЧАТЛАР

Навқирон бир теракнинг чўққисида ошён —
Кеч куз тонготарини салом билан олқишлар.

Олтин тангалар каби барглар учар паришон,
Аллақачонлар кўчмиш бўғот тагига қушлар.

Онда-сонда қоқилмай қолган бир-икки ёнғоқ
Осмон-фалакда шўнғиган қарғаларга ўйиндир.
Изғиринда таранган зоғизғонлар серчоқ-чоқ,
Юмрон мўралаб пусар, ини иссиқ кўйиндир.

Карам илдин чайнаб олазарак товушқон,
Бўрсикдай юм-юмалоқ, бир савам пахта каби,
Ўспирин шоирлардай ҳижога уста, чаққон,
Кузга мадҳин ўқур тегмай лабига лаби.

Барди кўрпаларини елкага қийғоч ташлаб,
Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар.
Пахсаларнинг бўйнига билак ташлаб ёнбошлаб,
Хомуш ўйқусирайди кўрғон тагида ноқлар.

Теваракка жовдираб, ниманидир чулдираб,
Эриган шиша каби тиниқ оқар ирмоқлар.
“Боғаро ёлғизим”, деб ёндош юриб, эрқалаб,
Бағрига сингиб борур ҳалқа-ҳалқа булоқлар.

Каттакон мис баркашдай бўғриққан, қон талашган,
Аранг чинор учига келиб қўнади қуёш.
Камҳафсала, бепарво, қилар иши қолмаган;
Юрайми-юрмайми деб ер билан қилар кенгаш.

Ҳу... Шудгор этагидан шу томонга йўл олур,
Ирғайдай тетик, лобар боғбон Миршакар ота,
Узун-узоқ сояси гўёки режа солур,
Елкада кетмон билан беш-ўн кўчат, албатта.

Ҳар илк баҳор, ҳар кеч куз қадрдон ҳунар билан,
Ўз удумин қўймайди саксон ёшли соҳибкор.
Бу боғда ўз номини ёзолди у зар билан,
Дарахт кесиш жўн ишдир, кўкартириш эътибор.

Бу ниҳол қачон униб, қачон мева беради.
Миршакар тотадими, тотмайдими, барибир.
Одамзод ўлмайди-ку, кимдир ахир теради,
Мана, Миршакар ота ҳаётида ечган сир.

Унинг учун келажак ўз фарзанд, ўз авлодлар,
Бу қари боғбонини эста олса кифоя.
Шунда Миршакар ота, сиз қомати шамшодлар,
Наслларнинг бошига чинордай солур соя.

ЁЗ БОШИ

Ёз боши: ушбу куннинг файзини ёзмоқчиман,
Ирмоқлардай чулдираб сатрлар оқа кетсин.
Ҳорманг деган кишига райҳон тутқазмоқчиман,
Меҳнатимни сийласин, боғимга боқа кетсин.

Бағримдай кенг оламни бир дам қилсин томоша,
Марҳамат кўркамгина соя-салқин сўрига!
Бир нафас ўринлашинг, эзгу туйғулар оша —
Кўзим қорачиғига, қалбимнинг энг тўрига!

Тўкин-сочин рўзгорнинг катта дастурхонини
Чамандагул дўшпидай гунча-гунча очайин,
Бўй қизлар кўнглидаги орзу-армонини
Дўстига айтгандайин шивир сўз билан майин..

Шу кўклам ўтқазилган сўлимгина кўчатлар
Апил-тапил биринчи мева қилмиш нишона.
Шунақа ўринлайди холис бўлса ниятлар,
Шабнам ювган япроқдай ярқирайди пешона.

Фарғона “марвартак” дер, тошкентликлар “балх” тути,
Марварид ранг бу неъмат рўзгор тебратади.
Бир туп азим тут демак боғнинг барака — қути,
Эксанг, сендан қолажак ёдгорлик абадий.

Ифор ҳидли қулупнай бир лахча чўғ кабидир,
Мушқу анбар ёқилган гулхан нишонасидан.
Ҳаё билан юмилган келинчақлар лабидир,
Ўпич маза келади ҳар битга донасидан.

Дастурхонда гилоснинг рангларини турлаган
Соҳибкор боғбоннинг тасанно денг дидига.
Аштархону олчинбар , тўқ қизил биллур лаган
Тотган киши етади муборак умидига.

Сизга манзур бўлсин деб якка-якка термасдан
Маржондай уза қўйдим шода-шода банд билан.
Ёқут парча олчалар хуш элитар ҳавасдан,
Тўққизлаб чойга эзинг икки чақмоқ қанд билан.

Мис барқаш қайилгудек устидаги юкидан,
Юмалоқ бол мисоли ҳар битга қандак ўрик.
Кўёшда шакарзарра ялтирайди тукидан:
Пишиқчилик кунлари хаёл каби югурик.

Шу дамларнинг файзини сўра кўр Ватан бўйлаб,
Ўз еринг ўз қўлингда боғ ила бўстон бўлди.
Бир кичик газал эди ниятим чаман бўйлаб,
Битта-битгадан тотдим, дуб-дуруст дoston бўлди.

БАҲОР ОҲАНГЛАРИ

Ўрик гулларини эмар болари,
Насрин япроғида титрайди шабнам.
Ипак қурт тахмида ҳаёт асари,
Олам никоҳ, оқшом бир зебо санам.

Илк кўклам файзини созга солмоққа
Танбур косасида шароб керакдир.
Дамлар мазмунини қамраб олмоққа
Дунёдай каттакон китоб керакдир.

Атласдай товланган ён бағир қирлар,
Бепоев гул гашгин сурса неча дўст.
Ўзлигин унутган ошиқ-маъшуклар
Ялакат данакдай қўшмағиз, бир пўст.

Наврӯзи бедона ўрганчиқ сайраp
Янгилаш-чучулларда севги оҳанги.
Ёш ирмоқ соҳилга тилини қайраp.
Куёш нуҳалидир муҳаббат ранги.

Тонготар уфқни лоладай йиртар
Тинмағур меҳнатнинг забардаст товиш.
Ҳар ерда ҳукмрон танги ва лобар
Омонлик замоннинг енгувчи иши.

ЧАМАН

Бу Ватан мақтовларин ҳар қанча ёзсанг оз экан,
Дилга дил, тилга кўнгил албатта жўр овоз экан,
Боғлар, гулгун чаманлар кўйни базми ноз экан,
Келди кўклам, лола, насрин бир-бировдан соз экан,
Жўр билан сож, қарқуноқ, қумри баланд парвоз экан,
Куйла, шоир, улфати чор бирлашиб ҳамроз экан.

Бойчечак юз саргайиб, қишдан қутулганда аранг,
Янгидан тушса назардан, энди инсофга қаранг,
Чучмома, раъно, бинафша кўзни боғловчи фаранг,
Кўзга оққай бу чаманнинг гулларидан мингта ранг,
Ғунчаларнинг кулгисидан қалб қулоғида жаранг,
Ёз экан, танноз экан, серноз экан, дамсоз экан.

Қатма-қат алвон кийиб мақтанганида аргувон,
Чирмовуқ карнай чолиб, тортмасми куйгандан фиғон?
Пора-пора барг тўкиб лола ҳасаддан бағри қон,
Томда ёлғиз ўксинур бечора қизғалдоқ ҳамон,
Ер чизиб гулҳайри мотамлик тўнин кийган замон,
Шоҳи гул атлас қанотли, гердайишда ғоз экан.

Ерда қолган, парваришсиз бунда гулбеордир,
Бўй чўзиб ҳатто чечакка етмайин ҳам зордир,
Тугмадек чўшга чизилмак иштиёқи бордир,
Битта гултожихўроз шўрликка жиндак ёрдир,
Садарайҳон хуш қилиқ, бечорага дилдордир,
Бу чаман атрофида сафбаста бир сарбоз экан.

Тилла кўнғиз ҳид ўғирлаб яшринур барг остига,
Тушмасин ҳеч гул мабодо саъва, булбул дастига,
Шеър ўқир тинмай чаманнинг ҳар баланду пастига,
Бу томоша, айшу ишратдан кечиб, чумчуқ нега,
Чўп кўтарганча югурмакда теракнинг устига,
Баъзилар айтар дурадгор, баъзилар дарбоз экан.

Кенг Ватаннинг боғу бўстон қиссаси бўлмас тамом,
Қайга борсанг мингта қувноқ юз кулиб бергай салом,
Бахтли, эркин умримиз миллионча йил қилсун давом,
Бу чечаклардан муҳаббат аҳлига гулдаста — ком,
Энди ялқовликни ташлаб, мутлақо Ғафур Ғулом,
Тўхтамай шеър ёз экан, шеър ёз экан, шеър ёз экан.

МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ

Воқеий ҳикоя

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам — онамнинг оналари Рокия биби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб Қора буви деб атаймиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентябр ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай Қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, Етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-чўнғир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз, ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўрт бурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боққа кўчиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: “Бизнинг уйга ўғри келди”. Гурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикан?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг тоmidан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим пуф деб носни туфлаб томга қараб:

— Ўғригина болам, ҳой, ўғригина болам, ҳойнаҳой, бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдимиз? — дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

— Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдимиз, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми? — дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

— Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими? Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлари гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб мизгигандай куш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади.

— Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? — Бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиф. Ҳали буларнинг қўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг тошгани ўзининг рўзғоридан орғиб, буларга қут-лоямут бўлиши қийин. Рўзғорда бўлса: кўз кўриб, қўл тутғудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. “Туриб еганга турумтоғ чидамас”, деганлар. Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаядию қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади! Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга елашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса буларга қимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан? Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

— Тўғри айтасиз, бувижон, — деди ўғри, — менинг ҳам икки болам,

хотиним, битта кампир онам бор, бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўкқа, Алининг тигига ураман. Бўлмаса ишлай десам билагимда қувват бор, ақлу ҳушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғирлик касби ёқади дейсизми? Тупша-тузук аёлманд қосибнинг боласи эдим. Замон чапчасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтайтиди, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон ўша илиги тўқларники.

— Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдим, болам? — деди кампир.

— Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на миҳ, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч барабар қиммат. Ҳоммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов кунини шу маҳалланинг девкор этиклдўзларидан Бувадат ота бутун қолишу шону сўзан, битгизларини улпуржисига икки пуд жўхори унга моваза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳаримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: “Амаки, нон беринг”, дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у! Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма қосибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, бориники, мактаб домгалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

— Ҳув, худоё уруши бошига етсин. Қиёмат қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам-а. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. Ҳўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир ноиложликдан-ку шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдим? Мана шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуббой деган қончи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил. Бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешиш бўлмайдим?

— Эй, бувим тушмагур, соддасиз, содда, — деди ўғри. — Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг паҳсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар битгасининг қўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса бир ҳафта вовиллайди. Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи, миттиқ ушлаган городовой туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам, сибир қилиб юборади.

— Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдига тагин бадном бўлиб қолмагин, — деди бизнинг кампир.

— Гапингиз тўғри, буви, тунов кунини Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товук, битта хўроз ўмарган эдим.

— Товук-хўроз дедингми? Ҳа, бу махлуқлари қурғур қақақлаб сени шарманда қилмадим?

— Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товук олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин кўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товукларга пуркайман. Товукдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғяпти шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тикиб, хап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан.

— Шунақа дегин, вой тавба-ей. Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурти гардони бўлар экан-да.

— Шундай қилиб десангиз, бувихон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, эллиқбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни босди-босди қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: “Топганимиз шу, эллиқбоши ота”, деб пора берган эдим, рабобийга кетишдан олиб қолди.

— Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгиллигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай, тонг ҳам ёришиб қолар. Ана, ёруғ юлдуз ҳам тикка келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғилиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боддан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болгани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учириб бер, қумғон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зоғорадан иккитасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз.

— Йўғ-э, буви, — деди ўғри, — тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

— Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқе ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик шекилли, шундоқ катта, туркираган хонадондан мана шу тўрттагина егим қолиб турибди. Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шунга олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

— Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп...

* * *

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.

1965, январ.

ҲАМИДНИ ЭСЛАБ

Жимжит оқшом. Очиқ ҳавода кўкка кўз тикиб, хаёл суриб ётмоқдаман. Чўнқир қора осмон, йироқ юлдузлар... Кўзим қорачилари океан кўпикларига ўхшайдики, унда коинот акс ётмоқда. Ана у Катта айиқ юлдузлари, ана у Саратон юлдузлари туркуми.

Қатрада осмон акс ётганидек,
Жаҳондай маънидор қорачигимиз.

Бу кунлар тепамиздаги ойнинг учинчи ҳафтаси. Бир чеккаси ушатишган пагирдай бўлса ҳам ҳали кучи кетмаган ой бош томонимдаги терак учидан секин-секин сузиб ўтмоқда.

Инсоннинг ажойиб, етук камолотлари тўғрисида ўйламоқдаман. Яқинда кишилар ойга чиқишлари керак. Каттақон ҳовлимнинг бир чеккасида набирам Дурбекнинг йиғлаган товуши келиб қолди. Қорни очгандир. Онаси уйғониб, бағрига олган бўлса керак, тинчиди. Шуларнинг бахтини ўйламоқдаман.

Шундай шеърга тўлган сукунат кечалар тўғрисида хаёл сурган шоирлар беҳад кўп. Баъзиларининг сатрлари ёдимга тушди.

Дилам аз ғусса танг омад ки чашми мурғ пеши у
Пувад баҳрики, дар жавфи ҳубобаш осмон кунжад.

Шарқимизнинг буюк файласуф шоири Мирзо Абдулқодир Бедил шу сатрларни ёзганида бир оз бадбин ҳолатда бўлган экан деб ўйлайман. Менинг ўйларимда шу эсиб турган кеча насимидай беғуборлик, енгил покизалик бор. Мен яшаб турган муҳит ўзи шундай бўлгани учунми, мен бадбин ўйлаёлмайман ҳам, бадбин ёзолмайман ҳам. Қатор шоирларнинг сокин оқшомлар ҳақидаги шеърларидан узук-юлуқ сатрларни ичимда ўқиб чегарасиз бахмал осмонга термулиб ётибман.

Шағирлайди осмон ва ҳаво,
Шағирлайди бутун коинот,
Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки тун...

Бу — марҳум биродарим Ҳамид Олимжоннинг “Ҳолбуки тун” деган шеъридан. Шўрлик дўстим, сен ҳам осмонга термулиб ётибсан, аммо кўз қорачиғингда кўк акс этмайди, ойга учиш тўғрисида ўйлай олмайсан. Набираларинг йиғисида жонинг эркаланмайди, уларнинг бахти, келажаги, истиқболи тўғрисида муҳокама қила олмайсан. Йигирма йилдирки мудҳиш бир тасодиф сени бу жаҳоний ҳузур-ҳаловатлардан бир умрга маҳрум қилди.

Биз Ҳамид Олимжон билан бундай ойдин мусаффо кечаларни кўп ўтказганмиз. Йигитлигимизнинг кувдай саркаш йилларида Сиеб қирғоқларида, Ургут тоғларида, Жиззах ёнбағирларида, Бахмал адирларида, Шоҳимардон чўққиларида бундай ажойиб саргашта ва паришон, лирик кечаларни кўп кўрганмиз.

Ўзбекистон маркази Самарқандга кўчгандан кейин бизнинг “Қизил Ўзбекистон” редакцияси ҳам Самарқандга келди. Кичик бир журналист сифатида мен ҳам шу гурунг ичида бор эдим. Ҳамид, Уйғун шу ерда ўқир эдилар. Жуда тез танишиб олган эдик.

Биз ёшлар ўзаро илм-маърифат олишда, хизматдан бўш вақтларимизда эса тўс-тўполон, ўйин-кутиллардан, ижоддан бошқа ҳеч қандай манфаатимиз бўлмагани учун ғоятда меҳрибон дўстлар эдик. Мен Ҳамид Олимжон, Уйғунларнинг дарсдан бўшашини кутиб Абрамск бульварида (ҳозир ЎЗГУ рўпарасидаги Максим Горький бульвари) кути-кути папиросларни чекиб ташлаганман. Улар ҳам мен ишдан, редакция ёки босмахонадан бўшаб чиққунимча тўртликлар билан менга ҳазил бағишлардилар.

Ғофуро, ишлар қалай, ишлар қалай,
Сен эмасми Аъзам Аюбга¹ малай.
Соат олтига Регистон приходи,
Сенга маъқул яхши гаплар бир талай.
Ҳамид.

Пайшанба, жума кунлари ошна-оғайнилар солма қилиб Оҳаклик тоғига ёки Сиеб бўйига, Ургут-Чорчинорга чиқиб кетар эдик.

Хайр, шундай қилиб десангиз, бундай мусаффо кечаларни Мулло Абдул Ҳамид билан бирга кўп ўтказганман. (Ҳамид мени “Муштум”даги тахаллусим Нуртой билан кўп чиз-чизлатар эди. Шунда мен унинг гашига тегиш учун Мулло Абдул Ҳамид Жиззакий деганга ўхшаган ҳазил қилар эдим. Унинг жаҳли чиққанида кўзи пир-пир учиб, қулоқлари қизариб кетарди.) Шу кечалардан бири 1939 йилнинг август ойларида бўлган эди. Халқимиз 270 километрлик катта Фарғона канални 45 кунлик қисқа муддат ичида қазиб битказди. На эксковатор, на трактор, на бульдозер, на бошқа техника бўлган бу замонда бу гигант ҳаракатнинг бошланиши ва охирига етиши чинакам халқ қудратининг тимсоли сифатида тарихларга қайд қилингандир. Биз Ҳамид билан шу қурилишнинг бошдан оёғигача иштирок қилдик. Канал трассасининг ҳамма участкаларида деярли кутилмаганда инс-жинсдек пайдо бўлиб шеърлар ўқиб кетардик.

Канал трассаси бўйлаб ҳавода ҳар оқшом ишдан кейин канал қазувчиларнинг машъала — базмлари бўлар эди. Ўртага уладани мазутга булғаб, симга тортиб машъала ёқилар эди. Базм бошланиб кетарди. Ҳамма ўз хунарини, санъатини кўрсатар эди.

Шундай катта машъала — базмлардан биттаси август ойининг қайси бир оқшомида бош тўғонда, Куйганёрда ўтказилган эди. Бу ерда Ўзбекистонимизнинг донг таратган санъаткорлари ҳам бор эди. Ҳалимаҳоним ҳам. Тамараҳоним ҳам, Мукаррамаҳоним ҳам, Юсуфжон қизиқ ҳам, Жўрахон Султонов ҳам, ака Бухорий ҳам шу ерда эди. Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота ҳам, Усмон Юсупов ҳам шу ерда эдилар. Кўп участкалардан одам йиғилган, қиёмат базм бўлди.

Базмдан кейин тарқалишдик. Одам одамнинг белига бош қўйиб ўнғай келган жойда айқаш-уйқаш уйкута кетди. Уйку жой, муҳаббат чирой танламас, деган гапни шу чала машҳарда кўрсангиз бўлар эди.

¹ “Қизил Ўзбекистон”нинг собиқ масъул котиби.

Ҳамид билан биз бошимизни суқарга жой тополмас эдик. Қардадир озгина бўлса ҳам мизғиб олиш керак. Ойдинда Қорадарёнинг бўйидаги бедапоёга ўтириб олиб, шу беда ичида ётмоқчи бўлдик.

— Ғафур, шу бедапоёда ётамиз, — деди у. Чўзилдик. Кўлларимизни бошимиз тагига ёстиқ қилиб қўйиб кўкка тикилиб ётар эдик.

— Ғафур, кел, частушка айтамиз, — деди Ҳамид.

— Бошла!

Ҳамид бошлади.

Эшик олди картишка,
Мен ўтирдим артишга.
Агар уйқу келмаса,
Ўйнаймиз кошқа-мишқа.

Мен жавоб бердим:

Эшик олди ариқча,
Ариқчада балиқча.
Шудринг тушиб турипти,
Ухлолмаймиз тариқча.

Тип-тиниқ, чуқур Андижон осмонини тўлдириб юлдузлар ёнар эди. Бир бурда ушатишган патирдек ой осмонда секин-секин кезиб юрибди.

Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бугун коинот.
Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт. —
Ҳолбуки тун...

Қардандир тепамизга Йўлдош ота келиб қолдилар. Биз дик этиб ўрнимиздан турмоқчи бўлдик.

— Ўтираверинглар, шоирлар, ўтираверинглар, — деди Йўлдош ота. — Икковлашиб юлдузларнинг сирини ўғирлаясанларми? Юлдузли осмонга қараш хаёлни кенгайтиради, қайғуни унуттиради, зеҳни тиниқ қилади, кўзни равшан. Дамлар фанимат. Ҳар бир нафасидан фойдалана олиш керак, — деб ёнимизга ўтирдилар. Тонг ёришгунча дарё лабида Катта Фарғона каналининг келажаги, истиқболи, суғорадиган ерлари, унинг қирғоғида қуриладиган янги шаҳарлар, янги қишлоқлар, очиладиган янги ерлар, умуман республика-мизнинг истиқболи ҳақида ширин-ширин сўзлашиб ўтирдик.

Ҳамид Ёзувчилар союзига раис бўлиб турган йилларида ўзининг дўстларига маълум бўлмаган ажойиб фазилатларини кўрсата бошлади.

У ақлли бошлиқ, тадбирли ташкилотчи, ноёб жамоат арбоби эканлигини кўрсатди.

Фашист галаларига қарши қаттол жанг кунлари бориб турганида жанговар бир шоир сифатида, сафарбар бир аскар сифатида фронт орқасида туриб халқнинг руҳини тинмай ғалабага илҳомлантириб турди. Айниқса, ички Россиядан, Белорусия, Украинадан вақтинча кўчиб келган ёзувчиларни ўқитмай, камситмай, муҳтож қилиб қўймай, ўртага дўстлик ва биродарлик шиорини маҳкам қўйиб улоштира олиш ўнғай иш эмас эди. Шу ўртада ўзбек халқининг совғаи саломини юклаб, Йўлдош ота бошлиқ делегация билан 1-Украина фронтига — Рокоссовский қўмондонлик қилиб турган жабҳага бориб келди. У ерда ўзбек жангчилари билан учрашди. Уларга биздан салом етказди. Уларнинг кўнглини кўтарди. Биз ҳаммамиз раисимиз сифатида Ҳамидни гоят ҳурмат қилар эдик ва итоат қилар эдик. Фронт орқасидаги интизом ҳам, айниқса, шунга талаб қилар эди.

Ҳамиднинг раҳбар сифатидаги иш методларидан яна бириси шу эдики, у ҳеч қачон бир вазифани амри-фармойиш билан буюрмас эди. Гап нимада эканлигини тушунтирар эди. Сиз ўз навбатида шу вазифани бажариб қўйганлигинизни билмай қолар эдингиз.

Бизнинг ғалабамиз аниқ бўлиб қолди. Уруш ўрталарида хомуш, иккиланиб юрганлар энди: “Ғалаба яқин” дея бошладилар. Шунда Министрлар Совети Аргиндан бизга, ёзувчиларга боғ бериб қолди. Оғриманган бошга олгин исирга дегандай, Ҳамиднинг бошида бундан ҳам кўп ташвишлар бўлишига қарамай, ҳафтада бир-икки маротаба бу боғдан бориб хабар олар эди.

1944 йил 26 июл соат иккиларда Маркс кўчасидан кетатуриб, универмаг рўпарасидаги электр асбоблари магазинининг олдида Зулфия билан иккаларини кўриб қолдим. Саломдан кейин:

- Ҳа, йўл бўлсин, Ғафурбой, — деди у.
- Эртага Фарғонага кетмоқчиман. Бир-иккита очерк ёзиб келай.
- Бу ишинг яхши, ҳозир қаерга?
- Бош оққанча кетиб турибман. Муллавачча сайр.

Кулишдик.

— Ғафур, — деди Ҳамид, — бошқа ишингни қўй, юр. Олой бозорига бориб бир кўнгилдагидек харажат қиламиз, бизникига бориб ош қиламиз. Сен ахир самовар паловга устасан-ку. Кейин мен “Муқанна”нинг баъзи ғазалларини янгидан ёздим, ўқиб бераман... Биргалашиб кетдик.

Ёғу гўштни Зулфия тўғраб берди. Мен қозонга ўт қўйдим. “Алпомиш” дostonларидаги кайвони хотинларни эслатадиган барваста, кўркам онахонимиз Комила биби ҳам шу ерда эдилар (ҳаммамизнинг онамиз сифатида барҳаёт бўлган, кунту бардошнинг, чидамнинг, салобатнинг, ўзбек кексаларига хос улувворликнинг эгаси бўлган бу онамизга ҳаминша биздан фарзандлик таъзими).

Шунда Ҳамид мени имлаб чақирди-да:

— Ана у жойда Жиззахнинг қора кишмишидан тайёрланган Урдўшвой акам юборган бир кўзача мусаллас туришти, ўшандан бир қултум ичиб тур, саратонда ўчоқнинг ўти элитмасин, деб қўйди. Ошнинг сабзи-пиёзини жуда ҳам қиёмига келтирдим. Тузини татиб кўрган Ҳамид ҳам, Зулфия ҳам қойил қолишди. Гуруч солдим, гуруч ҳам қайнашти. Ҳали-ҳали кўзимни юмсам, лола базм бўлиб биқиллаб турган шу палов кўзимнинг олдида келади. Гуруч сувини тортгандай бўлди... Кейин мен дамлагандай бўлдим. Зулфия айвонда помидор, пиёз тўғраб шакароб қилаяпти. Ҳадеганда Ҳамид қистайди.

— Мусалласи чакки эмас экан, Ғафур, ичим яланиб кетди, ошни тезроқ сузсанг-чи.

— Ҳозир, ҳозир дейман-у, кўзим кўзачада. Бир маҳал лаган тайёрлаб қозоннинг қопқоғини очарманми... Бир қозонда ўн олти хил ош пишипти-я; бир чеккада бир кап гурунч ошпоқлигича қимирламай туришти, қозоннинг ярим бели қирмоч, бир томонда тўрт қошиқча шовла... Деворга суянган уч почали нарвон турган экан, шундай чиқиб Жуманиёз Шариповнинг ҳовлиси томонга ўзимни ташладим. Салқин подвалига тушиб уйқуга кетдим. Бу Ҳамид билан сўнгги учрашувимиз эди.

* * *

Мен Ҳамидни тирик учрата олмадим. Мана энди шу фожиага бугун йигирма йил бўлиб, дўстимни эслаб ўтирибман. Ҳамид қайтиб келмади.

Фалакка қўл узатиб шамси анварни олиб бўлмас, дейилган бўлса ҳам, Ҳамиднинг аввало ўз хонадонида ёққан чироғи кундан-кун паршираб ёниб туришти. Унинг содиқ рафиқаси Зулфияхоним ҳижронлар ичида йигирма ўрик гулини ўтказиб, дўст-ошнолар, қавм-қариндошлар, қуда-қудағайлар ўртасида Ҳамиднинг орзуларини рўёбга чиқариб турибди.

Етук лирик шоира, баркамол жамоат ва давлат арбоби, булардан ташқари ўзида ҳам ота, ҳам оналикни кўрсата олган ҳурматли Зулфияхонимга ташаккурлар айтиш керак бўлади. Биз Ҳамиднинг дўстлари эса унинг ишини камол билан давом этдириб турибмиз. Бизнинг сатрларимизда Ҳамиднинг ҳиссаси катта. Унинг сингиллари, ўғли, қизига қўлдан келганча меҳрибонлигимизни аямадик, қуда-қудағайлар бўлиб кетдик. Ҳамиднинг набиралари ажойиб жамиятимизнинг етук аъзолари бўлиб тарбия топмоқдалар. Ҳамиднинг ижодий фаолияти, биографик ҳаёти ҳақида бир талай монографиялар бор. Бу қисқа хотиранома айрилиқ ўртаган бир дўстнинг ойдин оқшомдаги бир мунги, холос...

1964 йил, 3 июл.

“ЖАЛОЛИДДИН”* ДРАМАСИ ҲАҚИДА

Немис-фашист босқинчиларига қарши аёвсиз жангларда халқларимиз қудратли техникагагина эмас, ўтмишнинг маънавий салобатига ҳам суяндилар. Халқнинг эрки ва номуси, она-Ватаннинг шон ва мустақиллиги учун ўтга кирган қаҳрамонлар замонларнинг қаъридан қўл узатдилар. Улардан бири, Ўрта Осиё халқлари тарихининг ифтихори, улуг Хоразм баҳодири Жалолиддин Мангуберди.

Тахминан еттию чорак аср бурун Ўрта Осиё Чингиз истилосига дучор бўлди. Ўлкани қон ва олов босди. Тинч ва обод шаҳарлар кул ва тутунга айланди. Бутун муқаддас от ҳақоратланди. Мўғул қиличи бешикдаги гўдакларни ҳам қонга белади. Очқўз мўғул таламаган на сарой қолди, на кабуатархона...

Катта давлат ҳукмдори мағрур Муҳаммад Аловиддин Хоразмшоҳ мўғул бўронига муқовимат кўрсатишдан ожиз қолади. Иродасизлик, ўз ҳарбий бошлиқларига ихтимодсизлик ва орадаги мурасасизликлар, фитналар орқасида тождор идора жиловини қўлдан чиқаради. Мўғул отрядлари таъқиб этиб, унга бирон жойда қўним имкониятини бермайдилар. Ниҳоят, ваҳший бир оролда қочқин шоҳ кафансиз кўмилади.

Бу умумий тўзғинлик ва даҳшатли фалокат замонларида Жалолиддин халқ, ватан, эрк байроқдори каби қасос қиличини кўтарди. Муҳаммад Аловиддиннинг бу ўели ҳақиқатан ажойиб йигит эди. Табиат унга ўткир ақл, олижаноб, мардона юрак ва жўшқин ғайрат насиб этган эди. Разил босқинчиларни, манхус таловчиларни юртдан қувмоқ учун Жалолиддин тарқоқ қўшинлардан, она-Ватан учун курашга отланган халқ оммаси кучларидан бир мушт ясашга бел боғлайди. Ҳамиша баҳодирнинг ёстиғи тош, жанговар оти йўлдош бўлади. У балоғар душманни босади, чекинади ҳам, уради, урилади ҳам. Лекин мўғуллар билан курашда ўз ҳарбий номуси ва шарафига бир томчи доғ юқтирмайди асло. Унинг ақлига, соҳиб тadbирлигига, мардонавор ишларига шайтоний такаббурлик чўққисига минган Чингизнинг ўзи ҳам тан беради.

Яқинда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драмтеатрида шоир Шайхзоданинг “Жалолиддин” драмасини томоша қилдик. Кўзларимиз қаршисида узоқ мозий жонланди. Бутун ўлкани даҳшатли ва машғум зилзила каби титратган ваҳшийлар истилоси ҳамда ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган фидокорона кураши ёрқин, маънодор, драматизм билан тўла, ҳаяжонли картиналарда гавдаланади. Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини кўйлайди. Бу қаҳрамонликнинг жонли руҳи Жалолиддин. У сахнада илк кўриниши ва илк сўзлари билан диққатни боғлайди, юракларда меҳр учқунларини чақади ва бундан кейинги воқеалар гирдобиди хоразмлик бу йигит ўз сиймосининг маънавий гўзаллиги билан томошабинни сеҳрлайди. Хоразмшоҳнинг Тиллакорий саройида тўй. Жалолиддиннинг суюкли синглиси Сулпонбегим узатилаётир. Шўх ялла, бахтга, ишққа доир хаёллар... Бироқ, мўғул элчилари фалокатнинг совуқ бўрони билан кирадилар. Хоразмшоҳни тарадуд ва қўрқув ёқалайди. Вазирлар унга ҳайбаракаллачи. Лекин валиаҳд Жалолиддин — баҳодирликни ўткир ақл билан безаган бу ажойиб йигит вазиятни дарҳол англайди. Душманнинг кучи ва ўсалиги унга маълум. Ўғил отани курашга ундайди ва ўзи жанг майдонига, ватаннинг узоқ сарҳадларида душманни бўғмоққа чиқишга тайёрдай, фақат Хоразм ҳукмдори бу самимий, олижаноб ботирнинг тоза ғояларида қандайдир адабсизлик ва исён учқунлари сезади. Жалолиддин бир онда тож-тахт ҳуқуқидан маҳрум этилади. Юртнинг, катта давлатнинг истиқболи, тақдири ҳали кўзи

* Бу мақола ёзувчи Ойбек билан ҳамкорликда ёзилган.

юмуқ чақалоққа топширилади. Драматург тарихий васиқачиликка эмас, тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини бадиий тажассумлаштиришга интиланган. Ҳақиқатан, воқеалар жараёнида Хоразмшоҳ салтанатини ичдан кемирган, дармонсизлангирган ва уни фалокатларга ичдан тайёрлаган яширин кучлар, омиллар сирга бўртиб чиқади.

Жалолиддин валиаҳдлик тожини оддий қалпоқ каби олиб ерга қўяди. “Қошоналардан чодирни яхши кўрган”, қилич ва қалқон дўсти ўз сиймосида улуг инсоний фазилатларни тимсол этади.

У шунқорнинг қанотлари эрқдан, инсон учун ҳамма эҳтиёжлардан эрк баланд ва гўзалдир. У дейди:

— Киши туғилмайди бошда тож билан,
Туғилар эрқликка эҳтиёж билан.

Асарда Жалолиддин охиригача шу эрк ишқи билан ёнади. Ватан, эл эрки учун даҳшатли жанглар гирдобига киради. Унинг ватанпарварлиги тожу тахт, эътибор дағдағасидан озод, асл ватан ўғинининг фидокорлигидир. Бу онага меҳр каби самимий ва покдир:

Эл, ўлка соғ бўлсин, тож келиб кетар!

Мўғул отлари ватан гулзорларини топтаркан, эски тераклар қуларкан, Жалолиддин ўз ишқига — она-Ватанига содиқ қолади. Унинг учун бўйсунидан ўлим афзал: “Чинор синар — эгилмас!” Жалолиддин учун қурашда ягона куч манбаи халқ оммасидир. Халқ ҳам уни севади, ажойиб баҳодир, ақлли сардорнинг образида юртнинг саломатлигини, номус ва шарафини, қора бўрондан сўнг туғилажак ёрқин кундузни кўради.

Халқ қаҳрамони содда Элбарс паҳлавон билан Жалолиддин орасидаги муҳаббат, садоқат, ишонч беҳад жозибадор қувватга эгадир. Баҳодирлиги билан тарихда ўлмас ном, абадий сўнмас шон қозонган машҳур Темур Малик — Хўжанд мудофаачиси ҳам олижаноб мардона юрагининг бутун меҳри, ишончи билан ўз сардорига марбут ва содиқдир. Жанговар умрининг ҳар бир куни дostonларга сазовор Темур Малик ватан йўлида одамзод тоб бермас қийноқларга чидайди.

Чингиз Жалолиддиннинг темир иродасини синдиришдан ва жанг майдонларида рўйроғ, узил-кесил енишдан ожиз. Баландпарвоз шунқорни ўз қонли панжасига илмоқ ниятида қари тулки фитна тўрини кенг ёяди. Жалолиддин изини таъқиб этадилар. Енг учиди ханжарлар, гулдасталар ичида заҳарлар асл умрни кесишга муҳайё.

Жалолиддин образи асарда тўлақонли, жонли ва улугвор образдир. Сўзи, ҳаракати ва бутун сиймоси билан романтик кўтарилма руҳли баҳодир айни замонда ҳақиқий одамийлик хислатларидан баҳраманд. Унинг душманга нафрат билан қайнаган юраги содда чўпон найидан гоҳо эрийди. У дўстларини, яқинларини соғинади, юракни қандайдир гашлик ва ҳасрат билан тўлдирувчи тўшлар кўради. Синглиси Султонбегимни эркалайди ва унга ҳазиллашишдан завқланади ва ҳоказо.

Султонбегим сиймосида Шайхзода юят баркамол образ ярата билан. Ҳусн, ақл, жасорат, олижаноблик бу аёлда ажойиб гармоник бир кулл ташкил этган. Фалокатли кунларда она-Ватанни тарқ этмакка мажбур бўларкан, Султонбегим чуқур ҳасрат ва самимият билан дейди:

Гарчи эрдим Хоразм қасрига безак,
Бахтиёрман бу ерда қолсам канизак.

Султонбегим учун эри келтирган қути-қути безаклардан мўғул хароб этган гўзал Самарқанднинг бир парча гишти минг афзал. Бахтсиз Султонбегим умрининг яна бир трагедияси шундаки, унинг эри Бадриддин энг қабиҳ, олчоқ бўлиб чиқади. Бадриддин ватанпарварларнинг муқаддас ишига не-не хиёнатлар қилмайди! Чингизнинг этигини ялаб, унинг қонли кўлидан тож

киймакни умр ғояси қилган бу маккор ўз қолипига тушган кучли образдир. Бадриддин у даврдаги сарой доиралари ва киборларнинг ахлоқини, интилишини мукамал ифодалайди. Султонбегим нажот қирғоғини топади. Бу унинг баҳодир оғаси ватан, эрк учун жанг майдони. Ғўё севги, нашъа, бахт учун яратилган бу нафис Хоразм чечаги қилич яланғочлаб, отларда учади. Ғўзал, кўркам сочларидан баҳодирларнинг отларига айил ясашларини орзу этади. Ғўё оғасингил курашда бир-бирларини илҳомлантирадилар. Султонбегим шахсида ватан ва эл қизи образи чақнайди. Шайхзода катта, салмоқдор образлар ва характерлар яратган. Олим, тарихчи Насавий, пок виждонли доно олим асарга юксак, улуғ бир куч бағишлайди. Жалололиддин курашида ғўё қилич билан илм билан ҳаракат қилади. Бир қўлда қалам, бир қўлда қилич, қўлтигида китоб билан шаҳид бўлган донишманд қаҳрамонликка доир китобини батамом тугатишни келажак наслларга — бизга васият этади.

“Жалололиддин” драмаси композицияси пишиқ, драматик тўқинишларга бой бир асар. Воқеалар жонли ва шиддатли равишда инкишоф этилади. Интирига кучли, ўткир ва оригинал. Драма фикр ва ҳикматларга бой, баланд руҳли, бакуват шеър билан ёзилган. “Жалололиддин” талантили шоирнинг илк драматик асари. Шунинг учун, табиий, ҳамма картиналар, эпизодлар бир текис кучга, бадиий чуқурликка эга дейиш қийин. Лекин шуниси муҳаққақки “Жалололиддин” ўсаётган ўзбек драматургиясида, шубҳасиз, муҳим ҳодисадир. Ўзининг фикрий ва бадиий тўлқинлиги, юксаклиги жиҳатидан “Жалололиддин” бизнинг драматургиямизда юқори пояни ишғол этади.

“Жалололиддин” давримизга ғоят ҳамоҳанг. Улуғ Ватан уруши йилларида, халқларимизнинг қаҳрамонлиги мислсиз гуллаган даврда ботир аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билан тўлдирди, томирларда яловбардорлик туйғуларини мавжлантиради, қонли, чиркин фашизмни яқсон қилиш учун муаззам курашимизда янги зафарлар ва шонлар чўққисига илҳомлантиради. Жалололиддин халқ қаҳрамонлигининг ўлмаслигига, унинг зафарига чуқур ишонч билан “у кунга салом!” деярак, саҳнадан кетади. Хоразм баҳодирининг саломини зафарнинг улуғ кунига биз элтаётимиз.

Кўндан бўён узун умрли фикрий ва бадиий салмоқдор саҳна асарларини орзу қилар эдик. “Жалололиддин” бу орзуимизга жавоб беришга қодир. Шоир Шайхзодани, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драмтеатр ижодий коллективини бу ғўзал асар билан қутлаймиз.

1945 йил, 18 феврал.



Ғафур Ғулом замондошлари наздида

МАҚСУД ШАЙХЗОДА

ҒАФУРГА ХАТ

Олгимш йиллик умрнинг ҳаяжонларин,
Тўполонлар, ҳужумлар, қаҳқаҳаларин,
Кўприкларни, боғларни, чорраҳаларни,
Ғазабларни, меҳрни, сўз маржонларин —
Бир лаҳзада тарк этиб кўчдингми, дўстим?
Шаҳрининг рўйхатидан ўчдингми, дўстим?
Абдулғафур, мавлоно, шощдим зовталаб:
Хабарларми янглишган, йўқса қулоқлар!..
Ғафур Ғулом ва ўлим — қовушмаган гап,
Мисоли қиш ва райҳон, дашт ва булоқлар.
Ғафур Ғулом ва сукут — икки ёв лашкар,
Нукул урушаётган душман тарафлар.
“Хайр!” демай кетганинг не деганинг у?
“Тез қайтурман бемуҳлат!” деганингми у?
“Ўлим асли ўткинчи бир ҳодиса-ю,
Ҳаёт мангу бир ҳолат!” деганингми у?
Қайдан сени қидирай, адресинг қаер?
Кимдан сени сўрайин? Одамлар не дер?
Мангу элда эсдалик бўлсин деб мендан,
Бориб етгай бу хатим сенга дафъатан.
Оҳ, қардошим, оғажон, пири баркамол,
Қирқ йиллик бир дафтардир хотира хаёл.
Эҳ-ҳе, не-не кунларни кечирдик бирга,
Наҳот, улар барчаси чўкди қабрга?
Тинмас, толмас, жонпарвар кўз борди сенда,
Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда.
Ҳофизангда юз минг байт, ўн минг латифа,
Минг саргузашт, юз қисса, сонсиз саҳифа...
Мутойиба, ҳажвлар, панду танбеҳлар,
Яшин каби чақнаган кескин ташбеҳлар,
Ҳаммаси сенда эди ва сендан эди,
Идрокингдан, зеҳнингдан, кўксингдан эди.
Халқ дардига кўшилиб нола ҳам торгдинг,
Етимлар дийдасидан кўз ёшин артдинг,
Толе сени дўстлардан ажратган дамлар
Сен Ҳомиднинг¹ шу байгин дердинг серкадар:
“Эвоҳ, на ер, на ёр қолди,
Кўнглим тўла оҳу зор қолди!”
Аммо...

¹ *Абдулҳақ Ҳомид* (1851—1937) — буюк турк маърифатпарвар гуманист шоирларидан. Нозим Ҳикматнинг севикли устози бўлган. Келтирилган парча шоирнинг “Мақбар” номли марсиyasидан олинган.

Хулқан ўзгача манзиллар учун,
Туғилгандинг қулгилар, ҳазиллар учун,
Қувончлар, мулоқотлар ва тўйлар учун,
Қаламинг бағишлаган обрўйлар учун.
Курашларнинг қизигин, дабдбасини,
Муҳаббатнинг кўп асов жазавасини
“Ҳаёт” деган китобдан ўқиб олгандинг,
Чирой гулин чакканга тақиб олгандинг.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, кўп соғинтирдинг,
Ногоҳ кетдинг, шодликлар уйин ёндирдинг.
Гўё сенсиз ой эмас кўкда порлаган,
Гўё куёв эмас у тўйга чорлаган.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, азбаройи ҳақ.
Ҳали ўтмай тўқсон кун, шу заҳоти ёқ
Сенга айтар гапларим, ҳасратим чексиз,
Даврамизда ўрнинг бўш, кимсасиз, ўксиз.
Дардлар борки, замона унуттиради,
Учкун янглиғ ўчади бир он липиллаб.
Аммо шундай дард борки, куйиб туради
Ўрмондаги гулхандек доим ловиллаб.
Ҳа, йиллар сўлиб қолмас, тўхтамас қарвон,
Совимас шеъримизда ҳарорат — ҳовур,
Дўстларинг номинг билан йўл босар ҳамон,
Аммо юрмас сафларда иккинчи Ғафур.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, бир оз гаплашсак,
Бутунгидек Хадрадан тушиб Ўрдага,
Яёв юриб муздайин пиво ҳўплашсак,
Навоийнинг каломин солсак ўртага...
Ёри азиз, қайдасан, қайдан қидирай?
Ҳасрат тўлган хатимни қайга юборай?
Танафбус чўзилдимми? Вақт узилдимми?
Ё хазон нафасидан гул тўзидимми?
Қайдасан, эй қадим дўст, эшитгин мени!
Шаҳрингнинг менга аён бўйи ва эни.
“Арпапоя, I”данми ахтарай сени?
Йўқ, унда эгасининг ўчибдир уни.
Ё самода, жаннатда ётибсанми тинч?
Йўқ, у жойга бормаيسان чақирсалар ҳам.
Қаердасан, нидо бер, сенга шу ўтинч!
Қўнғилларни кемириб эзмоқда-ку ғам.
Ўлим шундай бир мулкки, султони жимлик,
Унда товуш чиқармай ётар фуқаро.
Қаро зулмат у жойда қилар ҳокимлик,
Шу туфайли ўлимнинг туғи ҳам қаро.
Оҳ, уфқлар куйчиси, сен ётган мазор
Қоронғу бир маскандир, эшиксиз ва тор!
Билмам, қандай чидайсан совуққа, ўртоқ?
Бош остида ёстигинг зил-қаттиқ тупроқ.
Йўқ, ўртоқжон, йўқ, дўстим, шоири аъзам,
“Чигатой”да кўмилиб кетмадинг ҳеч ҳам.
Адресингни англадим, адресинг маълум:
Адресинг юракларнинг айнан тўрида,
Шеърга қўл тегизма, йўқол, эй ўлим!
Шоирнинг соясидир ётган гўрида.
Ғафур, байтинг зарб бўлиб миллион дилга,
Сўзинг кўчар масалдек тиллардан тилга.

...Аммо, бежо бўлсаиди шу ғамгин шеърим
 Оҳ, нақадар бўлардим хурсанд ва хуррам,
 Агарда сен ноҳосдан (бўлсин деб ирим)
 — Қопқада гудок чалиб таниш машина, —
 Мента меҳмон кўнсаидинг бир оқшомгина.

1996 йил.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

СЕВИҚЛИ ШОИРИМИЗ

Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини меҳр-муҳаббат билан ўстирган, уни кўпмиллатли совет адабиёти майдонига олиб чиққан ёзувчиларимиздан биридир.

Севиқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ижодий камолоти саноатимиз, йирик қишлоқ хўжалигимиз, маданиятимизнинг яралиши, тараққий топиши, вояга етиши халқимизнинг моддий ва маданий ҳаётидаги мислсиз зўр ўзгаришлар билан боғлангандир.

Ғафур Ғулом поэзиясининг асосий мазмуни жамиятнинг муносиб аъзоси қилиб тарбиялаш, кишиларни инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашга илҳомлантириш, халқлар дўстлиги, халққа, Ватанга чексиз муҳаббат, дўшманга омонсиз ғазабдир.

Халқимизнинг кураш ва ғалабалари, республикамизнинг Шарқда машғал бўлиб қад кўтариши тарихда Ғафур Ғуломнинг назаридан четда қолган, унинг покиза қалбида олам-олам туйғулар кўзғатмаган; унинг ҳаминша соз ҳолда турган илҳом торларидан ажойиб мусиқий садолар чиқармаган ҳеч бир катта ё кичик ҳодиса йўқ. Ғафур Ғулом поэзияси ўқувчининг қалбига кириб боришига, у нима тўғрида куйласа, ўқувчи унга кўшилишиб куйлашига, шоирнинг ўзи кенг халқ оммасининг қизгин муҳаббатига сазовор бўлганлигига сабаб шу.

Ғафур Ғулом поэзияси — улуг ғоялар, рус адабиётининг ҳаётбахш нури билан камолга етди.

Ғафур Ғулом ижодиёти — зўр гулхан, унинг ҳар қандай кўриниши хилма-хил ёниш, яъни нур ва ҳарорат демакдир. Ғафур Ғулом поэзиясининг зўр кучи, жозибаси, кўзни қамаштириб юборадиган гўзаллиги шундадир.

Азиз асримизнинг азиз онлари
 Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
 Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
 Безамоқ чоғидир, умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Герастратдек¹
 Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
 Кўшларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
 Шу улуг бинога бир гишт қўйсақ бас.

Ғафур Ғулом ўзининг ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида “Шу улуг бинога” — жаҳонда энг илғор адабиётнинг олтин биносига олтин гиштлар қўйган улкан шоирдир.

¹ Г е р а с т р а т — қадим Юнон афсонасининг қаҳрамони, Герастрат ном чиқариш учун машҳур Диана бутхонасига ўт қўйган.

МИРТЕМИР

ЎТНАФАС...

Ғафур Ғулом тўғрисида айтилиши керак бўлган сўз ва хотира шу қадар мўл ва ранг-барангки, уларни бир эпақага келтириш, бир ипга чизиш учун вақт керак. Мен ҳар гал Ғафур Ғулом ҳақида ўйлаганимда юксак бир доvon қаршисига келиб тўхтаган йўлчидек ўзимни лол ва ҳайрон сезаман. Қаранг, йил кетидан йил айланиб кетаётибди. Вақт шундоғам югурыптики...

Худди тунов куни ё ўтган ҳафта нашриётдами, ёзувчилар уюшмасидами ёки дўст-ёр даврасидами у билан гурунглашиб, чақчақлашиб ўтиргандай бўламан, унинг суҳбати саратонда сой шабадасидай сарин, унинг билгичлиги кўз илгамас уфқ, ақли ва диди дарёдай тинимсиз, теран, шоирона, унинг кенгашлари доноларга хос, унинг умр йўли ўзи бир китоб...

* * *

Ғафур Ғулом қалам меҳнатида ўхшаши кам, ўтроқ, бедор, топағон дов инсон эди, дов шоир эди. Янги дунё шеърятининг бешиги бошида турганлардан бири, ўзбек шеърятини поғонама-поғона жаҳон минбарига кўтарганлардан бири Ғафур Ғулом бўлади. Унинг шундоқ шеърлари борки, улар ҳар қайсиси ўзича бир давр, бир дунё, бир кашф, бир санъат, бир чўққидир. Ғафур Ғулом етакчи шоир, устоз шоир. Унинг созида фақат Ғафурга хос жаранг, фақат ўзига хос авж, фақат унга хос барқ бор, йўсин бор. Шеърятда Ғафур Ғулом мактаби ҳам ҳозир саналган фазилагларнинг бирлик нуқтаси, авж нуқтасидир. Ҳа, филдай чўнг, чинордай чайир, чидамлиликда қайроқтош, билимлиликда аллома ва қаламкашликда шоири замон эди Ғафур оға! Ҳар қандай анов-манов тўрт қаламкаш бажаргудай асар тахлаб кетди-да! Тўрт қаламкаш зўрга бажаргудай шеър, ҳикоя, поэма, қисса, ҳажв ва таржималар, тагин очерклар, мақолалар, адабий ўйлар...

Эсда қолгулик, давр овози деса арзигулик шеърлар (ҳеч бўлмаса, “Соғиниш”, “Сен етим эмассан”, “Бизнинг кўчада ҳам...”, “Вақт” каби), ундан олдинроқ битилган “Кўкан”дек поэмалар, Машраб, Атоий, улуғ Навоий ҳақидаги мақолаларни эслайлик. Мен китобхон сифатида, оддий қаламкаш сифатида ёндошман, таҳлил эмас, тадқиқ эмас. Ҳа, асар талай, тахт-тахт. Ғафур оға тагин шунча асар яратиши мумкин эди-ю...

* * *

Қалбан бадавлат, маънавий дунёси бой одам эди Ғафур Ғулом. Суҳбати сахий, жондош, вақти-вақти билан ўзидан кичикларга керакли маслаҳатини аямаслик сингари фазилати бор эди. Нечоғлик кўнғилчан ва дилкаш бўлса, ўшанчалик ловуллоқ, ҳам ғазабли, ҳам қаҳрли эди. Ёш боладай ишонувчан, жангчидай беаёв. Ким бўлмасин, қусур ва нодонлигини юзига айтар ва ўзи ҳам, ўз навбатида камчилигини пайқаб қолса (одам камчиликсиз бўлмас эмиш), узр айтар, шундоқ мард ва ўзбаки танти эди. Унинг шу салобат, шу мақом авжида туриб, ўзидан кичиклардан илтижо билан кечирим сўраганларини кўрганман. Унинг шу салобат, шу мақом чўққисидан туриб, ўзидан кичиклар ижодини кўкларга кўтарганини биламан. Ғафур Ғулом катта адабиёт йўлига етаклаб чиққан қаламкаш оз эмас!

* * *

Мен Ғафур Ғулом билан талай гурунларда, тўйларда, йиғинларда, ҳашарларда (халқ қурилишларида), сафарда ва меҳмондорчиликларда бўлганман. У ҳаётни билар, одамларни билар эди, адаб ва удумдан тўла хабардор, шеваларни билар, қардош тилларни билар, туркман дуч келса — туркман, татар учраса — татар, Нозим Ҳикмат келса — турк, қозоқ рўбарў бўлса — қозоқ, тожик даврасида — тожик, Алексей Сурков кўриниб қолса ё меҳмон

бўлса — рус... Нечоғлиқ мунис, нечоғлиқ мушфиқ, дилкаш, ҳозиржавоб, хуштаб, хушчақчақ, ҳазилкаш (ҳаммаси ўз ўрнида), суҳбати қойилмақом, сидқидил дўст... “Сўзни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга” таъбири Фафур Гуломга, шубҳасиз, тегишли, тўла тегишли. У билан бир гал суҳбатдош бўлган кўноқ (ким бўлмасин) кейин ҳаммавақт суҳбатини кўмсаб юарди. Лекин ўринсиз ва ноҳақ унинг гашига теккан одам, ножўя, беваж уни камситган одам (ким бўлмасин) унинг газабига дуч бўлар, балоларга гирифтор бўлар, тавбасига таянар...

У қўйдаи ювош, кийикдай хуркак, лекин қаҳри қистаганда, (ё алҳазар!) ярали йўлбарсдай беомон... Не-не саёз, хашаки, таттихўр, адабиёт кошонасини булмамоқ ва текин ноҳонага айлангирмоқ қасдига тушпанларни Фафур Гулом шармисор қилгани рост гап. Адабиёт кошонасини муқаддас даргоҳдай кўриқлай ва ардоқлай олганларнинг бири Фафур Гулом экани рост гап.

* * *

...Шундай қилиб, Олмаотага Абай юз йиллигига келиб қолдик. Жаҳон уруши тутаб, мамлакат енгил нафас олаётган йиллар эди. Тўйлар, саналар тагин авжида... Поездан устоз Ойбек, Фафур ога, профессор Абдурахмон Саъдий, ва мен тушиб келдик. Биздан олдинроқ Ҳоди Зариф, Фозил ота келишибди. Бекатда бизни қозоқ ёзувчилари кутиб олди. Мухтор ога устоз Ойбек ва Саъдий билан овора бўлиб қолди. Собит ога тўғри бизга қараб келмоқда... Фафур Гулом йўл-йўлакай вагон деразаларидан яшил тепаларга, водийларга, сойларга тикилиб, хаёл суриб, ўз ўйларига фарқ бўлиб, ҳоргин ва қарахт тушаётганидан воқифман. У эҳтимол Турксиб қурилган йўлларни, йўл қурувчиларни, ботиларни эслаётгандир... “Бу йўллар кўп қадим йўллардир” сатри билан бошланувчи ўша оламшумул шеър — ахир шу йўлда ёзилган-ку! Ўйчан, индамас Фафур Гулом бекатта тушишданоқ бутунлай ўзгариб, ўз аслига келди-қолди. Мен аграйиб турардим. У тагин тетик, қувноқ, кўзларида ним кулги...

— Мен Фафур Гулом бўламан, — деди у ўқ узгандай дадил ва ифтихор оҳангида. Собит ога ҳам бўш келгани йўқ;

— Мен Собит Муқон бўламан, — деди у ҳам қарийб шу оҳанг, шу вазнда. Иккови биринчи кўришишдаёқ бир-бирини дилдан таниб олгани, қалин дўстлик шу лаҳзадан бошлангани эсимда. Икки алп қаламкаш, шу лаҳзадан бошлаб, икки қондош халқнинг иноқлиги ва жон аямас дўстлигининг қуламас ва ҳамиша тирик ҳайкаллари айлангани кўз ўнгимизда. Фафур ога ўз ўрни ва ўз салобатини теран фаҳм этган шоир эди ва бу унга гоаят ярашар эди. Собит ога ҳам худди ўшандоқ...

Кечкурун тоғ этагидаги ҳукумат боғида — ажойиб боғнинг кенг саломида бутун республикалардан келмиш меҳмонлар тўкин дастурхон атрофига тизилишиб ўтирар, меҳмоннавоз қозоқ дўстлар хизматда... Ҳамма сархуш... Ахир, қозоқ халқининг азамат фарзанди, алп шоирнинг юз яшар тўйига устоз Ойбек, Сергей Бородин, Аҳмад Яриқай, Сильва Капутикян, Россия ва Украина, Грузия ва Озарбайжон — ҳамма халқнинг қаламкашларидан бор. Фафур ога ҳам тўрда. Унинг иккинчи бўлиб қадаҳ кўтаргани ва қозоқ халқининг шарафига шеър бағишлаб, алёр айтгани эсимда: “Қазилик ва кўзилик, қизлик ва қимизлик қозоқ жигар соғлиги учун оқ ичайлик!” деди ва қаҳқаҳа янгроғи салон шифтида соз чалди.

Фафур Гулом шеърида доимо тutilмаган тимсол топганидай, лагифағўйликда ҳам ўта оригинал. Унинг ҳар лагифаси суҳбат мавзуига мос ва янги бўлар, дўстлар юмалашиб қолар эди. Уша биринчи оқшом суҳбат тонг отпунча чўзилиб кетди. Ҳамма бир-бирини соғинган ва дийдоридан рози, ундан рози, у гўё дўстларни сеҳрлаб қўйгану, ўзи ўз сеҳрини томоша қилар, айниқса, биз ўзбек ёзувчилари ҳақли равишда ўз Фафуримиз борлигидан гурурланардик. Устоз Ойбек ҳам, Ҳоди ака ҳам, Саъдий ҳам, борингки, мен ҳам.

Фафур ога ва Собит ога дарров дўстлашиб кетган эди, иккови деярли ажралмас, бирга ўтирар, бирга сайр этишар, суҳбат битмас, дастурхон атрофида ҳам ёндош. Завқу шавқ, қаҳқаҳа бир-бирига уланиб кетар, суҳбат кети газалхонлик — Абай шеърларини ҳар ким ўз тилида ўқир, кейин ўз

шеърларимизга навбат. Икки забардаст қаламкаш Гафур Гулом ва Собит Муқон дўстлиги нечоғлиқ самимий, нечоғлиқ беғубор, нечоғлиқ одамий, нечоғлиқ қўйма эканлигига ҳамма гувоҳ ҳозир. Собит оғанинг Гафурни излаб тез-тез Тошкентга келиши ва хонадонидан хабар олиши, қабрига бориши, ҳар гал кўзёшисиз эслолмаслигини ҳамма билади, кироийи дўстлик шундоқ бўлса:

* * *

Профессор Саъдий, Ҳоди оға, Фозил ота ва мен берироқда ўтирган эдик. Зиёфат авж пардаларда. Май ҳам хилма-хил, қимиз ҳам етгулик. Профессор сал қизигандан кейин алёр айтмоқчи бўлиб, ўрнидан туриб кетаверарди.

Маълумки, Абдурахмон Саъдий қирқ йилга яқин олий ўқув юртларида адабиётдан дарс ўқитган киши. Адабиёт ҳақида биринчи дарслик ҳам Саъдий қаламига мансуб. Ундан бўлак илмий ишлари ҳам талай. Абай ҳақида инқилоб бошларида ёзган тадқиқоти ҳам бор. Гафур Гулом уни ҳурматлар, ота-боладай қалин ва ҳазилкаш эди. Бу оқшом ҳам профессор қизиброқ қолган эди. Гафур оға тўрда ўтирарди. Бир кез дастёр қиз менга икки буклоғлиқ қоғоз ташлаб ўтди. Очиб ўқисам, Гафур оғадан: “Мавлоно Абдурахмон Саъдий Тибтарига айтинлар, хап ўтирсинлар”. Қоғоз араб алифбосида. Мен дарҳол қоғозни Ҳоди Зарифга узатдим. Ҳоди оға ўша замониёқ профессор жоловини қўлга олди.

Эргалаб Яриқай (машҳур татар шоири) бизга ёндошиб, (у ҳам сезгану ноқулай аҳволга тушган экан-да) Гафур Гулом ҳам эшитгудай товушда шундоқ деди:

— Абдурахмон абзи тугул, абдирган абзи.

Гафур ака изма-из жавоб берди шоирга!

— Абдираған бўлсаям, абдирмаған бўлсаям ўзимнинг абзийим.

* * *

...Улуғ Навоий юбилейига тайёргарлик кезлари эди. Москвадан Владимир Державин, Лев Пеньковский каби таржимонлар келишган-у, Навоий дostonларининг таржимаси бошланган эди. Лев Пеньковский, негадир, нашриёт билан келишолмай қолгани, қайтиб кетмоқчи бўлгани ўша кунийёқ Гафур оғага ҳам маълум бўлди. Ёзувчилар уйида Лев Пеньковский учраб қолди. Гафур оға уни излаб келган бўлса керак, дарров гап қотди:

— Вeдь ты — потомок Наваи, — Лев Пеньковский бир зумда ўзга тусда ярқираб кетди, оғзи қулоғида:

— Гафур ака величает меня потомком Наваи. Я останусь!

Шундан кейин Гафур Гулом ва таржимон бошлашиб нашриётга кетишди, шарт-шароит таржимон кўнглидагидек бўлди.

* * *

Гафур Гулом феълу атворида турланиб туриш ошкор эди. Шу зарралар — шу шингил хангомалар ўзи бир рисола бўла олади ва нақ Хўжа Насриддин номига боғлиқ латифалардек.

* * *

Жаҳон уруши тугай деб қолган йили эди чамамда. Гафур Гулом ёзувчилар уйида дуч келиб, бизни уйига олиб кетди:

— Арафа кунлари-ку, — деди у, — эрта-индин ҳайит келади. Биринчи январь ҳам бўсағада. Юринг, бир байрам шеърни ёзайлик, — деди у. Кетдик — Собир Абдулла, Уйғун ва мен. Қор шундоқ ёғмоқда, олам оқ шойи рўмолда. Қалин қор яхши кўклардан даракчи. Тўртовлон янги йил ва эртанги зафар ҳақида шеър ёзишга бел боғладик. Мазмун ва шакл аниқ. Рубоий. Албатта, Гафур оға онабоши. Аввал ҳар ким ўзича ёзиб, чизиб, тузатиб, кейин бир ишга тиздик. Аввал Собир Абдулла котиб бўлди ва у чарчаган маҳал котиблик менга ўтди. Гафур Гулом ҳаммага лақаб тўқиганидек, мени ҳам бу илтифотидан четда қолдирган эмас.

— Чўвир от, — деди менга, — адабиётимизнинг чўвир отисан. Кўчир, ула, қўш, оқла — эпақага келтиргин.

Учови толиқиб, ухлаб қолишди-ю, мен чўвир отлиқ қилиб, кўчирдим, оқладим, эпақага келди. Қангдек шеър бўлди. Янги йил кечаси мен тўртовлон номидан радиода ўқидим. Дарров кўнғироқ — дўст-ёрға маъқул. Эртаси “Қизил Ўзбекистон”да пайдо бўлди — ярқираб пайдо бўлди. Ўша шеър ҳам Фафур оға архивида бўлиши турган гап. Инонаман.

* * *

— Турсун ўғли, — деди бир кун ёзувчилар уюшмасида Фафур оға (янги дарёлар очилди — ҳашарлар авж йиллар эди-да), — сув ҳақида ёзганларинг дуруст. Лекин сен “Қонқус” воқеасини эшитганмисан?

— Йўқ, — дедим мен.

— Эшит бўлмаса.

Фафур оға, ўша оғир ҳикояни хўрсиниб-хўрсиниб айта кетди. Тили нақадар рангли, бадавлат. Қандоғам фожиали бир ҳаёт лавҳаси! Мен шу ҳикоя таъсирида “Кўзи”ни ёздим, унга маъқул бўлганидан кейин нашрга узатдим.

...Ҳали ҳам бор ўша ер,
“Қонқус” экан дашт номи.
Сўзлайди бўзлаб шоир,
Гоҳо суҳбат айёми.

Бу сатрлар ўша “Кўзи”дан Фафур оғага бағишланган сатрлар. У яхши тушунарди ва мен кўпчиликка ўқиганимда, маъқул дегандай бош силкиб жилмайиб қўйгани ёдимда.

Бир гал мен Хоразм ва Қорақалпоқ сафаридан қайтиб, ёзувчилар уйида адабий кечага қатнашиб қолдим. Кечани бошқариб ўтирган Фафур Фулом бир маҳал менга қараб:

— Турсун ўғли, — деди, — борми янги гап. Ўқи!

Мен минбарга кўтарилдим ва “Аму қирғоқлари” шеъримни ўқишга тушдим. Шеър тугаганда, бундоқ қарасам, Фафур Фулом қаршимда турибди. У менга кўл чўзиб, қутлади. Шоир учун бундан ҳам зўр дилдорлик ва илтифот бўлмас!

Фафур Фуломни унутиш қийин. У ҳақида қанча ёзсақ, тагин нимадир етмагандай. Нуқтага яқин келдим. Фафур Фулом етмиш ёшда. Унинг ҳали замон-замон яшашига ишончим комил. У ўзбек халқининг ўлмас ўғилларидан. Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллигида ўқиган марсиямда шу сатрлар оғага етиб борганини кўзларида чақнаган учқунларда кўргандим:

...Йўлбарсдай ўкириб келади яёв,
...Ўзингдай билагон, ҳақгўй, дил чўғли,
Ўзингдай дилкашу довқалб, беаёв,
Фулом оқсоқолнинг ўтнафас ўғли!

САИД АҲМАД

БИЛЛУР СИЁҲДОН

Фафур Фуломнинг ижоди авжи гуркураган, ўзи кучга тўлиб, фикри ниҳоятда тиниқлашган, бирйўла беш-олги асарга қўл уриб, завқ-шавқ билан ишлаган пайт. Ёзув столи, хонтахта, токчалар турли дугатларга тўлиб кетган.

“Фарҳод ва Ширин”нинг насрий матнини жони-жаҳони билан берилиб ёзган. У шу қадар берилиб ишлардики, гўё ёнида Навоий бобонинг ўзлари унга раҳнамолик қилиб тургандек эдилар. Хонтахтада Эрон ёзувчиси Козимийнинг “Қўрқинчли Техрон” романи. Таржима оёқлаб қолган. Бир зарб билан тугатса бўлади. Яна битта хонтахтада Шекспирнинг “Отелло”си. Театрдан ҳар куни “бўлдим” деб одам келади.

Гиладель шолчалар, полослар устида “Отелло”нинг турли тилларга қилинган таржималари. Театрлар саҳналаштирган нусхалар, инглиз, турк тилларидаги таржималар. Бунда энг мўътабар таржима Озарбайжоннинг машҳур шоири, драматурги Хусайн Жовиднинг маҳорат билан қилган таржимаси.

Боқуда махсус арман театри бор. Отелло ролининг жаҳондаги энг яхши ижрочиларидан бири деб тан олинган Папазян Ереван театридан бўш пайтларида шу театрда гоҳ озарбайжон, гоҳ арман тилида роль ижро этарди.

Шахса сифининг авж олиб, қама-қама бошланганда Озарбайжон адабиётига, санъатига ҳам қирон келди. Жовид қатағонга учради. Халқ душмани сифатида Сибирда отилди.

Афишалардан Жовиднинг номи ўқиб бўлмайдиган қилиб ўчириб ташланди. Инглиз Шекспир “Отелло”ни озарбайжон тилида ёзгандек бўлиб қолди.

Сиёҳдонга тушган чанг-тўзондан асаби бузилган Фафур аканинг иши юришмасди. Бир кунда қилиши керак бўлган ишнинг ярмини ҳам бажаролмасди. Ибн Сино: “Ҳавода чанг-ғубор бўлмаса, одам боласи минг йил яшаши мумкин”, деган экан. Агар сиёҳдонга чанг-тўзон тушмаса, Фафур Фулом бир кунда ўнлаб саҳифаларни ёзиб ташлаши мумкин эди. Аллоҳ: “Йиғлайман деган кўзга ёш бераман, ейман деган оғизга ош бераман” деган экан. Фафур Фуломнинг ноласи Худога етиб, украиналик бир шоир Фафур Фуломга ичига чанг кирмайдиган, тўнкариб қўйса ҳам сиёҳи тўкилмайдиган, ручка ботирадиган жойи ёнбошидан қўйилган бир сиёҳдон совға қилди. Фафур Фулом сиёҳдон совға қилган меҳмонга тўн, дўши кийдирди. Олдига тўкин дастурхон ёзди...

Ишлар юришиб кетди. Бир ҳудуди Қашқари Қалмоқ чўлларига туташган мамлакатнинг подшоиси Амир Умархон етишолмаган бахтга Фафур Фулом етишган эди.

Бир кун нонуштадан кейин Муҳаррам опа: “Битта ўрис сизни сўраб келти, отим Александр Николаев, рассом уста Мўмин десангиз, Фафур билади деяпти, нима қилай, кирсинми?” деб сўради.

Фафур ака югуриб эшик томон кетди.

Уста Мўмин Шарқ миниатюра санъатини мукаммал эгаллаган, қилқалам рассом эди. Насриддин Афанди латифаларига суратлар ишлаган, у яратган Насриддин Афанди қиёфаси Фафур акага бениҳоя маъқул бўлган эди.

У “Қўрқинчли Техрон”га расмлар ишлаб келган экан. Фафур ака расмларни кўриб, лол бўлиб қолди. Ўзбекистонда нашр қилинган китоблар орасида бу даражада санъаткорона ишланган безакларни аввал кўрмаган эди. Булар ҳайратга соларди.

Михаил Шолохов “Тинч Дон” ҳамда “Очилган кўриқ” асарларига ишланган расмларни ёқтирмасди. Фақат Орест Верейскийнинг расмларини китобга киритарди. Верейскийнинг чизган расмлари Шолохов асарларининг жонли саҳифалари эди. Булар романларининг тилга кирган, жонланган саҳифалари, деярди.

Уста Мўминнинг “Қўрқинчли Техрон”га чизган суратлари, безаклари романга жон ато қилган эди.

Фафур акага Папазян ижросида “Отелло”ни кўриб келишни маслаҳат бе-

ришди. Аброрни ҳам олиб кет, кўрсин, дейишди. Фафур ака Аброр Ҳидоятловнинг боришига қўнмади. Аброр Папазян ижросини кўрса, баъзи бир жойларига беихтиёр тақлид қилиб қўйиши мумкин эди. Аброр ҳозир тўлиб-тошиб бор вужуди билан Отелло кийёфасига кирган. У ўз Отеллосини мустақил яратиши керак, деди.

Фафур ака Бокудаги арман театрида Папазяннинг озарбойжон тилида ўйнаган “Отелло”сини кўрди. Бу беқийёс санъаткорнинг бутун жон-жаҳди билан жазавага тушиб қора Маврга айланишини ҳайрат билан томоша қилди. Ўша куни озарбойжон тилини мукамал эгаллаган ўзбек қизи Назира Алиева Папазян билан ёнма-ён туриб Дездемона ролини ижро этди.

Шундай қилиб, Назира Алиева буюк Папазян иштирокидаги “Отелло”да Дездемона ролини ижро этиш бахтига муяссар бўлган эди.

Ниҳоят, Ўзбек давлат академик театри “Отелло”ни саҳнага қўйди. Спектаклни кўриш учун келган минглаб одамлар билет топишолмасди. Аброр Ҳидоятлов — Отелло, Наби Раҳимов — Яго, Сора Эшонтўраева — Дездемона ролини ижро этишарди. Ўзбекистонга келган Англия парламент делегацияси “Отелло”ни ҳайрат билан томоша қилди. Театрнинг хотира дафтарида таассуротлар ёзиб қолдирди.

Улар Аброр Ҳидоятловнинг қўлини қисиб, ажойиб ижро билан қутладилар. Кавказ томоннинг Отеллосини Папазян яратган бўлса, Ўрта Осиёнинг Отеллосини сиз яратдингиз. Биз бугун эҳгироста тўлган, вужуд-вужуди билан рашк оташида ёнган қора Маврни шундоққина кўриб турдик. Сиз чинакам санъаткорсиз. Парламент сизга муваффақиятлар тилайди, деб унга миннатдорчилик билдирдилар.

Назира Алиева Бокуда таҳсилни тугатиб, Тошкентга келади. У Сорахоним билан навбатма-навбат Дездемона ролини ижро эта бошлади. У академик театрида Шекспир ҳамда Шиллер асарларида муваффақият билан роллар ижро этади. Театрдаги фаол ижоди учун “Ўзбекистон Халқ артисти” деган шарафли унвонга сазовор бўлади...

“Кўрқинчли Техрон” нашриётда ишга тушиб кетган. “Шум бола”ни ҳали тугатгани йўқ. Вақт-вақти билан менга айтиб туради.

“Фарҳод ва Ширин”га ҳам нуқта қўйилди.

Фафур Фулом ҳовли саҳнида у ёқдан-бу ёққа юрар экан, бир гапни айтди.

— Энди бас, таржима қилишни тўхтатишим керак. Таржима ёзувчининг мустақил фикрлашини тўхтатиб қўяди. Таржимада бировнинг фикрини қоғозга туширасан. “Шум бола”ни вақти-вақти билан сенга айтиб туришимнинг сабабини биласанми? Яйраб-яйраб ўз фикримни айтишни машқ қилдим. “Шум бола”га нуқта қўяман-у, шеър ёзишга ўтаман. Шеърни соғиниб қолдим, укам!

Ҳамма таржималарга нуқта қўйилган. Катта, кенг меҳмонхонани тўлдирган лугатлар, пьесаю романлар йиғиб олинган. Катта хонтахта устида биргина сиёҳдон қолган. Муҳаррам опа хонани супуриб, йиғиштириб қўйган.

Бир маҳал кўча тарафда одамларнинг ширакайф товушлари эшитила бошлади.

Фафур ака ўн чоғли меҳмонни эргаштириб, бирига пақирда олма-анор, нок, бирига қоңда сабзи-пиёз орқалатиб, бирига қовун-тарвуз қўлтиқлатиб кириб келяпти. Уларнинг кўпчилиги театр артистлари, Фафур акага эргашиб юрадиган ҳаваскор ёзувчилар. Олдинда яримта қўйни қоңга солиб орқалаб олган Саъди ака. Бу одам нашриётнинг кассири, Фафур аканинг маҳалладоши, қардон дўсти.

Иккита хўроз билан учта товукни оёғидан боғлаб, елкасига ташлаб олган Мирзаабдулла ака келяпти. У Фафур аканинг ён қўшнисини, унинг ўтинхонасидан майдонига туйнук очилган.

У шогирд болаларни эргаштириб, хўрозу товукларнинг патини юлдиргани майдонга олиб чиқиб кетди.

Бу шодлик, бу қувончларнинг сабаби бор эди.

Энг фаол ёзувчилар мукофот олган эдилар. Улар орасида Фафур Фулом,

Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Султон Жўра, Эминжон Аббослар ҳам бор эдилар. Фафур Фулом алоҳида, баланд даражали мукофотга сазовор бўлган эди.

Маҳалланинг темир ўчоғини олиб келишди. Саъди ака ҳафсала билан ошга уннаб кетди. Ош тортилгандан кейин “Отелло” репетициясида банд артистлар қайтиб кетишди. Аммо Фафур Фуломнинг тенглош дўстларидан дарак йўқ. Бир маҳал кўзлари қувончдан чақнаб Ойбек ака, Ғайратий домла билан Ҳомил Ёқублар кириб келишди. Ойбек Фафур акани бағрига босиб: “Оббо дўстим-ей, оббо гўлдайган-ей, маза қипсан-ку. Яша, арзийди, бундан катта мукофотга ҳам арзийсан, гўлдайган” — деди.

Ойбек битта сўзни яхшига ҳам, ёмонга ҳам айтаверарди. “Гўлдайган” сўзи унинг ҳам мақтови, ҳам сўккани эди.

Меҳмонларнинг кети узилмасди. Ойбек билан бирга келган дўстлари ҳали ичкарига кириб ўтиришмасдан меҳмонхона яна одамга тўлди. Радиодан, редакциялардан, академиянинг филиалидан, институтлардан келган дўстлари Фафур акани дил-дилдан табриклашарди. Бунақа пайтларда Фафур ака ўзини жуда “қўйиб” юборарди. У тоқчага эҳтиётлаб қўйган сиёҳдонни олиб кўз-кўз қилди:

— Ҳамманлар шу сиёҳдонга қулук қилинлар. Буни буюк Ломоносов ўзи учун ясаган. Нолаларим Аллоҳга етиб уни менга юборди.

Ҳамманинг кўзи сиёҳдонда. У электр нурида чақнаётганга ўхшарди. Ойбек сиёҳдонни қўлига олди. У у ёқ-бу ёққа айлантриб кўрди. Эҳтиёт қилиб тўнкариб қаради. Сиёҳ тўкилмади. “Зўр-зўр, қойил, бунақасини сира кўрмаганман. Муборак бўлсин, гўлдайган”, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Гурра кулги кўтарилди.

Фафур ака мўлжалдаги жами ишларини тугатган. Энг охирида “Шум бола”га ҳам нуқта қўйиб берган. Тоғни ағдаргандек беқийс зўр ишларни қилиб қўйиб, энди тойчоқдек гижинглаб кишнаб юрган пайтда, “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Совет ёзувчисининг қиёфаси ҳақида” деган имзосиз бир мақола босилди.

Ушбу мақола кўзгатган можаролар тўғрисида “Елкасини пайғамбарлар сизлаган шоир” деган каттагина мақоламда батафсил ҳикоя қилганман.

Уша мақолани ўқимаганларга тушунарли бўлсин учун уни қисқагина баён қилмоқчиман.

Турган-битгани тухматдан иборат бу мақоладан Фафур Фулом ниҳоятда газабланади. Кейинги икки йил ичида ёзган асарларини “Фарҳод ва Ширин”нинг насрий матнини, “Отелло” таржимасининг қўлёзмасини, “Кўрқинчли Техрон” романининг таржимасини, “Шум бола”нинг қўлёзмасини, Лермонтовдан қилинган таржимасини матбуотда тез-тез эълон қилиниб турган мақола-ларнинг қўлёзмаларини, шеърларини, ҳажвларини икки тугунда устига сиёҳдон билан ручкасини қўшиб Марказқўмга олиб боради.

Бундан бирон ой олдин Марказқўмдан Ёзувчилар уюшмасига телефон қилиб, Ўзбекистоннинг ўн беш йиллик тўйи муносабати билан халқлар отасига миннатдорчилик билдириб шеърий хат ёзинлар, деб тошшириқ берилган эди. Улар бу тошшириқни Фафур Фуломдан сир тутишди. Унга билдирмай шеърий хатни ўзлари ёзиб, биринчи котибга олиб чиқдилар. Шеърий хат муаллифлари орасида Фафур Фуломнинг номи йўқлигига биринчи котиб хайрон бўлади. У рўйхат тепасига Фафур Фуломнинг номини ўз қўли билан биринчи қилиб ёзиб қўяди.

— Билиб қўйинлар, ўзбек шеърятини Фафурсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Фафур Фуломни ёқтирмайдиган, мукофотдан умидини узган бу рақиблар мум тишлагандек оғиз очолмай қолдилар. “Ошга пашша тушди”, деб баттар ичлари куйиб кетди.

Фафур Фуломга қанча тошлар отилди. У тошлар қайтиб, отанларнинг ўз бошларига ёғилди.

Ойбек бир куни, “Фафур, сен мушуксан”, деди кулиб.

— Нега мен мушук бўлар эканман? Оғзинга қараб гапир, булбулигўё.

Ғафур Ғулом Ойбекнинг дудуқланишига ишора қилиб уни “булбул” деяётган эди.

— Орқангни пайғамбарлар силаган, самолётдан ташлаб юборса ҳам оёғинг билан ерга тушасан.

Ғафур Ғулом мўлжалдаги ҳамма ишларини тутатиб бўлди. Ошпоқ саҳарларда битилган саҳифалар каптардек наприётлар томон учиб кетдилар.

“Оттело”га эса томошабин ҳамон тирбанд.

Аброр Ҳидоятговдек полвон артист ҳам чарчаб қоляпти. Унга шерик йўқ, Навбатма-навбат рол ўйнашга тайёргарлик кўраётган Шукур Бурҳон бу беқийс артист билан беллашишга юраги дов бермай, репетицияни тўхтатиб, рол ўйнашдан воз кечди.

Ғафур Ғулом бахтдан энтикиб, ўзи айтганидек, талгайиб, янги бўшанган хотиндек енгил тортди. У шундай учиб-кўниб юрган пайтда ногаҳон уруш бошланди.

Фашист газандалари қанчадан-қанча шаҳарларни вайрон қилиб, одамларни ўққа туғиб, бўйсунмаганларни дорга осиб, кўксига найза санчиб, буғдойзорларни пайҳон қилиб, ёндириб вабодек бостириб келяпти.

Йшнаб турган мамлакат хавф остида. Ғафур Ғулом шундай пайтда бефарқ тура оладими?! Ғафур Ғулом-а?! Йў-ў-ўқ! У жону жаҳонини, онгини, талантини, нафратию газабини улуғ жангга сафарбар қилди. Шерълари шинел кийди. Ўзи жанглр бўлаётган жойларга жўнаб кетди.

Ўққа учиб ўлиб ётган она бағрида чирқилаб йиғлаётган чақалоқлар ҳар қандай бағритош — зол одамнинг ҳам юрак-бағрини ўртаб юборарди. Жонсиз онанинг қонга беланган муздек кўкрагини эмаётган мурғак боланинг кўзига боқиб, Ғафур Ғулом ич-ичидан йиғлади. Қон эмган чақалоқни кўтариб, бағрига босганда, илиққина бир вужуднинг титраётганидан сесканиб кетди. Оталик ҳисси тугёнга келди. Беихтиёр пичирлади. Унинг ич-ичидан шеърга ўхшаган нимадир тугилаётгандек эди:

Нега чўчиб тушдинг
 Мурғак тасаввур
 Гўдак хаёлинга
 Нималар келди?
 Балки Одесс даҳшати,
 Керчь фожеаси —
 Ёввойи махлуқлар,
 Қонхўр ваҳшийлар,
 Маммаси кесилган
 Шўрлик онанинг
 Пажмурда гавдаси
 Кўзинг ўнгида
 Бутун даҳшати-ла
 Акс этар энди,
 Онанг хўрландими,
 Отанг ўлдими,
 Сен етим қолдингми,
 Қайғурма, кўзим,
 Кўзим усти,
 Миннатинг бошимга дурра.
 Ота-онасининг
 Тайини ҳам йўқ,
 Сут кўр қилгур ҳароми
 Гитлер оқпадар,
 Фарзанднинг нелигин
 Қаердан билсин.
 ...Сен етим эмассан,
 Ухла, жигарим...

Ғафур Ғуломнинг фикру ёди туғилаётган шеърда эди. Фронтдан қайтишида бомбалар портлаган ўнқир-чўнқир йўлларда силкиниб кетаётган юк машинасида ҳам ёзаверди. Самолётда ҳам, поездда ҳам ёзишдан тўхтамади.

У Тошкентга келганида машина силкинишидан қинғир-қийшиқ бўлиб кетган қўлёмаларни оққа кўчирди.

“Сен етим эмассан” шеъри жаҳоннинг деярли ҳамма тилларида босилиб, дунёга тарқалди.

Ғафур Ғулом хотирасига бағишланган маросимда Тинчлик қўмитасининг раиси, атоқли шоир Николай Тихонов сўзга чиқиб, шундай деди:

— Америка Қўшма Штатларининг Президенти Франклин Рузвельт “Сен етим эмассан”ни ўқиб туриб, кўзёш тўкиб йиғлаганига ўзим гувоҳман...

Шунда устозим шаънига гулдурос қарсақлар янграб кетди. Бунга энди мен ўзим, Саид Аҳмад гувоҳман.

Туғилибоқ абадият эшигини қоққан Ғафур Ғулом юз йилдирки, Навоий бўлиб, Бобур бўлиб, Машраб бўлиб, Насриддин Афанди бўлиб яшаяпти. Юз йилдирки, салафлари иззатини ўрнига қўйиб, ўз услубига содиқ қолиб, фақат ва фақат Ғафур Ғулом бўлиб ижод қиляпти.

Этагини қоқса кулги тўкиладиган, кирган хонадони чироқ ёққандек бирдан ёришиб кетадиган, бутун вужудидан самимийлик, бегуборлик ёғилиб турган, нурга, қувончга, файзга, муҳаббатга омухта бир сиймо кўз олдингизда пайдо бўлади.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

МЕҲРИБОН КАМПИР ВА УЯТЧАН ЎҒРИ

Атоқли шоир ва жамоат арбоби Ғафур Ғуломнинг ижод жараёни Шўро замонининг мураккаб ва тазйиқли сиёсати остида кечди. Ғафур Ғулом ҳеч шубҳасиз улкан истеъдод соҳиби. Унинг шеърлятида арслон наърасига ўхшаш гулдураран қудрат бор, гоят теран фалсафа бор. Шоир энг оддий воқеа ҳақида ёзганида ҳам қамрови ниҳоятда кенг фалсафий умумлашмалар қилишга қодир. Ғафур Ғуломни ҳар жиҳатдан тўқис, орзусига эришган ижодкор деса бўлади. Унвонлар, нишонлар, давраларнинг тўри, элнинг эрка шоири... Айни пайтда бу бетакрор санъаткор занжирланган шерни эслатади. Ҳар бир сатрни ёзаётган, елкаси оша кузатиб турган таҳдидли қора кучни ҳис этиб тургани сезилади. Шернинг наъраси орасидаги ингрок изтироб садосини биров эшитиб, биров эшитмаслиги мумкин. Бироқ шоирнинг ўзи буни теран ҳис этгани шубҳасиз.

Албатта, Ғафур Ғулом биринчи навбатда — шоир. Зўр шоир! Шу билан бирга унинг насрий асарларини ўқиган китобхон адибнинг ичакузди

ҳажвияларида, завқ билан ўқиладиган ҳикоя ва қиссаларида аллома истеъдодининг яна бир қиррасини топади. Буларнинг кўпчилиги Вақт синовидан ўтган ва яна узоқ яшайдиган асарлардир. Менимча, Ғафур Ғулом айнан насрий асарларини ёзаётганда елкасидан босиб турган юкдан халос бўлгандек туюлади. Қалби буюрганча, хоҳласа кулиб, хоҳласа истеъзо қилиб, хоҳласа йиғлаб қалам суради. Уларда ижодкор халқ ҳаётини, халқ тилининг минг бир жилосини мукамал билиши аниқ кўринади.

“Шум бола” қиссасини олиб кўрайлик. Аслида бир етимнинг аянчли қисматини тасвирловчи бу асар қандайдир “муғомбирона” табассум билан ёзилган. Қиссани ўқиётган ҳам куласиз, ҳам изтироб чекасиз. Ақалли бозор манзараларини олинг. Ўзбек бозорини шу қадар ишончли, шу қадар теран тасвирлаш учун айнан Ғафур Ғулом бўлиш керак. Бозор шовқини, “оби худойи” деб текинга сув ташитган савобталаблар, “муздек айрон” деб ҳайқираётганлар, “ё оллоҳ дўст, ё оллоҳ” деб зикр тушаётган

қаландарлар — ҳаммаси худди кино тасвиридек кўз ўнгингизга келади. Кўмир саройи олдидаги майдонда “от-ўйин” томоша қилаётган Шум боланинг ҳолатини эсланг. Бола қўйнидан анор чиқариб, иккига бўлиб ейди. Анор суви кўйлагига оқиб тушади. Шунда боядан бери тантанавор ғартиллаётган карнай ҳам, нола чекаётган сурнай ҳам ўзидан-ўзи сусайиб, овози виқирлаб чиқа бошлайди. Нордон анор еяётган болани кўриб оғзи сув очиб, сурнайи сўлакка тўлган кўса сурнайчи “ғийқ” этиб сурнай овозини ўчиради ва дағдаға қилади: “Ҳой, қизталоқ бола, чиқ даврадан, анорингни бошқа жойга бориб е!” Бунақа манзарани “ичидан тўқиб” тасвирлаш мумкин эмас. Ҳатто кўриб тасвирлаганда ҳам ишончсиз чиқиши мумкин. Бунақа манзарани киши шахсан ўзи бошидан ўтказиши керак! Шум бола муаллифнинг ўзи эканлиги аниқ. Бироқ халқ турмушининг икир-чикирларигача бу қадар аниқ равшан тасвирлаш ва энг муҳими — асар тўқимасининг ич-ичига сингдириб юбориш учун ўз бошидан кечирishi эмас, катта, жуда катта истеъдод керак!

Ғафур Ғулом асарларида макон ва замон тушунчаси бениҳоя аниқ. Адиб бир оғиз сўз билан ўз қаҳрамонининг бутун биографиясини тасвирлаб қўйиши мумкин. Бир сўз билан бутун бир даврга баҳо бера олади. Бунга унинг талай насрий асарлари мисол бўла олади.

Менга қолса, адиб ҳикоялари орасида “Менинг ўғригина болам” энг забардаст асарлардан бири, деган бўлур эдим. Ҳикоянинг фазилати шундаки, унда ўзбекнинг олами мана-ман деб кўриниб туради. Бир қарашда бу асар машҳур адиб О’ Генрининг “Ҳамдарлар” ҳикоясини ёдга солгандек бўлади. О’ Генри ҳикоясининг қаҳрамони — ўғри. Ғ.Ғулом ҳикоясининг қаҳрамони ҳам ўғри. Ҳар иккала ҳикояда ўғри билан уй эгаси апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бироқ Ғ.Ғуломнинг асарида бошқа бирон халққа ўхшамаган ўзбекнинг олами ярқ этиб кўринади. Нар и борса шапалоқдек келадиган бу ҳикояда қанчадан-қанча дард бор. Ғалати бағрикенглик бор. Уқувчининг қалбини илтиб турадиган нур бор!

Шундай қилиб, куз кечаларининг

бирида саксондан ошган кампир бу бевафо замоннинг кулфатларидан уйкуси қочиб, нос чеки- и-иб ўтирибди. Турмуш ночор. Вояга етмаган тўрт етимнинг қисматини ўйлаб оғир халларга чўмган. Буни қарангки, шу пайт томда ўғри пайдо бўлади. Бошқа жой қуриб қолгандек, айнан кампир рўпарасига келганда аксириб юборади. Кампир носини туфлаб ташлаб, унга дашном беради. “Ўғригина болам, касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими?” Ўғри ҳам томдан туриб кампирга дашном беради. “Бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тирикчилигимизни йўлини тўсаверасизми?”

Шу тариқа гап-гапга уланиб, кампир тўрт етимнинг келажagini ўйлаб эзилаётганини, ўғри эса, замон оғирлашиб, ишсиз қолганини, иккита боласи, хотини, қари онасини қандай боқишни билмай шу йўлга кирганини айтади. Кампир бу хонадонда ҳеч вақо йўқлигини айтиб, ўғрига Каримқори, Одилхўжа, Матёқуббой деганларникига боришни маслаҳат беради. Ўғри бу маслаҳат жўяли эканини, аммо ўша бойларникига боргудек бўлса қўлга тушиши аниқлигини айтиб, ҳасрат қилади. Кампир унга чин дилдан ачинади. “Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл, эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин!”

Кампир нима қилиб бўлса ҳам ўғрининг ҳолатини чиқаришни ўйлайди. “Қуллуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам... Ошхонада битта — ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик... Шундоқ катта, гуркираган хонадонда мана шу тўртта етим қолиб турибди. Э-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кетақол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам...”

Ўғрининг жавобини қаранг! “Йўқ, йўғ-е, буви, ёмон ният қилманг. Ҳаҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади... Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин!”

Қизик, кампирнинг ўзи-ку “қоққанда қозик, останда хурмача” бўлиб ўтирибди. Аммо ўғрининг “қуллуғ уйдан қуруқ кетиши”ни хоҳла-

майди. Ўғрининг жавобини қаранг! Оиласини боқолмай эгри йўлга киришга мажбур бўлган одам кампирга далда бераяпти. Етим ҳақини олишдан бош тортяпти!

Кампир ўғрига ошхона ёнидаги тутдан сирғалиб тушиб, бир вақтлар боғдан келган ёнғоқ тўнқадан тараша учириб беришни сўрайди. Мақсад қумғон қўйиб, чой қайнатиб, уйдаги бор-йўғи иккитагина зогоранинг бирини баҳам кўриш. Ўғри бу таклифга кўнмайди. “Йўғе, буви! Тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жудаям юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уялам!”

Шу ўринда, айнан мана шу паллада ўзбекнинг олами ярқ этиб очилади! Кампир шу қадар бағрикенглик, борини шу бечора билан баҳам кўргиси келади. Ўғри шу қадар андишаллик, кампир уни таниб қолишидан уялади. Шу қадар инсофлики, етимларни қақшатадандан кўра оч ўтиришни афзал кўради!

Ўқувчи ҳар иккала қаҳрамонни яхши кўриб қолади. Ҳар бир сўзига, ҳар бир имосига ишонади. Уларга беихтиёр ҳамдард бўлади ва ҳатто ҳаваси келади! Бундай вазиятни шу қадар қутилмаган йўналишда тасвирлаш учун катта, жуда катта ноёб истеъдод керак!

Ғафур Ғулумда эса бундай истеъдод мўл-кўл эди...

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

“ШУМ БОЛА” МАФКУРАВИЙ-СИЁСИЙ ТАЗЙИҚ ВА РУҲ ЭРКИНЛИГИ

Шеърят устивор бўлган ўзбек мумтоз адабиёти айна пайтда беш асрдан буён жаҳонни ҳайратга солиб келаётган “Бобурнома”дек шоҳ насрий асарни берган. Янги замонавий миллий ўзбек насрининг туғилиш-шаклланиш жараёни ҳам жаҳон адабиёти тарихида ноёб ҳодиса. Жаҳоннинг кўплаб халқлари адабиётида замонавий насрнинг шаклланиш жараёни қирқ-эллик, ҳатто юз йиллаб давом этган. Янги ўзбек насрининг илк намуналари XX асрнинг 10-йиллари ўрталарида пайдо бўлган. Айна ўша кезлари “Жувонбоз”, “Улоқда” каби илк ҳикоялари билан майдонга чиққан Абдулла Қодирий орадан беш йил ўтар-ўтмас — 1920 йили “Ўткан кунлар”дек нодир романи, “янги давр адабиёти, Европа адабиёти вази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асар”ини (А.Қаҳҳор) ёзиб тугатди. “Қурбони жаҳолат”, “Доктор Муҳаммадёр” каби ошқора ташвиқий-тарғибий характердаги ҳикоялар муаллифи Чўлпон салгина фурсат ўтиб “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Килеупатра”, “Новвой қиз” сингари ҳам реалистик, ҳам модернистик йўналишдаги беназир ҳикояларини яратди.

30-йиллар умуман маънавий-бадий тафаккур ривожига бўлгани каби сўз санъати тарихидаги энг чиркин, қора кунлар саналади. Бу даврга келиб тоталитар режимнинг адабий сиёсати энг авж палласига кўтарилди, тарихда мисли кўрилмаган ҳодиса — шўро ёзувчилари амал қилиши лозим бўлган ижодий метод — социалистик реализм қоидалари режим раҳнамолигида ишлаб чиқилди. Бадиий ижод учун сув билан ҳаводек зарур нарса — фикр эркинлигига ёвузларча тажовуз бошланди, ҳамма ижодкорларни фақат бир йўлдан боришга мажбур этилди, воқеликка фақат ҳукмрон мафкура асосида синфий-партиявий ёндашиш барча қалам аҳли учун қатъий қоида этиб белгиланди. Шу тариқа мустабил режим адабиётни ўзининг мафкуравий қуролига, адибларни эса ўз дастёрига, режим гоялари ва сиёсатини тарғиб этувчи “карнайчи”ларга айлангиришга тиришди. Бу ҳол адабиёт тарихида кўплаб истеъдодли адиблар ижодий қисматида ўта ноҳул из қолдирди. Энг ёмони, ижодий тафаккурни тушовга солиб қўйди, шахсий ташаббусни бўғди, санъатдан йироқ бир

қолидаги ўта сиёсатлаштирилган, мафкуралаштирилган юзаки асарларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Бундай сиёсат кўплаб шафқатсизликларга, қатагонларга йўл очди, адабиёт ривожини ҳар жиҳатдан хавф остида қолди.

Бадиий ижод, адабий жараён шундай сирли-сеҳрли ҳодисаки, унда тасаввурга сиймайдиган, қутилмаган ҳоллар юз бериши мумкин. Тоталитар режим адабий сиёсати қутуриб таҳдид солиб турган ўша кезларда, гарчи бундай зуғум, тазйиқлар адиблар ижодий тақдирида чуқур асоратлар қолдирган бўлса-да, чин истеъдод эгалари машъум замонда ҳам ўзлигига, кўнгил эркинига содиқ қолиб режим қолипларига сиймайдиган юксак санъат намуналари яратганликлари чиндан-да ҳайратомуз ҳодиса. Машъум 30-йиллар шароитида дунёга келган “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Сароб”, “Шум бола” каби ўлмас қисса ва романлар, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари қутилмаган бадиият мўъжизаларидир. Булар орасида, айниқса, “Шум бола” қаҳратонда қулф уриб туллаган бодом, Чўлпон ибораси билан айтганда, қор қўйнидаги лола янглиғ кишини ҳайратга солади. “Кеча ва кундуз”, хусусан “Сароб” ва “Қутлуғ қон” да-ку муайян даражада онгли тарзда замонга, сиёсат билан ҳисоблашиш, қандайдир “муроасага бориш” ҳолатлари бор. Бироқ, муаллифлар улкан ва ноёб истеъдод эгалари бўлганликлари туфайли уларнинг қалб тубидаги, “онг ости”даги ноёб туйғу — руҳий эркинлик охир-оқибат мафкуравий тазйиқ таҳдидлар асоратларини енгиб ўтиб, адибларни чинакам бадиият манзиллари томон етаклаган. “Шум бола” да эса бутунлай ўзгача манзара; адибнинг 30-йиллар ижодида — шеърлятида, публицистикасида, ҳикояларида, қолаверса, “Нетай”, “Тирилган мурда”, “Ёдгор” қиссаларида учрайдиган айрим “замонасозлик”дан асорат ҳам йўқ. Мана шундай замонга сиёсатга мутлақо бўйсунмаган шум табиат, ўжар, асов бир руҳдаги асарнинг қатагон сиёсати энг авжига чиққан 36—37-йиллари матбуотда пайдо бўлиши мислсиз ҳодиса!

“Шум бола” воқеалари XX асрнинг 10-йиллари ўрталарида, биринчи жаҳон уруши бошланган кезлари — бор-йўғи беш-олти ой ичида кечади. Шўро ҳокимияти йилларида шаклланган, аниқроғи, шакллантирилган тасаввурга кўра, бу даврда халқ орасида синфий зиддият, курашлар авж олган, меҳнаткаш халқ инқилобий руҳ билан яшаган, инқилобга тайёр турган халқ орасидан етук инқилобчилар етишиб чиққан; табиийки, ўша давр ҳақидаги ҳар бир асардан биринчи галда ўшандай тасаввурга мос ҳодисалар ифодаси талаб этилган. “Шум бола” да эса тамомила бошқа, бунақа тасаввурларга зид манзараларга дуч келамиз; бу ерда синфий зиддият, курашлар, бой ила хизматчи тўқнашувлари, инқилобий руҳдан нишона ҳам йўқ; қиссада бирорта ҳам синфий кураш, инқилоб ҳақида ўйлайдиган кимсани, у ёғини суриштирсангиз рисоладагидай “ижобий қаҳрамон”ни кўрмайсиз; асар воқеалари асосан бозору такяхонада, кўча-кўйларда, қир-адирларда, руҳоний эшонлар хонадонидида ўтади; одамлар бою камбағал, савдогару косиб, домла, эшон, деҳқон, ўзбегу қозоқ — барчаси ўзларининг кундалик тирикчилик ташвишлари билан банд. Қиссада қаламга олинган халқ ҳаётининг бир қарашда унча муҳим бўлиб туюлмаган фаройиб лавҳалари — бозор ҳангомалари, ҳар хил томошалар, киссавурлар базми, кишиларнинг интим ҳаёти, тантиқ эшон оғимнинг чучмал кўнгил очишлари, ўйнашларнинг дийдорлашуви, кўча-кўйда тенгиб юрган жиниларнинг кулиги қилиқлари, аза-дафн ташвишлари, такяхонадаги васваслар, Шум бола шумликлари — буларнинг барчаси, бир чеккаси, ўша кезлари авж олдирилган сиёсатбозликдан задал бўлган кўнгилларга ором, ўзгача кайфият бахш этади, озгина бўлсин замонга ташвишларидан хаёлни четга тортгандай бўлади.

Бироқ сирдан қараганда шундай. Аслида шунчаки ҳангома, олди-қочди саргузаштлардан иборатдай туюлган тасвир замирида жуда муҳим ва теран инсоний, ижтимоий маъно мужассам. Гўё бу қисса қолипларга тушмайдиган бебош ҳикоя тарзи билан ўша кезлари яратилган сохта сиёсий-мафкуравий асарларга ўзига хос киноя-пародия каби туюлади. Бир қарашда хаос, тасодифий, тартибсиз, айқаш-уйқаш туюлган ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташланса, улар орасида чуқур ички мантқиқий боғланиш, қандайдир

яхлитлик борлигини англаб етасиз. Қиссада ўша давр халқ ҳаётининг ҳаққоний манзараси билинган, халқ турмуши жамики қирралари, икир-чикирлари, турли бўёқлари билан кўз олдингизда тавдаланади, ҳодисалар сурони эса қулоғингиз остида гувиллаб, гуркираб акс-садо бериб туради. Адиб бамисоли ўзини ҳодисалардан четга олиб, бош қаҳрамони — Шум бола панасида туриб бу фоний дунёнинг телба-тескари ишларини, Озод Шарафиддинов ёзганидай, юқоридан хиёл кулиб, беписанд кузатиб боради. Шунчаки ҳазил-мутоиба, ҳангома, арзимас олди-қочди, тасодифдек кўринган ҳодисалар бамисоли чақмоқдек ярақлаб, фикрингизни алғов-далғов қилиб юборади.

Адиб бир неча ўринда латифанамо воқеалар орқали ўзини билмаганга олиб, сезилар-сезилмас бир тарзда даври учун жуда жиддий, қалтис, тузумнинг, жамиятнинг қитиғига тегадиган гапларни айтади. Қисса бошида Тошкентда жиннилар кўпайиб кетгани ҳақида сўз боради, жинниларга доир бир неча латифалар келтирилади. Хўш, Гафур Гуломдек улкан адиб жиннилар ҳақидаги латифани асарга нега киритди? Мақсад — жиннилар устидан қулишми? Асло! Ўша латифалардан бирини эслайлик. Бир жинни кўчада кетмон дастаси билан ўтган-кетганни қувлаб, уриб-сўкиб “Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб юрма! Тартиб керак, интизом керак... Нимага одамлар бир томонга юрмасдан, ҳар қаёққа тарқалиб юради? Николай пошшо замонида тартиб-интизом керак, бир томонга юрсин-да!” дейди. Бошқа жинни унга шундай жавоб бериб: “Ер ахир тарозига ўхшаган нарса бўлади, ҳамма бир томонга юрса, ер барқашдай бир ёққа оғиб, ҳаммамиз Курдум дарёга фарқ бўлиб кетамиз-ку”, — дейди.

Хўшёр китобхон жиннилар тилидан айтилган бу латифанамо гапларда жиддий, ўта қалтис маъно борлигига — гап Николай пошшо замони эмас, балки барчани бир йўлдан бир томонга зўрлаб юргизиш сиёсати кетаётган шўролар даври устида бораётганини сезади. Бу фикрни адиб онгли равишда ўтказганми ёки бу ҳол бехос “онг ости” шуури, руҳ эркинлиги ҳосиласими, бундан қатъи назар, барибир, айтилган сўз — отилган ўқ, у айна нишонга теккан; бундай зўравон сиёсатнинг хунук оқибати ҳақидаги огоҳлантиришлар ҳақ бўлиб чиққанини, ҳаммани бир йўлдан бир томонга калтак билан зўрлаб юритиш туфайли ҳаёт посонгиси ост-уст бўлиб кетганлигини бугун кўриб-билиб турибмиз.

Асардаги киноя-кесатиклар билан йўғрилган аломат комик саҳна — қаландарлар раҳнамоси, халққа фақат муқаддас исломий ҳақиқатни етказишга даъват этилган диний-исломий уламо Тошкентнинг, Тошкентнинггина эмас, бугун Ўрта Осиё музофотининг воизи Кўса Маддоҳнинг оломон олдида мустабид “оқ подшо Николай Соний Романов ҳазратлари” сиёсатини оқлаб, унинг шаънига ҳамду санолар ёғдириши, халқни унга итоатга чорлаши, бундай мунофиқона ваъзнинг сафдош-жарчилари томонидан “хув-хув”лаб қўллаб-қувватланиши асар ёзилган кезлардаги қатағон сиёсатини оқлаб чиққан мунофиқ зиёлилар хатти-ҳаракатига ишора эмасми?!

Қиссадаги оммавий саҳналар, оломон талқини ҳам ўзига хос, хийла қалтис. Бир эмас икки ўринда “бетизгин, бебош оломон”нинг онгсизларча ҳамласи туфайли мутлақо беғуноҳ бандалар ҳалок бўлади. Аянчли жиҳати шундаки, кимларнингдир куткуси, билиб-билмай қилган қилмиши туфайли шу гуноҳ ишда иштирок этганлар қилгиликни қилиб кўйиб, ўзларини билмасликка оладилар.

Қиёфасиз оломонга хос субутсиз ваҳший куч ваҳшати ифодаси “Ўткан кунлар”да ҳам бор: кечагина Азизбек қаршисида бир томчи қони қолгунча йўлингизда жон берамиз, деб онг ичган ва бу аҳдида қаттиқ туриб уни ҳимоя қилган оломон орадан сал фурсат ўтиб бошқа бир вазиятда унга қарши кўзголади, “севиқли” бекни тахтдан қулатади, ўша “садоқатли” оломоннинг талаби билан Азизбек икки оёғидан арқон билан боғлаб отнинг човига судратма илинади, ана шу “садоқатли” оломон Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишини ҳузурланиб томоша қилади.

XX асрнинг 80-йиллига келиб, улкан шоиримиз Абдулла Орипов “Оломонга” шеърида чексиз ҳасрат, афсус-надомат билан:

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
 Нечун томошага бунчалар ўчсан?
 Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
 Қачон халқ бўласан, сен эй — оломон?! —

деб ёзади.

Бу сатрлар “Шум бола”даги ҳасрат, афсус-надоматларга тўла биргина “Оломондан ўргилай” деган жумлага нақадар ҳамоҳанг!

XX аср миллий адабиётимизнинг уч босқичидаги миллат қисматига оид бир оғир дард ҳақидаги учта нидонинг бири улуг адиб Фафур Гуломга дахлдор эканлиги тасодифий эмас.

Қисқаси, қисса бошдан-оёқ замона зайилларига шу хилдаги ишора, киноя-кесатикларга тўла.

Шахс — персонажлар талқини жиҳатидан ҳам “Шум бола” ўз давридаги анъанавий асарлардан кескин фарқ қилади. Аввало қиссадаги ҳар бир персонажни адиб ҳаётдаги ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ўта самимият билан холис кўрсатади; бой, камбағал ёки руҳонийни улар мансуб бўлган ижтимоий табақанинг умумлашма типик вакили эмас, балки биринчи галда инсон — индивид сифатида беради; Сарибой, Домла, Сарроф ҳинди, Ҳожи бобо, Султон киссавур — барчаси зиддиятлари, инсоний ожизликлари, фелъ-атворидаги мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолича тақдим этилади. Ашаддий ўғри Султон киссавур айни пайтда мард, танги, инсофли одам; хасис, худбин, қиморбоз, маишатпараст Сарибой табиатан инсонийликдан бегона эмас, катта хонадонини ташлаб бошқа бир ёш хотинга уйланиб олиб айш-ишратга берилиб кетган бу одам хонадони, севикли ўғли ҳақидаги шум хабарни эшитганда хушдан кетиб йиқилади, афтодаҳол бўлиб асл макони — хонадонига қайтади.

Асл исми пинҳон тутилган қиссадаги бош персонаж — Шум бола ҳеч қанақа қолипларга тушмайдиган адабий қаҳрамон. Унда она тилимиздаги “шум” сўзининг ўта шўх, бебош, ўзбошимча, айёр, қилвир, қитмир, тўполончи, ҳам нодон, ҳам топқир, ҳам анқов, ҳам қув, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан омон чиқиб кета оладиган шаддод шахс каби ўнлаб маънолари мужассам. Салкам ярим йиллик саргузашти давомида унинг кирмаган кўчаси, қилмаган иши қолмайди; қайси ишга қўл урмасин, қайси кўчага кирмасин охири вой бўлиб чиқади; поччасининг қушларига қарайман деб уларни ҳаром ўлдиради, қассоблик қилиб мол ўрнига эшак сўяди, ғассол бўлиб майитни бошидан жудо этади; қаландарлар сафига кириб бошда эшон ҳазратлари эътиборини қозонади, зикр тушиб ҳаммани лол қолдиради, мунофиқ эшон гапига кириб ўғрилиқ қилади, биргина ножўя қилғилиғи туфайли оқ қилиниб хонадондан бадарга этилади; Сарибой билан гап талашиб, уч ёлғонда қирқ ёлғон маталига амал қилиб бойни ўз чўпчагига лаққа ишонтиради, охири ёлғонлари фош бўлиб, бу даргоҳдан ҳам қувилади... Ниҳоят, такяхонада узокроқ кўним топади-ю, барибир бир хилдаги “осойишта”, зерикарли муҳитга сиғиша олмай бу ердан бош олиб кетади. Унинг бу хилдаги кўнимсиз, дарбадар, бетайин ҳаёти, гаройиб саргузаштларида ҳам ҳаётга, замонасига, одамларни, миллат зурриётини ўз ҳолига ташлаб қўйган келажаги нотайин, мақсадсиз тузуму тизимга ўткир киноялар бор. Аслида мактаб кўрган, хат-саводли, ўта зеҳнли, ҳам диний, ҳам дунёвий билимларга чанқоқ 14—15 ёшли йигитча ҳаётда ўз ўрнини, ўз йўлини, қилар ишини тополмай сарсон-саргардон.

“Шум бола”нинг охириги нашрига кирмай қолган 1941 йили ёзилган бир вариантда шундай лавҳа бор: Шум бола кўп саргузаштлардан сўнг хонадонига қайта туриб китоб дўкони олдида тўпланиб турган ёш муллабаччалар даврасига кириб қолади ва бир нодир китобга харидор бўлади. Буни кўрган муллабаччалар пичинг аралаш болага гап отадилар:

“— Хатми кутуб қилганинг башарангдан кўриниб турибди. Хўп, қани, айтчи, нодоннинг маъноси нима?”

Бола ҳам бўш келмайди. Одатдагидек, бу вазиятдан ҳам омон чиқиб кетади. Мана, унинг қўйилган саволга жавоби:

“— Ўндан ўқилса ҳам, чапдан ўқилса ҳам — сизлар ва бизлар”.

Кўриниб турибдики, бу галги қатгис вазиятдан чиқиш аввалгиларига асло ўхшамайди. Шум бола бу ерда маърифат бобида ўзгаларни, ҳатто мўйсафид саҳхофни лол қолдиради:

“— Баракалла, — дейди мўйсафид саҳхоф. — Давлатим бўлганда тўн кийгизар эдим. Етти танга бир мири бер-чи, қани. Бола, пулинг бўлса шу китобдан олиб қўй, пешонангда юлдуз кўриб турибман.

Жарақлатиб санаб бердим.

Муллабаччалар ўннинг-чапнинг арабча нима дейилишини ва қайси фаала яъфалуга тушишини, феълми, сифатми, исми маконми, исми замонми, алланималар деб қолишди, билмадим. Китобни қўлтиқлаб, мен кетдим.

Фурсат келганда айтарман, бу китоб “Хамса”и Алишер Навоий экан”.

“Шум бола” автобиографик асар эмас. Бироқ шунга қарамай, Шум бола қисматида муаллифнинг ўзидан ўтган нималардир бор. Юқорида келтирилган лавҳадаги Шум бола — пешонасида юлдуз порлаб турган ўғлон — бўлгуси буюк адибнинг айни ўзгинасидир.

“Шум бола” бадий тафаккур тарзи, ифода, услуб йўналиши жиҳатидан ҳам янги миллий адабиётимизда ноёб ҳодиса. Қиссада ҳодисалар ифодаси, анъанага кўра қатъий мантиқ, муайян мақсадга йўналтирилган чизиқли зиддиятлар силсиласи тарзида эмас, ягона чизиққа тушмайдиган, тартибсиз, беқарор, айқаш-уйқаш шаклда берилади. Хаос кўринишидаги тартибсиз, тасодифий ҳодисалар орасидаги ғаройиб сирли-сеҳрли ўзаро боғлиқликни, теран маънодорликни топиш, кашф этиш санъати жиҳатидан бу асар ҳозирги замон фанида кашф этилган ва катта қизиқиш уйғотаётган синергетик тафаккур хусусиятларини ёдга туширади.

XX аср жаҳон адабиёти ривожига хос энг муҳим тамойиллардан бири, турли миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари, бир-бирлари билан тажриба алмашуви, бир-бирларига яқинлашуви, турли-туман адабий-ижодий, услубий оқимлар синтезлашуви жараёнининг ниҳоятда кучайганлигидадир. Бу ҳодисани деярли барча миллий адабиётларнинг йирик намояндалари ижодида, дунёга машҳур асарларида кўриш-кузатиш мумкин. “Шум бола” бу жиҳатдан ҳам яратилган даври учун беқийёс бадий ҳодиса.

Қиссада, бир томондан, Ф.Рабле, Марк Твен каби жаҳон адабиёти намояндалари тажрибаларини, чунончи, оммавий саҳналар, томошалар, халқ кулгиси, қизиқчилиги анъаналарини ёзма адабиётга дадил олиб кириш бобида Рабле услубини, болакай саргузаштлари ифодасида Марк Твен йўлларини ёдга туширувчи жиҳатлар талайгина. Шунингдек, қиссани ўз миллий адабиётимиз, хусусан, Қодирий, Ҳамза кулгиси-ҳажвиёти билан боғлайдиган робиталар ҳам анчагина. Бироқ, асарга ажиб бир файз, фавқуллодда руҳ бахш этган хислат аввало унинг халқ оғзаки поэтик ижоди, халқ қизиқчилиги, латифалари билан узвий туташлигидадир. Шум бола бамисоли аниқ макон ва замонда — ўтган аср 10-йилларида Тошкент музофотида сафарга чиққан болакай Насриддинга ўхшаб кетади. У бир пайтнинг ўзида ҳам нодонлик, ҳам қувлик, ҳам топқирлик бобида айни болакай Насриддиннинг ўзгинасидир. У фош этиш бобида ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямайди. Қисса бамисоли латифалар тизмасидан иборат. Шу билан баробар саҳна ортида яна бир зот улуг ёшдаги кўпни кўрган тажрибали донишманд — ҳодисаларни киноя билан кузатаётган халқ қизиқчиси тургандай туюлади.

Чўшпон “Қизиқлар” сарлавҳали мақоласида мустабид ҳукмдорларнинг “қамчисидан қон томган замонларда” халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлгун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқароларнинг дард ва ҳасратларини ҳақиқаттўй қизиқлар “ҳазил” йўли билан едириб юборишларини, уларнинг оғизларидан чиққан буюк ҳақиқатлар ҳақиқаттўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби халқ

кўнглига ёзилиб қолишини айтади. “Шум бола” муаллифи 37-йилги қатагон замонида халқ қизиқчилигининг мана шу ноёб усулидан моҳирона фойдаланган.

Халқ оғзаки поэтик ижоди, миллий ва жаҳон мумтоз адабиёти тажрибалари таъсири нақадар кучли бўлмасин, “Шум бола” асло анъаналар доирасида қолиб кетган асар эмас; у ҳар жиҳатдан янги, замонавий насрнинг энг юксак намуналаридандир. Ҳатто бу қисса фалсафий-бадиий тафаккур, ифода тарзи жиҳатидан анъанавий реализм сарҳадларини дадил ёриб чиқолган асар; ягона чизиқсиз тасвир тарзи, сюжетнинг “исталган” ерда бошланиши ва “исталган” ерда тугаши, кутилмаган воқеа чизиқларининг куртакланиши; бир қарашда дуч келган, бир-бири билан алоқаси йўқ тасодифий ҳодисаларнинг қурама-сидай туюлган, синчиклаб қаралганда эса улар орасида ғаройиб бир ички алоқадорликнинг мавжудлиги, хаос шаклида ҳаёт манзараларидан мантиқ, маъно қидириш, боз устига, тасвирнинг рамзий имо-ишораларга бениҳоя бойлиги — буларнинг барчаси айна ўша асар ёзилган кезларда шаклланаётган жаҳон модерн адабиётига хос белгиларнинг айна ўзгинасидир. Бугина эмас, бу фоний дунёнинг телба-тескари ишлари, самарасиз, бемаъни фаолиятга, қисматга мубтало этилган кимсалар ҳаёти тасвири ва талқинида абсурд адабиётнинг талай хусусиятларини кўриш мумкин. Бу жиҳатдан ҳам “Шум бола” жиддий йирик тадқиқотларга мавзу бўла оладиган асар.

Хуллас, “Шум бола” XX аср миллий насримизнинггина эмас, жаҳон янги адабиётининг ҳам ноёб намунасидир.

РАҲМАТИЛЛА ИНОҒОМОВ

АСРИЙ БИРОДАРЛИК ҚИССАСИ

Ўзбекистон Халқ шоири Фафур Гулом халқимизнинг улуг ва пешқадам шоири, замонамизнинг оташин куйчиси эди. Унинг асарларида ўзбек халқининг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва нурли истиқболи тараннум этилган. Ҳар бир улкан санъаткор каби Фафур Гулом ҳам ўз халқининг қалбига, тимсолига айланган шоирдир.

Мен ўзбек шоириман —
Ўз халқимнинг тилиман, —

деб куйлаган шоир чинакам байналмилалчи, халқлар дўстлиги, биродарлигининг ҳақиқий куйчиси, тарғиботчиси эди. Атоқли ва ардоқли шоиримизнинг асарлари собиқ Иттифокдаги деярли барча халқларнинг тилларига, кўпгина чет тилларга таржима қилинган. Шундай экан, шоир асарлари дунёдаги кўпчилик халқларнинг ҳам маънавий меросига айланиб кетган.

Фафур Гулом улкан шоир, адабиёт ва жамоат арбоби сифатида жаҳондаги кўпгина улуг ёзувчилар, қатор миллий адабиётлар, уларнинг атоқли намояндалари билан мустаҳкам ижодий алоқада бўлган. У барча халқларнинг адабиётига муҳаббат билан қарар, истеъдодли намояндаларини чуқур эъзозларди. Фафур Гуломни қардош адабиётларнинг ҳар бири билан боғловчи ишлар жуда кўп. “Фафур Гулом ва рус адабиёти”, “Фафур Гулом ва белорус адабиёти”, “Фафур Гулом ва қозоқ адабиёти”, “Фафур Гулом ва тожик адабиёти” сингари қатор мавзуларнинг ҳар бири алоҳида текширишни, таҳлилини талаб этади. Мазкур мақолада забардаст санъаткоримизнинг Кавказ халқлари адабиёти билан алоқаси, бу адабиётларнинг истеъдодли вакиллари билан ижодий ҳамкорлиги унинг ижодиётида, адабиётшуносликка оид асарларида Кавказ халқлари мавзунининг ишланиши хусусида мухтасар фикр юритамиз.

Фафур Гулом бошқа адабиётлар қатори Кавказ халқлари тарихи, адабиётини жуда яхши биларди, арман, грузин, озарбайжон адабиётларининг ўзига тенгқур талай намояндалари билан дўст туғинганди. Шоир шеъриятида, адабий-танқидий

асарларида Кавказ халқлари тарихига оид жуда кўп фактлар, ҳодисалар, исмлар учрайди.

Барча халқларга, уларнинг адабиётига муҳаббат билан қараган, табиатан чинакам байналмилал шоир Фафур Фулом ўз шеърларида дунё маданиятининг Гомер, Афлотун, Арасту, Фирдавсий, Мопассан, Генрих Гейне, Умар Хайём, Жомий, Дехлавий, Тагор сингари буюк намояндалари қаторида турувчи Низомий, Руставели, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, Сулаймон Стальский, Самад Вурғун, Наири Зарян, Галактион Табидзе каби Кавказ халқлари адабиётларининг улуғ вакилларига муҳаббат, қардошлик туйғуларини ҳароратли мисраларда тананум этди, ижодларининг ўзига хос сирларини очувчи мақолалар ёзди.

Ўзбек халқи, шу жумладан, унинг энг илғор зиёлилари сингари Фафур Фулом ҳам қардош грузин халқига, унинг кўп асрлик адабиётига муҳаббат билан қарайди: “Грузин халқининг маданияти, тарихи энг узоқ замонларга бориб тақалади. Биз дунёдаги энг қадимий ёзувлардан бири ҳозирги Грузия, маданияти ривожланган қадимий мамлакат — Урартуда пайдо бўлганлигидан фахрланамиз”, — деган эди Фафур Фулом. Атоқли шоиримиз ўзбек-грузин адабиётларининг бир-бирига яқинлашишига самарали ҳисса қўшган, ҳар иккала халқ ўртасида замонлар бўрони буза олмайдиган дўстлик кўпригини тиклаган санъаткорлардан бирига айланди.

1937 йилда мамлакатимиз халқлари Шота Руставели “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон“ асарининг 750 йиллигини жуда кенг нишонлади. Ўзбек халқи ҳам тарихий санани тантана билан байрам қилди. Достоннинг катта бир қисми Фафур Фулом, Миртемир, Амин Умарий, Жуманиёз Шарипов ва бошқа шоирлар томонидан таржима қилиниб, Мақсуд Шайхзоданинг кириш сўзи билан босилиб чиқди. Фафур Фулом ана шу шарафли ишга ҳисса қўшганлигидан, умуман, грузин шеърятининг гўзал намуналари билан ўз халқини баҳраманд этганлигидан фахрланишини бундай ифодалаган эди: “Ўзбек халқи “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон“ достонини ўз она тилида муҳаббат билан ўқийди. Мен ҳам ўтгизинчи йилларда бу асар таржимаси устида ишлаш, айрим бобларини ўзбекчалаштиришга мушарраф бўлганман, грузин шоирларининг асарларини зўр мамнуният билан ўзбек тилига таржима қилганман“, — дейди.

Ўз навбатида Фафур Фулом номи грузин халқи учун қадрли ва азиздир. Грузин адабиётининг энг пешқадам вакиллари Фафур Фулом шеърятининг гўзал намуналарини ўз тилларига таржима этганлар, ўзбек шоирининг ижоди, шахсияти тўғрисида ҳаяжонли асарлар яратганлар. Атоқли грузин ёзувчиси Симон Чиковани: “Сен ўзингни юксак истеъдоднинг билан халқнинг ажойиб орзуларини қўйладинг ва кўпгина халқларнинг севикли шоирига айландинг“, — деса, машҳур грузин шоири Георгий Леонидзе дўстининг юбилейида: “Қадрдон Фафур! Сенинг ажойиб созинг халқларимизнинг саодатига узоқ йиллар янгрисин“, — деб қутлаган эди.

Фафур Фулом асарлари арман китобхонларининг ҳам муҳаббатини қозонган. Ўзбек адабиёти ва санъатининг Арманистонда бўлиб ўтган ўнқунликлари даврида ўзбек шоирлари ва ёзувчиларининг китоблари, турли тўшлам ва альманахлари босилиб чиқди, “Ўзбек ҳикоялари“, “Ўзбекистон шоирлари“ сингари тўшламлардан бошқа ўзбек адиблари қатори Фафур Фуломнинг сара асарлари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон ёзувчиларининг 1958 йил сентябр ойида бўлиб ўтган IV съездида арман адаби С.Айвазян бундай деган эди: “Биз А.Навоий, С.Айний, А.Қаҳҳор, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода асарларини арман тилига таржима қилганмиз. Уларнинг асарлари арман адабиётининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Китобхонларимиз буларни ўз ёзувчиларининг асарларидай севадилар ва улар билан фахрланадилар“.

Фафур Фуломнинг озарбайжон адабиёти билан алоқалари, айниқса, кўпқиррали ва ранг-барангдир. Бу кўпқирралилик Фафур Фулом озарбайжон мумтоз шоирларини ўзига устоз деб билиши, кўпгина замондош озарбайжон ёзувчилари билан дўст-биродар туғиниши, ижодида озарбайжон мавзуси кенг ишланиши ва бошқа қатор омилларда кўзга ташланади. Дарҳақиқат, Фафур Фулом Низомий, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, Алиакбар Собир ижодидан

таъсирланган. Буни ўзининг шеърларида, мазкур шоирларга бағишланган адабий-танқидий асарларида эътироф этади. “Улуғ дўстлик”, “Фузулий айтадики”, “Озарбайжон халқининг буюк шоири”, “Собир Тоҳирзода бизнинг уйимизда” сингари мақолаларида қардош халқ адабиётининг улуғ намояндалари ижодининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради, жаҳон адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди, ўз ижодига кўрсатган таъсирларини катта мамнуният, чуқур эҳтиром ва миннатдорлик билан таъкидлайди. Жумладан, 1962 йилда ёзилган “Собир Тоҳирзода бизнинг уйимизда” мақоласида шундай фикрларни ўқиш мумкин: “Отам уйда вақтларида отам номига узлуксиз келиб турадиган “Мулла Насриддин”, “Ялт-юлт” ва бошқа суратли газета ва журналларга гоёда қизиқар эдим.

Акам билан мен озарбайжон, татар ва рус тилини чала-чулпа тушунсак ҳам бир амаллаб, тимдалаб ўқиб билишга ҳаракат қилар эдик. Кечкурун билмаган луғатларни отамиздан сўрар эдик. У киши ёлғондан қовоқ солсалар ҳам табассуми билиниб турар эди. Кўрсаткич бармоғи билан давора қилган бўлиб, баъзи бир луғатларни айтиб берар эди. Биз жуда тез орада татарча ва озарбайжонча луғатларни ўқийдиган бўлиб қолдик.

1912 йилнинг ўрталарида бўлса керак, Собир Тоҳирзоданинг китоби “Хўпхўпнома” келиб қолди. Бу китоб расом И.Азимзоданинг бўёқли карикатуралари билан жуда саҳий даражада безатилган эди.

Мана 50 йил бўлди, “Хўпхўпнома”нинг биринчи нашридан бошлаб кейинги бир қанча нашрларининг ҳам нусхалари оиламиз кутубхонасида сақланади. Демак, биз Алиакбар Собир Тоҳирзодага бундан 50 йил илгари ихлос кўйган ўзбек оилаларидан биримиз.

Менинг бошланғич ижодимда сатира ва юморга майлим кўпроқ эди. Демак, шу йилларда менинг ижодимга Собир Тоҳирзоданинг қисман таъсири бўлиши мумкин“.

Адабиёт илмининг зукко билимдони бўлган академик Фафур Фулом қайси шоир ҳақида сўз юритмасин, қайси асарни таҳлил қилмасин, ўша шоир ижоди ёки асарнинг мағзини, моҳиятини очиб берарди, асосий хусусиятларини тўғри кўрсатарди. “Низомий ижодининг асосий идеаллари — халқпарварлик, тараққийпарварлик, тинчликсеварлик, эрксеварлик — жаҳон адабиётининг ўлмас ғояларидир. Бу ғоялар билан халқларнинг энг яхши, энг илғор ёзувчилари ўз асарларини ўлмас ёдгорликлар даражасига кўтарганлар“, — деб ёзади “Озарбайжон халқининг буюк шоири” мақоласида.

Фафур Фулом халқ ҳаётининг барометри эди деса бўлади. Чунки халқимиз ҳаётидаги эътиборга сазоворроқ бирор сиёсий, иқтисодий, маданий ҳодиса унинг назаридан четда қолмасди. Халқининг, қардошларининг ҳар бир ютуғи уни жунбушга келтирар, қўлига қалам тутқазарди. Озарбайжон ва ўзбек халқларининг азалий ва мустаҳкам дўстлиги ҳақидаги “Улуғ дўстлик” мақоласи ана шундай майдонга келган. Маълумки, 1951 йилда Озарбайжон Драма театри республикамызда бир ой мобайнида гастролда бўлиб, қатор ажойиб спектакллар намойиш этади. Гастрол гоёт катта муваффақият билан ўтиб, икки халқ маданиятининг байрамига айланиб кетади. Бир неча спектаклни мароқ билан томоша қилган Фафур Фулом ўз таассуротларини юқоридаги мақоласида изҳор этган эди.

Фафур Фулом ижодида, айниқса, шеърлятида халқлар дўстлиги мавзуи катта ўрин тутади. Унинг “Қозоқ элининг улуғ тўйи“, “Қардош тожик халқига ўзбек халқидан салом“, “Улуғ Богдан номига ёзил, эй шеърим“, “Қиш“, “Поль Робсонга“, “Она қизим Жамилага“, “Сен етим эмассан“ сингари қатор асарларида халқимизнинг турли миллатлар билан қардошлигини тараннум этади. Шоирнинг талай шеърларида ўзбек-озарбайжон дўстлиги эҳтирос ва муҳаббат билан куйланган. “Нефть“, “Озарбайжонлик пахтакор қардошларга“, “Қирқ ёшли Озарбайжон“, “Бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз“, “Ғолиблар шарафига“ сингари асарларида озарбайжон мавзуини ишлаган, халқини улуғлаган, мароқ билан куйлаган эди.

Жумладан, иккала халқ қадим замонлардан бери ҳар бир соҳада бири-бирига шогирд, бир-бирига устоз бўлиб келаётганини, ҳар жиҳатдан ўзаро кўмаклашаётганликларини фахрляниб куйлайди:

Шогирдлар қалб уйининг
 Порлаган чирогидир.
 Шогирд устоддан ўтса,
 Дил уйи шунча равшан.
 Маърифат инсонга хос,
 Гўё кўз қарогидир,
 Билимдон эгаларнинг
 Қўлида чаман — Ватан,
 Офарин умри билан
 Шунчалар бўлиб обод,
 Бири-бирига шогирд,
 Бири-бирига устод.
 Фузулий лирикасин
 Булоқбоши устози —
 (Ўзи тан берганидек)
 Шоир ота Алишер.
 Муқимий ҳажвларин
 Қаҳқаҳаси, садоси
 Муаллимни кўрсатиб,
 Сайдазим Ширвоний, — дер.
 Бу икки халқ азалдан
 Бири-бирига шогирд,
 Бири-бирига устод.

Ғафур Ғуломнинг озарбайжон адабиётининг йирик намояндалари Сулаймон Рустам, Мирза Иброҳимов, Самад Вурғун, Меҳди Ҳусайн билан дўстлиги, ижодий муносабатлари ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларининг олтин саҳифаларини ташкил этади. Айниқса, ўзбек ва озарбайжон поэзиясининг оқсоқоллари, асримизнинг буюк шоирлари Ғафур Ғулом ва Самад Вурғуннинг шахсий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги ҳар иккала халқ ва адабиёт ўртасидаги алоқаларнинг, самимий биродарликнинг яхши намунаси, тимсолидир десак арзийди.

Ҳолбуки, ўз ижодларида Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг шеърий солномасини яратган Самад Вурғун ва Ғафур Ғулом икки халқ адабиётини яна ҳам яқинлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатдилар.

Ғафур Ғулом Самад Вурғунни ўз туғилган биродаридек севар, истеъдодига қойил қолар эди. Атоқли шоиримиз забардаст озарбайжон санъаткорига бўлган муҳаббатини, қалб туйғуларини “Самад Вурғунга” шеърда яхши ифодалаган эди:

Қондошим, қариндошим, қардошим Самад Вурғун
 Тасаллои дил учун тарихдан деганим бас.
 Сен ўз халқинг шоири, халқлар абадий турғун —
 Томирдаги қонинг-у кўкрагингдаги нафас.

Сен ёзган шеърларнинг ҳурмати ғоятда кенг,
 Букуннинг ҳужжатидир келажак хазинаси.
 Уфқларни титратган гулдурос товушга тенг,
 Озарлик бир арслоннинг тортаётган наъраси.

Энг яқин дўстларимни бирма-бир санар экан,
 Самад Вурғун номини айтаман гурур ила.
 Чунки мен бирга яшаб, бирга ижод этганман,
 Қалбимда истироҳат, бир жаҳон сурур ила.

Мазкур шеърда оташнафас озарбайжон шоирининг ёрқин поэтик образи яратилган. Самад Вурғун ҳам қардошининг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб қайтарар, истеъдодини қадрлар эди. Ғафур Ғулом туғилган куннинг 50 йиллигида Самад Вурғун дўстини чин юракдан қутлаган, унинг Шарқ шеърляти, умуман, адабиётимиздаги ўрнига юксак баҳо берганди.

Фафур Фулом ўзбек адабиёти ва санъатининг Озарбайжондаги ўн кунликларида, озарбайжон ёзувчиларининг съездида, қардош республика адибларининг юбилейларида биродарларимизнинг азиз меҳмони бўлар, ўзбек халқи номидан гапирар, табриклар, оташин нутқи, шеъри билан йиғилганларни қойил қолдирар эди.

Хуллас, улкан шоиримиз Фафур Фуломни озарбайжон адабиёти, умуман, Кавказдаги бошқа халқларнинг адабиётлари билан боғловчи воситалар, ишлар жуда кўп. Зеро, чинакам байналмилалчи, халқлар дўстлигининг оташин куйчиси Фафур Фулом барча буюк шоирлар сингари умумжаҳон аҳамиятига молик санъаткордир.

АМИР ФАЙЗУЛЛА

БАЙНАЛМИЛАЛ ИЖОДКОР

Ўтган асрнинг 70-йилларида чоп этилган Фафур Фулом асарларининг 10 жилдлигига ёзган сўнгсўз ўрнидаги “Халқ бахтининг оташин куйчиси” мақоласида устоз Озод Шарафиддинов бу буюк шоирнинг таржимачилик борасидаги хизматлари тўғрисида шундай деганлар: “Фафур Фулом таржимон сифатида ҳам маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшди. У 20-йиллардаёқ бадий таржима билан шуғуллана бошлаган эди. У биринчилардан бўлиб ўзбек китобхонини рус шоири В.Маяковский ижоди билан таништирди. Фафур Фулом А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Некрасов каби рус шоирларининг, Шайх Саъдий, В.Шекспир, Ш.Руставели, Т.Шевченко, А.Лохутий каби мумтоз адибларнинг, К.Симонов, А.Твардовский, М.Турсунзода сингари замонамиз вакилларининг асарларини ўзбек китобхонига тўхфа этди”.

Дарҳақиқат, Фафур Фулом ижодий миқёси жаҳон адабиёти мазмуни билан чамбарчас боғлиқ эди. Шу қатори ҳинд мавзуининг ҳам шоир ижодида ўз ўрни йўқ эмасди, албатта. Минг йиллардан буён ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшаб келаётган дўст ҳинд халқининг гўзал орзу-умидларию эришган ютуқлари, бошига тушган ташвишлару ҳаётнинг турли жабҳаларидаги фаолиятлари ҳаминша шоиримиз диққат-эътиборида бўлиб келган. Ҳиндистон катта қурбонлар эвазига инглизларнинг кўп асрлик асоратидан халос бўлди ва бу ғалабани у ҳар йили катта байрам сифатида нишонлайди. Худди шу санага бағишлаб Фафур Фулом ўзининг машҳур “Буюк Ҳиндистон” шеърини ёзган эди. Унда ҳинд халқи яратган ва жаҳон маданияти хазинасига ҳисса бўлиб қўшилган маънавий бойлик Миср, Бобил, Хитой халқлари маданий тараққиёти билан тенгма-тенг бўйлашиши ишонарли сатрларда ўз ифодасини топган. Чинакам мустақилликни орзу қилиб, унинг рўёбини кўриш насиб этмаган шоир учун гўё бу бир баҳона ҳам бўлган эди. Шу боисдан ҳам ажойиб ҳинд шоири Қамар Райис ушбу шеърни ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ урду тилига таржима қилиб, ўз халқига тўхфа этганди. Бундан ташқари Фафур Фуломнинг қатор бошқа шеърлари ҳам Тошкентда чоп этилиб, Ҳиндистонга армуғон этилган “Шуаройи Узбекистан” (“Ўзбекистон шоирлари”, урду тилида) тўпламидан жой олган ва ҳинд китобхонлари томонидан қизгин кутиб олинганди (“Сув ва нур”, “Баҳор куйлари”, “Алишер Навоий”, “Она”). 2002 йилда Қамар Райис Деҳлида “Йигирманчи аср ўзбек шоирлари” (“Бисвинг садийки узбек шаирий”, урду тилида) тўпламини нашр этдирди. Бунда Фафур Фуломнинг энг сара шеърларидан намуналар эълон қилинди.

Москвалик машҳур ҳиндшунос, академик Е.П.Челишев ўзининг “Ҳиндистон дўст шоирлар нигоҳида” мақоласида Фафур Фуломнинг ижодий маҳоратига баҳо берар экан, уни ҳиндистонлик буюк шоир Рамдҳарий Синҳ Динкарга ўхшатади. Шеърий ташбеҳлар борасида бу ҳар иккала шоирнинг топқирлигидан қойил қолади, айниқса, Фафур Фуломнинг Ҳиндистонни “филдай ювош ва вазмин, аммо бир газабга минса, ҳеч кимни аяб ўгирмайди” деган ўхшатишини алоҳида таъкидлайди (“Москва—Деҳли”, “Прогресс” нашр.

М., 1979). Фафур Гулом “Сайланма”сининг 9-жилдидан жой олган “Ҳиндистон қиссаси” Мирзо Турсунзода қаламига мансуб. Фафур Гулом уни шундай маҳорат билан она тилига ўтирганки, гўё у таржима эмас, асл нусхадек янграйди. Бунга боис бор, албатта: бу Фафур Гуломнинг Ҳиндистонга муҳаббати! Шоирнинг “Ипак йўли яна очилди” публицистик мақоласидан олинган куйидаги иқтибос шу муҳаббатни, пиروвардида буюк ҳурматни гўёки “ашёвий далиллар” билан исботлагандек: “...Шарқнинг энг яхши ёзувчи ва шоирлари Мулк Раж Ананд, Нозим Ҳикмат ва бошқалар — худди аввалгидек — ҳозир ҳам бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар... Синд ва Ганг... соҳилларидаги юз миллионларча одамлар уларнинг овозига қулоқ соладилар.

Қадим замонларда менинг ватанимдан, Урта Осиёдан улуғ Ипак йўли — Хитой ва Ҳиндистондан Урта денгиз соҳилларига борадиган ипак карвонлари йўли ўтган эди...” (“Сайланма”, 8-ж. 300 б.). Ушбу эътирофлар шунчаки саҳифа ёки нутқ безаги учун изҳор этилган эмас. Фафур Гулом жаҳонни ўзбекона кўз билан кўргани каби жонажон ўзбек халқи, суюкли Ватани Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозир ва келажига жаҳоний нигоҳ билан кўз солган эди. Тилга олиб ўтганимиз “Буюк Ҳиндистон” шеъридаги дардчил сатрлар ҳам Ҳиндистон баҳона, аслида шоир юрагида азалдан пинҳон, тўпланиб ётган буюк дард — Озодлик, Ҳурлик дарди вулқон каби отилиб чиққанини ўша вақтдаёқ аксарият аҳли тамиз англаб етганлиги кўпчиликка аён эди, албатта. Афсеуски, жуда кўп ҳолларда сохта қувонч пардасига чирмалган ўша “буюк дард”ни — она-Ватанининг чинакам мустақилликка эришиши дардини шоир ўзи билан олиб кетганди.

Айни дамда айрим манбалардан келтирилган иқтибослару шоир ҳали ҳаётлигидаги ибратли воқеалар хотираси билангина оташнафас Фафур Гуломнинг қадим ва навқирон Ҳиндистондек азим диёрга бўлган зоҳирий ва ботиний муносабатларини тўла ёритиш имкони йўқ. Бу бор гап. Аммо Ҳиндистондан икки адиб, ота-бола Гурбахш Синҳ ва Навтеж Синҳлар билан шоиримиз ўртасида ўрнатилган дўстлик биринчи кунларданоқ шахсий доирадан чиқиб, умумхалқ, умуммиллий маъно касб этганди. 1961 йилда Республикамининг мўътабар газеталарида бошларига салга ўраган, бирининг шинам қилиб таралган тим-қора соқоли тагига танғилган (бу ўғил Навтеж Синҳ эди) ва иккинчисининг кўркам оппоқ соқоли кўксини ёпган (бу отаси Гурбахш Синҳ эди) икки ҳинд алломасининг Фафур Гулом билан биргаликда тушган суратлари қайта-қайта чоп этилганини ҳозир ҳам кўпчилик кечагидай эслайди. Шоир хонадонидида бу икки ота-бола меҳмоннинг тўкин безатилган дастурхон атрофида бутун оила аъзолари билан гурунги қилиб ўтиришгани фотосурати ҳам “Сайланма”нинг 10-жилдидан жой олган. Гурбахш Синҳ ва Навтеж Синҳ бутун Ҳиндистонда таниқли ёзувчилар бўлиб, бу ҳақда шарқшунос олим Е.П.Челишев уларнинг номини Прем Чандр, Кришан Чандр каби мумтоз ёзувчилар сирасида тилга олади. Кейинроқ олинган маълумотларга кўра, ота-бола Синҳлар кўп йиллик қалам ҳақларини жамғариб, хусусий наشريёт очишган ва унда фақатгина моддий жиҳатдан ночор ижодкорларнинг асарларини чоп эта бошлашган. Миллат учун фидойиликнинг бундай йўсини ҳар жиҳатдан ибратли ва таҳсинга сазовор, албатта. Улар ночорлик азобларини ифодалайдиган таъсирчан асарлар ёзиб, етук ижодкор сифатида танилиш билан чекланиб қолмай, шу ночорликдан баҳарнав қутулишда амалий намуна ҳам кўрсатишган. Тўғри, айрим хорижий меҳмонларнинг кўшлаб ўзбек ижодкорлари билан шахсий муносабатлари, борди-келдилари бўлиши табиий ҳол. Академик шоир Фафур Гуломнинг Гурбахш Синҳ ва Навтеж Синҳ билан бўлиб ўтган санокли кунлардаги мазкур кўришувлари эса икки оила ёки икки миллат вакиллариининг эмас, балки илдилари минг йиллардан буён чирмаш икки халқнинг кўришуви бўлган эди. Шаҳсан мен ҳам жуда яхши эслайман: ота-бола ёзувчиларнинг отахон шоиримиз оилаларида бўлган дамлари матбуотда ёритилган ўша дамларда гўё бутун Ҳиндистон диёримизга меҳмон бўлиб келгандай, ҳинд халқининг ўзбек халқи билан чинакамига яқин қариндош экани яна бир қарра ўз исботини топгандай бўлган эди. Зеро, жуда кўп тилларни, айниқса, форс тилини мукамал билган Фафур Гулом том маънодаги

оламгир шоир эдилар. Шарқу Фарб адабиёти, маданияти, санъатининг дурри гавҳарларини қалбига жо қилиш билан бирга ўзлари ҳам кўплаб жаҳон афкор аҳли юрагини забт этган эдилар. Ул зотнинг буюк байналмилаллик хусусиятлари ҳам шунда.

ФАФУР ФУЛОМ АДИБЛАР НИГОҲИДА

Шоир ва академик Фафур Фулом — халқ поэзиясининг энг ўзига хос ва нодир ҳодисаларидан биридир. Унинг шеърляти миллий анъана билан, Маяковский анъанаси билан ажойиб равишда жиқслашиб кетади. Унинг шеърлари ҳаммаша зўр фикр ва теран туйғулар билан йўғрилган. У — том маънодаги катта ва чинакам миллий шоирдир.

Александр ФАДЕЕВ

Менинг тасаввуримда шоир — Фафур Фуломни инсон — Фафур Фуломдан ажратиш қийин. У мукаммал шахс эди. Шунинг учун ҳам унинг шеърларини ҳаётдан ва аксинча, ҳаётини шеърларидан ажратиб бўлмайди. Ҳаётда ҳам, шеърларида ҳам у катта ва сахий қалбли инсон эди, одамларни чин дилдан севарди.

Константин СИМОНОВ

Фафур Фулом менинг жонажон дўстим ва устозимдир; қанчалик ўзбекники бўлса, шунчалик тожик халқининг ҳам, бошқа қардошларимизнинг ҳам улкан шоирдир.

Мирзо ТУРСУНЗОДА

Фафур Фулом туркигўй халқлар шеърляти ривожига буюк ҳисса қўшган, бутун кўпмиллатли адабиётимизнинг чўнг, кўркам вакиллари билан бири, барчамизнинг гуруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткоридир.

Чингиз АЙТМАТОВ

Фафур Фулом! Бу одам ажойиб шоиргина эмас, балки теран донишманд ва файласуф ҳамдир, меҳнатсевар, софдил ва жасур ўзбек халқи донишмандлигининг ҳам тимсолидир.

Якуб КОЛАС

Шоир Фафур Фулом ўзбек маданияти ва бутун жаҳон халқлари маданияти хазинасидаги ярқираб турадиган туғма талантлардан, олмослардан биридир. Бу олмоснинг қирраларида улуғ Навоий авлодлари томонидан асрлар оша эҳтиёткорлик билан асраб келтирилган ажойиб сўз санъати жилва беради.

Абулқосим ЛОҲУТИЙ

Шоир Фафур Фулом ўз граждонлик бурчини чуқур англаб ижод йўлига кирди ва бутун талантини, юрагининг жўшқин туйғуларини она юртига, жонажон халқига бағишлади.

Сайфи ҚУДАШ

Фафур Фулом ўз табиатига кўра янгилик, навқиронлик романтиги. У идрок этишга, ижодга иштиёқманд, у ўз халқининг келажакини билишга иштиёқманд... Фарғона водийсининг қишлоқлари ва колхозлари бўйлаб,

Наманганнинг тоғларию даштлари бўйлаб қанчадан-қанча кезганларимизда у ана шу янги истиқболни орзу қиларди.

Иван ЛЕ

Бутун камина Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкентнинг улкан фарзанди, номи оламга машҳур шоир ва адиб, олим, менинг муҳтарам дўстим Ғафур Ғуломнинг давлатхонасини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлдим. Бу уй-музейга айлантирилиб, хайрли иш қилинибди. Асарлари ва ёрқин ҳаёти Ғафур Ғуломнинг номини абадийлашгирган.

Бу уй-музейнинг ташкил этилиши шоирнинг номини яна ҳам абадийлаштиради, деган умиддаман.

Ҳаётга ишқ қўйган одам у, номи ўлмайди,
Ҳаёт китобига номи битилган, ҳеч ўчмайди.

Файз Аҳмад ФАЙЗ

Қадрдон дўстимиз, ўзбек шеърятининг Эльбурси — Ғафур Ғулом хонадони кўндан бери ҳаммамиз учун зиёратгоҳ манзилга айланиб қолган. Биз ҳар сафар Тошкентда бўлганимизда, шу қадрдон оилага қадамранжида қилганимизда Ғафур Ғуломнинг ёрқин хотираси кўз олдимизда жонланади. Шарқ поэзиясининг улкан сиймоси кўлимиздан тугандек бўлади. Бу — Ғафур Ғулом яратган оила, Ғафур Ғуломнинг руҳи кезиб турган даргоҳ.

Расул ҲАМЗАТОВ



С.М.ГОЛИЦИН

Омон қолган одамнинг дафтари

ЯШАМОҚ УЧУН КУРАШ

1

Архангельское деган машҳур жойни сотиб олганга қадар Котово князь Юсуповларнинг кўз очиб кўрган кўргони бўлган. Биз у ерга кўчиб борганимизда уларнинг кўргонидан бир нечта қари арғувон-у, хўжайинлар яшаган уйнинг гиштин пойдевори қолдиқларигина қолган эди. Шунингдек, бир гумбазли черков ҳам сақланиб қолганди. У XVII асрда қурилган бўлиб, ичкарида Юсуповларнинг мақбараси бор эди. Билмадим, ҳозир арғувонлардан лоақал бир-иккитаси омон қолганмикин? Черковнинг ўзи эса гаражга айлантирилган, шунақа хароб ҳолга келтирилганки, бу ерда ҳақиқий осориатика қайси, қўшимча қурилган иморатлари қайси, таъмирланганлари қайси — ҳеч ким ажрата олмайди. Ҳозирги пайтдаги ўлкашуносликка бағишланган китоблардан бирортасида ҳам Котово тилга олинмайди.

Дастлабки пайтларда биз янги жойдаги ҳаётга сира ўрғанолмай юрдик. Электрнинг ўрнига керосин, сувни қудуқдан олмоқ керак. Москвага бориш учун бир неча соатни исроф қилиш керак, поездлар аҳён-аҳёнда юради. Турар жойимиз жуда тор эди. Шундай бўлса-да, Владимир ҳамма деворларга бобокалонларимизнинг суратларини осиб кўйди. Бир амаллаб унинг ёзув столига жой топиб бердик, аммо қолганларимиз овқатланадиган столда машғулот ўтказишга мажбур бўлдик. Бобомизни Сергиев посадга жўнатдик — у ерда Владимир амаки ва Эля Трубецкая холалар оиласи билан истиқомат қиладиган уйнинг ёнидан унга кичикроқ бир хонани ижарага олиб бердик. У тушликни Владимир амакиникида қиладиган бўлди.

Яқинда жорий қилинган карточка тизими бизнинг турмушимизни янада оғирлаштириб юборди. Ишчиларга бир миқдор нон бериларди, хизматчиларга камроқ, бировнинг қарамоғидаги одамларга янада камроқ бериларди. Ҳақсизларга эса, умуман, карточка берилмасди — улар қандай хоҳласалар, шундай қўнларини кўрмоққа мажбур эдилар.

Карточкалар бизни Еропинское торкўчасидаги уйимиздан чиқариб юбормасларидан олдин жорий қилинган эди. Кўшни хонадонларда яшайдиган иккита ишчилар оиласи жонимизга ора киришган эди. Биз уларни яхши билмас эдик, бундан ташқари Карл Маркенинг таълимотига амал қиладиган бўлса, улар биздан нафратланмоқлари керак эди. Йўқ, унақа бўлмади, аксинча, улар бизга жуда меҳрибонлик билан муносабатда бўлишди — ҳар куни бизга бир буханка қора нон ва қанчадир оқ нон бериб туришарди.

Котовога кўчиб ўтгандан кейин биз нонсиз, унсиз, ёғсиз қолдик.

Ҳар қанча ғайритабиий кўринмасин, бу гал итлар жонимизга ора киришди. У пайтларда давлат чегараларига яқин турадиган баъзи бир довюрароқ деҳқонлар қолхоздан қочиб, капиталистик мамлакатларга ўтиб кетган эдилар. Афғидан, чегараларимиз унча кўриқланмаган бўлса керак.

Охири. Боши ўтган сонда.

Расмий доиралар “Чегараларимиз қулфлансин!” деган шиор ташладилар. Бироқ ҳозирги электротехник усуллар ҳали ихтиро қилинмаган эди. Бунинг устига бутун чегарага бошдан-оёқ тиканли сим тортиб чиқиб бўлмайти. Итлардан фойдаланишга қарор қилишти. Орқаси қорамтир, сарғиш йўллари бор овчаркалар, думлари, қулоқлари кесилган бақувват доberman-пинчерлар жуда қўл келди. Қани, онгли фуқаролар уларни урчитиб кўпайтирсинлар, бунинг учун кучукларнинг эгаларига махсус озиқ-овқат карточкалари берилади. Итларни урчитишни истаганлар кўп эди. Аммо бу ишнинг ўзига яраша оворагарчилиги ҳам кам эмас эди — итларни сайр қилдириш керак, айлантириб келиш зарур, ҳар кун итларни олиб, уч соатга уларни ўргатадиган жойларга бориш керак. Алданган итлар бировга шикоят қилолмас эдилар — уларга аталган маҳсулотларнинг кўп қисми, биринчи навбатда, от гўшти одамларнинг қорнига кириб кетмоқда эди. Бизга таниш учтами-тўртта оила ит боқиш билан шуғуллана бошлади, лекин улар от гўшгидан ҳазар қилишарди ва унинг ҳаммасини бизга беришарди. Биз эса от гўшгини мазза қилиб еяверардик.

Ҳукуматнинг тушунтириш хати чиқди — ҳақсизларнинг кичик ёшли болаларига озиқ-овқат карточкалари бериладиган бўлишти. Ўша пайтнинг ўзиде бизнинг ўн бир кишилик оиламизга бировнинг қарамоғидеги одамларга бериладиган карточкалардан бешгаси теғди — улар менинг кичик сингилларим — Маша билан Катяга ва акам Владимирнинг уста ўғлига бериланди.

Бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи тўсатдан кўтарилиб кетди ва газеталардаги мақолаларда янги гаплар чиқиб қолди. Уларга кўра, бозор майда буржуача қолдиқ экан, у хусусий мулкчиликнинг кўринишидан бошқа нарса эмас эмиш, социалистик тузумга мутлақо тўғри келмас эмиш. Бозорларни ёпиш керак. Хусусий савдони тақиқлаш зарур.

Саноат моллари магазинлардан бир зумда гойиб бўлди. Тўқимачилик фабрикаларининг маҳсулоти қасққа гойиб бўлганини билмайман. Бир латифа чиқиб қолди: гўё деҳқонларнинг вакиллари МАКнинг раиси сифатида Михаил Иванович Калининнинг ҳузурига келиб, ҳеч қанақа газлама ҳам, тайёр кийим-кечак ҳам йўқлигидан шикоят қилишипти. Михаил Иванович уларга тасалли бериб, “Африкада негрлар бутунлай яланғоч юришади-ку!” деб жавоб берганмиш. Бу гапга деҳқонлар: “Ундай бўлса, у ерда социализмнинг куриб битирилганига камида эллик йил бўлиб қолган экан-да!” деб айтишипти.

Яна бир латифа озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиб кетгани тўғрисида: “Бизнинг мамлакатимизда “М” ҳарфи йўқолиб қолишти — мука (ун) йўқ, мясо (гўшт) йўқ, масло (ёғ) йўқ, молоко (сут) йўқ, макарон йўқ, фақат халқ комиссари Микоянгина шўппайиб қолган, лекин у ҳам...” Латифанинг охири жуда пештахам сўзлар билан тугайди.

Уй хизматчиси Катянинг бутунлай жавобини бериб юбордик. Владимирнинг болалари билан хайрлашар экан, унинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. Катя уларни аллақачон яхши кўриб улгурган экан. Биз ҳаммамиз бир оила бўлиб кун кўра бошладик, бирга овқатланамиз. Овқатни онам тайёрлайди, онам йўғида Владимирнинг хотини Елена пазандалик қилади. Ишлаб топилган пулларимиз ҳам ўртада эди. Отамга ҳам машғулот топила қолди — у неваралари билан андармон бўлди. Отам невараларини жуда яхши кўрарди.

2

Зоҳиран акам Владимир бардам эди, у аввалгидек кўп ҳазил-ҳузурлар қилар, ўзини тегик кўрсатишга уринарди. Лекин назаримда, у оиламиз бошига тушган кўргиликларни ҳаммамиздан кўра ўткирроқ, аламлироқ тарзда бошидан кечирарди, ҳақсизлик айни унга бошқаларимиздан кўра кўпроқ мусибат келтирди.

Унинг топиши яхши эди, нашриётда уни қадрлашарди. Мусибатлар бирдан бошланиб қолди. Дастлабки пайтларда “Бутун жаҳон изқувари” журналининг таҳририят мудири Владимир Алексеевич Попов журналнинг энг яхши расо-мининг тагига ким сув қуяётганини унга айтмаган. Журналнинг 1929 йилдаги дастлабки оли сонидан тўртгасининг муқовасини Владимир ишлаган эди. Аммо кузда журналнинг янги муҳаррири Яковлев унга буюртма беришни тақиқлаб

қўйди. Яковлев матбаа ишчиларидан чиққан коммунист эди, нашриёт ишларида ҳеч нарсага тиши ўтмас эди, лекин синфий онги жойида эди. Журналда ҳақсиз одам, бунинг устига князь ишлаб юрганани эшитиб, дарҳол уни кувиб чиқариш тўғрисида буйруқ берган. Попов унинг гапини қайтаришга журъат этган, Владимир журналнинг энг истеъдодли рассоми эканини айтган, журналда анчадан бери ишлашини таъкидлаган. Попов нафақат Владимирни истеъдоди учун қадрлар эди, балки уни яхши кўрарди ва унинг журналдан ҳайдалишидан қаттиқ изтиробда эди.

Владимирнинг ошналари бўлиш рассомлар унга ёрдамга келишмоқчи бўлишипти — буюртмани биз оламиз-у, расмларни Владимир ишлайди, расмларнинг тагига ҳам биз имзо чекамиз, пулни ҳам биз оламиз. Кейин ишлаган пулини имида-жимиди унга тутқазамиз.

Уч мартача бу найранг иш беришти. Лекин Владимирнинг услуби мана-ман деб кўзга ташланиб турадиган услуб эди, шу важдан “алдов” очилиб қолди.

Амаким Владимир Трубецкой, бошқача айтганда, ёзувчи В.Ветов ҳали “Изкувар”да иштирок этиб турарди. 1929 йилнинг кузида бу журналда унинг сўнги ва айтмоқ керакки, энг истеъдодли ҳикояси босилиб чиқди. Бу ҳикоя “Боченкин ва Хвоичнинг гаройиб саргузаштлари” туркумига кирар эди. Шу ҳикоя билан унинг журналдаги адабий фаолияти барҳам топди.

“Изкувар”дан мен ҳам ҳайдалдим. Менинг ўрнига бошқа рассом келди. Мен тахририятга яна бир марта бордим. Поповга кутб талқиқотчилари ҳақидаги очерклари учун Врангел оролининг яхши харитаси керак экан. Ўз вақтида мен уни қидириб топишга уринган эдим, лекин ҳатто энг катта кутубхонадан ҳам қидириб тополмаган эдим. Энди бўлса АҚШдан амаким Александр Владимировичдан навбатдаги бандерол келиб қолди. Унинг ичидаги америка журналларидан бирида оролнинг батафсил харитаси чиқиб қолди. Исковучга ўхшаган Америка журналистлари бу харитани қасрдан топиб олишганини билмайман. Владимирнинг маслаҳати билан мен ундан бир нусха кўчирдим, унга орадаги номларнинг ҳаммасини русча ёзиб чиқдим ва Поповга олиб бордим. У пайтларда тахририят Кузнецкий постдан Зарьядьёга кўчиб ўтганди.

Озиб-тўзиб кетган Попов хонасида ёлғиз ўзи маъюс ўйлиниб ўтирган экан. Мени кутмаган эканми, кўриши билан сесканиб тушди. Мен у билан саломлашиб, қўлига харитани тутқаздим. У анча вақтгача харитага тикилиб ўтирди. Кейин ҳамёнини чиқариб, ундан ўн сўм олди-да, индамай менга узатди. У менинг ишимга ёнидан ҳақ тўлаганини фаҳмладим.

— Акангга айтиб қўй, — деди у ва яна такрорлади: — Акангга айтиб қўй — мендан жуда катта салом. — Шундай деди-ю, овози титраб кетди. Кейин мен уни бошқа кўрмадим.

Агар “Изкувар”нинг 1929 йилгача чиққан сонларини кейинги сонлари билан солиштирсан, осмон билан ерча фарқ қилади. Бу фарқ фақат қоғозининг сифатида эмас, балки мазмунда ҳам. Журналда хорижий муаллифларнинг саргузашт ҳикоялари бутунлай кўринмай кетди. Унда ўзимизнинг Александр Беляевга ўхшаган ёзувчиларнинг асарлари ҳам кўринмай қолди. Уларнинг ўрнига фуқаролар уруши ҳақидаги материаллар биринчи ўринга чиқа бошлади. Лекин уларнинг кўпчилиги ўртамеъна ва ундан паст асарлар эди.

Попов журнални барпо этиб, оёққа турғизган одамлардан бири эди — журналдан унинг ўзи кетдими, ёки уни кетказишдими — билмайман. Кейинчалик журнал бутунлай ёпилиб қолди. Бу ишда Максим Горькийнинг ҳам хизматлари йўқ эмас эди — у ёш пролетар болалари учун саргузашт адабиёти зарарли деб ҳисобларди. Попов Москвани тарк этди ва у журнални Свердловск шаҳрида “Ўрол изкувари” деган ном билан қайта тиклашга муваффақ бўлди. У Владимирни ҳам журналда иштирок этишга таклиф қилди. Бироқ Владимир бу журналда фақат иккита ёки учтагина ҳикояга расм ишлади. Нима учун бунчалик кам ишлаганини билолмадим. Балки ҳушёр свердловликлар рассомнинг насаби князлардан эканидан воқиф бўлиб қолишгандир.

“Ёш гвардия” нашриёти яна икки йилча Владимирни қадрлашда давом этди. “Пионер”да уни муҳаррир Борис Ивантер қўлаб турди. Бу одам кейинчалик урушда ҳалок бўлди. “Знание — сила” (“Куч — билимда”) журналида унга Николай Булатов билан Николай Солнцев иш бериб туришди. “Друж-

ные ребята“ журналида муҳаррир Гвоздикова деган аёл эди. У эски большевик аёллардан бўлиб, РСФСР Молия халқ комиссари Фрункиннинг хотини эди. Кейинчалик у эри билан бирга лагерларда ҳалок бўлди. Бир куни мен Владимирнинг харитасини ё чизган суратиними олиб, унинг олдига бордим. У мени рўпарасига ўтқазиб қўйиб, дўстона оҳангда менинг нима иш қилишимни сўраб-суришгирди ва бизнинг улкан қурилишларимиздан бирига жўнаб кетишимга маслаҳат берди. Мен унга миннатдорчилик билдирдим, лекин жўнаб кетишимнинг иложи йўқ эди. Гвоздикова менинг ҳақсиз эканимдан беҳабар эди.

Владимир Б.С.Житков, А.С.Новиков-Прибой сингари ёзувчиларнинг денгиз мавзuidaги асарларига расмлар ишлашда давом этди. Бир куни у “Цусима” романи устида ишлаётган Алексей Сизичнинг олдидан келди. Адиб унга бир гап айтибди. У ақл бовар қилмайдиган ўжарлик билан рус флотини ҳалокат сари олға олиб бораётган адмирал Рождественский ҳақида ўйлаганда, мамлакатни номаълум манзилларга олиб кетаётган Сталин кўз ўнгида гавдаланар экан.

3

Анчадан бери ўзим тўғримда ёзмадим.

Бизнинг оиламиз бошига мудҳиш мусибатлар келтирган 1929 йилда мен йиғирмага тўлган эдим. Мен бутунлай бошқача бўлиб кетгандим. Қувноқ эдим, беғам эдим, фокстротларга танча тушишни ёқтирардим, ҳафсала билан берилиб таҳсил олардим, кўп ўқирдим... Буларнинг ҳаммаси ғойиб бўлди. Мен ўтиришларга кам борадиган бўлиб қолдим, театрларга бориб туришни ҳам йиғишгирдим, ўз қобимга ўзим ўралиб олдим. Мендаги бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўн бир кун турмада ўтирганим оқибатида юз берди. Бизнинг Москвадан қувилишимиз ҳам, вақт-вақти билан менинг чаккамга тушиб турган “тарсакилар” ҳам менинг ўзгаришимга сабаб бўлди. Энг муҳими эса шунда эдики, мен тасодифий даромадлар ҳисобига кун кечирувчи ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум қилинган ҳақсиз сифатида, бунинг устига собиқ князь сифатида бир кун эмас, бир кун муқаррар равишда яна турмага тушишимга ишончим комил эди. Унда менга на Фемида деган илоҳа, на Пешкова деган меҳрибон аёл ёрдам беролади.

Ҳа, вақт-вақти билан танишларимиздан гоҳ унисини, гоҳ бунисини қамаб туришипти. Қамагандан кейин уларни ё сургунга жўнатишади, ё қамоққа ташлашади. Баъзан эса чиқариб юборишади. Нима важдан қамашади? “Ўша пайтларда одамлар ўртасида бир матал тарқаган эди: “Одам бўлса бўлди, уни айб-лашга бирон модда топилади”.

Менинг олий маълумот олишим чўзилиб кетаётгани учун отам кўп ташвиш чекарди. Адабиёт курслари ёпилиб қолди. Махсус комиссия кўпгина талабаларни бошқа олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига тарқатиб юборди. Андрей Дурново фамилиясининг галати машҳурлигига қарамай МГУга тушди, бошқа баъзи бир талабалар кинематография институтига юборилди. Ляля Ильинская бир йил ўтгандан сўнг Ленинград университетига кирди, Валерий Перцов билан Игор Даксергоф ҳеч қаёққа ўқишга киришмади, улар ўзлари ишлаб турган ташкилотларда ишлаб қолавердилар.

Мен комиссиянинг талабалар билан суҳбат қилиб, уларнинг қўлига анкеталар тутқазётганини эшитдим. Шундоқ бўлгандан кейин, мен бирон нарсадан умидвор бўлишим мумкинмиди? Мен комиссиянинг қаршисида тик туриб хўрланишни истамадим, барибир, ҳеч нарсага эриша олмайман. Шунинг учун тавба-тазарру қилишга бормаи қўяқолдим.

Газеталарда фалсафани ўқитадиган аллақайси олий ўқув юртига сиртқи бўлимга ўрта маълумотли одамлар имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиниши тўғрисида эълон чиқиб қолди. Отам хурсанд бўлиб кетди: “албатта, сиёсий савод бўлмаса иш битмайди, лекин сен бу ерда ҳар хил гуманитар илмларни ўрганасан, улардан ташқари, Кант, Фихте, Шеллинг асарларини ўқийсан, олий маълумотли бўласан”. Мен Волхонкига бориб, аризамни топширдим. Аризамни олган аёл жуда хурсанд бўлиб кетди. Менинг қабул қилинганимни айтди

ва менга битта семиз папка тўла топшириқларни тутқазди. Мен омадим кулганига ва ҳеч қанақа анкета тўлдиришга тўғри келмаганига хурсанд бўлиб, уйга қайтдим.

Поездда кетаётганимдаёқ менга тутқазилган қоғозлар ичида қанақа топшириқлар борлигига кўз югуртириб чиқдим. Ё парвардигор! Ё парвардигор! Марксизм-ленинизм бўйича, партия тарихи бўйича, тарихий ва диалектик материализм бўйича, сиёсий иқтисод ва иқтисодий сиёсат бўйича бир қатор асарларни ўқиб, ўрганиб чиқишим зарур экан. Шуни ҳам айтиб қўяйки, бу асарларнинг ҳамма муаллифларини Бухарин билан Зиновьевдан бошлаб, келгусида халқ душманлари сифатида фош қилишади.

О, шўринг қурғур талабалар-а! Ҳали яна неча йиллар мобайнида улар игна билан қудуқ қазигандек буларнинг барини ўқишга, баёнини ёзишга, ёд олишга мажбур бўлишади. Ҳолбуки, уларнинг ҳеч қайсиси талабаларнинг кейинги ишларида мутлақо керак бўлмайди. Уларнинг бари қуруқдан-қуруқ зерикарли сафсатадан ўзга нарса эмас. Натижада олий ўқув юрғларидан даволашни билмайдиган шифокорлар-у, ўқитишни билмайдиган муаллимлар чиқаверади, чиқаверади.

Чизмакашликка кетадиган вақтим ҳисобига мен бу топшириқлар устида тер тўка бошладим. Икки ҳафтадан кейин эса почтадан билдирув хати келди — унда батафсил бир анкета бор эди ва на сен, на ота-оналаринг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмаганларинг тўғрисидаги маълумотномани дарҳол институтга етказиб бериш қаттиқ талаб қилинган эди. Мен ҳамма топшириқларни йиғиб, ҳожатхонада бир миҳга илиб қўйдим ва шу билан билимлар салтанатига кириш бобидаги ҳамма ҳаракатларим чипшакка чиқди.

Отам мени хорижий тиллардан бирортасини ўрганишга кўндирди. Хўш, қайси тилни ўрганиш керак? Албатта, француз тилини-да! Ахир, Еропкинкск торкўчасидаги уйимизда яшаган пайтларимиздаёқ мен Золя ва Мопассан асарларига ошиқу мубтало бўлиб қолгандим.

— Тил билсанг, ҳеч қачон хор бўлмайсан, — деб таскин берарди отам.

Мен французча китобларни, асосан, луғат билан ўқирдим, поездда ёхуд поезд келишини кутиб турганда ўқирдим. Бир кун поездда ёнимда ўтирган одам ажнабий матнни кўриб қолиб, нега чириб бораётган капиталистик мамлакатлар муаллифларининг асарларини ўқиётганимни, нега ўзимизнинг совет ёзувчиларининг асарларини ўқимаётганимни суриштириб, менга тиқилинч қилиб қолди. У мендан ўзимизнинг гоъвий юксак ва истеъдодли муаллифларимизнинг фалон-фалон романларини билиш-билмаслигимни сўради. Мен уларни ўқиган эмасдим, лекин баъзи бир асарлар қулоғимга чалинган ёхуд газеталарда улар тўғрисидаги сермақтов мақолаларга кўз югуртирганим бор эди. Хуллас, нотаниш одамга бир амаллаб жавоб бердим. Билмадим, бу одам синфий ҳушёрлигини кўз-кўз қилдими ёхуд шунчаки қизиқиб сўрадим? Мен манзилимга етиб келдим ва у билан хайр-маъзур қилдим. Лекин ростини айтганда, мен ўшанда кўрқоқлик қилган эдим. Бир марта оғзи куйган одам қаттиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор-ку!

Ҳар хил одамлар менга ҳар хил муносабатда бўлишар эди. Бефарқлар, лоқайдлар йўқ эди. Баъзи бировлар ё ошқора, ё яширин равишда менга зарар етказишарди, бошқа баъзи бировлар менга раҳми келиб қарарди. Ишлаб топадиган пулларим мунтазам равишда камайиб борар, нарх-наво эса муттасил кўтарилиб борарди. Ҳар ой сайин менинг оила кассасига берадиган пулим камайиб бормоқда эди.

Бир кун мен хариталарга буюртма олиш илинжида “Знание — сила” журналининг таҳририятига бордим, аммо у ерда менга очикдан-очик “сиз бизнинг таҳририятимизга бошқа келиб юрманг” дейишди. “Пионер” ва “Пионерская правда” таҳририятларига боришга ғурурим йўл қўймади — у ерларда ҳам тарсаки ейишим аниқ эди. “Ўз-ўзига агроном” журналида эса менинг кимлигимдан беҳабар эдилар, шекилли, менга журналга ишга киришни таклиф қилишди ва қўлимга анкета тутқазди. Мен анкетани қўлимга олдим, ундаги саволларни кўриб даҳшатга тушдим, анкетани уйда тўлдириб келаман дедим-да, жуфтакни ростладим. Кейин бу ерда қорамни ҳам кўрсатмадим.

Менга яхшилик тилайдиганлар ҳам топилиб қолди. Улардан бири бизнинг

оиламиз билан унчалик яқиндан таниш бўлмаган, смоленсклик собиқ помешчик, филологик маълумотга эга бўлган, кейинчалик лагерларда юриб геологик мутахассислигини эгаллаган Анатолий Михайлович Фокон эди. Ираклий Андроников “Н.Ф.И. жумбоғи” деган қиссасида уни ҳайрон қоларли даражада ўзига ўхшатиб тасвирлаган. Адиб портретни излаб қариндош-уруғлариникига келганда А.Мифокин унга ишончсизлик билан қараган. Ўзинг яқиндагина лагердан зўрга қутулиб келган бўлсанг, гайририхтиёр тарзда ҳеч кимга ишонмайдиган бўлиб қоласан. Анатолий Михайлович геология бўйича менга чизмалар буюрди. Лекин бир шарт қўйди — мен хизмат ҳақиғага сеч бермоғим керак эди ва пулни мен эмас, бошқа одам олмоғи лозим эди. Бу одам, албатта, текширувдан ўтган меҳнаткаш одам бўлмоғи даркор эди. Дўстим Валерий Перцов бундай воситачиликни бўйнига олишга рози бўлди.

Менинг янги куёвим Виктор Мейин ҳам бир неча марта менга шунақа буюртма топиб берди, лекин бунда ҳам ишлар орада турган воситачи орқали қилинар эди. У мени ўзининг яхши таниши — профессор Сергей Николаевич Строгановга тавсия этди. Строганов бугун Москванинг канализациясига ва суғориладиган майдонларига мутасаддилик қиларди. У ўзи тўғрисида ҳазил аралаш “Мен Москванинг орқа чиқарув тешигининг бош бошлиғиман” дерди.

Ҳойнаҳой, Виктор унга мен тўғримда бир нималар деган бўлса керак. Сергей Николаевичнинг ўзи ҳам, унинг хотини ҳам мен уларнинг жуда яқин қариндоши бўлгандек, чин юракдан самимий қарши олишар, тез-тез тушликка таклиф қилишар, чой билан сийлашарди. Строганов менга хилма-хил буюртмалар берар ва ҳақимни сахийлик билан тўларди. Фақат шу одамнинг қўлидангина мен ўзим имзо чеккан сечлар бўйича пул олганман. Менинг бирдан-бир маошим шу эди ва шу маош менинг текинхўрлик билан кун кўрмаётганимни исбот қиладиган ягона ҳужжат эди. Ҳозир ҳам ҳар гал мен Трехпрудний торкўчасидан ўтиб қолсам, албатта, валинеъматим истиқомат қилган уч қаватли уйга бир ўтирилиб қарайман.

Мен ўша кезларда доимо Москвада тунаб қолишга мажбур бўлардим. Мени учта квартирада жуда хушнудлик ва меҳмондўстлик билан қабул қилишарди. Булар — Поварская кўчасидаги Ляля Ильинскаянинг онасининг уйи, Денежний торкўчасидаги Игорь Даксергофнинг ота-оналарининг хонадони ва Остоженка яқинидаги Молочный торкўчасидаги Валерий Перцовнинг онасининг уйи эди. Бу уйларда мен ўзимни бошқа ҳамма жойдагидан эркинроқ ҳис қилардим. Биз карта ўйнашга ўтирардик, аммо уй бошқармасининг хушёр раисаси мендан кечасига ҳужжатларимни унинг қўлига бериб қўйишимни талаб қиларди. Бунақа расмиятчилик менга малол келарди. Уччала уйимнинг ҳаммасида ҳам мен одёлимни тўшаб, тўғридан-тўғри ерда ётаверардим.

Менинг бор-йўғи бир жуфт туфлим бор эди. Улар эскириб, бугунлай тўзди. Бу туфлилар фокстротга рақсга тушишга жуда қулай эди, аммо улар Котовонинг кузги йўлларидаги кўлмакларга сира тўғри келмас эди. Москвада эса дўконлардан пойафзал бутунлай гойиб бўлиб кетди. Меҳрибон Софья Григорьевна Ильинская пойафзалим ночорлигини пайқаб қолди ва Вичегдага сургун қилинган эрининг пишиқ-пухта турган батинкасини менга совға қилди. Яна илова тарзида айтиб қўяй — бу аёл менга неча марта лаб ё крупа, ё макарон маҳсулотлари солинган халталар берганди.

Москвага иш юзасидан келганимда қаердадир тамадди қилишим керак бўларди. Мен, ахир, таниш хонадонларнинг меҳмондўстлигини суиистеъмол қилолмас эдим-ку! Ўша кезларда бемалол кириб овқатланиш мумкин бўлган ошхоналар бирин-кетин ёпила бошлади, уларни рухсатномага эга бўлган ишчилар ва хизматчилар учун овқатланиш жойига айлантира бошларди. Баъзан бозорларда сомсами ёки бир стакан-ярим стакан қаймоқми сотиб олардим, лекин милиционерлар сотувчиларни тириктириб қувлагани- қувлаган эди. Кўпинча Москва кўчалари бўйлаб чала курсоқ ҳолимда одимлашга тўғри келарди.

Бир куни бир тўп йигит-яланлар ошхонага тиқилишиб кираётганини кўриб қолдим. Силлам қуригани учун дадил бўлиб кетибман, мен ҳам уларнинг орасига суқилиб кириб, касса томон талпина бошладим. Бирдан маълум бўлдики, йи-

гитлар аллақандай талонлар тошпиришяпти. Менда эса бунақа талон йўқ. Мен қўлга тушдим. Билагимдан ушлаб олиб, қичқиришди: “Милицияга кўнгироқ қилинглар!” Мен қўлга тушганимни англадим, дарров мудира етиб келиб, менинг ким эканимни сўради. Мен Москва яқинида яшашимни, оч қолганим учун бу ерга кирганимни айтдим, Котовода яшашим қайд қилинган шахсий гувоҳномамни кўрсатдим.

Мудира бир неча муддат ўйланиб турди. Кейин менга овқат беришни буюрди, лекин нон берилмади. Ушандан кейин мен бунақа ошхоналарга яқин йўламай қўйдим.

Бошқа бир галги воқеа анча жиддий тусда кечди. Мен трамвайда кетаётган эдим. Трамвайнинг орқа майдончасида тик турибман. Бир одам чиқди. Сезиларли даражада кайфи бор. Бирдан у менга ўтирилди-да, қаҳрли кўзларини тикди ва тили қалдираб ўшқирди:

— Ҳали ҳам эркинликда юрибсанми? Ё қамоқдан қочдингми? Мен уни биламан. Бу одам... бу одам...

Кейин жуда қаттиқ таҳқирли бир сўзни айтди.

Мен билан ёнма-ён турган аёл бошқа аёлга хитоб қилди:

— Манави йигит тўғрисида нималар дейишяётганини эшитдингми?

Орқа майдончада турганларнинг ҳаммаси ҳайрон бўлиб, мени кўздан кечира бошлашди. Юрагим ўйнаб кетди. Гарчи ҳали манзилимга етиб келган бўлмасам-да, трамвайдан тушишга ҳаракат қила бошладим.

Нотаниш одам ҳамон дўқ-пўписасини кўймасди. Ҳамма унинг кайфи борлигини кўриб туришти, лекин, барибир, мени ўғри, турмадан қочган маҳбус ва яна худо билсин кимдир деб ўйлашпти.

Трамвай тўхтади, мен вагонга чиқаётганларни туртиб, ораларидан тош йўлга сакраб тушдим. Кимдир “Ушла уни!” деб бақирди. Трамвай яна юриб кетди. Мен тўғрига қараб юриб кетдим. Аввал атайин шошилмасдан секин кетдим, кейин биринчи торкўчага бурилдим, сўнгра бир дарвозахонага кириб, бироз нафасимни ростлаб олдим. Орқамдан ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилгач, яна орқамга — трамвай бекатига қайтдим. Анови маст ким эди, мени қаёқдан танийди — сира ақлим етмади. Лекин у мени таниса ҳам, ўзининг синфий душмани сифатида танирди.

Яна бир воқеа бўлган: ноябрнинг охирларида тунлар жуда зим-зиё бўларди. Айниқса, Котовонинг кўчаларида тунда ҳеч нарсани илғаб олиб бўлмасди. Керосинни тежаш мақсадида, биз анча эрта ётардик. Бирданига кечаси соат ўнларда эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Менинг юрагим ҳаприқиб кетди — кимни олиб кетгани келишдийкин: Владимирними? Меними? Ё икковимизни ҳам олиб кетишармикин? Владимир эшикни очишга йўналди.

— Ким у? — деб сўради у.

Қизалоқнинг майингина овози эшитилди:

— Қишлоқ советининг раиси...

Ўша қаҳрли йилларда бу қадар масъул лавозимни эгаллаб турган ёшгина қиз хонага кириб келди-ю, унинг кетидан пальтолик новчагина бир эркак кирди, учинчи бўлиб қўлида фонус ушлаб олган ёши ўтинқираб қолган кексароқ аёл кирди.

— Тиллаларингни чиқаринглар! — дея буюрди новча эркак хонага кириб улгурмай.

— Қани, ҳужжатларингизни кўрсатинг, — деди Владимир ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

— Қанақа ҳужжат керак яна сизга? — деб ўшқирди эркак. — Мана, ҳокимиятнинг вакили турипти-ку!

Қизалоқ эса зинҳор-базинҳор мансабдор одамга ўхшамасди. У жуда камтар ва камсукум жувон эди. Ҳар гал қишлоқ советига биронта маълумотнома сўраб мурожаат қилсак, у сира йўқ демас, жуда хушмуомалалик билан жавоб қиларди. Ҳозир ҳам унинг қиёфасида бизга ўхшаб қўрқиб кетгани яққол зуҳур этиб турарди.

— Олиб чиқинг тиллалар-у, бошқа жавоҳирларингизни, дея ўшқирди давом этади новча. Унинг нигоҳида газаб ўглири чақнарди. Қаҳрли кўзларидан нафақат бизни, балки ўз тўшагида тинчгина ухлаб ётган гўдақларимизни

ҳам ёмон кўриши яққол сезилиб турарди. У ўзининг синфий душманларини мажақлаб, эзиб, йўқ қилиб ташлашга тайёр эди.

— Бизда ҳеч қанақа тилла йўқ, дур-у жавоҳирларимиз ҳам йўқ, фақат уч-тўртта кумуш қошиғимиз қолган, холос, — деди онам босиқлик билан. Умуман айтганда, у бироз ёлғон гапирмоқда эди. Бизнинг бирдан-бир тилла буюмимиз Петрнинг сурати ишланган тамакидон эди. Онам уни тулкининг бошига тикиб қўйган эди. Аввали замонларда бувим карта ўйнашганда оёғини шу тулкининг бошига қўйиб ўтирар экан. Ҳозир эса тулкининг териси ўша мақсадларда отамга хизмат қилар ва унинг ўриндигининг пойида полда тинчгина ястаниб ётарди.

Олгин тамакидоннинг тарихи ўз-ўзича олганда ҳам етарли даражада эътиборга лойиқ.

Улуғ Петр 1717 йилда Парижга борганда атоқли заргар Шарль Буаттертга олгин тамакидон ишлаб беришни буюрган экан. Унинг қопқоғида Улуғ Петрнинг портрети бўлиши керак экан. Петр уни шаҳода — регент Орлеанскийга совға қилади. Ун саккизинчи асрнинг 60-йилларида Людовик XV тамакидонни Иван Иванович Шуваловга совға қилади. Шувалов ёшлигида императрица Елизаветанинг арзандаси бўлган, Ломоносов билан бирга Москва дорилфунунига асос солган. Екатерина даврида кўпроқ хорихда яшаган, унинг айрим дипломатик топшириқларини бажариб турган, унинг учун ўтмишнинг буюк рассомлари ишлаган суратларни харид қилган, Вольтернинг дўсти ҳисобланган.

1797 йилда унинг вафотидан кейин тамакидон жияни Федор Николаевич Голіциннинг ихтиёрига ўтган, ундан унинг ўғли бўйдоқ Федор Федоровичга ўтган (князь тожи остида мовий баркут гилофда унинг исмларининг бош ҳарфлари — Ф.Ф.Г. ёзилган). Кейин тамакидонга унинг укаси Михаил Федорович эгалик қилган, ундан унинг ўғлига, яъни менинг бобом Владимир Михайловичнинг ихтиёрига ўтган. Биринчи марта 1925 йилда Москвада уйимизни тинтув қилишганда тамакидонга ГПУ ходимининг кўзи тушган эди. У тамакидонни кўлида айлантриб кўриб, “Ие, бу тилла экан-ку!” деган ва аста жойига қўйган. Менинг онам уни омонат сақлашга Саша холага бериб қўйган. Саша хола тамакидонда ўзининг игна-ишлари ва тугмаларини сақлаган. 1926 йилдаги иккинчи тинтув вақтида курсант қизил аскар йигит уни кўлига олган ва қопқоғига қараб, “Ие, Улуғ Петр-ку!” деб хитоб қилган. Шундан кейин уни тулкининг бошига тикиб қўйишган.

Чақирилмаган меҳмон пальтосини ечди, костюмининг ёқасидан ичига тақиб олган тўпшончасининг қайиши кўриниб турарди.

— Тиллаларни, дуру жавоҳиротларни олиб чиқинлар! — деб такрорлади у. — Москва шаҳар партия қўмитасининг буйруғи билан сайлов ҳуқуқлигидан маҳрум қилинган ҳамма шахсларнинг тиллалари мусодара қилинади. Агар ўз ихтиёрингиз билан топширмасангиз, тинтув қилишга киришаман. Огоҳлантриб қўяй — агар топсам, сизлар қамаласиз.

“Сизлар” деганда кимларни назарда тутаётганини у аниқ айтмади, жавонни очиб кўрди, кийим-кечаклар турадиган сандиққа тумшуғини тикди, болаларнинг ўйинчоқлари турадиган яшиқни титкилади, китобларга нигоҳ ташлади, деворда осилиқ турган аждодларимизнинг суратларига кўз қирини ташлади. Дарҳақиқат, уйимизда пичоққа илинарли бирон нарса қолган бўлса, шу портретлар бебаҳо эди.

Биз ҳаммамиз, шу жумладан, қишлоқ советининг раисаси-ю фонус кўтарган кекса аёлгача индамай тик турган ҳолда тинтув қилаётган одамнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турардик. Тўсатдан стол тагида ётган тулкига кўзи тушди. Унинг шишасимон кўзлари сирли чарақлаб кетди, тишларининг оқи кўринди. У терини бир тепди, кейин унга энгашиб думидан ушлаб кўтарди.

— Негадир огирроқ кўринадими? — деди у. Биз ҳаммамиз қотиб қолдик. Тулкининг териси ҳақиқатан ҳам унда алланечук шубҳа уйғотдими-йўқми — билмадим. Унинг қаршисида мафтункор ёш қиз турарди. У жилмайиб турарди. Унинг кўзига нималар кўринган бўлсайкин — бу менга қоронғи. У Карл Маркс томонидан васият қилиб қолдирилган синфий душманга нафратини бирданга унутди — унинг юраги синфий душмани қаршисида, яъни менинг синг-

лим Маша қаршисида гурсиллаб уриб кетди. У Машага қўлларини узатди. Маша унга бир-икки лўқма ташлади, у Маша томон бир-икки қадам ташлади, Маша сагчиб ўзини бошқа ёққа олди. Тулкининг териси паққос эсидан чиқди. У хўжақўрсинга учта хонамиз бўйлаб, ивирсиб яна нималарнидир кўздан кечирган бўлди-ю, кейин яна Машани излаб, атрофига назар ташлади. Маша эса печкага ёнбошлаганча мағрур тикилиб турарди.

— Қани, навбатдаги одамникига бошланг, — деди новча қишлоқ советининг раисасига. Кутилмаган меҳмонлар қўлларини бурунларига тикиб, қуп-қуруқ чиқиб кетишди.

Уша қуни кечаси Москвадан ҳайлаб юборилган кўшгина ҳақсизларнинг уйларига бостириб кириб, тилла буюмлар қидиришди. Нима учун бир тунни танлашган? Бу тинтувларни қўққисдан ўтказмоқчи бўлишган, ҳақсизлар тиллаларини яшириб улгиришмасин дейишган. ГПУнинг ўз ходимлари етишмай қолган, Москва корхоналаридаги синфий онги синовдан ўтган пролетарлардан жалб қилишган. Шулардан бири бизникида хўжайинлик қилган эди.

Ушандан бери тулки териси бизнинг оиламиз билан бирга уйма-уй кўчиб юради.

1935 йилда тамакидоннинг бошига қора кунлар келди. Голицинлар оиласининг ҳамма аъзолари учун жуда оғир даврлар келган эди: рўзгоримизни тебратиб турган акам Владимир, тизза суяги сил бўлиб, касалхонага тушиб қолди. У деярлик ишга ярамай қолди. Отам хорижий тиллардан берган сабоқлари ва таржималари учун олган пулларидан уч-тўрт сўм рўзгорга бериб турарди. Менинг иккала амаким Николай ва Владимир Владимировичларнинг ўзлари пулга муҳтож эдилар. Николай амакимнинг иккита боласи бўлиб, топгани ўзларига зўрға етарди, иккинчи амакимнинг эса ўғли ҳам, куёви ҳам Сибирда сургунда эдилар. Уларнинг сингиллари, менинг аммам Елизавета Владимировна ҳам серфарзанд эди, у Андижонда жуда ночор аҳволда яшарди. Унинг эри Владимир Сергеевич Трубецкой шу ерга сургун қилинган эди. Унинг қизи Вера ҳам шу шаҳарга сургун қилинганди.

Ўқтин-ўқтин ажодларимизнинг суратларини сотиб турардик. Аммо бундан келадиган маблаг унчалик кўп эмас эди. Тилла тамакидонни сотишга олиб бориш тадоригига тушдик. Демак, омбирчалар билан Петрнинг эмал суратини кўчириб олишади, ҳар хил кичкина мурватларини бураб олишади. Кейин тортиб кўришади.

— Йўқ, бунинг иложи йўқ! — деди отам қатъий оҳангда.

Шундай қилиб, тамакидон омон қолди, оиламиз бағрида қолди. Ҳозир у қаерда, кимнинг қўлида эканини айтмайман. Мен ҳар гал ўша уйга бориб қолсам, тамакидонни менга кўрсатишларини сўрайман. Мен уни мириқиб томоша қиламан ва кейинги авлодларимизга унинг тарихини гапириб бераман. Батафсил гапираман, бир замонлар подшо Петр парижлик заргарга буюртма берганидан бошлаб, тунги тинтувгача, ҳаммасини ҳикоя қилиб бераман, ўша тинтувда синглим Машанинг топқирлиги — тамакидонни унинг ишвасига учиб, хушёрлигини йўқотган ношуд шаҳватпарастнинг қўлларидан сақлаб қолганини ва шу билан оила аъзоларимиздан бирини қамоқдан асраб қолганигача айтаман.

4

Акам Владимирнинг Павел Дмитриевич Корин деган қалин дўсти бўлар эди. Улар 1923 йилда танишишган эдилар. Владимирнинг ҳикояларидан биламанки, у хотини Прасковья Тихоновна ва укаси Александри билан Арбатдаги 23-сонли баланд уйнинг совуқ чортоғида истиқомат қилишган. У пул топишнинг кетидан қувмай, ҳаддан ташқари қашшоқликда яшар эди. Лекин Корин Владимир учун шунчаки дўст эмас эди, балки у Коринни ўзи учун энг ёрқин ибрат ва ўрнак деб биларди, уни қўлетмас даражада юксак турадиган, Худонинг назари тушган инсон деб ҳисобларди. Владимирнинг ҳикояларидан биламанки, Корин катта бир асари учун этюдлар ишлашга киришган. Унинг ният қилган бу асари шу қадар улкан ва улуғвор бўлганки, расом бу ниятига бутун умрини бағишламоқчи бўлган. У роҳиблар ва художўй одамларнинг суратини кўпроқ ишлар эди.

Уни ўйлар эканман, хаёлимда бир фикр жонланади: бизнинг мудҳиш замонамизда ана шундай улуғ, фидойи, ёнида ҳемириса йўқ инсон яшайди. У доно ва гўзал асарлар яратади. Мен Владимирдан ёлбориб, мени унинг ҳузурига олиб боришини илтимос қилардим, лекин у ҳар гал илтимосимни қайтарарди, чунки Корин эндигина ният қилган асарини бировга кўрсатишни ёқтирмас экан. Ёзувчилар ҳам ўзларининг қоралама нусхаларини яшириб юришади-ку! Шундан кейин мен “Кориннинг ҳузурига олиб борасан” деб Владимирни қистамай қўйдим, лекин Корин тўғрисида ҳамиша ўйлардим.

Таҳририятларга бориб турганимдан китобларни безайдиган рассомларни кўп учратардим. Улар хушчақчақ, кўнгли очиқ одамлар эди. Лекин улар асосий нарса санъат эмас, пул топиш эканини тушунардим. Акам Владимир ҳам имкон борида кўпроқ пул ишлашни ўйлашни кўрардим. Шунинг учун китоб безовчиларни иккинчи нав рассомлар деб ҳисоблардим. Уларга истеъдоднинг ҳам унча кераги йўқ, мўйқалам билан яхши бўёқлар бўлса бас, деб билардим. Рассом ўзининг китобларга ишлаган ажойиб безаклари билан менинг бундай қарашларим мутлақо хато эканини исбот қилиб берди.

Уша пайтларда менинг миямдан аста-секин иккита рассом ҳақидаги қисса пишиб етила бошлаган эди. Мен бу қиссани “Саёҳат ва шаҳар” деб атадим. Саёҳат қисмида менинг шимолга қилган сафарим ҳақидаги хотиралар, Архангельск яқинидаги қишлоқ, унинг ёғоч черкови, ёғоч меъморчилиги, шимол кўшиқлари ва кўллари ҳақидаги гап-сўзлар ўрин олган эди. Бу ерларда қадимги монастирға яқин жойда менинг асосий қаҳрамоним ўсиб-улғайган эди.

“Шаҳар” деганим эса — Москва. Бу ерда менинг иккинчи қаҳрамоним яшайди. У хушчақчақ, очиқ кўнглили, ақл-заковати ўткир одам, китобларни безайдиган рассом. У менинг қаламимнинг кучи билан беихтиёр акам Владимирға ўхшаб кетадиган бўлиб чиқди. Мен унинг ҳақсиз қилинмасдан олдин муваффақият билан ижод қилиб юрган даврларини тасвирладим.

Қиссанинг учинчи боби озми-кўпми муваффақиятли чиқди. Мен унда қувноқ безакчи-рассом ўзининг қадрдон дўстини таҳририятма-таҳририят етаклаб юрганини кўрсатганман. У том маънода ҳақиқий рассом. Дўсти таҳририятлардан унга буюртмалар олиб бериш ҳаракатида юради. Шу йўл билан унинг уч-тўрт сўм ишлаб олишига кўмаклашмоқчи бўлади. Мақтаниб қўяй: “Изкувар” таҳририятидаги шароитни ҳам, Поповнинг ўзини ҳам анча ўхшатиб тасвирлаганман.

Тўртинчи бобда ҳақиқий безакчи-рассом дўстининг вас-васларига учмагани ва ўзи учун ижод қилишда давом этгани кўрсатилган. У ҳамон ночор аҳволда ҳаёт кечиради, Москва яқинидаги кичкина ўйнинг ертўласидаги зах хонада яшайди. Қисса қаҳрамоннинг қамоққа олиниши ва нобуд бўлиши билан тугайди.

Корин омон қолди, бир мўъжиза билан Горькийнинг ёрдами туфайли омон қолди ва бутун бир дунёга донг таратди. Бироқ Корин бир истисно, холос. Аммо қанчадан-қанча машҳур ва номашҳур ижодкорлар, юксак истеъдоди шубҳа туедирмайдиган рассомлар, ёзувчилар, музикачилар лагерларда нобуд бўлишди? Уларнинг асарлари дунё юзини кўрмай кулга айланди. Биз буни билмай-миз ва ҳеч қачон билолмаймиз. Уларнинг кимлиги ёлғиз Худога маълум...

Мен қиссамни ташлаб қўйдим. Ҳаддан ташқари қулочни катта ёзиб юборибман. Фикран ва мазмунан бу қадар теран асарга кучим етмаслигини билмайман. Бундан ташқари, туғишган акамни салбий қаҳрамон сифатида тасвирлаш ҳам жоиз эмасди.

Аммо қалбимда ижод олови сўнгани йўқ, ички бир овоз тўхтовсиз равишда ёз, ёз, ёз, деб талаб қиларди-ю, турмада ўтказганим ўн бир кун таъсирида, жияним Алексей Бобринскийнинг машғум қисматини билганим туфайли, унинг қўрқоқлик қилиб хиёнат йўлига киргани, яқин дўсти-ёронлари, қариндошлари устидан чақувлар ёзганидан мутаассир бўлиб, янги қисса ёзишни ният қилдим. Менинг бўлғуси қаҳрамоним хиёнат ҳам қилар ва ўзининг шармандали қисматидан беқийс изгируб ҳам чекарди. Охир-пировардида, у ўзини поезд тагига ташлайди. Қиссамга “Разил” деб кескин бир сарлавҳа ҳам қўйдим. Кейинги бир неча йил мобайнида ёлғизлик онларидан бир амаллаб бўш вақт топиб келгусида ёзилажак боблар учун номлар топиб қўйдим.

Аста-секин дўстларимдан узоқлашиб кетдим, борган сари ўз қобитимга ўралиб бордим. Ўша пайтдаги фотосуратлардан таркиб тошган альбом сақланиб қоланди. У суратларда мен деярлик кўринмайман. Ўша пайтларда ким ёзгани номаълум бўлган бир шеър кўлма-кўл юрарди.

Биз вақтида таҳсил кўрмадик,
Қалбларимиз ишқдан бебаҳра.
Қисматимиз бўлди ғам-ғусса,
Кўзда ёшлар доим шашқатор.

Ҳар бир инсон қулфатга ошна,
Ҳар қайсимиз мусибатга ғарқ,
Кўп яхшилар тош зиндонларда
Қонхўрларга бўларди ўлжа.

Сўнги банди эсимда йўқ.

Ҳозирги мунаққидлар бу шеърни анча бўш деб баҳолашади, лекин у бизнинг даврамизга мансуб ёшларнинг ўша пайтдаги кайфиятини озми-кўпми аниқ ифодалайди. Аммо бир сатрда номаълум шоир адашган эди — ҳар қандай шароит бўлганда ҳам бизнинг қалбларимиз ишқдан бебаҳра қолмаган эди. Мен ҳам жуда оташин бир муҳаббат дардига мубтало бўлган эдим, лекин ўз туйғуларим тўғрисида кейинроқ гапириб бераман. Аммо “биз вақтида таҳсил кўрмадик“ деган гап эса ҳақиқат эди... Қўнлардан бирида мен Большая Левшинская кўчасида истиқомат қиладиган одам Солянинг уйига бордим. У ғамхўр, меҳрибон, севадиган эри билан бирга, унинг паноҳида мамнун ва масрур яшарди. Мен унга қисматимдан зорланиб гапирдим, сен ҳар қанча шукр қилсанг ҳам бўлади, чунки бизнинг бошимизга тушган бало-қазолар сени четлаб ўтди, дедим. Соля, албатта, ҳаммамиз учун жуда ташвишланарди. Сирасини айтганда, унинг ўзининг ҳам ташвишлари етарли эди. У ишга ўрнашмоқчи бўлди, аммо собиқ княгиня бўлгани учун уни ҳеч қаерда ишга олишмади. У уй бекаси бўлиб қолаверди. У менга тасалли беришга ҳаракат қилди ва катта ҳурмат-этиборга эга бўлган ҳазрат Серафимга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Мен унинг ҳузурига бориб тавба-тазарру қилсам, у менга тасалли беради, кўнглимни кўтаради.

Мен унинг ҳузурига бордим. Ибодатхонага кирдим. Эрталабки ибодат тавом бўлган экан, пешиндаги ибодат ҳали бошланмапти. Одам жуда кўп эди. Мен ҳам тавба-тазарру қилишга келганлар қаторида навбатга турдим. Ҳазрат Серафим жуда толиққан кўринарди, лекин кўзлари чақнаб турипти. Назаримда, у тавба-тазарру қиладиганларга жуда тез жавоб бериб юбормоқда эди. Ниҳоят, менинг ҳам навбатим етиб келди. Мен унинг қаршисида тиз чўкдим ва Солянинг маслаҳати билан аввалдан тайёрлаб қўйган иборани айтдим:

— Ҳазратим, мен ҳузурингизга келдим. Кўнглимга чироқ ёқса ёримайди. — Мен яна нималарнидир илова қилмоқчи эдим, лекин у тапимни бўлди.

— Нафсинг ёмондир-да?

Саволни эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолдим. Мен ўзимни оқлай бошладим — ахир, мен тўғри келган жойда тўғри келганича овқатланаман.

— Нафсинг ёмонми, деб сўраярман, — деб саволини такрорлади у. Унинг овози қаҳрли эди.

— Мен ахир, ҳақсизман. Аҳволим жуда ночор, — дедим мен.

У дарҳол юмшаб қолди. Бироқ унинг ҳузурига тавба-тазарру қилишга муштоқ одамлар кўп эди. У менинг ҳам жавобимни бериб юборди. Мен ўрнимдан туриб, ибодатхонанинг бир чеккасига бориб турдим. Мен навбатдаги маросимни кутишим керак эди. Йўқ, у менга ҳеч қанча тасалли бера олмади, кўнглимни ҳам кўтара олмади. Ибодатхонадан жуда ғамгин бир кайфиятда чиқдим. Ўша пайтдан бери чин дилдан художўй бўлиб қолган бўлсам-да, бир неча йил мобайнида тавба-тазарру қилишга қатнамай қўйдим.

5

Ҳа, у пайтларда бутун мамлакат аҳолиси оч-наҳор яшамоқда эди. Биз эса ўн бир жонга бештагина карточкамиз борлигига қарамай, Торгсиннинг ша-рофати билан тузуккина еб-ичардик. Эндиликда бунинг нима эканини кам-дан-кам одам тасаввур қилса керак.

Бизнинг давлатимиз “сталинча саноатлаштириш йўлига” қадам қўйган эди. Хориждан трактор, юк машиналари, станоклар сотиб олмоқ учун валюта ке-рак эди, қурилишларда ишлаш учун таклиф қилинган хорижлик мутахассис-ларга тўламоқ учун валюта талаб қилинарди. Қурилишларда ўзимизнинг одамлар кам эди, уларга ишонмас эдилар, улар хиёнат қилмоқлари мумкин эди. Бу валютани қўлга киритмоқнинг бир неча йўли ўйлаб топилиди.

Булардан бир йўли якка ҳол деҳқонлардан ва колхозчилардан галласини нафақат уруеликка, балки баъзи ўлкаларда кундалик еб-ичишларига ҳам қол-дирмай, тортиб олиш эди.

Уруш вақтида бир офицер менга ҳикоя қилиб берган эди — у Одесса до-рилфунунида ўқиб юрган чоғларида курсдошлари билан бирга доимий чала-курсқликдан бошлари айланиб гандираклашларига қарамай, бир бурда нон учун кечаси билан қоп-қоп галлаларни Англия пароходларига ортиб чиқишар эканлар. Валюта ишлашнинг яна бир йўли хорижга ёғоч жўнатиш эди. Мен бу тўғрида юқорида гапириб ўтандим.

Учинчи усул — хазинадаги санъат дурдоналарини пуллаш эди. Биринчи навбатда Ленинград Эрмитажидаги ва Москванинг Тасвирий санъат музейи-даги бойликлар бозорга олиб чиқиларди. Шу йўл билан — йўқ-йўқ — норози бўлганларни эмас, шунчаки ҳайрон бўлганликларини намойиш этишга журъ-ат қилганлар аниқланарди. Савдо халқ комиссари Анастас Микоянуларга та-салли бериб, газета мақоласида жуда жиддий оҳангларда Америка миллиар-дерлари биздан Рембрандт, Рубенс, Ван-Дейк, Брейгель асарларини харид қилиб олиб кетаётган бўлса ҳечқиси йўқ, бу — вақтинча нарса, барибир, жаҳон инқилоби содир бўлгандан кейин уларнинг ҳаммаси ўзимизга қайтиб келади деб ёзиб чиққан эди.

Тўртинчи усул — экспортга бадий буюмлар ишлаб чиқарувчи “Кашта тикилган ёстиқ” қа ўхшаш артелларни имкон қадар ташкил қилмоқ керак эди. Аммо бундай артелларга собиқ одамлар суқилиб кириб олишар эди. Шундай бўлса, артелларни тумгарақай қилиб қувлашарди. Кейинчалик бундай артел-лардан фойда катта эканига ақллари етиб қолди. Лекин, албатта, уларнинг аъзолари синфий жиҳатдан текширувдан ўтган бўлишлари керак. Шу тарзда Палех, Мстери, Холуй ва бошқа жойларнинг санъати майдонга келди. Уларда экспорт учун жуда юксак бадий қимматга эга бўлган буюмлар ишлаб чиқа-риларди. Ҳозир бу артеллар фабрикаларга айлантирилган. Улар ҳамон мамла-катимизни валюта билан бойитиб келмоқда.

Бешинчи йўли — махсус магазинлар очилди. Бу магазинларда ажнабий-лар валютага истаган нарсаларини сотиб олишлари мумкин эди. “Торгсин” ажнабийлар билан савдо-сотиқ қилмоқ дегани эди. Улар озиқ-овқат маҳсу-лотларини, шу жумладан, НЭП барбод бўлгандан кейин ғойиб бўлиб кетган увулдириқ ва балиқ каби танқис неъматларни сотиб олишарди.

Москвада Консерватория биносининг ёнида антиқа буюмлар билан савдо қиладиган махсус магазин очилган эди. Унда собиқ одамлардан “Торгсин бон-лари” деб аталмиш “пул”га сотиб олинган санъат буюмларини валютага ха-рид қилиш мумкин эди. Мен ўзим у ерга XVIII асрда ясалган жуда ажойиб девор соатини олиб боргандим. Соат аслида графиня Уварова деган кампир-ники эди. Шу магазиннинг ўзида бир француз Екатерина II нинг мрамар бюстини сотиб олди. Бу ҳайкални Шубин ясаган бўлиб, ўз вақтида у биз-нинг оиламизга қарашли эди. Отамнинг укаси Александр Владимирович 1917 йилда уни Петровскда ерга кўмиб қўйган эди. Ўзининг бу нопок иши билан амакимнинг мулозими қанча даромад қилдйкин — билмайман. Бояги фран-цузнинг вафотидан кейин бюст Лондонга бориб қолди ва Виктория ва Аль-берт музейидан ўрин олди.

¹ Т о р г с и н — савдо синдикати чипталари.

² Н Э П — янги иқтисодий сиёсат.

Торгсиннинг ресторанлари ҳам бор эди. Булар — “Метрополь”, “Прага”, “Савой” каби ресторанлар эди. Ажнабийлар уларда доллар сарфлаб маишат қилишарди. Аммо истаган фуқаро ҳам бу ерга, масалан, тилла соатини олиб келиб, ресторан кассасига тошпириши мумкин эди. Соатнинг оғирлигига қараб, белгиланган курс бўйича унинг эгасига ҳақ тўлашар ва бу пулга соат эгаси мириқиб маишат қилмоғи мумкин эди. Бугун Москва бўйлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари сотадиган торгсинлар жуда кўп эди. Уларнинг энг каттаси Елисеев гастрономи эди. Бу магазинлар ҳамма жойларда, ҳатто кичик-кичик шаҳарчаларда ҳам очилди. Ҳолбуки, бу шаҳарчаларда маҳаллий помешчикнинг фарзандларига мураббийлик қилган сўнги хорижлик аллақачон бу ерлардан жўнаб кетганди. Нечук бундай? Ажнабийлар билан савдо-сотик дейилади-ю, ажнабийларнинг ўзи йўқ. Гап шундаки, Микояннинг маслаҳатгўйлари маҳаллий аҳоли авваллари яшириб қўйган тиллани, кейинроқ эса тилла билан бирга кумушни ҳам тортиб олишнинг жуда осон ва жуда самарали йўлини топишган эди. Оч қолган бирор кампир торгсинга ўзининг никоҳ узугини ёки оқподшонинг тилла пулини олиб келади, дейлик. Кассир хотин жуда аниқ тортадиган тарозиларда уларни тортиб олиб, муайян миқдордаги пулга чек ёзиб беради. Шу билан тамом — бориб ўша пайтда танқис ноз-неъмат ҳисобланган колбаса, сариёғ, пишпалоқларни олаверасан, агар борди-ю, сен ҳақсиз бўлсанг, бинобарин, озиқ-овқат карточкасига эга бўлмасанг-да, оқ ва қора нон ҳам харид қилмоғинг мумкин.

Ўша кезларда муҳожирлар ватан ҳудудида қолиб кетган қариндошларига долларларни кўпроқ юбора бошладилар. Долларларни банкларда торгсин бонларига алмаштириб беришарди. Амаким Александр Владимирович ҳамон аввалгидек бобосига ўн доллар жўнатиб турарди. Бу пулга Трубецкойларнинг Сергиев Посадда истиқомат қилувчи ҳақсиз оиласи — ота-оналари-ю, уларнинг еттига гўдак болалари тирикчилик қиларди. Бизга ҳам саховатпеша Монна Атамелск-Лазарева ўн доллардан юбориб турарди. Мен унинг тўғрисида юқорида ёзган эдим. Бу пулга биз торгсин дўконларидан крупа, ун маҳсулотлари ва ёғ сотиб олардик, лекин пишпалоқ, сариёғ ва колбасага пул етмасди.

Менинг иккала синглим Маша билан Катя ҳам аслзодалар табақасидан бўлганлари важдан кўп азоб чекишди. Ёш бўлганлари сабабли уларнинг ўзлари ҳақсиз эмас эдилар, лекин ота-оналари сайлаш ҳуқуқидан махрум эдилар.

Синглим Машанинг кейинги қисмати ҳам оғир бўлди. Кейинчалик у ҳамма қийинчиликларни гўё оёғимдан осмонга осиб қўйилгандай аҳволда енгиб ўтдим деб гапириб берган эди. Гоҳ уни Геология комитетидан қандай қилиб қувиб солганларини, гоҳ яна қайтадан ишга олганларини гапириб ўтирмай қўяқолай. Гап йўқ — у жуда гайратли, чарчаш нималигини билмайдиган қувноқ қиз эди — шу сифатлари унинг жонига ора кирди. Пешонаси устида ўйнаб турадиган малла жингалак кокили ва хушчақчақ табиати унга алоҳида жозоба бахш этар эди. Ишхонасидагиларнинг ҳаммаси уни яхши кўришарди. Бунақа мафтункор қизни нима деб ва қандай қилиб ишдан ҳайдайсан? Унинг теварагида жазманлари гирдикапалак бўлишгани бўлишган эди. У бир вақтнинг ўзида бир нечта жазманининг бошини айлантираверар ва уларнинг ҳаммаси билан театрга бораверар эди.

Синглим Катя ўша 1929 йилда энди 15 ёшга кирган эди. У мактабнинг етти синфини тугатди. Бундан кейин бошқа мактабга ўтиб ўқишни давом эттирмоғи керак эди. У дугонаси Оля Шереметьева билан бирга бошқа — тўққиз йиллик мактабга ариза қўтариб боришди.

— Ўҳ-ҳў, фамилияларинг жуда донгдор-ку, — деб хитоб қилди директор аёл. Кейин дугоналарнинг бири ўқитувчининг қизи эканини, графиня эмаслигини аниқлади. Оля оддий Шереметьева эди, уни мактабга қабул қилишди. Аммо Катя князь ҳазратларининг, бунинг устига ҳақсизнинг қизи эди. Қаёққа бош суқапти бу синфий душман? Аризаси рад этилсин!

Шундай қилиб, Катя етти синфни тугатгандан кейин гоҳ ишлаб бошлади, гоҳ ҳар хил курсларда ўқий бошлади. Гоҳ уни ҳайдаб солишарди, гоҳ яна қабул қилишарди.

Ўша кезларда — биринчи бешйилликнинг дастлабки йилида ҳар хил ташкилотларнинг сиёсий хушёр раҳбарлари ва кадрлар бўлимларининг бошлиқлари билан бир қаторда тамом бошқача раҳбарлар ҳам бўлар эди. Улар ҳақсиз-

ларнинг ўғиллари ва қизлари сиймосида серғайрат ва ҳалол ишлайдиган ёшларни ёхуд илм тоғини собит билан забт этишга интилувчи ўсмирларни кўришар ва уларни ҳимоя қилишарди. Баъзан эса уларга раҳмлари келарди. Менинг назаримда, ҳаётгӣ қийинчиликларни енгиб ўтишга иккала синглимнинг хушрўйлиги ҳам кам ёрдам бермаган бўлса керак.

6

1929 йилнинг сўнги оқшоми ҳам етиб келди. Мен янги йилни кутиб олиш учун ошна-оғайниларимдан биронтасиникига борсам ҳам бўларди. Лекин негадир, оёғим торлмади. Владимир ҳам Елена билан ҳеч қадққа боришмади. Умуман, Владимир бировларникига ташриф буюришдан кўра ўзи меҳмон кутишни афзал кўрарди.

Кечқурун Игорь Даксергоф билан Валерий Перцов келишди. Бирмунча вақтдан бери Валерий синглим Машанинг илтифотларидан баҳраманд бўлолмаслигига кўзи етиб қолган эди, шунинг учун у Владимир билан иноқлашиб кетди ва ҳар якшанба у билан “оқилона” нарсалар тўғрисида гурунглашгани келиб турадиган бўлиб қолди. Игорь Даксергоф ҳам Владимир билан мунгазам равишда гурунглашиб турар ва айни чоқда Машага хушомад қилишда давом этарди. Бугун оқшом Машанинг уйда эмаслигини кўриб, у анча озурланди, шекилли. Маша ҳам, Катя ҳам Москвага аллақайси дугоналариникига кетишганди. Ота-оналар уйқуга кетишди. Елена газак тайёрлашга киришди. Иккала меҳмон билан мен Владимирнинг ёзув столи теграсига ўтирдик. Елена тақсимчалар билан қадаҳларни кўйди. Владимир битта яримгалик арақ олиб чиқди. Унинг кўҳна биллур қадаҳи бор эди. Унда қанотини ёзиб турган икки бошли бургутнинг сурати бор эди. Владимир бу қадаҳини жуда яхши кўрар ва қимматбаҳо ичимликни бургутнинг чангалигача, қанотларигача, бошигача кўйиб, баъзан лиммо-лим тўлдириб ҳазиллашар эди. Мен бу қадаҳни “Қирқ қидирувчи” деган қиссамда тасвирлаганман. Ҳозир Владимирнинг авлодлари уни худди олтин қадаҳдай авайлаб-асрашмоқда.

Соат 12гача ҳали анча бор, қоринлар аллақачон очқаб бўлди, ёғда қоврилаётган картошканинг жаз-бузи ишгаҳаларни қитиқлайди. Эски йилни кузатишга аҳд қилдик. Владимир баайни аштекачидай жуда аниқлик билан ҳамманинг қадаҳига арақ кўйиб чиқди — арақни янги йилни кутиб олиш учун ҳам етказиш керак эди. Узининг қадаҳига бургутнинг чангалигача кўйди. Уриштирдик, ичдик, санчқиларимизни номигагина газати бор тақсимчаларга санчдик. Владимир ниманидир гапириб бера бошлади. Мен унинг гапини унча эйтибор бермай тингладим — ўтган йилнинг воқеаларини хаёлимдан ўтказиб ўтирдим.

Сўнги пайтларда ярим соат-ярим соат вақт ажратиб байрам фикрларимни ёзиб бормоқда эдим, ўзимча мақтанчоқлик билан уларни “Насрий шеърлар” деб ҳам атаган эдим. Бундай ёзувлар бир қадар йиғилиб ҳам қолганди. Кейин мен таҳликали дақиқаларда уларни ёқиб юбордим.

Мен янги йилни қарши олишга уч кунлар қолганда қоралаган саҳифамда аввал озми-кўпми шоирона тарзда табиатни тасвирлагандим, кейин шундай жумла келарди:

— Ҳали олдинда кўпгина яхши нарсалар борлигига ишонаман ва умид қиламан...

БИЗ РУҲИМИЗНИ ТУШИРМАДИК

1

Бир куни онам — адвокат Орловский билан “Қашга тикилган ёстиқ” артелининг қисмати тўғрисида гурунглашиб ўтириб, кенжа ўғлининг бошига тушган турли-туман можаролар ҳақида гапириб берди.

Орловский бундай маслаҳат берди: гарчи район сайлов комиссиясидаги одамлар анча хушёр бўлса-да, улар ҳақсизлар томонидан берилган аризаларга кўми-

либ кетишган ва у жойларда ҳаддан ташқари катта тартибсизликлар ҳукм суради. Ўғлингизга рад жавоби беришдан бўлса, ота-онаси, акаси ва унинг хотини ҳамда бунинг устига-устак, уй хизматчиси билан бирга беришган. Унинг ишини бошқа қолганларнинг ишидан ажратиб олмоқ керак. Биринчи инстанцияга — район комиссиясига унинг ўзи гўё биринчи марта бераётгандай ариза берсин. Илпари унга рад жавоби берилгани ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди. Баҳорда турар жойини тарк этмаслик тўғрисида берган тилхатига келсак, уни буткул ёдидан чиқарсин. ГПУда кун сайин ишлар устига ишлар қалашиб бормоқда. Шундоқ бўлгандан кейин у ердаги тартибсизлик сайлов комиссиясиникидан ҳам кўпроқ.

Онам менга Орловскийнинг гапларини айтди. Менинг қайсарлигим тутди.

— Пичингли саволларга жавоб беришни истамайман. “Бу залда танча тушганмисиз?” деганга ўхшаш бемаъни саволларни ҳам беришлари мумкин. Бормайман.

Эртаси куни эрталаб, онам ёнимга келиб деди:

— Отанг сени ўйлаб кечаси билан ухламай чиқди. Борақол, болам.

Парда ортидан Владимир чиқиб келди ва трубкасини торта-торта кескин оҳангда деди:

— Инжиқликни йиғишгир. Гиринг демай, бориб кел.

Аввал мен профессор Строгановнинг ҳузурига бориб, маошим ҳақида маълумотнома олмоғим керак эди. У ўз ташкилотининг муҳрини босиб бериши керак. Тўсатдан у “кимни боқишга ёрдам бермоқчисиз?” деб сўраб қолса-я? Мен Сергей Николаевичнинг олдига бордим. Тилим қалдираб, маълумотнома менга нега керак бўлиб қолганини тушунтириб бердим. У мени ўз столининг ёнига таклиф қилиб, деди:

— Келинг, маълумотномани бирга ёзамиз.

Шу тарзда биз икковимиз “мунгазам бажариб келади”, “юксак сифат билан”, “менинг доимий ёрдамчим” деганга ўхшаш сўзларни қоралама нусхага ёзиб чиқдик. Бир неча кундан кейин менга балогардон бўлган профессор машинкада босилган, саҳифанинг остида ўнг томонида муҳр босилган халоскор маълумотномани қўлимга тутқазди.

Бизни уйдан чиқариш масаласи судда кўрилганда менинг маошим тўғрисида ҳам анча-мунча маълумотномалар кўрсатган эдик. Отам шунақа маълумотномалардан бир дастасини йиғиб берди. Янги йил ўгиши билан мен бу қоғозларни кўтариб, қабул соатини кўлаб, Пречистенкага, Фрунзе район советининг биносига бордим. У дорихонанинг ёнида эди, ҳозир у ерда ажнабийларга хизмат кўрсатиш идораси жойлашган.

Юрагим гуссага тўла эди, менга ижирганиб қараяжакларини ва бемаъни саволларга қўмиб ташлашларини сезиб турардим. Ичкарига кирдим, курсида ўтирган кампирга рўпара келдим. Бунақа кампирлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, черковларда тўпланиб тургувчи эди. Лекин бунақа жиддий ташкилотларда улар учрамасди. Мен кампирга бу ерга қандай эҳтиёж билан келганимни тушунтирдим. У менга пальтомни ечиб қаерга илишим кераклигини, қайси қаватга кўтарилишимни айтиб берди. Кутилмаганда унинг сўзларида илиқлик сездим, у менга ҳамдардлик билан муомала қилмоқда эди. Буни сезиб, анча дадилландим.

Йўқ, ҳеч қанақа хонага кириш керак эмас экан, зинадан чиққандан кейин шу ернинг ўзида — зинанинг юқорисида кенгашгина жой бор экан. У ерда бўм-бўш стол туришти, столнинг ортида бўм-бўш ўриндик, ёнида бўм-бўш стул. Бу жойнинг икки томонида иккита скамейка — улар кўзимга суднинг қора курсиларидек бўлиб кўринди. Скамейкада бир нечта одам ўтиришти. Уларнинг орасида пахталик кийган бир йигит эсимда қолди — аввалига мен уни пролетардан чиққан рабфак талабаси деб ўйлабман. Яна эсимда қолгани — кўзларини ерга тиккан, рангида қони йўқ, нозик-ниҳол бир қиз бўлди. Одамлар орасида яна бир новча, барваста, юз тузилишлари шарқ одамлариникига ўхшаган, ёши ўтинқираб қолган киши ўтирарди. Мен дарҳол танидим. Бу — Мириманов эди. Ҳозир ёши мендан улғу одамларгина унинг ким бўлганини яхши билишади.

НЭП замонларида Москвада ва Питерда бир нечта хусусий китоб нашри-

ётлари муваффақиятли тарзда иш юритишган эди. Серғайрат одамлар халқ ўртасида маърифат нурларини тарқатиш билан шуғулланган эдилар ва, табиийки, бу ишларни орқасидан мўмай-мўмай даромад кўришганди. Шуларнинг бири Мириманов эди. У болалар учун катта адабларда юпқа-юпқа китобчалар чиқарарди. Китобларнинг ичида рангли суратлари бўлиб, донаси ўн тийиндан бўларди. Болаларга аталган бу арзон совғаларни ҳар битта газета киоскасидан топиш мумкин эди. Уларнинг кўпчилиги классик ёзувчиларнинг асарлари эди — Мириманов уларга қалам ҳақи тўламас эди. Бу китобларни безаганлар орасида таниқли рассом В.В.Ватагин ҳар бор эди. Унинг китобларининг муқовасидаги ҳарфларни мен чизиб берардим, бу ишга мени акам Владимир жойлаштириб қўйганди. Бир кун Миримановнинг семиз-бақалоқ хотини билан Пречистенка хиёбони билан Гагарин торкўчасининг бурчагида жойлашган хусусий қасрларининг дарвозасидан зўр бир тушпор қўшилган извошда чиқиб келаётганини кўрган эдим. “В.Гوليцин — рассом, ихтирочи ва денгизчи ҳаётининг саҳифалари” деган китобда акам Миримановнинг извошда уйдан даб-дабали чиқиб келишини тасвирлаган расми бор.

Уч йилдан кейин эса мен Ватагинга ёрдамлашмай қўйдим — солиқлар эзиб ташлаган Мириманов маданият соҳасидаги савобли ишларини йиғиштиришга мажбур бўлди. Албатта, унинг хос уйини ҳам тортиб олишган бўлсалар керак, ўзини ҳам Москвадан ҳайдаб чиқаришгандир. Мана, ҳозир у бошини қўйи солганича, тақдири нима бўлишини кутиб, айбдорларнинг қора курсида ўтирипти, мен эса ундан “Навбатнинг кети сизми?” деб сўраб турибман.

Мен унинг букик қадди-қоматини кўздан кечирар эканман, “Мириманов нашриётининг китоблари ҳар бир деҳқон хонадонига кириб борарди-ку?” деган фикр кўнглимдан кечди. Ўша пайтдаги болалар ёзувчиларидан у Маршак билан Чуковскийларнинг асарларини босиб чиқарган эди. Ҳолбуки, газеталар ва журналларда уларни зарарли эртақлар ёзганлари учун оқ калтак-қора калтак қила бошлашган эдилар. Айниқса, калтакларнинг йўғони Чуковскийнинг бошида синди — гўё у бир машҳур эртагида “мўриларни тозаловчилар, уят сизга, уят сизга, уст-бошингиз қора қурум” деган мисраларда пролетариатга нафратини изҳор қилган эмиш. Бу қадар зарарли болалар адабиётини тарқатгани учун калтакнинг бир учи Миримановга ҳам теккан бўлиши керак.

Менинг хаёлларим бир аёлнинг кириб келиши билан бўлинди. У ичкаридаги хоналардан чиқиб келди. У қорачадан келган, жула сервиқор, юз тузилишлари зотдорлар тоифасидан эканини билдириб турарди. Ўша кезларда бир тоифа аёллар пайдо бўлган эди — улар Крупскаяга тақлид қилиб, ўта кўрimsиз либосларни кийиб юришарди. Бу аёл уларга ўхшамасди. Аёлнинг орқасидан қизил дурра ўраган чақир кўзли бир қиз чиқиб келди. У ўша жойдаги шоввоз комсомол қизларнинг типик вакиласи эди. Қўлида у бир-бирларига игна билан бирлаштирилган бир даста қоғоз кўтариб олганди. Айрим саҳифалар дастадан чиқиб, ерга учиб тушишга ҳаракат қилар, қиз эса уларни жойларига қайтаришга уринарди.

Аёл келиб ўриндиққа ўтирди ва қизнинг қўлидаги қоғозлардан биринкетин олар экан, одамларни фамилиясини айтиб чақира бошлади. Ҳар бир олдига келган одамга аёл “сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз тикланди” ёки “сизнинг илтимосингиз рад этилди” деб жавоб берарди. Унинг овози шунақа совуқ ва лоқайд эдики, худди тушликка талон тарқатаётган одамнинг товушига ўхшарди. Баъзилар стол ёнидан чехралари ёришиб, баъзилари бошларини қўйи солиб кетардилар. Ниҳоят, скамейкада ўтирганлардан рабфак талабаси, рангпар қиз, Мириманов, мен ва мендан кейин қиёфаларидан бозорда савдосотиқ билан шуғулланадиган иккита аёл қолдик. Комсомол қиз чиқиб кетди, аёл деди:

— Келинг!

Рабфак талабаси стол ёнига борди, стулга ўтирди, бир даста ҳужжатларни стол устига қўйди ва ўзи нечүкдир ғужанак бўлиб олди. Аёл қоғозларни ўқий бошлади, кейин паст овозда талабага қандайдир саволлар бера бошлади. Талаба ҳаяжон ичида жавоб берар, аёл унинг жавобларини ёзиб борарди. Мен уларнинг савол-жавобини эшитишга уриниб кўрдим. Аммо илож бўлмади. Талаба

ўзини оқлаёлди, шекилли. Бироқ унинг гуноҳи нима эди? Отасими? Унинг отаси ким бўлганикин? Ўғли чекаётган азобларнинг сабаби не?

— Кимнинг навбати? Келсин! — деб хитоб қилди аёл.

Нозик-ниҳол қиз унинг ёнига бориб, стулга ўтирди. Шўрлик қиз жуда қаттиқ ҳаяжонланмоқда эди. Икки бети қип-қизариб кетипти, кўзларида — илтижо... Столнинг тагида унинг оёқлари дир-дир титраётгани менга яхши кўриниб турарди. Яна аёл ҳужжатларни ўқиб чиқди, қизга саволлар берди, қиз жавоб берди, аёл ёзиб олди. Ниҳоят қиз ўрнига қайтди.

Миримановнинг навбати келди. У стулга ўтирди. Унинг залворли қомати остида стул қисирлаб кетди. У қоғозга ўралган бир даста ҳужжатларни олиб стол устига қўйди. Аёл ҳужжатларнинг баъзи бирларинигина ўқиди. Уларнинг гап-сўзлари чўзилиб кетди. Унинг туташини мен ҳаяжон билан кутиб ўтирар ва ҳаяжонимни босмоқ учун муштумимни қисиб олгандим.

Мириманов қизишиб гапирарди. Унинг гапининг оҳангидан аёлни нималаргадир ишонтирмоқчи бўлаётгани кўриниб турарди. Менинг қулоғимга унинг “Мен бугун умрим мобайнида меҳнат қилганман!” деган гапи чалинди. Кейин у бу гапини яна такрорлади: “Мен бугун умрим мобайнида меҳнат қилганман!”

У гапирар, аёл ёзиб борарди, кейин аёл ёзишни қўйиб гапира бошлади, бир оздан сўнг овозини кўтарди. Унинг овозидаги совуқлик ва лоқайдлик ғойиб бўлди. Охир-пировардида, у стол устидаги бир даста ҳужжатга қўли билан “тарс” этказиб урди-да, деди:

— Бас, бўлди. Гап тамом!

Мириманов яна бир нималар демакка уришиб кўрди. Аёл унинг гапини эшиттиси келмади. У ўрнидан оғир кўзгалди-да, ҳафсаласи пир бўлиб, скамейкага йўналди.

— Кимнинг навбати? — деб чақирди аёл.

Навбат меники эди. Сапчиб ўрнимдан турдим, аёлнинг “ўтиринг” дейишини кутмай, унинг рўпарасидаги стулга ўтирдим, стол устига аризам билан бир даста маошим ҳақидаги маълумотномаларни қўйдим. Аёл шоша-пиша уларни кўздан кечира бошлади. Аёл менинг ҳаяжонланаётганимни пайқаб қолмаслиги керак эди. Бунинг учун бармоқларим оғриб-оғриб кетгунча, кафтларимдаги оғриқ чидаб бўлмайдиган даражага етгунча мушгларимни маҳкам қисиб ўтирмоғим керак эди. Ҳозир орадан олмиш йил ўтгандан кейин аёл саволларини қай тартибда бергани эсимдан чиқиб кетди, лекин гап нима тўғрида бергани эсимдан чиққани йўқ. Владимирга ҳам, менга ҳам кўпинча битта саволга жавоб беришга тўғри келарди. Бу савол сўровчининг рус тарихидан билимлари анча ночор эканини исбот қилади. Мана, ўша савол:

— Князь Гوليцинга сизнинг қандай алоқангиз бор?

Гўёки бу аслзода шажаранинг асосий вакили бир замонлар яшаб ўтган-у, у подшога жуда яқин бўлган, беҳисоб хазиналарга эгалик қилган, молу мулкнинг, ерларининг, қасрларининг ҳисоби бўлмаган.

Владимир ҳам, мен ҳам бундай ҳолларда ўтган асрнинг охирида нашр этилган “Князь Гوليцинларнинг уруғи” деган китобни пеш қилиш тўғрисида ўзаро келишиб олдик. Бу китобда ўша йилларнинг ўзида яшаган гوليцинлар авлодининг вакиллари юз кишидан ортиқроқ бўлган ва уларнинг ҳеч қайсиси “асосий вакил” ҳисобланган эмас.

Ана шу мураккабликлар ва чигалликларнинг барини мен аёлга тушунтириб беришга ҳаракат қилдим. Бироқ у гапимни бўлиб, мендан отам тўғрисида сўради. Ё табга! Ё парвардигор! Мен ўз ҳаётимда неча мартагаб унинг ҳокимият нуқтаи назаридан қараганда нуқсонларини, менинг нуқтаи назаримдан қаралганда эса фазилатларини тилга олишга мажбур бўлдим! Менинг гапларимни эшитавериш аёлнинг жонига тегди, шекилли, у деди:

— Қани, шахсан ўзингиз ҳақингизда гапиринг-чи...

Мен журналларда чизмакашликни ўринлатиб қўйишимни ва шу билан тирикчилик қилиб юрганимни гапира бошладим. Аёл мендан профессор Строгановнинг кимлигини сўради. Мен валинеъматим нима билан шуғулланишини айтиб бердим.

Аёлнинг тоқати тоқ бўла бошлади ва туйқусдан мендан сўраб қолди:

— Даромад солиғи тўлаб турасизми? Қўлингизда патентингиз борми?

Мен тузоққа илинганимни тушундим. Дудуқлана-дудуқлана муайян муассасалар кассасидан пул олаётганимда мендан даромад солиғи ушлаб қолишларини гапириб бердим. Аммо Строганов менга ўз кассасидан нақд тўларди-ку? Мен минғирлаб ўзимни оқлашга уриндим. Аёл гапимни бўлиб, деди:

— Сирасини айтганда, бу молиявий органларнинг иши. Даромад солиғини тўламаганингиз учун сиздан жаримани ўшалар олсин. Район сайлов комиссиясининг вазифаси эса сизнинг қандай маблағлар ҳисобига яшаётганингизни аниқлашдан иборатдир. Сиз ҳунармандсиз. Мен сизга дарҳол патент олишингизни маслаҳат бераман.

Ҳали мени ҳеч ким ҳунарманд деб атамаган эди. Майли, шундай дейишса, дейиша қолсин. Нима бўлганда ҳам, ҳуқуқимни тиклаб беришса бўлгани.

Аёл менга руҳсат берди. Тақдиримнинг нима бўлишини сабрсизлик билан кута бошладим. Мен билан ёнма-ён Мириманов, рабфак талабаси, нозик-ниҳол қиз ва ҳиндиларнинг тили билан айтганда, бошқа “дахлсизлар” ўтирар эди. Биз сукут ичида, индамай ўтириб, кутардик.

Аёл яна уч киши билан суҳбатлашиб, уларга ҳам жавоб берди ва бизнинг ҳужжатларимизни кўтариб чиқиб кетди. Биз сукут ичида индамай ўтириб, кутишда давом этдик. Ниҳоят, аёл ёнида чақир кўзли комсомол қиз билан, қўлида бизнинг тақдиримиз ёзилган бир даста қоғозни кўтариб, қайтиб келди.

— Сиз тикландингиз, — деди аёл рабфак талабасига. — Сиз ҳам тикландингиз, — деди аёл ранги опшоқ қоғоздек оқариб кетган нозик-ниҳол қизга. — Сизнинг аризангиз рад қилинди, — деди у Миримановга ичи қоғозга тўла папкани узатар экан. Афтидан, бу папкадаги қоғозларда Миримановга одамларга фойда келтириш ва ўзини ҳам куруқ қолдирмаслик йўлида сарфлаган бугун ҳаёти ўз ифодасини топган эди. Сайлов комиссиясининг аъзолари унинг ноширлик фаолиятида фақат бойлик орттиришга интилишнинггина кўришипти, ҳолос. У елкасини қисиб, бошини ҳам қилиб чиқиб кетди.

Ёрдмчи комсомол қиз аёлга менинг қоғозларимни узатди.

— Сиз тикландингиз, — деди аёл менинг садақа сўраётгандай чўзилиб турган қўлимга бир даста қоғозни тутқазар экан.

Уларнинг тепасига энсизлигина, эни нари борса уч сантиметр келадиган тасма қоғоз бириктириб қўйилипти. Мен уни ёзиб, ўқидим. Совуқдан-совуқ идора тилини дабдурустдан тушуна олмадим. Кўз ўнгимда ҳарфлар рақс тушиб сакрашарди. Ниҳоят, менга етиб борди — мен тикланганман. Тикланганман! Ҳақ-ҳуқуқларим тикланган. Мен ортиқ ҳақсиз эмасман. Жуда тез тикландим-а! Камиди ярим йил кутсам керак деб ўйлаган эдим. Ҳолбуки, кўз очиб юмгунча битди-қўйди.

Фақат поездда қайтиб кетаётганимдагина ўзимга келдим. Бояги тасма қоғозни олиб, зич қилиб машинкаланган матнни яна қайта ўқиб чиқдим. Ўқидим-у овозимни баралла қўйиб ашула айтиб юборишимга сал қолди: тикландим... тикландим.

Уйга келганимдан кейин ҳаммалари мени табриклай кетишди. Владимир ҳазил қилди — қоғозининг энсизлигини кўринг, қоғозни тежашяпти-да, бўлмаса, ҳали озмунча тикланиши керак бўлган ҳақсизлар борми? Ҳаммасига қоғоз етказиб бўладими?

Афсуслар бўлсинким, ундан кейинги беш-олти ой ичида менинг тақдирим кўп ҳам ўзгармади. Худди аввалгидек, мен ғайрат билан ҳар хил буюртмаларни бажариб, чизмалар чизар, профессор Строгановдан қилган ишларим учун қалам ҳақини ўзим олардим. Бошқалардан мен учун қалам ҳақини садоқатли дўстим Валерий Перцов оларди. Энди мен кўча тўла милиционерлардан кўрқмасам ҳам бўлади. Улар ҳушёрлик билан ўтган-кетганларни синчиклаб назардан ўтказар, уч кишидан ортиқ тўлланганларни тарқатиб юборишга уринарди. Бир куни мен милиционердан фалон кўча қаерда деб сўрадим. У синчков назари билан кўкрагимни тешиб ўтгудай ўқрайди-да, ўз навбатида менга савол билан мурожаат қилди: “Нима қиласан у кўчани?” Мен ундан заррача тап тортмадим-да, дадиллик билан “Сенинг нима ишинг бор?” деб хитоб қилдим.

Ўша пайтдан бошлаб шахсий гувоҳномамнинг ичида бу қимматбаҳо энсиз тасма қоғозни кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб асрайдиган бўлдим. Анкеталарда эса урушгача ҳам, урушдан кейин ҳам анча вақтгача бир илмоқли савол ўзгармай қолаверди: “Сиз ёки ота-онангиз сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганмисизлар? Маҳрум қилинган бўлсангиз қайси йили ва нима сабаб билан? Сизнинг ёки ота-оналарингизнинг сайлаш-сайланиш ҳуқуқлари тикланганми? Тикланган бўлса, қайси йилда?”

2

Баҳорда Твердан онамнинг акаси Алексей Сергеевичдан, яъни тоғам Алексей Лопухиндан откритка олдик. Тоғам уларнинг оиласида қувончли ҳодиса рўй берганини — Тая деган қизалоқ туғилганини ёзишти ва уни чўқинтириш учун жияни Владимир етиб келишини исташини маълум қилишти.

Владимир боришдан бош тортди — у жуда шошилиш ва даромадли бир буюртма устида ишлаётган эди. Онам менга “сен бориб келақол” деди. Мен бажонидил рози бўлдим. Твердай қадимий шаҳарни кўришдан ҳам мароқлироқ нарса бўларканми? Мен бутун умрим давомида саёҳат қилишни яхши кўриб ўтдим. Онам майда-чуйда совга-саломлар солинган тугунчани кўлимга тўтказди ва мен йўлга тушдим.

Эҳтимол, китобхон Алёша тоғам ҳақидаги ҳикоямни ҳали унутмагандир — мен болалигимда Тула губернасидаги Лопухинларнинг собиқ Хилков кўрғонида ёзги табиғини қандай ўтказганимни айтиб бергандим.

Ўша ерда тоғам мевазор боғни ижарага олган эди. Кейин Сергеев посадга кўчиб келди, бу ерда пайпоқ тўқийдиган машина сотиб олди, “темир товон” деб аталадиган узун пайпоқларни бошлаб чиқариб турди, менинг сингилларим эса уларни бошлаб сотиб туришди. У Пришвинга мансуб бўлган уйнинг яқинидан жой олган эди. Марказий Адабиёт Архивида ёзувчи мактубининг кўчирма нусхалари сақланади. Уларда хат юборилаётган одам билан доно фикрларини баҳам кўрган ҳолда адиб пайпоқ тўқувчи бир девонаваш одам ва унинг кўп сонли бола-чақалари тўғрисида беписандлик билан гапирди.

Ҳа, албатта, Алёша тоғам ҳаётга кўп ҳам мослашмаган девонаваш одам эди. Кимдир унга ва унинг тўхтовсиз ўсиб бораётган оиласига раҳнамолик қилмоғи керак эди. Аввалига унга менинг онам гамхўрлик қилиб юрди. Унга пайпоқ тўқийдиган машина олишга маслаҳат берган ҳам менинг онам эди.

Мен Загорск район партия комитетининг қотибига ифвогарона суиқасд уюштирилганини юқорида гапириб ўтгандим. Ўшанда 1927 йилда Алёша тоға олти йил сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва турар жойидан бадарга қилинганди. Тоғам яшаш учун Тверни танлаб олганди.

Шунингдек, унинг оиласига Сандра Мейендорф ҳам ҳомийлик қилган.

Сандра ҳазрати олийларининг аёнларидан бўлмиш генерал-адъютант барон Мейендорфнинг ўн учта фарзандидан энг кенжаси эди. Унинг опаси Фекла Богдановна, бошқача айтганда, ҳаммамизнинг суюкли холажонимиз Тезя хола Алёша тоғанинг вафодор ва серфарзанд хотини эди. Пайпоқ тўқиш билан топган пулидан ташқари у қайнисинглиси Сандрадан ҳам бир оз пул олиб турарди. Сандра мистер Стив деган америкаликнинг кўлида қотиба ва таржимон бўлиб ишларди, мистер Стив эса Кавказда Чиатуридаги марганец конларини концессияга олган америкалик миллиардер Гарриманнинг вакили эди. Аммо 1929 йилда бизнинг ҳукуматимиз Гарриман билан шартномани бекор қилди, мистер Стив уйига жўнаб кетди, унинг қотибаси Сандрани эса қамаб қўйишди. Шу тариқа Алёша тоға оиласининг фаровонлиги ҳам барҳам топди.

У пайпоқ тўқишини давом этгирмоғи мумкин эди, бироқ орада жиддий тўсиқ чиқиб қолди. Ўз вақтида у пайпоқ тўқиладиган ипни аллақандай хитойлардан олар эди. Аммо Совет ҳукуматидан Шимоли-Шарқий Темир йўлининг мусодара қилиниши муносабати билан уларнинг ҳаммасини қамаб қўйишди. Менинг онам ишларни Орехово-Зуевалик аллақайси сирли бир кампирдан олиб келарди. Бир неча муддат Алёша тоғам бу ишлардан бемалол фойдаланиб юрди, лекин кейин кўлга тушиб қолди — ишлар ўғирлик мол экан. У ҳалол одам сифатида ва бунинг устига ҳуқуқшунос бўлгани учун бу ишдан гоят

даргазаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам, чинакам жиний иш қўзғашлари мумкин эди. Унинг олдида “Кашта тикилган ёстиқ” шунчаки арзимас бир иш бўлиб қоларди.

Алёша тоғам сердаромад, лекин ишониб бўлмайдиган касбдан воз кечиб, Тверь шаҳар колхозига “синовчи” лавозимига ишга кирди. У ҳар куни дам олиш кунларисиз Волга дарёсидан ва унинг ирмоқларидан — ҳаммаси бўлиб саккиз жойдан текшириш учун сув оларди. Шу тарзда у ҳар куни ўн беш чақирим йўл босмоғи керак эди. Теза хола унга қолдан белбоғ тикиб берди. Унинг саккизга чўнтаги бор эди. У, айниқса, қишда жуда қийналиб кетарди — сув солинган пишаларни музлаб қолишдан сақламоқ керак эди, бунинг учун уларни баданига яқин тутмоқ ва ўзининг тафти билан иситмоқ зарур эди. Бундан ташқари, музни тешмоқ учун оғиргина болғани ҳам кўтариб юрмоғи керак эди. Лаборатория мудири хотиржам бўлса бўлаверади: синовчи сувни аниқ белгиланган жойлардан олиб, етказиб берарди. Унинг маоши катта эмас эди, лекин у ўзига, хотинига, олгига боласига ва ҳеч қаерда улардан ажралмайдиган энага Тая учун озиқ-овқат карточкалари оларди.

— Сережа, келганингдан бошим осмонга етди, — деди у такрор-такрор мени кучоқлар экан. Ҳисобига етиб бўлмайдиган жўжиқлар — менинг жиянчаларим менга бақрайиб қараб қолишди. Теза хола тушликка дастурхон тузади.

Алёша тоға мен билан роҳибнинг олдига борди — чўқинтириш маросими-ни келишиб олмоқ керак эди. Йўлда кетаётиб, деворларга қоқиб қўйилган фанер тахталарни кўрдик. Уларнинг тепасида навбатдаги сайловлар тўғрисидаги шиорлар осиб қўйилган эди, фанер лавҳаларда эса маҳаллий рассом турфа хил ҳақсизларнинг суратларини чизибди.

Нэпман, роҳиб, кулоқ, собиқ генералларнинг суратини чизишда у “Крокодил” журналида босилган ҳажвий расмлардан фойдаланишди. Лекин маъмурий тарзда бадарға қилинганлар уни қийин аҳволга солиб қўйишди. Охири у бунинг ҳам иложини қилишди — мафгункор жилмайиб турган кино артист — Дуглас Фербенкснинг расмини ишлаб қўяқолишди.

Биз роҳибнинг уйига бордик. Аввал кўрқиб кетган бир қиз чиқди, кейин юраги така-пука бир кампир чиқди, унинг орқасидан кўзлари даҳшатдан бир нуқтада қотиб қолган аёл кўринди ва ниҳоят, роҳибнинг ўзи пайдо бўлди. Биз нима мақсадда келганимизни тушунтирдик, у бўлса “роса ўтакамизни ёриб юбордиларинг-ку”, деди. У болани чўқинтирмоқ учун Алёша тоғамнинг уйига боришга ваъда берди. Ўша кезларда эшик қоқиб келган бегона одамлардан ана шунақа кўрқишар эди.

Чўқинтириш маросимига кўп одам йиғилди — икки қўшни эр-хотинлар келишди, қолганлар ўзларини “манфийчилар” деб атаган одамлар, яъни ҳақсиз қилинган ва ўзларига турар жой сифатида Тверни танлаб олган москваликлар билан ленинградликлар эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам сиёсий текширувдан ўтиши шарт бўлмаган ходимлар ишлайдиган идораларга ўрнашиб олишган эди. Уларнинг ҳаммалари ҳам ўзаро жуда иноқлашиб кетишган ва ўқтин-ўқтин бирга йиғилишиб туришарди. Чўқинтириш маросими эса уларнинг йиғилмоқлари учун жуда яхши баҳона эди. Мен меҳмонлардан баъзиларини аввалдан билардим, бироқ улар билан кўришмаганимга анча бўлиб кетганди. Улар хурсандлик билан мени муборақбод қилди ва уйларига меҳмонга таклиф қилишди.

Мен никоҳ тўйларида ўн уч марта вакил ота бўлганман, лекин болани чўқинтиришим биринчи марта эди. Мен китобга қараб, кўтаринки руҳда дуо ўқидим. Черков маросими тамом бўлгандан кейин ҳамма дастурхон теграсига ўтирди, узун стол ҳам, ўтирадиган скамейкалар ҳам қўшнилардан олинган эди. Дастурхон камсукумгина эди — унда, асосан, картошка қўйилганди, арақ бўлса жуда кам эди: Алёша тоға қиррали стаканларга уни ноёб доридай томчилаб қуйди. Аммо меҳмонлар чин юракдан ўйнаб-кулишди, бир-бирларининг гапларини бўлиб, гурунглашиб ўтиришди. Фақат ҳазратгина сира очилмай, тунд аҳволда ўтирарди. Яқинда ҳукумат унинг черковини ёпиб қўйишди — у шўрлик энди тирикчилиги қандай ўтишини билмай хуноб эди. Унинг ҳам майда болалари кўп эди. Анча кеч тарқалишдик.

Эртасига биз — жуда қийин аҳволга тушдик. Эшик қаттиқ тақиллади.

“Ким?” деган саволга “Милиция” деб жавоб беришди. Эшикни очдик. Остонада милиционер ва унинг ёнида пальто кийган икки киши турарди. Йўқ, кўрққанамиз беҳуда бўлиб чиқди. Волганинг нариги томонида торфга ўт кетишти. Шаҳар советининг қарори чиқишти — ҳар битта уйдан меҳнатга яроқли бир одам сафарбар қилинар экан.

Алеша тоғам текшириш учун сув олиб келишга бормаса бўлмаслигини тунунтира бошлади. Торф ўчиришга мен бормоқчи бўлдим. Бир соатдан кейин белкурак билан Волгадаги бандаргоҳга етиб бормоқ керак экан. Ёнғин бўлаётган жойга баржада кетилар экан.

Шунга ўхшаган қутилмаган саргузаштлар менга ҳаминша ёқар эди. Мен елкамага белкуракни кўйиб, Тверь кўчалари бўйлаб, шаҳдам қадам ташлаб кета бошладим. Волгага етиб бордим ҳам, шекилли. Нега “шекилли?” Теварак-атрофни шунақа тугун қоплаган эдики, бир неча қадам наридаги нарсани худди парда ортидан кўраётгандай англаб бўлмасди. Дарёнинг нариги соҳили қаерда экани ҳам маълум эмасди. Белкурак, болта, лом, челак кўтарган одамлар жуда кўп. Баржани шатакка олган кема оҳиста сузиб келди. Тахта кўприклардан югуриб ўтиб баржага чиқдик. Баржа қирғоқдан ажралди ва биз хира, дим зулмат кўйинига қараб аста сузиб кетдик. Мен ўнгимда ҳам, сўлимда ҳам кўзга кўринмас Тверь соҳиллари борлигини тусмолаб сезиб борардим, лекин Волгани кўрмаётганимга асабийлашмоқда эдим.

Бир соатдан кейин манзилга етиб бордик. Бизни тутаб ётган торфзорга олиб боришди. Унинг усти майда ниҳоллар билан қопланган эди. Оловнинг йўлини тўсмоқ учун ариқни қаердан кавламоқ кераклигини кўрсатишди. Бир-биримиз билан ҳазиллашиб, гап отишиб, инқилобий кўшиқлар айтиб, ҳамжиҳатлик билан кавладик. Кейин ҳаммамиз ҳам индамай қолдик, истамайгина кавлаётгандай бўлиб қолдик. Бир нечта аравада қизил аскарлар тушлик олиб келишди, ҳаммага тунука тоғорачалар билан ёғоч қошиқлар тарқатиб чиқишди. Кечқурун торфзорни ўраб олган ариқча тайёр бўлди ва биз яна ўша баржада шаҳарга қайтдик. Мен яна на Тверь, на Волга менинг кўз ўнгимда намоён бўлишини истамаганларидан хуноб бўлдим.

Эртаси куни мен танишларимизникига ташриф билан банд бўлдим. Аввал Владимир Вульфферникига бордим. У Шамоскварецк маликаси ва бобомнинг қалин дугонаси Елена Сергеевна Петухованинг тўртта куёвидан бири эди. Бўйи унча баланд бўлмаган, нозик, серҳаркат, ёноқлари чиқиб турган, икки чеккасида бакенбарди бор, чўққи соқол кўйган бу одам бир вақтлар гусар полкида лейт-гвардия офицери эди, лекин унга истеъфога чиқишга тўғри келди, негаки унинг хотини подшонинг укаси — улуг князь Михаил Александровичнинг машуқаси бўлиб олган экан. Вульфферт хотинини кўйиб юборди ва соҳибжамол Вера Григорьевна Петуховага уйланди.

Эру хотини икковлон мени жуда самимий кутиб олишди, кўярда-қўймай чой ичгани ўтқозишди. Владимир Владимирович деразасининг тагида шапалоқдек жойда деҳқончилик қилган экан — мени олиб бориб, экинларини кўз-кўз қилди, у ифтихор билан турли-туман гулларини кўрсатди ва бир неча йилдан бери мовий рангли георгинлар ўстираётгани тўғрисида бугун бошли лекция ўқиди. Уруш тамом бўлгандан кейин мен “Қирқ қидирувчи” деган қиссам устида ишлаётганимда гўзал мовий гуллар яратишни орзу қилган дарвеш-боғбонни эсладим ва унинг тўғрисида ҳикоя қилиб бердим... 1937 йилда Елена Сергеевнанинг тўрт куёвининг ҳаммаси Воркутадами ё Колимадами ҳалок бўлишди.

Вульффертларникидан кейин мен Истоминларникига — Петя ва унинг синглиси Наташаникига бордим. Бўйи икки метрли, кўп таманно ва мақтанчоқ йигит бўлмиш Петя менинг акам Владимирнинг ошнаси ҳисобланарди ва бир вақтлар Нансен миссиясида хизмат қилган эди. Машҳур сайёҳ Волга бўйидаги очларга ёрдам уюштирган эди. Миссия ёпилгандан кейин Петяни қамоққа олишди. У уч йил умрини Бутирка турмасининг йўлакларида ўтказди, кейин Тверда яшаб қолди. Бу ерда у геодезия партияларида оддий ишчи бўлиб ишлаб юрди. Унинг синглиси Наталья қанақа шароитда, қандай сабаблар билан Москвадан бадалга қилинганини билмайман.

Мен Петя билан Наташаникида тушлик қилар эканман, қутилмаганда улар-

нинг жияни ва менинг қадрдон дўстим Сергей Истомин келиб қолди. У ҳам олти йилга ҳақсиз қилинганлардан эди. Биз у билан кўпдан бери кўришганимиз йўқ эди. Қаттиқ кучоқлашиб, эркакчасига ўпишиб кўришдик. У мени бугун шаҳар бўйлаб қидириб юрган экан. Мени ота-онасининг ҳузурига олиб кетмоқчи бўлди. Биз йўлга тушдик. Бироқ борадиган жойимиз олисда эди, бугун шаҳарни кесиб ўтиб Волганинг чап соҳилига — Заволжьега бормоқ керак эди.

Сергейнинг отаси Петр Владимирович мен билган одамлар орасида энг олибжаноб ва ҳалол инсонлардан бири эди. У подшога садоқатли бўлишга қасамёд қилган экан, винобарин, Совет ҳукуматига хизмат қилишим мумкин эмас, деб ҳисобларди. Шунинг учун у фарзандларини худо безорилар мактабига беришни истамади ва уларни 9-синфгача ўзи ўқитди. Кейин улар экстрен йўли билан имтиҳон топширдилар — у пайтларда шунақа йўл билан ҳам маълумот олишга рухсат бериларди. НЭП замонларида Петр Владимировичнинг тирикчилиги шу билан ўтардики, у собиқ одамлардан қимматбаҳо буюмларини сотиб олар ва уларни нэпманлар ҳамда ажнабийларга сотарди, олди-сотдидан келадиган жиндай даромада тирикчилик қиларди. Нэпманларни сиқиб қўйишгандан кейин у ҳам тоғам Алёша Лопухинга ўхшаб, пайпоқ тўқийдиган машина сотиб олди ва уни хотини билан икки смена ишлатиб, тоғамдан кўра кўпроқ даромад ола бошлади. Москвада истиқомат қилувчи хитойлар тор-мор келтирилгач, унинг хотини ишларни Орехово-Зуевадаги ўша сирли кампирдан ола бошлади. Бироқ ишлар фабрикадан ўғирлаб чиқилгани боис, Алёша тоғам бу хатарли ишни йиғиштирган эди. Истомин бўлса, ўша кампир билан ошначилик қилишда давом этди. Бениҳоя ҳалол бўлган Петр Владимирович бу ишда аллақандай фирромликлар борлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Бу оила жуда художўй эди, ҳамма диний маросимларга амал қилишар, шанба ва якшанба кунлари черковга қатнашни канда қилишмасди. Бироқ бу Сергейнинг беҳаё латифалар ва қўшиқларни яхши кўришига халақит беролмади.

Истоминлар Тверда зах, сўхтаси совуқ бир ертўлада яшар эдилар. Хоналарининг деворларига ҳар хил иконалар ва фотосуратлар осиб ташланган. Петр Владимирович бўйи унча баянд бўлмаган, қорамағиздан келган одам эди. У кичкина бурнининг устига жуда чиройли пенсене кўндириб олганди. У мени очиқ чехра билан кутиб олди, кетишимга қўймай, ётиб қолишга кўндирди. У уч йил Соловкида азоб чекди. У ердан Тверга келиб қолди. Ўша кунни оқшомда у менга Соловкидаги турмуши тўғрисида кўп нарсаларни гапириб берди. Бу ерда 1929 йилга қадар нисбатан бемалолгарчилик бўлган экан. Аристонларнинг кунни ўтиб турар экан. Унинг жуда ўзига хос, биров бўғиқроқ, лекин ҳар қандай шароитда ҳам хотиржам овози бор эди. У менга Соловкида олинган ва гоёта ноёб бўлган бир қанча фотосуратларни кўрсатди. Суратлардан бирида учта митрополит билан бирга тушипти. Бу митрополитлар проваслав черковига бошчилик қилмоқлари керак эди, ҳолбуки, улар бу ерда черков ишларидан узоқда умр кечирмоқда эдилар.

Эргалаб Сергей ишига кетди, унинг синглиси Ксана эса менга шаҳарни кўрсатмоқчи бўлди. Иттифоқо, шамол ҳам бугунлай ўчиб бўлмаган торф ёнғинининг тутунини тарқатиб юборганди. Куёш чарақлаб турипти, Волганинг иккала соҳили бўйлаб жойлашган оппоқ ибодатхоналар ва оппоқ уйлар ярқираб кўриниб турипти.

Менинг кўз ўнгимда ўша пайтдаги гўзал ва кўҳна шаҳар Тверь бугун ҳусни жамоли билан намоён бўлди. Ҳаммаёқда — черков, уларнинг тилла булгар ўрнатилган гумбазлари... Волга жуда кенг. Унинг ирмоғи энсизроқ, ирмоқ дарёга қуйиладиган жойда бошдан-оёқ оқ рангга бўялган, XVI асрда қурилган, машҳур Отроч монастири жойлашган. Бир замонлар шу монастирда Малюта Скуратов митрополит Филиппни ўз қўли билан бўғиб ўлдирган.

Ксана икковимиз кўприкдан ўтиб, Волганинг ўнг соҳилига чиқдик, соҳил билан ёнма-ён кетган асосий йўлда сайр қила бошладик. Бу кўча Миллионная деб номланар экан, негаки, Екатерина II ёнғиндан кейин уни тиклаш ишларига миллион сўм хайр қилган экан. Мана, жуда улкан ва баҳайбат беш гумбазли Михаил Архангел жомеси. Яқинда бу ерда сақланиб келган халқ қаҳрамонининг суяклари олиб чиқиб кўчага улоқтирилди. Бу қаҳрамон Тверь

князи, азиз-авлиёлар сафидан ўрин олган, Ордада қийнаб ўлдирилган Михаил Ярославич эди. XVI асрда қурилган, гумбазлари кўп Беляя Троица ибодатхонаси. Кўнғироқлари сероб, мумғоз услубда қурилган ошпоқ савдо расталари Миллионная кўчасида учта майдон бор эди, уларнинг бирида ярим доира шаклда қурилган, гоётда ҳашаматли иккита қаср жойлашганди. Ўлкани ўрганиш музейи ва расмлар галереяси шу қасрларда экан. Ксана мени шу ерга бошлади.

Ўшанда мен жуда қадимий ва бениҳоя гўзал нарсаларни мириқиб томоша қилиш бахтига сазовор бўлиб, роса лаззат олгандим. Бугун ўша кўрганларимдан қандайдир мўъжиза рўй бериб, фақат Беляя Троица ибодатхонаси-ю, икки қасрли майдон сақланиб қолишти, холос. Ажойиб савдо расталари Хрущев замонидаёқ кунпаякун қилинган, қолганлари эса — йўқ, немислар томонидан эмас, ўзимизнинг фожеали ўтгизинчи йилларимизда вайрон қилинганди. Тверь билан Кострома иккита катта ва қадимий шаҳарлар. Айниқса, шу шаҳарлар юртбузарларнинг ваҳшийликларидан кўп азият чекишди, бу ҳам етмагандай, Тверь шаҳрини шавкатли, қадимий номидан маҳрум ҳам қилишди... Кечга бориб, ҳориб-толиқиб, Алеша тоғамниқига етиб бордим. У менинг ғойиб бўлиб кетганимдан ташвишланиб ўтирган экан. У йилларда ҳар нима бўлиши мумкин эди-да — уйдан чиқиб кетган одам қайтиб келмаслиги ҳам мумкин эди.

Ўша кезларда Тверда (мен бу шаҳарга 1933 йилда яна бир борган эдим) учрашган одамларимнинг кейинги қисматини айтиб берай.

1934 йилда ака-ука Мейендорфлар валюта эвазига ўз сингилларини халос этдилар. Менинг холам Фекла Богдановна эса эри Алеша тоғамни ҳисобламаганда энди олти болалик эмас, етти болалик бўлганди. Уларнинг ҳаммалари Эстонияга жўнаб кетишди. У ерда Мейендорфларнинг ота-боболаридан қолган қасрлари бор эди. Жўнаб кетишларидан олдин Алеша тоғам бизниқига хайрлашгани келди. У жуда аянчли аҳволда, кайфияти тушкун, олдинда уни қандай қисмат куғаётганидан бехабар эди.

Бизнинг кўшинларимиз Эстонияни ишғол қилганида Гитлер Сталин билан келишиб олган экан — бу ерда истиқомат қиладиган аҳолидан қай бирининг томирида немис қони оқса, истаса, Германияга кетишлари мумкин. Алеша тоғам немис аёлнинг эри сифатида Германияга жўнаб кетган. У ўзи билан ҳамма болаларини олиб кетган. Унинг тўнғич ўғли Сергейни немис армияси сафларига чақиришипти, лекин у Фарбий фронтда жанг қилишти. Уруш вақтида Алеша тоға қандай туйғуларни кечирдийкин, кимга хайрихоҳ бўлдийкин — билмайман. Аммо у бизнинг ғалабамиздан хурсанд бўлган бўлиши керак деб ўйлагим келади. Бизнинг кўшинларимиз Берлинга кириб борганида, у ўз оиласи билан бирга ўша ерда экан. Қизиғи шундаки, мен ҳам Берлинда бўлганимда қариндошларим ўша ерда экан, лекин мен буни хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Кейин бутун оила Америка — АҚШга бориб қолди. Алеша тоғамдан онамга бор-йўғи битта хат келди, холос. Мен уни ўқиганман. Ун саҳифа давомда шайтони лаин тўғрисидаги, рўзи маҳшар яқинлиги ҳақидаги узундан-узоқ мулоҳазалардан кейин у қанақа қашшоқ ҳаёт кечирганини, ўша шароитда фарзандлар орттирганини эслапти; ҳозир фарзандларининг ҳаммаси оилали, бола-чақали бўлиб кетишипти, ҳаммалари православ динида қолишишти, ҳаммаларининг кенг-кенг хонадонлари бор экан, ҳар қайсилари иккитадан машинага эга экан. Унинг ўзи эса ана шу сон-саноксиз уруғнинг бошлиғидай экан. На биз ўз қариндошларимизнинг ҳолидан хабардор эдик, на улар бизни билишарди...

Петя Истомина тасмалар-у рейкаларни кўтариб юришга ор қилган, шекилли, у ҳам Ёқутистонга кетиб қолишти, аллақерга ҳисобчи бўлиб ишга ўрнашишти ва охир-оқибатда, катта бир корхонанинг бош бухгалтери бўлиб олишти.

Унинг амакиси Петр Владимирович яна бир неча йил Тверда яшапти ва тверликлар билан москваликларни “Темир товон” деган пайпоқ билан таъминлашда давом этишти. 1934 йилда эса Тверда яшайдиган ҳақсизларнинг бошига оғир мусибат тушди. Уларнинг баъзи бирлари, шу жумладан, Вульфферт ҳам лагерларда ғойиб бўлишди, баъзиларини эса олис жойларга жўнатиб юборишди. Петр Владимирович оиласи билан аввал Оролга бориб қолди, кейин

Қозоғистонга, Кокчатовга тушиб қолишди. У ерда Петр Владимировични яна қамоққа олдилар ва у ўша ёқда ҳалок бўлди. Унинг ўғли Сергей Кокчатов мактабда бадантарбия ўқитувчиси бўлиб ишларди. У ичтерлама касалига учраб, вафот этди. Мабодо, тузалиб кетганида ҳам, отасининг куни унинг ҳам бошига тушмоғи муқаррар эди.

3

1930 йил кириб келди. Биз Котово қишлоғидаги тор бир уйда сиқилишиб яшашга, ноқулайликлардан азият чекишларга ўрганиб ҳам қолдик. Москвага тез-тез қатнаб туришга тўғри келарди. Бу қатнашлар жуда кўп вақтни оларди. Сут билан сабзавотни қўшнилардан сотиб олардик, бешта карточкамизга нон олардик, ёғ, шакар ва ёрмани эса “Торгсин бонлари” билан долларга харид қилардик.

“Жаҳон изқувари”дан ҳайдалган акам Владимир ҳақсизлигига қарамай, бошқа журналларда муваффақият билан меҳнат қилишда давом этарди. Унинг Гильгендорф деган қалин оғайниси бор эди (Уруш бошланганда уни немис жосуси деб судсиз-тафтишсиз отиб ташлашди). Гильгендорфни ҳамма Гулька деб қақирарди. У жуда абжир ва чаққон журналист эди, ўзи ҳам юлдузни бенарвон урадиган йигит эди. У “Оламлар кураши” деб аталган умри қисқа саргузашт журналининг таҳрир ҳайъатига аъзо эди. У Владимирни чин дилидан яхши кўрар ва унга буюртма бериб туришдан қўрқмас эди. Ҳатто бу билан ҳам чекланмай уни журнал номидан Қора денгизга хизмат сафарига юборишга ҳам муваффақ бўлганди.

Владимир билан бирга хотини Елена ҳам кетди, болаларни бизнинг ота-оналаримиз қарамоғида қолдиришди. Улар билан оиламизнинг яқин дўсти Валерий Перцов ҳам кетди. У ўзи ишлаётган жойдан ўз ҳисобидан таътилга чиқди. У ёшлик йилларидан бери қадимги Юнонистон билан боғлиқ ҳамма нарсани жуда яхши кўрар ва Қора денгиз соҳилларидаги юнон колонияларининг харобаларини бориб кўришни кўпдан бери орзу қилиб юрарди. Сайёҳлар Ольвиндо, Херсонда, Керчда ва яна алақаерда бўлишди ва жуда мамнун қайтишди. Владимир акварелда чизилган суратлардан ташкил топган бир нечта альбом билан қайтди. Уларда Қора денгиз манзаралари, унинг соҳилидаги қадимий Юнон харобаларининг кўринишлари ва турли майший манзаралар тасвирланган эди.

Синглим Маша коллектор сифатида Брянский областига ўзининг биринчи геологик экспедициясига жўнаб кетди. У Нина Алексеевна билан бирга кетди. Нина Алексеевна эса профессор Алексей Павловичнинг қизи эди. Эсингизда бўлса, профессор Хлебниковада истиқомат қилар ва бизнинг қўшни Котово қишлоғидан бошпана топишимизга ёрдам берганди.

Отам аста-аста ниманидир таржима қилар ва неваралар билан андармон эди. Онам эса рўзгор ишлари билан банд эди, аммо ўша малъун “Кашта тикилган ёстиқ” иши бўйича, рўзгор ишларини қўйиб, тез-тез Москвага бориб-келиб туришга мажбур бўларди.

Маҳаллий аҳоли билан биз кўп ҳам мулоқотга киришавермас эдик. Бу жиҳатдан турмушимиз Глинководагига ўхшамасди. “Муваффақиятлардан эсанкираш” мақоласидан кейин Котоводаги колхоз тарқалиб кетди. Қорлар эриб кетгандан кейин, биз қутилмаганда кўрдикки, Шчапово, Павликово, Виноградово, Хлебниково каби қўшни қишлоқларнинг далаларига бошдан-оёқ қулупнай экилган экан. Бу мевани оммавий тарзда нэп замонларидан бошлаб эка бошланган эдилар. Қулупнай колхозларга чакана даромад келтирмаган эди. 1930 йилда эса расмий ҳокимият қулупнайзорларни қўлга киритиш ҳаракатига тушиб қолишди — улар қулупнай экилган участкаларни эгаларидан тортиб олишди-да, бу ерларда совхоз ташкил қилишди. Қулупнайлар эсон-омон пишиб етилдилар. Ҳосилни йиғиб олиш учун бутун округ бўйлаб жар солдилар: қулупнай тергани саватларингни кўтариб келаверинлар, қорнингизга сиққанича еяберасизлар, аммо бирон дона мевани ҳам на чўнтакка урасизлар, на халтага соласизлар. Одам демагани ёғилиб кетди. Мен ҳам, синглим Катя ҳам дугоналари билан бир кунгина далага чиқдик. Меваларни териб, сават-

ларни тўлдирдик, уни кўтариб, қабул пунктларига олиб бордик, у ерда уларни яшиқларга ағдардик. Кулупнайнинг қанчаси чириб кетганини билмадим. Янаги йилга эса ҳамма кулупнайзорларни ҳайдаб, ўрнига ғалла экишди. Ҳа, албатта, ҳукуматга мевадан кўра ғалла кўпроқ зарур эди. Шу тариқа Москва кулупнайсиз қолди...

4

Гарчи сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари тикланган бўлса-да, қосиб чизмакаш тўла маънодаги совет фуқароси бўлолмас эди. Мен давлат хизматига ишга кирмасам бўлмайдиган бўлиб қолди. Буни менинг ота-оналарим ҳам, ўзим ҳам яхши тушунар эдик. Терговчи Горбунов берган маслаҳат ҳам эсимда эди — у Москвадан кетиб, коммунизмнинг буюк қурилишларида ишлашни маслаҳат берган эди. Ҳа, туғимни шиқиллатиб қолмасам, ҳеч иложи йўқ эди. Онам менга тасалли бериб, “худого шукр, қамалмай омон қолдинг. Худо ўзи асади сени” дерди. Орадан икки-уч йил ўтсин, ҳамма бироз тинчиб, ўпкасини босиб олсин, ана унда мен яна қайтиб келавераман. Ана ўшанда менинг орзуим рўёбга чиқади — мен ёзувчи бўламан. Лекин онам башорат қилишни ўринлата олмас экан.

Гоҳ менинг бир танишимни, гоҳ яна бошқа бировини айрим идоралар ишга қақриб турарди. Гарчи мутахассис бўлмаса-да, бундай идоралар саводли ва виждонли одамларга жуда муҳтож эдилар. Шундай идоралардан бирида мени ҳам ишга олишадигандай бўлишувди, аммо кадрлар бўлимининг хушёр бошлиғи фамилиямни кўриши биланоқ, чин дилдан менинг Москва кўчаларида бемалол юрганимга таажжуб билдирди. Мен худди орқамдан қувиб келишаётгандай, зинадан югура туша қочиб қолдим. Шу воқеадан кейин кўчаларда иш қидириб юришга ҳам кўрқиб қолдим ва юрагимда бугун бўлмаса, эртага мени, албатта, қамашади деган комил ишонч билан яшай бошладим.

Нафақат шўринг қурғур ҳақсизлар қалбини, бугун Рус тупроғини улут бир кўрқув туйғуси чулғаб олди. Кўплаб йиллар мобайнида одамлар “ана, ҳозир эшик тақиллайди-ю, шу билан тамом-вассалом” деган бир фикрга асир бўлиб яшашди. Доимий равишда фалончини олиб кетишипти, пистончини қамаб қўйишипти деган гап-сўзлар қулоққа чалиниб турарди. Агар бу мусибатлар бошқа шаҳарларда рўй берган бўлса, фалончи “бетоб бўлиб қолди” деб хат ёзишарди. Қамалишдан кўрқиб туйғуси кишини қаттиқ эзарди. Мен ҳам ҳар куни, ҳар соат фалокат рўй беришини кутиб яшардим ва мана, эсон-омон юрибман-ку, сайр қилиб юрибман, яхши орзулар қилиялман, ҳатто хушчақчақлик ҳам кўнглимга сиғяпти деб таажжубланиб ҳам кўярдим. Лекин бир кун эмас-бир кун қамалишим муқаррар эканини яхши билардим.

Мактабда ўқиб юрган кезларимдан бери менинг битта кадрдон дўстим бор эди — биз у билан тўрт йил бир партада ўтириб катта бўлган эдик. Шура Соколов интендент хизмати полковнигининг ўғли эди. Анкеталарда у “ҳарбий интендентнинг ўғли” деб ёзарди ва бу кадрлар бўлимларининг унчалик хушёр бўлмаган ходимларини қаноатлантирарди. Биз мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ отаси вафот этиб кетган эди, опаси эрга тегиб кетган. Шура онаси Прасковья Николаевна билан бирга Бережки деган жойда Елисеев ва Брюсов торкўчаларининг муюлишидаги черковнинг ҳовлисида яшар эди.

Мен ўқтин-ўқтин Шура ва унинг онаси ҳузурига бориб турардим. Мен уларга аламли саргузаштларимни айтиб берсам, менга дардкашлик қилиб, гапларимни тинглаб ўтиришарди. Улар менинг қорнимни тўйғазишар, лекин кечаси тунаб қолишга йўл қўйишмасди — чақимчи кўшнилardan кўрқиб шарди. Шура менга “сайлаш-сайланиш ҳуқуқларинг тиклангандан кейин сени ўзим ишлаётган муассасага ишга жойлаб кўяман” деб гапириб юрарди. Мен озми-кўпми тўла ҳуқуқли совет фуқароси бўлиб олганимда Шура Москвада йўқ эди. У тадқиқот ишларига жўнаб кетган экан, дала ишларидан ёзнинг ўртасида қайтиб келмоғи керак экан. Мен унинг қайтишини сабрсизлик билан кута бошладим.

У сентябрнинг бошларида қайтиб келди. Мен унинг олдига бордим. У ме-

нинг ҳақ-ҳуқуқим тиклангани ҳақидаги энсиз тасма қоғозни синчиклаб ўқиб чиқди-да, “ҳаммаси жойида, мен тадқиқотчилар гуруҳининг бошлиғи билан гаплашаман, сени, албатта, ишга олишади, техник тадқиқотчилар жуда ҳам зарур” деди.

— Анкета-чи? Анкета масаласи нима бўлади? — деб сўрадим мен.

— Э-э, ҳар қанақа бўлар-бўлмас анкеталарни ҳаёлингдан чиқариб ташла, — деб жавоб берди Шура. — Бошлиғимиз сендан — фақат бир нарсани сўрайди — “амалий машғулотларни ўтганмисиз?” — дейди. Сен бўлса сира тутилмасдан “Ҳа, ўтганман” деб жавоб бермоғинг керак.

Умуман айтганда, мен ўқиган мактаб танобчиликка мойилроқ эди ва дипломимда дала тажрибасини ўтганимдан сўнг мен техник-танобчи деб аталишга ҳаққим борлиги кўрсатилган эди. Аммо айни ана шу амалий машғулотларни ўтган эмасдим. Гарчи имтиҳонларда геодезияни бемалол топширган бўлсамда, бу соҳанинг асбоб-ускуналарини фақат суратлардагина кўрган эдим. Бир неча оқшом мобайнида Шура менга нивелир ва теодолит каби асбоб-ускуналар билан қандай муомала қилиш кераклигини ўргатди. У менга геодезия бўйича дарсликлар келтириб берди ва мен халқ хўжалиги Олий кенгашига қарашли “Главнефть” тапкилотига ишга кираётганимни уқтирди. Яқинда Шимолий Кавказда нефть топишган экан. Биз Ашшерон-Майкоп районидаги бир станцага бориб, геодезия тадқиқотларини ўтказмоғимиз керак экан. У менинг чиндан ҳам ишга ўрнашишимга қомил ишонч билан сўзларди. Менинг ҳам унинг гапларига жуда-жуда ишонгим келар, лекин юқори идораларда ҳаммаси барбод бўлмаса гўрга эди, деб хавотир қилардим.

Шура партия бошлиғига мен тўғримада гапириб беришти ва у мени қабул қилишга рози бўлишти. Шунинг ўзи кифоя экан. У менинг бўлгуси бошлиғим қанақа одам эканини яхшилаб гапириб берди. Вячеслав Викторович Сахаров етмишлардан ошиб қолган, бутун умри мобайнида темир йўл қуриладиган жойларда тадқиқот ишлари олиб борган эди. Унинг учта ўғли ҳам отасининг изидан кетишти, аммо улардан бири зараркунандалиги учун қамокда ўтирар экан — темир йўлни белгиланган жой қолиб, бошқа жойдан ўтказиб юборишти. Унинг тўртинчи ўғли ҳам бор экан, аммо у такасалтанг экан. Вячеслав Викторовичнинг ўзи илгарилари темир йўллар халқ комиссарлигида йирик лавозимда ишлаган, аммо зараркунандалик ҳақидаги гаплар кўпайиб қолгандан кейин, нафақага чиқиб кетишни афзал кўрган экан. Ҳозир эса у тадқиқотчилар гуруҳининг оддий бошлиғи бўлиб ишга киришти. Бу гуруҳ бутунлай бошқа идорага қарар экан, аммо Вячеслав Викторович ишгамай туролмас экан. Шура менга яна унинг лақаби “қария” эканини ва у ҳар куни бир шиша арақни кўрдим демай ичиб юришини айтиб берди. Лекин у техникларига бир қултум ҳам ичирмас экан. Шура мени яна бир нарсадан огоҳ қилди — қария интизомни қаттиқ тутар экан, бирор одамдан аччиғи чиқса, шердан баттар қиёфага кириб, уни тузлар экан.

Мен Шурага жон-жаҳдим билан берилиб ишлашга ваъда бердим.

Сентябр ойининг гўзал кунларидан бирида Шура менга эртасига эрталаб “Главнефть” идорасига боришим кераклигини тайинлади ва бу идора Мясницкий кўчасида жойлашганини, у ерга бориб, қайси қаватга кўтарилишим кераклигини тушунтириб берди. Мен айтилган жойга бордим. Орадан кўп ўтмай Шура ҳам етиб келди. У мени катта бир хонанинг бурчагига ўтказиб қўйди-да, Қария ҳали келмаганини айтди. Мен камида бир соатча ўтирдим. Менинг олдимдан бир-бирлари билан баҳслашиб, гурунглашиб кексалар ҳам, ёшлар ҳам ўтиб турди. Аҳён-аҳёнда Шура ёнимга югуриб келар ва олдимдан ўтаётганларнинг бири, иккинчиси, учинчисининг фамилиясини айтгарди. Жуда салобатли, иягида испанларникига ўхшаган бир тутам соқол қўйган бир бошлиқ кириб келганида Шура уни менга бутун “Главнефть”нинг бош инженери деб таништирди. Яқинда уни зараркунанда сифатида қамашар экан. Бир неча ой ўтар-ўтмас Ракитинни чиндан ҳам қамашди. Ниҳоят, бошига темирйўлчилар шапкасини кийган, устида темирйўлчилар шинели, новча, бир чимдим туклари оқарган мўйлови бор, ошпоқ қошлари таҳдид билан чимирилиб тургандай кўринувчи кекса одам кириб келди. У устидаги темирйўлчилар

шинелини ечди. Шинелнинг тагидан қора тужурка¹ кийиб олган экан. Тужурканинг ҳамма тутмалари қадалган. Шура менга қараб бош ирғаб қўйди — “кўрдингми, “Қария” деганимиз шу киши бўлади” дегандай бўлди, ўзи эса Қариянинг теграсида гирдикапалак бўла кетди. Мен ўтирган жойимда ўтириб, ё қариянинг ёши ўтиб қолганига қарамай ҳамон келишган қадди-бастига суқланиб қараб ўтирдим. У тик турганича гоҳ у билан, гоҳ бошқа биров билан гаплашди. Уша кезларда олий техника ўқув юртларининг талабаларига фуражкасини ечиб юришни буюришган эди. Уларнинг кетидан инженерлар ҳам техникага алоқадор эканликларини билдирувчи нишонларини тақмай қўйишди, чунки техникага алоқадорликни билдирадиган ҳар бир нарса уларнинг зараркунанда эканликлари тўғрисидаги гумонларни туғдиради эди. “Крокотил”да зараркунандалар ҳаммаша техниклар кийиб юрадиган фуражкаларда тасвирланар эди. Шу тарзда ўтган асрдан бери юксак кадрланиб келаётган инженерлик унвонининг обрўи тушиб кетди. Ҳолбуки, ҳарбий саркардалар эмас, балки айни муҳандислар, техник ходимлар Россиянинг қудратини беқийс юксакларга кўтаришган эди. Афсуски, ҳозир ҳам инженерларга иккинчи даражали ходимларга қарагандай қарашади...

Ниҳоят, Шура бир дақиқа бўш вақт топди-да, Қарияга мени кўрсатди. Мен унинг олдига бориб, худди ҳарбий сафлагидек ғоз турдим. Иккала қўлим ҳам ёнимда қўйи туширилган ҳолда эди. У мени бошдан-оёқ синчиклаб кўздан кечирди, синовчан назар билан юзимга тикилиб қолди. Менинг тиззаларим қалтираб кетди. У мендан биттагина нарсани сўради:

— Сиз амалий машғулотларни ўтганмисиз?

— Ўтганман, — деб дадил жавоб бердим мен унинг ичига ботган мовий кўзларига тик қараб.

У менинг аввалдан тайёрлаб келган аризамни қўлига олди, ёнида турган столга яқин борди-да, тик турганича аризага фикрини ёзиб, Шуранинг қўлига тутқазди. У аризани қўшни хонага олиб кириб кетди ва бир неча муддатдан кейин қайтиб чиқиб, менинг 3-қидириш гуруҳига техник-пикетажист лавозимига ишга олинганимни маълум қилди. Маошим ойида 175 сўм бўлар экан, бундан ташқари далада ишлаганим учун ҳар ойда олганим фоиз қўшиб бериларкан. Яъни ҳар ойда 280 сўм оламан-а! Ахир, бу бамисоли эртакка ўхшайди, ақл бовар қилмайдиган пул-а!

Мен трамвайдан тушиб, иккинчисига чиқиб, Савинов вокзали томонга елдим. Бутун вужудимда қувонч қўнғироқлари тантана қилмоқдайди. Трамвайда рўпара келган ҳар бир йўловчига, поездда рўпара келган ҳар қайси йўловчига қараб “Ҳой одамлар! Эшитмадим деманглар! Мен “Главнефть”га қарашли 3-сон қидирув гуруҳида техник-пикетажистман“ дея қичқиргим келади.

Мен хурсандлигимдан ўзимни еттинчи осмонда деб эмас, ўн иккинчи осмонда деб ҳис қилардим. Уша пайтда ўзимни бўйнига биринчи марта бўйинтуруқ урилган уч яшар дўнон аҳволига тушиб қолганимни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Алвидо энди, келгусида ёзилажак романлар-у қиссалар! Энди нафақат ёзувчилик орзуси сувга уриб кетади, балки бутун бошли ўттиз йил ичида ҳатто биронта китобни ўқиб чиқиш ҳам насиб этмаса керак. Мен суяк-суякларимгача гуманитарий эдим, энди тақдир мени техника одамига айлан-тириб қўйди. Хлебниково бекатидан Котовогача қанот боғлаб учдим, нафасим тикилиб, ҳаллослаганимча уйга кириб бордим:

— Мени пикетажист қилиб ишга олишди!

— Нима? Нима? Нима этажист қилиб? — деб қайтариб сўради отам. Турмушнинг ҳар хил зарбаларидан роса азият чекканига қарамай, у юмор туйғусини йўқотмаган эди.

— Йўқ, йўқ, унақа эмас! — деб хитоб қилдим отамга ва ота-онамга пикет дегани трассанинг бир бўлаги бўлиб, юз метрга тўғри келадиган масофа эканини тушунтира бошладим. Менга тобе ишчилар йўлнинг ҳар юз метрига иккитадан қозиқ қоқиб чиқишади. Уларнинг бири ер билан текис қилиб қоқилади ва нуқта деб аталади. Иккинчи қозиқ белигача қоқилади, буниси соқчи деб аталади. Мен шунисига пикетнинг номерини ёзиб чиқаман. Бир ҳафтадан кейин

¹ Т у ж у р к а — тутмаси икки томонга қадалган калта камзул.

қидирув ишларига жўнаб кетамиз. Ҳар куни эрталаб ишга борадиган бўлиб қолдим. Ура! Ҳақиқий ишга! Номеримни илиб қўйгандан кейин тўртта ёш йигит билан буюмларимизни боғлар, ҳар хил майда-чуйдаларни қутилларга жойлар эдик. Мен бу юмушларнинг ҳаммасини жуда ғайрат билан бажарардим. Умримда биринчи марта нивелирлар, теодолитларни кўрдим, масофа ўлчайдиган пўлат тасмалар, симлардан ясалган тўғнағичлар, олачиפור қозикчалар, қора ва қизил бўёқларда рақамлар ёзилган устунчалар нима эканини кўрдим. Шуранинг раҳбарлигида мен асбобларнинг номларини ўрганар ва муруватларини бураб кўрардим. Умримда биринчи марта менга аванс беришди ва умримда биринчи марта менга этик беришди. Шура менга пайтава ўрашни ўргатиб қўйди.

Якшанба куни 17-чақиримга Осоргинларникига бориб, улар билан хайр-хўшлашиб келдим. Лина ҳам, бошқалари ҳам хорижга жўнаб кетишга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Ляна Осоргинанинг эри — Сергей Дмитриевич Самарин — Юшанинг амакиси — баҳордаёқ оламдан кўз юмган эди. Георгийнинг ҳалокатидан кейин сўнгги тўсиқ ҳам бартараф бўлган эди. Ҳокимият 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркаларни хорижга чиқармасди, бошқаларга эса марҳамат — агар хориждаги қариндошингиз сизни таклиф қилаётган бўлса, кетсангиз кетаверинг. Кейинроқ 1931 йилдан бошлаб, жўнаб кетаётганларнинг ҳар биридан валюта ундириш йўлини ўйлаб топишди. У пайтларда эса паспорт учун арзимас миқдорда пул тўланарди.

Миша амаким билан Лиза холам, уларнинг учта қизлари, менинг опам Лина ва унинг еттига боласи — ҳаммаси бўлиб ўн уч киши Француз элчихонасидан бериладиган визани кутишмоқда эди.

Мен Осоргинларникига келиб, рояль турган жой бўшаб қолганини кўрдим. Бу рояль жуда ўзгача эди. У жуда қадимий бўлиб, авваллари Алтиркида — Трубецкойларнинг Москва яқинидаги кўрғонларида турарди. Лиза холанинг отаси князь Николай Петрович Трубецкой Николай Рубинштейннинг дўсти эди. У Москвада Консерватория биносини қуришда ташаббускорлардан бири бўлганди. Уша роялда Рубинштейн ҳам, бошқа таниқли музикачилар ҳам кўп ажойиб асарларни ижро этишган.

Қаёққа ғойиб бўлдийкин бу рояль? Менга айтиб беришларича, маҳаллий ҳукумат вакиллари қулоқ сифатида уларнинг буюмларини мусодара қилмоққа келишипти. Қадимги мебел ва портретлар уларнинг диққатини жалб қилмапти. Улар арава олиб келишипти, унга роялни ортишипти ва клубга олиб кетишипти. Клуб эса яқин қўшни қишлоқдан чиққан роҳибнинг собиқ уйида жойлашган экан. Бу купша-кундуз куни қилинган ошқора талончилик эди. Қишлоқ ҳокимиятининг вакиллари эса буни текинхўр одамларнинг мулкани қишлоқ ёшларини музикага ўргатиш учун мусодара қилиш деб атадилар. Болалар роялни даранглатиб чала бошлашди ва охир-оқибатда, унинг созини бугундай расво қилишди. Орадан кўп ўтмай, роялни бугундай синдириб дабдала қилишди.

Менинг жўнаб кетадиган куним келди. Ота-онам мени Хлебниково бека-тигача кузатиб қўйишди. Мен кўтаринки кайфиятда жўнаб кетдим. Курск вокзалига мени кузатгани синглим Маша келди. Сўнгги дақиқаларда синглим Лина ҳам югуриб келиб қолди. Мен сингилларим билан ўпишиб хайрлашдим ва вагонга чиқдим. Поезд аста силжиб юриб кетди. Алвило, Москва! Мен учун янги ҳаёт бошланмоқда эди...

Тамом.

АЗИЗХОН таржимаси.



Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Бўсаға

Роман

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Назар ёзги имтиҳонлардан яна қарз бўлиб қолди. “Ўртоқ Тўрабоев, сиз академик таътил олмасангиз бошқа иложимиз йўқ, бешта имтиҳоннинг тўрттасидан ўтолмасиз, бу аҳволда институтдан ҳайдалиб кетишингиз ҳеч гап эмас”, дейишди деканатда. Овулдан, “опанг Қодир лампамойга бошини кўшибди”, деган хабарни эшитганидан бери ҳам уйдан, ҳам элидан қўлини ювиб, қўлигига артган ёш йигитга энди бу зарбани кўтариш осон эмасди. Ахир, ўқийман, одам бўламан, деган катта умидлар билан сафарга отланган чоғида тақдир тақозоси билан рўпарасидан Лоланинг “лип” этиб чиқиши тушига кирибдими? Агар у кундузги ўқишни қийналиб бўлса-да, давом эттираверганда эди, ҳозир учинчи курсда ўқиётган бўларди... Тавба! Кимга аччиқ қилиб бундай йўл тугган экан... Гулжонгами?... Унинг “бевафолик” қилганигами?... Садқаисар, шуям иш бўлди... Хўп, яхши, ўқишни кечкига ўтказди, дейлик. Лекин, ҳамма қатори ўқиса, имтиҳонларни топшириш қўлидан келардику? У ҳолда, бирламчи, Тошкентдай гўзал шаҳарнинг табиий офатдан кейинги қайта тикланишида ўз ҳиссасини қўшган бўлар; иккиламчи, кундузи ишласа қорни тўқ, усти бут, яъни онасининг қўлига қараб қолмасди. Ўша “совуқ хабар”ни эшитгунга қадар, онаси бечора топган-туган пулидан тежаб-тергаб, ойига эллик-олтмиш сўм юбориб тургувчи эди. Энди бўлса, уч-тўрт сафардан бери юборган пулини боласи қайтариб жўнатавергач, бошқа юбормай қўйди... Бахтга қарши, машина ҳайдай бошлагандан буён Назар пулга муҳтожлик сезгани йўқ, қайтага, Ғани акасининг кўрсатган “муруввати” туфайли омонат дафтарча очиб, икки минг сўмча жамғаришга улурганди.

Назар ўзига яраша қорни тўқ, усти бут яшамокда эди. Лекин у Тошкентда ўқиётган овулдошлари билан мутлақо борди-келди қилмасди. Нега деганда, танишлардан бири бўлмаса бошқаси гап орасида ё Гулжонни, ёки онасини эсига солиб, кўнглига озор беришидан чўчирди. Дунёнинг ишларига баъзан кулгин қистайди: Назар Гулжон ёдига тушган вақтларда, ўз-ўзидан Лоланикига югуриб қоларди. Лола бўлса, ўтган уч-тўрт ойдан бери, борса кет демайди, аксинча, кўзларини сузиб, уни кучоқ очиб қарши олади. Кейинги кунларда Назар ётоқхонадан кўра кўпроқ шу ерда тунайдиган одат чиқарди. Ахир, эртадан қоронғу тушгунгача машинада ичак-чавоғи ағдарилиб, бунинг устига, ишдан кейин яна тўрт соат мудраб лекция тинглашнинг ўзи бўладими? Бу ҳам камлик қилгандай, ётоқхонага борса, ҳамма ширин уйқуда ётган бўлади. Кейин ёлғиз ўзи оёқ учида ошхонага бориб чой кўяди, қаттиқ-қуртиқ нон тоҳида топилса, гоҳида уям йўқ. Лола билан танишганидан бери ўн олтинчи трамвайга ўтириб, қирқ беш минут юрса бўлди: иссиқ овқату чорловчи кўзлар, асалдек бўсалару илиқ кучоқлар... йигит кишига бундан ортиқ яна нима керак?

Ана шундай ўтқинчи ва алдоқчи роҳат-фароғатлар Назарнинг ўқишига,

Охири. Боши ўтган сонда.

қолаверса, дастлабки катта орзу-умидларига ҳалақит бермоқда эди. Унинг ишонган тоғи — Ғани акаси қишқи имтиҳонларига бир амаллаб ёрдам берди-ю, ёзда биринчисидан яна ўтолмагач, уям тўнини тескари кийиб олди. Лекин, бир оз мулоҳазадан кейин нимадир эсига тушиб:

— Иним, энди бундай ишлар ҳадеб “ассалом алайкум”, “ваалайкум асса-лом” билан битавермайди. Лекин сен хафа бўлма, ўйлаб кўриб, бир иложини топамиз, — деб ваъда берган эди. Сўнг бирданига тўртга имтиҳондан йиқилганда:

— Мен, иним, таниш-билиш оғайниларнинг секин қўйнига қўл солиб кўргандим, ҳаммаси: муллажиринг бўлмаса, иш битмайди, дейишди. “Э, қўйсаларинг-чи, у ўз боламдай бўп қолувди, майли, ўзим беш юз сўм бера қолай” десам, бу камлик қилади, дейишди. Энди нима қилсак экан, оз бўлса-да, ўзингнинг ҳам жамғарманг борми? — деб сўради Ғани “култ” этиб ютинаркан.

— Бор, — деди Назар, — бир ярим мингча пулим бор.

— Баракалла, — деди Ғани, қўлларини бир-бирига ишқаб, — сен ҳозирча минг сўм опке, ўзим ёнимдан беш юз қўшаман. Қани, таниш домланинг олдига яна бир марта бориб кўрай-чи...

Белгиланган кунда Назар Ғани акасини кабинага ўтқизиб, талабалар шаҳарчаси атрофидаги янги қурилган майдонларни оралаб, бир оз юрди. Ўзига илгаридан таниш муюлишдан чапга қайрилиб, ҳали асфальт ётқизилмаган янги кўчага кирди-да, жимжимадор нақшли каттакон дарвоза олдида тўхтаб, Ғанини кабинадан туширди...

Орадан чамаси бир соатлар ўтгач, Ғани дарвозадан кулимсираб чиқди.

— Бўлди, иним, ҳамма ишинг битди. Зачёткангни қўлига топширдим, йигирма кунлардан кейин хабар олинг, деди. Фаришгалар овмин деса, бу одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, ўзиям жуда билимдон, аммо докторлик диссертациясининг сал чатоғи чиқиб турибди-да. Ҳа, айтганча, болам, бугун Сирдарёга бориб келмаймизми?

— ГАИ ушламаса, бораверамиз.

— Менда тайёр йўлланма билан юкхати бор, ўзимиз тўлдириб оламыз-у кетаверамиз, — деди Ғани, муғамбирона кўз қисиб.

Улар келишилган вақтда базадан материал юклаб, кун пешиндан оққанда йўлга тушишди. Таниш маршрут бўйича юриб, Янгиқентга етай деганда, яқинда шу колхозга лой қорийдиган машина олиб боргани, Фуломнинг Ғани акаси тўғрисида қандай аломат гаплар қилгани Назарнинг хаёлидан ўтди. Ўша куни Фулом унинг икки мингга чўнтакка ургани етмагандай, Назарнинг кира ҳақидан ҳам юз сўмни юлиб қолганини айтиб, Ғанининг ноинсоф ва ўтакетган айёрлигига шама қилган эди.

— Ғани ака, бултурдан бери фақат Сирдарёнинг ўзига ўн мартача қатнадим. Қанча мол етказиб бермай, ҳар борганимда мижозларингиз, “яна қачон келасиз?” деб сўрайди. Буни қандай тушунса бўлади, у ёқнинг қурилиши ҳали-бери битмайди-ми?

Ғани пиқ этиб кулди-да, бошини сарак-сарак қилиб, деди:

— Шумсан-да, Назаржон, жа-а, ўтакетган шум боласан... Худди ўзинг билмайдигандай, мендан сўрайсан-а. Бугун халқимиз ёппасига бир ёқадан бош чиқариб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаётган Тошкентнинг қурилиши, мана, бир йилда дарров битиб қолдими? Қурилишга кетадиган нима-ки нарса бўлса, бизга ҳаммасидан вагонлаб тўкиб ташлашган, аммо Тошкентни яна неча йил қуришимиз ҳали ўзимизгаям номаълум. Сен олиб борган нарсалар ҳалиги сирдарёлик ошналаримизга урвоқ ҳам бўлмаслигини ўзинг жуда яхши биласан-у, билиб туриб, тагин мендан сўрайсан. Бундай одамларни сизлар тарафда нима деб аташади?

— Юҳо! — деди Назар кулимсираб.

— Юҳо! Жуда ажойиб сўз экан! Бироқ, бундай “юҳо”лик сен билан менга ярашмайди, иним. Зилзиладан кейин кўпчилик тошкентликлар шаҳар ташқарисига уй солиб, кўчиб чиқа бошлашди. Имконияти бор одам шу яқин атрофдаги колхоз раҳбарлари билан келишиб, иморат солаётир. Мана, қурилишнинг бир учи Сирдарёга еганини ўзингга кўриб турибсан-ку... Мен ҳам

Янгикентдан данғиллама жой қип қўйганман. Ёзда бола-чақалар бориб, хабар олиб туришади... Айтмоқчи, ҳу боягида ўзинг сондан чиққан бир лой қорғични оборгандинг, эсингдами? Ўша ёқлар биззи қайинюрт бўлади. Қандай ажойиб жойлар эканини кўргандирсан. Аммо-лекин, раиси жа зўр одам-да, ўзиям!

Назар бош ирғаб, унинг гапини маъқуллаган бўлди.

— Овқатлансак бўлармиди, — деди Назар. — Тушдаям ёлчителиб ҳеч нима емасан.

— Ҳозир, иним, йўлда ресторан бор.

Улар йўл ёқасидаги кичикроқ ресторан олдида тўхтаб, ичкарига киришди. Ичкарида ёлғиз ўзи четдаги столда овқатланаётган япалоқ юзли, пакана одамдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Сал кайфи ошиб қолган бўлса керак, йўловчилар кириши билан йўғон бўйинини тириштириб ва бутун гавдасини буриб, уларга қаради.

— Ҳой, оғайнилар, бу ёққа келинлар! Бу ёққа! — деди у дўриллаган овозда.

— Ассалому алайку-ум, ош бўлсин! — деди Фани икки қўлини кўксига қўйиб ва хиёл энгашиб. — Биз шошиб турибмиз, бир четда овқатланамиз-у, тезда кетамиз, узр...

— Бу ёққа кел, деяпман, сенга!

Назар кирган жойида қоққан қозикдай қимирламай ва индамай турди, Фани япалоқ юзли одамнинг столига қараб йўрғалаб кетди.

— Лаббай, — деди Фани унга қўл узатиб.

— Лаббай-саббайнингни кўй-да, келиб столга ўтир, бирга овқатланамиз. Ҳей, хўжайин, қани, тезроқ овқатдан опке! Қанча бўлса, ҳаммаси менинг ҳисобимдан, фақат тезроқ, меҳмонлар шошиб туришибди. Ҳой бола, сен нега қаққайиб турибсан, келиб ёшуллининг ёнига ўтирсанг-чи!

Фани бақалоқнинг ҳукмфармо овозидан бир сесканиб тушди-ю, лекин лом-мим демай, унинг ёнига жойлашди. Шундан кейин Назар ҳам уларга яқинлашиб, рўпарадаги столга ўтирди.

— Сен бола, мина сартга ўхшамайсан-ку? — деди бақалоқ, Назарга тикилиб туриб.

— Қорақалпоқ, — деди Фани, зўрға кулимсираб. — Ўзингиз-чи, қозоқмисиз?

— Мен одамман. Биринчи галда одамман, шундан сўнг — қирғизман! Айнанайин бовурум, қорақалпоғим, отинг нима, қароғим?

— Назар.

— Меники эса, Султон. Ўшнинг тубжой қирғизлариданман. Сизнинг отингиз? — сўради у Фанига бурилиб.

— Фани.

— Фани ака, сен менинг “сарт-парт” деган гапларимни кўнглингга олиб юрма, мен ҳазиллашиб айта бераман, сартларнинг бариси тоғам бўлади, боланинг тоғасиям сарт, хулласи калом, чор тарафимнинг ҳаммаси сарт!

Султон ўз сўзларидан ўзи наша қилиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Фани ҳам бош ирғаб, ичак-силласи қотгунча кулди, Назар бир марта бехосдан пиқ этдию, дарров сергак тортиди.

— Жигитлар, бугун менинг “эрийдиган” куним. Очиғини айтиб қўя қолай: яккаю ёлғиз фарзандим рошпа-роса бир ёшга тўлди, бугун унинг туғилган куни! Ана шу қувончимга шерик бўлишга... ҳиқ... сизларниям таклиф қиламан. Таклиф қиландаям худди шу ерда, шу столда меҳмон қилавераман. Менинг Оспанжоним бир ёшга тўлди, ёлғиз фарзандим, кўрар кўзим бугун оёғини атак-чечак босди... Хўжайин, опке борингни, меҳмонларга коньякдан қуй!

Официант Фани билан Назарнинг олдига икки косада буғи чиқиб турган шўрва, ликопчаларда қовурдоқ келтириб қўйди.

— Биздаги овқатнинг энг яхшиси шулар, қани, марҳамат қилиб олинлар. Бирор камчилиқ бўлса, биз ҳаммиса хизматингизга тайёр... Султон ака, сиз бир оз чарчаганга ўхшайсиз, ҳалеб араққа зўр берганча, ора-сирода овқатдан ҳам оптуринг. Эрталабдан бери шу билан олтинчи столи кузатаёйсиз. — Официант шундай деб, Султоннинг орқасига аста шапшатилаб қўйди.

— Ука, сен мени маст деб ўйлама. Лекин бугун мен маст бўлмасам, ким маст бўлади, а? Ахир, боя айтдим-ку, болам бир ёшга тўлди деб... Менинг

эркатойим, яккаю ёлғизим... Олинг, меҳмонлар, қани, олдик! Сизлар менга қарамай олаверинглар. Официант ука, коньягингдан опкесанг-чи, бояги пул етмаса, ма, мановдан керагича ол!

Султон бир пачка бешгалликни шимининг чўнтагидан олиб, столга қўйди:

— Боламдан аяйдиган жойим йўқ, фақат манави йигитлар менга, фарзандингнинг умри узоқ бўлсин, катта йигит бўлсин, деб фотиҳа беришса кифоя... Сен коньяк қуйишни бил, ука!

— Султон ака, қаерда ишлайсиз? — деб сўради Назар, ўртадаги жимликдан фойдаланиб.

— Мен, иним, сенинг элингда, Устюртда ишлайман, пармаловчиман... Бугун умрим чўлда ўтган... Ёш ўртадан ошпандан кейин, вақти-соатинг яқинлашиб қолгандай, ҳадеб ўйланаверар экан одам... Бундан уч йил бурун — қирқ олти ёшимда уйланганман. Янганг раҳматлик жуда яхши аёл эди. Йигирма ёшида Оспанжонни дунёга келтирдю, ўзи дунёдан кўз юмди... Эҳ, нимасини айти! У мен учун оламда тенги йўқ, ақлли, сулув аёл эди, мениям, норасидасиниям чирқиратиб, олди-ортига қарамай кетди-борди...

Султон оҳ уриб, ёшига ярашмаган алфозда бўзлади, кўзларига дастрўмолини босган кўйи узоқ йиғлади.

— “Ишқсиз эшак, дарлсиз кесак”, дейди халқимиз, ҳамманиям бошида ўлим бор, Султонжон, бардам бўлинг... — дея унга тасалли берди Фани.

— Сенинг нечта боланг бор? — деб сўради Султон, рюмкаларга коньяк қуяркан.

— Саккизта.

— Меники эса, яккаю ягона. Шундан бошқа ҳеч кимим йўқ дунёда... Хўп, кўлимиздагини олайлик.

Назар рудаман дегандан кейин уни кўп зўрламай, шишадагини иккови охиригача бўлиб ичишди. Бурнининг учи терлаб, Фани аста-секин тилга кира бошлади.

— Султонжон, мен Тошкентда қурилиш участкаси бошлиғиман, қўл остида юзга яқин одам ишлайди. Бугун Назаржон икковимиз Сирдарёга меҳмонга бораётувдим, борсангиз, бир шамоллаб келардингиз...

— Нима қилти, борсак бораверамиз-да, — деди Султон, — бормай юрган жойимиз эмас-ку... сенга нима бўлди, иним, тўнингни тескари кийиб, миқ этмай ўтирибсан? — деб у Назарга қаради.

— Ҳеч нима, — деди Назар, секин бурнини тортиб. — Ўзи камгапман, туришим шу.

— Сен, мени яна шу ерга опкеб ташлайсанми?

— Албатта, қайтишда барибир шу йўлдан ўтамиз-ку, — деди Назар.

— Бўлмаса, озроқ сабр қилинглар, — деди Султон ва рюмкаларга тўлдириб яна коньяк қўйди. — Соғ-саломат етиб олишимиз учун бигтадан олайлик... Ўзимиз, бола-чақаларимиз билан соғ-омон бўлайлик, менинг ўғлим ҳам катта йигит бўлсин, осмонимиз ҳамиша очиқ... Айтганча, Назаржон, сенинг элингда — Устюртда бешик тебратаётган бир жувоннинг боласини кўшиқ айтиб овутаётганини кўрганман. Айтиб берайми? Ҳозир...

Кокилингни силкитсанг
Довул турсин, тойчоғим...
Йўл бошласанг, изингдан
Овул юрсин, тойчоғим...

Қандай дилпортар кўшиқ, бу! Мен шунда жувондан: “Бу айтаётганинг қайси шоирнинг кўшиғи, агар китоби бўлса, бошқа шеърлариниям ўқиб кўрай”, десам, у: — “Бу кўшиқни шоирлар эмас, оналар яратган... биз уни ким ёзганиниям аниқ билмаймиз, бироқ кўзимиз очилиб, қулоғимизга гап кирганидан бери уни оналаримиздан эшитамиз. Мактабда бу кўшиқни ўргатмаса-да, болаларимизга ўзимиз айтиб бераверамиз...” — деди. Кўп гапириб юбордим шекилли, кечиринглар мени. Бийдай чўлда ўзинг ичингда мингирлаб юрмасанг, дардинга қулоқ соладиган бошқа одам йўқ... Баъзан зерикканимда, ўғлимни соғинганимда ўша аёлдан эшитган кўшиқни хиргойи қиламан. Шунда

кўнглим анча кўтарилиб, енгил тортгандай бўламан... Ҳа, майли, бўлмаса, шунга олиб қўяйлик.

Иккаласи тўқиштириб ичишди.

* * *

Улар машинага ўтиришгач, Фанининг феъли бирдан ўзгариб қолгани Назарга галати туюлса-да, Султонга барибир эди. У ўзича: “Йўл бошласанг изингдан, овул юрсин, тойчоғим...” деган сатрларни қайта-қайта минғирлаб айтиб, бошини ўриндиқнинг орқа суянчигига ташлаган кўйи пишиллаб ухлаб қолди. Назар Фанининг боядан бери атрофга аланг-жаланг қараб, оғзига толқон солгандай индамай келаётса-да, у ёқ-бу ёқдан сўзлашгудек чоғи борлигини сезди-ю, ўзи гап очди:

— Фани ака, шу сессиядан омон қутулганимдан кейин уйлансам қалай бўлар экан?

— Жуда яхши бўлади-да, — деди Фани ясама камтарлик билан. — Қачон уйлансанг ҳам ўзим кўл қовуштириб хизматда бўламан, карнай-сурнаю ҳофизларни менинг бўйнимга қўя бер, ҳаммасига биз тан, иним.

— Ортиқча дабдабага имконим йўту, лекин шундай бўлсаям, яқин-орада кичикроқ тўй бериб юборсамми, деб бош қотириб юришсан...

— Бундан чиқди, кўз остига олиб юрган қизинг бор экан-да? — деди Фани, йигитга синовчан назари билан қараб.

— Нима десам экан? Биттаси бор-у, лекин ҳозирча унга бу ҳақда оғиз очганим йўқ.. Айтсам, йўқ демаса керак, деб ўйлайман ўзимча...

— Оббо, сен-эй, “қўй нўғойда, хашак тўқайда”, дегандек, ҳали қизнинг розилигини олмай туриб тўйдан оғиз очаясанми? Сен аввало ёзги имтиҳонларингни яхшилаб топшириб ол, иннайкейин, қиз билан гаплашиб бир муомалага ке, сўнг уйингга хат ёзиб, онангдан руҳсат сўра. Бу орада келин бўлмишнинг ота-онаси олдидан ўт, ана шундан кейингина тўй ҳақида бемалол оғиз очсанг бўлади...

Улар ўзаро гурунглашиб, Сирдарёга қандай етганини ҳам сезмай қолишди. Назар машинани таниш муюлишдан бураётиб, ёнида мазза қилиб хуррак отаётган Султон акага кўз қирини ташлади-ю, негадир унинг тақдирига ачиниб кетди. Ўзининг келажаги билан Султон аканинг ўтмишини ҳаёлан таққослади.

Уларни Назарга илгаридан таниш чўққисоқол, гирдигумдан келган одам илиқ кутиб олди.

— Султон полвон! Ҳо, Султонжон, тур энди, нима бало, биратўла силланг қуридимми, — дея Фани уни тирсаги билан туртиб уйғотди. Назар кабинетдан тушиб, чўққисоқол билан омонлик-эсонлик сўрашаман дегунча Фани ҳам Султонни уйғотиб, уларнинг ёнига опкелди.

— Э-э, — дея чўққисоқол қўлини кўксига қўйган кўйи Фанига қараб йўргалай кетди, — отагинанинг ўзлари кепти-ку, қадамларига ҳасанот!

У Фани билан ҳам, Султон билан ҳам кучоқлашиб ва ўпишиб кўришгач, меҳмонларни ичкарига бошлади.

— Ўзингиз ишга бош бўп келганингиз жуда яхши бўпти-да, Фани ака, тоза мириқиб ўтираммиз энди, — деди мезбон, уларга қават-қават кўрпачаларда ўтиришга жой кўрсатар экан.

— Қани, қадам етди, бало етмасин... — деб Фани фотиҳа ўқиганда, ҳамма қўлларини юзига тортишди. — Энди гап бундай, мулла Рустамали, бемалол ўтиришга вақгимиз йўқ, ишдаги одамлармиз. Нима атаган бўлсанг, борини шу ерга опкелавер. Агар йигитлардан бўлса, бизлар чой-пой ичаман дегунча юкни тушириб олсанг-у, кейин биз турсак.

— Э, Фанижон ака, сиз мени шу ўтирган жойингизда ўл, десангиз ўлай, ammo меҳмон қилмасдан юбормайман... Энди, эртага азонлаб қайтасиз, — дея чўққисоқол гинахонлик қилган бўлди-да, сўнг яна сўзида давом этди. — Фанижон ака, агар гапнинг пўскаласини айтсам, юк туширадиган шоввозлар кечга яқин, яъни ишдан кейин келишади...

Фани чойдан хўр-р эткизиб бир хўшлади-да, ёнида ўтирган Султонга шама қилиб:

— Эллик грамминг бўлсаю аямай қуйиб берсанг, шу ердаги йигитлардан ортадиган иш борми? — деди.

— Арақдан бўлса опкелавер, жўра, — деди Султон ух тортиб, — юкинг қочиб қаёққаям борарди? Машинадагини Назар икковимиз бир пасда эплаштириб ташлаймиз...

— Хўп бўлади, — деб гирдиғум ташқарига югургилаб кетдию кўп ўтмай, иккита шишани қўлтиғига қистириб келди.

Нари-бери овқатланишиб, қиттай-қиттай отишгач, ҳаммаси ташқарига чиқибди. Рустамали дарвозасининг бир табақасини ланг очди-да, ҳовлидаги супанинг шундоқ ёнидан жой кўрсатиб:

— Ҳей, мана бу ерда уста-уст яхшилаб тахлаб қўяверинглар, бизни Фанижон билан гаплашадиган гапимиз бор, — деди Султон билан Назарга буйруқ оҳангида. “Аввалги келганимда-ку, атрофимда гирдикапалак бўлиб, мени ўтқизишга жой тополмасди, энди хўжайиннинг олдида парвона бўлишини бунинг”, дея хаёлидан ўтказди Назар ва уни бирдан гап билан силтаб ташлади:

— Рустам ака, сизга юк керак бўлса, марҳамат қилиб тушириб олинг, мен қўлимниям урмайман!

— Мулла Назар, хў-ўй мулла Назарвой, қани, бу ёққа келинг-чи, — деди бир четда тишини чуқалаётган Фани, гирдиғумнинг гапиришига фурсат бермай. Назар унинг олдига келгач, қулоғига энгашиб аста шивирлади:

— Иним, сен бир четдан ҳа-ҳа, деб турсанг бўлди, анови пиянистанинг ўзи ташиб беради-ку. Ҳозир, яна бир шиша вино опчиқтираман, ора-чорада отиб олиб, ўзи тушираверади.

— Фани ака, пияниста эмас, меҳмон-ку у!

— Эҳ, болам, болагинам-эй, ҳали кўп нарсани тушунмайсан-да. Унга Сирдарёни биз билан бир айланиб келмайсизми, деганимда шу ишни мўлжаллагандим. Бўлмаса, у менинг қайси газагимга дори?

Назар бир оз иккиланиб турди-да, сўнг ташқарида, машинанинг олдида ўтирган Султоннинг ёнига келиб, орқанги бортни шошилмай очди. У четдаги яшикни азот кўтариб, индамасдан ҳовлига томон юрган эди, Султон ҳам битта яшикни олдию гандираклаганча унинг орқасидан кетди. Улар шу тариха, кузовни қўлетар жойгача яшиклардан бўшатишгач, Султон чўнтагидан сигарета олиб тутатди, “перекур”, деб четроққа чиқди.

— Менимча, бўёқ бўлса керак, — деди у, ёнига келиб чўнқайган Назарга қараб. — Ҳайронман, уларга мунча бўёқнинг нима кераги бор экан? Бу ерда на магазин, на омбор бўлмаса...

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Назар бепарволик билан.

— Сенингча, ҳаммаси неча яшик?

— Бир юз йигирматача бордир-ов.

— Сиртидаги ёзувлари қайси тилда эканини билмадим-у, лекин ҳарҳолда, чет элнинг молига ўхшайди.

Назар инглиз тилини билмаса-да, лотинча ҳарфларни оз-моз танирди. У ўрнидан туриб, “ҳозир аниқлаймиз” дегандай, кузовга сакраб чиқди ва яшиклардан биридаги ёзувларни ичида ўқий бошлади. Бироқ, “тара”, “нетто” деган сўзлардан бошқа ҳеч нимага тушунмади.

— Нима деб ёзибди? — сўради Султон қўлидаги сигаретани бир четта улоқтираркан.

— Оғирлиги қирқ кило, — жавоб берди Назар.

— Оғирлигини билиш учун саводнинг кераги йўқ, кўтариб кўрсанг бўлди-да. Қардан чиққан ва нархи қанча эканини ёзмабдими?

— Бу ҳақда ҳеч гап йўқ, — деди Назар ёзувни тушунолмаганини яшираркан.

— Унда, сен юқоридан узатиб тур, бир пасда туширамиз-кўямиз, — деди Султон. У шундай деди-ю, Назар пешма-пеш узатаётган яшикларни ҳовлига чопқиллаб таший бошлади. Улар машинадан охириги яшикни олаётганларида ҳорманглар, деб тиржайганча Фани келди.

— Баракалла, азаматлар! Ана, “йигит келса ишга, қари келса ошга”, деб шунга айтадилар-да. Бошқа одамнинг нима кераги бор, шу икки азамат бир

пасда эглайди десам, Рустамали гапимга ишонмай, овқат тайёрлатишгаям улгурибди.

— Фани ака, шу бўёқлардан бир яшигини сотмайсизми? Қайнотамга жуда зарур эди-да. Улар кекса одам, магазиндан олгани билан уйига етказиши қийин, шу таътилда деразаю эшикларини бўяб бериб кетсам, савобга қолармидим...

— Султонжон, энди бу ёгини мулла Рустамали билан келишиб кўраверасиз. Мол биззи ихтиёрдан кетди, — деди Фани тилла тишларини кўрсатиш учун атай илжайиб.

— Сиз айтсангиз, йўқ демас-ов?

— Ҳозир сўраб кўрамиз, — деди Фани ва ҳовли томонга қараб товуш қилди: — Хей, Рустам! Рустамали!

— Лаббай, отагинам! — дея гирдиғум ўша заҳоти ёнларида ҳозир бўлди.

— Султонжон сиздан бир яшиқ бўёқ сўраётир. Ке, агар мени ҳурмат қилсанг, йўқ демай берақол.

— Хўп, ака, сиз сўраганингизда, бизнинг йўқ деган жойимиз борми? Лекин, нархи Тошкентдагидай бўлмайди-да, энди...

— Неча сўм? — сўради Султон.

— Одамлар бунинг бир яшигини олтмиш сўмдан ялиниб опкетади. Сен бўлсанг, ўзимизнинг одамсан, бунинг устига, Фани акам ўртага тушгандан кейин... Шунинг учун, майли, эллик сўм берақол...

Султон индамасдан чўнтагидан бир пачка бир сўмлик чиқарди-да:

— Ма, манавидан ўзинг санаб ол, — деди.

Рустамали кўлидаги яп-янги пачкани бузгиси келмай, бир оз ўйлашиб туриб:

— Султон ака, айтган жойингизга, балки бир яшиқ етмас, агар маъқул кўрсангиз жуфт қила қолинг. Бу савилнинг ранги ҳар хил бўлади, мабодо етмаса, яна шу рангдан топасизми-йўқми... — деди.

— Майли, — рози бўлди Султон.

Рустамали шу гапдан сўнг пулни чўнтакка урди-ю ўзи югуриб бориб ичкаридан икки яшиқни навбатма-навбат опкеб, машинага жойлади. Кейин кафиларини бир-бирига шап-шап уриб, обдон қоққан бўлди-да, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Сиртдан унинг ҳаракатларини кузатиб турган Фанининг бирдан ранги ўзгарди. Шу топда хаёлидан: “Рустамали мендан бир юз йиғирма яшиқни уч мингта олиб, икки бараварига пуллар экан-да. Бу қандай инсофсизлик?” деган шубҳали ўйлар ўтган эди.

Улар дастурхон атрофида анча вақт чақчақлашиб ўтиришгач, Фани Рустамалини, гап бор, деб қўшни хонага аста олиб чиқди. Нариги хонадан дастлаб шивир-шивир, сўнг қаттиқ бақаришган овозлар эшитилди. Икковининг ниманидир келишолмаётгани аниқ эди.

— Агар, заррача ор-номус, виждонинг бўлса, устига яна икки минг қўш. Ахир, биз тез-тез муомала қил турамиз, қўп олиш-бериш қиламиз ҳали, — дерди Фани овози қалтираб.

— Жон ака, агар тириклай теримни шилиб олмасангиз, бошқа бир тийиним ҳам йўқ. Агар бўлса, сиздан аяган вақтим бўлганми, отам, — дерди Рустамали қасам ичиб.

— Ўзинг ўйла, ҳаммаси инсоф билан бўлиши керак-да. Мен бояги уч мингни акт тузганларга бўлиб берсам, ўзимга домонаям қолмайди-ку? Ҳали юқни опкеган анави болаларгаям ҳақини тўлашим керак. Йўқ, мулла Рустамали, бунақада савдомиз чиқишмайди, — дерди Фани оёғини тираб.

— Хўп, мен кўни-кўшнидан бир амаллаб беш юз топиб келаман, бундан ортиқ сариқ қақаям беролмайман. Агар кўнмасангиз, на чора, молингизни қайтариб опкетаверасиз, — дерди Рустамали бўғилиб.

Улар алланимага келишгандай, қайтадан шивир-шивирга ўтишди, бир оздан кейин икковининг ҳам ранги ўчиб, сир бой бермаслик учун зўрма-зўраки илжайган қўйи уйга кириб келишди. Ҳақиқий қиёфасини яширишга қанчалар уринмасин, уларнинг феъли шерикларига отнинг қашқасидай маълум эди.

Назар машинани ўт олдиргач, “юраверайми”, дегандай Фанига қараган эди, у қўли билан “тўхта”, ишорасини қилди. Охири, сабри чидамади шекилли:

— Бир-икки сигнал бер! — деб бақирди.

Назар устма-уст сигнал босавергач, ниҳоят, ичкаридан ўн-ўн икки ёшлар агрофидаги бола чиқиб, газетага ўроғлиқ алланямани Ганига узатди-да:

— Отамни касалхонада ётган аммам чақиртирган экан, шунга бормоқчи бўп турибди, — деди.

— Ҳайда! — деб қичқирди Гани қизариб. — Бундай савдогарнинг ўзиниям, аммасиниям уйи куйсин!

Йўлда, то Султон билан учрашган ресторанга етганча, ҳеч ким миқ этиб оғиз очмади. Қош қорайиб бормоқда эди, рестораннынг рўпарасига келганда Султон уларни уйига таклиф қилди-ю, лекин бир шарти борлигини айтди:

— Мен боламнинг олдида арақ ичмайман, шунинг учун уйдан бир тиш-лам нон еймиз-у, сўнг ресторанга келиб ўтирамыз.

— Йўғ-э, Султонжон, уйга тезроқ бормасак, бола-чақа хавотир олади, рухсат берсангиз, биз йўлдан қолмасак, — деди Гани ялиниб.

— Мен сизларга ўғлимни кўрсатаман, майли, кўрманасиям ўзимдан бўлади, яхшилаб бир отамлашайлик! — деди Султон уларни кўндиришга уриниб.

Яшиқларни уйга туширишгач, Султон ичкаридан бир қўлида нон, бир қўлида боласини кўтариб чиқди.

— Оспанжон, қани, манави сарт тоғанга бир салом бер-чи, ҳа, ассалом де... Маладес, энди қорақалпоқ тоғанга салом бер... — деб у ўғилчасининг ўнг қўлидан ўзи ушлаб, меҳмонлар билан бирма-бир саломлашгирди.

— Катта йигит бўл, — деди Назар овозини чўзиб.

— Ота ўғил-да, ота ўғил, баракалла, — деди Гани боланинг юзидан ўпиб.

Нондан бир тишламдан ейишгач, Султон уларнинг йўқ дейишига қарамасдан кабинага ўтириб олди-да, мен меҳмоннинг қадрига етмайдиганлардан эмасман, деб ресторанга бошлади. Официант уларни очиқ чехра билан кулимсираб қарши олди ва хизматингизга тайёрман, дегандай таъзим қилиб, ўтиришга жой кўрсатди.

Уччаласининг ҳам негадир ўтиришга ҳуши йўқдек эди. Султон аллақандай норози кайфиятда, Гани эса тез-тез соатига қараб кўярди. Назарнинг ҳам безовталаниб тезроқ йўлга тушишга шошилаётганининг сабаби бор эди: у бугун соат кечки саккиз яримдаги спектаклга Лолани таклиф қилганди. Гани билан Султон бир рюмкадан ичишгач, мезбон қўлини ҳавога асабий кўтарди-да: мен якунловчи сўз айтмоқчиман, деди.

— Мана, бугун ўғлимнинг туғилган кунини нишонлаш баҳонасида сизлар билан танишдим, ажойиб дўстлар ортгирдим. Ҳар оқшом, агар, инсонга бугунги кунини ухлаш олдидан сарҳисоб қилиши учун берилган бўлса, бу кеч менга чексиз қувонч ва қайғу келтирди. Қувончим шуки, мана, Назардек иним билан танишдим; унинг қалби тоза, ҳалол йигит эканини сезиб, ўғлимга тутинган ака қилмоқчиман... Хафалигимнинг сабаби, шундай ҳалол одамнинг Ганига ўхшаш мутгаҳамга эргашиб, ўз йигитлик номига доғ тушириб юрганини кўрганим, шунга ўзимнинг ҳам тирик гувоҳ бўлганимдир. Иним, сен бу нопок ишдан қанча тез воз кечсанг, ўзингга шунча фойдали бўлур эди... Боя савдогарнинг уйида улар бир-бирини қандай ҳақорат қилганининг гувоҳи бўлдик... Бундай одамлар пул учун ота-онасиниям, бола-чақасиниям ҳеч иккиланмай сотишдан тоймайди. Иним, агар сен яна бир-икки йил Ганининг тарбиясини олсанг, ҳозирги кунингдан ҳам бешбаттар бўласан... Шунинг учун, юракка эндигина туша бошлаган доғни ювиш ҳам осон, ҳам фойдали; мабодо, у каттариб мадда бойлаб кетса, юрак тугул, бутун танангни чиригиб юборди...

Гани ўрнидан турмоқчи бўлган эди, лекин Султон қўли билан унинг билагидан омбирдай қисиб ва кўзини бир олайтириб қараб жойига ўтқизиб қўйди.

— Ганивой, агар сен ўлишга жуда шошилаётган бўлсанг, боравер, — дея Султон боягидек хотиржамлик ва осойишгалик билан гапида давом этди. — Мен шу қадаҳни, бугунги қайғум учун кўтараман. Яъни, кўнглимни ранжитган, алғов-далғов қилган кимсаларнинг орамиздан тезроқ йўқ бўлиши учун ичаман. Илоё, уларнинг тошган-туштани оғзи-бурнидан чиқиб, боласига буюрмасин!

Султон қўлидаги қадаҳни даст кўтарди-ю, бир нуқтага тикилганча жимиб

қолди. Орадан бир фурсат ўтгач, уйқудан сачраб уйғонгандай бошини кўтариб:

— Ана, энди оқ йўл! — деди. Унинг мулоийм боқиши Фанининг чўккан кўнглига бир оз таскин бергандек, чехраси ёришди.

— Ана холос, сизга кун бўйи ҳамроҳ бўп, бир дастурхондан таом еб, охирида сўкиш эшитиб кетарканмиз-да? Кўтарамиз! Ҳозир акт тузиб, гуноҳсиз кишини жамоат ичида ҳақорат қилганинг учун милиция олдида жавоб берасан! — деб қичқирди Фани, ўрнидан шаҳд билан тураркан.

— Чақир милициянгни, — деди Султон хотиржамлик билан, — кўрайлик-чи, кимни айбдор қилар экан... Э, милициянинг нима кераги бор, сенга ўзимнинг ҳам кучим етади-ку... — дедию, ўрнидан туриб, Фанининг шартга ёқасидан олди. Агар Назар ўртага тушиб, орага кирмаганда борми, Фанининг бўғилиб қолиши ҳеч гап эмасди.

— Тур, йўқол! — деб бақирди Султон, Фанига еб юборгудек қараб, — ҳалиям, орада манави бола борлиги учун омон кетяпсан. Устпортда кўлимга тушганинга, сенга ўхшаганининг кўзини мошдай очиб кўярдим.

Фани Назарнинг кўлидан судраб, эшикка яқинлашай деганда орқаларидан Султон етиб келди-да, йигитнинг кўзига тик қараб:

— Ҳей, Назар, менга қара, шу бугундан бошлаб унга эргашганингни кўрсам, бўйинингни суғуриб оламан. Буни мастликда айтди-қўйди-да, деб ўйлама, автобазанинг номери эсимда, Тошкентда мен билмайдиган тешик йўқ, уқдингми? — деди пўписа қилиб.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Назар Фанига бир ярим минг сўмни қуртдай санаб бериб, унинг ошнасининг ёрдами туфайли ёзги имтиҳонларни тошширди. У баҳолар дафтарчасини қалби қувончга тўлиб варақлар экан, Фанига қай тарзда миннатдорчилик изҳор этишни билмасди. Нақадар саховатли, нақадар камтарин инсон у! Назар унинг ўз ҳамёнидан беш юз сўм кўшиб кўрсатган ёрдамни кўз олдида келтирар экан, беихтиёр отаси Тўрабой ёдига тушди. Ҳатто, отаси ҳам бундай ҳиммат кўрсатолмасди, у ўғлига гапнинг пўскалласини айтиб қўя қоларди: Пора бериб ўқигандан кўра, овулга бориб мол боқ. Демак, у Фани акасида бир умр миннатдор бўлиши керак.

У шуларни хаёлидан ўтказар экан, Фанининг ҳам, унинг ошнасининг ҳам қаллоблигини сезмаган эди: Фани ўз ёнимдан беш юз сўм кўшаман деб, қайтага, Назарнинг пулидан беш юзни чўнтагига уриб қолганди. Унинг ошнаси бир пайтлар институтда обрўли ўқитувчилардан бўлса-да, кейинчалик порохўрлиги ҳамда ахлоқи бузуқлиги сабабли ишдан ҳайдалиб кетган эди. У уйига Фани ёрдам сўраб келганда, аввалига унинг илтимосини рад қилди-ю, лекин ҳадеб ялинавергандан кейин эски касали хуруж қилиб, “бунақа ишлар муллажирингсиз битмайди”, деган эди. Фани ошнасининг сал юмшаганидан қувониб: “Унинг ўзи бир мусофир бола экан, йиғлаб олдимга келгандан сўнг, бошқа иложим қолмади, минг сўмдай пулиям бор”, деди. Собиқ ўқитувчи ундан жўрттага йигирма кун муҳлат сўраган эди. Ўзи ўша заҳотиёқ таниш ҳамкасбларининг имзосини дафтарчага қўйиб чиқди-да, пулни олгандан кейин Фанига: “Фақат сиз учун бу ишга қўл урдим, аслида жуда ғалвали масала бу” деб, зачёткани қайтариб берганди.

Мана энди, Назар зачёткасидаги баҳоларга бирма-бир тикилар экан, Фани акасигаям, унинг ошнасигаям соддадиллик билан чин юракдан миннатдорчилик билдирмоқда эди...

Уни пивонинг хумори тута бошлади. Шу яқин атрофдаги пивохоналардан бирига бормоқчи бўлди-ю, лекин “Ғалаба” боғидаги сўлим жойлар эсига тушиб, фикридан қайтди. Чунки бу ерда пиво ичгандан кейин, йўл-йўлакай Лоланиям кўриб ўтса бўлади, ораси икки қадам йўл. Назар зачёткани тумбочканинг тортмасига солаётиб, очилмаган хатга кўзи тушди. У бир пайтлар Гулжондан келган хат бўлиб, бола-чақа ташвиши билан овора одам, энди ниманиям ёзарди, деб ўқимай тортмага ташлаб қўйган эди. Овулдошлари би-

лан йилига бир марта учрашмайдиган йигитга, дам олиш кунда нима иш қилишини билмай, хаёли қирқ бўлиниб турган бир пайтда, бу мактуб яхши эрмак бўлди. Назар каравотга чалқанча ётди-да, хатни авайлаб очиб, ўқий бошлади.

“Салом, Назар!

Мен бошимга тушган мусибатли кунлардан бирида туғилган уйимга бира-тўла қайтиб келгач, кутулдим. Овулда ҳамма соғ-саломат юрибди. Синфдошларнинг баъзи бирларигина овулда, қолганлардан биров ўқишда, биров ҳарбий хизматда. Мен уйдан чиқмаганим сабабли, уларни деярли учратмайман. Баъзан ўзлари йўқлаб келсагина, шундайм қисиниб-қимгиниб сўзлашганимни айтмасам, негадир кўпчилигининг бетига қарашга уяламан. Хуллас, овулдаги ёш қарининг олдида тилим қисқа, уларнинг кўз қарашларидан ўзимга нисбатан гоҳида нафрат, гоҳида эса ачиниш туйғуларини ҳис этаман. Тавба, одам ҳатто ўз уйида ҳам баъзан бегонадек сезаркан ўзини, Назар!.. Менимча, инсон учун дунёда бундан ҳам ёмонроқ кўргилик бўлмаса керак? Яқинда уйда қамалиб ўтиравермай деб, ўтоққа чиқдим. Ҳисобчи, ҳалиги биздан мактабни бир йил олдин тутатган Яхшимурот калта бор-ку, шу: “Сен ўзинга алоҳида эгат олиб ўташинг керак”, деб, одамлардан четлатди. Мен ўроғимни шартта кўлимга олдим-у, келган йўлим билан ғирра орқамга қайтдим... Уйда эса, онам (энди икковимизнинг ҳам онамиз) билан ҳам муносабатимиз унча яхши эмас, тоза бошим қотиб қолди; ўз уйига сизмаган одамга дунёнинг қайси бурчагидан жой топилар экан, ҳайронман... Гоҳида сенинг орқандан Тошкентга кетворсамми, деб ўйлаб қоламан, биронга бошпана топилса, ҳам ишлаб, ҳам сиртдан ўқирдим. Отам менга қаттиқ гапирмаса-да ичида ўлгудек ёмон кўришини биламан. Лекин унинг башарамни кўришга тоқати бўлмасаям, ўқишга юбормаслиги аниқ.

Гулжон”.

Назар хатни ўқиб бўлгач, кўзларини юмди-да, Гулжонни эслашга уринди, лекин унинг қиёфасини кўз олдига келтиролмади. “У мутлақо ўзгариб кетган бўлса керак, ҳозир қандай экан?” Назар бошини кўтариб, деворда осийлиқ турган календарга қаради. “Бугун ўнинчи август, демак, институтларда кириш имтиҳонлари бошланибди. Хат ёзиб, Гулжонни чақирсаммикин?” У хаёлига келган фикрдан қувониб, ўрнидан ирғиб турди. Қизга хат ёза бошлаган эди, яна феъли айниб, апил-тапил кийина бошлади. “Бир бокал пиво ичмасам, бугун ишим юришмайдиганга ўхшайди”, деди ташқарига чиқаркан.

Август ойи бу йил Тошкентда одатдагидек иссиқ келди. Лекин бари бир кўчага чиқсанг, шаҳар ғиж-ғиж одам. Музқаймоқ дейсанми, яхдай газ-сув дейсанми, марҳамат, хоҳлаганингча топилади. Соя-салқин манзилгоҳлар наврас-та қиз-жувонлару йигитлардан бўшамайди. Назар шаҳар ўртасидаги хиёбонни бир оз айланди, салқинлаб дам олиш учун қулайроқ жой қидирган эди, тополмади. Сўнг кўчанинг нариги юзига ўтди-да, киоскадан “Тошкент оқшом” газетасини сотиб олди ва тепасига “Туллар” деб ёзилган кўчма дўкон соясида ўтириб, одатига кўра, тўртинчи саҳифадаги эълонлар ва рекламаларни ўқий бошлади. Кино, театр, цирк томошаларини кўздан кечираркан, Тошкентда таҳсил олаётган қорақалпоқ студент-ёшларидан тузилган “Ойдин” ансамблининг концертга кўзи тушди. У, мана икки йилдирки, радиодан фақат сешанба кунлари бериладиган қорақалпоқ куйларинигина эшитар, бошқа томошаларга деярли вақти бўлмасди.

Назарда, кимдир уни чақиргандай бўлди. Атрофига ҳарчанд аланглаб қарамасин, бирорта таниш чехрага кўзи тушмади... Ҳаммаси ўткинчи, нотаниш йўловчилар. У газетага яна энгашган эди, шундоқ ёнгинасида ингичка ва ёқимли овоз: “Назар”, дегандек бўлди. Қараса, рўпарасида, ўздан икки-уч қадам нарида, белини билганлатиб Лола турарди! У газетани апил-тапил букладию мийиғида кулиб, жувонга яқинлашди.

— Салом!

— Салом!.. Шунча чақирсам ҳам қарамайсан, қани, нима қиларкин, деб анчадан бери кузатиб турибман. Бунча паришонхотир бўлмасанг, Назар, — деди Лола ўпкалаб.

— Мен кўрмабман, кечир... — деди йигит, газета билан елпинаркан. Унинг

қуёшдан қорайган қизилмағиз юзига қон тегиб, изза бўлгани тобора яққол сезилмоқда эди.

— Ҳа, кўринмай кетдинг?

— Ёзги имтиҳонлардан йиқилиб қолгандим.

— Йиқилсанг ҳам, бирон жойинг лат емабди, шекилли? — дея ҳазиллашди Лола.

— Кеча ишдан кейин сеникига кириб ўтмоқчийдим, бўлмади...

— Кеча бормаганинг ҳам яхши бўпти. Уйга Чимкентдан онам билан қизим келувди. Бугун кеча яқин жўнаб кетишади.

— Ҳозир қаерда улар?

— Онам у-бу оламан, деб магазинга чиқиб кетди, қизим шу ерда. Соат тўртда автостанцияда учрашиб, кузатиб қўяман.

Назар соатига қаради.

— Ҳали тўрт соат вақт бор экан. Юр, унгача бирга айланамиз, — деди Назар жувоннинг қўлигидан қўлини ўтказаркан. — Айтганча, кичкинтой меҳмонимиз қаерда?

— Ҳу, анави кафела музқаймоқ еб ўтирибди.

Иккови очиқ ҳаводаги болалар кафесига яқинлашганда атрофига ётсираб, аланг-жаланг қарайётган тўрт-беш ёшлардаги қизча уларга ялт этиб ўтирилди.

— Опа, қаерда эдингиз, музқаймоғингиз совуб қолди-ку... — деди у лабини чўччайтириб.

— Мана, келдим-ку жоним, — деди Лола қизчанинг пешонасидан ўпаркан. — Мен Тошкентни яхши биладиган оғангни топдим. У бизга энг қизик ва яхши жойларни кўрсатади. Қани, танишинглр...

Қиз ҳурпайиб, пастки лабини қимтиганча жимиб қолди. Назар бурнини тортиб, қизчага қўлини аста узатди.

— О, жуда яхши қизалоқ экан-да, бу. Менинг отим Назар, сеники-чи?

— Гавҳар... — деди қизча ва яна лабини чўччайтириб олди.

— Айт-чи, нималарни кўрмоқчисан?

Қизалоқ индамади.

— Кинога борасанми? Пақ-пақ отишма, Бураино — савзи бурун, Чиполино... ҳам, — деб, Назар тилини тишлаб қолди. Унинг болалар қизиқадиган кинолардан билгани шулар эди.

— Кино биззи уй ёқлардаям бор, — деди Гавҳар ерга қараб.

— Унда, қаерга борсак экан? — деди Назар ўзича гўлдираб ва боланинг кўнглини тополмаганидан хижолат бўлиб. Лола унинг аҳволини тушунди, шекилли, гапни илиб кетди:

— Гавҳаржон ҳайвонот боғини яхши кўради, шундай эмасми, қизим? — деди жувон қизалоққа энгашиб ва юзидан чўлп этказиб ўпиб.

— Мен ҳайвонот боғидаги маймунларди, айиқларди яхши кўраман, — деди Гавҳар Назарга ўгирилиб. — Уйда қа-атгакон кўзли айиқчам бор, ўзи жуда ақлли-ю, лекин ҳеч гапирмайди-да. Опам ўйинчоқ магазинидан оберувди...

— Демак, масала равшан, аввал ҳайвонот боғига, сўнг ўйинчоқ магазинига борамиз, — деди Назар кафларини бир-бирига шап-шап ураркан.

— Бўлмаса кетдик, мен музқаймоққа тўйдим, — деди Гавҳар ва қўлидаги қошиқчани столга тақ этказиб қўйди.

Гавҳарнинг иккала қўлидан иккови ушлашиб, йўлдан такси тутишди-да, бир пасда ҳайвонот боғига етиб келишди. Олдинда чопқиллаб юрган қизчанинг дастлабки ётсирашидан асар ҳам қолмаган, қайтага, тобора қулфидили очилиб бормоқда эди. Назар унинг битта саволига жавоб топаман деганча, қизча бошқасини сўраб қоларди.

— Қўйгин, Гавҳаржон, бир пас жим юрсанг-чи, — деб Лола қизини койирди дам-бадам. — Ақлли қиз бўлатуриб, ҳадеб бемаъни саволлар беришга уялмайсанми?

— Майли, қўявер, сўрайверсин. Сўрагани яхши, — деди Назар кулимсираб, ҳар хил қушлар чуғурлашаётган қафаслар ёнидан ўтаётди. — Демак, товуқларнинг оёғи иккита бўлсаям нега йиқилмайди, дейсанми? Мана, мисол учун, манави қафасдаги товуқ эмас, қирғовул... Қирғовулнинг оёғи иккита бўлсаям, юрганда йиқилмайди, мабодо йиқилиш хавфи туғилса, қанотларини силкитади-да, учади-кетади.

— Учиб қасққа боради?

— Уясига боради-да. Тўқайзорда қирғовулнинг юмшоққина уяси бўлади.

— Уясида онаси унга тухум пишириб беради, а?

Назар нима дейишини билмай, бир дақиқа ўйланиб қолди...

— Онаси тухум пишириб берадимиз, айта қолсангиз-чи тезроқ? — деб уни баттар қистарди Гавҳар.

— Йўқ, онаси кўғирмоч қилиб беради, — деди Назар. У шундай дедию эсига кўғирмоч тушганидан ўзи ҳам қувониб кетди.

— Энди, ўзингга роса чарчадинг шекилли, қизим. Қайта қолайлик, — деди Лола, қизининг устма-уст бераётган саволларидан Назарни қутқариш учун.

— Мен шу ерда қоламан, — деди Гавҳар ўжарлик билан, биз Назар оғам икковимиз ҳали тулкиларни кўраимиз...

Улар қизчани зўрға алдаб-сулдаб, белгиланган вақтдан сал кечикиброқ бўлса-да, бир амалиаб автостанцияга етиб келишди. Онаси ўзини кўярга жой тополмай, қизи билан набирасини кўзлари тўрт бўлиб қутаётган экан. У Гавҳар билан Назарга эътибор ҳам қилмай, қизига бидиллай кетди:

— Фарзандингга етолмай, роса кўзинг учиб юрган экансан-да, а? Ўзингдиям, униям ора йўлда қийнамай, опқолсанг ҳам розиман... Менам қариган чоғимда роҳатланиб, одамдай бўп дам олай. Сенларни шунча ундириб-ўсдириб, энди ҳамма қатори одам сонига кўшилай деганимда, орттирганим — Гавҳарнинг тирик етимлиги бўлди...

— Она! — дея қичқирди Лола, аламига чидолмай, — бу таънаю маломатларингизни айтишга бошқа жой қурибмиди... Агар, шу норасидани боқиб сизга оғирлик қилаётган бўлса, майли, тақдиримдан кўраман-да, болалар уйига тошшириб юбораман. Ким нима деса, деяверсин!

Кампир гўё энди эсига келгандай, бир Назарга, бир набирасига жавдираб қараб, овозини сал пасайтирди:

— Сенга бақирмасам, кимга бақирай, чироғим, кута-кута куйганимдан айтганим бу гапларни. Эмаса, тилгинаси булбулдай чулдираган қизимдан бўлак, яна нима қувончим бор, менинг? Автобуста олган билетим ҳам куйиб кетди, эндигиси қачон бўлади, билмайман...

— Билетга кетган пулингизга ачинсангиз, шунинг аламини мендан олмакчимсиз? — деди Лола гапни ҳазилга буриб.

Тўсатдан эсанкираб, нима дейишини билмай қолган кампир Назарга бошдан-оёқ қараб, синовчан кўз югуртириб чиқди. Унинг йигитга мулоийим нигоҳ билан тикилишидан, “буниси анавинисидек нашаванд эмасга ўхшайди-ёв”, деган маънони уқиш мумкин эди. Чамаси, Лола онасига Назар тўғрисида миқ этиб оғиз очмаган. Ахир, беваалигида қайси аҳмоқ хотин онаси билан ўйлашиб иш тугади? Назарнинг фикрича, кампирнинг кўз қарашларида ўзига нисбатан ҳам меҳрибонлик, ҳам аллақандай шубҳаланиш ифодалари акс этмоқда эди. У даставвал ўзини бир оз ноқулай ҳис этди, сўнг вазиятни юмшатиш умидида тилга кирди:

— Она, сиз билетим куйди, деб хафа бўлманг. Ҳайвонот боғида Гавҳарнинг кўнглига қараб, бир оз ушланиб қолдик-да, бўлмаса, вақтида келардик... Мен ҳозир навбатдаги автобуста билет ошкеламан.

Назар она-боланинг ёнига қайтиб келганда, кампир унга бошқатдан разм сола бошлади.

* * *

Шаҳарда тонг қандай оқаргани у қадар билинмайди: гўё шаҳар қуёшнинг эрталабки нурлари билан эмас, балки шовқин-сурон, аллақандай ғала-ғовур таъсирида уйғонаётгандек. Назар партўшакда роҳатланиб ётаркан, аллақачон уйғонган бўлса-да, қучоғида пишиллаб ухлаётган Лолани безовта қилмаслик учун нафасини ичига ютиб, чуқур хаёлга толди. Хона осуда ва жимжит. Фақат аҳён-аҳёнда кўчадан вағилаб ўтаётган машиналар шовқинидан дераза ойналари қаттиқ дириллаб, йигитнинг хаёлларини тўзгитмоқда эди...

Назар билан бир хонада Хонкелди деган туркман йигит яшарди. Каравот-

нинг бош томонида кўҳликкина қизнинг рангли сурати осиелик турар, Хон (уни ўртоқлари шундай деб аташарди) ухлаш олдидан ўша суратга кўзлари толгунча тикилиб ётар ва эрталаб уйғонган чоғида ҳам, анча вақтгача девордан кўзини узмасди.

— Назар, севган қизинг борми?

Назар ўзидан қарийб ўн ёш катта одамнинг кутилмаганда берган саволидан шошиб қолди, бор ёки йўқ дейишга уялиб, елкасини учирди.

— Демак, бор экан. Агар гапим тўғри бўлса, нега унинг суратини тепангга осиб қўймайсан? Манави йигитларга қарасанг-чи... — деб, у қўли билан хонадаги иккита бўш каравотга ишора қилди.

Назар гўё бу ерга биринчи марта келган одамдай, хона деворларини кўздан кечирди. Ўзиникидан бошқа ҳамма каравотларнинг бош томонида таниш-нотаниш қизларнинг суратлари осиелик эди. Қаради-ю, лекин улардан биронтаси кўнглига ўтиришмади. Ҳатто ҳинд кинофильмларидаги актрисалару машҳур Софи Лореннинг фотосурати ҳам унга муғлақо ёқмади.

— Менинг ҳам ... сурати бор, лекин ҳеч кимга кўрсатмайман уни, — деди Назар қовоғини солиб.

Назар бир оз иккиланиб тургач, ён дафтарчасининг орасидан суратни авайлаб олиб, Хонкелдига ийманибгина узатди. У кичкина суратчининг у ёқ-бу ёғини айлантриб кўрди-да:

— Худди бизнинг овул қизларига ўхшар экан, ҳасратида ўлсанг-да, дунёдан армонда кетмайсан. Хўш, отини билсак бўладими? — деб сўради.

— Гулжон.

— Ҳат ёзиб турса керак?

— Йўқ, ёзмайди.

— И-е, шуям севги бўлганими?

Назар яна елка учирди.

— У билан қандай танишгансан?

— Бирга ўқиганмиз... ўн йил.

— Қизингни кинога ёки сайри боғга олиб борганмисан?

— Бўлмасам-чи, — деди Назар, овулининг теварак-атрофи боғга ўхшасанда, кинотеатр йўқлигини яшириб.

— Назар, ростини айт, унинг юзидан бирон марта муччи олганмисан? — деб сўради Хонкелди, Гулжоннинг суратидан кўз узмай. — Агар, тўғриси гапирсанг, охири нима бўлишини айтиб бераман.

— Йўқ, ўпмаганман, — деди Назар ёлғон гапиришга тили бормай.

— Ҳай аттанг, муччилаб кўриш керак эди, — деди Хонкелди бош чайқаб, — муччисиз муҳаббат — муҳаббат эмас! Илк бўса, шундай бир оташки, у энг аввало, қизларнинг тақдирини ҳал қилади. Назар ука, мендан хафа бўлсанг ҳам ихтиёринг, лекин Гулжонга етишолмайсан, жуда қийин...

Дераза ойналари машиналар шовқинидан қаттиқроқ зириллаганда, йигитнинг хаёли яна бўлинди. Кучоғида эса, Лола ҳамон пиш-пиш ухламоқда эди...

Назар ўрnidан оҳиста турди-да, секин энгашиб, Лоланинг юзидан “чўлг” этказиб ўтди. Жувон уйқусидан сачраб уйғонди. Йигит яна ўпмоқчи бўлиб интилган эди, Лола юзини четга бурди-да, нозланиб:

— Бўлди, жиннивой, кечаси билан меҳринг қонмадими? — деди.

— Ҳечам-да.

— Уйланганингда феълнинг шу бўлса, асал ойи ўтар-ўтмасданоқ шалпайиб қоласан. Ким билади, сенга қайси бахтли қиз насиб этаркан. Умуман, сенга хотин бўлган қизнинг манглайи олти қарич очилади, Назар. Мен эса бўларим бўп, бўёғим синган аёлман. Агар, умримда кўрганларим сароб бўлиб чиқмаса, гапимга ишонавер... — Лола тўшакдан учиб туриб, Назарнинг бўйнига осилди. Йигитнинг аъзойи-бадани яна жунбушга келиб, қўллари жувоннинг хипча белига чирмашганда, Лола ўзини олиб қочди.

— Бас энди, қуёш кўтарилиб қолди, муҳаббат ҳам эви билан-да? Ишга бориб, пул топмасанг, оч қоринга қуруқ куйдим-ёндимнинг ўзи ярашмайди.

Лоланинг шу сўзларидан кейин Назар ишга бориш кераклигини эслади, эслади-ю, негадир оёғи тортмади.

— Бугунча ишдан қолсам нима бўларкин?

- Сира мумкин эмас, Назар, боришинг керак.
- Агар мен уйланиб, тўй қилмоқчи бўлсам-чи?
- Кимга?
- Сенга.

Лола дастурхонга уннаётган эди, қутилмаганда бу гапдан тахтадек қотиб қолди, сўнг бошини қуйи солиб, ошхонага чиқиб кетди...

ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ

Назар талаба-қурувчилар ётоқхонасини тарк этиб, Лоланинг уйига кўчиб ўтганига ҳам уч ой бўлди. У ёзги сессия пайтидаги қалбаки баҳолари учун институтдан ҳайдалган эди, аммо бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмади. Негадир Фани акаси ҳам унга бурунгидай ҳалеб махфий топшириқлар бера-вермас, ҳатто у сўнгги кунларда шунчаки салом-алиқдан нари ўтмайдиган бўлди. Фанининг хатти-ҳаракатларида содир бўлган ўзгаришни фақат Назар эмас, балки бирга ишлайдиганларнинг ҳаммаси анчадан бери сезиб юришар эди. У ҳатто, Назарнинг уйланиш шарафига ўтказилган камтарона ўтиришга ҳам бормади. Тўйдан кейин Назарнинг: “ҳеч курса, уйдан бир пиёла чой ичиб кетинг”, деган таклифига ҳам аниқ жавоб қилмай, “насиб этса, борармиз”, деб қўйди.

Йигитнинг у ёқ-бу ёқдан қисиниб-қимгиниб жамғарган пуллари янги рўзғор кам-кўстига сарфлангач, бора-бора келин-куёв харажатдан анча қийналиб қолишди. Икковининг ойлиги оила тебратишга учма-уч етарди-ю, лекин Назарнинг қўлига пул тушгудек бўлса, уй жиҳозларини бир сидра янгилаш мақсадида хўжалик буюмлари магазинига қатнагани-қатнаган эди. Лоланинг бундай исрофгарчиликдан қаттиқ норози бўлиб айтган сўзлари, авраб-авайлаб қилган насиҳатлари — муҳаббат ва янги оила қувончи сабаб босар-тусарини билмай қолган йигитнинг у қулоғидан кирса, бунисидан чиқиб кетар эди. Охири, Лола қутилмаганда бошига қўнган бахт қушининг тўсатдан учиб кетишидан чўчидими ёки хаёлига бошқа бир ўй келдими, ишқилиб, Назарнинг барча инжиқликларига бўйсуниб, кўзи ўрганиб қолган мебелларини алмаштиришга — магазиндан янги диван-каравот, гилам ва буфет олишга розилик берди. У ёски мебелларини комисион магазинига арзон баҳога топширди. Дастлаб янги оиланинг дастурхони мўл бўлса-да, бора-бора ойликка тақалган сўнгги уч-тўрт кунда картошка-шўрва билан қаттиқ нонга қаноат қилишга тўғри келарди. Шундай пайтларда, Назарнинг эсига “четдан” келадиган аввалги жарақ-жарақ пуллар тушар ва: “Менга айтишнинг иложини тополмай юрган бўлмасин, тагин?” деган ўйда, Фани акасининг атрофида гирдиқапалак бўлиб қоларди. Фани акасидан эса, оғзига толқон солиб олгандай, миқ этган садо чиқмасди. Оиладаги етишмовчилик сабабли хуноби опиб юрган Назар, бир куни ундан ёзги имтиҳонлардан йиқилганида берган пулини сўради. Фани ўзи айбдор бўлгани учун йигитнинг кўзига тик қараёлмай, бошини қуйи солганича узоқ жим қолди.

— Иним, ўша зормандани сўрашга қайси бетинг чилади? — деди у паст овозда, зўрға бошини кўтариб.

— И-е, нега энди зорманда бўлади? — деди Назар бирдан тугоқиб. — Мен уни ўз меҳнатим билан топганман-ку?

— Пул деган нарса, инижоним, кўзни ўйнатгани билан, ҳаммавақт одамга дўст бўлавермас экан, — деди Фани чуқур уф тортиб. — Уни сен меҳнат билан қўлга киритдингми ёки кўчадан топдингми, бари бир, ортиқча молдунё — одамга душман, деган гап бор. Пулнинг касридан менинг ўша қадрдон оғайним ҳозир қаерда ўтирганини биласанми, ўзи?

— Қаерда? — деб сўради Назар ҳайрон бўлиб.

— Икки йил озодликдан маҳрум этилиб, бола-чақасини чирқиратиб, одам бандасининг оёғи етмайдиган... ёқларда...

— Ҳмм, — деди Назар пулини сўраганига хижолат чекиб. — Бундан ҳечам хабарим йўқ, Фани ака. Ўзингиз айтмаганингиздан кейин, қайдан билай? Мабниси энди тушуниб турибман.

— Тупшунган бўлсанг, ука, энди ўзинг омон қолганинггаям шукр қилавер. Қонунни мендан яхшироқ биласан, жиноят кодексига “олган ҳам айбдор, берган ҳам айбдор”, деган пункт бор.

— Кечиринг, Ғани ака, — деди Назар изза бўлиб ва бошини қуйи солиб. — Мен азбаройи иложсизликдан, пулга муҳтож бўп қолганимдан сўрагандим... Оила тебратиш оғир бўлар экан, шу кунларда жуда қийналиб кетдик. Аввалгидек Сирдарёга бориб келадиган ишлар ҳам ўз-ўзидан...

— Ҳа, айтганча, Сирдарёдаги ишлар тўғрисида сенга шипшитиб қўйиш хаёлимдан кўтарилаёзибди: мабодо бирор киши қаерга, нима обординг, кимга тошпирдинг дегудек бўлса, оқ туя кўрдингми — йўқ. Тупшундингми, акс ҳолда, аҳвол чатоқ. Ҳалиги Рустамали деган мутгаҳам қўлга тушибди. Унинг феъли ўзингга маълум, сал қистовга олса, икковимизни сотиб қўйишдан тоймайди. Демак, сен ҳам, мен ҳам бундан бу ёнига эҳтиёт бўлишимиз керак.

Ғанидан кутган умидиям пучга чиққандан кейин “ишонганим сен бўлсанг, кўрган куним не кечар”, дегандай, Назар уйига кайфи тарақ ҳолда кириб борди. Зинадан юқори кўтарилаёзиб, хаёли шу қадар чувалашиб кетдики, оёқлари чалишиб, ўзини идора қилолмай қолди. У шартга ортига бурилиб, чўнтагидаги охириги беш сўмга пиво ичмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Лоладан яшириб шунча ичганим ҳам етар, оила кўриб, бир ёстиққа бош қўйгандан кейин битта нонниям ўртада бўлиб ейишимиз керак, деган хаёлда эшикни очди... Худди томдан тараша тупшандай, ичкарида Муптилла билан Ҳасан унга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум! — Назар шундай деди-ю, бирдан кўзларига ёш қалқди. Улар бир-бири билан қучоқлаша кетишди, бу орада Муптилла кўзларини бир неча бор енига артиб ҳам олди. Ўзаро ҳазил-хузуллардан сўнг, ҳаммаси дастурхон атрофига ўтиришиб, овулдаги янгиликлардан сўраб-суриштиришди. Лола ошхонада елиб-югуриб, овқатга уннар, уйда нима бўлса, ҳаммасини дастурхонга тўкиб-солиш билан овора эди. Эшитадиган одам топилса, эринмай сўйлайверадиган Муптиллага тоза худо берди.

— Вой-буйй, Тошкент деганинг, роса учи-куйруғи йўқ экан-ов! — дерди у, шаҳардан олган дастлабки таассуротларини ичига сиғдиrolмай. — Бунақа шовқинда миянг айнимай, яна ўқиб юрганингга қойилман, Назар. Киноларда осмонўпар уйлارнинг бир-бирига мингашиб турганини кўрганимда, буларнинг бари ўтирик бўлса керак, деб ўйловдим. Энди эса, ё астағфируллоҳ, тавба деб, ёқамнинг ўн жойидан ушлаб гапирай, ўзим шундай уйнинг ичида ўтирибман. Бизнинг Хўжайли билан Нукуснинг икки қават дегани, бу ерда товуққа катак бўлишгаям ярамасов-а? Эй, яна ким билади?..

Муптилланинг гапига Ҳасаннинг ичак-силласи қотиб:

— Буниси ҳолва, Муптилла оға, ҳали насиб бўлса, уч қаватли магазинга борамиз. У ерда зинапоёга сал оёғинг тегса бўлди, ўзидан-ўзи юқорига олчикиб қўяди, — деди.

— Ё астағфируллоҳ! — деди Муптилла ёқасини ушлаб. — Йўлда одамни йиқитмайдим, ишқилиб?

— Ушлаб турмасанг, албатта йиқилиб тушасан-да, — деди Ҳасан, сўнг ўрнидан турди-да, столнинг бурчагига қўлини тираб, қандай ушлаш кераклигини кўрсатди.

— Э, ундай бўлса қўй, қароғим, мен ўша дўконга бормаёқ қўяқолай, бунинг устига, тунов куни эшакдан йиқилиб, бир ёнбошимни ҳалигача ололмай юрибман. Айтганча, бақиним эсимга тушгани яхши бўлди, манави болага кун бўйи зор қақшасам-да, сира тушунтиролмадим. Бу уйда ёнбошлаб ўтиришнинг иложи борми? — десам, у мени масҳара қилиб, шаҳар тартиби ўзи шунча — ё столда ўтириб ёки тик туриб овқатланасан, бўлмаса, келин, қайноғаларим худо урган жайдари экан, деб устимиздан кулади, дейди. Ростини айтсам, болалар, ҳозирам манов нарса ёнбошимга тошдай ботиб турибди.

Назар бирдан пиқ этиб кулди-да:

— Ҳозир, Муптилла оға, ҳозир ерга кўрпа тўшаймиз-да, столни йиғиштириб қўйиб, худди овулдагидай ёнбошлаб ўтирамиз, — деди.

— Барака топ, иним, — деди Муптилла ўша заҳоти ўрнидан туриб, — шундай қил, чордана кўриб ўтириб, ичмаган чой чойми? Майли, ёнбошла-

маёқ кўяй, анови қоғоз деворинг йиртилиб-негиб кетса... Бизларни деб, яна ҳамсоянг билан жанжал орттириб юрма.

Стул ошхонага чиқарилиб, ерга кўрпа солингандан кейин, Муштилла ўзини эмин-эркин ҳис қила бошлади.

— Болалар, нима десам экан, агар келиндан уят бўлмаса, озроқ наша еб олсам...

— Нега уят бўлар экан, Муштилла оға? — деди Назар буфетдан пиёлани олиб бераркан. — Аммо, буни қачон ўргана қолдингиз, авваллари бунақа одадингиз йўқ эди-ку?

— Э, нимасини сўрайсан, бир сафар сал шамоллабман шекилли, раҳматли Ниятбой табиб буорган эди... Дастлаб нафи тегар, деб оз-оздан ичардим, эндиликда сал қанда қилсам, бошим гувлаб, мазам қочадиган аҳволга тушиб қолдим... Сизларам, бари бир, ҳозир анави жин теккан сувдан ичиб, вақтичовелик қиласизлар-ку. Мендан тортинмай кўяқолинглар, ичинг-у, лекин кўп эмас, кўп ичсаларинг сўкишиб қоласанлар.

Муштилла кўкнори солинган халтачасини очиб, оғзини курмаклай бошлади. Назар қайнаган сув опкелиш учун ошхонага чиқди-да, Лоладан кечирим сўраб, дастурхонга сарфланган харажатлар қаердан келганини аниқлади. У кўшнисидан ойликкача эллик сўм қарз олган экан.

— Улар ҳали бир-икки кун меҳмон бўладиганга ўхшайди, аксига олиб, жойнинг торлигини айтмайсанми, — деди Назар бошини қашиб. Лола ошхона эшигини зичлаб ёпди, сўнг йигитнинг бўйнига оппоқ билагини ташлади-да, кўзларини ноз билан сузиб:

— Суюнчи берсанг, бир гап айтман, — деди аста шивирлаб.

— Нима гап экан у?

— Аввал айт, суюнчиси бўладими?

— Айтақолсанг-чи, одамни мунча дилгир қилмай, суюнчийам гап бўлди-ю?

— Суюнчинг бўлмаса, бари бир айтмайман... — деди Лола жўртгага қовоқ-тумшугини осилтириб.

Назар чўнтагидан гижимланган беш сўмликни чиқарди.

— Бори шуми? — деди Лола яна жўртгага тумтайиб, — буни суюнчига бериб, эртага тушлик овқатсиз қолиб юрма, тагин? Чўнтагинга солиб кўй. Мен учун энг қимматли суюнчинг, лабларингни бир марта лабларимга...

— Аввал нима гаплигини айтмасанг, бари бир ўпмайман, — деди Назар ҳам ўз навбатида ўжарлик қилиб.

Лола йигитнинг қулоғига лабининг учинасини тегизиб, пичирлади:

— Бугун, пешин чоғи, юрагимнинг остида яна бир мурғаккина юракча... типирчилаб бошлади.

Назар аввалига бир лаҳза анг-танг бўлиб турди-да, сўнг бирдан алланимани тушунгандек, Лоланинг пўрсилдоқ лабларига лабларини босди... Улар бир дунё қувончдан териларига сиймай, узоқ вақт бир-бирига хумор боқишганча тиша-тик туриб қолишди. Шу пайт ошхонанинг эшиги чертилиб, Ҳасаннинг боши кўринди.

— Келинни худди бугун кўраётгандек жимжит бўп кетдинг, жўра, — деди у ҳазиллашиб. — Муштилла оғанинг сувга юборгани қачон эди...

— Ҳозир обораман, — деди Назар краннинг жўмрагини бураркан, — Ҳасан, сувни ўзинг опкетақол, мен овқатга қарашворай.

— Хўп, опке... Аммо, туришларинг шу бўлса, уйга келган одамни очидан ўлдирасанларми дейман?..

Ҳасан косадаги сувни олиб, ошхонадан чиқди.

Назар Лолани кучоқлаб, юзларидан ўпди-да, меҳмонларни жойлаштириш ва кўнглига қарашни яна бир қайта маслаҳатлашиб, совутичдаги арақни олди-ю, Ҳасаннинг орқасидан ичкари кирди.

Меҳмонлар чанқоқларини қондириш учун бостириб-бостириб чой ичишгач, Муштилла аста йўталиб, мақсадга кўчди. Дастурхонга овқат тортилгач, Лола қозон-товоқларни йиғиштириб, кўшненикига чиқиб кетган эди.

Осиёнинг илтимосига кўра, улар Назарни овулга олиб кетиш, агар бунинг иложи бўлмаса, ҳолидан хабар олиб, онасига хат-пат ёзиб туришга кўнди-

риш учун Тошкентга келишган экан. Овулдагилар, гарчи Назарнинг ўқишдан ҳайдалганидан аллақачон хабардор бўлсалар-да, лекин унинг уйланганини ҳозирча ҳеч ким эшитмаган эди. Ҳасан кўлидаги эски адрес бўйича дўстини дарақлаб, ётоқхонага борган ва у ерда Хонкелдини учратиб, Назарнинг уйланганини, ҳозир қайлиғи билан бирга яшаётганини билиб олибди. Агар, мабодо Хонкелди меҳмонларни шу ерга ўзи бошлаб келиб, “мана бу эшиқдан кирасиз-да, юқорига кўтариласиз, фалон номерли квартира”, демаганда эди, улар Назарнинг дарагиниям топишолмасди.

— Бу юртларда қизга қалин сўрамаслиги яхши экан, — деди Муптилла, азбаройи уйқуси келганидан эснаб. — Лекин баҳоси арзон бўлса, қайнатманинг ҳам шўрваси татимайди, деган гап бор...

— Қалин деган нарса — ўртадаги даллоллар ўйлаб чиқарган балойи-офат. Агар, қорнинг ҳақиқатан сурнай чалаётган бўлса, шўрванинг пулини суриштириб ўтирасанми, а? — деди Ҳасан Муптилланинг атай жигига тегиш учун. Яна бир оз ҳазил-ҳузуллардан кейин Муптилла донг қоғиб ухлаб қолди.

Ётишдан олдин Назар шивирлаб гап очиб, Ҳасандан Гулжонни сўради.

— Гулжон уйда, отасиникига қайтиб келди. Боя сезган бўлсанг, Муптилла гап орасида Ниятбой табибнинг қазо қилганини айтган эди. Одамларнинг айтишига қараганда, у қайсидир касални тузатаман деб, етти хил ўтти бири-бирига аралаштириб қайнатибди. Дори тайёр бўлай деганда сувидан озгина татиб кўрган экан, бирдан эс-ҳушидан айрилиб, икки кунгача ётган жойида у ёқдан-бу ёққа ағанайвериб, ўзидан-ўзи бақиравериб, охири қорнини тирнай-тирнай, қайтиш бўпти. Кейинчалик, докторлар унинг тайёрлаган “шифобахш” сувидан беш хил заҳарли ўтти аниқлашибди...

— Гулжон роса қийналибди-да, шўрлик, — деди Назар чуқур уф тортиб.

— Ҳечам-да, сира билдирган эмас. Ҳатто азасига боришним ўзига эп кўрмади. Қиз бечора, онасининг раъйини қайтаролмагани сабабли, Ниятбойга теккани рост экан...

— Гулжон энди нима қилмоқчи?

— Анигини ўз оғзидан эшитмадим-у, лекин овулдаги узун-қулоқ гапларга қараганда, Гулжон Тошкентга ўқишга келади-ёв, чамамда. Мабодо шу гаплар рост бўлса, ўзинг кутиб олиб, бирон юмушга жойлаштираман...

— Нега мен кутиб олишим керак?

— Бу ёғи ўзингга ҳавола, менинг ҳам уйқум келяпти... — деди Ҳасан ва тескари қараб ётиб олди. Орадан кўп ўтмай, Муптиллага кўшилиб у ҳам хурак ота бошлади. Назар эса у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, вақт аллапалла бўлгунча уйқуси келмай ётди...

Энди у овулга қайси юз билан боради? Отасининг покиза тўшагини Қодир лампамойга булғатган онасини кўриш учунми? Хўп, онасини-ку, “она” деб атай қолсин, лекин жини суймайдиган одамни отасининг ўрнига “отам”, деб олдида бош эгиши, кўлидан кўшқўлаб олиши керакми? Йўқ, бу мумкин эмас, Назар бундай қилолмайди. Устига-устак, Гулжон билан ораларида бўлиб ўтган гаплар овулда ҳаммага маълум. Гулжонга етишолмадинг, деб ҳеч ким уни изза қилмайди, албатта, лекин қизнинг кўзига қарашга ўзининг бети чидармикин? Тақдирнинг ғалати ўйинлари бор-да: висолига етишаман, чаросдай кўзларига тикилиб тонг оттираман, бу кўзлар қаъридан бир дунё маъно, ҳузур ва ҳаловат топаман деб юрган суюқлисидан айирди, яна буниси камлик қилгандай, уни тўппа-тўғри уйига олиб келиб, ўгай бўлса-да, ўзига сингли қилиб қўйди... Агар, онаси вақтида эс-ҳушини йиғиб, Қодир лампамойга боштини кўшмаганда эди, Гулжон ўн ердан чиқса-да, сира иккиланмай унга уйланарди. Энди эса, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи катта гуноҳ... Ҳа, ҳа, тақдирнинг ҳали энг қизиқ ўйинлари балки олдиндадир?..

Йўқ, осмон узилиб ерга тушса ҳам, Назар энди овулга бормайди. Боролмайди! Муптилла билан Ҳасаннинг бекорга овора бўлгани қолади, холос.

Ҳар қалай, шундай бўлса-да, кўнглининг бир четида киндик қони тўкилган тупроқни соғиниш ва унга талпиниш ҳисси ҳам йўқ эмасди. У кўпинча нимаданқир юраги сиқилган чоғларда, овулидаги шовуллаган теракзорлару бепоён қирларни, шундоққина эшиги тагидан жилдираб ўтадиган оқар сувларни эсларди. Дарвоқе, синглиси ҳам кап-катта қиз бўп қолгандир, ахир у ҳам

келаси йили ўнинчини тамомлайди-да. “Келажакда уни Қодир лампамойнинг қўлига қаратиб қўймайман. Муғлақо! Ўзим ўқитаман уни”, дея овоз чиқариб пичирлади Назар.

Азонда ҳаммадан бурун Муғтилла уйғонди. У апил-тапил таҳорат қилди-да, қайси томон қибла эканини билолмай, ошхонани икки бор айланиб чиқди. Охири, ёруғ тушиб турган жой экан-ку, гуноҳ бўлса ўзи кечирар деб, деразага тўғрилаб жойнамоз тўшади. Ҳар қалай, ошхона деразаси гарбга эмас, балки шарққа қаратиб қурилгани учун Муғтилла гуноҳқор эмасди... У жойнамозни йиғиштирди-да, ётоқхонага ўтиб, Назар билан Ҳасанни уйғотди:

— Болалар, туришлар энди, насибаларингдан кеч қолманглар, — деб, иккаласининг елкасига галма-гал шапшатилади.

Эрталабки чой устида гапнинг индаллоси айтилди. Назар овулдошларига, агар онаси Қодир лампамойдан ажрашмайдиган бўлса, қайтиб юз кўришмаслигини дангал айтди.

— Худди отангнинг қуйиб қўйган ўзисан, т-фу, т-фу, ишқилиб, тақдиринг ўхшамасин, бошинг омон бўлсин, — деди Муғтилла. — Тўравой ҳам бир марта оғзидан чиққан гапни қайтиб оғзига олмасди... Лекин, инижоним, ўқишинг тутаган бўлса, эркак кишига аёлнинг пинжиги кириб, ичкуёв бўп ўтириш айб эмасми?

Назар мийиғида кулди. Аммо, у негадир дунёдан ҳамон тоқ ўтиб бораётган мана бу найновнинг охириги гапларидан ўйлаиб қолди. Дарвоқе: “эркак кишига аёлнинг пинжиги кириб, ичкуёв бўп ўтириш айб эмасми?” Ахир, Муғтилла ўз бошидан кечирган аламли кунларни эмас, балки эр кишига номуносиб ишларни дангал ўртага қўймайгими? Назар ичкуёв деган сўзни аввал эшитган бўлса-да, энди шундай кўргиликка ўзининг ҳам дучор бўлганини ўйларкан, ақлини йўқотаёзди. У тобора гўсага ботиб борар ва ичида, Лолани қай даражада севишини ўзича чамалаб кўрмоқда эди. Бироқ қанча уринмасин, тарозининг бир палласида Лола турса, иккинчи палласига қўядиган тошни тополмай, роса боши қотди. Охири, инсоннинг инсонга бўлган ҳис-туйғулари тош билан ўлчанмаслиги ёдига тушди-ю, тарозининг иккинчи палласига илк севилиси — Гулжонни қўйишни лозим топди. Во ажаб! Гулжон тарозига оёқ қўйиши билан, Лола томон бир-икки лопиллаб, аста-секин юқорига кўтарила бошлади ва кўздан ғойиб бўлди... Демак, Гулжоннинг ўлчов тоши босим келди... Бироқ, Лоланинг ўзидан икки ёш катталигини айтмаса, эркак кишининг кўнглини топиш ва аъзойи-баданига чўғ солишда ҳеч ким унинг олдида ип эшолмас ва унинг бу қилиғи ҳеч қандай тарози палласига сиймасди...

— Муғтилла оға, овулга (у онамга, деёлмади) бориб айтинг: мен уйланган эмасман, мен... ўзингиз кўрган аёлнинг уйида ижарада тураман. Яна айтиб қўйингки, улар мен тўғримда сира ташвиш тортишмасин. Менга энди овулдан ёрдам ҳам, бировнинг гамхўрлиги ҳам керакмас. Мени ўз ҳолимга қўйишин...

Ҳасан бир пасда Назарнинг феъли ёмон айниб қолганини сездию уни юпатмоқчи бўлиб, гапни ҳазилга бурди:

— Ижарага неча сўм тўлайсан?

— Мендан пул олмайди, — деди Назар ичидан қайнаб келаятган газибани зўра босиб.

— Э, бир ҳазиллашгим келди-да, жўра, — деди Ҳасан, бехосдан дўстининг кўнглини оғритганидан қаттиқ афсусланиб. — Ўзинг нима деган бўлсанг, овулга шуни етказамиз. Онанг шўрликнинг Назардан хат-хабар йўқ, деб йиғлаб-сиқтай бергани учунгина келдик бу ерга. Энди сен ҳам ишдан қолма. Лоланинг кўнглини ҳам чўқтирма, бизлар Тошкентни ўзимиз томоша қилаверамиз. Овулга қайтадиган кун яна уйингга бирров кириб ўтамиз.

Лола ошхонадан туриб уларнинг гапини эшитган бўлса керак, чопқиллаб келди-да:

— То ишларингиз биттунча шу ерда тураверинглар, кўнгил кенг бўлса жойнинг торлиги билинмайди. Меҳмонхонада манави отамиз қийналиб қолади, — деди очик чеҳра билан.

— Бизларнинг борадиган жойимиз ҳали кўп, — деди Ҳасан Лолани хотиржам қилишга уринаркан, — ишимизни битирсак, яна албатта, келамиз.

— Эртами-кеч, қай вақт бўлсаям, ўз уйингизга келгандай бемалол келадиганларингизлар, — деди Лола чиройи яна очилиб, — мен отамга ҳали Тошкентча норин қилиб бераман.

— Меҳмонхонагаям бир бориб кўрсин, уй ҳамини тайин-ку, — деди Назар Лолага ёмон олайиб қараб. Лола ортиқча бир сўз ҳам демай, тилини тишлаганча ошхонага чиқиб кетди.

— Ҳасан, қароғим, келин айтган норин мабодо ичак-қорин бўлса, учиниб-негиб юрмай яна. Шундоғам икки кундан бери ичим гўлдираб турибди, агар яна келадиган бўлсак, ўзинг бир амаллаб тушунтирарсан, — деди Муптилла чопонини елкасига ташларкан, инқиллаб.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Меҳмонлар шу кетганча Назар билан хайрлашмай жўнаб қолишди. Муптилла, айниқса, муштдайлигидан бирга ўйнаб-ўсган Ҳасаннинг бу қилиғи Назарга оғир ботди. У ўзи туғилиб-ўсган овулини нечоғлик қўмсамасин, у ёққа боришнинг сира иложи йўқ; онаси ва синглисининг дийдорига етиш ҳақида ўйласа дунё кўзига қоронғи кўришиб, ўша кунийёқ йўлга отланишга чоғланарди-ю, яна алланималар эсига тушиб ва ич-ичидан эзилиб, фикридан қайтарди. Бунинг устига, Тошкентдай пойтахт шаҳарга катта мақсад билан келган эди, эндиликда шу ёлғиз нияти ҳам саробга айланди. Унинг институтдан ҳайдалгани тўғрисидаги деканат қарори ҳам аллақачон тайёр бўлса керак... Лекин у ёз бўйи институт остонасига қадам босмади. Шаҳарда курсдошларига дуч келган пайтларда эса, уларга нима дейишни билмай, бошига “оила ташвиши тушди”, “академик отпуска олмасам аҳвол чатоқ”, деб, қип-қизил ёлғон сўзлашга ҳам ажабтовур кўникиб қолди. Ахир у, Фанининг тузоғига қандай илингани ва эл бошига иш тушганда белни маҳкам боғлаб, шаҳарнинг қайта тикланишида ўз улушини қўшишдек олижаноб ниятларининг қандай барбод бўлганини — ана шундай аччиқ ҳақиқатни дўстларига қайси юз билан айтсин? Фанининг қурилишга келтирган зарари, албатта, филни пашша чаққандай бир гаплигини Назар тушунарди, шу билан бирга, мабодо пашшалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, ҳар қандай филниям нес-нобуд қилмайдими? У Тошкентда Фанига ва ўзига ўхшаган минглаб одамларнинг ишлаётгани, агар уларнинг ҳар бири ўзлари каби қаллоблик қилаверса, оқибати нима бўлишини ўйлайвериб, ўйининг охирига етолмасди. Назар ҳаётининг бошидаёқ ёмон одамлар таъсирига тушиб, қаттиқ янглишганини фаҳмлар экан, катта хатога йўл қўйганини кўз ўнгига келтирди-ю, ўтмишидаги ҳар бир хатти-ҳаракати ва ҳар бир қилмишини сарҳисоб қилиб, улар орасидан ўзини оқлайдиган бирорта сабаб қидира бошлади. Унинг фикрича, бундай аҳволга тушиб қолганига асосий сабаб: одамларга ҳаддан ташқари ишонувчанлиги, ўта соддалиги эди. Шу билан бирга, соддалик ва аҳмоқликнинг ораси бир қадам эканини ҳам тушунар, тушунса-да, энди вақт ўтган эди...

Айниқса, Фанидан ўқитувчи ошнасининг қамалганини эшитгандан бери институт биносига кўзи тушдимми, ўз-ўзидан виждони қийналарди. Иш бўйича маршрути ўша кўчага тўғри келган пайтларда ҳам, негадир кўнгли музлаб, айланиш бўлса-да, бошқа тарафдан ўтарди. Бир-икки сафар курсдошлари: “Сени деканатга келсин деди, проректорга учрашар экансан”, дейишганда ҳам институтга ҳеч оёғи тортмади... Ажабо: унинг назарида негадир сўнгги кунларда Тошкентда суянадиган ҳеч кими қолмагандек, ҳатто ишда ҳам, йўлда ҳам гўё бошини кўтариб юришга ҳақли эмасдек туюларди. Ёлғиз овунчи — шунчаки ишга бориб келишу Лола билан ўтказётган фароғатли лаҳзалар эди, холос. Ишда эса фақат онда-сонда Фани билан учрашиб турар, шундаям муомалалари куруқ салом-алиқдан нари ўтмасди. Фани акаси ҳам, чамаси, ўз ёғига ўзи қовурилиб юрганга ўхшарди. Негадир унинг аввалги бақириб-чақиришлари-ю, от ҳуркадиган важоҳатидан асар ҳам йўқ. Лола бўлса, ой-куни яқинлашиб қолгани сабабли кўндан буён хонанишин, кўчага қадам босмасди. У Назарнинг ранг-рўйи ўзгариб, ўз-ўзидан юрак-бағри эзилиб, ўйлари алғов-далғов бўлиб юрганини сезса-да, бу нохушлик сабабини ҳадеб ўзидан қидирар

ва яккаш ўзини айбдор ҳис этмоқда эди. “Эҳтимол, — деб ўйларди Лола юраги эзилиб, — ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигит болали аёлга уйланганига пушаймон бўлаётгандир, балки рўзгор жиҳозларига қоникмаётгани ҳам шундандир? Ким билсин, балки уйини ҳалдан ташқари соғингандир?” Аёл ҳарчанд ўйламасин, Назарнинг одамлардан безиб, кундан-кунга чўпдай озиб бораётганига ич-ичидан ачинар ва ўртадаги дилсиёҳликни тенг бўлишга интилар, лекин бари бир, ўзини унинг олдида гуноҳкор деб ҳисобларди. У ҳар хил йўллар билан узоқдан гап очиб, йигитнинг қўйнига қўл солиб кўрди-ю, лекин унинг ичидагини тополмади. Шундан кейин, агар кўнглинг бошқани тусаётган бўлса, хоҳлаганинг билан яшайвер, дегандай, Назарнинг ички сирларига мутлақо аралашмай қўйди. Мабодо ўша кунлари Назар “ бундан бу ёғига йўлимни тўсма, мени ўз ҳолимга қўй”, деб уни ташлаб кетган чоқда ҳам, у: “Кетма, менга раҳминг келсин, ҳечкурса, эртаиндин ёруғ дунёга келадиган норасидага шафқат қил!” — деб йигитнинг этагига ёпишиб, ялиниб-ёлвормасди. Лекин воқеалар тамом бошқача тус олиб, ҳар қалай, шундан кейин Лола иложи борица Назарнинг кўнглини оғритмасликка, сўзини синдирмасликка ҳаракат қила бошлади...

Лолани ярим тунда тўлғоқ туғди. Даставвал у хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, маст уйқуда ётган Назарни уйғотишга кўзи қиймади, лекин тўлғоғи борган сайин кучайиб, кўнгли беҳузур бўлавергач, аста ёнига келди-да:

— Тур, Назар! — деди инграниб. — Турақол, жоним, доктор чақирмасанг бўлмайдиганга ўхшайди, кўнглим алланечук бўлаётир.

Назар ўрнидан ириб турди, Лоланинг чиша тер босган пешонасига кўзи тушгач, кўрқиб кетди. Йўл-йўлакай апил-тапил кийиниб, кўчадаги автомат телефонга етай деганда, унинг анчадан бери ишламаётгани эсига келди-ю, турган жойида тахтадай қотиб қолди. Ярим кеча, теварак-атроф жим-жит. Энди қаёққа боради? Орадан икки сония ўтгач, лоп этиб қўшнисининг телефони эсига тушди. Ўша заҳоти оёғини қўлига олиб иккинчи қаватга кўтарилди-да, ўзларига қарама-қарши эшикдаги кўнғироқ тутмачасини устма-уст босди. Аксига олиб, ҳадеганда эшик очилавермади. Орқа тарафидан эса, Лоланинг гоҳ “онажон!”, гоҳ “Назар!” деган бетоқат қичқириви эшитилмоқда эди. Баттар эсанкираб қолган Назар охири эшикни мушги билан гурсиллатиб ура бошлади.

— Ким? — деди ичкаридан аёл кишининг овози.

— Опай, мен, Назарман. Лола бечидам бўлаётир, докторга телефон қилинг.

— Ҳозир... Вой ўлмасам, сен тез уйингга киравер, мен дўхтир чақирай, орқандан етаман, — деди эшикни қия очган кампир.

Назар хонага кирганда Лола қора терга тушиб, диван-каравотнинг суянчигига осилган қўйи додламоқда эди...

У Чуқурсойдаги туғруқхонадан қайтганда тонг сал-пал оқариб, машиналар эндигина кўчага сув сепаётган экан. Уйга кела солиб ўзини тўшакка отдию, лекин ухломмади. “Қизли бўлдинг, суюнчисини мўлроқ чўзавар”. Ҳамширанинг бир олам севинч ва аллақандай меҳр ёғилиб турган қиёфаси ҳамон кўз ўнгидан кетмасди. “Ҳа, албатта, албатта мўлроқ... опкеб бераман”, — деди у шунда, чўнтагига ит текканини яшириб. “Одатда, бундай пайтларда суюнчига нима беради ўзи? Овулда, ўзиям кўйлакми ёки дастрўмолми, хуллас, талай марта суюнчи олгани эсида. Бироқ энди-чи? Ўзи, яъни чақалоқнинг отаси сифатида, бошқаларга ўзи нима бериши керак? Бу ҳақда кимдан маслаҳат сўраб кўрса бўлади?” У кечаси доктор чақирган қўшни кампирдан сўрамоқчи эди-ю, лекин бир оз ўйланиб туриб, яна фикридан қайтди. Орқандан кулиб юрар, деган истиҳолага борди. Яхшиси, ишдагилар ёки Фани акаси билан маслаҳатлашишни кўнглига туғиб қўйди.

У шу алфозда чамаси икки соатча хаёл суриб ётганча, ўрнидан турди-да, нари-бери кийиниб, ишга кетди.

Назарнинг одатлагидан барвақтроқ, бунинг устига, хуштак чалиб келаётганини кўрган автобаза диспетчери ўзича ниманидир сезгандай, жилмайган қўйи йўланма ёза бошлади. Бироқ у, Назар яқинроқ келиб саломлашганда, йигитнинг уйқусизликдан қизарган кўзларига кўзи тушгач, ёзишдан тўхтади.

— Ҳа, Назарвой, авзойинг сал бузукроқ кўринади?

— Нега энди, миҳдай, — деди Назар кулимсираб.

— Миҳдек бўлса, ҳу анави будкага бир кириб чиқ, бу аҳволда рулга ўтиришинг қийинга ўхшайди.

Диспетчернинг: “ҳу анави будка”, дегани медпункт эди. Ҳар куни эрта-лаб ўша ерда шофёрларнинг қон босими ўлчаниб, доктор дафтарга қўл қўйгач, машина ҳайдашга рухсат этиларди. Диспетчерлар, баъзи ҳолларда, Назарга ўхшаган ишончли, иш вақтида ичимликни оғзига олмайдиган ҳайдовчилардан докторнинг рухсатномасини талаб қилмасдан ҳам йўлланма ёзиб бераверишарди. Лекин бугунги диспетчер Назарнинг афт-ангорини кўриб, у кечаси тўйгунча ичган бўлса керак, деган шубҳага борди. Назар унинг кўнглида нима кечганини тушунди-да, мийиғида кулиб:

— Мен бугун қизалоқли бўлдим, — деди.

— Э-ҳа, роса юварқанмиз-да, бўлмаса! Лекин, бари бир, Назар, сен анави будкага бир кириб чиқ, доктор бўлмасам-да, аҳволингни кўриб турибман. Балки, сени бир-икки кун ишдан озод қилар...

— Керак эмас, ишга чиқавераман... — деб Назар диспетчер имо қилган томонга жадал юриб кетди-ю, лекин орадан кўп ўтмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди.

— Начора, сенинг айтганинг бўлди, — деди у диспетчерга синовчан нигоҳ ташлаб. — Докторнинг олдида месткомимиз ҳам ўтирган экан, у ишдан уч-тўрт кунга озод қилиб, коллективдан қизалоққа совға сифатида юз сўм ёрдам пулиям ёздириб берди. Сизларни кечкурун уйда кутаман, йигитларни ўзингиз бошлаб борасиз, роса базми жамшид уюштирамиз...

— Сал қайсарлигини айтмаса, жа зўр йигит-да, ўзиям... — дея гудранди диспетчер Назар ўзидан узоқлашгач.

У уйига хуш-хандон кайфиятда қайтар экан, йўл-йўлакай туғруқхонага бурилиб, Лоланинг ҳолидан бирров хабар олиб ўтмоқчи бўлди. Фикру хаёлини чулғатган ҳар хил қувончли ўйлардан боши ғовлаб, оғзи қулоғида, йўлакдан илдам юриб бораркан, ёнгинасидан тарақа-туруқ қилиб ўтган трамвайдан кимдир уни чақиргани эшитилди. Ўша тарафга ялғ этиб қараган эди, трамвайнинг ойнасидан бошини чиқарган аллаким: “Назар, кейинги бекатда кутиб тураман!” дея қичқирди. Негадир, бу чеҳра ўзига жуда танишдек туюлди. Овозининг момагулдирақдай гулдираб чиқишига қараб, уни бултур йўлда тасодифан учратган Султонга менгзади. Кейинги бекат жуда узоқ эмас эди.

— Оббо иним-эй, сени қидиравериб, бормаган ерим, сўрамаган одамим қолмади. Энди умидимни уздим деганда... Бугун, худди учрашган жойимизни қара! — деди Султон уни очиқ юз билан кучоқларкан. Назар ҳам, ниҳоят, қувончига шерик бўладиган муносиб одам топилганидан боши осмонга етиб, бир зум тили айланмай қолди.

— Овул-эллар омонми, Оспан ботир қалай? — деб сўради у бир оздан сўнг тилга кириб ва Султоннинг уч кундан бери тиф тегмаган соқоли ва дикрайган мўйловига қараб. “Мўйлов қўйганини айтмаса, ўшандан бери сира ўзгармабди”, — дея хаёлидан ўтказди Назар.

— Э, инижоним-эй, менинг бошимга тушган савдони сўрама. Оспанжоним касал бўп қолди, деб кампир тушмагур Кўнғиротга телеграмма юборибди. Ўтган шанба куни кечкурун орқамдан самолёт бориб турса бўладими? Нақ ўтакам ёрилаёзди. Йигитлар, нима гаплигини яширмай айтақолинг, десам, арзимаган гап, сизни шунчаки Тошкентга обориб, ўйнатиб келамиз, дейишиб, тўппа-тўғри Тошкентга учирди. Рангимда ранг қолмай уйга келсам, Оспанимга қизамиқ чиққан экан...

— Ҳозир яхшимми?

— ТошМИДа бир профессор аёл бор экан, шунга ялина-ялина, зўрға уйга обориб кўрсатдим. Умридан барака топсин, ўзиям роса болажон одам экан, ярим кеча бўлишига қарамасдан, гинг демай йўлга тушди. Мана, ҳозиргина уни уйига қўйиб келаяпганим. “Устюртдай ердан бекорга овора бўп кепсиз, — деди у Оспанни кўриб. — Икки-уч кундан кейин отдай бўп кетади. Фақат уйни иссиқ сақланг”. Шу десанг, бу меҳрибон аёлга энди қандай миннатдорчилик билдирсам экан, деб ўйланиб келаяпганим, тўсатдан сенга кўзим тушиб қолса бўладими?..

— Ҳозир уйга борайлик, сиз билан маслаҳатлашадиган гапларим бор, — деди Назар унинг гапини бўлиб ва хиёл жилмайди. — Йўл- йўлакай гастрономга ҳам кириб ўтамиз.

— Назаржон, кейинги сафар келганимда адашмаслик учун, фақат уйингнинг қаердалигини кўрсам бўлди. Болам касал ётганда арақ ичмайман, — деди Султон жиддий қилиб.

Уйга етиб келанларидан кейин ҳам Назар анчага довуру Султоннинг гапларини тинглаб, тилининг учига турган сўзни айтолмади. Султон қанча сўзла-масин, унинг кўрган-билгани Устюртнинг кенг дала-дашглари-ю, бурғилаш ускуналари ҳамда кийиклар эди. У шулар ҳақида ҳаяжон билан узоқ сўзлади.

— Назаржон, иним, бригадамга худди сенга ўхшаган бир йиғи керак бўлиб турибди. Бурғиловчига ёрдамчи, яъни смена мастери... Ҳалиги отинг ўчгур ким эди, ёнингдаги... ҳа, Гани билан учрашганимдаёқ сен менга маъқул кўрингандинг. Шундан бери, бир кунмас-бир кун сени, албатта, топиб оламан, деб юргандим.

Назар унинг сўзларига диққат билан қулоқ солар экан, бирдан Устюртга кетсамми, деган қарорга келди. Нега бундай қарорга келганини ҳозирча ўзи ҳам тушунмасди. “Лоланинг аҳволи не кечади, нима дейман унга?” деб ўйлади у ўзича.

— Султон оға, агар менинг аҳволимни билишни истасангиз, ҳозирча бу масалани кўя турайлик, кейинроқ ўйлашиб кўрамиз, — деди Назар пиёладаги чойдан ҳўшларкан. — Бугун эрталаб келинингиз... қизли бўлдик.

— Ҳай аҳмоқ, аҳмоққина иним-эй, боядан бери нега оғзинга талқон солиб ўтирибсан? Гастрономга кириб ўтамиз, деганингниям тушунмабман-а? Айтганча, уйланишпаям улпура қолибсан?

— Бир-биримизга анчадан бери кўнгил кўйиб юргандик.

— Тўйингга айтмадинг — бу битга гуноҳинг, фарзандлик бўлганингни яширдинг — иккинчи гуноҳинг, агар дилингда мендан пинҳон тутиб юрган яна бошқа сиринг ҳам бўлса — бу учинчиси... Лекин, майли, гуноҳларингдан бугун кечдим, — деди Султон ҳазил аралаш, — Оспанжоним соғайиб кетсин, ўша кун келиб, барча айбингни ўзим юваман... Шу гапим ёдинда турсин. Ҳозир келин ётган жойга борайлик-да, қизалоқнинг киндигини кесган ҳамширага суюнчи бериб кетай...

— Султон оға, мен тўй қилмасдан уйландим... оз-моз пул тўпласак, сўнг биратўла катгароқ қилиб тўй берамиз, деб ўйлагандим.

— Бу ишинг дуруст, — деди Султон столга мушти билан гурс этказиб уриб. — Демак, менинг олдимга яқин орада боролмас экансан-да...

— Ўқиётган эдим, мана, уям бўлмади.

— Қанақа ўқиш?

— Политехника институтининг геология факультетида ўқиётгандим.

— Ҳмм...

— Султон оға, эсингиздами, Гани аканинг Сирдарёдаги манзилига бир машина бўёқ олиб боргандик. Ўша ишхона текшириляётганга ўхшайди. Жиноятга қатнашганим учун мениям сўроқ қиладими, деб бошим қотиб турибди...

— Ҳмм... — деди Султон яна ва дастурхонга тикилган кўйи узоқ жимиб қолди.

— Ўқиш-ку, майли-я, — деди Назар Султонга ўз туққан отасидай кўнглини ёраркан, — лекин Гани аканинг масаласи чатоқми, дейман.

— Яхши, — деди Султон чуқур хўрсиниб, — юр, аввал туғруқхонадан хабар олайлик-чи, кейин ўшанақаси уйга кетаман. Сен мени шу икки-уч кун ичида кут, ўқиш масаласини бир ёқли қиламиз. Бир пайтлар Устюртга иш бўйича аллақандай бир олим келувди. Ўзиям академикмиди, профессормиди, билмадим, ҳайтовур, жуда катта олим дейишпан эди. Менда адреси бор...

— Йўл-э, Султон оға, орага одам кўйиб бўлмайди, ҳамма айб ўзимда.

У Султоннинг шошилиб турганига қарамасдан ўзининг туғилиб ўсган овули, онаси, Тошкентга келишдан мақсади, ўқиши ва Гани тўғрисида нима-ки билса, ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Негадир, шу топда йиғининг юраги тўлиб турарди. Унинг сўзларини қулоқ қоқмай тинглаётган Султоннинг юз ифодасидан суҳбатдошига нисбатан на бепарволик, на ҳам-

дартлик туйғусини пайқаб бўлмасди. Назар бошидан ўтган воқеаларини ҳамон тўлиб-тошиб гапирар экан, ногаҳон қаршисида миқ этмай ўтирган Султонга кўзи тушгач, бир зум ўйланиб қолди. “Мен боядан бери бекордан-бекорга оғиз кўпиртираётганим йўқ эди-ку? Агар, бу дардларимни тошга сўзлаганимда, қоқ иккига ёрилмасаям, ишқилиб, бир садо чиқарди”, дея хаёлидан ўтказди у. Гап Лолага бориб тақалганида, Султон каттакон мушти билан столга яна гурс этказиб урди-да, ўрнидан учиб туриб:

— Боласан, укам, ҳали оғзидан сариғи кетмаган полапонсан! — дея хитоб қилди у дераза томонга юриб. — Агар бола бўлмасанг, бу сирларингни одам бандасига айтиб ўтирармидинг? Эр йигитнинг дарди ҳамиша ичида бўлади, дейишади бурунгилар. Ҳай, майли, бу нозик кечинмалару муқаддас туйғуларни яхши кунларингда эслаб юрарсан... кейинчалик керак бўлар, балки. Бироқ, Назаржон, мен ўз тажрибамдан шу нарсани англадимки, ўтмишни ҳадеб эслайвериш — қариллик аломати. Қартайганликнинг яна бир белгиси — мақтанчоқлик. Гапларингни тинглаб ўтириб, шундай хулосага келдим: сенда бошингдан ўтган воқеаларни кўп хотирлаш хусусияти бор экан. Бу ўзингдан кўра ақлингнинг баркамол эканини кўрсатади, лекин гапларингдан мақтанчоқлик аломатларини сезмадим. Демак, ҳали ақлинг қаримабди. Сенга, айниқса, бу ёшда, ортиқча доноликнинг ҳеч кераги йўқ. Инсонда ақл билан вужуд баравар камолотга етса, кишининг умри узоқ бўлади. Тўғри, сен турмушнинг аччиқ-чучугини меъёридан ошиқроқ татигансан, бироқ бошингга тушган машаққатлар моҳияти хусусида чуқур ўйлаб кўрмабсан ҳали. Шуни билки, инсон учун кўлидан келмайдиган, иродаси ва куч-қуввати етмайдиган нарсаларгина машаққатли бўлиб туюлади. Унинг қалигини тошган одамага эса, ҳар қандай қийинчилик ошпа-осон кўчади. Мана, иним, менинг бор билганларим шу, яъни оддий ҳақиқатлардан иборат, холос...

Назар узоқ вақт хаёлга чўмиб, Султон айтган гапларни бирма-бир кўнгил тарозисига кўйиб кўрди. Унинг сўзларида жон борга ўхшаб туюлди.

— Султон оға, мен ўзим билмаган ҳолда, бошимдан ўтган энг оғир кунларни сал ошириброқ сўзлаганга ўхшайман. Умуман олганда, ҳаёт ҳар бир алоҳида одамнинг хоҳиш-истакларидан ташқарида, яъни ўз қонуниятларига кўра мавжуд ва кишилар устидан ҳукмрон эмасми?

— Ҳаёт фақат заиф одамларнинг устидан ҳукмронлик қилади, — деди Султон деразадан ташқарига қараб. — Кучли кишилар ҳаётни ўз ноғорасига ўйнатиши, яъни уни ўзгартириши мумкин. Ҳа, майли, қуруқ фалсафа сўқишни бас қилайлик, иним. Бир-икки йил институтда ўқиб, илм ўргандинг. Лекин вақт ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади, шунда боғи айтган гапларинг ҳамда ҳозиргача ҳаёт ҳақида билган нарсаларингнинг барчаси лоақал бешикдаги болани-ям ҳаяжонга солмайди.

— Султон оға, агар Устюртга борган тақдиримда ҳам нима қила олардим, машина ҳайдашдан бўлак қўлимдан бирор иш келмаса?..

— Устюртда машина ҳайдашинг қийин... Қайдам, балки бир-икки кун уришиб кўрарсан, агар эпполмасанг, менга ёрдамчи бўлсанг бўлгани...

— Яхши, Лола билан маслаҳатлашиб кўрай-чи...

Улар туғруқхонага пешиндан кейин боришди. Лекин дарвозадан кираверишда осиелик турган оналар ва чақалоқларнинг соғлиғи тўғрисида ажи-бужи ёзилган қоғозни ўқишди-ю, орқага қайтишди. Ҳамширалардан бири, Султон олиб борган гулни “вазага солиб кўйдим” деганича, бошқа бирон гап айтмади. Лоланинг чақалоғини ҳали эмизишга олиб келишмаганди. У даставвал Назарга хат ёзиб, қизчанинг кимга ўхшагани, нима исм кўйиш ва бошқа дилидаги баъзи гапларни маслаҳатлашмоқчи эди, бироқ уни аввал ўзим кўриб олай-чи, кейинроқ ҳаммасини батафсил ёзарман, деган ўйга бориб, фикридан қайтди. Фақат ҳамширага: “Назарга айтиб кўйсангиз, менинг аҳволим яхши, вақтида овқатланиб, ўзини эҳтиёт қилсин”, деб тайинлаган эди.

Назар трамвай бекатида Султон билан хайрлашгач, қаерга боришини билмай, анчага довури боши қоғиб турди. Рўпарадаги почтага кириб, опа, неварали бўлдингиз, деб уйига телеграмма юбормоқчи эди-ю, яна бир оз ўйланиб тургач, қўлини бир силтади-да, “Ғалаба” боғидаги пивоҳона томонга юрди.

Лекин негадир у ердан ҳам ҳаловат топмади. Икки кружка пиво ичгандан кейин, ўзидан-ўзи уйку элигиб, оёғини судраб босиб зўрға уйига етди-да, ечинмасдан каравотга чўзилди.

УН ОЛТИНЧИ БОБ

У сўнги бир йил бадалида остонасини ҳатламаган эшикка яқинлашиб, кўнгироқ тутмасини устма-уст босди. Эшик қия очилиб, ичкаридан таниш қизнинг боши кўринди. У Назарга бир пас кулимсираб қараб турди-да, сўнг бирдан ранги ўчиб:

— Сизга ким керак ўзи? — деб сўради.

— И-е, мени танимаяпсизми?

— Таниб турибман, лекин дадам уйда йўқ.

— Мен кутиб тураман, сўзлашадиган зарур гапим бор эди.

Назар, қизнинг унча хушламай турганига қарамасдан, ўзини ичкарига олди ва авваллари талай марта ўгириб, ёнбошлаб дам олган супага қараб юрди. Ичкаридан Бону югургилаб чиқди.

— Ўргилай, ўзим ўргилиб кетай, қани, қани, юқорига чиқ.

Назар бу меҳрибон аёлнинг мулозаматларидан дол қолиб, кўнгли эриб кетди. Бону унинг уй-ичи, аҳволи, ўқишларини лаби-лабига тегмай суриштириб босади.

— Яхши, яхши, ҳаммаси жойида, — деди Назар гапни қисқа қилиб.

— Назаржон, мен уйланганингни эшитгандим. Тўйга борамиз, деб шунча ҳаракат қилдим, шунча ҳавас қилдим, анави, ўзингиз билган Фани акангиз... зарур иши чиқиб қолиб, мана, энди олдинда уятли бўп турибман. Сени ўз боламиздай кўришимизни биласан, уйимиздан сира меҳмон аримаслиги ўзинга маълум. Шунча вақтдан бери бундоқ бир келиб, ҳеч қурса, салом бериб кетсанг ҳам бўларди-ку? Сендан роса ўпкалайман, деб юрувдим... лекин уйланганингни эшитганимдан сўнг, оила ташвиши билан бўлиб, бола бечоранинг қўли тегмаётгандир, деган андишага бордим...

Бу сўзлардан Назарнинг кўнгли баттар бўшаб кетди. Ахир, у бундай гапларни ўз туққан онасидан ҳам эшитмаган эди-да.

— Назаржон, Фани акангнинг бошига не савдолар тушганидан хабаринг бордир? — деб сўради Бону меҳр-шафқат ёғилиб турган юзи хиёл ўзгариб.

— Унчалик хабарим йўқ, опа, — деди Назар.

— Фани акангни прокурор қақираётир. Ўша ёққа кунора бориб, хабар олиб турибди.

— Нимага қақирар экан?

— Унинг устқасидан аллақандай материаллар ўғирланганмишми-ей, хуллас, жанжалнинг бари ўша қурилиш материалларининг устида бўлса керак. Ҳозир прорабиям, мастери дейсанми, ишқилиб, қоровулгача зир қатнаб юрибди.

Назарнинг аъзойи-бадани музлаб кетди. Демак, Фани акаси қўлга тушибди. Агар унинг қўлга тушгани рост бўлса, ишни худо уради энди... Унинг ўзи тўша-тўғри бориб: “мениям кўшиб қаманглар”, дейишдан бошқа иложи йўқ.

— Қачон ўғирланган экан?

— Ит биладими, Назаржон, ўғри деган фалон куни ўғирлайман, деб ўғрилик қилмайди-ку? Айтишларига қараганда, кимдир Фани акангнинг соддалигидан фойдаланиб, икки-уч йилдан бери қўлга илинадиган нарсани ўмараверган бўлса керак.

— Ўғрини топишибдими?

— Ҳали тополмаётганга ўхшайди, чамаси, битта-иккитасини ушлашган-у, лекин уларнинг бошлиғини қўлга ололмаётган бўлса керак...

Назар бу уйнинг остонасига қадам қўяр экан, ўзининг яқинда қизли бўлганини айтишдан бошқа нияти йўқ эди. Сўнги пайтларда оралари сал-пал узоқлашсаям, бир вақтлар бошини силаб, меҳрибонлик қилган одам билан дилидаги қувончни бирга баҳам кўриш истагида юраги тўлиб келган эди. Бироқ, анави хабарни эшитгач, бошидан бир челақ совуқ сув қуйилгандай, аъзойи-баданига титроқ кирди. “Фани ака келсин-чи, нима гаплигини ўз оғзидан эшитаман”, дея хаёлидан ўтказди у.

Бонунинг чакаги чакагига тегмай, ора-сира қизларига бақириб-чақириб, дастурхон ёзди, чой дамлаб келди. Назар чойдан бир хўплашга улгурмасдан-ноқ, дастурхонга иссиқ пагир билан мошхўрда, бир шиша арман коньяги тикка қилиб қўйилди. Бонунинг ўзи ҳам овқатини супага келтириб, меҳмон билан ёнма-ён ўтирди. Назар бу қадар иззат-икромнинг тагига етмаса-да, менинг қизли бўлганимни эшитган чиқар, деб ичида ўзига тасалли берди.

— Назаржон, Гани аканг келгунча, оз-моз томоқни намлаб турайлик, кейин яна бир гап бўлар. Хўжайин келса, бошқатдан дастурхон тузаймиз, — деди Бону пишанинг тиқинини очаркан.

— Бону опоқи, бугун сизларга қувончли хабар опкелгандим. Мени табриклашингиз мумкин, қизли бўлдим...

— Э-ҳа, табриклайман, Назаржон! Айтмоқчи, эсим қурсин, Гани аканг Назаржон “Жигули”ли бўпти, дегандай бир гап қилган эди-я. Муборак, муборак! Илоё Тошкентнинг энг гўзал қизи бўлсин!

— Омин, айтганингиз келсин, — деди Назар бир оз ўнгайсизланиб.

Бону коньяк пишасини очди-да, иккита пиёлага қулғуллатиб қўйиб, тўлароғини Назарга узатди.

— Қани, Назаржон, илойим қизалоғинг униб-ўссин, бахтли бўлсин. Гани аканг келгунча ўрнини билдирмай турай деб, сал-пал иримини қилмасам, бу балони оғзимга олган банда эмасман. Қани, ҳа, олайлик-чи...

Назар, бу ёғи чатоқ бўлди-да, дегандай бир хўрсиниб, сўнг тўла пиёлани кўтариб юборди. Бону қўлидаги пиёлани лабига сал тегизиб, дастурхонга қўйди-ю, яна жаррай кетди. Назар овқатини яримлагмай туриб, косасига тўлдириб яна мошхўрда қўйди. Яхши тилаклар такрорланди, устма-уст яна ичилди. Назарнинг кайфи анча ошиб қолди. Ҳангома қизигандан-қизиб, тобора йиғитнинг қулфи дили очилиб бораётган бир пайтда... уйда киядиган енгил кийимда, кўзларини уқалаган қўйи ичкаридан Гани чиқиб келди.

У узоқдан кучоғини ёзиб, баланд овозда:

— Ҳай-ҳай, Назаржон, вой бў-уй, сизниям кўрар кун бор экан-ку! — деб кела солиб Назарни бағрига босиб. — Соғиниб қолибман, иним, худди ўзимнинг туғишганимни соғингандек соғинибман.

Уларнинг бир-бири билан учрашмаганига атиги ўн кунча бўлган эди. Шунга қарамасдан, Назар бу одамнинг бунчалар бағрикенглигию самимийлигига ҳайрон қолмоқда эди. Сўнгги пайтларда фақат кўл учиде кўришадиган ёки шунчаки бош силкитиб салом-алик қилишдан нари ўтмайдиган кишининг очиқ-сочиқ муомаласидан, ҳар қалай, у ўзини йўқотиб қўйганди.

— Бону, хў-ў Бону! Ичкарига салқинроқ жойга дастурхон ёзгин, Назаржон билан бир роҳатланиб ўтирайлик.

Ганининг боши-кети йўқ мулозаматларию дилтортар сўзлари, Назар илк бор бўсага ҳатлаб, шу ҳовлига келган кунни ёдига солди. Ушанда уни иззат-икром билан ичкарига — шоҳона безатилган хонага киритган эди... сўнг нима бўлгани сира эсида йўқ. Азонда қараса, Лоланинг уйида ётибди...

Улар каттақон хонанинг тўрига ўтиб, рўпарам-рўпара ўтиришди. Гани рангли телевизорни қўйиб, овозини пасайтирди-да, яна дастурхон олдига келиб жойлашди. Иссиқ чой дамланиб, мезбоннинг олдига бир коса буғи чиқиб турган мошхўрда қўйишди.

— Бону, чой-пойдан аввал, анави коньяк-маньякдан бўлса опке. Коньяк бор жойда, қайси аҳмоқнинг чойга кўзи учиб турибди, — деди Гани олдидаги чойнакни бир четга суриб.

“Демак, Гани аканинг жанжалдан боши очилганга ўхшайди, — хаёлидан ўтказди Назар, — аксинча, бу қадар хушчақчақ бўлмасди”. У ўзига узатилган қадаҳларни қайтармай олавериб, кўп ўтмай боши анча гўвлаб қолди.

— Иним, энди асосий гапга ўтайлик, — дея гап бошлади Гани, чип-чип терга тушган Назарнинг атай шу ҳолатини кутгандек. — Сирдарёга оборган анави нарсаларнинг кетидан одам тушганини айтгудим-ку, шунинг текшир-текшири тугади. Гуломжон ва Рустамалига ўхшаган аҳмоқларнинг бири гувоҳ, бошқаси савдогар сифатида сўроқ бериб ётибди. Мен ҳозирча “оқ туя кўрдингми — йўқ”, дегандай миқ этмай турибман. Сендан эса, иним, бир ўтинчим бор эди. Туғишган укамдан яхши кўрганимдан кейин... илтимосимни ерда

қолдирмассан, деб ўзинг билан бафуржа сўзлашмоқчийдим. Гуломжонга берилган материалларни ўзим бориб, раис билан келишган ҳолда бирёқли қилдим. Раис бобо: “Қанча аҳмоқ бўлсанг ҳам, ўзимиз боққан қўйнинг кумалогисан, фақат бундан бу ёғига эски одатингни бас қил”, дея аввалига роса бақариб-чақариб, сўнг депутат сифатида орага тушаман, деб ваъда берди. Лекин Рустамалига ўтказган материаллар, бошимизга бало бўлиб турибди. У терговда мени ҳам, сени ҳам оғздан гуллаб қўйибди, ҳатто машинангни номеригача ёзиб берибди. Балки, ким билади, шу яқин орада сениям чақариб қолиши мумкин...

— Агар чақариб қолса, мен нима дейман? — сўради Назар, мастликдан қизарган кўзларини зўрга очиб.

— Ана, шу масала чатоқ бўлиб турибди-да, иним. Мабодо сендан сўраса, мени айтавер. Ўзинг кўриб турган манави бир этак бола-чақанинг кўзёшини шўрғалатиб, кетаверамиз-да. Бошқа нияям иложимиз бор. Ҳеч курса, қизларимнинг биттасини узатганимда эди, қайтиб уларни кўриш насиб этадими, йўқми...

Ғани, сўзининг охирини айтолмай, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Назар, гарчи кайфи ошган бўлсаям, унинг тил учиди турган гапини тушунди, тушунди-ю, унинг аҳволига чин юракдан ачинди. Ахир, ачинмай бўладими? Бегона юрда бағрига тортиб, дастлаб бошини силаган, мушкул аҳволга тушган кунларда ёрдам қўлини чўзган одамнинг кўз ёшлари шу топда уни ўз таъсирига олганди. У Ғанига ёрдам беришни истарди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди?

— Ғани ака, терговда нима дейишимни менга ўргатинг, қани, нимани гапирай?

— Отанга раҳмат, Назаржон! Худди кўнглимда ўйлаганимдан ҳам зиёд экансан. Ҳатто, нима десам экан, сенга қай тарзда миннатдорчилик билдиришдан ҳам ожизман. Қисқаси, мен бир умрга... қарздорман, иним.

Ғани бирданига гапнинг пўскалласини айтса, болани чўчитиб қўйишини сизди. Шу сабабли у ҳар бир гапни тарозига қўйиб кўриб, Назарнинг кўнглини овлашга ўтди.

Улар қадаҳларни тўнтаришиб, коньяк ичишни бас қилишди. Бу масалани соғ калла билан ечмасак бўлмайди, дейишиб, Бонуга аччиқ чой буюришди, сўнг хотиржам ёнбошлаб, телевизор кўришди. Бу орада, кўрсатув зерикарли бўлгани учунми ёки коньякнинг таъсириданми, Назарнинг кўзлари юмилиб, охири донг қотиб ухлаб қолди. У қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал Ғанининг:

— Назаржон, ҳо мулла Назар! Турсанг-чи, кун ботарда ухлашнинг хосияти ёмон, дейди машойиҳлар! — деган овозидан уйғонди. — Жудаям чарчабсан-да, Назаржон, сенга ҳам осон эмас, ҳам ўқиш, ҳам иш, бунинг устига, болачақа ташвиши... муштдай бошингга мунча ғалва орттирмасанг? Ҳа, майли, қалай, калла пишдимиз?

— Яхши, фақат бошим сал ғуллаб турибди, чарчаганга ўхшайман... Айтганча, соат неча бўлди экан?

— Саккиздан ошиб қолгандир... Боя бир гап орасида, келиндан хабар олишим керак, деган экансан. Шунга Бону атайлаб палов дамлабди, икковимиз бирга бора қолайлик, а? Мен кўшнининг машинасини ҳам айттириб қўйгандим...

Назар Лолага бутун пешиндан кейин келаман, деб ваъда берган эди. Шу гапи эсига тушди-ю, негадир юраги ҳаприқиб кетди. У ўрнидан тура солиб, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди-да, ҳовлига чиқиб, муздай сув оқаётган водопроводга бошини тутди.

— Бош қалай, Назаржон? — деб сўради Бону кулимсираб, ошхонанинг эшигини қия очаркан. — Ғани акангизнинг ҳам суроби тўғри бўп қолганга ўхшайди. Бир маҳал бориб хабар олсам, икковингиз икки жойда таррақдай қотиб ётибсиз, халақат бермасин деб, телевизорни ўчириб чиқдим.

— Кўпроқ ичиб қўйибман, — деди Назар ҳўл сочларини дув-дув силкитиб. — Анчадан бери бундай ичмагандим.

— Ҳечқиси йўқ, қанча ичсангиз ҳам ўз уйингизда... Айтганча, ҳозир

кастрюлга ошдан босиб бераман, келинни кўриб келасизлар. Ҳозирча бир-икки пиёла чой ичиб тура туринг, ош тоза қиёмига етсин...

Назар уйга кириб, жойига ўтирган заҳоти Гани буфетни очиб, ярми ичилан коньякни олди.

— Мутлақо ичмайман, Гани ака, турқини кўрсатманг шунинг, — деди Назар қўлини силкитиб.

— Иккаламиз эллик грамм билан бош оғриқ қиламиз. Сен ҳали “бош оғриқ”нинг нима эканини ҳам билмасанг керак. Арақ ичгандан кейин, бу кунига эрталаб бошинг зирқираб туради. Шунда кўп эмас, атиги эллик грамм отиб юборсанг, кўзинг ярқ этиб очилиб, яна отдай бўп ишга кетаверасан.

У кўярда-қўймай, Назарга бир пиёла коньяк ичирди. Назарнинг қоқ ёрил-гудай зирқираётган боши, мисоли ёрилган жойига мўмиё қуйилгандай, таппа-тақ тўхтади.

— Назаржон, келинни кўрганимиздан сўнг уйга келамиз-да, бугун роса мириқиб дам оламиз, — деди Гани унга синоатли назарини қадаб.

— Уйга бормасам қандай бўлар экан...

— Э, қўйсанг-чи, ҳозир келин йўқ, айни муддао. У келганча мазза қилиб, ўйнаб-кулганинг қолади. Келин туғруқхонадан чиқса, оёқ-қўлинг боғланиб, у уёгини ўзинг биласан... Бугун кечаси икковимиз ҳалиги масалани бироёқли қилишимиз керак. Гапимга тушундингми?

Назар ичида бир оз иккиланиб турарди-ю, лекин хўп дейишдан бошқа иложи йўқ эди. Масала равшан, у ҳам тузоққа илинган... Ундан кутулиш йўлини эса фақат Гани билади.

— Ҳа, майли, дам олсак олибмиз-да, — деди Назар ҳушёр тортиб.

...Ҳамшира Лоладан кафтдеккина қоғоз олиб келди.

“Назар!

Қизчанг худди қуйиб қўйгандай ўзингга ўхшайди. Унга исмниям ўзинг кўярсан, докторлар эртага справка берамиз, дейишди. ЗАГСга бориб, туғилгани тўғрисида гувоҳнома олиб кел.”

Назар қизига аллақачон исм топиб қўйганди... Бундан бир неча кун аввал “Жамила” деган китобни ўқиган бўлиб, унинг қаҳрамони кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолганди. У Жамила образини синфдоши Гулжонга қиёслаб кўрар экан, назарида инсонлик шаъни, одамнинг қадр қиммати фақат унинг жасурлиги, довиюраклиги билангина ўлчаниши мумкин, деган хулосага келганди. Унингча, Гулжонда ана шундай жасурлик етишмагани сабабли, охир-оқибат у ўз бахтига ўзи зомин бўлган эди. Ҳар қалай, бу ҳақда ўйлаган сайин ҳадеб шундай туюлаверди. Лекин, ўзида-чи? Ўзида ҳам бормиди шундай жасурлик? Инсонийлик фақат довиюраклик билан ўлчанмас балки... Агар шундай бўлса, одамнинг номус-ори, қадр-қиммати нимада? Назар қанча бош қотирмасин, ҳозир бу хил саволларга жавоб тополмасди. Шу топда унинг миясида фақат Жамила деган исм чарх урмоқда эди. Ҳа, қизининг отини, албатта, Жамила кўяди! Ишқилиб, қизалогининг тақдири Жамиланинг тақдирига ўхшамасин, фақат тўнғич фарзанди Жамиладек жасур ва ўктам бўлса, шунинг ўзи кифоя... Аммо...

— Гани ака, қизга туғилгани тўғрисида гувоҳнома керак, дейишибди. Уни қандай оламиз?

— Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Паспорт билан никоҳ дафтарчангни обориб кўрсатсанг, ёзади-беради.

— Бизлар ҳали никоҳдан ўтмаган эдик.

— Ана холос, буниси чатоқ бўпти. Шу пайтгача нега ўтмадинглар?

— Шу нарса эсимизга келмабди... — дея кулимсиради Назар. — Энди нима қилсам экан?

Гани бир пас елкасини қисиб, ўйланиб турди-да, сўнг:

— Қайси районга қарайсанлар? — деб сўради.

— “Ғалаба” боғининг қошида-ку, уйимиз.

— Демак, Куйбйшев райони... Так, яхши, масала ҳал бўлди деявер. Исполкомда менинг энг яқин жияним ишлайди, шунга айтаман... Сен бу ёғидан ҳам ема, фақат шу бугундан қолдирмай ҳалиги масалани ҳал қилсак бўлди. ЗАГС-пасингни менга қўйиб бер.

Назарнинг чеҳраси ёришиб кетди. У, ҳатто, бу саховатмандлик учун Ғанидан бир умр қарздор экани ва қандай қилиб бўлса-да, ўз навбатида, унга ҳам саховат кўрсатиши ҳақида ўйлай бошлади.

Уларнинг тунги суҳбаги фақат тергов хуеусида бўлди. Ғанининг уйида қонун тўғрисидаги китоблардан ҳам бир неча хили бор экан, уларни шошилмай ва рақлаб ўтириб, Назарга турли-туман жинойтлар ва уларни жазолаш муддатлари кўрсатилган моддаларни ўқиб берди. У жинойтлар учун Рустамалининг мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача, ўзининг эса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этилишини билиб олди. Ғанининг тушунтириши бўйича, анави қинғир ишда нукул Рустамали билан Назар айбдор бўлиб чиқмоқда эди. Назарнинг капалаги учиб, ҳатто ичган коньяги ҳам таъсир қилмай қолди. У гап орасида:

— Ғани ака, сизга неча йил бериши мумкин? — деб сўради.

— Ана, ҳамма гап шунда, — деди Ғани китобни авайлаб ёпаркан. — Агар мениям жавобгарликка тортса, унда жинойт кўпчиликнинг ишгирокида содир бўлган, деб ҳисобланади ва бояги мен айтган муддатлар яна икки ҳисса оширилади. Масалан, менга уч йил, сента ўн йил, Рустамалига эса ўн беш йил берилиши керак...

Назарнинг тепа сочи тикка бўлди:

— Бундай жазо... қайси жинойтимиз учун?

— Биз ҳеч қандай жинойт қилганимиз йўқ. Асосий айбдор Рустамали. Ўтакетган савдогар, у ўз қилмишига яраша боши билан жавоб бериши керак эди, лекин у манглай теримиз эвазига зўрға кун кўраётган биз бечораларга айбини тўнкаб жинойи ишга аралаштираётир. Энди олдимизда фақат иккита йўл бор. Биринчиси: “Биз Рустамали деган одамни у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам кўрмаганмиз. Уни мулақо танимаймиз”. Иккинчиси: “Уни таниймиз. Лекин, атиги бир мартагина шаҳардаги дўкондан унга бўёқ обориб берганмиз”. Аммо, бунинг учун ҳам ишочли гувоҳлар керак.

— Гувоҳларни қаердан топамиз?

— Ғам ема, бунинг ҳам иложини қилиб қўйганман... Рустамалининг қўшнилари билан бир-иккитаси оғайни чиқиб қолди, яқинда иккови билан гаплашдим, гувоҳ бўлишга ваъда беришди... Бундан ташқари, яна бир муҳим иш бор, Назаржон. Сен билан туғишган ака-укадек бўп қолдик, энди бор гапни яширмасдан, очигини айтишим керак. Ахир, бир-биримиз учун жонимизни аямаймиз-ку... Анови прокурор деганинг, жуда пихини ёрган одам бўлади. Ҳақиқатнинг тубига етмагунча қўймайди, эзиб сўрайверади. Агар, худо кўрсатмасин, эзиб суриштириб, мабодо икковимиз қўлга тушсак, сен анави нарсаларни зинҳор-базинҳор мендан олдим, деб айтиб юрма. Бало-қазонинг ҳаммасини Рустамалининг бўйнига ағдаравер, тушундингми?

— У ҳолда мени қамаб қўйишади-ку? — деди Назар соддалик билан кўзлари мўлтираб.

— Сени қамаса, мен борман-ку, ё қўл қовуштириб ўтиради, дейсанми? Мендаям виждон, ёру дўст, оғайни-қариндош деган нарсалар бор. Сени бир ҳафтага қолдирмасдан чиқариб олишга қурбим етмайдимми?

— Анави домладай бўлиб яна... — дея гўлдирди Назар, унинг гапларига ишонқирамай.

— У домла тайини йўқроқ бир одам экан, юз-хотир қилмасдан, иккови-мизниям майиб қилиб кетди... мен у билан ош-қатиқ бўлишни бас қилдим, — деди Ғани Назарга зимдан кўз қирини ташларкан. — Прокурорнинг гапи бошқача бўлади, — давом этди у. — Олий судда ишлайдиган бир ўртоғим бор эди, бориб аҳволимни айтсам: “Оббо Ғанивой-эй, текширса текшириб, сўраса сўрайвермайдимми, гап айланиб, охири ўзимизга келади-ку, бунинг нимасига қайғурасан”, деб, елкамга бир-икки қоқиб, ҳазиллашган бўлди.

— Хўш, материалларни қаёқдан, кимдан олдинг, деса, нима деб жавоб қиламан?

Ғани иложсиз қолгандай, елкасини қисди. У шу алпозда икки дақиқа ўйланиб турди-да, сўнг чорасини топандай пешонасини тириштириб:

— Майли, материални бизга қарашли базадан олдим, деявер. Фақат орага мени қўшмасанг бўлди, иним, — деди.

Фани анчага довур Назарнинг юзига тикилиб турди, лекин йигитдан миқ этган садо чиқмади. Сўнг аста ўрнидан туриб, буфетнинг тортмасидан аллақандай туғунчакни олиб келди-да:

— Назаржон, мана бу сенинг янги оиланга каминаи камтариндан совға... — деди жилмайиб. — Қизалоғинга аталган суюнчини бўлса, уйинга борганда ўз кўлим билан топшираман. Эсингдами, сени ўзим уйлантириб, хўжалигингни тиклашда кўмаклашаман, дегандим бир пайтлар. Тақдир тақозоси билан тўйингга боролмадим, ўзингдан ҳам вақт-бевақт хабар ололмадим... Энди эса, манави уч мингни акангдан тўёна, деб ҳисобласанг бўлади, қизингга аталгани бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Назар нима қилишини билмай, роса боши қотди. У Фанининг бу олижаноблигини гоҳ унинг сахийлиги, одамгарчилик юзасидан қилаётган иши деб ўйласа, гоҳида терговдан бошини омон сақлаб қолиш учун берган пораси, деб тушунди. Агар, одамгарчилик юзасидан бўлса-ку, амал-тақал қилиб, бир кун бу қарздан қутуларди, лекин, мабодо пора бўлса-чи?

Охири, у ўйлаб-ўйлаб, пулни олишга жазм қилди. Шу кунларда пулга жуда муҳтож эди, ахир оиласининг кам-кўстини тезроқ тиклаши керак, бундан ташқари, рўзгорнинг кундалик сарф-харажатлари ҳали учма-уч эди. Ҳозир чўнтагида тунов кун маҳаллақўмдан берилган пулдан атиги ўттиз беш сўм қолганди. Лоланинг жамғармаси эса аллақачон тугаган, ўзиникини айтмаса ҳам бўлади... мана, ҳозир уч минг сўм ўз-ўзидан чўнтакка кирай деб турибди. Бунинг учун фақат икки оғиз сўз айтса кифоя: Рустамалининг чайқовчилигида Фани акасининг ҳеч бир иштироки йўқ. Шу, холос...

Балки Фани акаси боя айтгани бўйича, бегараз, чин дилдан ёрдам бераётгандир? Ахир, у ҳам Назарнинг имтиҳонларини деб, қанчалар чиқимдор бўлганини билади-ку? Бунинг устига, Фанининг “объектлар”га материал ўтказишида Назарнинг ҳам хизмати чакки эмас.

Йигитнинг узоқ ўйга толиши Фанини таралдудлангирди.

— Нега хаёл суриб қолдинг, Назаржон? Бунча бўшашмасанг, нима бўлса борини айтаверасан-да, фақат орага мени қўшмасанг бас...

— Яхши, — деди Назар туғунчакни ўзига яқинроқ суриб қўйиб. — Фани ака, энди шу гапдан кейин эллик граммдан отмасак бўлмас.

Улар хўроз қичқирган маҳалда гапни пишитиб, уйқуга ётишди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Назар қизли бўлгандан кейинги ўтган уч кун унинг ҳаётида кўп гаройиб ҳодисаларни бошлаб берди. Тасодифан Сулгон билан учрашуви, тўнғич фарзанд қувончидан ўзини қўярга жой тополмай, эски қадрдони Фани акасининг уйига боргани, шунчалар ҳурмат-иззатга сазовор бўлганию меҳмондорчиликдан чўнтаги қапшайиб қайтгани, хуллас, буларнинг ҳаммаси йигитнинг кайфини ниҳоятда чоғ қилган эди. Бугун ишга чиққанида эса, бадал тўлашни унутмадингми, дейишдан бошқа гапни билмайдиган бошланғич комсомол ташкилотининг котиби Ақром унинг кўлтигидан олиб, хонасига бошлаб киргани ва ҳол-аҳвол сўрагани уни янада ҳайрон қолдирмоқда эди.

— Назар, мен аввало сени қизалоқли бўлганинг билан табриклайман, — деди Ақром, — умри узоқ бўлсин қизчамизнинг. Айтганча, отини нима қўймоқчисан? — деб сўради.

— Ҳозирча, Жамила қўйсамми, деб турибман.

— Жуда яхши. Бу Ўрта Осиёнинг барча халқларига тааллуқли от, жуда чиройли исм... Лолаҳон қачон чиқаркан?

— Анигини билмайман...

— Яхши. Сенга маъмурият, маҳаллақўм уч-тўрт кунга у ёқ-бу ёғингни йиштириб, дам олишинг учун рухсат берибди. Биз ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлаймиз, лекин шу орада нима ишлар қилганингни сендан сўрамоқчийдим...

Ўтган икки кун бадалида Назар, “туғруқхонадан хабар олдим, танишлар билан учрашдим”, дейишдан бошқа оғиз тўлдириб айтадиган бирор юмуш қилмаган эди. Шу сабабли, Ақромнинг гапига шунчаки елка учуриб қўя қолди.

— Назар, мен сенга чин комсомол сўзимни айтай: ҳозир Тошкентимизда қурилиш ишлари қай даражада қизғин кетаётганини ўзинг мендан яхшироқ биласан. Ана шундай бир пайтда, икки оёқ бир этикка тикилган вазиятда хотиним туғди, деб бамайлихотир уйда оёғингни кўтариб ётаверишга уялмайсанми? Хўп, яхши, Лоладан кунига бир марта хабар олақол, буниям иш орасида, тушлик вақтида ёки йўл-йўлакай кўриб ўтсанг ҳам бўларди-ку?

Назар бу гапга нима дейишини билмай, бошини қашиб қўя қолди.

— Ташкилотимиз бюроси сени илғор ишчи, кўнгли тоза комсомол сифатида партия аъзолигига тавсия қилмоқчи эди, бироқ ора-чорада кўрсатадиган баъзи қилиқларингдан кейин, бюро аъзоларидан айрим ўртоқлар иккиланган туришибди. Шундай бўлса-да, бари бир, биз сенинг бирор жиддий сабабсиз ишдан қолмаслигингни тушунамиз, ҳар қандай юмушни дўндириб бажаришингни ҳам биламиз. Ва шу ваздан, катта ишонч билдириб, сени партия сафига қабул қилмоқчимиз. Хўп, бу масалага қандай қарайсан?

— Мен, мен... — дея дулукланди Назар, ўйлари баттар чувалашиб. — Мен, ҳозирча, ўзимни партия аъзолари сафида туришга муносиб эмасман, деб ҳисоблайман...

— Сабаб?

Назар елкасини учирди.

— Гап сенинг ўзингни нима деб ҳисоблашинг устида кетаётгани йўқ. Муҳими, гап жамоангнинг сени қўллаб-қувватлашида, ҳамма оққўнгилигингни, меҳнаткашлигингни ҳурмат қилишида. Сен бўлсанг, ҳадеб ўзингни пастга урасан...

— Мен ўзимни партия сафида бўлишга нолойиқ деб ҳисоблайман, — деди Назар Ақромнинг юзига тик қараб. — Сабабини ҳозир тушунтиролмайман, лекин фурсат етса, ҳаммаси ўз-ўзидан ойдинлашади...

— Нега, бирон жиноятинг борми?

Назар яна елка учирди.

— Сен бор гапни айтавер, — деди котиб, — агар, билмасдан гуноҳ иш қилган бўлсанг, меҳнатинг билан оқлаб юборишинг мумкин... Хулласи калом, шу яқин кунларда бояги таклифимни яхшилаб ўйлаб кўриб, жавобини бер... Айтганча, ўтган ойда бадал тўлаганмидинг?

— Тўлаганман.

— Балли, Назар! Майли, энди сени ортиқча ушлаб ўтирмайман...

У котиб билан хайрлашиб, ташқарига чиқдию, ногаҳон гаражнинг тўрида турган машинасига аллақандай нотаниш йигитнинг уннаётганига кўзи тушди. Яқинроқ бориб қараса, у орқа филдиракни ечиб олаётган экан.

— Ҳей, ошна, кушпа-кундуз нима қилаяпсан? — деди Назар ўдагайлаб қўлларини белига тираб.

— Ассалому алайкум, — дея қорамой юққан қўлларини узатди нотаниш йигит. — Менга шу машинанинг шофёри уч-тўрт кун бўлмайди, сен вақтинча ҳайдаб тур, дейишпанди. Кеча кечқурун орқани балоннинг ели чиқиб кетди. Шунга алмаштираяпман.

— Ҳайдаганинга неча кун бўлди?

— Икки кун...

— Қачон ишга келдинг?

— Уч-тўрт кунча бўп қолди.

Назар индамасдан кабинани очиб, ичига бирров назар ташлади-ю, яна секингина ёпиб қўйди. Олдинга ўтиб, капотни қаради, моторга пича тикилиб турди. Сўнг машинани чир айланаркан, энкайиб тагини кўздан кечирди-да, нотаниш йигитнинг олдида келди.

— Машинани неча кун ҳайдадим, дединг?

— Икки кун...

— Мана, сенга, икки кун! — Назар йигитнинг қулоқ-чаккасига қарс этказиб шапалоқ тортиб юборди. — Сен итдан тарқаган, бировнинг нарчасига нега ўзингникидай қарамадинг? Икки кун ичида машинани бир йилга тўздирибсан-ку? Ёки, бу темир-терсакни сўрайдиган одам йўқ деб ўйлабмидинг, энагар!

— Кечиринг, оға, — деди нотаниш йигит йиғламсираб чаккасини сийпаларкан. — Мен шофёрлик курсини яқинда тутатгандим...

— Ишдан кейин ўзинг ювишга эринсанг, ҳеч қурса, ҳув анави мойканинг тагидан ҳайдаб ўтиб, сўнг ичкарига опкириб қўймайсанми?

— Сиз келгунингизгача топ-тоза қип қўяман, ёшулли, — деди у, қорамойга беланган қўлларини латтага ишқаркан.

— Қарликсан?

— Хоразмдан, Шовотдан...

— Тошкентга нимага келгандинг?

— Ўқишга келувдим, мандатдан қайтдим... уйга боришга юзим чидамади. Кейинги йили яна имтиҳон топшираман, деб ишга кирдим, шофёрликка ўқидим.

— Яхши, ҳамшаҳар эканмиз, аммо бундан буюғига эсингда бўлсин: машинамга сал яқинлашдингми, боз-боятидай қилиб яна жойига қўясан, тушундингми?

— Тушунарли, — деди нотаниш йигит интизомли мактаб ўқувчисига ўхшаб. Назар унга бошқа ҳеч нарса демай, келган йўли билан ортига қайтди.

— Назар, ҳой Назар! — қичқирди диспетчер Назар автобазанинг дарвозасига етай деганда. — Сенга нима бўлди ўзи, биздан хафамисан, индамасдан кетиб бораёпсан?

Назар изига қайтди.

— Машинамни аллақандай жўжаҳўрозга чўқитсангиз, хафа бўлмай, ўйинга тушайми? — деди у диспетчернинг узатган қўлини олиб маҳкам қисаркан. — Ишга чиқишим билан таъмирлашга тўғри келади...

— Бундан чиқди, сен дам олаётганда машинанг ҳам дам олиши керак эканда, а?

— Йўғ-а, машина дам олмаёқ қўйсин, лекин унга қараш, у ёқ-бу ёғини тозалаш ҳам керак-да. Сизлар рейсга жўнар олдида, туйнукчадан бир қараб, йўлланма ёзиб берсангиз бўлди, шундайми?

— Хўп, хўп, Назар, биздан бир гуноҳ ўтибди, — деб гапининг охирини ҳазилга буришга уринди диспетчер. — Айтганча, “Жигули”ни қачон ювамиз?

— Уйга боришга ваъда бериб, бормадингиз-ку, энди ўзингиздан кўринг.

— Назаримда, сен яна ўсадиганга ўхшайсан, ростини айт, ювадиган яна қандай янгилик бор?

— Бошқа ҳеч гап йўқ.

— Унда, нега ҳозиргина сени телефонда академик Хўжаевнинг қабулхонасидан сўради? Шунчаки сўраб қўя қолса ҳам майли, бугун соат учда академикнинг қабулига келсин, мабода келолмаса, сабабини манави номер бўйича телефонда айтсин, деди.

Диспетчер телефон номери ёзилган кафтдеккина қоғозни тавозе билан узатди...

“Эҳ, Султон оға!” — дея ичида чуқур уф тортди Назар.

* * *

Назар тушгача кўча айланиб, ҳориб-чарчаб уйига келганда Султон эшикнинг олдида гоҳ соатига, гоҳ ташқарига қараб, уни сабрсизлик билан кутмоқда эди.

— Хў-ўй, қаёқларда санқиб юрибсан? Мен бир соатдан бери йўлингга кўзим тўрт бўлиб тикилиб ўтирибман-а. Қани, кетдик...

У Назарнинг билагидан қисиб ушлади-да, пиллапоядан пастга қараб судрай кетди.

Академикнинг хонаси нари-бери жиҳозланган эди. Кичкина телевизор, совутгич, бигта китоб жавонию стол устида турган ҳар хил рангдаги уч-тўртта телефон — жиҳозларнинг бор-йўғи шулардан иборат эди. Академикнинг ўзи ҳали анча ёш, сочлари тимқора, чаққонгина одам экан. Назарнинг хаёлида, академиклар сочлари қордай опшоқ ёки ялтирбош, кўзойнакли бўлиши лозим эди.

Султон тўпша-тўғри унинг ёнига борди-да, рўпарадаги стулга ўтиргач:

— Мана, Пулат оға, боя айтган бола шу... Ўзим тарбиялаб, ундан яхши бир шоғирд чиқараман, деб ўйлагандим, лекин ўқишининг сал мазаси қочганга ўхшайди. Аҳволи эса, боя ўзингизга айтганимдай...

— Келинг, кираверинг, ўғлим, — деди академик, салом бергач, эшикнинг олдида иккиланиб тўхтаб турган Назарни қўли билан имлаб. Йигит ўзига яқинлашганда у ўрнидан туриб, қўлини узатди.

— Утиринг, марҳамат, қани, ҳаммасини бир бошидан гапиринг-чи. Мен Қорақалпоғистонда кўп марта бўлганман, кўплаб дўстлар орттирганман... демак, мени ҳамшаҳарим десангиз ҳам бўлаверадилар...

— Домла, мен кечки бўлимда ўқийтганим, кундузи эса қурилишда шофёр бўлиб ишладим. Султон оға билан танишганимдан кейин, Устюртга бориш нияти туғилгани рости. Лекин бу ёқда ўқиш, иш дегандек, бунинг устига, оилавий аҳволим ҳам бунга йўл бермай турибди.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа, яқинда...

— Яқинда фарзандли бўлди, Пўлат оға, — орага гап қўшди Султон. — Менам унга ҳозирнинг ўзида орқамдан юр, деяганим йўқ... Агар, ўқийдиган бўлсанг, тузукроқ ўқи... хоҳламасанг, ҳалол меҳнат қил, дедим.

— Сиз нима дейсиз, Султон, Тошкентни қайта қуриш — Устюртни “бурғулаш”дан муҳимроқ аҳамиятга эга эмасми?

— Йўғ-э, мен бундай деяганим йўқ, фақат болани тўғри йўлга солишимиз керак, — деди Султон сўзининг охирига ичига ютиб.

— Майли... Мен бир ўйлаб кўрай-чи... Умуман, бунақа ишларга ҳеч арашмаганман, фақат сенинг ҳурматинг учун, Султон, бир ҳаракат қилиб кўраман. Лекин, аввал шунга келишиб олайлик: Назар ўзи ҳақида бир-икки кун обдон бош қотириб кўрсин, оилавий аҳволини, ишини ўйласин. Мабодо, ишдан ажралмаган ҳолда ўқишнинг иложи топилса, келиб дарров менга хабар қилсин. Ана шундан кейин, балки институт билан гаплашиб кўрармиз... Хўш қалай, келишдикми, Назар?

— Ана, энди бу бошқа гап, — деди Султон ўрнидан туриб. — Бундан кейин, Назаржон, Пўлат оғанинг олдида тўппа-тўғри, ҳеч тортинмай киравер. Мен эртага кечкурун Нукуста учаман, яна қачон келаман Тошкентга, у ёғини худо билади.

Улар қабулхонадан чиққач, анча жойгача бир-бирига сўз қотишмай, пиёда юришди. Хайрлашув фурсати етганда, Султон унга экспедициянинг адресини берди-да:

— Натижасини хабар қилсан, сендан албатта, хат кугаман. Пўлат оға боя нима деган бўлса, ҳаммасига оғишмай амал қил, — деди.

— Султон оға, — деди Назар бир оз ўйлаб туриб, — Султон оға, балки Пўлат оғайиб катта одамни орага қўшмасак яхши бўлармиди... Бизда иккинчи курсдан бошлаб, ўша киши ёзган китоб асосида дарс ўтилади. Тагин менинг касримга қолиб, у кишининг ҳам обрўйи тўкилмаса тўғри эга.

— Сен бу томондан хотиржам бўлавер. У ҳозирги даражасига етганча, эҳ-ҳе, мингта чигириқдан ўтди. Унинг ёшлик даври шип-шийдам саҳрода, хуллас, бутун умри гоҳ ертўлада, гоҳ будкада кечди. Мана, атиги беш-олти йилдан бери чеккан ўша азобларининг роҳатини кўраётир. Гапимга ишонавер, вақти келиб, бутун Устюрт ўлкаси ўша одамдан миннатдор бўлади... Айтганча, эсим қурсин, келин қачон тўғруқхонадан чиқади? Балки, бутун-эрта жавоб беришса, қизалоқниям кўриб кетарман?..

— Қайдам? — деди Назар елкасини учуриб.

* * *

Назар уйига етгач, диван-каравотда узала тушиб ётган кўйи ўйланиб-ўйланиб, охири академикнинг олдида бормайман, деган қарорга келди. Балки, бу ҳақда Лолага маслаҳат солиб кўрса ҳам ёмон бўлмасди, лекин уям ҳали-бери тўғруқхонадан чиқадиган эмас. Докторларнинг айтишича, яна бир ҳафтача ётиши мумкин эмас. Айтгандай, Лоланинг кечаги хатида: “Гувоҳнома ошкелмадингми, отини Жамила қўйганинг яхши бўлибди”, деган сатрлар бор эди-я!

Қизига гувоҳнома олишни Гани билан аллақачон келишиб қўйгани ёдида. Ўша кунни Гани акаси: паспортингни олке, қанча харажат кетса, ҳаммасига мен тан, деган эди. “Бу нимаси, — хаёлидан ўтказди у, — аллақандай Устюртни, ўқишни деб, сал бўлмаса бола-чақани унутаёзибман-ку?”

У вақт анча кеч бўлишига қарамасдан Ғани акасиникига бормоқчи бўлиб, апил-тапил кийина бошлади.

Ғани акаси уни бу сафар бўсагада кутиб олди. Апоқ-чапоқ кучоқлашиб кўришиб, ҳамшағидек иззат-иқром билан йигитни ичкарига бошлади.

— Назаржон, узр, қадрдон дўстларимдан биттаси келган эди, ўша билан овора бўлиб... Мен, ҳозир, қизчамизнинг гувоҳномасини опчиқай, сал кутасиз-да, энди...

— Бемалол, — деди Назар.

Ғани ҳаял ўтмай гувоҳномани олиб чиқди-да, муқовасини кўрсатиб, “қалай, хурсандмисан?” дегандай, унга гердайиб қаради. Назар хужжатта синчиклаб разм солар экан, унда қайд қилинган отасининг исмига кўзи тушдию, аъзойи-бадани жимиллаб кетди. “Тўрабоева Жамила Назаровна, миллати — қорақалпоқ”. У кутилмаган яна бир янгиликдан ҳайратта тушди. “Қанақа одамман ўзи, шу пайтгача ўз кучоғимдаги жуфтиҳалолимнинг миллатига эътибор бермабман-а?” — хаёлидан ўтказди ажабланиб. У Лоланинг фамилиясидан кейин, “миллати — уйғур”, деган ёзувларни ўқиди-ю, бошини чайқаб, мийиғида бир кулиб қўйди.

— Ҳа, жа хаёл суриб қолдингиз, Назаржон? — деган Ғани акасининг саволи уни ўзига келтирди.

— Ҳеч нима, шунчаки ўзим... Ғани оға, менга қилган яхшилигингизни, нима десам экан, қандай ўтайман?

— Сизнинг мендан ҳеч бир қарз бўлган жойингиз йўқ, Назаржон, — деди Ғани елкасини қашиб, — ўртамизда эллик-олтмиш сўм ҳам юрмасинми? Бунақада мени хафа қилиб қўясиз, иним.

— Раҳмат ака, мен сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, — деди Назар ва кетишга тараддулланди.

— Назаржон, сиздан жиндеккина илтимосим бор эди, лекин ҳали ишга чиқмаган бўлсангиз керак, — деди Ғани йигитнинг кўзига синовчан тикилиб.

— Юмушингиз бўлса, эртагаёқ чиқавераман.

— Тергов-пергов деган гаплар ҳам тугади, сени ҳеч ким чақирмадимми?

— Йў-ўқ, ҳеч ким ҳеч нарсани сўраган ҳам эмас.

— Эртага анави манзилга бориб келмасанг бўлмайдиганга ўхшайди. Базага бориб, мени айтди десанг, материал юклаб беришади. Ушани тўппа-тўғри Рустамалининг уйига етказсанг, олам-гулистон. Йўл-йўлакай биззи участкага бурилмасанг ҳам бўлади...

— Хўп, майли, Ғани оға, — деди Назар ўнг қўлини кўксига қўйиб.

— Эртага қанча барвақт йўлга тушсанг, ўзинга шунча яхши, — деди Ғани ҳайрлашмоқ учун қўл узатаркан. — Хўп, майли, менга оқ йўл, иним. Маҳмуд Қошғарий деган бобомиз айтган экан: “Кўчқор бўлар қўзининг, пешонаси дўнг бўлар, оға бўлар йигитнинг, этак-енги кенг бўлар”. Бобомиз айтгандек, Назаржон, ҳали сендан умидим жуда катта, худо хоҳласа, бахтли бўп кетасан...

— Айтганингиз келсин, Ғани ака, — деди Назар ўпкаси тўлиб. У оғасининг хонадонидан боши осмонга етиб чиқди ва тўппа-тўғри Лоланинг олдида бориб, униям хурсанд қилди...

Лекин, азон маҳали, Тошкентдан чиқаверишда Назарнинг бўёқ юкланган машинасини ГАИ ходимлари тўхтатиб, ўзини ўша ердан тўппа-тўғри енгил машинада ОБХСС бўлимига опкетишди. Сўроқ-жавоб ишлари узоқ давом этмади. Фақат ундаги бор хужжатлар олиниб, аллақандай қоғозларни тўлдиришди-ю, Назар тагига имзо чеқди.

— Сизнинг маршрутингиз бизга аввалдан маълум, гражданин Тўрабоев. Айбингизни фақат ҳақиқатгина енгиллатиши мумкин... Давлат мулкига хиёнат қилганингиз учун қонун олдида жавоб берасиз, — деди капитан поғонидаги бир киши бурун паррақларини пирпиратиб.

... У, яккаю ягона деразасига темир панжара қоқилган хонада ётаркан, орадан бир кун ўтгач, зўрга ўзига келди. Йигитнинг хаёлидан нималар кечмади дейсиз? Дастлаб, жини суймайдиган онаси ёдига келди. “Онажон, мен қандай аҳволга тушиб қолдим?” — дея ичида ўксиб-ўксиб йиғлади... Кейин суйгани,

меҳрибон умр йўлдоши Лола кўз олдида гавдаланди, дийдори ҳали насиб этмаган қизалоғини қўмсади. Кеча кечқурун ортидан “оқ йўл” тилаб қолган Фани акасини элади. “Балки, менинг қўлга тушганимдан у беҳабардир, аке ҳолда, дарҳол келиб, опкетарди бу ердан?” дея ўзича умидвор бўлди. “Хўп, энди терговда нима дейман?” — унинг бошидан ҳушини учуриб, хаёлини қирқ бўлган энг қийин савол шу эди. У, бундан бу ёғига тақдирида неки юз бермасин, онасини ва меҳрибон Лоласини нечоғлик эсламасин, улардан бирор мадад келмаслигини биларди. Энди яккаю ягона умиди фақат Фанидан эди...

Назар чалқанча ётган кўйи Фани айтган сўзларини бирма-бир хотирлай бошлади... “Нимаики содир бўлмасин, зинҳор-базинҳор терговга мени қўша кўрма”, деб ялинган эди Фани акаси. “Қизиқ, агар уни айтмасам, ким қўлга тушади? Базадан материал берган ҳам, у ҳолда Назарнинг ўзи бўп чиқади-ми?!” Йў-ўқ, бунақаси кетмайди! Унинг теша сочи тикка бўлди... аммо, Фанининг қилган яхшиликлари, кўрсатган меҳрибонлигию ғамхўрликлари-чи? Унинг сўнги марта берган уч минг сўми эсига тушди-ю, ичида: “Бу одамнинг яхшилигига: мен ҳам яхшилик билан жавоб қайтаришим лозим-ку?” деган хаёлга борди... Хуллас, у эрталабгача аниқ бир фикрга келолмай, ўйлари бешбаттар чувалашиб кетди.

* * *

Геология факультети деканининг телефони устма-уст жиринглаб, мажлисга халақит бермоқда эди. Аппарат яна жиринглади. Маъруза қилаётган декан телефон аппаратиغا хушламайгина назар ташлади-да, трубкани асабий кўтарди...

— Эшитаман, декан...

— Академик Хўжаев сиз билан гаплашмоқчи, — трубкадан аллақандай аёлнинг жарангдор овози эшитилди.

— Академик Хўжаев?! — У атрофига олазарак қараб, галстугини тўғрилаган бўлди. — Марҳамат, қулоғимиз ҳурматли устозда...

Аввало, декан қўлини кўксига қўйиб, узоқ саломлашди. Бир қарашда, у атоқли олим билан телефонда эмас, гўё юзма-юз туриб гаплашаётгандек эди.

— Лаббай, устоз, биз шогирдларингиз мажлис-нажлисни йиғиштириб, хизматингизга тайёрмиз...

— Э-ҳа, унақа бўлса, безовта қилганим учун узр. Балки, сал туриб телефон қиларман?.. — деди Хўжаев самимий оҳангда.

— Ҳечқиси йўқ, домла, ҳечқиси йўқ. Бу ерда йиғилган барча шогирдларингиз овозингизни эшитиб, бизни унутмаганингизга беҳад севиингизга-ю, сиз бўлсангиз, ҳатто гаплашганингиз ҳам келмайди. Биз мажлисни истаган пайтда давом эттираверишимиз мумкин, лекин, домла, сизнинг овозингизни истаган пайтда эшитолмаймиз-ку? — Декан шундай деди-да, шимининг чўнтагидан дастрўмолини олиб, жиққа тер босган манглайини артди.

— У ҳолда, дўстим, сиздан бир ўқувчингиз хусусида сўрамоқчи эдим: ўзи қорақалпоғистонлик, фамилияси — Тўрабоев, исми — Назар, иккинчи ё учинчи курсда ўқиса керак...

Декан ён-верига аланглаб қараб олди-да, сўнг трубкага энгашиб: — Ҳозир, домла, ҳозир, бир минут... Менинг эсимга туша қолмаяпти, ҳозир, ўринбосарлардан сўрай-чи. — У трубканинг оғзини кафти билан бекитиб:

— Қани, тезроқ бўлинг, кимнинг группасида қорақалпоғистонлик Тўрабоев Назар деган студент ўқийди? Иккинчи ёки учинчи курсда бўлиши керак?.. Академик Пўлат Хўжаевичнинг шахсан ўзи сўраяпти...

Факультетнинг кечки бўлими бўйича декан ўринбосари жойидан ирғиб туриб:

— У, анави, ўзининг зачёткасига ўзи қўл қўйган бола. Учунчи курсга ўтмай, иккинчи курсда қолган, лекин ҳужжатларини ҳали опкетгани йўқ... Бундан ректоратнинг ҳам хабари бор.

Декан трубкадан кафтини олиб ва икки букилгудек унга энгашиб:

— Алло, устоз, у бола кечки бўлимда ўқиган экан. Аммо, ҳозир, кетган дейишяпти...

— Қаёққа кетади? — сўради академик.

Декан боя жойидан турган ўринбосарига бурилиб, академикнинг саволини такрорлаган эди, у “мен қаёқдан билай?” дегандек, елкасини қисиб, қўллари икки ёнига ёзди.

— Бундан бизнинг хабаримиз йўқ экан, устоз, — деди декан, манглайининг терини яна дастрўмоли билан сидираркан. — Кечирасиз-у, у бола сизни нега қизиқтираётганини билмай турибмиз. У сизга таниш-паниш эмасми, ишқилиб?

— Мен у студентни сиздан яхшироқ билмайман. Лекин амалий геологияда сергайрат, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланадиган кишилардангина биз кутган натижа чиқишини биламан. Фақат ана шундай фидойи одамларгина ер қаърида нима борлигини аниқлай олади. Сиз бўлсангиз, қазилма бойликлар билан эмас, балки келажақда ўша қазилма бойликларни қидириб топиши лозим бўлган ёш кадрлар билан ишламоқдасиз. Қизиги шундаки, сиз уларнинг, яъни бўлажак ёш кадрларнинг бир-биридан фарқли томонларини ҳам ҳанузгача ажратолмабсиз. Гапнинг қисқаси, эртага соат ропша-роса ўн иккида, ўша Тўрабоев хусусида менга хабар қилинг... Эшитишимча, у яхши йигитга ўхшайди, яхши одамнинг ўқиши ҳам яхши бўлиши керак, деб ўйлайман...

— Гапнинг тўша-тўғри, устоз, — деди декан қовоғини осилтириб. — Энди, бизга нима маслаҳат берасиз?

— Бола билан ўзингиз гаплашиб кўринг... Бундан ташқари, Устюрт хусусида аввал рад этилган илмий хулосаларни ҳам яна бир бор яхшилаб ўйланг. Фикрингизни, боя келишганимиздек, эртага соат ўн иккида айтасиз. Хўп, саломат бўлинг...

Декан кўлидаги ду-дулаётган трубкага эсини йўқотганнамо алфозда бир фурсат тикилиб турди-да, сўнг секин жойига қўйиб, бошини қашиди.

— Бу, Тўрабоев деган бола, аввал кундузи ўқирди, сўнг ўз ихтиёри билан ариза бериб, кечки бўлимга ўтган, — деди декан ўринбосари шартга ўрнидан туриб.

— Ўтиринг! — уни жеркиб берди декан қовоғидан қор ёғилиб. — Сизнинг айбингиз сабаб, ҳурматли устозни пича хафа қилганга ўхшаймиз. Ҳарҳолда, яхши иш бўлмади... Сиз мажлисдан озодсиз, ҳозирнинг ўзида шу боланинг ҳужжатларини шу ерга опкеласиз. Яна, гапимга қулоқ солинг, унинг ўзини ҳам бутун кечгача ернинг тагидан бўлсаям топасиз, тушундингизми? Айтганча, у боланинг қаерда ишлашини биласизми ўзи?

Ўринбосар “билмайман” дегандай, яна елкасини қисди. Декан унга еб қўйгудек ўқрайиб қараб:

— Боринг, сиз билан кейин алоҳида гаплашамиз, — деди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Лолани туғруқхонадан опкетишга Назар эмас, балки етти ухлаб тушига кирмаган бегона одамнинг келиши унинг капалагини тамом учуриб юборди.

— Назар қаерда? — сўради Лола энка-тинкаси чиқиб.

— Назар бор, соппа-соғ, хизмат сафарида бир оз ушланиб қолгани сабабли мени юборди, — деди Гани унга тасалли беришга уриниб.

— Сиз кимсиз?

— Мен у билан бирга ишлайман. Назар сиздан хабар олишни менга тайинлаб кетганди, — деди Гани хиёл иккиланиб. Унинг сирли жавоби ҳали бели қотмаган жувонни багтар эсанкиратиб қўйди.

— Сиз бор гапни мендан яширмай айтаверинг, Назарга нима бўлди? — дея қайта-қайта, то уйларига етгунча сўраб борди Лола. Улар уйга етиб келганларидан сўнг ҳамма гап аён бўлиб, “сир” очилди. Ганининг айтишига қараганда, Назар аллақандай олиб-сотарлар билан алоқа ўрнатиб, қурилиш материалларини “четга пуллаган” ва шу яқин орада, уч минг сўмча “ишлаган” экан.

— Нима деяпсиз, ўзи қарздан бошимиз чиқмай, зўрға рўзғор тебратиб ўтирибмиз-ку? — деди Лола ишонқирамай. — Балки ёлғондир бу?

— Сиз менга ишонаверинг, — деди Ғани жўрттага кўзига ёш олиб, — агар Назаржон сизга эр бўлса, менинг қадрдон иним эди, бундан икки кун аввал уйга бориб, ёшулли, мана, менинг икки кунда топганим — уч минг, деб, ҳатто қандайдир бир тугунчакни кўрсатганди. Оқибат шу бўлдики, бола бечора кеча азон маҳали жиноят устида қўлга тушибди... Энди бизларниям терговга чақираётир...

Ғанининг хўнграб йиғлашига қараб туриб, Лола: “Бу одамни-ку, биринчи марта кўришим, агар ростдан ҳам Назарга қадрдон ака бўлса, нега илгари учрашмаганмиз?” дея хаёлидан ўтказди-ю, ўзининг ҳам бирдан кўнгли бўшаб, дастрўмолини кўзига босди...

Ғани, гўё жувонни юпатишнинг иложини тополмаётгандай, ора-сирада томоғини қириб, ўзига таниш тугунчак тахминан қаерда туришини чамалаб, хонага ўгринча кўз югуртириб чиқди. “Хув ана, буфетнинг ойнасидан бир учи кўриниб турипти. Бола пақир чиндан ҳам содда экан-ку, уволига қолмасам гўрга эди”, дея кўнглидан ўтказди у. “Ҳеч курса мунча пулни тузукроқ жойга бекитсанг бўлмасмиди, нодон?”

У бошини силкитиб, гўё хаёлига келган ўйларни ҳайдаган бўлди-да, Лоланинг елкасига оҳиста қоқди.

— Кўйинг, келин, худо хоҳласа, ҳеч гап бўлмас, — деди у Лолани юпатиб, — қанча йиғлаб-сиқтаганимиз билан Назарга тариқча нафи тегмайди, ундан кўра, болани фалокатдан қутқариш йўлини ўйлайлик.

Лола йиғисини зўрга босиб, бошини кўтарди.

— Қандай қутқарамиз? — сўради у, овози тиграб,

— Кечаги тугунчакнинг бир учи, хув ана, кўриниб турибди. Ўшани терговчига обориб берасиз. Назар учун пулни аяшнинг вақти эмас ҳозир, танжони соғ бўлса, йигит кишига мол-дунё топилади. Агар буни оз деса, менга хабар қиласиз, камини ўзим тўғрилайман...

Лола Назарнинг саховатманд ошнасига чин юракдан миннатдорчилик билдирди. У, шу топда, Назар учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

— Унинг қаерда ётганини ва ким сўроқ қилаётганини қандай аниқлаймиз?

— Мен тушдан кейин ҳаммасини билиб келаман. Унгача чақалоққа қараб турадиган биронта қўшнини топиб кўйинг. Мен машина опкеламан, бир соатда гизиллаб бориб келамиз...

— Раҳмат сизга, барака топинг, — деди Лола кўзларига ёш қалқиб.

... Лола Ғанининг қистови билан тугунчакни сумкасига жойлади-ю, район ички ишлар бўлимига кириб, капитан Қўлдошевни сўради. У иккинчи қаватга кўтарилиши билан, айтилган хонанинг рўпарасидан чиқди.

— Ассалому алайкум, — деди у эшикни қия очиб. — Мумкинми?

— Келинг, келинг, синглим, — деб уни ичкарига таклиф қилди капитан.

— Менга Қўлдошев керак эди...

— Марҳамат, хизматингизга тайёрман...

— Оға, мен ҳозир тўппа-тўғри роддомдан чиқиб келяпман, қизчамни қўшниларга ташлаб... — Лола гапини охиригача тугатолмай, йиғлаб юборди.

— Кўйинг, синглим, кўйинг, йиғламанг... Сизга нима бўлди? Биздан қанақа ёрдам керак?

— Менинг эрим шофёр эди, қамаб кўйибсиз...

— Фамилияси ким?

— Тўрабоев...

— Ҳм, а-ҳа, ўшамми? У машинасида қурилиш материалларини ўғирлаб бораётган жойида қўлга тушди, ҳозир тергов берапти...

— У ўғри эмас, у яхши одам, Қўлдошев оға, у — менинг эрим...

— Тўрабоев сизнинг эрингиз бўлгани учунгина яхши одам, деган хулоса келиб чиқмайди, синглим... Сиз Назарга ёрдам бериб, жазосини енгиллатгингиз келса, менинг саволларимга тўғри жавоб қилсангиз бўлди...

— Ёрдам ҳам бераман, саволларингизга жавоб ҳам қайтараман... — Капитан жувоннинг ўқтамлигидан ичида суюниб, савол-жавобга ўтди.

— Сиз Назар билан қачон турмуш қургансиз?

— Бир йилча бўп қолди.

- Уни қачондан бери биласиз?
- Икки йилдан бери...
- Демак, аввал учрашмагансиз?
- Йўқ...
- Икковингизнинг мойангизни кўшиб ҳисоблаганда, ойига ўртача қанчадан тўғри келади?
- Тўрт юз сўмга бориб қолар, менимча?
- Турмуш қурганингиздан буён Назар ойлигидан ташқари уйга бирор марта пул олиб келганми?
- Опкелган эмас, лекин омонат дафтарчасида минг сўмга яқин пули бор эди. Менинг омонат дафтарчамда ҳам икки мингдан сал кўпроқ пул йиғилиб қолганди...
- Унинг ишдан кечикканини ёки бемаврид бирон ёққа бориб келдим, деганини эшитганмисиз?
- Йўқ...
- Унинг қариндош-уруғлари ёки бирга ишлайдиган оғайниларида кимларни танийсиз?

Лола бу саволга иккиланиб қолди. Бир оз ўйланиб тургач:

— Мен унинг қариндош-уруғларини кўрган эмасман, фақат бир марта овулидан аллақандай йигит билан кекса киши меҳмонга келганди... Кейин... туғруқхонада ётганимда, оти эсимда йўқ, қандайдир овулдоши гул бериб юборибди. Бугун Назар билан ишлайдиган одам туғруқхонага бориб, уйимга опкелди... — деди.

— Сизни туғруқхонадан опкелган одамнинг отини биласизми?

— Кечирасиз, отини сўраш эсимга келмабди. Ахир, бу аҳволда... Қўлдошев оға, илтимос, Назарни бўшатсангиз, у ҳали қизининг дийдорини кўргани йўқ... Тўнгич фарзанди, ахир. Манави... менинг бор топганим шу... — Лола титроқ овозда шундай деди-да, сумкасидан тутунчакни олиб, столнинг устига қўйди.

— Бу нима? — сўради Қўлдошев ҳадиксираб.

— Уч минг... агар кам десангиз, яна опкеб бераман. Фақат Назарни озод қилсангиз бўлди... Сиз ишонинг, Назарда айб йўқ. унинг қўлидан ўғрилиқ келмайди.

Қўлдошев шоша-пиша трубкани кўтариб, аллақимга кўнғироқ қилди-да:

— Иккита гувоҳ олиб келинг! — деб буюрди сафроси қайнаб.

Лола капитаннинг ғазабнок сўзлари эътибор ҳам бермай, ҳадеб ялинмоқда эди.

— Ҳозир, синглим, ҳозир масалани ҳал қиламиз, бир минут сабр қилинг, — деди капитан, хонага гувоҳлар кириб келганда сал-пал ўзини босиб. — Манави гражданин Тўрабоевнинг рафиқаси, — деди Қўлдошев Лолага ишора қилиб. — У хизмат вақтимда менга пора бериб, эвазига эрини бўшатишимни талаб қилмоқда. Гувоҳлар пулни санасин, сиз эса протоколлаштиринг, — деди капитан гувоҳларни опкелган ходимга.

Лола ўзининг қопқонга тушганини ҳамон англаб етмаган эди. Лекин, шу билан бирга, ҳақиқатнинг юзига оёқ ҳам қўя олмасди.

— Бу пуллар кимники? — сўради ҳалиги ходим.

— Меники, яъни эримники... — деди Лола ажабланиб ва бу саволдан андак ранжиб.

— Сиз кўвингизни бўшатиш учун пора бермоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, шундай. Менга мана шу пулларни капитанга обориб берсанг, Назарни бўшатиб юборадилар, дейишди.

— Ким айтди, бўшатади деб?

— Назар билан бирга ишлайдиган одам.

— Исми, фамилияси?

— У ёғини билмайман. Ўзини бугун биринчи марта кўришим...

— Агар кўрсангиз, уни танийсизми?

— Таниш ҳам гапми, ўзи машинасида мени шу ерга опкелди. Капитан Қўлдошевни топиб, ҳеч ким йўғида манавини шахсан унга топшир, деди...

Қўлдошев протоколга ёзилаётган савол-жавобларга қулоғини динг қилиб

Ўтираркан, ходимига: — Сиз фақат жиноятчига дахлдор фактларнигина протоколга туширинг, — дея танбеҳ берди. Бу орада гувоҳлар пулни санаб бўлиб, Қўлдошев узатган қоғозга имзо чекишди-да, кабинетдан чиқиб кетишди.

— Энди сиз бўйсиз, айбсиз одамни биз кўп ушлаб турмаймиз, — деди Қулдошев Лолага қараб, тугунчак билан протоколни пўлат сандиққа соларкан. — Боринг, кечиксангиз болангиз йиғлаб қолиши мумкин...

Лола кўчага чиққанда боя уни кутиб тураман, деб ваъда берган Фанидан ҳам, машинадан ҳам дарак йўқ эди...

* * *

— Алло! Академик Хўжаевнинг қабулхонасими? Устоз бугун соат ўн иккида кўнғироқ қилинг, деган эди. Илтимос, геология факультетидан сўраяпти, десангиз?

Декан узоқ кутмади, котиба уни дарҳол академикка улаб берди.

— Ассалому алайкум, устоз! Кечаги топширигингиз бўйича безовта қилаяпганим...

— Хўш, қалай, иш ҳал бўлдими?

— Студент Тўрабоевнинг хулқ-атвори яхши, автобазада шофёр бўлиб ишлаётган экан. Директори билан гаплашдим, планни ошиғи билан бажараётир, деди. Аммо, ўқишда қарзлари кўпайиб кетиб, қайсидир ўқитувчининг имзосини зачёткасига ўзи қўйиб олгани сабабли, ректорнинг буйруғига биноан, иккинчи курсдан ҳайдалган... У ҳақда курсдошлариям ёмон фикрда эмас. Энди, бу масалага сиз аралашганингиздан кейин яна ректорат билан гаплашдик. Ректорат студент Тўрабоев билан қайта суҳбат ўтказиш ва келаси йилдан бошлаб иккинчи курсга қабул қилишга рухсат берди...

— Тўхтанг, тўхтанг... анави зачетка масаласини яна такрорланг, — деди академик. Чамаси у гапнинг шу жойини яхши тушунмаган эди.

Декан юқоридаги сўзларини шовилмасдан такрорлади. Гапининг сўнггида, бундан бугунга болага шахсан ўзи гамхўрлик қилиши ҳамда у ҳақда академикка тез-тез хабар бериб туришга ваъда берди.

— Сиз менга хабар бериб туришингиз шарт эмас. Бунинг ўрнига, имзосини ҳар ким ўзича қўйиб олаверадиган ўқитувчилар билан тез-тез суҳбатлашсангиз, чакки бўлмасди балки? Бу масалага аралашганим учун узр. Энди, Тўрабоевнинг ишини ўз билганингизча ҳал қилаверинг. Ўртада мени йўқ деб ҳисобланг, келишдикми?

— Устоз...

— Хайр, саломат бўлинг!..

* * *

Кундан-кунга калаванинг учи чуваланиб бораётганидан Назар беҳабар эди. Ёлғиз ўзи торгина хонада ётиб, ҳадеб изтироб чекаверганидан ранг-рўйи саргайиб, уч кун ичида ўзини анча олдириб қўйганди. Ташқаридан бирон киши билан гаплашишга рухсат йўқ, ҳар кун кўрадигани — узун нимқоронғи даҳлизу соқчилар... Лоланинг кўзидан ёши шўрғалаб, ҳеч курса дийдорини бир кўрсатинглар, агар тирик бўлса, икки оғиз гаплашай, деб ялиниб-ёлворишлари ҳам инобатга олинмади. “То тергов тутамангунча, жиноятчи билан сўзлашишга рухсат берилмайди”, деди Қўлдошев Лолага. Назар мабодо хотинининг ҳар кун орақасидан келиб, терговчининг эшиги тагида мўлғайиб ўғиршидан ёки Чимкентга телеграмма юбориб, қизига қараб туриш учун онасини чақирганидан, ҳеч бўлмаса, Фани қўйган тузоққа осонгина илинганидан хабар топганида эди, албатта терговчининг саволларига бошқача жавоб берган бўлур эди...

Ўтган уч кун мобайнида ички ишлар бўлими унинг иш жойидан ҳам, ўқиган институтидан ҳам маълумот олишга улгурди. Автобазадан у тўғрисида, ишдан бўйин товлайдиган одати йўқ, планларни ҳаминша ошиғи билан бажаради, деган мазмунда тавсифнома берилди. Геология факультетининг декани эса, академик Хўжаевга берган ваъдасига кўра, унинг ўқишини қайта тик-

лаш ҳақида чиқарилган буйруқ лойиҳасини терговчига кўрсатди-ю, лекин Назарнинг ўзини шахсан танимаслиги сабабли у ҳақда аниқ бир гап айтишни лозим топмади. Аммо, бу қорақалпоқнинг академикка алоқадор томони бўлса, орқасидан бирор чатоғи чиқиб юрмасин тагин, деган истиҳолага бориб, “боланинг ўз ихтиёри билан қурилишда ишлашга биринчилар қатори ариза берганига ҳамда ўқишини кечкига ўтказганига қараганда, у “эл бошига иш тушса, этик ечмай сув кечадиган азамат бўлса керак”, деган гапни ҳар эҳтимолга қарши сўзининг охирида қистириб ўтди.

Назар тергов пайтида, Фанига берган ваъдаси бўйича уни жиноятга қўшмай, ҳамма айбни ўз бўйнига олиш даражасигача етган эди. У ваъдасида қаттиқ турди-ю, лекин ёлгон кўрсатмалари тергов ишларини баттар чалкаштириб юборди. Назар сабабли қурилиш маҳкамасининг материал таъминоти бўлими тўла тафғишдан ўтказилиши лозим бўлиб қолди... Прокуратура Назарни қамоққа олиш тўғрисида берган санкцияси лойиҳасини қайта кўриб чиқиш ҳақида бошқадан қарор қабул қилди: сабаби, у жиноятни тўла бўйнига олиб турса-да, айбдорнинг фақат бир киши эканлигини лойиҳадаги далиллар тасдиқламасди...

Аммо, то жиноят очилмагунча, уни ҳибсдан бўшатишмади.

Лолани машинада ички ишлар бўлимига ташлаб, сўнг дом-дараксиз кетган Фани, орадан бир ҳафта ўтгач, яна унинг уйига кириб келди. Бу одамнинг яна нима мақсадда ва қайси юз билан Лоланинг бўсағасига қадам қўйгани номаълум эди. Лола Назарнинг бошига иш тушганда ёрдамчини аямагани сабабли ундан тоҳ хурсанд бўлса, гоҳида Кўлдошевга пора беришга тезлаб, унияж жиноятга тортганини эсларди-ю, кўнглига алланечук хавотир қўланка ташларди.

Фани шошилмасдан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, Назарнинг ҳолидан хабар олишга келганини маълум қилди.

— Назарга жонингиз ачиётган бўлса, нега ўша куни мени анавиларга ташлаб, ўзингиз қочиб қолдингиз? — деди Лола оғзига келган гапни қайтармай.

— Э-э-э, чироғим-эй, ҳали кўп нарсалардан беҳабарга ўхшайсан. Сен ичкарига кириб кетганингдан кейин мениям машина-пашинам билан таппа босиб, бошқа ёққа опкетишди-ю, роса сўроққа тутишди. Сўрагани: Назарни қачондан бери биласан? У киминг бўлади? Хуллас, роса бошимни қотиришди. Мен Назар иккимиз худди бир қориндан талашиб тушган оға-инилардек иноқ эканимизни яширмай айтдим... Илоё, тирик бандасини терговга дучор қилмасин экан, ўша куни пешиндан то қоронғу тушгунгача ушлаб туриб, роса пўстагимни қоқди. Қўйворишгандан сўнг қайтиб борсам, сен аллақачон кетиб қопсан, — деб, Фани ёлгонни шунақанги тизиб ташладики, унинг сўзларига Лола қарийб ишонди. Кампир невараси билан бўлиб, орага гап қўшмади.

— Сиз айтган Кўлдошевга тугунчакни обориб берганим жуда ёмон бўлди. Эрини кутқариш учун пора опкелди, деб гувоҳлар қақаришди. Пулни санаб кўришди. Бировга хизмат вақтида пора бериш оғир жиноят, ҳозир эмизикли болангиз бўлгани учунгина бўшатиб юборамиз, акс ҳолда, эрингизга қўшиб сизниям қамашимиз керак эди, деб тушунтириш хати ёздириб олишди-да, кейин базўр қўйиб юборишди. Мен кетган пулга ачинаётганим йўқ, чунки ҳаром пул ёққанга ёқади, ёқмаганга ёқмайди. Бизлар фақат ҳалол меҳнат эвазига яшаётганимиз сабабли, ўзимам ғойибдан тушган ўлжадан шубҳалангандим. Мана, оқибати худди ўйлаганимдай бўлиб чиқди... лекин, Назарнинг ҳоли нима кечди, унинг келажаги энди нима бўлади, деган фикрлар тунда уйқу бермайди.

Лола ички сирларини шу тахлит баён қилар экан, Фанининг юзига бот-бот зимдан разм солар, лекин унинг қиёфасида ўзига ачиниш ёки ҳамдардлик нишонасини сезмасди. Унинг бир нуқтага маъносиз тикилган кўзларида ўзгалар тақдирига бепарволикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Лоланинг ҳаёлига, ўзим унча яхши билмайдиган одамга нималар деб валдираяшман ўзи, бунинг устига, шу пайтгача исминиям сўрамаганим тоза уят бўлибди-да, деган ўй келди-ю, бирдан сергак тортди.

— Кечирасиз, — деди Лола ўнгайсизланиб, — исми шарифингизни сўрашни нутибман. Тунов куни Кўлдошевнинг олдида ҳам анча мулзам бўп қолдим.

- Қўлдошев нималарни сўради?
- Мени ким юборганини сўради...
- Сиз нима дедингиз?
- Сизнинг отингизни билмаслигимни айтдим...

— Менинг исмим Фани, Назар яхши билади, анчадан бери бориш-келиш қиламиз, — деди Фани чуқур хўрсиниб. — Мен ўша кунги ишнинг натижасини билишга келгандим, анави... камлик қилмадимикин, деган хаёлга бориб, яна озиқ-овлоқ опкелгандим... Демак, энди масала анча мураккаблашибди, — дея Фани бошини сарак-сарак қиларкан, сўзида давом этди: — Мен бола бечорага талай марта эҳтиёт бўл, одамнинг кетида одам бор дейишди, мабодо қўлга тушиб қолсанг, бу ишнинг яхшиликка олиб бормайди, деб тайинлагандим. Айтганимни қилмади, мана энди, оқибати нима бўлди? Назаржоннинг пулга ўчилиги, бориб-бориб бошига етмаса деб кўрқаман. Ахир, “дунё қувсанг, дунёдан қандай ўтганингни билмай қоласан”, деган экан ота-боболаримиз. Ҳай аттанг, аттанг...

Лола кийфасидан меҳр ва саховат ёғилиб турган бу одамдан тасалли кутган эди. Шу сабабли, “кўпни кўрган одам-ку, агар харажатдан қўли калталик қилса, насиҳат билан фойдаси тегиб қолиши мумкин-ку?” деган хаёлга борди.

— Энди нима қиламиз, Фани оға? — деб сўради Лола.

Фани чуқур ўйга ботган кишига ўхшаб, бир нуқтага тикилган кўйи миқ этмади.

— Буни яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак, келин, — деди у бир замонлардан кейин тилга кириб. — Балки, томир-туғишганларингиз билан маслаҳатлашиб олсаларингиз, бирон чораси топилар... Мен ҳалиги тутунчакни Қўлдошевга етказ, деганимда, Назарнинг қутулиб чиқишига балки ёрдами тегар, деб умид қилгандим. Анчайин, тўғри келган одамдан атиги беш сўм унсаям хурсанд бўладиган бу нокасинг, бирдан тўнини тескари кийиб олишини қаёқдан билибман?

Фани, самимий гапиришга нечоғлик уринмасин, ичидаги дардини ошқора айтолмасди. Унинг асосий мақсади, тергов тутагунча бир амаллаб Лолани узоқроқ жойга “яшириш” эди. Агар, у уч-тўрт ой ота юртига кетса, гувоҳ сифатида терговга қатнашолмайди ҳамда пора берганидан кўрқиб, бу ердан қочиб кетган ҳисобланади. Назарнинг жинояти янада оғирлашиб, қора курсига унинг ёлғиз ўзи ўтириши аниқ бўлиб қолади. “Рустамалини-ку, орқасидан кетини узмай қатнайвериб, Назардан бошқани билмайман, ҳамма нарсани ундан олганман, дейишга кўндиргунимча ўлиб бўлдим, — дея хаёлидан ўтказди Фани. — Назар бўлса, айбнинг ҳаммаси менда деб турибди, демак, ўзимга гард ҳам юкмайди”. У шуларни ўйлар экан, гапни аста бошқа томонга бура бошлади:

— Келин, сизга қандай тушунтирсам экан, Назар билан орамиздан қил ўтмаса-да, бари бир унга сиздан яқинроқ бўлолмайман. Болани бу йўлдан қайтаришга нечоғлик уринмай, қанча насиҳат қилмай, гапимни қулоғига олмади. Уни кутқариш йўлида қилган барча ҳаракатларимиз эса, афсуски, зое кетди. Терговчиларга уй манзилингиз аниқ, шунинг учун, ҳозирча, сиз уларнинг кўзига кўринмай турсангиз қалай бўларкин?

— Кўринсам нима бўпти?

— Кўринсангиз, аввал Назарни фақат ўғирлик қилишда айблаётган бўлса, энди бунинг устига пора берганиям кўпилади. Агар сизни топишолмаса-чи, у ҳолда, Назар “мен ҳеч кимга ҳеч нарса берганим йўқ, буларнинг ҳаммаси тўхмат”, деб жазосини анча енгиллатиб олиши мумкин...

Ганининг куйиниб гапириши Лолани яна ўйлангириб қўйди. Унинг боши қоғиб, бир тўхтамга келолмай турганини сезган Фани далилларни устма-уст қалаштириб ташлади.

— Пора бериш, умуман порахўрлик жуда оғир жиноят саналади, баъзан ҳукумат порахўрни одам ўлдиргандан баттарроқ жазолайди. Тўғри, манави норасиданг борлиги учун сенинг жазо муддатингни бир оз камайитириши ҳам мумкин, бироқ судга тушдинг — ўтга тушдинг, деган гап бор. Қонунга бир илдиндигми, ундан осонликча қутуламан деб ўйлама... Етти ёт бегонани деб, ёшгина бошингни, гўдагингни, қолаверса, ғариб онангни ташлаб кетишга қандай кўзинг қияди?..

Лола бошини қуйи солганча, оғзига мум тишлагандек, миқ этмай Фанининг гапини тингламоқда эди. Гап шу ерга етганда, боядан бери орага сўз қўшмай неварасини юпатиш билан куймаланаётган кампирнинг кулоғи бирдан динг бўлди.

— Чироғим, бу айтаётганларинг ҳали қизимгаям тегишлими? Дунёга келиб, шўрлик қизим нима кўрди? Анавиниси-ку, илоё у дунёда ҳам бахтинг очилмагур, қизимни бахти қора қилиб, ўзи ўлди-кетди. Энди бунисиям Лолажонимнинг оёғига осилиб, уни яна куйдирмоқчимми? — Кампир кимга гапираётганини билиб бўлмасди. Тақдирдан нолияпгимми ё Фанига ўз ички дардларини тўкиб солаяпгимми, хуллас, унинг дийдиёши худди ҳавога айтилаётгандек номаълум эди. Кампирнинг қаттиқ шангиллашидан эндигина кўзи илинган норасида чўчиб уйғонди. Сўнг у заҳрини қизига соча бошлади:

— Сен жувонмарг, вақтида айтганимга кўнмай, севган йигитим бор, одам ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши керак, деб, энди орттирган касофатинг шуми? Муҳаббат, муҳаббат, деб жишанглайвериб-ку, аввалги эринг ўлиб қутулди, буниси бўлса, энди турмага тушиб қутулади... Ҳамма бало ўзингдан, жа эрсираб бораётган бўлсанг, олди-ортинга қараб, аввал синаб-нетиб кўр эди... воҳ, бахти қора болагинам-эй...

Фани кампир индамай ўтирса-да, ичи ҳасратга тўла эканини сезгач, ундан ўз мақсадини амалга оширишда фойдалангиси келди:

— Тўғри айтасиз, опа, ҳозирги ёшларни тушуниш қийин. Менингам тўнғич қизим, шу келиндан жуда нари борса, уч-тўрт ёш кичикдир... Мактабни тамомлаганигаям икки йилча бўлди, совчилар кунора келавериб, тоза тинкамни қурибди. Онаси орқали қизимга шипшитсам, боя сиз айтгандай, “Армияда йигитим бор, шуни кутаман” дан бошқа гапни билмайди. Тавба, ҳарбийда йигитинг бўлса, ҳар кун кинода пишириб қўйибдимми? Йўқ, бу ёшлар ҳаддидан ошиб кетди... Биз бўлсак, уларни ҳали бола кўриб, эркалатгимиз келади, бундай эркалитгимиз қуриб кетсин.

— Бизам Лолахонни ўғил ўрнида кўриб, еру кўкка ишонмай ўстирган ёлғиз фарзандимиз эди. Қиз болани кўп эркалайверсанг ҳам бўлмас экан, мана, энди азобини торгашмиз. Тангиқ ўсган қиз бўй етса, тўғри келган одамнинг эрмаги бўлиб кетаверар экан, чироғим-ей, яна қайси бир қилиғини айтгай, бу жувонмаргнинг...

— Опа, ундай деданг. Назар куёвингиз у қадар ёмон йигит эмасди-ёв, — деб гап бошлади Фани Лолани бирдан чўчитиб қўймаслик учун. — Бироқ, яхши деган одамдан ҳам ҳаминша бирдек ёруелик чиқавермаскан. Ахир, одамнинг олasi ичида, дейишади машойихлар...

Лола ёши улуғ кишиларнинг ҳангомасини эшитиш ўзига наф келтиришини билса-да, уларнинг нимага шама қилаётганига тушунмасди. Охири, аччиқ-тиззиқ гаплардан тоқати тоқ бўлиб, “шундоғам куйиб кул бўлган бағримни мунча ўргамасанг”, дегандай, онасига кўзини олайтириб қараб қўйди. Фанига худди шу нарсга керак эди. У Лоланинг нима демоқчилигини зимдан кузатиб, билиб олди.

— Опанинг аччиқ гапларига унча куйиб-пишаверманг, келин... Нима бўлса-ям, у киши она, унинг учун дунёда сиздан яхшироқ ва сиздан азизроқ одам йўқ. Қанча қарганса-да, бари бир, она кўксига доимо ўз фарзандига улкан меҳр-муҳаббат бўлади. Опанинг айтишича, аввалги куёвингиз қадрингизга етмаган, менинг фикримча, Назар ҳам ундан қолишадиган бола эмас. Дунёни сув босса ўрдакка не ғам, дегандай, худо кўрсатмасин, агар бир гап бўлгудек бўлса, унга бари бир эмасми? Икки ўртада сизга қийин, тирик етимни кучоқлаб, ер мушглаб қолаверасиз...

— Бунга ер мушглатиб қўядиган аҳмоқ йўқ, — деди ҳалигача аччиғини босолмаган кампир. — Тошкентни елкасининг чуқуриям кўрмайдиган қиламан мунга, ҳали шошмай турсин... Агар, турмадаги анави дарбадари қутулса қутулгани, қутулмаса отасини чақираман-да, бўйнига арқон солдириб, уйга опкетаман.

Фани боядан бери худди шу сўзни кутаётган эди. У бор маккорлигини ишга солиб, кампирнинг фикрини қувватлашга ўтди:

— Опа, ҳозир ҳақ гапни айтдингиз, агар иложи бўлса, Лолахон то бели

қотиб, ўзига келгунча сизниқига бориб тургани маъкул... Ҳали айтганимдай, терговда фақат Назарнинг бир ўзи эмас, Лолаям айбдор бўли қоладиган хавф борга ўхшайди. Шунинг учун, ҳозирча Лоланинг кўзга кўринмай тургани Назарга ҳам, унинг ўзига ҳам яхши бўлади... Манов — минг сўм, сизнинг уч-тўрт ой яшаб туришингизга бемалол етади. Назар учун, яна қайтараман, жонини аяйдиган номард эмасман... — Гани шундай деб, столнинг устига бир боғлам ўнгалиқни тап этказиб қўйди. — Мен ҳозирча бундан ортиқ ёрдам қилолмайман, жўжабирдай жонимиз, ўзингиз тагин яхшилаб ўйлаб кўрарсиз...

— Сизлар Назарнинг қандай одам эканини билмайсизлар-да, — дея пўнғиллади Лола, — унинг нақадар оққўнғиллигини, одамгарчилигини тушунганларингизда эди, балки бундай демасдингиз. Гани ака, сиз менинг аҳволимни тушуниб, гамхўрлик қилаётганингиз учун катта раҳмат, лекин пулингизнинг кераги йўқ, ўзимнинг топганим ўзимга етиб ортади... Мен эртага Назардан хабар олай-чи, кейин нима қилишни ўзим биламан.

Гани қўйган тузоғининг ипи кутилмаганда ечилиб кетганини сезди, сездю, ётиб қолгунча отиб қол, дегандай, кампирга ялтоқланиб қараб олди-да:

— Келин, мен Назарнинг олдида қарздорман. Шу қарзимни ўташ учун, бари бир, кўлимдан келганича ёрдамимни аямайман, — деди. — Қадримга етиб, қилган яхшилигимни билса билгани, билмаса — худога солдим. Сиз манави бегуноҳ норасида ҳурмати, пулни олинг-да, онангиз айтгандай Чимкентга бориб, уч-тўрт ой дам олиб келинг. Бу ишингиз Назар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Лола ёшлигидан турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган бўлса-да, Гани сингари туққан онасига дўстлик қилмайдиган кимса олдида ҳали анча тажрибасизлик қиларди. У Назар учун ҳар қанча кулфат чекишга тайёр эди-ю, лекин солдалиги туфайли мақсадини қайси йўл билан амалга оширишни билмасди. Гани Лоланинг ана шу тажрибасизлиги ва солдалигидан ўз ўрнида фойдаланди. У бир кампирга, бир Лолага ялтоқланиб, охири уларнинг қалбига йўл топди. Хайрлашаркан, Лоланинг онаси унга чин юракдан миннатдорчилик билдирди.

— Сиз, фаришталарнинг назари тушган меҳру шафоатли одам экансиз, чирогим. Қизим агар ўша тергов балосидан омон қутуладиган бўлса, эртагаёқ отасини чақиртириб уйга оқсетамиз. Назарнинг ҳол-аҳволидан ўзингиз хабар юбориб турарсиз, болам. Сизга мингдан-минг раҳмат, илюё ўла-ўлгунча болачақангизнинг роҳатини кўринг.

Кампир Ганининг атрофида парвона бўлиб, уйи қаердалигини ёзиб берди-да, уни кўчагача кузатиб қўйди...

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Гулжон ўз уйига ўзи сиғмай, қаттиқ изтироб чекмоқда эди. У онасининг йил-садақаси ўтгандан сўнг, ўзининг бу хонадонда ортиқча эканини аниқ-равшан ҳис қила бошлади. Укалари билан отаси, айниқса, ўтай онаси Осиёнинг қош-қовоғига қараб юравериш, уни адоий тамом қилмоқда эди. Гоҳида отасининг кўз қарашларидан, “сенам тоза бошимга битган бало бўлдинг, безрайиб ўтираверганча ўз тенгингни топиб, тезроқ йўқолганинг аёло эмасми?” деган маъно уқар ва бундай кезларда дунё кўзига қоронғи кўришиб, ич-ичидан зил кетарди. Осиёнинг у билан иши бўлмаса ҳам, бари бир, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, кўз қараш, ҳатто гоҳида эрқалаб айтган сўзларига чегга етти бўгинини зирқиратарди. Бундай пайтларда у: “Ўтай она ҳам туққан онанинг ўрнини босиши мумкин, деган гаплар фақат эртак китоблардагина бўлар экан; агар ўз онам тирик юрганида, шу аҳволга тушармидим”, дея ўйларди ичида.

Мана, бир мисол: Қодир лампамойнинг кенжа қизи — Гулжоннинг синглиси Зарҳол, бу йил ўнинчи синфни тамомлади-ю, Нукус медицина билим юртига ўқишга бормоқчи бўлди. Бу гап отасининг қулоғига етганда у шунақанги тўнғиллаб бердики, Гулжон умр бўйи эсидан чиқармайди буни. “Ўқиш, ўқиш деб кўп жилпанглайвермасин, ўзи қиз бола бўлса, ўқимасданоқ қозонтовонига эгалик қилса бўлаверасин!” Отасининг бу гапига Гулжон аввал унча

эътибор қилмаган эди, лекин ўғай онасининг қизи эрта-индин Тошкентга ўқишга жўнаб кетишини эшитгач, ўз-ўзидан хўрлиги келди. Агар отаси одил бўлса, унда нима сабабдан Наргизагайм ўзининг қизига айтган сўзини айтмайди? “Отасиз етим — зўр етим, онасиз етим — хўр етим”, деган гап тўғрига ўхшайди-ёв...

Гулжон нимагадир Осиёни ёқтирмай қолди. Мактабга қатнаб юрган кезлари бу оққўнгил, хуш-хандон аёлни бутун жони-дилидан яхши кўрар, кўнглидагини Назарга ошкор айтмаса-да, абадул-абад унинг хизматида бўлишни ичичидан хоҳларди. Энди эса Осиёни яқкаш бўғиб ташлагиси келар, лекин сабабини ўзиям аниқ билмасди... У ана шундай хаёллар оғушида талай шомларни тонгларга уламоқда эди.

Бир куни шу ҳақда Назарга хат ёзмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин яна фикридан қайтди. Нега деганда, сўнгги хатларига Назардан бирорта ҳам жавоб олмаган, бунинг устига, унга туққан онаси тўғрисида ёзғириш одобдан бўлмас, деган хаёлга борган эди. Гулжоннинг раъйини қайтарган яна бир сабаб, Назарнинг уйланганини эшитгани эди. Ҳасан билан Мултилла Тошкентга бориб, “саёқ бола”дан хабар олиб келишгандан бери овулда дув-дув гап: “Эмиш-ки, Назар аллақандай беванинг тузоғига илиниб, ичкўёв бўлганмиш. Ўша мегажин дуоибад қилиб, ёш боланинг бошини айлантирган. Бўлмаса, Назар ақл-фаросатли йигит эди”.

— Отасига ўхшаган, айтган сўздан қайтмайдиган одати бор эди жувонмаргнинг, — дея куюнарди Осиё.

— Шуёғи камлик қилгандай, Назар ҳам бошимга битган бало бўлиши мумкин эди, ўзини-ўзи эплаб кетгани яхши бўпти... — дея ичида севинарди Қодир лампамой.

— Мендан биратўла умидини узганга ўхшайди, — дея пичирларди Гулжон.

Миш-мишлар ҳар кимнинг қалбида ҳар хил садо бериб, охир-оқибат, кўпчилик томонидан унутилаёзди. Бироқ бу узунқулоқ гаплар Осиё билан Қодир лампамойнинг кўнглида бир кунмас-бир кун пақ этиб ёриладиган ярадай чўкиб, мадда бойлаб қолган бўлса, Гулжоннинг Назарга бўлган муҳаббати кул тағидаги чўғ янглиғ ё сўнмас, ёки алангаланиб ҳам кетмасди. Лекин қизнинг юрагидаги бу оташ сўнишдан кўра тобора аланга олиб, ловуллаб ёнмоғи ҳам мумкин эди. Нега деганда, кўпни кўрган ва ёши ўтиброк қолган беваларнинг эркак зотиға майли нечоғлик кучли бўлмасин, туйғуларини жиловлаб, ичидагини ташига чиқармай юриши мумкин, аммо Гулжоннинг ёшидагилар эса, сал нарсага ўзларини олдириб қўйиши табиий. Бунинг устига, илк муҳаббат шаробига Гулжоннинг меҳри қонмаган, демак, баъзи бахтсиз аёллар бахтсизлигининг бир сабаби — ўша илк севгисини қўмаш ва шунга чанқоқликда эмасми, ахир?

Гулжоннинг ўз уйидан бош олиб кетишига сабаб, кутилмаганда оёқ остидан чиққандай топила қолди: унга отаси Осиёнинг қизини Тошкентга олиб боришга рухсат берди. Тақдир тақозоси билан Осиё туфайли ўзига сингил бўлиб қолган, бунинг устига, Назарга қўйиб қўйгандай ўхшайдиган бу қизни Гулжоннинг сира жини суймасди. Уни болалиқдан есир аёлнинг ёлғиз қизи сифатида эрка ўсанлиги ёки исмининг галатилиги учун эмас, балки ўзининг ташқи кўриниши билан доимо Назарни эслатиб тургани учун жини суймасди. Шу сабаб, унга бирор марта очиқ чехра билан муомала қилмаганди. Энди эса, тақдирнинг ҳазилига қарангки, узоқ сафарда Наргизага ҳамроҳ бўлмоқда эди...

Гулжон уйдагиларга сездирмай, йўлга обдон тайёргарлик кўрди: ўзига тегишли нарсалардан бирортасини қолдирмади, ҳатто онаси васият қилиб кетган олгин узукни ҳам бир амаллаб тулунчакка жойлади. Узоқ юртда ҳоли не кечади унинг?.. Ҳасандан Назарнинг уй адресини олишниям унутмади.

Уларни Қодир лампамой билан Осиё Хўжайли станциясидан кузатиб қўйишди.

— Наргиз, мабодо акангни кўрсанг, салом айттарсан... Кўйлагининг ёқаларига разм сол, агар кир-чир бўлса, ювиб бер. Ахир, бир қориндан талашиб

тушгансанлар, кўкрагингдан итармас... — деб жавраб қолди Осиё кўзларига ёш олиб.

— Боришингдан қайтишинг тез бўлсин, ҳаяллама. Наргизни жойлаштир-да, дарҳол уйга ет, — дея қизига топшириқ берди Қодир лампамой.

Вагондаги йўловчилар орасида ёшлар, айниқса, ўқишга кириш умидида бораётган бўлажак талабалар кўп эди. Гала-говурда кўпчилик қайси инсти-тутда қандай кадрлар тайёрланиши, қайси ўқишга кириши осону қайсиниси-га кириш қийинлиги ҳусусида бир-бири билан баҳслашмоқда эди. Одамлар-нинг ўзаро ҳангомаларига жимгина кулоқ солиб бораётган Наргиза, Чор-жўйга етар-етмас, Тошкент сафаридан бирданга айниди-қолди.

— Гулжон, мен Самарқанддаги мединститутда ўқисам бўлмайдими? Тош-МИга кириш қийин дейишяпти-ку? — деди Наргиза ҳамроҳининг кулоғига аста шивирлаб.

— Уйдагилар уришиб бермасмикан? — деди Гулжон унинг гапига ичида қувониб. — Сенга индамагани билан, мени соғ кўйишмайди-да.

— Ўзим ҳаммасини тушунтириб, хат ёзаман. Ҳув анави қаторда ўтир-ган қиз бор-ку, ўшаям СамМИга ҳужжат топширмоқчи экан. Қара, ёнида ота-онаси, акаси билан янғаси ўтирибди-ку, ўша...

— Ҳа, кўрдим, кўрдим... — деди Гулжон бош ирғаб. — Улар қизини ўқитиш учун бутун оиласи билан кўчиб бораётганига қараганда, Самарқанд-да танишлари борга ўхшайди. Ахир, биз кимга ишониб йўлга чиқдик?

— Тошкентга борган тақдиримиздаям, Назар акам кучоқ очиб кутиб ол-маса керак. У бизлардан хафа, уйга хат ҳам ёзмайди-ку. Қайтага, нега кел-динг, деб юрмасин яна?... — Наргизанинг Тошкентга бориш ниятининг тўсат-дан ўзгариши СамМИга кириш осонлигида эмас, балки унинг сабаби бошқа нарсда эканини тушунди-ю, Гулжон сингисининг гапини маъқуллади.

— У ҳолда, Самарқандга етганингданок уйга хат ёзасан. Менинг гапимга кулоқ солмай, ўз ихтиёринг билан Тошкентга бормаганингни тушунтирасан. Бўлмаса, уйдагилар теримга нақ сомон тикади-я...

Самарқандга етгач, Гулжон Наргизани ва яна овулдан уч нафар қизни мед-институтга яқинроқ маҳаллалардан бирига ижарага жойлаштирди. Уч кун де-ганда ҳужжатларини топширишга ёрдамлашди-да, кетишга чоғланди. У азал-дан жини суймайдиган Наргиза билан хайрлашаётиб, уни аслида ёмон кўрол-маслигини илк бор ҳис этди. “Бегона юрт бўлса, — дея хаёлидан ўтказди Гулжон кўзига ёш қалқиб, — уни ташлаб кетишга қандай ҳаддим сиғади?”

— Мени вокзалга кузатмай қўя қол, айланай, қайтишда адашиб қоласан... Уйга тез-тез хат ёз, ора-чорада ўзим келиб хабар олиб тураман, — деди у Наргизани бағрига босиб, юзларидан чўш-чўш ўпаркан. Қизнинг ҳам кўзла-ридан потраб ёш чиқиб кетди. Ростини айтганда, у Гулжондан бундай меҳри-бончиликни сира кутмаган эди. Шу тариқа, уйда бир-бирига итдай ирилла-шиб юрган ўғай опа-сингил ёт жойда ярашди-қолди.

— Шаҳарни томоша қилишга ўқишга киргандан кейин ҳам улгурасан, ҳозирча кун-тун демай имтиҳонга тайёрлан, — ўғит берди Гулжон сингисин-нинг юзидан қайта-қайта ўпаркан...

У Наргизага адашиб кетасан, деб ақл ўргатишга ўргатди-ю, ўзи одамлар-дан сўрай-сўрай вокзални зўрға тошиб борди. Бўш скамейкалардан бирига ҳорғин чўкиб, хаёлга чўмди. “Уйдан бош олиб чиқиб кетганим билан, менга ким-нинг кўзи учиб турибди? Назарга ортиқча юк бўладиган бўлсам, Тошкентга бориб нимаям қилардим? — ўйларди у. — Овулга қайтганимдаям, бирор ёру-лик чиқиши қийин. Хонадонда-хонадон сен тўғринда “есир”, “эрдан чиқ-қан”, деган узункулоқ гаплар чумолидай ўрмалаб юрса, бунинг устига, отанг-нинг ҳам, ўғай онангнинг ҳам сенга кўзи учиб турган жойи йўқ; иложини топса-ю, башарангни кўрмаса...”

У шартта ўрндан турди-да, кассага бориб, Тошкентга билет олди. “Менга нима, бегона юртда бўри ермиди? Назар қиё боқмаган тақдирдаям, амаллаб ўз кунимни ўзим кўрарман-ку? Таним соғ, икки қўлим бутун бўлса, бирон юмуш топилиб қолар... Балки, то нотаниш шаҳарга ўргангунимча, бир-икки кун Назарнинг уйда турарман. Борсам кўкрагимдан итармас, ўн йил бирига ўқиганмиз, ахир...”

* * *

Тошкентда июл ойининг иккинчи ярми одатлагидан иссиқ келди. Гулжон поезддан тушган заҳоти худди ҳаммомга киргандек нафаси қайтиб, юраги ҳаприқиб кетди. У вокзалга кираверишдаги қатор скамейкалардан бирига ўтириб, ўзини бир оз босиб олгач, такси бекатига йўлни кесиб ўтди-да, навбат кута бошлади.

— Манави адресга оборсангиз, — деди у навбати келиб, бўш таксига ўтиргач. Ҳайдовчи адресга кўз югуртирди-да, орқа ўриндиқдаги йўловчига ўтирилиб:

— Ўзингиз илгари борганмисиз? — деб сўради.

— Биринчи марта боришим, — жавоб берди Гулжон, — менга у ерни вокзалдан узоқ эмас, атиги икки сўмлик йўл, деб тушунтиришганди...

Гулжон кабинанинг эшигини қаттиқ ёпди, нега деганда, нотаниш шаҳарнинг нотаниш бўсағаси уни қандай кутиб олиши ҳозирча номаълум эди-да. “Назарни уйидан топсам, яхши бўларди, — хаёлидан ўтказди у йўл-йўлакай, — хотини ёмон кўргандаям, ҳеч курса у бир фурсат дам олиб, чой-пой ичиб ҳордиқ чиқаришимга изн берарди”.

— Кимсиз? — ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Назарнинг уйи шуми?

Эшикнинг қулфи шиқирлаб очилди. “Шаҳарликлар эшигини кечаю кундуз қулфлаб ўтиришади, деган гаплар рост экан, — дея қўнғлидан кечирди Гулжон. — Улар шунча вақт қўшни бўлишсаям, бир-биридан гумонсирар экан-да?”

Лола эшикнинг олдида узун бўйли, ҳорғин юзларидан ўзига хос бир гўзаллик ёғилиб турган қизни кўрди-ю, меҳмон Назарнинг овулидан эканини дарҳол сезди.

— Келинг, келинг, — ичкарига таклиф қилди Лола қизга бошдан-оёқ яна бир марта кўз югуртираркан. Гулжон зил-замбил жомадонини ердан зўрга узиб, бўсаға ҳатлади.

У хонанинг тўрида бешик тебратиб ўтирган ушоққина кампир билан қўл олишиб кўришгач, қаерга ўтиришни билмай, бирпас ўнғайсизланиб турди.

— Қани, қани, бу ёққа ўтинг, — деб кампир мулозамат қилмаганида борми, Гулжон ҳали анча қаққайиб туриши мумкин эди.

— Раҳмат, — деди у кампирга яқинроқ ерга жойлашгач, — мен овулдан келаётган эдим, Назарнинг овулидан...

Шундан кейин кампир Гулжоннинг овул-жамоасию уй ичи борми, ҳаммасини битта қолдирмай сўраб чиқди. Гулжон кампирнинг баъзи сўзларига унча тушунмасаям, бош ирғаб маъқуллаб ўтирди.

— Сизларнинг тилингиз қозоқчага яқин экан, шунинг учун тортинмай сўзлай бер, — деди кампир, ҳеч курса, каталакдай жойда ўзи билан гаплашадиган одам топилганига қувониб. Негаки сўнги пайтларда қизи билан уришавериб, унга айтадиган бошқа гапи қолмаганди... “Овулдаги қозоқларнинг тилини яхши тушунардим, буники сал бошқачароқми дейман? — хаёлидан ўтказди Гулжон. — Балки, анави чой дамлаётган Назарнинг келинчаги ҳам бизнинг тилга тўлиқ тушунар?” У, Лолани боя илк бор кўргандаёқ, кўзларида Назарга қондош аллақандай ифодани сезган эди. “Чиройли экан, — ўйларди у, — Назарнинг ҳам дид-фаросати чакки эмас... Болали бўлишсаям улпурибди, лекин шу яқин орада ўрталаридан ола мушук ўтганга ўхшайди... балки менинг келишим ёқмадимикан? Ҳасаннинг айтишича, шаҳарликлар керагида меҳмонга ёлчимайди, керак эмас пайтда эса, уйга меҳмон келишини ёқтиришмайди. Ҳар қалай, унинг бу гапида жон борга ўхшайди”.

— Қани, қизим, чойга қаранг, нондан олиб ўтиринг, — деди кампир бешикни ўз ҳолига қўйиб дастурхонга яқин суриларкан, — неварам ухлаганда сиз билан бир пиёла чой ичволай. Уйғонса, менга ҳам, ўзига ҳам сира тинчлик йўқ, жуда шаддод, балки отасиям кичкинтойлигида йиғлоқи бўлганми, билмадим.

— Кўйсангиз-чи, опа, — деди Лола Гулжонга кўз қирини ташлаб, — йиғлагани яхши, ўпкаси бакувват бўлади...

— Ана, кўрдингизми, ҳозирги замоннинг жўжалари макиёнларга ақл ўртади, — пўнғиллади кампир. — Сиз томонлардаям шундайми?

Гулжон кампирнинг мақсадини тушунмади, унинг гапига қандай жавоб қилишни билмагани учун мийиғида кулимсираб қўя қолди. Ҳадеб кўк чой хўшлаб, оғзига толқон солгандай жим ўтиравериш ҳам ноқулай эди. У, охири сабри тугаб, Назарни сўради. Она билан қиз бир-бирига зимдан кўз югуртириб олишди-да, сўнг кампир Гулжоннинг саволига савол билан жавоб қайтарди:

— Сиз Назарга ким бўласиз?

Бу саволга жавоб бериш Гулжон учун ўлимдан бешбаттар оғир эди. Хўш, у Назарнинг кими бўлади?

— Мен Назарнинг сингисиман, — деди у ўтай онасини кўз олдига келтираркан, бир оз енгил тортиб.

Кампир Лолага яна бир марта маънодор қараб олди-да:

— Ҳали сизларнинг ҳеч нарсадан хабарларингиз йўқми? — деб сўради.

— Назар овулга хат-пат ёзмасди, — Лола Гулжоннинг ўрнига жавоб қайтарди. Гулжон аллақандай хунук ҳодисани сезгандек ранги кув ўчиб, шоша-пиша сўради:

— Назарга нима бўлди?

— Ўғирлик билан қўлга тушиб, ҳозир турмада ётибди, — деди кампир. — Гапнинг пўскалласи шу.

— Қачон тушган?

— Чамаси, йигирма кунча бўп қолди-ёв, борганимиз билан кўрсатмаяпти, — деди Лола ва Гулжонга таскин бериш умидида давом этди: — Бугунча сиз ҳам дамингизни олинг, йўлда чарчагансиз. Эртага азонда хабар оламиз. Борганимиз билан прокуратуранинг эшиги тагида сарғайиб, туриб-туриб қайтаверамиз. Ҳар кунги аҳвол шу...

— Овулга хабар юбориш керакдир балки? — деди Гулжон Тошкентга бемаврид келганига ўқиниб.

— Ўзингиз бир иложини қилмасангиз, мен Назарнинг на овулини, на ад-ресини ва на уй-ичини билмаганим учун тоза қийналдим, — деди Лола ичидан ёрилиб. Шунча вақт бирга яшаганига қарамай, Назар хотинига на ўзининг онаси, на қариндош-уруғлари ҳақида чурқ этиб оғиз очмаган эди. Фақат бир марта уйда синглим билан онам бор, деб қўя қолганди. Ўшандан буён Лола ҳам йигитнинг кўнглига қараб, гапни ҳадеб кавлаштиравермасди.

Улар чой ичиб бўлишгандан кейин кампир Гулжоннинг ич-ичига ботган кўзларидан унинг йўлда қийналганини сезиб:

— Озроқ мизғиб олинг, қизим, Қорақалпоқ деган юртни дунёнинг туп-карисиди деб эшитгандим, чарчагансиз, — деди.

— Ҳа, чарчадим, — деди Гулжон чуқур нафас олиб. У ҳақиқатан ҳам, бу нотаниш одамлар овули ҳамда ўзи тўғрисида яна бирон нарса сўраб қолишидан ҳадиксирайвериш, адоий тамом бўлган эди...

* * *

Ўтган куни терговчилар Назарни Рустамали билан юзлашпирди.

— Айбланувчи Тўрабоев, сиз мана бу кишини танийсизми?

— Танийман, исми Рустамали бўлса керак, Сирдарёда туради...

— Сиз-чи, айбланувчини биласизми?

— Биладан, мен ҳамма нарсани шу кишидан олганман, пулларниям ўз қўлим билан шу одамга тоширганман, — деди Рустамали киприк қоқмай.

— Қанчадан, неча марта?

— Неча марта экани аниқ эсимда йўт-у, аммо ҳаммаси бўлиб қирқ минг сўмни нақд санаб берганман, — деди Рустамали ва бошини қуйи солди.

Бу гапдан Назарнинг энка-гинкаси чиқиб кетди ҳамда кишининг кўзига тик қараб туриб ёлгон сўзлаш — одам бандасига хос хусусият эмас, деган болалик тасаввуридан ҳам ўша заҳоти кўнгли совида. У аввалги сўроқ-жавобларда ҳамма ишни ўз бўйнига олиб, бош айбдорни яширганини айтмаса, ҳеч кимга тухмат қилмаганди. Капитан Қўлдошев талай марта, “жиноятни яширган одам ҳам жиноятчи ҳисобланади, шунинг учун фақат ростиғни айт-вер”, деганида ҳам Ғани ёки Рустамали тўғрисида чурқ этмаганди. Энди эса,

иши прокуратурага оширилгандан бери, манави терговчи ҳеч шошилмай, барча майда-чуйда гапларгача эътиборга олмакда эди. У ўз ишини пухта биладиган, андак сипо, бунинг устига, қиздек мулойим йигит экан.

— Сиз Рустамалидан қирқ минг сўм олганмисиз? — сўради у хаёлга ботган Назарга зимдан кўз қирини ташлаб.

— Қирқ минг сўм жуда катта пул-ку, шунча нарсани бировга беришга бу акамнинг кўзи қиярмикан? — деди у энди тирноғининг қирини кавлашга тушган Рустамалига тик қараб.

— Мендан қанча пул олганингда кўшниларим гувоҳ, — деди у яна пинагини бузмай.

Назар ўзининг туҳматга учраганини энди тушунди, бироқ қилни қирқ бўлиб сотадиган бу савдогар яна нима дейишини билиш учун, сир бой бермади.

— Айбланувчи Тўрабоев, сиз гувоҳларнинг кўзи олдида қирқ минг сўм олганингдаз тонасизми?

— Мен пул олганимда гувоҳлар йўқ эди, бундан ташқари, қирқ минг сўмлиги ёлгон, — деди Назар терговчига кўзларини қадаб.

— Энг сўнги бор, мен уч мингни унинг уйида, икковимиз юзма-юз ўтирганда берганман, — орага гап қўшди Рустамали. — Хотини йўқ экан, ўзининг айтишига қараганда, туғруқхонада бўлса керак, ишқилиб, ўша куни кўринмади...

Рустамалининг гапларини тинглаб экан, Назар ўша кунни эслади. “Ий-е, мен у куни Гани аканикидан кайфим тарақ ҳолда чиқувдим-ку? Уйда ҳам ўзимдан бошқа тирик жон йўқ эди”, дея хаёлидан кечирди у. Бу пайтда Рустамали Назарникига қачон боргани, уйда қанақа жиҳозларни кўргани ва ҳоказолар ҳақида ишонч билан сўзламокда эди. Назар унинг гапларига диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Ўша куни у ўлгудай маст эди, ҳатто менгаям зўрлаб юз грамм ичирди, — тугилмай сўзларди Рустамали. — Кайфи ошиброқ қолган одам, “хотинининг кўзи ёриди, қувончимга шерик бўлмайсизми”, деб туриб олгач, кўнглини чўктиргим келмади. Қайтаётганимда орқамдан: уч минг сўминга лойиқ материални уч кундан кечиктирмай ўзим етказаман, деб қолди...

— Ёлгон, ёлгон! — дея қичқириб юборди Назар, сўнг овозини сал пасайтириб деди: — Лекин... ўша куни арақ ичганим рост, хотинининг кўз ёргани ҳам рост, қолган ҳаммаси — ёлгон!!

— Қандай далилингиз бор? — сўради терговчи.

— Ёлғиз виждоним, — деди Назар асабийлашиб.

— Виждонингиз далил эмас, Назаржон, — деди терговчи мулойимлик билан, — гувоҳ ҳам керак... ахир, бу киши сўнги уч мингни сизнинг соф виждонингиз учун бермаган-ку? Ҳозир гап сизнинг ўғирлаб сотган нарсаларингиз устида бормоқда.

— Балки, бу ҳали, ўша уч минг сўмни хотинининг капитан Қўлдошевга порага берганини ҳам ёлгонга чиқарар? — орага гап қўшди Рустамали ва мениннг гапим ёлгон бўлса, “бунисига нима дер экан?” дегандай ўтирган ўрнида бир кўзгагиб кўйди.

— Сизга бу гапни ким айтди? — сўради терговчи Рустамалига тикилиб қараб.

— Ҳамманиннг оғзида шу гап-ку...

— Ҳамма деганиннгиз ким?

Рустамали тилини тишлаб қолди. Жиноят текшириляётганда унинг ҳамма масалалари сир тугилиши лозимлигини у яхши биларди, лекин, шу топда, ўзининг ёмон хатога йўл қўйганини кеч тушунди.

Энди терговчи уни сўроққа тута бошлади:

— Сиз капитан Қўлдошевни қачондан бери танийсиз?

— Бирон марта кўрмаганман уни...

— Айбланувчи Тўрабоевнинг хотинини-чи?

— Униям умримда кўрмаганман...

— Мени-чи?

Рустамали беҳосдан кулиб юборди. Сўнг:

— Мана, ярим соатдан бери сиз билан танишман, — деди кулишдан базўр тўхтаб.

— Демак, капитан Қўлдошевга берилган порани, — деди терговчи ҳар бир сўзини салмоқлаб, — фақат уч киши биларди. Ҳатто, Назарнинг ўзиям бундан беҳабар эди... Энди сизнинг чайқовчилигинингизнинг устига, ҳозирги ёлғон маълумотингиз ҳам қўшилди. Бу икки жинойтнинг жазоси енгил бўлмайди... Сиз, то масала аниқланмагунча тураржойимни ўзгартирмайман, деб тилхат ёзинг-да, кейин кетаверинг... Сизга рухсат, — деди терговчи Рустамалига яна аввалгидай хотиржам қиёфада.

Улар кабинетда яккама-якка қолишганда терговчи чуқур хўрсиниб олиб, сўнг олдидаги қоғозга алланималарни ёзаркан, аста сўз бошлади:

— Назаржон, сизни бугундан эътиборан оғир жинойтнинг ташкилотчиси эмас, балки шу ишга мажбуран тортилган иштирокчи сифатида кўргим келади. Бироқ бунинг битта лекини бор, ўша “лекин”ни ўз оғзингиздан эшитмагунимча, аввалги тасавури ўзгариши қийин. Ўша “лекин” тилингизнинг учидан турибди. Аввало, келишиб олишимиз керак: сиз ҳамма жинойтни бўйингизга олиб, қолган умрингизни шамолга совурасизми ёки тилингизнинг учидан турган ўша гапни айтасизми?

Назарга бугунги тергов давомида жуда кўп янгиликлар аён бўлган эди. Энг муҳими, Фанининг ҳамма айбни Назарга тўнкаб, бошини омон сақлаб қолганини билиб олди. Бундан кейин терговда кўрган-билганларини очиқ-ошкор айтишга қарор қилди-ю, аммо шу топда, тили сира гапга айланмасди.

— Майли, аввал яхшилаб ўйлаб олинг, — деди терговчи қоғозга энгашган кўйи. — Яна бир нарсани айтиб қўяй, сиз айтадиган гап баъзи фактларни тасдиқлаш учунгина керак, қолган ҳамма маълумотлар ўзимизда бор. Фақат бир киши, яъни сизга бевосита тегишли — Фани Расулов бизни қизиқтиради... Шу одам тўғрисида билганингизни гапириб берсангиз?

— Мен Фани ака билан юзма-юз учрашсам бўладими? — сўради Назар. У Фанининг номини шунча савол-жавоблардан кейин биринчи марта эшитмоқда ва тилга олмоқда эди.

— Ўн кунча бўлди, Фани Расулов сизга қўшни камерада ётибди, — деди терговчи Назарга синовчан нигоҳ ташлаб.

— Агар у киши билан мени бетма-бет учрашгирсангиз ва ҳозирги эшитганларим рост бўлса, ҳамма гапни айтаман...

Терговчи стол тагидаги кўнгироқ тугмачасини босди ва зум ўтмай эшикдан кириб келган соқчига:

— Фани Расуловни олиб кириг, — дея буйруқ берди.

Назар унинг сўзига ишонмагандай, эшик очилгунча бўсагадан кўз узмай турди.

— Ассалому алайкум, оғайнилар, — деб ичкарига кириб келди Фани. У кела солиб, терговчи билан қўшқўллаб кўришди-да, Назарга шунчаки ияк қоқиб қўйди.

— Ўтиринг, гражданин Расулов, — деди терговчи сиполик билан. У Фанининг саломига истар-истамас алик олган бўлди-да, тоза қоғозга алланималарни қитирлатиб ёза бошлади. Орадан бир фурсат ўтгач, ёзишдан тўхтаб:

— Сиз бу кишини танийсизми? — деб сўради.

— Танийман, — деди Фани шартта ўрнидан туриб. Терговчи унга “ўтиринг”, дегандай қўли билан ишора қилди.

— Қачондан бери?

— Онда-сонда бизнинг участкамизга базадан қурилиш материаллари таширди, бу йигитнинг судланиши етти ухлаб тушимга кирмаган. Қўй оғзидан чўп олмайдиган, мўмин-қобил бола, деб ўйлардим уни. Фақат бир марта ўз оғзидан, ўқишларим сал юришмайроқ турибди, деб эшитганман, холос. У ҳақда бошқа ҳеч нима билмайман, — деди Фани ва Назарга кўз остидан ўқрайиб қараб қўйди.

— Сизнинг капитан Қўлдошев билан қандай алоқангиз бор? Ростини айтинг, капитан ҳаммасини гапириб берди... — деди терговчи Фани билан Назарга галма-гал нигоҳ ташлаб.

Фани мушгига йўталиб олиб, сўз бошлади:

— Ҳар замонда маҳаллада халфана ошпа чиқиб туришимизни айтмаганда, Қўлдошевни унча яхши билмайман. Айтганча, бир сафар овқат устида “сизнинг участкангизга тегишли қурилиш материалларини ўғирланаётган жойда қўлга туширдик”, дегандай бўлган эди. Шундаям, бу ишга анави йигитнинг алоқаси бор, деган фикр хаёлимга келмабди... Тагин ким билади, одамнинг оласи ичида, дегандек, ҳозиргиларга ишониб бўлмайди.

Назар Фанининг ҳар хил шайтонликларидан хабари бўлса-да, унинг бугунгидек содда-муғамбирлигини кўрмаган эди. “Ҳалиги ваъда бўйича, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, деб кўя қолса бўлмасмиди” хаёлидан ўтказди Назар.

— Сирдарёлик бир одам, айбланувчи Тўрабоевдан қирқ минг сўмлик мол олганини тасдиқлади. Ўша материаллар сизнинг объектингиздан ўғирланганидан хабардормисиз?

— Хабарим бўлганда, бу мишиқини ўз қўлим билан сизларга опкеб топширмасмидим? Лекин, баъзан шунақа ҳодисалар ҳам бўп туради: масалан, беш-олгита объектимиз бор, мен эса биттасида ўтираман. Гоҳида у: “йўлланма билан накладнойга қўл қўйиб бера қолинг, кечкурун ўқийман, дарсга улгуролмаяпман”, дегандан кейин беш-олти марта туширган материалларни кўрмасдан имзо чекканим рост. Аммо, бу болага қаттиқ ишонардим... Балки ўғирлик моллар бошқа ердан олингандир, Тошкентда қурилаётган объектлар ёлғиз менинг участкам эмас-ку, ахир?..

— Хўп, яхши, — деди терговчи хотиржам оҳангда, — лекин қўлимизда Тўрабоевнинг икки йилдан бери фақат сизнинг участкангизда ишлагани тўғрисида ҳужжатлар бор, бунинг устига, уларда сизнинг имзонгиз ҳам турибди.

— Мен ўзим қўл қўйган ҳамма ҳужжатларга ўзим жавоб бераман, бироқ объектдаги материалларга қоровуллик қилиш менинг зиммамда эмас-ку... Сизнинг қўлингизда бизнинг участкадан қандай материалнинг қачон, қайси вақда ўғирлангани тўғрисида ҳам ҳужжат бўлса керак? Демак, шунга қараб, ким қўлга тушган бўлса ўшани жазоланг-да...

— Кимга қандай жазо беришни суд ҳал қилади, — деди терговчи, сўнг Назарга қараб давом этди: — Айбланувчи Тўрабоев, сиз Рустамалининг гапларини тўғри деб ҳисоблайсизми?

— Аввало мен, Фани акадан бир нарсани сўрасам майлими? — деди Назар терговчига ўгирилиб. У мийиғида кулиб:

— Аслида бу ерда саволни мен беришим керак, мабодо ишга дахлдор муҳим масала бўлса, марҳамат қилиб сўранг, — деди.

— Фани ака, келиннингизнинг аҳволи қалай? Уйга эсон-омон етиб олдимми?

Фани бу гапдан шу қадар довдираб қолдики, ҳатто, беихтиёр бармоқларини қарсиллатиб юборди. Қошлари чимирилиб, ўртасида жимжилоқ бемалол ситга бўладиган чуқур ажин пайдо бўлди. “Бошқа нарсани сўрасанг, осмон узилиб ерга тушармиди, номард? Йигит десам, хотиндан ҳам багтар шаллақи экансан-ку!” — дея ичида фиғони фалакка чиқди.

— Назаржон, мен сизни унча яхши билмасам, қайси келин тўғрисида сўраяпсиз ўзи? Келин бўлиши учун, авваламбор одам уйланиши керак. Уйланганингиздан менинг хабарим йўқ-ку?..

— И-е, икковимиз уйингизда хотинимнинг кўз ёрганини ювиб, сўнг бирга туғруқхонага борганимиз эсингиздан чиқдимми?

— Қўй, чироғим, ёш бошинг билан бундай ёлғон гапирма. Сен менинг уйимни кўрганинг йўқ, мен ҳам сени уйимга чақирмаганман... Ўртоқ терговчи, бу ерда савол айбдор одамдан сўралмайдими?

— Тўғри айтасиз, — деди терговчи иккаласига қарата, — мен сизларнинг ўзаро гапларингиз бўлса, фикрлашиб олсин, деб ўйлаган эдим, кечирасиз.

— Менинг ўғри билан фикрлашадиган ҳеч қандай гапим йўқ. Шу билан бирга, бундан кейин, оддий бир меҳнаткашни ўғрига юзлаштириб, камситмаслигингизни талаб қиламан! — дея қичқирди Фани юзига қон телиб.

Назар масаланинг ҳал бўлганини сизди ва шу ернинг ўзида қадрдон акасининг юзига туфлаб, терговчига: “Хўп, ҳаммасига мен айбдорман, мени судлай қолинг”, демоқчи ҳам бўлди-ю, лекин одамнинг юзига туфлагани учун суд қилмаслигини эслаб, ўша заҳоти фикридан қайтди.

— Ҳароми! — дея қичқирди у ниҳоят қони қайнаб.

— Бўлди! — хитоб қилди терговчи ва Назарнинг важоҳатидан аллақандай қаҳру ғазаб тошиб келаётганини пайқаб, дарҳол ўрнидан турди-да, соқчини чақирди.

— Олиб кетинг!

Соқчи кимни олиб кетарини билмай, сўради:

— Қайси бирини?

— Икковиниям... Тўхтаг, аввал айбдор Расуловни олиб чиқинг...

Терговчи Назар билан яккама-якка қолгач, секин юриб бориб, ўрнига чўкди. Бир оздан сўнг чўнтаklarини титкилаб, икки дона сигарета олди-да, битгасини хотиржам тутатиб, иккинчисини Назарга узатди...

* * *

Тергов ниҳоясига етган шекилли, Лолага Назар билан учрашишга рухсат берилди. Назар учи-қуйруғи йўқ савол-жавоблар, айниқса, Рустамали ва Фани билан юзма-юз учрашгандан кейин терговчига ўзининг бошидан кечган воқеаларга қўшиб, қурилиш материалларини кимдан ва қачон олгани, қаерга олиб боргани ҳамда кимнинг ҳовлисига туширгани, қандай қилиб бу жиноятга аралашганигача бирма-бир, хуллас, ҳаммасини бир бошидан гапириб берди. Бироқ, унинг бу дил изҳори ҳаётдан кўнгли совиб, руҳининг синганидан эмас, балки қалбидаги мавжуд ҳақиқатга интилиш туйғусининг қайта кўз уқалаганидан далолат берарди. У гарчи Ганининг илиқ сўзларию кўрсатган меҳру шафоатига ишониб, қачон бўлмасин тўғри йўлдан адашишини ёки тубсиз чоҳ қаърига юзтубан қулашини соддадиллиги туфайли сезмаган бўлса-да, “ғамхўр” акасининг баъзи хатти-ҳаракатларидан онда-сонда гумонсираганини ҳисобга олмаганда, ҳаммани ўзи каби оққўнғил ва соф виждонли, деб ўйлар эди. Ҳатто, бошқаларнинг виждони ўзиникидан ўн чандон софроқ ва тозароқ деб фаҳмлар, одамлар олдида эса, ўз соддалигидан уяларди. Охириги тушунтириш хатидан кейин, нечоғлик ҳаққоният билан ёзмасин, терговчи унинг дастлаб нотўғри маълумот бергани учун жазосига жазо қўпилажагини очиқ-ойдин айтди. Назар эса, афтидан, ҳар қандай жазога тайёр эди. Севимли Лоласи ва тўнғич фарзанди билан дийдор кўришиш иштиёқи йигит қалбидаги барча мусоффо ҳисларни уйғотиб юборган эди.

У бугун Лола билан учрашишини эшитганда юраги бир ҳаприқиб, боши осмонга етди, шу билан бирга, бу аҳволда хотини ва фарзандига кўринишдан уялди. Учи-қуйруғи йўқ хаёллар шамолдай ғувиллаб, йигитнинг бошини айлантirmoқда эди. Оҳ, бу висол дамларининг имиллаганини! Нима бўлса ҳам, у бугунги учрашувни сабрсизлик билан кутмоқда эди...

Зориқиб кутилган учрашув Назарга қувонч келтирмади: Лоланинг ёнида... у аввал ўз кўзларига ҳам ишонмади, аллақандай таниш қиёфа?! И-е, Гулжон-ку бу!

Улар махсус хонада узунасига қўйилган столдан рўпарама-рўпара жой олишди. Соқчи соатига қараб, “вақтингиз беш минут, бирон нарса бериш ман этилади”, деди-да, уларни холи қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Орага сув куйгандек жимлик чўкди. Сўнг, биринчи бўлиб Назар сўз қотди:

— Аҳволларинг қалай? — деб сўради у бошини куйи солиб.

— Ўзинг яхшимисан? Озиб кетибсан-ку? — деб кўзига ёш олди Лола.

— Овулда нима гаплар?.. Қачон келдинг? — сўради Назар Гулжондан кўзини олиб қочиб.

— Беш-олти кун бўп қолди, овул тинч, ўзинг кўргандай, ҳамма ўйнаб-кулиб юрибди, — деди Гулжон худди узоқдан хат ёзаётгандек, ҳар бир сўзини салмоқлаб.

— Сени анча ташвишга қўйдим, — деди Назар кўзини ерга қадаб. Бу гап кимга айтилганини номаълум эди. Гулжон индамади, Лоланинг эса, шу пайт юраги тўлиб турарди.

— Сенчалик ташвиш чекканимиз йўқ, — деди Лола. — Сени кўриш умидида ҳар куни шу ерга зир қатнаб турдик, қўлимиздан бошқа ҳеч нима келмади. Фани деган бир танишинг мени туғруқхонадан опчиқди. Уйда қолдирган

пуллариингни бировга... кейин билсам, бу одамнинг нияти бузуқ экан!.. Сўнг келиб, шу ердаги бир одамга ҳамма гапни айтиб, тушунтириш хати ёзиб бердим. Фани оғанг уйга охириги марта келганида опам икковимизга уч-тўрт ой Чимкентга бориб туришлар, деб пул берди. Мен кўнмадим, пулиниям олмадим, фарзандини отасига кўрсатмай ҳеч қаяққа кетмайман, деб опамнинг қис-таганига унамай турганимда, овулингдан манави синглинг келиб, жонимга ора кирди...

Эшик қаттиқ қоқилиб, Лоланинг гапи оғзида қолди. Беш минутлик муддат тутаган эди.

— Сен нега келдинг? — деб шоша-пиша сўради Назар Гулжондан.

— Ўқишга... Агар киролмасам ишлаймаман, хуллас, шу ерда қолмоқчиман. — Ҳозир Назар кўриб турган қиз, илгариги уятчан ва иббли Гулжон эмас эди. У таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, лекин нимаси ўзгарганини Назар аниқ билмасди. Бўй-баста-ку ҳаммашагидек, балки, фақат овози ўзгаргандир? Сўзларидаги қатъият ва салмоқ қаердан пайдо бўлди экан? Ҳар қалай, у ёш-ликдан кўзи ўрганган Гулжонга муғлақо ўхшамасди.

— Уйга, опанга хабар юборайликми? — деб сўради Гулжон хайрлашаётиб.

— Хабар бериб нима қиласан, уйи бошқа, дарди бошқа бўлса...

— Яхши, Назар, яна эсон-омон кўришгунимизча... Қизинг билан синглингдан кўнглинг тинч бўлсин, бошига офтоб тегизмай кутаман, илоё тезроқ... — Лоланинг кўзларига ёш қуйилиб, бўғзига алланима қалалгандек ҳиқиллаб, гапининг охирини айтолмай хонадан чиқиб кетди...

* * *

Сурункасига икки кун давом этган суд мажлисида йигирмадан ошиқ гувоҳ қатнашди. Содир бўлган жиноятнинг ишдан игнасигача аниқланди. Назар охириги мажлисда гувоҳлар орасида ўтирган Султонга кўзи тушиб, шошиб қолди: у қандай билди экан? Ўтиравериш биласи қуриган одамлар мажлис тугагани сабрсизлик билан кутаётган бўлса-да, суд ҳайъати ҳукм чиқаришга шўшилмасди. Суд раиси залга қараб: — Қани, яна ким гапирмоқчи? — дейиши билан Султон қўл кўтарди.

— Сиз кимсиз?

— Мен Назар билан манави... ҳаҳ, отинг қурғур... илоё ёдимга қайта тушмагур...

— Қисқароқ қилинг!

— Мен Устюртда бурғиловчилар бригадаси мастериман. Бу ерга Назар туфайли келганман. У ёмон йигит эмас, уни анави ёнида ўтирганлар йўлдан урган... Бир сафар, мен анавинисидан икки яшик бўёқ сотиб олиб, қайнотамникига оборганман, гашим ёлгон бўлса Назар айтсин... Уша вақтлаёқ, манави... отинг ўчгур, Фани менга ёқмаган эди. Хуллас, улар Назарнинг соддалиги, болалиги ва одамларга ишонувчанлигидан фойдаланиб, болани жиноий ишга тортган, ўқишини давом эттиришга халақит...

— Ҳурматли ўртоқ... гапингиз тугадими? Ахир, ким ўзини томдан ташлайди? Назарни ҳеч ким зўрламаган бўлса, ҳамма жиноятни у ўз калласи, ўз қўли билан қилган, устига-устак, давлат машинасидан ўз манфаати учун фойдаланган... Бошқа гапингиз йўқми?

— Мен Назарга талай марта Устюртга кетайлик, дегандим... Ростини айтсам, менинг бригадамда одам етишмаяпти. Назар ўзининг хулқ-ахлоқи, меҳнатқашлиги, қандай бўлмасин, берилган топшириқни бажаришга интилиши, яъни бағрикенглиги билан менга маъқул бўлганди. Энг муҳими, у яхши одам. Ўзингиз кўриб турибсиз, ҳар қандай яхши одам ҳам ёмон аҳволга тушса, мана бунақа...

— Бас қилинг! — деди судья столга бир мушт тушириб, — судланувчи Тўрабоевнинг қанотсиз фаришга эканини сиздан бошқалар ҳам айтишди...

Ҳукм ўқилганда залдагилар орасидан фақат Бонунинг қаттиқ йиғи товуши эшитилди. Рустамалининг хотини бўламан, деб гувоҳлик берган аёл: “Кет-

маса, ундан нариги ўтиб кетсин”, деб тўнғиллаб қўя қолди. Султон эса залнинг ўртасида туриб, Лола билан Гулжоннинг елкасидан силаб юпатар ва ўзича ҳадеб жилмаярди...

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Гулжон тўқимачилик комбинатига ишга жойлашиб, ётоқхонага кўчиб ўтди. Назар сулдангунча у қарийб кунора Лоланинг уйидан хабар олиб турарди. Келиб уй ишларига ёрдамлашар, хонаю ошхоналарни супуриб-сидирар, чақалоқни юпатишда кампирга қарашарди. У суд ҳукм чиқарган куннинг эртасига яна келган эди, ичкаридаги шовқинни эшитиб, эшикни очарини ҳам, очмасини ҳам билмай, бир зум иккиланиб қолди.

Лоланинг овози: — Опа, энди менга нима қил дейсиз? Одам зотида қалб, муҳаббат деган нарсга бўлиши керак эмасми?

Кампирнинг овози: — Сен менга, отангдан ўрганган ваъзингни ўқима! У тунов куни хатида яна, “мен бир-бирини суйишиб турмуш қурган ёшларнинг оиласига аралашмайман, улар ўз хоҳиш-истаги бўйича яшаш керак. Вақтинча бўладиган қийинчиликлар олдида чидама билан бардош берган кишиларнинг муҳаббатигина тўзим билмайди”, деб ёзибди мияси айниган чол! Айланай, агар мундай олиб қарасанг, юрак дегани — ярим кило гўшт! Уям тананда тиширича турибди... Энди, сен қаёқдаги бир дайдининг дуои-жонини қилиб, юрагим, талоғим, деб уч йилгача кутиб ўтирмоқчимсан?

— Кутганда нима қилади? Отам ҳарбийга кетганда, уч йил эмас, олти йил бийойидек йўлига кўз тикиб ўтирганман, деган ўзингиз эмасми?

— У замонлар бошқа эди, овулда эркак зоти қолмаган бўлса, кутмай очик лаҳадга борармидинг? Ҳозир, яратганга шукр, эл-юртда фаровончилик, ҳамманинг усти бут, қорни тўқ, беҳосдан кесак отсанг, бориб эркакка тегеди... У қайтиб келган тақдирдаям купша-кундузи қароқчилик қилган одам билан бир ёстиққа бош қўйишга уялмайсанми, ергина юткур!

— Опа, ўзим шундоғам сиқилиб турганимда, юрагимни мунча ўртмасангиз, қўйсангиз-чи, дардима дард қўшманг... Ахир, мен ҳам одамман-ку, мен ҳам худди ўзингизга ўхшаган онаман-ку?... — Лоланинг пиқиллаб йиғлаган товуши эшитилди.

— Йиғламасанг, кўзинг оқиб тушсин, мен бари бир сени ўғри билан қўшиб қўёлмайман. Ойдаи қизимнинг ўғри-каззоб тухумини кўпайтириб яшаганини кўргандан, дорга осилиб ўлганим авлю...

Гулжон изига гирра қайтди-да, зинадан пастга тушаётиб, майли, юрагини бўшатиб олсин, кейин бемалол келарман, деган ўйда ётоқхонага қайтиб кетди...

* * *

Суд ҳайъати Назарнинг давлатга келтирган зарарини ҳисобга олиб, узоқроқ бир жойда қисқа муддатли мажбурий хизматни ўташга ҳукм чиқарган эди. Одам гоҳида ўз ҳаётининг баланд-пастини олдиндан кўра олмас экан, ҳатто, умр сўқмоқларининг эгри-бугри, қинғир-қийшиқлигини юриб бораётиб ҳам пайқамай қоларкан.

Оиласи билан хайрлашиш учун, Назарни қисқа муддатга бўшатиб юборишди. У каттакон темир дарвозадан чиқаётиб, Султонга яна дуч келишини сира кутмаган эди.

— Ҳей, хомкалла-ей, энди оёғингни ўйилмайдиган жойга билиб босарсан? Роса танобингни тортишдими? Қани, туш олдимга! — Султон шундай деди-ю, уни кучоқлай кетди.

Назар ўз отасини кўргандай кўнгли бўшаб, Султоннинг миқти елкасига осилиб олди-да, кўкрагига бошини қўйган қўйи ҳўнграб юборди, ҳатто йигит кишига ярашмайдиган қилиқ билан “оға”лаб бўзлади... Султон то у ўпкасини босиб олгунча кутиб турди, сўнг елкасига аста қоқиб:

— Мен сени мард йигит деб юрсам, йиллоқи экансан-ку? Нима қилганинг бу, қўй, эл-юрт олдида уят бўлади... Сени ўзим тарбиялайман энди.

Муддатини ўтагунча ёнимдан бир қадам ҳам жилдирмайман, деб кафиллик бердим. Ўзиям, Тошкентда мен кирмаган эшик, ялинмаган одам қолмади. Сен бўлсанг, йиғлаб ўтирибсан...

Назар уч ой тўшақда миҳланиб ётган хастадай оёқлари қалтираб, зўрга қадам босарди. Йўлни кесиб ўтиб, сал наридаги майдончада уларни кутиб турган таксига етганча тинкаси қуриб, адоий тамом бўлаёзди.

— Ҳайданг, кетдик, “Ғалаба” боғига... Аввал бир-икки бокал пиво ичво-лайлик, — деди Султон ҳайдовчининг елкасига қоқиб. — Балки, сен пивонинг таъминиям унутгандирсан? Айтганча, оч қоринга пиво кетмайди. Тўқми-сан?

— Оч қўйишмайди-ку... — деди Назар юзини четга буриб.

— Албатта, оч қўйишга қўйишмайдику-я, лекин шу ёшгача, унақа жойда “Зарафшон” ресторанининг ошпазлари шашлик қилиб беради, деб эшитмаганман.

Назар беихтиёр кулиб юборди, бу унинг уч ой бадалида биринчи марта кулиши эди. Ҳазил-хузул гаплардан сал кўнгли кўтарилгач, у Султонга бошдан-оёқ разм сола бошлади. “Бу қандай одам ўзи? — хаёлидан ўтказди у. — Мени илгаридан танимаса ёки бирон-бир қариндошлик жойи ҳам бўлмаса, шунчаки йўлда учраган бегона... Ёки, бизни кўпдан бери кузатиб юрган айғоқчимикин? Бундай дейишга одамнинг тили бормайди, очиқ-чочиқ киши. Устига-устига, дунёда унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ...” Назар таваккал қилиб, хаёлига ҳозир келган гапни сўради:

— Султон ака, мен бир нарсага ҳайронман. Сиз ўқишимга ёрдам бермоқчи бўлдингиз, бошимга иш тушганда олдимдан чиқдингиз, ҳозиргина яна кафилликка олдим, дедингиз. Сизда аллақандай каромат борга ўхшайди-ёв.

— Менда каромат нима қилсин, мен ҳам худди сенга ўхшаган оддий одамман, ишга бораман, овқат ейман, дам оламан, бола эркалатаман, бўлганим шу. Ҳамма каромату сир-синоат манавида... — Султон кўкрак чўнтагидан нимқизил муқовали гувоҳномасини чиқарди. — Ма, ўқи, агар энди қароқчиликни қўйган бўлсанг, қайтариб берарсан.

Унинг муқовадаги: “Ўзбекистон ССР Олий Совети”, деган зарҳал ҳарфлар битилган ёзувга кўзи тушди.

— Депутат экансиз-ку?

— Шундай, иним, яқинда яна қайта сайлашмоқчи... Бунинг ҳурмат-эътибори зўр бўлгани билан, вазифаси огир экан. Анчагача маънисини билмай юрдим. Бир куни Устюртнинг ғарбий районларидан бирида ишлаётгандик, шунда аллақандай одам уч юзгача қўйини бизнинг участкага бостириб ҳайдаб келиб: “Хў-ўй, орангизда Султон деган одам борма?” деб қичқирса бўладими. Югуриб олдига чиқдим. Қўйлари вагонларни оралаб, ёйилиб кетган. Чўпон эса, узоқдан таёғини ўқталиб келмоқда эди.

— Ҳей бола, — деди у менга яқинлашаркан, — шу даштдаям ҳукумат борма ё йўқма?

— Бор-ку, оқсоқол, тинчликми ўзи? — деб сўрадим шошганимдан нима дейишни билмай.

— Ўша ҳукумат сенмисан?

— Йўғ-э, оқсоқол, ўзларингиздан зўрроқ ҳукумат борми?

— Сени шу ернинг халқи сайлаб қўйган амалдор, деб эшитдим. Агар шу гап рост бўлса, манави таёқ билан ҳозирнинг ўзида бошингни ёраман.

— И-е, мен нима гуноҳ қилдим? — дедим кекса чўпоннинг важоҳатидан аъзойи-баданим қалтираб.

— Мен ўтгиз олти йилдан бери давлатнинг қўйини боқаман, анави Ўсарбойнинг қўлига таёқ ушлаганига ҳали уч йилам бўлгани йўқ. Тунов куни, районда мошин тақсимлаганда, нега менинг ҳақимни унга бердинг?

— Ахир, тушунсангиз-чи, мен машина-пашина тақсимлаганим йўқ-ку?

— Мени аҳмоқ қип бўлсан, етти қават ер остида илон қимирласа биламан. Ҳаммангнинг тилинг бир. Ўсарбой дириктирнинг оғайнисини бўлгани учун унга мошин бергансан. Ма, ол! Энди қўй ҳам, таёқ ҳам сеники, қандай боқсанг шундай боқ. Қартайганда кўрган кенжағойим эл қатори мошин миниб, изимдан хабар олиб турар, деб ўйловдим, энди ҳеч ниманинг кераги йўқ...

Чўпонга нима дейишни билмай бошим қотиб турганда, хайриятки, бахтимга йигитлардан хабар олишга келган экспедициямиз партия ташкилоти котиби жонимга ора кирди. У вазиятни суриштириб, менга:

— Оқсоқолнинг гапида жон бор, улар депутатликка сайлашдимиз, демак, сен ёрдам беришинг керак, — деди.

— Менинг қўлимдан нима ҳам келарди?

— Қани, юр-чи, мен нима десам, сен рациядан шуни такрорлаб турасан, — деди у.

Сўнг чолни тинчлантириб, бизни ичкарига бошлади. Котиб жуда уддабурон одам экан, у рация орқали тўппа-тўғри вазирлик билан боғланди-да, тўшакни менга берди. Мен котиб айтганларини такрорлаб турдим. Бу ишнинг натижаси ҳайрон қоларли эди: вазирликдан уч кун ичида чолга “Узик” берадиган бўлишди... Бечора чўпон қайта-қайта раҳмат айтиб кетган эди, беш кундан кейин иккита қўй етаклаб келди.

— Уйга опкетай десам, бари бир боролмайсизлар, ўтовим бу ердан саксон чақиримча келади... Манави, бизнинг уйдан тотган туз-намак бўлсин, сўйиб енглар. Кенжатоим кеча яп-янги мошин миниб келди, — деди чол қувонганидан терисига сигмай.

Ана шундай — халқнинг, халқ ишонган одамнинг сўзи — агар у ҳақиқатга қаратилган бўлса — ҳар қандай вазиятда ва ҳар гал инобатга олинишини билганман, иним.

Ҳали борайлик, азамат йигит, сениям ўша котиб билан таништираман...

Султон гапини тамом қилишини кутгандек, такси боғ рўпарасида “гийқ” этиб тўхтади.

... Улар тамадди қилиб бўлишгач, Назар уйга юринг, деб шунча қистамасин, Султон унамади.

— Бир кун бўлсаям, сен келин билан фарзандингни кўриб, меҳрингни қондириб ол, — деди у Назарни кучоқлаб хайрлашаркан. — Ўзим азонда келиб опкетаман, ухлаб қолма тагин, самолётдан кечикамиз.

* * *

Лола онаси билан жанжаллашавериб, роса ҳолдан тойган эди. Лекин у ён бермади, кўрган-билганим Назар, энди бизни тобугдан бошқа ҳеч нарса ажратолмайди, деб қаттиқ туриб олди. Кампир ҳам, бари бир сўзи синишини сездимиз, охири, “майли, қароғим, ўзинг биласан, лекин қариган чоғимда сендан бўлак оғзимга сув томизадиган фарзандим йўқ”, дедию қўйди. Лолага айниқса, онасининг сўнгги гапи қаттиқ таъсир қилганди. Ростини айтганда, унинг қариб-чуриган ота-онасини ташлаб, узоққа кетиш нияти йўқ эди, фақат улар Назарни кутишга халақит бермаса бўлди. Икки марта кўрпа-тўшагини янгилаб, икковидан ҳам хузур-ҳаловат топмаган аёлни ниятидан қайтариш осон эмасди. Одатда, бошига шундай кўргулик тушган аёлларнинг айтгани-айтган, дегани-деган...

Эшикнинг оҳиста очилиб, даҳлизда Назарнинг пайдо бўлиши опхонадан чиқиб келаётган Лолага яшин теккандан баттар таъсир қилди. У бир оз ҳушини йўқотиб турди-ю, сўнг ғойибдан келган куч билан бир сакраб, ўзини эрининг бағрига отди. Сал нарида ёқасига туғлаб, ағрайиб қараб турган онасидан ҳам торгинмай-нетмай, Назарнинг кучоғида тўлганиб, бўйнига осилган қўйи хўнграб йиғлай берди... Назарга, гарчи Лоланинг пахтадай момиқ сийнаси хуш ёқаётган бўлса-да, шарму ҳаё дегандек, қайнонасида уялди, хотинини бағрига босиб ўпмади. У Лоланинг елкасидан ушлаб, ўзидан нари итараркан:

— Тўхтасанг-чи, Лола, опам билан ҳам саломлашай, ахир, — деб юзини юзига суйкаб йиғлаётган хотинининг кучоғидан сирғалиб чиқиб, кампирнинг қўлини олди. Кампир истар-истамас саломлашди-да, тумтайганча хонага кириб кетди. Лола яна ўзини Назарнинг кучоғига отди...

Унганда қизини олиб беришганда юраги ҳаприқиб, вужудини гаройиб бир туйғу қамраб олди. Бу — муқаддас оталик туйғуси эди. Қўғир-чоқдеккина қизалоғининг типирчилаётган оёқчаларини меҳри товланиб, узоқ

сийпалади, аллақандай тотли ҳис беихтиёр аъзойи баданига қаймоқдай қуйилди. Ота бўлишдек муқаддас бахтдан илк бор роҳатланаётган кишига тўнғич зурриётининг беозор кулгиси, ҳар бир хатти-ҳаракати гаройиб туюлади. Жамила ҳам, аввал отасига бир оз ётсирагандай тикилиб турди-ю, лекин Назарнинг қилиқларини кўриб, қиқирлаб кулиб юборди... Бола кулса, ота-она шод бўлади, уйга ажиб бир тароват инади; лекин шу топда, қизалоғининг қиқирлаши Назарнинг вужуд-вужудини сирқиратиб юборди, у маъсуманинг олдида ўзини алланечук айбдор сезган эди...

Кампир ошхонада ётди. Эр-хотин тонг отгунча мижжа қоқишмади.

— Сулгон оға мени кафилликка олиб, уч йил Устюртда ишлашимга рухсат сўрабди, азонда учамиз... — деди Назар Лоланинг қулоғига шивирлаб: — Борганимдан кейин хат ёзаман, балки сен билан Устюртда учрашармиз?

— Мен-ку, боролмайман, Назар, — деди Лола, унинг юзидан “чўлш” этказиб ўпиб, — шундоғам ота-онамнинг гапига кирмай, Тошкентда қоляпман, фақат сен учун, жоним...

— Менга турмушга чиққанингда ота-онанг қаршимми?

— Қаршиликка қарши эмаску-я, бироқ икковимизнинг бахтли оила қуришимизга уларнинг кўзи етмайди...

Назар бу гапга чурқ этмади.

— Хўш, ўзинг-чи, ўзингнинг кўзинг етадимми? — сўради Лола Назарнинг ўсган соқолларини оҳиста силаркан, тўшақда белини атай билтанглатиб. — Қаерда юрсанг ҳам, тирик бўлсанг бўлди, мен учун энг катта бахт шу!

— Келажакда нима бўлишини билганимизда эди, ёмон йўлга асло қадам қўймасдик, — деди Назар Лолани кучоғидан ажратиб. — Балки турмушимиз изга тушиб кетар... Ким билади, агар менинг аҳволим шу бўлса, бахт тўғрисида сўз очишнинг ўзи катта гуноҳ.

— Нега, ора-чорада учрашиб туришимизга рухсат берилмайдими?

— У ёғини билмадим... ҳар қалай, бир жойда кўзингдан осилиб ётгандан кўра, ишлаганинг минг марта афзал эди. Уч ой бадалида бутун умримга етадиган сабоқ олдим, одамларга саховат кўрсатиш, ишонч чегараси, хуллас, кўп нарсаларни тушуниб етдим.

— Устюртда қизлар кўпдир?

— Нега, қизганяпсанми?

— Бўлмаса қизганмайинми, қизлар кўп жойда ишлама, ундан кўра, мен учун қамоқда ётганинг тинчроқ...

Назар Лоланинг ярим ҳазил, ярим чин сўзига мийиғида кулиб:

— Сулгон аканинг айтиши бўйича, бригада шигил эркаклардан иборатга ўхшайди. Ахир, аёллар сахро азобига чидармиди...

— Сизлар чидаган жойда биз ҳам бардош берамиз, қайтага, эркаклар эртанги кунни ўйламай, “қорин тўқ, қайғу йўқ”, деб юраверишади...

— Лола, мени ростдан севасанми?

— Жонимдан ҳам ортиқ...

— Унда ишга жойлашиб олганимдан кейин Сулгон акага айтиб, Қўнғиротдан ижарага уй суриштираман, ортимдан кўчиб борасан.

Лола Назардан бундай чўрткесар гапни кутмаганди, беихтиёр онасини кўз олдига келтирди. “Агар бизни ўз ҳолимизга ташлаб кетсанг, деб ер муштлаб қарганган эди кампир, у дунёи бу дунё берган оқ сутимга рози эмасман. Ишқилиб, ўша саёқнинг ортидан эргашиб кетмасанг гўрга эди”.

— Мен у ёққа боролмайман, Назар, — деди Лола, — ота-онамдан узоққа кетишим қийин... Сен келишнинг иложини тополмасанг, ўзим уч-тўрт ойда бориб тураман. Тошкентга ўрганиб қолганман...

— Бу ишинг яхшику-я, лекин уч йил жуда узоқ муддат, — деди Назар чуқур уф тортиб.

— Уч йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади, мен кутаман, суратингни тепамга осиб қўяман, жоним, — деб Лола уни эҳтирос билан кучоғига тортиди.

Назар беихтиёр Гулжонни эслади...

— Айтганча, Гулжон қаерда?

— Тўқимачилик комбинатига ишга кирди, ишчи-қизлар ётоқхонасига жой-

лашди. Энди, ишдан ажралмаган ҳолда ўқимоқчи. Кеча келиши керак эди, бирон иши чиқиб қолдими, негадир келмади...

— Менинг Устюртга кетганимни унга айтмай қўяқол, овулга етказмасин, тагин... Ўзинг юриш-туришидан кўз-қулоқ бўлиб тур.

Уларнинг шивир-шивир суҳбатини соатнинг жиринглаши бўлиб юборди...

Ташқаридан машинанинг устма-уст ду-дулагани эшитилди. Лекин улар, бешиқдаги чақалоқ уйғониб, биғиллаб йиғлайвергачина зўрға ўринларидан туришди. Назар юз-кўлини ювиб улгурган ҳам эдики, эшик тақиллади.

— Бўла қол, кетдик! — деди Султон ичкарига кириб.

— Кетдик! — қувонч билан хитоб қилди Назар.

— Мен қизалоқни кўриб чиқай, — деди Султон Лолага. — Қани, келин, қизингиз билан нон-тузингизни опчиқинг, вақтимиз зиқ.

У нонга оғиз теккизган бўлди-да, Жамиланинг оғзига бир-икки туфлаб, шоша-пиша ташқарига чиқиб кетди.

— Сен ҳам кўриб кет, — деди Лола қизини кийиниб, йўлга шай бўлиб турган Назарнинг қўлига тутқазаркан.

— Лола, — деди Назар бир оздан сўнг тилга кириб, — чўнтагимда ҳемири йўқ, пулинг борми?

— Жамиланинг нафақасини сақлаб қўйганман, ҳозир опчиқаман, — Лола шундай деб, ичкарига кириб кетди.

— Мана, икки юз қирқ сўм, олавер, йўлда керак бўлади...

Назар пулдан юз сўм санаб олиб, қолганини қайтариб берди:

— Ойлик олсам, албатта юбораман... — деди у томоғига алланима тикилгандай, овози бўғилиб.

— Омон бўл, хат ёз! — деди Лола эрини машинага кузатаётиб.

— Келин, биз кетдик, омон бўлинг! — деди Султон жилмайиб кабинанинг эшигини ёпаркан.

Лола, рўмоли шаҳарнинг тонгги шабадасида ҳилпираганча, машинанинг ортидан узоқ тикилиб қолди...

Тамом.

*Хўжайли—Нукус—Переделькино,
1981-1984 йиллар.*

*Қорақалтоқчадан
Мансур ТЕНГЛАШЕВ
таржимаси.*



МАХТУМҚУЛИ

Мард йигитлар баҳоси

ЕЛДИМ ДЕ

Дунё кўрмай, туткун қолсанг бир кунжда,
Боди пойдек ер юзинда елдим де.
Чин-Мочинда, Румда, Ҳинда, Ҳабашда
Бўлган-бўлур хунарларни билдим де.

Оч бўлсанг ҳам борма ёмон тилакка,
Де, кўшқдаман, бошим етмиш фалакка!
Чўлда қолсанг, ҳеч топмайин кўланка,
Эрам боғи ичра ғамсиз қолдим де.

Ош кўрганда, ўзинг отма тулганиб,
Оч бўлсанг ҳам, юрма номинг булганиб,
Зарлар тўкиб, чин гулларга чулганиб,
Ёш ўлсанг ҳам, Нуҳ ёшига келдим де.

Муҳтожлигинг ҳақдан ўзга билмасин,
Кўрган кунинг басдир, очдан ўлмасанг,
Ҳинди каби йиртиқ-ямоқ бўлсанг ҳам,
Подшолик кунларга етдим де.

Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,
Боқ, улардан не ном қолди, не нишон!
Ташна қолиб, жойинг бўлса биёбон,
Дарё ичра мен Искандар бўлдим де.

Йўлдош бўлсанг тил билмаган гўл билан,
Ётсанг илон тўла жангал чўл билан,
Юз минг қирчиллаган мард — норғул билан
Ҳорун хазинасин қўлга олдим де.

Махтумқули, чексанг жафо-жабр, бил,
Худога хуш келар шукр-сабр, бил,
Қилча жонга қизил танни қабр бил,
Қизил тилинг сўзлар экан ўлдим де.

ЙИРОҚ АЙЛА ҶЗИНГНИ

Далли кўнглим, суҳбати йўқ, бетавфиқ
 Номардлардан йироқ айла ўзингни.
 Суйганни суй, суйган билан бўл рафиқ,
 Суймагандан йироқ айла ўзингни.

Номард қайга борса, хизмат битирмас,
 Мард йигитлар баҳосини йипирмас,
 Нодонга сир айтсанг, ичида турмас,
 Сирдош бўлма, йироқ айла ўзингни.

Ёмон киши зар берсанг ҳам, хос бўлмас,
 Жонингнию бахш этсанг ҳамки рост бўлмас,
 Бўйнинг эгиб арз этсанг-да дўст бўлмас,
 Сархуш бўлма, йироқ айла ўзингни.

Махтумқули, бардош айлагил дардга,
 Жоним қурбон бўлсин ҳар танги, мардга,
 Оғзи қулган, қалби бузуқ номардга,
 Яқин бўлма, йироқ айла ўзингни.

ҒАРИБЛИК

Фалак, сендан бир шикоят айлайин,
 Кун-кундан бенаво қилди ғариблик.
 Будир арзи ҳолим, сенга айтайин,
 Ақдим олиб, бағрим тилди ғариблик.

Бировдан тилаган бир арзинг битмас,
 Бу кўнгили орзуси ҳеч ерга етмас,
 Ҳолинга раҳм этиб, бойлар қўл тутмас,
 Йўлимни гурбатта солди ғариблик.

Бойлик — қўлнинг кири, ювилса кетар,
 Ғариб учун очлик ўлимдан баттар,
 Борлар қўл узатса ҳар ёнга етар,
 Ҳасратнинг зангини чалди ғариблик.

Тенг-тўшни кўрганда бурилар юзинг,
 Йўқсизлигинг англаб, термулар кўзинг,
 Сўзинг элга сизмас, “эсар” сан ўзинг,
 Хатарли кунларга тўлди ғариблик.

Бойларнинг эшиги берк, қулфлоглидир,
 “Оч!” дейсан, очилмас, банддир, боғлидир,
 Тилинг қисик мудом, юрак доғлидир,
 Уятни, ҳаёни олди ғариблик.

Махтумқули, кўнгли ғамли бўлмагил,
 Олю исмин зинҳор дилдан қўймагил,
 Нокаста бойлардан умид қилмагил,
 Элга келган заҳмат бўлди ғариблик.

БЕЗОР ҚИЛАР ЖОНИНГДАН

Ёмон билан тенг айласанг ўзингни,
Дардинг ортиб, безор қилар жонингдан.
Дўсту ёрдан узма меҳр кўзингни,
Не иш тутсанг, ул қувонар ёнингдан.

Қаҳринг тошиб, шод этмагин шайтонни,
Сўзга тушиб, унугмагин раҳмонни,
Фарқ эта бил яхши билан ёмонни,
Ҳар бир гапга жўшиб ёнма қонингдан.

Сабринг бўлса, субҳон етар додингта,
Жангу жадал лойиқ эрмас отингта,
Олаверма ёмон сўзни ёдингта,
Тикон бўлиб туртиб чиқар танингдан.

Барча бўлган ишлар ҳақнинг ишидир,
Ким тан бермас бунга, нодон кишидир,
Бир ёмон сўз худди илон нишидир,
Чақса, заҳри осон чиқмас қонингдан.

Махтумқули, ўткинчидир бу жаҳон,
Мастда ақл бўлмас, муртадда имон,
Оч бўридай шум душманинг бегумон
Ғажиб сени, айиргайдир шонингдан.

Ҳ И Ж Р О Н

Саҳар туриб, қон ёш тўксам кўзимдан,
Мени бир висола етурмас ҳижрон.
Даҳан ичра маъно сочсам сўзимдан,
Муродим ёнима кетурмас ҳижрон.

Тонгдан туриб, ватан, сени чоғларман,
Гулшанли сарчаман дея йиғларман,
Хўшлашиб, бу мискин жонни тиғларман,
Мақсуд — тилагимни битурмас ҳижрон.

Фирогий, ватан деб қон тўкар кўзим,
Боқий қараб турар ҳижрона юзим,
Биродарлар, қайда қолдим бир ўзим?
Мени бу дунёдан ўгирмас ҳижрон.

ЕЛИ ГУРГОННИНГ

Ўнги баланд тоғ, тумандир пойи,
Денгиздан эсади ели Гургоннинг.
Булут ўйнаб, ёмғирга тўлса сойи,
Оқар бўз буланиб сели Гургоннинг.

Тўқайлари бордир сарву қамишли,
Гўзаллари бордир олгин, кумушли,
Қўй-қўзи, йилқили, қора говмишли —
Яйловга тўладир моли Гургоннинг.

Қатор-қатор юрар неча моялар,
Тужжор эгаларга эрур соялар,
Қад чекиб, гердайиб турган қоялар —
Ҳнгу орти, соғу сўли Гургоннинг.

Йигитлар тирманар тоғлар белига,
Йўрға миниб, тарлон олар қўлига,
Оқ чорлоқ тўш урад денгиз елига,
Мароллар маскани чўли Гургоннинг.

Махтумқули, элдан элга оралар,
Ҳижрон тиғи билан бағрин поралар,
Бунда ўсган марол қабоқ парилар
Дилрабо, дилкушо гули Гургоннинг.

БИЛИНАР

Ҳар боши сочлини хотин деманглар,
Яхши хотин сиёғидан билинар.
Чирк этмагай ўғлонини, ўзини,
Қоши, кўзи, қовоғидан билинар.

Бир пора хотинлар ақлсиз, аҳмоқ,
Ҳар сўзи эрининг жонини ёқмоқ,
Не ҳожатдир эрин юзига боқмоқ,
Ҳайвон эрур, қилиғидан билинар.

Ёмон хотин манглай сочи тўп бўлар,
Гапирганда ёмон сўзи кўп бўлар,
Эшигин олдида тиздан чўп бўлар,
Кулга тўлган ўчоғидан билинар.

Таърифин айтганда яхши жононнинг,
Яхшининг қадрини билгил ҳар онинг,
Тайиндир келанга ош билан нонинг,
Чин кайвони сачоғидан билинар.

Яхши хотин кулар эрин юзига,
Минг жон қурбон ҳар бир айтган сўзига,
Ором берар даргоҳига, ўзига,
Қозонидан, товоғидан билинар.

Махтумқули, қўлинг чеккил ҳаромдан,
Имонингта нуқсон етар ҳар ёндан,
Яхшилиқни умид этма ёмондан,
Бўлар ўғлон ёш чоғидан билинар.

ЮРМОҚЛИК БЎЛДИ

Эй, ёронлар, муслмонлар,
Жабрда юрмоқлик бўлди.
Неча заҳмат чеккан жонлар
Жафони кўрмоқлик бўлди.

Жаҳон кенгдир, маломат кон,
Ўртада кўйди ширин жон,
Устимизда раҳмсиз хон,
Бил, ахир, урмоқлик бўлди.

Билмай бечораҳолларни,
Ўтказди зулми золларни,
Сурди қўю бор молларни,
Кўз тикиб турмоқлик бўлди.

Махтумқули, аяма жон,
Белинг боғла, киргил майдон,
Ҳаддан ошди бу золим хон,
Ахир, дор қурмоқлик бўлди.

ЖОНИ БЎЛМАСА

Одам ўели қуруқ тупроқ,
Тан ичра жони бўлмаса.
Қора тоғдан қиммат қочар,
Сели, тумани бўлмаса.

Ризқин излаб қушлар учар,
Биров арақ, шароб ичар,
Иқбол кетар, давлат қочар,
Элнинг азони бўлмаса.

Ҳар йигитда бўлса ғайрат,
Бошин эгар унга қудрат,
Бодом қовоқ, гўзал сийрат —
Хунук, имони бўлмаса.

Ҳар бир йигит уйда хондир,
Номард — йигитмас, илондир,
Пирлар, сўфилар нодондир,
Қўлда қурьони бўлмаса.

Узоқдир биз юрган йўллар,
Ҳайрат ичра ёзиқ қўллар,
Бемаънодир юзда холлар,
Мажнун ўғлони бўлмаса.

Махтумқули ҳайрон яшар,
Мажнундек Нажд тоққа ошар,
Улуғ эллар тўзар, тошар,
Мардона хони бўлмаса.

КЕТИБ БОРАДИР

Мол-дунёга ҳирс қўйманг, эй ёронлар,
Кимга келиб, кимдан кетиб борадир.
Искандар мисоли даврон сурганлар
Навбат билан бир-бир ўтиб борадир.

Бировни бой этди, бировни гадой,
Не қилса эрки бор ул қодир худой,
Бировнинг муродини бериб, ҳонаҳой,
Биров ҳам шаробин ютиб борадир.

Бировга берибдир қайгу-ғам, меҳнат,
Умрида бир замон кўрмади ишрат,
Бировга этибдир номардни улфат,
“Хув” деб, унинг умри ўтиб борадир.

Бировнинг бошида кўндир армони,
Қайгу, меҳнат билан чиқадир жони,
Бир яхшига қўшиб битта ёмонни,
Дунёдан ноилож кетиб борадир.

Нечалар йиғлайди мақсудин топмай,
Нечалар оҳ урар оғзини ёпмай,
Бир ёби байроқни оладир чопмай,
Бир бедов бош эгиб қайтиб борадир.

Дунё ишларидан этма андиша,
Сабр эт балосига, дард келса неча,
Йиғлаб, қайгу билан юрма ҳамиша,
Ажал кўли ёқанг тутиб борадир.

Худога қул бўлинг, расули уммат,
Махтумқули айтур шундоқ насихат,
Билсангиз, дунёнинг бариси ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.

*Туркман тилидан
Жуманиёз ЖАББОРОВ
таржималари.*



Владимир ОГНЕВ

Гуржистон хотиралари

Мен турли сабаблар билан Гуржистонга тез-тез бориб турардим. Шу жумладан, юбилейларга қатнашгани ҳам борардим.

... Тун. Кахетия. Машиналар тирбанд. Водийни қоплаган туман шароблар қайнаётган қозонлардан чиқаётган буғ билан аралашиб кетган. Машина бузилиб қолди. Бизларни дуч келган йўловчи машиналарга тикиштиришади. Мени ўтказишган автобус милицияники экан. Хушрўй полковник менга қараб бир йўталиб кўйди-да, кўлидаги алоқа ашпаратига гапиришда давом этди:

— Аллю, Вахтанг... Яъни “Рифма”, мени эшитяпсанми? “Сонэт” гапирапти. Юришда давом этамиз!

Автобус чироғига, деразаларига парвоналар келиб урилаяпти. “Сонэт” салониди яхши коньяк ҳиди анқийди.

Тбилисида бўлса муҳташам зал, ясан-тусан кийинган кишилар, шеърят кечаси. Рус ва гуржи тилларида шеърлар янграйди, эҳтиросли нутқлар сўзланади. Ҳамма хурсанд, ҳаётдан, бир-биридан, ўзидан кўнгли тўқ. Кўшиқлар кўшиққа, куйга уланади.

Руставели юбилейида, Бараташвили юбилейида ҳам шундай. Ана шундай сафарларимдан бирида Маяковский байрамида қатнашдим.

Шеварнадзе Россия ва Гуржистон санъаткорларининг дўстлиги ҳақида гапирди. Бирдан хушёр торгдим. Менинг фамилиямни мен учун муқаддас бўлган одамлар билан бир сафга қўйиб гапирди-я! Тупсунарли — ҳурмат юзасидан. Лекин, барибир кўнглим кўтарилди. Россияда қатор дўстларимга бошқача қарашади. Бу ерда “бюрократия”ни четлаб ўтишади.

Бунинг фарқи бор — жиддий фарқ, албатта. Айни пайтда бу санъатта чексиз муҳаббат белгиси ҳамдир.

Ҳа, агар бирор жойда сифат талаби қолган бўлса у ҳам Гуржистондадир.

К.Симонов буни жуда яхши илғаб олди, “Литературная Грузия” асосида республикалараро адабий журнал ташкил этди. Собиқ СССР ҳудудларида чиқувчи “Сибирские огни”, “Урал”, “Памир”, “Звезда Востока” сингари барча юпқа ва ярим қалин журналлар орасида фақат “Литературная Грузия”гина Россиянинг энг яхши санъаткорларига бошпана берди. Г.Маргвелашвили, Э.Елигулашвили, Г.Асатиани санъат байроғини баланд тутдилар ва Москвада қандай бўрон турмасин, уни кўлларидан туширмадилар. Қадимги маданият мамлақати бўлган Гуржистон Россия, Фарб ва дунёнинг бошқа маданиятлари билан дўстлик ришталарини мардона асрай олди. Фақат Гуржистондагина ноёб жамоат маркази — хорижий адабий алоқалар комиссияси тузилган эди. Унинг теласида ажойиб, доно инсон — Отар Нодия турарди. Пишунда ва Гаграда гуржи адабиёти бўйича қатор семинарлар ана шу кишининг ташаббуси билан ўтказилган эди. Тбилисидаги қадимий тоқи-равоқда биз, Гуржистон дўстлари, муштарак ишлар — нашриёт, таржима зарурати билан жуда кўп бўлганмиз.

Шкловский айтгандай, “ана шундай”.

Бир сафар Э.А.Шеварднадзе К.Симонов билан мени Руставели шоҳқўчасидаги “катта уй”га таклиф қилди. (Унинг кенг зинапояси кейинчалик С.Эйзенштейн фильмида Одесса зинапояси сингари машҳур бўлиб кетади. Ўша ерда миллий гурур ҳимоячиларининг беғуноҳ қони тўкилади. “Сапёр белкураги кечаси” деган машҳур кеча ўша ерда содир бўлади... Кейинчалик биринчи мустақил “Нерв” киностудиясида шу ҳақда яратилган ҳужжатли фильмда мен ҳам иштирок этгандим.)

“Ана шундай”...

Шеварднадзе бизни мўъжазгина хонада қабул қилди. Ёз иссиқ, дераза очик ва хонага машиналарнинг шовқини бостириб кирарди. Эдуард Амвросиевич жуда секин гапирарди. Симонов стулини яқинроқ суриб унга соғлом қулогини тутди (бошқаси урушдан буён яхши эшитмайдиган бўлиб қолганди). Мен тортинганим учун Э.А. нима гапирганини зўрға тушунардим.

Гап эса янги журнал ҳақида борарди.

Журнал “Литературная Грузия”нинг юксак анъаналарини давом эттириши, уни умумиттифоқ даражасига олиб чиқиши керак эди. Буни журналнинг байналминал характери билан уйғунлаштириш осон эмасди. Гап шу ҳақда эди.

Симонов менга гуржилардан бўладиган муҳаррир билан бир қаторда янги нашрнинг ҳаммуҳаррири сифатида қарарди. Шеварднадзе журналнинг ғоясини маъқуллади, лекин аниқ бир жавоб айтмади.

Биз Константин Михайлович билан Руставели шоҳқўчаси бўйлаб борарканмиз, мен ундан нега Шеварднадзе масалани дарҳол ҳал қила қолмади, деб сўрадим. Мен тушунолмади қолдим — у бу ғояга тарафдорми ёки қаршими? Константин Михайлович жилмайди:

— Ҳали кўп нарсани ўрганишингиз керак. Катта кишиларни тушуна билмоқ керак бўлади. Мен, масалан, у биз билан эканига ишонч ҳосил қилдим. Лекин нозик бир томони бор. Сийсий Бюронинг бошқа миллий вакиллари бунга қандай қарашаркан?

— Сийсий Бюро? Намунча юксак?

— Ҳа, Володя. Сиз ҳали ҳаётни ўрганишингиз керак бўлади, — Симонов кулди. “Ҳаётни ўрганиш” — бу ҳар иккаламизга тушунарли сўз ўйини эди.

Менга МКда ғоявий “адашишлар” учун ҳужум бошланган бир пайтда, мен хизмат қилаётган “Литгазета” элчиллик қилди — мени кўриққа узоқ муддатга мухбир қилиб ишга жўнатди.

Ҳокимият учун курашда ютқазиб қўйган гуруҳни қўллаб-қувватлаб хатога йўл қўйгани туфайли МКга номзодликдан чиқарилган Симонов узоқ вақт Тошкент яқинида “ҳаётни ўрганган” эди.

“Ҳаётни ўрганиш” бизлар учун бир чеккада “жим юриш” эди.

Янги журнал муносабати билан Симонов менга жим юришни таклиф этди. Шеварднадзе билан учрашувимизни ҳам вақтинча унутишга тўғри келарди.

Мен унутдим. Умуман унутишга ҳаракат қилдим.

* * *

Ён дафтгаримда қисқа ва шошилишч қайдлар (1968 й): М.Чиатурели ҳузурида — Гия, Люба, Резо Габриадзе... 18 август. — Мцхет. “Марани”. Думбадзе, Кетавани, Бесо Жгенти, Ламара ва Григол Абашидзе. Кечкурун — Григолникида “қаҳвахўрлик.” “Қаҳва” — қизил ва оқ рангда, ҳарорати “Марани” каби. 19 август — Ираклий Абашидзе ҳузурида. 20 август. Гия Дanelия отасининг қариндошлариникида... 21 август — Цхетияда Асатиани меҳмонимиз. 22 август — Ладо Гудиашвили ҳузурида. 23 август — Гия Маргвелашвили”.

Мени Гудиашвили уйига ким бошлаб боргани эсимда йўқ. У ерда Надя билан бирга бўлди. Ёқимтой, кичкинагина, ўта меҳмондўст Ладо ҳаракатчан ва қувноқ.

Кириб борганимизда иш устида экан:

— Ҳозир, бир дақиқа. Иккитагина чизги. Бу врачга гонорар. У бир соатдан сўнг келади. Бўлди. Тамом.

Оқ қоғоз узра — узун сочли қиз боши. Бир кўз. Профил.

Улкан зал — фақат картиналар, расмлар. Деразалар баланд-баланд. Мебел, жавон деган нарсa кўринмайди. Оила бошқа икки кичик хонага жойлашибди.

— Бу ерда Пушкиннинг ўзи юрган, дейди ейилиб кетган паркетга ишора қилиб. — Нима, ишонмайсизми? Жуда қадимий уй, эски паркет... Мана бу девор-чи — ўзимга алам қилади... Тарихни билмайсизми? Бу ерда Тициан, Паоло, Пастернак дастхат ёзиб қолдиришган... мен кўрқиб кетдим. Қатагон бошланганди-да... Бериядан кўрқдим. Дўстимни чақирдим — кечаси билан суваб, оқлаб чиқдик, гилам илиб қўйдик. Ўзимни ҳечам кечирмайман. Кейин сувоғини кўчиришга уриниб кўрдик. Сарғайган газеталар қолди, расмлар, дастхатлар ўчиб кетди...

Альбомни кўрсатади. Унда Пастернакнинг дастхати, таниш кўл.

“Сизни кўргани келсам, оддий иш кунлари ҳам байрамга айланади, сиз билан ўтказган дамларим бошқа вақт ойларига, бошқа асрга ўхшайди. Сиз билан учрашганимнинг кейинги куни бўлиб ўтганлар тушдек туюлади менга. Юракнинг ягона, ҳеч қандай хазина билан қиёслаб бўлмайдиган бойлиги — санъат ҳамиша баланд бўлиб, тушга ўхшаб туриши керак”.

На силкиниш, на тўнтаришлар
Янги ҳаёт учун очолмайди йўл.
Асл самимият, қалб ҳарорати,
Илиқлик бағишлар дилларга нукул.

Рассом Пастернак ҳақида жўшиб гапирди — ростдан ҳам унга ҳамма нарсa ёқарди, мен қилаётган ишларнинг ҳаммаси маъқул келарди. У носамимий бўлолмасди... У каттагина гўдак эди.

Ўз ишларини кўрсатади. Деворга осиеликларини ҳам, катта папкалардагини ҳам.

Суҳбатимиз, албатта, унинг ижоди ҳақида, шеърят ва шоирлар ҳақида давом этарди. Айниқса, Пиромани ҳақида гапиришдан чарчамасди, мезбон уни билар ва яхши кўрарди.

Мен Иракий Абашидзенинг янги дала ҳовлиси, унинг улкан шароб хуми бор ертўласи ҳақида гапирман.

Унинг ертўласи деворлари дўстларининг дастхатлари билан тўлиб кетган. Мен — гуржича “Огнев” нима бўлади, деб сўрайман. “Цецхладзе”, — дейди Гудиашвили кулиб, кейин қўшиб қўяди:

— Сен ҳам — Ладо! Ладо Цецхладзе — сенинг исми фамилиянг шундай таржима қилинади.

Маросим зиёфатидан сўнг бизларга рангли буклетларга дилкаш дастхатлар ёзади.

Қизиқ бир ҳолат бўлганди, бунга мени Карло Каладзе тайёрлаб қўйганди:

— Агар сен унга ёқиб қолсанг, бирор нарсасини сенга совға сифатида таклиф этади. Олмаганинг маъқул. Сотмайди ҳам.

Жуда галати-да Карло. Албатта, олмайман.

Ё мен Ладога ёқмадим, ёки дарҳол буклетини сўраганим учунми, совға ҳақида гап ҳам бўлмади.

Рассом ҳар иккаламизни ҳам бағрига босди-да, самимий кузатиб қўйди.

Карло ҳайратланиб, кўл силтади:

— Бўлиши мумкин эмас!

Бунни қаранки, у менинг Гудиашвилига ёқишимга шубҳа қилмаган экан. Расмни ола қолгин деб мени кўндиришга уринади деб ўйлаган экан. Карлонинг кайфияти бузилди. Кейин мени овутиш учун бўлса керак, шундай деди:

— Гудиашвили ҳеч кимга ҳеч нарсa сотмайди, туҳфа қилмайди ҳам. Ана шундай! Қани, Гуржистоннинг буюк рассоми учун ичайлик! Борис Леонидович учун! Буюк...

Сулув Гулнора эрининг жўшқин нутқини бўлди:

— Карло, азизим, музейга кечикаяпмиз. Кейин, азизим, кейин! Грузия санъати тарихи музейи заҳираларини кўриш хаёлимга ҳам келмаганди. Муҳта-

рама Гулнора хоним музей ертўлаларида мени уч соатча етаклаб юрди. Мен Пиросманининг ҳамма тасвирларини кўрдим. Турли-туман санамлар, расмлар, чизмалар, буюмлар. Ҳар бири бир ҳаяжон солади юракка! Гоҳ Гулнора тушунтиради. Гоҳ ўзим жўшиб сўзлайман.

Ҳарҳолда муқаддас салжуқий кўзлар, Кахетия ҳақида гапирганим эсимда. Кахетиядаги уйлар томида қизиқ тасвирлар бўларди — кийик, овчилар акси кўзга ташланарди. Пиросмани шу жойлардан. Қандайдир боғлиқлик бор, ахир!

Гулнора буюк санъатшунос, жилмайиб қўяди. Унинг шоҳона, нозик гўзаллиги кўзларининг майин, саховатли ёниши билан уйғунлашиб кетарди. У қадимий санъатнинг ажралмас қисмидай туюлди менга.

Сахий ва мунгли бир гўзаллик бор эди Гулноранинг кўзларида! Афёуски кўп яшамди у бу дунёда.

* * *

Бир сафар Тбилисига оғоҳлангирмай учиб бордим муҳмонхонасиз қолдим. Кеч бўлгани учун ҳеч кимни безовта қилгим келмади. Уй сурганча Руставели шоҳқўчасида борарканман, Тенгиз Мирзашвилига дуч келиб қолдим. Бу расом билан мени Григол Абашидзе таништирганди.

— Э, шу ҳам муаммоми? — деди Тенгиз.

— Муҳмонхонанинг нима кераги бор? Устахона турганда!

Ярим соатдан кейин биз каттакон уйга кириб бордик. У ерда расомлар яшашарди. Юқоридаги қаватлардан бирининг деразасидан кечкурунги Тбилисининг жамолини кузатдим. Тенгиз қаёққадир шошаётганди. У менга айрим нарсаларни кўрсатиб, тушунтириб кетди. Ётадиган жой, совутгич тўла озиқ-овқат заҳираси, яна шароб тўла меш ҳам.

Тенгиз ишга тушга яқин келди. Грузияда расомлар ҳам ёзувчилардан фарқ қилишмаскан — уйқудан кечроқ туришаркан.

Мен унинг расм чизишини кузатдим — соатлаб, тагин ичиб ўтираркан гапирар, лекин чизаётган расмдан кўз узмасди. У бир-бирига ўхшаш манзаралар чизарди. Расмларидан иккитасини менга совға қилди. Мен ўзимнинг Гуржистонда ёзган китобим “Тунги сайр”да у ҳақда, туғма истеълод соҳибаси — ёш тушинлар шоираси ҳақида ёзганман. Тенгиз унинг галати шеърларини менга таржима қилаб берганди. Унинг шеърини лавҳалари сирлилиги ва чексиз мунглилиги нимаси биландир Мирзашвили манзараларида ўхшаб кетарди.

Ажойиб инсон, камгап ва тийран кўзли бу одам шеърятни севар, унинг тилини тушунарди.

Тенгиз билан ёнма-ён, бир йўлакда, менга орқаворотдан таниш бўлган расом Дмитрий Эристави яшарди. У чизган қизчаларнинг нозик қоматларини мен “Огонёк” журналидан қирқиб олгандим. У чизган қизлар Пикассонинг “Шардаги қиз”ига жуда ўхшаб кетарди. Бу ишимдан ўзим ҳам ўнгайсизлангандим.

— Э-э, нимага уяласан, — деди Тенгиз. — Ҳатто ўртоқ Сталиннинг ўзи ҳам “Огонёк”даги расмларни қирқиб олишни яхши кўрган.

— Ўртоқ Сталин ҳам қирқиб олган бўлса, унда бошқа гап, — кулишдик биз. Лекин Дима Эристави билан мен барибир таниша олмадим. У сафарда экан.

* * *

Тенгиз Абуладзе мени бир тамадди қилайлик деб шаҳар чеккасига таклиф этди. Мўъжазгина майхонада, тоза ҳавода барра гўшгни қовуриб келишларини кутарканмиз, тоза шароб ичиб ўтирдик.

Тенгиз ўзининг “Орзу дарахти”, “Ташналик” фильмлари ҳақидаги менинг ҳали эълон қилинмаган мақолаларимни ўқиш билан банд эди. “Мерани” журналида менинг китобим босилиши керак эди. У Кутаисида босмахонага топширилганди.

Биз Гудиашвили ҳақида гаплашдик. Мен Тенгизга кекса уста билан учрашувим ҳақида гапириб бердим. Мени ҳайратга солган бир фактни айтмасдан иложим йўқ эди: расом олий муҳмонлар дастхатлари билан бежаб ташланган

деворни оқлашга буюрган экан — бу Грузияда Берия қатағони йилларида содир бўлганди.

Тенгиз пишлоқ ва кўкат солинган идишни нарироқ сурди-да, стол четини яхшилаб артаркан, сирли жилмайиб қўйди. Кейин қоғозлар жилддонидан бир даста суратларни олиб, олдимга ёйиб ташлади.

Мен лол қолдим.

Кишилар гуруҳи тасвирга туширилган ҳар бир сувратда бир киши яққол кўзга ташланарди. У менга яхши таниш эди. Шуълаланувчи пенсене... шляпасини қулоқларигача тушириб кийган кимса.

Берия!

Бу сувратлар ҳаваскор томонидан олингани шундоққина кўриниб турарди. Уларни шу пайтгача қайси тентак асраган экан?

Абуладзе мен уларни шошилмай, яхшилаб кўздан кечириб кўйиб берди-да, кейин ҳаммасини йиғиштириб олди.

Ушанда мен унинг “Тавба-тазарру” фильми ҳақидаги ниятини билиб олгандим.

Сценария устида иш ҳали бошланмаган эди. Абуладзе фильм ҳақидаги икки вариантдан қайси бирини танлаш хусусида бир тўхтамга келмаган эди. У Берия ҳақида фильм яратмоқчи эди. Лекин уни кўпроқ рамзий ечимни талаб қилувчи умумий ҳаёл жалб қиларди. Зўравонлик, шафқатсизлик, макрнинг тарихий умумлашмасини ифодаламоқчи эди у. Абуладзенинг режаларидан хабари бўлган кишилар орасида мен ҳам бор эдим. Биз Берия мавзусига алоҳида эътибор қаратиш тарафдори эдик.

Тенгиз узоқ сукут сақлади.

— Иккинчи вариант ўтиши мумкин.

— Бу борада иккаласи ҳам гумон, — дедим мен.

Шунда Абуладзе бу хусусда Шеварднадзе билан келишиб кўйганини айтди.

— Фильмни Гуржистонда кўрсатишади. Шунда маълум бўлади. Эдуард Амвросиевич фақат Гуржистон хусусидагина кафолат берди.

У Шеварднадзega ишонарди, мен ҳам. Эсимда, бир вақтлар “Пиросмани” фильми ўтмай қолганда Шеварднадзе жонга ора кирганди.

Тоғ томондан салқин тун эпкини уфурди. Шаҳарга қайтганимизда ой чиққан эди.

* * *

Кундаликда: “1968 йилнинг 16 июли. Михаил Чиаурелининг меҳмонимиз. Гия, онаси ва Люба. Резо ҳам шу ерда”.

Гия — бу Данелия. Люба — унинг рафиқаси, меҳрибон, сахий қалб эгаси. Актриса, юзлаб иккинчи даражали ролларда ўйнаган аёл. Гианинг онаси Мэри негадир сочлари опшоқ бўлишига қарамай, ҳамма уни Мэри деб чақирди. Умуман — менинг муҳаббатим. Ақлли, жафокаш ва истеъдодли аёл. “Грузия-фильм” уни ўз ходимаси деб билади. Унинг Тбилисидаги қариндошлари Мэри олдида бош эгадилар, бениҳоя ҳурмат қиладилар.

Резо — бу Габриадзе. Истеъдодли адиб. Ноёб ҳазил-мутойиба, ҳажв устаси.

Чиаурели — чинакам режиссёр. Геловани унинг кашфиёти. Мушпук билан “халқлар отаси”нинг ўзи бўлади кўяди. Геловани ҳозир бу ерда йўқ, лекин менга, биз билан ёнгоқ мураббосидан кўшиб чой ичаётгандай туюлаверади.

Биз Геловани ҳақида бемалол гаплашиб ўтирибмиз, лекин унинг қаҳрамони ҳақида гап кетса, ҳар бир гапни эҳтиёткорлик билан айтамыз. Чиаурели энг муҳим нарсалар ҳақидаги бугунги гап-сўзларни хуш кўрмайди.

Геловани образга қандай киради? Менинча, муҳими, у бу образдан ҳали ҳам чиқиб кетолгани йўқ. Бир сафар у бу образга киришга таваккал қилди-ю ноилож унда қолиб кетди. Кирди, эшик ёпилди, у чилими билан кўзларини пирширатганча қолаверди...

Шаҳар бўйлаб борарканман, Чиаурелининг ҳикоясини эсладим. Юқори илора девонининг ўрта бўғинидан чиққан ўғри ҳақида эди бу ҳикоя. Уша пайтлар бизнинг тилимизда ҳали “коррупция” сўзи йўқ эди. Содда қилиб айтганда миллионлар иродасини ўғирлаган каттагина ўғри бўлган эди. Ушанда мен янги ҳаёт хўжайинлари ўғирланган бойликларни коррупция ҳақида шовқин-

сурон билан қутқариб қолмоқчи бўлганларигача яшаймиз деб сира ўйламаган эдим. Ҳали, бундай ҳўжайинлар шунақа кўпаядики, “ўгрининг қалпоғи ёна-япти” деган қичқирқ яна миллионлаб дод-войга жўр бўлади ва минглаб қалпоқлар аланга ола бошлайди. Даҳшатли манзара. Гадоёлар гулхани.

Чиаурели келажакка нигоҳ ташламасди. У сукут сақларди, холос.

... Мен бирдан Ю.Олешани эсладим. Ўшанда мен у билан Павленко ҳақида гаплашаётувдим (ҳа, эсладим! кейин айтаман), у Петр Павленко билан кўшиб Чиаурелини сўкиб юборди. Гап “Қасам” ва “Берлиннинг кулаши” ҳақида кет-таётганди. Худди шу фильмларда Геловани мушпути билан жавлон урарди...

“Воқеа” эса шундай бўлган эди. Мен билан Евгений Винокуров Адабиёт институтидан урушда орттирилган сил касаллигимизни даволаш учун жўнатилган эдик. Бу 1949 йили бўлган эди. Ялтада кун жуда иситган пайт. Биз Павленко ҳузурига киришга қарор қилдик. Павленконинг Ялтада вилласи бўлиб, ўша ерда мудом яшар, ҳар замонда пойтахтга бориб турарди. Йўқ, қизиққанамиздан кирганимиз йўқ, менга Павленкога топшириш учун “Правда”дан хат бериб юборишганди. Жуда илтимос қилишгани учун адабнинг дала ҳовлисини зўрға, бир амаллаб топдик. Кулранг гиштдан қурилган каттагина бино экан. Малла уй хизматчиси бизни зўрға киритган каттагина пешайвон, салқингина экан. Салқинда яйраб, уй соҳибини кута бошладик. “Меҳмон қилармикан?” шивирлади шеригим...

Зина тепасида Павленко бизга қараб турарди. У кафанга ўрангандай опшоқ кийиб олганди. Олдимизга тушиб келишга эринмади, хатни олди. Лекин бир пиёла чойга таклиф қилишни ҳаёлига келтирмади. Женя (Винокуров) ичишга сув сўради. Павленко тепага қараб қичқирди: “Ким бор, ёш йигитларга сув беринглар!” Ким дегани бояги малла оқсоч экан. Сув ичгим йўқ эди, зўрға ичдим. Женянинг хафсаласи пир бўлиб хўрсинди. Биз чиқиб кетдик. Совет классиги орқамиздан қўл ситтаб қолди.

... Ўша пайт шов-шувга сабаб бўлган “Бахт” фильмининг бўш сценарийси ва зўрма-зўраки ёзилган нарсаларидан ташқари, Павленконинг, худо ҳаққи, Шомил ҳақида, тоғликлар уруши ҳақида ажойиб очерки бор эди! У яхши ёзишни биларди, лекин тезда айниб қолди. Гарчи тарих ҳам Переделькинодаги Павленко кўчасига Пастернакни жойлаштириб аччиқ ҳазил қилган бўлса-да, Павленкони бунинг учун айблаб бўлмасди...

... Чиаурелиникидан чиқиб кетарканман, Геловани ҳам, Михаил Эдише-рович ҳам, улар учун сценарий ёзган Павленконинг ўзи ҳам бир даврнинг қурбонлари эдилар. Бу давр эса иқтидорли кишиларни ўз ноғорасига ўйна-тишни биларди.

Ўша сафаримиз чоғида Гия Данелия отасининг қариндошлариникида ҳам меҳмон бўлган эдик. Мен рафиқам билан “Рэро” ансамбли ноғорачиси Вахтанг Кикабидзе кўригида қатнашдик. Вахтанг Кикабидзени “Қайғурма” фильмидаги Бенжамен ролига синаб кўришаётган экан. Кейинчалик мен уни телевизор экранида кўрдим. Ноёб истеъдод соҳиби ва дилкаш одам.

* * *

Машҳур хонанда ва киноактёр Вахтанг Кикабидзе хотирлайди (“Дружба народов”. 1998. №-6): “Менга айниқса ёқадиган иккита қаҳрамон бор... Булар — Хемингуэйнинг Моргани ва Толстойнинг Ҳожимуротидир. Мен Ҳожимурот ролини ўйнашни орзу қилардим. Шунини ўйнасам, кейин кинога тушмасам ҳам майли деб ўйлардим. Ун беш йил бурун Ҳожимурот ҳақидаги кино су-ратга олинмоқчи эди. Ўшанда Георгий Николаевич Данелия кўлида ажойиб сценарий бор эди, жуда ажойиб. Бош ролга балки мени танлар деб ўйлардим. Ёшим ҳам айни ўша ролбоп эди. Лекин сценарийни ўтказишмади. Роса жан-жал кўтарилди, барибир ўтказишмади. Шу билан ҳаммаси тугади”.

Ана шу ажойиб сценарийга мен ҳам бевосита алоқадор эдим. Чунки уни Данелия билан бирга ёзгандим.

Данелиянинг фильми нега юзага чиқмаганини энди гапирсам ҳам бўлар.

Бу шундай бошланган эди. Мен сценарий ҳақидаги фикримни В.Б.Шкловскийга 50-йилларнинг охирларида гапирган эдим. Виктор Борисович илҳомланиб кетди-да, ўша заҳоти ариза ёзди. Дақиқа ўтар-ўтмас мен аризани ўқий бошладим. Ариза Л.Толстой қиссасини экранлаштириш ҳақида эди. Бирор нарса тушуна олмадим, фақат ариза муаллифи гениал одам эканлигини англаса бўларди. Лекин Толстой қиссасига бунинг сираям алоқаси йўқ эди. В.Б.нинг аризасига кўра, Ҳожимурот деҳқон бўлган экан, у “хонлик” гоёсига қарши чиқибди. Бундан эса 70-йилларнинг ҳиди келарди. Ноибнинг имом билан низоси тоғликларга қарши уруш олиб бориш учун рус қўшинларига умуман ўрин қолдирмаганди. Ҳожимурот театрга тушганда эса — бу Мейерхольд театри эди... Ҳаммаси шу атрофидаги гаплар эди, холос.

Қисқаси, мен аризани киностудияга топширдим, лекин уни рад этишди. В.Б.нинг “Дон Кихот” ҳақидаги бошқа аризасининг тақдирини ҳам бундан яхши бўлмади. “Грузия-фильм” бир неча йил муаллиф билан ёзишмалар олиб борди. Гениал қарияга ҳурмат юзасидан, албатта. Афтидан эндиликда бунақа фильм ишламайдиган бўлишганга ўхшайди. Ҳа, ёш Шкловский даврининг “кино фабрика”си ўтмишда, узоқ ўтмишда қолиб кетгандай эди. Сервантес бўйича фильм Чхеидзе томонидан суратга олинди. Унда В.Б.нинг номи эслатилмасди. У бутунлай бошқа фильм эди.

Лекин “Ҳожимурот” билан ҳаммаси жуда оддий бўлди. Рад жавобини олгач, В.Б. менинг сценарийим учун жон куйдира бошлади. Бу пайтда мен уни қоғозга тушира бошлагандим.

Г.Чухрай Гия Данелияга мен билан ишлашни таклиф этди. У пайтлар Гия мени унчалик яхши билмасди. Лекин Расул Ҳамзатовни яхши биларди. Расул бу масалани ресторанда муҳокама қилишни таклиф этди. Менинг дўстим Расул ўшандаёқ унинг бу ишда иштироки рамзий бўлади, деб кетма-кет бокал кўтариб “Минск” ресторанини гуллатарди. Шундай қилиб Расул Ҳамзатов бу фильмда маслаҳатчи ва ўтказиб берувчи ролини бажариши керак эди. Шунинг учун ҳам унинг номини титрга чиқаришга келишилди. Шу тариқа биз Ҳожимуротнинг аймоғи билан узоқ вақтгача ажралишдик.

...Офтоб ўт пуркайди. Биз Гия билан ярим яланғоч, сочиқни бошимизга салла қилиб, Переделкинодаги Ижод уйи коттежида майсаларга чўзилганча ижод қиляпмиз. Қаттиқўл Адабиёт жамғармаси Расулга ва менга йўлланма берди. Ҳамзатов фамилияси билан Данелия яшарди.

Бизларда қоғоз муқовали Лансер расмлари билан безалган “Ҳожимурот” китоби ҳам бор эди. Тинмайман, ёзганим-ёзган. Гия майсадан узиб чайнаганича осмондан кўз узмайди. У жилмайганча “яхши, яхши” деб кўярди, мен эса қувониб ёзишда давом этардим. Орадан бирор соат ўтгач, Гия “энди танаффус қилиш керак” деб кўярди. Танаффусдан кейин эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек Гия бугунлай бошқа нарсани таклиф қилиб қоларди, йўлиб-тирилиб ёзганларимни, тарчи менга бебаҳо туюлса-да, йўққа чиқаради. Аввалига ёзганларимни ҳимоя қиламан, лекин барибир ноилож қолиб ён босаман, кейин марказда ёзилган ҳамма нарса ҳам бебаҳо бўлавермаслигига тан берман. Гия ҳаммаша ҳақ бўлиб чиқарди.

Мен ҳамма нарса ўта жўн ва оддий кечди деб айтолмайман: мен ёзардим, Гия ўчирарди. Иккаламиз ҳам ўз фикримизни айтардик, ниманидир қисқартирар, ниманидир таклиф қилар, нималаргадир шубҳа билан қарардик. Фарқи шундаки, мен албатта қоғозга ёзиб чиқардим, Гия эса ҳаммасини эсида сақлар, оғзаки бир-бирига улаб кетарди. Менга сўз кўринарди, унга кино, фильм учун эса бу, албатта, устун эди.

Менда қандайдир кинематографик тажриба бор эди. Литва студиясида менинг сценариям бўйича “Тунайдиган жойсиз тунлар” фильмини кўйишди. М.Хуциев уни мақтади. У ҳақда Б.Слупский ёзди. Гияга бўлса, фильм ёқмади. Сценарийчи сифатида у менга қисман ёқарди. Лекин бу ерда “Ҳожимурот” устида ишлай туриб, менга Г.Данелия мактабини ўтгандай бўлдим. У мени кўп нарсага ўргатди.

Бир куни Расул Москвада пайдо бўлди. Йўл-йўлакай Ҳожимуротнинг Шо-

мил билан учрашувининг ажойиб саҳнасини таклиф қилди. Кейин Шомил ҳақида мен билмайдиган кўп нарсани гапириб берди. Айтиш керакки, Буба (Ваҳтанг Кикабидзени ҳамма норасмий шундай атарди)ни ҳайратга солган сценарий менинг ноёб манбалардан олган маълумотларим туфайли “ажойиб” бўлиб чиқди. Бу манба Шомилнинг адъютанти хотиралари эди. Уни Шкловский сафари пайтида Англиядан олиб келган экан. Улар В.Б.Шкловскийнинг Шереметьевкадаги дала ҳовлиси билан бирга куйиб кетди. Кўпгина ноёб китоблар куйиб кула айланди. Менинг “Шеърят харитаси олдида” китобимнинг қўлёзмаси ҳам шу ерда ёниб кетди (мен уни 1962 йилда қайтадан ёзиб чиқдим). Мен фақат В.Нарбутнинг архивлари портфелинигина қутқариб қолдим. (Гап шундаки, курортга кетаётиб, Шкловский ўшанда мени уйсиз бўлганим учун дала ҳовлисига жойлаб қўйганди. Мен ўша ерда ишлардим.)

Сценарий яхши чиқди. Буни қаттиққўл Гия ҳам, ажойиб оператор Вадим Юсов ҳам тан олди. Студиядагилар бир овоздан қабул қилишди. Ҳатто Кинематография қўмитаси ҳам сценарийни юксак баҳолади.

Ва ниҳоят Расул келди, бизни СССР Олий Советининг Снегридаги ҳашаматли оромгоҳига сценарийни ўқиш учун таклиф этди. Мен охири саҳнани кўчираётганимда Расул телефон қилиб қолди ва шундай деди: фикрлар даҳоси! Ҳузуримга “Труд” газетасининг муҳбири келаяпти. У янги фильм ҳақида ёзмоқчи. Нима деяй? Мен ниманидир айтдим. Расул гўшакка хирилади:

“Намунча шошасан”.

Эртаси куни мен “Труд”ни сотиб олиб ўқисам:

“Л.Толстойнинг машҳур қиссасини Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатов экранга олиб чиқди. Саҳналаштирувчи Г.Данелия. Бош оператор Вадим Юсов”. Кейин фильм концепциясини шоир гапирди, деб кўшиб қўйилибди.

Яхши гапирибди.

Тушлик пайтига биз Снегрига етиб бордик. Дастурхон тўла ноз-неъмат ва ичимлик. Бази жамшид табиат қўйнида тайёрланганди. Тахтадевор ортидаги кўшни дала ҳовлида бақалоқ киши, майкачан, берилиб куйларди: “Қора кўзлар, о, қора кўзлар!...”. “Эрталабдан, тушунасанми... — деди Расул ва ўзига коньяк қўйди, — мукофотлаш бўлимининг бошлиғи... Фойдали одам. Чарчадим, деяпти, ўтган ойда ярим йиллик режани ошириб бажарибди... Энди дам олаяпти.”

Стул атрофига ўтирдик. Расул сценарийнинг ёзилиб бўлгани учун қадаҳ таклиф этди. Кейин ўқишни бошлаймиз, деди.

Бир сўзли Гия қадаҳни қўли билан беркитди: “Уят эмасми! Володяни эсламабсан ҳам-а”. У шундай деб чўнтагидан эзгиланган газетани олди

Шунда Расул сира эсдан чиқмайдиган бир пичинг қилди. Мугомбирона ва ҳайратли эди пичинги:

— Менга қара. Ресторанда кимни яхши билишади? Аписанткани, шундайми? Бош ошпазни ким ҳам билади?

Бўлди кулги, бўлди кулги, қўяверасиз. Мен сценарийни ўқишга тушдим, бошидан охиригача...

Ҳаммадан ҳам Расул берилиб тинглади...

Кейин худди кинодагидек... мен, Гия, Юсов Қримга учиб кетдик.

Студия. Суратга олиш. Сўнгра Гия, Юсов, гуруҳ — Доғистон овулларига йўл олишди. Суратга олиш, тоғликларни киносиновга тушириш. Кийимлар тикилган. Гия бош роль учун актёр қидирмоқда. Умар Шарифни чақиритишни орзу қилади. И.Смоктуновский Гияга сим қоқади. Бош ролга жудаям талабгор. Менинг завқим ичимга сиғмайди: “Нега мунча бегона юлдузни хоҳлаб қолдинг? — дейман. — Ўзимизники бор. Смоктуновский бир қарашда тўғри келмайдиганга ўхшайди. У — даҳо. Ахир у бошқача қиёфага киришнинг даҳоси!”

Гия аста тиржайиб қўйди.

Смоктуновскийга у шундай деди:

“Кеша, сен Анна Каренинани ўйнамайсанми?”

Қолпан ишларнинг ҳаммаси жойида, космонавтлар айтганидек “ишлар беш”. Ва бирдан пленка узилади, мотор тўхтатилади...

Нима бўлди? Данелиянинг қўпол, тузатиб бўлмас хатоси.

У, ўжар гуржи, “Ҳожимурот”нинг ишга тушганини ювишга қарор қилибди. Унинг Ойдинкўлдаги хонадонида олий меҳмон — Кинематография Давлат Комитети раисининг ўринбосари — Владимир Евгиханович Баскаков ёш рафиқаси — венгер қизи билан, Расул Патимат билан, Юсовлар, Павел Лебешев, қандайдир Абдилбиев — Гиянинг таниши, мен тўпландик.

Тбилисидан келтирилган чача ўзининг қора ишини қилди. Эгардан биринчи бўлиб Расул учиб кетди. У тоғликларнинг уруши ҳақида гап суқийтган Баскаковга узоқ, хўмрайиб тикилиб турди. Баскаков бўлса эҳтиётсизлик қилиб Расул учун авлиёлар авлиёси бўлган Чеченистон ва Доғистон имомини қоралаб, шоирнинг иззат-нафсига тегиб кетди. Оғир яраси яна янгиланди: ёш Расул, Адабиёт институтининг талабаси гуноҳ қилиб қўйди. Ўша пайтдаги расмий қарашлар билан келишган ҳолда Шомилни “инглиз жосуси” деганди. Бунинг учун виждони қанчалар қийналди. Қанчалар тавба-тазарру қилди...

Энди бўлса байрамона кайфиятда бирдан кескин бурилиш.

— Сен — аянчли амалдорсан, — деди Расул. — Эртами, индин ўлиб кетсан, сендан нима қолади? Шомил — буюк инсон. Сен имом билан, у ҳатто ўлган бўлса ҳам тенг туриб гаплаша олмайсан!

Мен стол остидан оёғим билан Расулни туртиб қўяман. Қани энди уни тўхтатиб бўлса... Баскаковнинг ранги ўчди. Яна бир зарбага учрайди. Расул ҳанузгача ақли кирмаётган амалдорлар ҳақида гапираётган. Шоирнинг фуқаролик пафосини кутилмаганда эрини ҳимоя қилишга ўтган ёш венгер аёли пасайтиради. Хоним шоирга унинг бефарқлиги ҳақида эслатиб ўтди, ҳокимиятга яқин кишиларга тилёғламалик қилганини уқтирди. Таниқли адабиёт жаллодига Ҳамзатов китоб ҳадя этгани, бағишлов ёзганини ҳам қистириб ўтди. Шоирнинг дастхагини ўқий бошлади. Расул қизариб кетди. Лекин янги жангчи кирди орага. Бу Патимат эди. Эрига мурожаат қилиб ширин товушда:

— Ҳа, Расулжон... — деди. — Сизда ҳам хатолар бўлади...

Патимат ақлли аёл. У кескинликни юмшатмоқчи эди, лекин, афсуски, кеч бўлганди. Баскаков ўрнидан туриб, даврани тарк этди. Рафиқаси унга эргашди. Мезбон қаршилиқ кўрсатишга уринди, лекин фойдасиз.

Баскаковни кўпдан бери биламан. Бир вақтлар баланд бўйли ёш майор “Литгазета”га — ҳузуримга кирганди. “Красний воин” ходими, деб таништирган-ди ўзини. Бўшгина бир рецензия олиб келган экан. Тузатиб, чиқариб юбордим. Ўшандан бошлаб Баскаков матбуотда мунтазам чиқадиган бўлди. Кўмитада иккинчи шахс бўлгач, қисса эълон қилди. Қалбида у ўзини амалдор ҳисобламасди. Лекин Расулнинг қилиғи унинг иззат-нафсига шу қадар тегиб кетдики, уни бу тасаввур ҳам қилолмасди.

Момақалдироқ ўзини узоқ кутдирмади. Биз билан ўзини яқин олиб, “сенлаб” гаплашадиган Баскаков мени кўмитада дўқ билан қаршилади:

— Русларга қарши фильм қилишларингга йўл қўймайман.

Уни холис бўлишга чақириб уринишларим беҳуда кетди. Сценарийни ёзган менман, Ҳамзатов маслаҳатчи холос деб беҳуда уриндим. У шовқин солар, ҳеч кимни писанд қилмасди. Биз унинг шахси орқали буюк миллатни ҳақорат қилган эмишмиз...

Кейинги воқеалар абсурд спектакли мантиқи бўйича ривожланди. Фильм гоъвий нуқтага назардан тўхтатилди деган миш-мишлар жуда тез тарқалди. Сусллов МКда кино учун масъул Ермашдан норози экан деган гап тарқалди. Кейин менинг талабларимга жавобан фильмнинг тўхтатилишига сабаб, “техникавий” эканлигини айтишди. Буни қарангки, “Мосфильм”нинг барча павильонлари биринчи даражали аҳамиятга молик фильмлар билан банд экан — совет ҳокимиятининг 50 йиллигига қизгин тайёргарлик кетяпти! Кейин эса Доғистон МК биринчи котиби ўртоқ Даниялов эътироз билдирыпти, деган гап чиқди.

Расул Москвада менинг Даниялов билан учрашувимни уюшгирди. Бу гапларни эшитиб, унинг кайфияти бузилди. Мен қувватлайман, деб ваъда берди.

Данелиянинг уйда жанжал чиқишидан олдин биз Чухрай билан Даниялов ҳузурда бўлди, унинг фильмни қўйишдан иккиланишининг ҳақиқий

сабабини бартараф этдик. Тўғриси, келишувга эришдик: Данияловнинг ВГИК-ни битирган ўғли иккинчи режиссёр бўлиши керак экан (кўриниб турибдики, асосий сабаб “сийсий” эмас экан).

Лекин “Ҳожимурот”нинг саргузашти давом этарди.

1970 йили мен Черногорияда таниқли киносценарийчи Стев Булаич билан танишдим. У ажойиб ва машҳур режиссёр Велько Булаичнинг укаси эди. Менинг “Ҳожимурот” ҳақидаги ҳикоям Титограддаги бир театрга борганимизда яна аланга олди. Шунда менда фильмни Велько ишлайди, деган гоё тугилди. Унда тоғликларни черногориялик актёрлар ўйнайди, бизникилар эса русларни, деб ўйладим. Бу пайтга келиб Гия фильм учун курашдан бутунлай воз кечганди. Бизнинг маълумиятимиздан у жуда ҳам қайғуга тушганди.

Югославияга кейинги сафар борганимда Велько Булаич билан Загребда учрашдим. Бу 1988 йилнинг 6 майида бўлган эди. Велько ва унинг рафиқаси Власта мени ёзги қаҳвахонада кутиб олишди. Бу пайтда у “Ядран-фильм”-нинг бадий раҳбари эди. Биз бир неча бор (кейинчалик Москвада ҳам) фильмни биргаликда қўйиш тўғрисида, агар бўлмай қолса, сценарийни Югославиядаги элчиси билан гаплашиб олган эдик. Велько мендан СССРнинг Югославиядаги элчиси билан гаплашиб кўришимни сўради. У негадир Камшалов қўллаб-қувватлайди деган фикрда эди. Мен эса бунга амин эмасдим. Мендан сценарийни олган Булаич уни таржима қилмоқчи бўлди, чунки русчани унча-унча биларди. Биз у билан сербча-хорватча гаплашардик.

Кейинги учрашувимизда Булаич гамгин бир ахволда:

— Сен ҳақ экансан, — деди. — Сизнинг Қўмита фильмни биргаликда ишлашни хоҳламаяпти. “Ядран-фильм” бунақа мураккаб фильмни бир ўзи моддий жиҳатдан эшлай олмайди.

80-йилларда менга телефон қилиб қолишди. Гўшакда нотаниш овоз:

— Мен режиссёр Суламбек Мамитовман.

Сиз Лермонтовнинг “Бэла”си бўйича олинган кинони кўрдингизми? Мен Горький студиясидан сим қоқаяпман. Бу ердагилар Ҳожимурот ҳақидаги сценарийингизни жонлантирсак дейишяпти. Мен тоғликларданман. Сиз билан ишлашни жуда-жуда истардим. Студия шартнома тузишга тайёр.

1987 йилнинг апрелида мен икки серияли фильм устида иш бошладим. Сценарий қабул қилинди, маъқулланди. Данелия мамнунлик билан титрда: “Г.Данелия иштирокида” деб ёзилишига рози бўлди. Шундай қилиб икки серияли вариантда мен ёлғиз муаллиф бўлиб қолавердим.

Расул бу янгиликка шеър билан жавоб берди, уни Я.Козловский таржима қилди. Шеърда бошидан икки марта жудо қилинган тоғлик ноибнинг бахтсиз тақдири ҳақида ҳикоя қилинарди, унинг боши иккинчи бор “Госкино”-да олинган эди-да! Лекин “Литгазета”да (3.02.88) гарчи фильмнинг тақдирига энди ишонмаса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши янги уринишни табриклар қўйди.

Худди шундай бўлиб чиқди. Биз кинони олишга тайёрланиб турувдик, лекин қўмита режалаштириб қўйилган пулни беришдан бош тортди.

Кейин маълум бўлиб қолдики, Ҳожимурот ҳақидаги фильм Гуржистонда суратга олинар экан. Унинг сценарийсини Андрей Битов ёзибди, режиссёр эса Георгий Шенгелая — Гиянинг жияни эмиш. Андрейга сим қоқдим. У Шенгелаядан шундай таклиф бўлганини тасдиқлади. Кейин кўшиб қўйди:

— “Ҳожимурот” мен севган қисса. Ҳар қандай банд бўлишимга қарамай, бу таклифни жон деб қабул қилардим. Лекин менга жуда яхши маълумки, бу ҳақда Огнев ёзган сценарий бор ва бундай қилишга маънавий ҳаққим йўқ...

Мен бошқача жавобни кутмаган ҳам эдим.

Лекин гап Битов томонидан “ёзилган” сценарий ҳақидаги нотўғри хабардагина эмасди. Шенгелаянинг фильмга режиссёр этиб тайинлангани ҳам ҳақиқатга тўғри келмасди. “Пиросмани”ни саҳналаштирган бу одам айни шу кино билан банд бўлган чоғида Данелия “Ҳожимурот” устида ишлаётганини яхши биларди. Нима, бу фильмнинг аччиқ қисматидан у беҳабар эди дейсизми?

Ғазабим ошиб, қўмитага, Армен Медведев хузурига кирдим. Армен Ни-

колаевич жуда ёқимли инсон. У масалани моҳирлик билан четлаб ўтди. Менинг сценарийимни, Г.Шенгелаянинг режиссёрлик иқтидорини мақтади. Мамитов билан Шенгелаяни ёнма-ён қўйиб бўлармиди, деди. Мен хўрсиндим. Баҳслашиш қийин эди. Медведев Шенгелая билан учрашиб, гаплашиб кўр, деди.

— Бу сотқинлик бўлар эди, — дедим хулоса қилиб.

Лекин барибир вазиятни аниқлаш мақсадида Шенгелаянинг ташаббуси билан Москвада Гуржистон савдо ваколатхонасининг меҳмонхонасида учрашдик. Минг афсус, деди Георгий: “Яхши бўлмади, ёлгон хабар панд берди. Энди нима ҳам қила олардик. Машина ишга тушиб кетган, сизнинг менинг фильмимда ишгирок этипингизни жуда истардим”. Шенгелаянинг ёнида Эрлом Ахвледиани ҳам ўтирган эди. Мен уни билардим. Ноёб истеъдод соҳиби. У “Пиросмани”нинг режиссёри эди. Мен ҳамкорлик қилишдан бош тортдим. Мен рози бўлган тақдирда ҳам иккаламиз бир қўшга ярамаслигимизни яхши тушунардим. Эрломнинг тоғлик қаҳрамон ҳақидаги фильми эртақ бўлиб қолаверади. Бу менинг тарихга ва инсонга толстойча қарашимга умуман алоқаси бўлмай қоларди.

Г.Шенгелая буюртма олди, унга хорижий киностудиялар ёрдам беражаги ҳақида гапирди. У Словакия, ГФР, Италия ҳамкорлик қилишга рози бўлганини, Ҳожимурот ролининг ягона ижрочиси деб саналган Америка киноюлдузи — Роберт де Ниро билан музокаралар олиб борилаётгани ҳақида ёзди.

Йиллар ўтди. Г.Шенгелая бошқа фильмлар ишлади. “Ҳожимурот” ҳақида гап ҳам йўқ эди...

Кейин Чеченистон воқеалари юз берди...

Оламда бундан қайғулироқ воқеа юз бермаганди.

*“Дружба народов” журналининг
2000 йил 10-сонидан олинди.*

*Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси.*



Аҳли жаҳондин яхшилиғ...

Бобур шеърлари таржималарига бир назар

“**Б**обур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир”¹. Унинг бебаҳо фикр дурдоналаридан, миллатидан қатъи назар, барча кишилар баҳраманд бўлмоқлари зарур. Шу боис Бобурни таржима қилиш учун журъатлилиқ хислатига эга бўлиш керак, чунки таржимон бадий таржиманинг кўпгина муаммоларини ҳал қилиш билан баравар, ижодкорона қалам тебратишга мажбур бўлади. Бундан ташқари бу иш юксак шоиртабиатликни, катта сўз бойлигини, машаққатли меҳнатни ва манбанинг таржимада аниқлигини ҳурмат қилишни талаб қилади.

Л.М.Пеньковский таржималари Р.Д.Моран, Н.И.Гребнев, С.Н.Иванов, Д.Лукашевич, А.Наумов ва, хусусан, Бобур шеърлари таржималари ҳақида кўп фикрлар билдириш мумкин. Бундай олиб қараганда, шоирларнинг таржималари етарлидек ва бошқаларини вақт кетказиб муҳокама қилишларига ҳожат йўқдек туюлади. Лекин инсониятнинг барча мумтоз меросига ҳар бир янги ижодкорлар мурожаат қилмоқдалар ва уларнинг ҳар бири шоирнинг шеърлигини, янги қирраларини, томонларини очмоқдалар. Баъзан шоир бошқа тилда бир неча юз йиллардан кейин мукамалроқ янграши мумкин. Л.Пеньковскийнинг таржималари мана шундай таржималардан ҳисобланади. Чунки мазкур шоирлар таржималарида рус китобхонига Бобур шеърлигининг руҳи ва маъноси тўлалигича очиб берилган.

Таржима адабиётида Бобурнинг рубоийлари алоҳида ўрин тутади. Бобур рубоийлари ўзининг қисқалиги ва ҳаётлиги билан шу қадар теранки, кўп таржимонлар бир тўртликнинг ўзида буюк шоирнинг ҳар хил туйғулари ва фикрларини топмоқдалар. Натижанда қайси бири мукамал таржима эканлигини аниқлаш мушкул бўлади. Лекин шеърлар таржима қилинганда уларнинг кучи албатта тенг эмас.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, Бобурнинг ижодига бўлаётган янги янги мурожаатлар ҳаққонийдир. Бу таржималар Бобурга муҳаббат, ҳақиқий қизиқиш ва истеъдод руҳида бўлса бас.

Л.Пеньковский ўз ишининг моҳир устаси ва Бобурнинг жиддий таржимони эканлиги маълум. Шубҳасиз, унинг таржималари энг нозиктаъб китобхонларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қила олади.

Лекин кўрсатилган ютуқлар билан бирга Бобур шеърларининг таржималарида айрим нуқсонлар ҳам мавжудки, буларнинг бир қисми таржимонларга тайёрлаб берилган сўзма-сўз таржималар натижасида рўй берган бўлса, яна бошқа бир қисми асосий матндаги сакталиқлар туфайли келиб чиққан.

Айрим таржималарда Бобурнинг шеърдан кўзда тутган асосий ғояси таржимон томонидан юксак бадий савияда бажарилганлигига қарамай мазмунга эътиборсизлик натижасида шоир ҳаётида рўй берган муҳим воқеага қаратилган урғу ўқувчи эътиборидан четда қолиб кетган. Бу ҳол айниқса Бобур-

¹ Каримов И.А. Янги тафаккурга кенг йўл. Тошкент. “Ўзбекистон” — 1998.

нинг Кобулдаги давридаги сиёсий воқеалар билан боғлиқ бўлган куйидаги рубойида аниқ кўзга ташланади:

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
 Ҳам мол йиғиштурур лаим эрмасмен,
 Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
 Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Таржимаси:

Бродягой стань, но не рабом домашнего хлама,
 Отдам и этот мир и тот за ниший угол я.
 Не говорите, что Бабур не завершил пути,
 На месте долго не стою, мне снова в путь пора.

(Л.Пеньковский)

Бобур бу шеърни орқали ўн она юртида марказлашган давлат барпо этишга қаратилган сиёсий уринишлари амалга ошмагач, Ҳиндистонда бу мақсадларини амалга оширишга қарор қилгани ва Кобулда шу сабабдан муқим эмаслигини алоҳида таъкидламоқда. Таржимада Кобул сўзининг таржима қилинмаганлиги бу шеърнинг маълум тарихий шароитда ёзилганлиги ва шоирнинг ўзига хос муайян психологик аҳволини ёритаётганлигини тўла акс этира олмаган. Шеърдаги мазмун Бобурга хос бўлган умумий руҳий ҳолат тарзида ёритилган.

Шу рубойнинг ўзини Л.Пеньковский кейинчалик яна қайта ишлаб куйидаги тарзда таржима қилади:

Не жертва скопидомства я, не пленник серебра,
 В добре домашнем для себя не вижу я добра.
 Не говорите, что Бабур не завершил пути:
 Остановился я на миг, — мне снова в путь пора.

(362-бет.)

Бобур шеърлари таржимонларининг сонлари унча кўп бўлмаса-да, шоир лирикасининг сифатли таржимаси яхши амалга оширилганлиги ҳаммага маълум. Муҳими, таржимонлар амалга оширган бадиий таржималарини қайта-қайта кўздан кечириб, уларни ҳам мазмунан, ҳам шаклан такомиллаштириб бориш йўлини тутганлар. Шу боис турли даврларда нашр этилган Бобур шеърлари китобларида айнан бир шеърнинг ўзи қатор ўзгаришларга учраб борганини кузатиш мумкин. Лекин айрим таржималар аслиятдан йироқлари ҳам бор. Масалан, Л.Пеньковский таржималари вариантларига мурожаат этишнинг ўзи кифоя:

Ҳажрингда агарчи жонга бедод эрди,
 Сенсиз манга юз фиғону фарёд эрди,
 Фикрингдин эдию лек хурсандлигим,
 Зикринг била бу хаста кўнгул шод эрди.

Таржимаси:

Лишь от надежды встречи с ней возрождена душа,
 За все страданья будешь ты награждена душа,
 Еще силен разлуки гнет, но в мыслях о тебе
 Я счастлив: в мире и меня ждет хоть одна душа.

Мазкур таржимани солиштирилса унда мазмун, ҳатто жумлалар таржима-сида ўзаро яқинлик сезилмайди. Таржима анча эркин ифода этилган. Қола-верса, шоирнинг асосий гояси ҳам ҳақиқатдан йироқ. Шу шеърнинг ўзи тар-

жимон томонидан қайта ишланган ва у 1982 йил нашрга киритилган. Аммо бу таржима нусхасини ҳам такомил даражасида дейиш қийин. Шунингдек, Бобур шеърларининг рус тилидаги нашрларида ҳам айрим фарқлар мавжудки, уларнинг бир қисми таржимонларга алоқадор бўлса, бошқа бир қисми ноширларнинг диққат эътиборидан четда қолганлиги билан боғлиқдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларининг рус тилидаги таржималари унинг бошқа асарлари, хусусан, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Мубаййин” асарларига кирган шеърларни ташкил этади. Шунингдек, шоир шеърлари олимларнинг тадқиқотларида ҳам келтириладики, улар нисбатан камчиликни ташкил этиб, мисол тариқасида истеъфода этилган ва уларнинг аксарияти турли қўлёзма манбалардан олиб таржима қилинган. Қолаверса, мазкур асарларда келтирилган таржималарнинг деярли ҳаммаси сўзма-сўз (подстрочник) амалга оширилган бўлиб, уларда мукаммал бадий таржимага даъво қилинмайди.

“Бобурнома”га кирган шеърларнинг рус тилидаги таржималари шу соҳанинг чуқур билимдони, шарқшунос олим М.Салье томонидан тайёрланган. Кейинчалик бу асар машҳур олима С.А.Азимжонова томонидан қайта ишланиб, бир неча бор таржима қилинган. С.Азимжонова “Бобурнома”нинг 1993 йилдаги нашрида М.Салье томонидан йўл қўйилган баъзи камчиликларни тузатган. Лекин айрим ўринлардаги тузатишлар назаримизда ҳануз баҳсли. Масалан, Бобурнинг “Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ, кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ” байгининг М.Салье томонидан амалга оширилган таржимаси С.Азимжонова томонидан қайта ишланган. Шунини солиштириб чиқайлик:

Аслият:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

М.Салье таржимаси:

О сердце, кто видел добро от сынов сего мира?
От того, в ком нет добра, не ожидай ничего хорошего.

С.Азимжонова таржимаси:

О сердце, кто видел добро от людей сего мира?
Кто сам не добр, от того добра не жди.

Биринчи мисрадаги “аҳли жаҳон” сўзларини ҳақиқатдан ҳам М.Салье “от сынов сего мира” деб таржима қилган, С.Азимжонова уни “от людей сего мира” деб тўғри тузатган. Лекин иккинчи мисра М.Салье томонидан асосий матнга нисбатан яқинроқ қилиб таржима қилинган. С.Азимжонова “Кимки ондин яхши йўқ” жумласини “кто сам не добр” деб таржима қилади. Аслида от того (кимки) в ком (один) нет добра (яхши ёки яхшилик йўқ) деб қилинган М.Салье таржимаси ҳам мазмун, ҳам шакл мутаносиблигига риоя қилиб тўғри таржима қилинган. Кейинги “кўз тутма ондин яхшилиғ” сўзларини ҳар иккала таржимон мазмунан тўғри таржима қилганлар, лекин бу ўринда “яхшилиғ” сўзи ўрнига “хорошего” сўздан кўра “добра” сўзи байт мазмунини яхшироқ очмоқда. Демак бу ўринда С.Азимжонова таржимаси маъқулроқ. Шу саҳифанинг ўзидан (25-бет) бир рубойий келтирилган. Унинг нусхасида (араб алифбосида келтирилган) бир ғалатга йўл қўйилган. Мана шу рубойий:

Аслият:

Бу жаврки қилди дард сурулғусидур,
Султони карам узурни қўймағусидир.
Тўқилган агарчи тўлмас эй соқий,
Тўқулганимиз бу даврда тўлғусидур.

М.Салье таржимаси:

О несправедливости, которую совершила судьба, будет спрошено,
Султан великодушия попросит за неё извинения.
Пролилась моя чаша, о кравчий, хотя была полна.
В этот круг моя пролитая (чаша) должна наполниться до краев.

С.Азимжонова таржимаси:

Это зло (хотя) и совершено, но его боль позабудется,
(Ибо) великодушный султан приносит за неё извинения.
Хотя пролитое не наполнится, о кравчий,
Потеренное нами в настоящее время найдется.

Кўриниб турибдики, рубоий асл нухасининг иккинчи мисрасида ношир “узр” сўзини “узур” шаклида бериб, хатога йўл қўйган. Бу рубоий таржимаси, С.Азимжонованинг, асосий матн мазмунини, айнан ифода этмоқда, лекин тўртинчи мисрадаги “тўлғусидур” “найдется” ўрнига, фикримизча, “пополнится” сўзи ишлатилганда мазмун янада ёрқинроқ ифода этилган бўлур эди.

Маълумки, Бобур асарларини рус тилига таржималари соҳасида катта тажрибалар қўлга киритилди. Натижада М.Салье, Л.Пеньковский, Д.Лукашевич, Д.Моран, С.Н.Иванов, А.Наумов, С.Азимжонова, С.Ҳасанов (Аруз рисола-сининг рус тилидаги таржимаси) кабиларнинг юксак маҳорат билан рус тилига ўтирилган асарлари майдонга келди. Эндиликда ана шу таржималарни умумлаштириш, уларни тадқиқот доирасига киритиш масаласи пайдо бўлдики, назарий хулосалар орқали мазкур муаллифлар таржима санъатига не чоғлиқ хизмат қилганликларини кўрсатиш лозимдир. Бундай илмий хулосалар асосида Бобур шеърлари таржималари ҳақида чуқур фикр юритиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳолисона кўрсатиб чиқиш ётмоғи керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, фикримизча, “Индийский диван Бабура” китобининг муаллифи ҳам қатор ютуқлар билан бирга шеърини таржималарнинг айрим ўринларида баъзи ноўринликларга ҳам йўл қўйгандек туюлади. Масалан: асарнинг 40-саҳифасида Бобурнинг куйидаги фарди келтирилган. У таржимада қандай берилганини кўриб чиқайлик:

Аслият:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқи, чу оқшом бўладур.

Таржимаси:

Днем в теле моем сильный жар,
А когда наступает ночь, сон бежит от моих глаз.

Юқорида мисол учун келтирилган байтнинг иккинчи мисрасидаги сўзларининг таржимасида рус тилига шунга мос ва шеър мазмунини таржимада ифодалашнинг тўғри йўли топилган. Шу туфайли ҳам бу мисра таржимаси муваффақиятли амалга оширилган. Лекин таржимон биринчи мисра таржимасидаги бир сўзнинг асл маъносини биров ўзгартирган.

Ушбу ўринда “кунда” (“день от дня”) сўзи “кундуз” маъносида (днем) ишлатилган ва оригинал матнидаги маъно эквиваленти тўғри топилмаган. Натижада “жисмимда кундан-кунга иситма ортиб бормоқда” маъноси ўрнига “жисмимда кундуз кунга иситма чиқмоқда” деган маъно келиб чиққан. Демак, келтирилган бу байт ва унинг таҳлилидан кўриниб турибдики, таржимон бир сўзнинг маъносини чиқариш ўрнига уни сўзма-сўз таржима қилиш натижасида шоир ифодаламоқчи бўлган маънодан четлашган. Шундай ҳолни “Волидия” асарининг (уни Бобур форс тилидан туркийга ағдарган) рус ти-

лига ўтирилган нусхасининг айрим жойларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, асарнинг 47-бетида “маъжун” сўзи “Мажнун”, “сабуҳий” (“похмелье”) сўзи “блаженство” деб нотўғри таржима қилинган. Натижада таржима мазмунан бузилиб, маънога футур етган.

Шунингдек, асарда айрим сўзларнинг таржимаси тушиб қолган ҳоллар ҳам мавжуд. 58-саҳифада “Эй аларким бу ҳинд кишваридин” мисрасидаги “кишвар — мамлакат” сўзи таржимада тушиб қолган, шу шеърнинг 5-мисрасида “экин” сўзи “радость и веселье” тарзида эркин таржима қилинган, 56-саҳифадаги “Ҳиндистон жониби азимат қилғали айтилгон ашъор бу эрдиким таҳрир қилдим...” каби Бобур сўзлари аниқ таржима қилинмаган, 59-саҳифада эса “қўпғил” (“тур”, “қўзғал”) сўзи “ўтир” маъносида таржима қилинган.

Солиштиринг:

Хотирим сақлар эсанг, кел қўйғил,
Бу сўзимни эшит, эй тил, қўпғил.

Если ты меня уважаешь, приди и сядь,
Выслушай эти мои слова молча!

Хулоса қилиб айтганда, бу каби камчиликлар катта қамровдаги ишларда учраб туриши табиий. Бобур шеърини меросини бадиий ва илмий мақсадларида таржима қилиш даражаси ҳали кам тадқиқ қилинган. “Бобурнома” асарининг таржималари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар етарли ва ана шундай ишлар натижасида эришилган тажрибаларни Бобур шеърлари таржималарида ҳам тадбиқ этиш фойдадан ҳоли эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимдир.

*Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг Ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси.*



Улуғ мутафаккир

Адабий жамоатчилик ҳар йили май ойида Махтумқулихонлик кунларини нишонлайди. Гарчи улуғ шоирнинг таваллуд кунини манбаларда аниқ айтилмаган бўлса-да, унинг туғилган йили — 1733 йил деб белгиланган ва ҳар йили май ойида Махтумқули Фирогий хотираси кунлари нишонланади. Шоирнинг ватани Туркменистонда 19 май — ҳар йили Махтумқули шеърини қуни сифатида байрам қилинади. Йирик туркман адиби ва адабиётшуноси Берди Кербобоев (1894—1974) Махтумқули ҳақида “Унинг шеърлари бизнинг қалбимизда мангу яшил чинор дарахти каби гуллаб-яшнаб турибди...” деб лутф қилганида минг бор ҳақ эди.

Дарҳақиқат, Махтумқулининг номи жаҳон адабиётидаги Ҳомер ва Рудакий, Фирдавсий ва Низомий, Навоий ва Руставели, Умар Хайём ва Данте, Пушкин ва Байрон каби шонли ва порлоқ номлар орасида ҳақли равишда тилга олинади. Шоир яшаб ўтган давр биздан қанча узоқлашса, унинг ижодининг, ҳаёти ва фаолиятининг тарихий аҳамияти шунчалик юксак қадрият касб этиб бораверади.

Мана, қарийб 250 йилдирки дунёдаги шеърпараст инсоният бу улуғ шоир ижодиётидан баҳраманд бўлиб келаётир. Унинг фалсафий маъно-мазмунга, панд-насихатга, ҳаётий тажрибадан туғилган ўғитларга тўла шеърини Эрону Ҳиндистонда, Афғонистону Туркия, Сурия ва Покистон, Марказий Осиё ва Кавказ, Россия ва Европа мамлакатларида халқлар томонидан севиб ўқилмоқда, асарлари қайта-қайта нашр қилинмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Махтумқули — жаҳонда энг кўп нашр қилинадиган шоирлар сирасига киради. Унинг шеърлар тўплами 1842 йилдаёқ аввал

Ҳиндистонда, ундан кейин Англияда (Лондон музейи томонидан) чоп этилган эди. Кейинчалик эса 1862 йилда Россияда (Қозон ва Петербург), 1879 йилда Германияда (Лейпциг) чоп этилган.

Ўзбек халқи улуғ Махтумқулини ўз шоири сифатида танийди, қадрлайди, севади. Бу бежиз эмас, зеро, Махтумқули Бухоро ва Хива шаҳарларида ўқиб, илм олган, ҳазрати Яссавий, Нақшбанд, Навоий асарларини мутолаа қилган, ўзи ҳам шу заминдаги кўшпаб шаҳар ва қишлоқларда меҳмон бўлган, шеърлар битган эди. Мустақиллик шарофати билан 1996 йил Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасаси олдида Махтумқулига ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида (26 ноябрь) мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов: “Махтумқули — буюк шоир, буюк мутафаккир бўлганлиги учун ҳам маърифатли инсониятнинг эътирофига сазовор бўла олди”, — деб унга жуда юксак баҳо берган эди.

Шу ўринда, Махтумқули ҳаётига оид бир неча муҳим воқеа ва саналарни ёдга олиб ўтайлик. У туркманларнинг гўкланг қабиласига мансуб бўлиб, Ҳожаловшан деган манзилда дунёга келади. Ўз овулидаги масжидда илк саводини чиқарган Махтумқули кейинчалик Халачдаги Идрисбобо мадрасасида ўқишни давом эттирган. Ўз вақтида йирик маърифат маскани бўлган бу ўқув юрти Амударёнинг чап қирғоғида — Туркменистоннинг Керки шаҳрида жойлашган.

Илмга ташна ёш туркман йигитини ҳеч нарса йўлдан қайтаролмайди ва у туғилиб-ўсган уйдан минг чақиримча узоқдаги Идрисбобо мадрасасига ўқишга киради. Ушбу мадрасада бир йил ўқир-ўқимас, Махтумқули

уйига қайтиб кетишга мажбур бўлади, қишлоғидан келган карвонлар унга отаси хасталаниб ётгани ҳақда хабар етказди. Махтумқули қишлоғига қайтиб келади ва онасининг дунёдан ўтганлигидан хабар топади. Отаси тузалиб ўрнидан туради-ю, Махтумқулини уйлантириш ҳаракатига тушади. Уни акасидан бева қолган Оққиз исмли аёлга (янғасига) уйлантиришади. Отаси бутунлай соғайиб ўрнидан туради, бу орада Махтумқулининг илк фарзанди туғилади. Шоир янги-янги саёҳатлар ҳақида ўйлай бошлайди.

Шоир энди Бухорои Шариф шаҳрига саёҳат қилади, илм олиш учун Кўкалдош мадрасасида кўним топади. Бу ерда у Суриядан келиб ўқиган, кейинчалик мадрасада мударрислик қилиб қолган Нури Козим ибн Баҳр билан танишади. Нури Козим ёрдамида ёш шоир дунёвий ва табиий фанларга оид китоблар ўқийди. Кўп ўтмай шу ердан Махтумқули уйига, Нури Козим эса Эроннинг Исфаҳон шаҳрига қайтиб кетадилар.

Махтумқулининг иккинчи фарзанди — Сари дунёга келади. Махтумқули дўсти Нури Козимнинг изидан Исфаҳон шаҳрига боради. Нури Козим мударрислик қилаётган Модаришоҳ мадрасасига бориб, дўстининг Бағдодга жўнаб кетганидан хабар топади. Махтумқули ҳам Бағдодга жўнайди ва дўстини Мустансирия мадрасасидан топади. Шу ерда жойлашиб, дўстининг ваъз ва сабоқларида қатнашади, табиий фанларни (математикани) ўрганади. Дамашқ шаҳри ва бошқа манзиллар билан танишиб чиққач, Махтумқули дўсти Нури Козим билан Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари (Ироқ, Фаластин, Саудия Арабистони)га саёҳатга чиқади. Ҳиндистонда (Панжоб шаҳрида) улар бир ярим йил яшаб, янги-янги китоблар ўқийдилар, араб тилидаги кўпгина китоблар эски санскрит тилидан ўтирилганлигидан дарак топадилар.

Берди Кербобоев ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, икки дўст Кобул, Андижон, Марғилон, Самарқанд, Туркистон шаҳарлари орқали юриб келиб, Хива шаҳрида кўним топадилар. Шу ерда Махтумқули Шергози мадрасасига ўқишга киради. Нури Козим эса илм билан шуғуллана бошлайди. Махтумқули Хивада уч йил ўқийди. Шу ерда улар баҳарденлик туркман йигити Назарли билан тани-

шадилар ва у билан бирга янги саёҳатга — Россиянинг Астрахан шаҳрига йўл оладилар. Астрахандан Мангишлак орқали ўтиб, Эроннинг Машҳад шаҳрига етиб келадилар. Нури Козим йўлда оғриб қолади ва вафот қилади. Уни Машҳаддаги Шери Кабир қабристонига дафн қиладилар. Шундан кейин Махтумқули Табриз, Ҳирот, Нуҳа, Ширвон, Шамаха шаҳарларига саёҳат қилади. У чинакам жаҳонгашта шоир эди.

Дарҳақиқат, Николай Тихонов Махтумқули Фироғийни улуғ жаҳонгашта деб атаган эди. Буни шоир ўз шеърларида ҳам таъкидлайди, унинг ёзганларини ўқиб ўтириб, бу қадар кўплаб мамлакатларни тилга олиб ўтган яна бир бошқа шоир бор-йўқлиги ҳақида ўйлаб қоласан киши. Махтумқули шу жаҳонгашталиги учун ҳам ўз даврининг энг билимдон инсонларидан бирига айланди. Қолаверса, у ўзидан олдин яшаб ўтган Низомий, Насимий, Навоий каби улуғ Шарқ шоирлари асарларини ҳам севиб ўқиганини биламиз. Шоир ўз яқинларига улуғ Алишер Навоий (туркманлар орасида у Мирали номи билан машҳур бўлган) ҳақида дoston ёзиш нияти борлигини кўп гапирган эди.

Махтумқули шоир оғир тарихий бир даврда яшаб ўтганлигини айтиш жоиз. Унинг икки акаси — Муҳаммадсафо ва Абдулалар босқинчилар қўлига асир тушиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетган эди. Бошқа бир маълумотларга қараганда, отаси Озодий, икки ўғли — Иброҳим ва Сарилар ҳам Махтумқули сафарда эканлигида вафот этадилар. Унинг гўзал севиклиси Менглихонни ҳам ана шундай оғир синовли бир вақтда эрга бериб юборадилар. Шоир ўз севгилисининг сиймосини бир умр юрагида авайлаб-асради, унга атаб ёлқинли-соғинчли шеърлар битди. Мана шундай аччиқ айрилиқларни кўрган шоир ўзига “Фироғий” дея тахаллус танлайди (“фироқ” — айрилиқ, ҳижрон дегани).

Дарҳақиқат, шоир Марказий Осиеда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқеалар силсиласида яшаб ўтди. Эрон шоҳи Нодиршоҳ (1736—1747) вафотидан сўнг қўшни Афғонистон, Бухоро ва Хива хонлигида бўлиниб яшаётган туркманлар ҳаёти-

да ҳам турли хил босқинчилик, уруш-жанжаллар келиб чиқиб, халқнинг иқтисодий турмуши издан чиққан эди — бундай аянчли ҳол шоирнинг асарларида ўз таъсирини қолдиради. У нима ҳақда ёзмасин, ҳаёт изтироблари ва муҳаббат азоблари ҳақидами, Ватан соғинчи ёки дунё ташвишлари ҳақидами — шоир барча асарларида ўз давридаги тарихий воқеалар ичида туриб қалам сурганига гувоҳ бўласиз. Чуқур фалсафий мушоҳада, тақдир ўйинларидан шикоят оҳанглари Махтумқули шеърлари асосини ташкил этади. У инсон руҳини улуғлайди, адолат ва ҳақиқат гоёлари голиб чиқишига ишониб яшайди, шу йўлда илҳом, дутор ва қилич билан курашади (шоирнинг санъаткор-муסיқачи, ёвқур жангчи эканлиги ҳақидаям маълумотлар бор). Махтумқули — хонлар, беклар, амалдорларга эмас, ўзининг халқига, жафокаш ва меҳнаткаш халққа, экин экиб, чорва боқиб, мато тўқиб яшаб ўтган халққа хизмат қилишни ўзи учун олий мақсад деб билган ижодкордир.

Махтумқули Фироевийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз вақтида В.В.Бартольд (1869—1930), А.Н.Самойлович (1880—1938), Е.Э.Бертельс (1890—1957), Б.М.Кербобоев (1894—1974), Б.А.Карриев (1914—1981), А.Е.Кримский каби адабиётшунос олимлар тадқиқот олиб борганлар. Шунга қарамай, шоир ҳаётида ҳали-ҳануз очилмаган, чуқур ўрганилмаган жиҳатлар, қирралар қўплаб топилади. Айтайлик, шоир яшаб ўтган йиллар, унинг ҳаётидаги хронологик маълумотлар, туғилган ва ўлган вақтлари ҳақида тадқиқотчилар орасида ҳануз яқдиллик йўқ. Шоир асарларини ўқиб, шеърларида тилга олинган воқеаларни ўргангачина, қуйидаги умумий хулосаларга келиши мумкин: у тахминан 10 яшарлик чоғларида китоб ўқиб, шеърлар машқ қила бошлаган; 15 ёшида ишқ-муҳаббат комита тушиб, қизларни тушида кўриб, ошиқона назм намуналарини яратади; 18—20 ёшларида Менглихон

исмли қизни қаттиқ севиб қолади; 25 ёшларида ҳаётни ўрганиш, билимини ошириш мақсадида сафар ва саёҳатларга чиқади; 40 яшарлик пайти — ақл косаси тўлиб, илму фанда, ижодда мукамалликка ва маҳоратга эришган давр; 50—60 яшарлик чоғида сочсоқоли оқариб, турмушнинг аччиқ-чучукларини тотиб, ҳаёт изтироблари, ноҳақликлар борасида чуқур мушоҳадалар юритувчи файласуф; 63 яшар вақти — пайғамбар ёшига етган мутафаккир; 70 ёшида — тиззаларида титроқ пайдо бўлган мўйсафид; 80 ёшида — кўзлари хиралашиб қолган чол; 90 ёшида — юрагида фано ва бақо ваҳимаси кўзалган қария. У бир шеърида:

Сондан чиқдинг тўқсон ёшда,
Имон тила тўқсон бешда,
Махтумқули, сен юз ёшда
Бир белли макона келдинг, —

деб ёзади. Шеърларига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, унинг 90 ёшдан ошиб, юз ёшга яқинлашиб қолган бир мўйсафид хожа, ҳазрат тимсолида тасаввур этишимиз мумкин. Шоирнинг қабри ҳозирги Эроннинг туркманлар яшайдиган Оқтўқай манзилдаги Қаримулла қўйимгоҳида. Отаси Давлатмамед Озодийнинг қабри ҳам шу ерда — фарзанди билан ёнма-ён.

1991 йил Москвада шоирнинг юбилейи муносабати билан 1 сўмлик танга пул чиқарилиб, унга Махтумқули расми туширилган, таваллуд ва вафоти саналари (1733—1798) ёзиб қўйилган. Демак, улуғ шоир 65 йил яшаган деб олинган. Хива шаҳрида 1996 йил очилган Махтумқули ҳайкали эса ўзбек халқининг улуғ шоирга бўлган ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин ифодасидир. Зеро, бу ҳайкал икки қон-қариндош халқлар — ўзбек ва туркман халқларининг дўстлигига, асрий биродарлигига ўрнатилган ҳайкал ҳамдир. Шунинг учун Махтумқули шеърларини мангулик ва дўстлик элчилари деб айта оламиз.

Ўқтам ЧОРИЕВ, Музаффар АҲМАД



Диний ва ҳуқуқий маърифат намунаси

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т, 2002 йил.

Оллоҳга беадад ҳамду санолар йўллаб мазкур сатрларни битишга муяссар бўлганимга шукроналар қиламан. Каломимдан туб мақсад — атоқли олим Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг “Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари” номли асарини Тошкент Ислом университети ўқув қўлланмаси сифатида нашр этганини муборакбод этиш ҳамда бу диний маърифат намунаси тўғрисида ўз фикларимизни изҳор қилишдан иборат.

Дебоча тарзида инсон ҳаётий моҳияти энг юксак бўлган уч сифат — сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва маърифатнинг қадрини яна ва яна бир бор таъкидлаш ўринли. Барчамиз аминмизки, бу уч неъматсиз яшаш амри маҳол. Шу боис, деярли ҳамма дуою-фотиҳаларда аввало ана шу уч фазилат назарда тугилади. Дарҳақиқат, соғлиғи мустаҳкам бўлмаган кишига ҳеч нарса татимайди, лекин одамнинг кўнгли хотиржам эмас, адолатсизликдан азият чекса, мамнун бўлолмайди. Бунга эса фақат маърифат воситасида эришиш мумкин. Турли касб-кор ва билим эгалари даврасида табиб, ҳуқуқшунос ва маорифчи алоҳида қадрланишига шу сабаб. Миллатнинг ҳам юксак даражада улуғланиши даставвал унинг айни шу тоифа алломалари жаҳон маданиятига нечоғлиқ ҳисса қўшгани билан боғлиқ. Бу жиҳатдан бобокалонларимиз ва бой тарихимиз билан фахрланишга ҳақлимиз.

Мустақиллик шарофати билан қоматни тиклаш, покланишнинг даст-

лабки маҳсули исломни тиклаш бўлди. Бир вақтлар нутқ, шеър, ашулада “оллоҳ” сўзини ишлатиш, ҳатто фотиҳа қилиш худди жиноятдек тақиқланган эди. Шукрки, эндиликда диний маърифатга кенг йўл очилди. Исломий асарлар, бемалол чоп этилмоқда. Ҳамидулла Кароматов таъбири билан айтганда, “Хўрланган пайгамбарлар галабаси” яна намоён бўлди. Биргина “Адолат” нашриёти “ҳуқуқий меросимиз хазинасидан” туркумидаги ўнлаб тарихий асарларни китобхонларга тақдим этди. Табиийки, диний маърифат фақат меросимиздан барчани баҳраманд этиш билан чекланиши мумкин эмас. Кўпроқ уни бойитиш, ривожлантириш зарур.

Ана шу мақсадларда 1999 йил 7 апрелда Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Жуда шахдам қадамлар ташлаётган бу олий ўқув даргоҳи фақат юртимизда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам маълум.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов уқтирганларидек, “Ер юзида муулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар. Уларнинг бой илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талаблардан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур. Ва бу улуғ меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озиқ деб билмоғимиз даркор”.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тошкент Давлат юридик институтида ва Ички ишлар вазириликнинг Академиясида “Муслмон ҳуқуқи асослари” курси ўқитила бошлади. Профессор А. Саидовнинг 1994 йилда ана шу курс бўйича маърузалар тўпламининг нашр этилиши бу борадаги илмий-маърифий ташаббускорликка муқаддима эди, десак хато бўлмайди.

Маълумки, фан фидойиларсиз ривож топмайди. Қадим-қадимдан исломнинг, айниқса, фикҳнинг равнакига салмоқли ҳисса қўшган юртимизда ҳаёт тақозоси билан ХХ асрнинг охириги ўн йиллигига келиб бу йўналиш бўйича мутахассис-олимлар деярли қолмади. Баҳоликудрат 1997 йилда чоп этилган З. Муқимовнинг “Мовароуннахр фикҳ мактаби” номи кичик рисоласи талабни қондира олмасди, албатта. Мамлакатимизда ислом ҳуқуқшунослиги чуқур илмий излаНИШларга маҳтал эди.

Дастлабки жиддий қадамлар сирасида диний маърифатнинг ҳаётий зарурлигини Ғайбулло Ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Абдулазиз Мансур, Убайдулла Уватов, Шамситдин Зиёвитдин эшон ўғиллари каби ҳам диний, ҳам дунёвий билим соҳиблари ўқирдилар. Ўрта Осиёда исломнинг босиб ўтган мураккаб йўли, ислом ва тасаввуф, ислом ва адолат, ислом ва инсон ҳуқуқлари каби мавзуларни бениҳоя таъсирчан тарғиб ва таҳлил қилган илм сардорларининг хизмати катта бўлди.

Юртимиз мустақиллик нашъасини сурабошлаган дастлабки онларда исломнинг қадр ва қудратини тиклашда Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг эгаллаган ўрнини, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий тариқатларининг оламшумил моҳиятини баралла айтиш, ёзишга аллақандай ийманар эдик. Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрори вали бўхтон тошлари захмидан ҳануз халос қилинмаган, бу улуг зотни ижтимоий-ҳаётий ва назарий ҳикмати ва ҳиммати тўғрисида З.А.Қутибоев докторлик тадқиқотини эндигина ёзишга киришган эди.

Ислом ҳуқуқшунослиги ўз тадқиқотчи-кашшофларини анчадан буён кутаётгани аниқ. Бу савобли вазифани бажариш ҳаётнинг тақозоси билан ўз она юрти Афғонистондан Ўзбекистонга келиб тасалли топган, шаръий би-

лим соҳибни Абдулҳаким Жўзжонийга насиб қилган экан. Бу муҳтарам зот ўз юртида узоқ йиллар Олий суд раҳбари, Адлия вазири ва Бош прокурор лавозимларида хизмат қилган, бинобарин, фикҳнинг амалиётидан ҳар тарафлама хабардор мутахассис, ҳозир Тошкент Ислон университетиде “Фикҳ” кафедрасининг мудирини. Бу камарбаста олим бундан ўн йилча муқаддам “Суддан юқориси оллоҳ” деган тушунчага амал қилиб, судьяларнинг мустақиллигига эришиш нақадар зарурлигини оддийгина исботлагани, бу ҳақда “Халқ сўзи”да биринчи марта суҳбати чоп этилгани хотирамда. Абдулҳаким Жўзжоний Ислон ҳуқуқшунослигини муфассал билишининг босиси шундаки, у туғилиб камолотга етган муҳит ана шу ҳуқуққа, хусусан ҳанафий мазҳабига асосланган. Бундан ташқари бу серқирра олим фалсафа, тарих, ижтимоий фанлар бўйича араб, форс, туркий, рус тилларидаги Шарқ ва Ғарбда чоп этилган кўплаб манбалардан фойдалана билиш имконияти ва қобилиятига эга. Ватанимизда бундай асарлар анчайин кўп тўпланган ва авайлаб сақланмоқда. Хорижий мамлакатлардаги бу хил мўътабар манбаларни таҳлил қилишга ҳозир эҳтиёж катта.

Абдулҳаким ака китобни Ўрта Осиё фақиҳларининг асарларини ўрганиш борасида “бир мадҳал, яъни кириш босқичи” деб ҳисоблайди, “асарда ёритилмаган мавзулар, муаммолар ёки етарли даражада аниқлаштириб берилмаган масалалар кўп, чунки ислом ҳуқуқшунослиги қимматли дуру гавҳарларга тўла чегарасиз бир денгизга ўхшайди. Биз фақат унинг қирғоғида туриб, қўлимиздан келганча бир миқдор маржонлар териб, ҳурматли ўқувчиларга тақдим этишга уриндик”, деб ёзади.

Асар бир-бири билан мантикий боғланган уч қисмдан иборат. Дастлабки қисм ислом динининг тарқалиши ва фикҳнинг тараққиёт босқичларига бағишланган. Унда ҳақ (ҳуқуқ) тушунчаси, фикҳнинг илмий таърифи, ислом ҳуқуқининг илк одимлари, уларни ўрганишнинг ўзига хос услубиёти ва аҳамияти баён этилган. Ислон ҳуқуқининг манбалари — Қуръони Карим, Сунна, Ижмо ва Қиёснинг моҳияти очилиб берилган. Шунингдек, Ислон ҳуқуқшунослигида икки йўналиш

— Аҳли ҳадис ва Аҳли раъйнинг мазмуни батафсил баён этилган. Исломда турли оқимларнинг келиб чиқиши сабаблари, Суннийлик ва Шиаликнинг асосий мазҳаблари, уларнинг ичида Ҳанафий мазҳабининг, айниқса муҳим ўрин эгаллаши моҳирлик билан ифода қилинган.

Асарнинг иккинчи қисми фақат Ҳанафий мазҳабига бағишланган. Унда Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳаёти ва ижодиёти, устозлари ва замондошлари, фикҳий таълимоти, услубиёти илк бор мукаммал талқин қилинган. Абу Ҳанифанинг шогирдлари ва ўғитлари ҳақида эътиборга молик ахборотлар ёритилган.

Китобнинг учинчи қисмида Мовароуннаҳрда ханафий мазҳабининг VIII асрдан бошлаб тарқалиши ва равнақи батафсил баён этилган. Унинг сарчашмаси Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” китоби эканлиги, кейинроқ Абу Мансур Мотурудийнинг пухта ақоид йўналишининг қудрати эътизал, ботиния ва карматия қарашларига барҳам бергани асл манбалар асосида баён этилган. Ўша даврларда фақиҳ гуруҳлари ўз заковати билан Сомоний амалдорларининг зўравонликларидан аҳолини ҳимоя қилгани тасвирланган.

Қорахонийлар давлатида маҳаллий диний мактабларнинг мустақиллиги учун шароит яратилгани, Бухоро ва Самарқанд илм марказларига айлангани, кўплаб мадрасалар қурилгани, дин олимларининг иззат-обрўи ўсгани, уларга вақф мулкидан тушган даромадлар ҳисобига катта маошлар тўлангани, фақиҳлар давлат бошқарувида фаол иштирок этганлари каби аниқ воқеалар ҳам китобда ўз ўрнини олган.

Фикҳ илмининг машҳур намоёндалари учун энг қулай шароитлар ва юксак эътиборнинг маҳсули сифатида Бурхониддин Марғинонийнинг ижодиёти — саккиз асрдан буён ханафий мазҳаби бўйича барча мусулмон мамлакатларида мўътабар қўлланма тарзида фойдаланиб келинаётган “Ал-Ҳидоя” ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Асарнинг охириги бобида ханафий мазҳабининг равнақига йирик ҳисса қўшган Марв, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Фарғона ва Хоразм машҳур фақиҳлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Уларнинг ҳуқуқий

қарашлари, қолдирган мерослари муфассал тасвирланган.

Хусусан, Самарқанд фақиҳларидан беш киши Абдулҳаким Жўзжоний китобидан жой олган. Улардан Абдулайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандий X асрда ижод қилган, кўп асарлар муаллифи ва шогирдлар устози. Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имом Аъзамнинг “ил-Фикҳ ал-Акбар” китобига шарҳлар ёзган. У туғилган маҳалла ҳозир ҳам “Фақиҳ Абу Лайс маҳалласи” деб юритилиб келмоқда. Унинг авлодларидан Абуллайсий Хўжа Файзулло XV-XVI асрда яшаган ва Навоий бу аллома оиласида фарзандидек яшаб, фикҳдан дарс олган. “Абу Ҳанафаи соний” деган ном олган. Бу олимнинг Андижондан, Марвдан, Хоразм, Кундуздан ўнглаб шогирдлари бўлган.

Биринчи бўлиб фикҳ илми бўйича қиёсий ҳуқуқшунослик, яъни “илмул-хилоф”га асос солган Абузайд Дабусий ўзининг ушбу соҳада ёзган асари “Таъсисун-назар” ва бошқа усулфикҳ бўйича китоблари билан барча фақиҳлар ва Ибн Халдун каби алломаларнинг диққатини ўзига тортиб келган. Андалузиялик олим Ибнул-Арабий Бағдод шаҳрида бўлганда бу асарни кўчириб, Фарбий мамлакатларга элтиб тарқатган. Ҳозир Францияда машҳур “корпоратив ҳуқуқ” ана шу асарнинг бевосита таъсири остида бунёдга келган, десак хато бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, асрлар давомида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ханафий мазҳабининг тарқалиш ва ривожланиш ҳудудларидан бирига айланиб, ушбу мазҳабнинг салоҳиятли вакиллари ва ҳомийлари ўз илмий-амалий ижодлари билан оламшумул хизмат қилиб келганлар.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу асар масъул муҳаррирларидан бири профессор А.Саидов таъкидлаганидек, ўрта осиелик фақиҳларнинг илғор тараққийпарвар ҳуқуқий ғоялари фақат улар яшаб ижод этган давр учунгина аҳамият касб этиб қолмасдан, ҳозирги даврда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Биз улардан ўзимизнинг миллий ҳуқуқий мафкурамизни шакллантиришда манба сифатида фойдалансак айни муддао бўлади.

Мазкур асарни қайта-қайта мутолаа қилиб, унинг маърифий фикр-мулоҳазаларидан беҳад баҳраманд бўлдим. Ҳар бир мавзу келиб чиқиш сабабла-

ри ва муҳитидан бошлаб, ривожланиш йўналишлари ва ҳозирги ҳолатига кўнглидагидек тасвирлаб берилган. Асар тўғрисида баъзи истакларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, бошқа ўқув қўлланмаларидан тубдан фарқ қиладиган мазкур асар, ҳозирги кўркемликда иложи борида янада кенгайтирилиб, бойитилиб каттароқ нусхада нашр этилиши мақсадга мувофиқ. Унинг моҳияти ўқув қўлланмаси сирасидан анча юқори ва у билан қизиқувчи китобхонлар давраси кенг эканини эътиборга олиш лозим.

Иккинчидан, кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида ислом ҳуқуқшунослигида бу хил асарлар бунёд этилмаганини эътиборга олиб, уни араб ва форс тилларида ҳам нашр этиш маъқул бўларди. Чунки диний маърифатпарварлик ва ҳуқуқшунослик ҳақидаги бу асар ажнабий, айниқса, мусулмон мамлакатларига арзигудек тўхфа бўлур эди.

Учинчидан, замонамизнинг атоқли фақиҳи Абдулҳаким Жўзжонийнинг имкониятларидан самарали фойдаланиб, Ислом университети, Шарқшунослик олий билим даргоҳи ва Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида ислом ҳуқуқшунослиги йўналишида илмий изланишларни ривожлантириш зарур. Ислом фикҳига қадим даврлардан бери салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ўрта осиеликлар, жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқшунослари бу анъа-

нани давом эттиришлари ҳам фарз, ҳам қарз.

Тўртинчидан, алломаларимиз қадим даврлардаёқ диний ва дунёвий фанлар қатори фикҳни ҳам анча мукаммал эгаллаганлар. Барча фикҳларни санаб, қайд этиш мушкул. Лекин фикҳий асар ёзганлар, уларда илгари сурилган ғоялар рўйхатини тузиш, бу асарлар сақланганлиги, фойдаланиш имкониятларидан кенг китобхонларни хабардор қилиш вақти келди. Маърифат тарғибот орқали жонланади.

Бешинчидан, миллий ҳуқуқшунослигимизда ҳануз қонун тили, атама ва иборалари ўз ечимини топишда танқисликка учраётгани сезиларли. Бу жиҳатдан ҳам китоб ёзиш услуби таҳсинга лойиқ. Унда муаллиф жуда кўп ҳуқуқий атама ва ибораларни ўзбек тилида илк бор ва жуда ўринли ишлатган. Улардан ҳозирги қонунларимизни равон, тушунарли, лўнда ифодадалашда фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилиш фойдадан холи эмас.

Ниҳоят, Абдулҳаким Жўзжоний қойилмақом қилиб бажарган илмий-таҳлилий асар ўз моҳияти билан диний маърифатимизнинг дурдонасидир. Муаллифнинг фидокорона, барчанинг руҳини шод этувчи саъй ҳаракати, хайрли хизмати юқори баҳоланишга лойиқ. Шундай фойдани китоб муаллифига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

*Абдуғафур АБДУМАЖИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.*



Яцек РОЙ

Қора от кечалари ўлдиради

Қисса¹

Ўша куни эрталаб мен уйкута тўймай хуноб бўлиб уйғондим. Туриб, дераза пардасини очдим-у қуёш чарақлаб турган беғубор осмонни, хузурбахш, сўлим якшанба эртасини кўриб, кайфиятим баттар бузилди. Мен кечаси тонг-сахаргача ишлаган эдим — бундай ҳоллар менда бот-бот бўлиб туради, — шунинг учун ҳам дилим ғаш эди. Чунки бу якшанба куни ҳам ишлашимга тўғри келаётган эди. О, мен шу касбни танлаган кунимга неча-неча марталаб лаънатлар айтмадим! Тўғри-да, тоқайгача чидаш мумкин? Бўлди, жонимга тегди! Тупураман ҳаммасига-да, нафақага чиқаман. Худога шукр, иш стажим етиб ортади. МО² да у ташкил этилган кундан бери ишлайман, қолаверса, партизан отрядида жанг қилганимнинг ҳар бир йили икки йил ҳисобига ўтади.

Ҳар сафар шундай дақиқаларда кўз олдимда ўтмишим жонланади. Халқ Польшаси милициясида хизмат қилган дастлабки кунларимни, босқинчи тўдаларни, қароқчиларни... эслайман. Ўшанда бизнинг зиммамызга янги тузилган ҳокимиятни ҳимоя қилиш, фашист босқинчилари томонидан харобазорга айлантилган давлатда тартиб ўрнатиш вазифаси юкланганди. Вазифамиз ақл бовар қилмайдиган даражада оғир эди. Лекин бу машаққатли хизматларимиз бизга сабоқ бўлди...

Бўлди, хаёлга берилишни, зорланишни бас қилайлик. Барибир, мен ўз ишимни яхши кўраман, бошимда қилич ўйнатишганда ҳам уни ташламайман. Нафақагами? Мен-а? Тавба! Бўйдан худо берган — бошим пифтга тегай деб турса, тошим юз килодан кам бўлмаса, каллам бинойидай ишласа, нафақага бало борми?

Хуллас, ўша якшанба куни қуёш чарақлаб турган эди. Илиқ ва сокин июл эртаси. Тўғри, жуда чарчаган эдим, лекин бунинг ажабланадиган ери йўқ, чунки ўша пайтда олгита жиддий ишни баравар олиб бораётган эдим, лекин уларнинг охири кўринмас, бу ёқда раҳбарлар ҳам, прокурор ҳам шоширган-дан-шоширишарди. Қўл остимда эса бор-йўғи ўн еттига одам бор, бу ҳам етмагандай, бошим уйқусизликдан лўқиллаб оғригани-оғриган.

Шецин — улкан порт шаҳри эмасми, ҳар турли “артистлар”ни — валота-фурушлар, ўғрилар, ўғирланган моллар билан савдо қилувчилар, фоҳишалар ва улар орқасидан кун кўрувчи даюсларни, ҳар хил тоифадаги чайқовчиларни ва ниҳоят, энг хавфли жиноятчиларни — “ҳўл иш”, яъни одам ўлдириш бўйича мутахассислар-у, жиноят дунёсининг оқсуяқларини доим ўзига тортарди. Сокин Одра дарёси неча-неча “ўз жонига қасд қилган” ўликларни соҳилга чиқариб ташламади? Неча-неча марталаб биз истироҳат боғларининг хилват гушаларидан, пасғам боғ кўчалардан, Аркон чангалзорларидан нотаниш шахсларнинг жасадларини топмадик. Шециндаги уйларнинг ертўлалари, чордоқлари не-не машъум сирларни яширмади! Одатда, бошқа тезкор гуруҳлар

¹ Асар айрим қисқартиришлар билан босилмоқда.

² М О — Польша Халқ Республикасида фуқаро милицияси.

жиноят изини ва сирини топиш учун астойдил тер тўкиб хизмат қилишарди; лекин жиноятни очолмай умидсизликка тушган пайтлари ҳам бўларди. Шунда раҳбарлар унинг тагига етишни менга тошширдилар. Менинг бригадамда эса бор-йўғи — иккита капитан, учта поручик, бир нечта сержанту экспертларимиз бор эди.

Ҳа, Шецин — чиройли шаҳар. Унинг янги даҳаларини очиш, маҳобатли иморатларини, улкан кўкаламзор паркларини қайта тиклаш учун бутун халқ озмунча меҳнат сарфламади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, шаҳар бошқатдан, йўқдан барпо қилинди, зеро, у бугкул вайрон қилиниб, култепага айланган эди. Ҳа, биз ажойиб ва кўркем шаҳар барпо қилдик. Аммо, таассуфки, жиноятчиликни таг-томири билан қирқиб ташлай олмадик, кейинги пайтларда жиноятнинг яна янги-янги шакллари пайдо бўла бошладик, уларни бартараф қилиш учун катта куч керак бўлади. Демокриманки, менинг нафақага чиқишимга ҳали эрта.

Бунинг устига, Шецин атрофидаги шаҳарчалардаги ва Болтиқ бўйининг курорт ерларидаги ҳамкасбларимиз доимо бизнинг МО Марказий бошқарма-мизга мурожаат қилиб, биздан ёрдам ва маслаҳатлар сўраб турадилар.

Бутун қандай сўлим, хушҳаво кун-а! Шундай кунда, умуман якшанба нима, байрам нималигини билмай мудом мук тушиб ишласанг, алам қилмайдими-ю, ахир? Мен яна, бутун шаҳар стадионида мамлакат биринчилиги учун бизнинг “Полония” командамиз билан Забжа шаҳрининг “Гурник” командаси ўртасида футбол ўйини бўлишини эсладим. Мен бўлсам, яна кун бўйи қоғоз титиб ўтиришим керак!

Мен янги қурилган баланд уйнинг саккизинчи қаватидаги бир хонали хонадонда яшайман. Хонамнинг деразасидан гўзал манзарали Шециннинг деярли ярми худди қафтдагидек кўзга ташланиб туради... Шаҳарнинг ҳусну таровати кишини ўзига ром қилади.

Порт узра тўшалган эрталабки сийрак туман. У ердаги қадимги замонда яшаб ўтган баҳайбат калтақесакларни эслатувчи кўтаргич кранлар осмонга бўй чўзган. Улкан элеваторлар, кемаларни таъмирловчи доклар ва ўзга иншоотлар туман пардаси орасидан элас-элас кўзга ташланади. У ерда тизилишиб турган, сузиб кетаётган ва сузиб келаётган турли шакл ва ҳажмдаги сон-саноксиз кемаларни айтмайсизми!..

Мен кўзгу олдида туриб соқолимни оларканман, яна эрталаб уйғонганимдаги нохуш кайфият хаёлимни чулғаб олди: мен чарчаб ҳолдан тойгандим, каллам яхши ишламасди, иш эса бошдан ошиб ётипти, бир кунда, барибир ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайман. Шунинг учун июлнинг бу серқуёш якшанба кунини ҳамма одамлар қатори дам олиб ўтказсам қандоқ бўларкин, деб ўйладим. Ўйладиму шу заҳоти аҳволи руҳиям енгиллашди.

Мен “Экстра” бригада нонушта қилдим. Кейин хиёбонларда анча вақт сайр қилиб юрдим. Чунки менга кўпроқ ҳаракат қилиш, кўпроқ тоза ҳавода бўлиш жуда-жуда зарур эди. Мен юриб-юриб чарчадим, футбол мусобақаси бошланишига эса ҳали анча бор эди. Вақт ўтказиш учун Войска Полска хиёбонидаги Китоблар клубига кирдим. Бу ер тинч ва осуда эди. Ҳамма қатори мен ҳам чет эл журналларини varaқлаб, улардаги рангли расмларни томоша қила бошладим. Бу ерда жуда хушгаъм қаҳва тортишади. Хуллас, жоннинг ҳузурли дейсиз. Ҳа, менинг бу якшанба куним ёмон бошланмади, ёмон бўлмади...

* * *

Салдан кейин менинг столим ёнига бир киши келиб ўтирди, аммо мен бош кўтариб унга қарамадим, фақат халақит қилмаслик учун оёқларимни столим тагига тортиб олдим. Журнал varaқлашда давом этаётган бўлсам ҳам кишининг мендан кўз узмаётганини ҳис қилдим. У кўзини лўқ қилиб безбетларча менга тикилар, мен ҳам атайин унга эътибор бермасдим. Шу пайт у одам бирдан кулиб юборди. Бу кулги менга жуда таниш эди. Бошимни журналдан кўтариб унга қарадим, қарадим-у... кўзларимга ишонмадим.

Ё қудратингдан, рўйарамда Аристотель Бакс ўтирарди. Аристотель Бакс! У чорбурчак шишали кузойнагидан менга тикилиб тураркан, нукул жилмаярди.

— Салом, қария, нима, осмондан тушдингми? — Мен эски қадрдоним ва ҳамкасбимнинг кўлини қаттиқ сиқиб кўришдим.

— Салом, дўстим. Сени кўрганымдан беҳад хурсандман, Павлик, лекин, илтимос, кўлимни қўйиб юбор, ҳали у менга керак бўлади.

— Озиб қолибсан, — дедим мен, ҳолбуки у азал-абад шунақа қотма эди.

— Қорин қўйиш учун биқинингда бақувват суянчиғинг бўлиши керак, — деди у файласуфона мулоҳаза юритиб ва кўшиб қўйди: — қарасам, ўзингнинг ҳам кўринишинг унча яхшимас. Клубда ўтириб журнал варақляпсан — нима, ҳалигдан нафақага чиқиб олдингми, дейман?

Қизиқарли суҳбатимиз шу ерга етганда атрофимизда ўтирган китобхонлар: “жим, секинроқ!” — деб маломат қила бошлади ва биз энди пичирлашиб гапиришга мажбур бўлдик.

— Қайси шамол учирди? — деб сўрадим мен дўстимдан.

— Мен таътилдаман, — деди Бакс, — икки-уч ҳафта Свиноуйсьцеда дам олмоқчиман.

— Ҳавасимни келгирма. У ерда турадиган жойинг аниқми?

— Олдин борай, биронта бошпана топилиб қолар.

— Бу сен ўйлаганча осон эмас, Арт. У ер донги кетган курорт. Дам олувчилар бир йил олдин турадиган жойларининг гамини ея бошлайдилар, хафа бўлма, ўзим сенга жой топиб бераман. Хўш, бугунги режанг қандай?

— Шецинни томоша қилсам девдим. Мен вокзалдан уйингга қўнғироқ қилувдим, ҳеч ким гўшакни кўтармади. Бошқармадагилар ҳам сен ҳақингда аниқ бир гап айтишмади. Мабодо уйланган эмасмисан?

— Э, дўстим, уйлансам тўйим сенсиз ўтармиди? Қани, ростингни айт, нима учун Свиноуйсьцега бормоқчисан?

— Айтдим-ку сенга — дам олгани. Мен таътилдаман.

— Тушунарли. Демак, шунчаки дам олгани. Кўйсанг-чи ҳазилингни, Арт. Сени яхши биламан. Ростингни айт.

— Гапим рост — дам олмоқчиман. Яна ... швед тилини ўрганмоқчиман.

— Уч ҳафта ичида-я?

— Агар кўзлаган ишим яхши юришса, бир ойга қолишим ҳам мумкин у ерда.

— Ҳа-а, бу бошқа гап. Биласанми, Арт, ўзим ҳам бормоқчи бўлиб турувдим Свиноуйсьцега.

— Яхши-ку. Таътилга чиқ, бирга кетамиз.

— Чиқолмайман, қария. Бир эмас, олгита очилмаган иш елкамда оғир юк бўлиб осилиб турибди!

— Йў... ҳеч ишонгим келмайди. Елкасида олгита иш бўлган одам шаҳарда сайр қилиб, клубда журнал варақлаб ўтирмайди. Ҳали, бугун футболга ҳам борарсан? Кўчага ёпиштирилган афишаларни ўқидим — “Полония” билан “Гурник” ўйнар экан.

— Бораман, албатта. Тош ёғса ҳам бораман.

Дўстим менга шубҳа билан қараб қўйди:

— Нима қиласан мендан яшириб? Ё сени истеъфога чиқаришган, ё бўлмаса, ҳеч қандай қиладиган ишинг йўқ!

Дарҳақиқат, унинг бу гапида мантиқ бор эди. Мен унга вазиятни тушунтира бошладим ва кўйидаги гаплар билан изоҳимни якунладим:

— Шецин милиция учун жуда мураккаб шаҳар. Бунинг олдида Варшавани беҳбудлик ва фаровонлик воҳаси деса бўлади. Кўлимиздан келганча тиришиб ётибмиз.

Биз стадион трибунасида жой олганимизда, ўйин бошланишига ҳали ярим соат бор эди. Бизнинг эса ҳеч гапимиз тутамасди. Ахир икки йилдан бери энди дийдор кўришаётган эдик-да...

Мен Аристотель Бакс билан бундан бир неча йил бурун Варшавада, МОНинг Бош бошқармасида хизмат қилиб юрган пайтимида танишганман. Ўша пайтларда бир куни мухбирлар учун берилган матбуот конференциясида иштирок этишимга тўғри келди. Шунда қалам соҳибларидан бири менга Бенедектин кўчасида юз берган қотиллик ҳақида савол бериб қолди. Бу машъум

ҳодиса ҳамон кўпчилик одамларнинг эсида бўлса керак: ўғри нафақахўр бир кампир билан унинг кўзи ожиз қизини ваҳшийларча ўлдириб кетган эди. Тергов ишлари ҳеч қандай самара бермаган, афкори омма эса, бу ваҳший қотилнинг ҳанузгача судга тортилмагани учун одил судлов органларига ҳақли равишда таъна қилар эди. Мен мухбирнинг саволига жавоб берарканман, мавжуд вазиятни, одамларимизнинг тергов чоғида жуда мураккаб ишга рўпара келганлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим, лекин изоҳларим, чамаси, унча ишонарли чиқмади, шекилли. Шунинг учун, барча таъна-маломатларни (гарчи кўплари ўринсиз бўлса ҳам) тишимни- тишимга қўйиб тингладим ва залда ўтирганлардан пайдар-пай ёғилаётган саволларга қисқа-қисқа ва аниқ жавоблар қайтара бошладим. Доим шунақа: ишни ҳаммамиз биргаликда бажарамизу, балота қоладиган фақат мен. Ниҳоят бўлар-бўлмас саволларга жавоб қайтаравериш жонимга тегди. Бир йигитча, — кейин маълум бўлишича, — у Варшава университети факультетларидан бирида ассистент экан, — бизнинг тергов олиб бориш усулимиз ҳақида пичинг қилиб ҳаттоки таҳқиромуз гаплар айтиб, сабр косамни тўлдириб юборди, “япши бамайлихотирлик” деб ифодалади бу думбул бола бизнинг фаолиятимизни. Тўғри, мен унга ўз ишини пухта биладиган одам сифатида ҳақ билан жавоб қилдим... аммо қаттиқ зарба олдим. Биласизми, унинг зарбаси асосли ва маънили эди. У менинг қатъият билан айтган жавобимдан заррача ҳам ҳайиқмай ва эътироз билдиришимга имкон қолдирмай, тергов ишимизнинг нотўғри ва сохта йўлдан борганини айтди — чамаси, у матбуотга сизиб чиққан баъзи бир маълумотлардан хабардор бўлса керак, икки-учта мисоллар билан (эътироф этишим керакки, улар жуда ишонарли эди) ўз тахминларининг тўғри эканлигини исботлади ва мендек мутахассисни лол қолдирганидан мамнун бўлиб жойига ўтирди.

Мен бу ишнинг тафсилоти билан таниш бўлмаганим сабабли (уни ёрдамчиларимдан бири олиб бораётган эди), йигитча билан мунозарара бориб ўтирмадим. Қолаверса, агар бу ишни муфассал билганимда ҳам, барибир мунозара қилишга имкон бермаган бўлардим. Негаки, ҳали поёнига етмаган ҳар қандай энг аҳамиятсиз ишни овоза қилиш хизмат сирининг фош этилиши хавфини тугдириши ва, турган гапки, олиб борилаётган тергов ишига қайта тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин эди. Мана шунинг учун ҳам мен, мураккаб тергов ишини олиб бориш бошқая, газеталардаги хабарлардан келиб чиқиб, эрмакбон детектив асарлардан олинган билимларга суяниб, элдан бурун хулоса чиқариш бошқая, деган баёнот билан мунозарани таққа тўхтатиб қўя қолдим...

Ҳолбуки, менинг бу таҳдидона эътирозим университетнинг ёш ассистентини заррача ҳам хижолат қилмади.

Мен бу хира пашша йигитчадан қутулдим деб ўйлаб янглишган эканман. Эртаси куни у “ширин суҳбатни якунлаш” мақсадида ишхонамга кириб келди. Мен ундан қутулиш учун ҳар хил баҳоналар қилдим, барибир, кетмади. Ахири, Бенедектин кўчасида юз берган қотиллик ҳақидаги материалларни олиб келишларини буюрдим. Аристотель Бакс бу хийлагина титиги чиққан семиз-семиз жилдларга жо бўлган ишни зўр диққат билан кўздан кечириб ва менинг истеҳзоли нигоҳимга парво ҳам қилмай, бир бошдан ўргана бошлади. Лекин сиргдан қараганда тўпори бўлиб кўринган, гарибона кийинган “тўрткўз” йигитча бир неча жилдни варақлаб чиқиб, ўз мулоҳазасини баён қилганида, менинг бояғи истеҳзоларимдан асар ҳам қолмади. Ҳа, мен сизга айтсам, бундай оқилона мулоҳазани умримда эшитмаган эдим. У, гўё хонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдай, сўзларди. У ўз монологини “бу ишни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, аммо терговни олиб бораётганлар эътибор қаратмаган айрим жиҳатлар ва вазиятлар”дан бошлади.

Мен билардим, бу тергов ишига тажрибали зобит раҳбарлик қилаётган эди; ишонаманки, у ҳамма зарурий талбирларни қўллаб кўрган. Умуман, мен уни танлаб янглишмаган эдим, лекин шундай бўлса ҳам...

Бу ерда бошқа гап бор эди, аммо мен уни қандай ифодалашга қийналяпман. Гап шундаки, бу думбул йигитча қандайдир жуда ноёб, мутлақо ақл бовар қилмайдиган дохулий ҳиссиёт, фавқулудда лаёқат эгаси эди: у ўзи билган маълумотларнинг зарраларига суянган ҳолда на фақат жиноят манзараси-

ни тиклай олар, шунингдек, жиноятчининг жиноятдан кейин қандай иш тутишини ҳам олдиндан кўра олардики, бу жуда муҳим ҳолат тергов ишида эди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, биз, яъни энг оғир жиноятларни кўрувчи бўлимда ишлаб озми-кўпми тажриба орттирган, сийқаси чиққан Шиманский фамилияли милиция майори — мен ва университетнинг илмий ходими, мумтоз филология бўйича мутахассис, филология фанлари доктори Бакс деган жарангдор фамилия ва Аристотель деган антик исм соҳиби дўстим икковимиз шу кундан бошлаб кўлни кўлга бериб ишлай бошладик.

Биз Арт билан биринчи марта учрашгандан кейин икки ҳафта ўтгач, Бенедектин кўчасида қотиллик қилган жиноятчини кўлга туширишди. Ушанда бу ҳақда газеталарда жуда кўп ёзишган эди, лекин Бакснинг фамилияси, унинг қатъий илтижосига кўра, ҳеч бир ерда тилга олинмаган эди. Шундан кейин кетма-кет: “Юзефовалик ака-укалар” иши, Мокотавска кўчасидаги соатсознинг ўлдирилиши ҳақидаги ўта чигал иш, бирийўла тўрт кишини ўлдирган Ольга Ф.нинг шов-шув бўлган иши ва бошқа бир қатор ишлар очилди. Арт бизга кўмаклашган ҳамма ишда жиноятчи топилиб, иши судга оширилди, (кўпинча бундай жиноятчилар олий жазога ҳукм қилинар эдилар — бу қонун талаби эди), хуллас, у бош қўшган ишларда биронта ҳам жиноят очилмай қолмади.

Шу билан бирга, Бакснинг доврўғи — ўз соҳамиз кишилари даврасида, албатта — ошгандан оша борди ва кўп ўтмай Варшавадан ташқарига чиқди. Уни мамлакатнинг бошқа районларидаги оператив ишларга ҳам таклиф қила бошладилар. Унинг ёрдами билан Краковда қатор қотилликлар қилган бир йигит кўлга олинди. Лодзда одамларни қийнаб ўлдираётган машъум тўдани зарарсизлантириш йўлини Бакс ўйлаб топди. У Познандаги музейдан ўғирланган беҳисоб қимматбаҳо санъат асарларини топиб давлатга топширди. Арт очган ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Бора-бора унинг тергов ишларида қатнашаётганини яшириб бўлмай қолди. Бакснинг шуҳрати энди мамлакатимиз чегарасидан четга чиқа бошлаган эди. Уни Англиядаги ҳамкасблар таклиф қилишди. Арт ГФР да ҳам, Мисрда ҳам, АКШда ҳам, Ҳиндистонда ҳам бўлиб, ўз ёрдамини кўрсатди. Лекин бу энди бутунлай бошқа воқеа. Мен бу ёш олимнинг бўш кунлари, ҳаттоки, баъзида кечалари ҳам биз билан астойдил ҳамкорлик қилгани ҳақида гапирмоқчиман. Бу илмий ходим мени, раҳбарларимизни, ҳаттоки жиноятчиларнинг ўзини ҳам ҳайратга солиб, олий даражадаги изқуварга айланган эди.

Арт эндигина ўттиздан ошган эди. Баланд бўйли, ориқ, беўхшов кийинган, ўта лоқайдабиат бу йигит сиртдан қараганда ғирт калтафаҳм, ношуд одамга ўхшарди. Бунинг устига, унинг қирра бурнига кўндирилган кўзойнагининг дам-бадам сирғалиб тушавериши, ақл тўла бошидаги эскирган пичан ранигдаги хурпайган сочи юқоридаги таассуротни янада бўрттириб кўрсатарди. У чекмасди, жуда камдан-кам пайтда ичар, боз устига, ҳали бўйдоқ эди ва унда ҳазил-муғойиба туйғуси жуда ўткир эди.

Бакс ноёб хотира соҳиби бўлганлиги учун ҳеч қачон ҳеч нимани қоғозга ёзиб олмасди. Юқорида айтиб ўтганимдек, антик давр филологияси бўйича мутахассис эди. У ўз оиласи анъанасини давом эттираётган эди. Гап шундаки, унинг отаси Варшава университетининг ва Лондондаги Британия академиясининг профессори Ян Бакс жуда кўп тилларни мукамал билар, антик давр филологияси соҳасида на фақат Оврупо миқёсида, балки бутун дунёда деса ҳам бўлади, жуда катта эътибор қозонган олим эди. Польшада эса у Англия бўйича энг йирик мутахассис ҳисобланарди, бунга сабаб унинг отаси, яъни Артнинг бобоси асл инглиз эди.

Дўстимга нима учун Аристотель деб исм қўйишганини энди тушунган бўлсангиз керак? У донишманд дадасига нисбатан камроқ тил билар, яъни бир нечта қадимий тилни ва деярли барча Оврупо тилларини ўрганиб олган эди. Бир кун у менга ўз армонини айтиб, хитой тилини ўрганишга имкони бўлмаётганидан афсусланди. У ҳали ёш — армони ушалса ҳам ажаб эмас...

Арт тилшунослик илмидан ташқари яна тиббиёт, психология, ҳуқуқ, мантук, токсикология (заҳарлар хусусиятини ўрганувчи илм) ва яна бир қатор соҳаларнинг мукамал билимдони эди. Агар биз Артнинг университетга... ўн олти ёшида имтиҳонсиз қабул қилинганини эътиборга оладиган бўлсак, унинг бу қадар билимдон бўлганлигидан ажабланишга заррача ўрин қолмайди!

Арт нимани ёқтирмасди, деган савол туғиладиган бўлса, айтишим мумкин: милицияни, прокуратурани, судларни ва ҳазилни тушунмайдиган одамларни. Ана шу ҳазилни тушунмайдиган одамлар ҳақида у: “булар потенциал жиноятчилардир; ёдингда бўлсин, Павлик, ҳазил-мутойибани тушунадиган одам ҳеч қачон оғир жиноятга атайлаб қўл урмайди”, — деган эди бир неча марта. Сийёсатни у жинидан ортиқ хуш кўрмасди. “Менинг сийёсат ҳақида фикр юритишим учун, — дерди у, — ақлим етмайди, лекин жуда ақли бўлганим учун у билан шуғулланмайман”. Назаримда, унинг аёлларга нисбатан муносабатида ҳам шунга ўхшаш ҳолат мавжуд эди.

У яна кўп гапирини ёқтирмасди. Ахён-ахёнда бир фалсафа сўқиб, баъзи-баъзида бирон киши устидан беғараз кулиб қўяр, лекин кўпинча ўзининг янги мулоҳазалари, ажойиб афоризмлари билан оғзимизни очириб қўярди. Шундай афоризмларидан биттаси ҳали-ҳали эсимда: агар идеал жиноятлар мавжуд эмас экан, муқаррарки, ундай жиноятларни фош қилиш учун идеал усуллар ҳам йўқ.

Лекин бу аксиома унинг муаллифига доҳил эмас, зеро Аристотель Бакс бундай усулларни биларди.

Мен гарчи Аристотелнинг муваффақиятлари сабаби тўғрисида кўп ўйла-сам ҳам ҳеч қачон бирон-бир аниқ хулосага кела олмагандим... Хўш, у қандай ишларди? Биринчидан (буни олдин ҳам айтганман), у ҳеч қачон ҳеч нимани қоғозга қайд қилмасди. Иккинчидан, у ҳаминша ёлғиз ишларди ва фақат камдан-кам ҳоллардагина бизнинг ёрдамимиздан фойдаланарди: Фойдаланганда ҳам шундай енгил-елпи топшириқлар берардики, нима, бизларни мазах қилиш-тими ўзи, деб ўйлардик. Унинг фикрлари, тузган режалари гўё хаёлотдек туюларди бизга. Тахминимча, унинг ўзига ҳам шундай туюлган бўлса ажаб эмас. Эҳтимол, у баъзида мавҳум ҳиссиётларга, башоратларга суянган ҳолда кўр-кўрона ҳаракат қилгандир, лекин барибир ҳар доим нишонни тўғри оларди. Ким билсин, ўша мавҳум ҳиссиётлар уруғи аниқлик тупроғидан униб чиққандир, балки.

Агар мен, Аристотель Бакс одамнинг тирноғига қараб унинг касбини ёки ботинкасига ёпишган лойнинг рангига қараб — турар жойини аниқлаб беради, деб айтсам ёлғон гапирган бўлардим. Йўқ, бу масалада Артни на фақат буюк инглиз Конан Дойлга, балки бизга адабий асарлардан таниш бўлган унча машҳур ҳисобланмаган детективларга ҳам қиёс қилиб бўлмасди. Лекин у ўша изкуварларнинг ҳаммасидан ҳам ўткирроқ психолог эди. У, ўзининг айтишича, “рақибнинг астарини ағдароларди”, унинг қалбига кириб бориб, ниятини билиб оларди. Унинг муваффақияти гаранти (кафолоти) ҳам ана шунда эди. Ундаги метин маътик, қатъий изчиллик билан хулосага келиши бизларни ҳайратга соларди. Ўзим ҳам унинг оддийгина ва жуда аниқ бўлиб туюлган кузатувлари самарасини кўриб уялганимдан чўгдек қизариб кетганман. Шундоққина кўз остимизда экан-у нега эътибор бермабмиз-а? — деб ўйла-ниб қолардим ҳар гал.

* * *

Стадионда тангадек бўш жой қолмаган. Забже шаҳрининг кончилари командаси “Гурник” Польша футбол командалари ичида энг яхшиси эди. Ўйин бошланишига яна бир неча дақиқа бор эди, Арт ўтмишни эслаб кетди.

— Эсингдами, Павел, икковимиз “Полония” командасига мойил эдик?

— Эсимда, мен ҳали ҳам ўша команданинг ишқибозиман. “Полония”га бўлса ўз шаҳримиз командаси бўлгани учун ён босаман. Лекин “Гурник” жуда зўр команда-да...

— Одамларнинг кўплигини қара?

— Шецинликлар футболни яхши кўришади. Афсуски, “Полония”нинг ўйинчилари кўпинча ишқибозларини хурсанд қилолмаяпти.

— Бунақада иккинчи лигага тушиб қолишлари ҳеч гапмас. Ана унда кўзлари очилади, — деб жилмайди Арт. — Ҳозир спорт ўйинларининг кўпини телевизорда кўрсатишяпти, мен кузатиб бораман.

— Менинг телевизор кўришга вақтим йўқ. Фақат имконини топган пайтларимда стадионга келиб тураман...

Ўйин меҳмонлар ҳужуми билан бошланди. Бизнинг команда дарвозаси олдидаги танглик барҳам топгач, биз суҳбатни давом эттирдик.

— Яхшиси, сен Шецинда яна бир неча кунга қол, — деб таклиф қилдим мен. — Бу ерда ҳам шведлар топилади, ўшалар билан тил ўрганишни машқ қилаверасан. Вақт топиб бир кун кечкурун сени “Шаршара”га олиб чиқардим. Унинг доврўғини эшитгандирсан?

— Ҳа, газеталарда ўқувдим. Тушунмадим, нимаси яхши экан унинг. Ошна, киссамда фақат тўрт минг злотих бор. Шу пулга мен ижарага туришим, еб-ичишим ва уйимга етиб олишим керак. Сен бўлсанг менга қимматли айшу ишратни таклиф қилисан.

— Мен таклиф қилиман-ку, сени! Бир мириқиб ўтираимиз, томоша кўра-миз, қизлар билан танишармиз... балки. Ахир нишонлашимиз керак-ку, уч-рашганимизни! Мен сенинг Мисрдан, Англиядан, Ҳиндистондан юборган хатларингни олдим. У ерларда қилган ишларинг ҳақида сўзлаб берарсан.

— Бунинг тарихи узун. Агар бу учрашувимизни нишонламоқчи бўлсанг, мени музейга олиб бор. Ундан кейин, айтишларича, шаҳрингизда жуда чиройли қаср бормиш. Портни ҳам, верфни¹ ҳам кўрсам девдим. Кел, ошна, шу бугуноқ футболдан кейин экскурсияга борақолайлик, чунки эртага мен Свиноуйсыцегга жўнаб кетишим керак. Биласанми, швед фонетикасини ўрганиш унча осон эмас.

— Ахир сен у ерда муттасил швед тилини ўрганиш билан шуғулланмасан?

— Қанийди биронта дилкаш топилса! Тўғри, дам олишим ҳам керак. Кейинги пайтларда жуда кўп ишлашимга тўғри келди. У ернинг пляжларини мақташади.

— Ҳа, Свиноуйсыценнинг пляжлари ҳақиқатан ҳам жуда гўзал, у ернинг қизлари ҳам...

— Кўриб турибман, дўстим, нимадандир кўнглинг гаш. Қани, менга ёз юрагингни, қария.

— Билмадим, керакмикин сенга айтишим. Лекин чиндан ҳам бошим қотган. Доим шу ҳақда ўйлайман...

— Нима ҳақда?

— Биласанми, Арт, ўтган йили Свиноуйсыцедаги хусусий пансионатда бир аёлни ўлдиришган эди. Пансион ҳам аллақандай қаланғи-қасанғи жой эмас, нуфузи баланд оромгоҳ, унда дам олувчилар ҳам иззат-эътиборли одамлар. Лекин биз на жиноятчини топаолдик, на жиноят сабабини аниқлай олдик. Мутлақо тушуниб бўлмайдиган ҳодиса. Дарвоқе, бу нарса сени қизиқтириши мумкин: пансионатда бир нечта чет элликлар, скандинавияликлар дам олиш-шаётганди, янглишмасам, шведлар ҳам бор эди.

— Ҳа, бу нарса қизиқтириши мумкин... лингвистни.

— Ҳали бу ҳаммаси эмас. Бу ёғини эшит. Воқеа тинч-осуда, фараҳбахш табиат кўйида содир этилди: курорт, денгиз, беғубор осмон, ям-яшил дарахлар, шинам оромгоҳ. Мана шундай хушбахра ҳаёт оғушида қотиллик содир бўлади. Мутлақо қутилмаганда...

— Милиция ва ҳалок бўлган аёл учун қутилмаганда. Турган гапки, қотил бунга олдиндан тайёргарлик кўрган.

— Эҳгимол, лекин бу нарса ҳозирча жумбоқлигича қоляпти.

— Иш тўхтатилгандир? Мен буни шунчаки сўрадим, қизиқсиниб...

— Терговни маҳаллий органлар олиб борган эди. Яқинда у ишни менга жўнатиб юборишибди, ҳозир у менинг шкафимда ётибди...

— ... кейин у архивга топшириладими? Нима, биронта ҳам илинтирадиган ери топилмадими?

— Топилмайди.

— Жиноятлар сони ортиб бораётганига ажабланмаса ҳам бўлади, ҳамонки милиция шу тарзда ишлар экан.

— Йўқ, жиноятлар сезиларли даражада камайиб борапти, туризм, шу жумладан, халқаро туризм кун сайин ривож топаётган бўлса ҳам. Сен билсанг керак албатта, бизлар жиноятларни тобора кўпроқ оча бош...

¹ В е р ф — кемасозлик устахонаси.

— Биладан, биладан, — деб бетакаллуфлик билан сўзимни бўлди Арт. — Қани, очигини айт, нега буларни менга гапиряпсан?

Мен чуқур тин олиб туриб, шартга дедим:

— Арт, сен шу ишни олсанг-чи!

Дўстим менга кўзойнаги орқали тикилиб қаради.

— “Шу ишни сен олсанг-чи” миш! — деб мазах қилди мени Арт. — Швед тили нима бўлади? Қачон дам оламан? Ҳм... Лекин чуқурроқ ўйлаб қаралса, бечора аёлнинг руҳи у дунёда азоб чекаётгандир, қонун ҳимоячиларининг ношудлигидан зорланиб... Бўпти, Павел, жиноят тафсилотини сўзлаб бер менга. Биласан, шунчаки қизиқ туолганидан сўраяпман буни.

— Биладан. Ўлдирилган аёлнинг фамилияси Рожновска. Исми... Қара, исми эсимдан чиқибди. Назаримда, “Н” ё “М” ҳарфи билан бошланарди. Наталья эди шекилли. Ҳа, тўғри, Наталья Рожновска. Ёши элликлар атрофида. Шецин фуқароси. Унинг хусусий қорхонаси бўлган...

— Қария, — сўзимни бўлди Арт, — сен у аёлнинг анкетасини тинч қўй. У ҳақдаги барча маълумотлар синчковлик билан текшириб кўрилган бўлиши керак, албатта. У аёл қандай вазиятда ҳалок бўлган — мени шу нарса қизиқтиради. Сен яна, жиноят сабабини аниқлаб бўлмади, деб айтдинг. Наҳотки офицерларининг доно мияларида биронта ҳам тахмин туғилмаган бўлса? Ё туғилганмиди?

— Ишни маҳаллий органлар олиб боришган эди. Улар жуда эҳтиёткорлик билан иш кўришган, ўзинг тушунасан — чет элликлар...

— Ҳа, нега тушунмас эканман. Кутилмаганда, жиноятчи чет эллик бўлиб чиқса-я! Ахир бу тамомила бошқача муомалани талаб қилади-ку. Жин урсин! Мен бўлсам бундай имтиёздан улар фақат меҳмонхона ва ресторанларда фойдаланадилар, деб ўйлардим. Ке, қўй, ҳиссиётларга берилмай, иш ҳақида гаплашайлик. Ўзинлар ҳам Свиноуйсьце аҳолисининг ярмини сўроқ қилиб чиққан бўлсанлар керак-а?

Унинг бу саволида пичинг оҳанги яққол сезилиб турарди, чунки у бизнинг ишлаш усулимизга, яъни мутлақо аҳамиятсиз бўлган, энг заиф жиноят изларини ҳам ниҳоятда синчковлик билан, ипидан-игнаситгача текшириб тергов қилишимизга доим шубҳа билан қарарди.

— Йўқ, сен айтганинчалик эмас, шаҳар анча катта. Биз фақат пансионатда дам олаётган одамлардан ҳамда пансионат соҳиби ва ходимларидангина гувоҳлик олдик — дарвоқе, бу пансионатнинг номи “Альбатрос”.

Лекин шу пайт суҳбатни бўлишимизга тўғри келди: меҳмон команданинг бир ҳужумчиси майдон чеккаси ёқалаб мардона ҳужумга ўтди ва “Погоня” ўйинчиларидан иккитасини кетма-кет доғда қолдириб, майдон эгаларининг дарвозаси томон ўқдай отилди. Дарвозабон унинг йўлини тўсмоқчи бўлди, лекин муғомбир ҳужумчи чапга ташланмоқчи бўлиб, сохта ҳаракат қилди, буни сезган дарвозабон тўпга ташланди, шунда меҳмонларнинг эпчил ўйинчиси тўпни у оёғидан бу оёғига отиб, уни этасиз қолган дарвозага йўналтирди. Минбар аянчли нолалардан қаттиқ ларзага келди ва “Гурник” командасига мойиллик билдирувчи бир неча ўнлаб ишқибозларнинг қувончли ҳайқирғини босиб кетди. Ўйин меҳмонлар фойдасига бир-у нол бўлди.

— Чаккмас! — деб маъқуллади дўстим, — ҳамма ҳимоячиларни худди гўдак болалардай алдаб ўтди. Ҳа, азизим Павлик, “Полония”нинг иккинчи лигага тушиб кетишига бир баҳя қолди.

Стадион мисоли бўрондай гувилларди. Минбарда, ён-атрофимизда ҳафсалалари пир бўлиб ўтирган ишқибозлар дарҳол аҳволи руҳияларини кўтариш чорасини кўра бошладилар. Мана, ўйин тугагач, фаррош аёллар яна бир дунё ишларни йиғиб оладиган бўлишди...

— Хўш, қай йўсинда ўлдирилган эди ўша аёл? — Бакс, командамиз ҳақидаги қочирғига жавоб қилишимни кутмай яна суҳбатимиз мавзуга қайтди.

— Уни ухлаб ётган пайтида бўғиб ўлдирилган. Шарф билан. У ўз хонасида, эрининг ёнида бир тўшакда ухлаб ётган экан.

— Нима? — Арт гапимга ишонмагандай менга қаради. — Ростданми? Буни қара-я! Бунақанги қотилликни мен ҳеч эшитмагандим. Нима, эри эшитмабди-ямми? Шунақа уйқуси қаттиқ эканми?

- Кимдир бу ишга ҳисса қўшган. Биз аниқладик, Рожновска ҳам, унинг эри ҳам уйкута ётиш олдида анчагина люминал дорисини қабул қилишган.
- Эрини-чи? Уни нариги дунёга жўнатишга уринишмабдими?
- Йўқ. У кечаси уйғониб кетиб, дод солиб бутун пансионатни уйғотиб юборган. Бир тасаввур қилгин-а: ўз ёнида бир тўшакда хотини бўйнида сирт-моқ билан ўлиб ётса... қандай даҳшат!..
- Ана, кўрдингми, қария, уйланган эркаклар бошига қандай савдолар тушиши мумкин экан! Йўқ, биродар, бўйдоқ бўлиб яшаганимиз маъқул. Демак, шарф билан дегин?
- Ҳа, шарфга ўхшаган мато. Биласанми, одатда санъатга дохил кишилар шунақа шойи мато билан бўйинларини боелаб юришни хуш кўришади.
- Биламан. У кимнинг шарфи экан?
- Эсимда йўқ. Хўш, бу иш материаллари билан танишиб чиқишга рози-мисан?
- Бакс ғалати бир тарзда бош чайқаб қўйди, лекин бу на рад жавобини, на рози бўлганлигини билдирарди. У ҳозир нима ҳақдадир астойдил мулоҳаза қилар, уни нимадир таажжубга солаётган эди...
- Агар тергов олиб борганлардан кимдир ўша шарфга эътиборини қаратиб у билан шуғулланган бўлса, сенга маслаҳатим шуки, Павлик, ўша йигит билан яхшироқ шуғуллан. У одам бўлади.
- Биз терговни жуда қунт билан олиб бордик, Арт. Гапимга ишонавер, биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик...
- ... ва иш архивга жўнатилади. Шундайми?
- Афсуски, жўнатилади.
- Демак, иш охирига етказилмаган. Унинг энг муҳим томони бажарилмаган — жинойтчи топилмаган.
- Ўзинг ҳам тушуниб турибсан, ҳеч ўхшаши йўқ жинойт бу. Ҳеч қандай сабаби йўқ унинг, ҳеч нима ўғирланмаган, Рожновскалар ҳамма ҳавас қиладиган эр-хотин бўлишган, жуда тотув яшашган, биронта ҳам душманлари бўлмаган.
- Ҳамонки қотиллик олдиндан пухта ўйланган режа бўйича амалга оширилган экан, — жинойт усули буни исботлаб турибди — сабаб бўлиши керак. Сен бу фикримни рад эта олмайсан. Бунинг устига яна, чет элликлар... Қариндошлари масаласи қандай?
- Рожновсканинг ҳеч қандай қариндоши йўқ, эрининг ҳам фақат бир-иккита жуда узоқ қариндоши бор экан. Лекин Рожновскалар улар билан ҳеч қанақа борди-келди қилишмас экан.
- Рожновскийнинг ўзида хотинини ўлдириш учун ҳеч қандай сабаб йўқ эканми?
- Нима, милициянинг бу ҳақда ўйлашга ақли етмаган, деб ўйлайсанми? Йўқ, бу эр-хотин жуда апоқ-чапоқ бўлиб яшашган, ҳеч қачон баҳслашишмаган. Тагин, ким билади дейсан. Мана, сен ўз хотинини бўғиб ўлдириб, кейин унинг жасади ёнига ётиб, бемалол ухлаб ётган эркакни тасаввур қила оласанми?
- Мен тасаввур қилмайман, мен... ўйлайман. Қолаверса, сен шуни яхши билишинг керакки, ҳатто энг беқусур эр-хотин ўртасида ҳам қотиллик қилишга мойиллик вужудга келиши мумкин. Буни мен эмас, Бернард Шоу айтган.
- Бу қоида биздаги ҳодисага тўғри келмайди, Арт.
- Тўғри келмайди? Сизлар Рожновсканинг ўлиб ётган хотинининг ёнида тўшакда ухлаганига шунчалик ишондингларми?
- Мен, тилим калимага келмай, унга бақрайиб қолдим. Бу иш материалларини — пансион аҳли ва ўзга шахслар берган гувоҳликларни, экспертиза маълумотларини — бирма-бир хаёлимдан ўтказар эканман, Баксга эътироз билдириш учун биронта ҳам асосли далил топа олмадим.
- Унинг навбатдаги пичингларидан мени “Полония”нинг шиддат билан қарши ҳужумга ўтиши асраб қолди. Бу ҳужум худди олдингилари сингари бесамара тутаб, ишқибозлар бир оз тинчишгач, Арт яна менга юзланиб, навбатдаги саволини берди:
- Менга қара, Павел, қаёқдан таниш бўлиб чиқяпти менга Рожновский фамилияси?

— Сен бу фамилияни қотиллик юзасидан газеталарда ўқиган бўлишинг мумкин эмас. Биз тергов материалларини матбуотда ёритмасликка ҳаракат қилганмиз.

— Йўқ, бу фамилияни мен спортга тааллуқли хотиралар туфайли эсладим. Шундай бўлиши мумкинми?

— Мумкин, албатта! — деб жилмайдим мен, — чунки Рожновска бутун Польшада машҳур шахматчи. Бу ерда, Шецинда-ку энг кучли шахматчи ҳисобланади.

— Фақат Шециндагина эмас. У Польшанинг энг кучли шахматчиларидан бири. Бир эмас, бир неча марта мамлакатнинг терма командасига раҳбарлик қилган. У халқаро тоифадаги гросмейстер, эсимга келмаганини қара-я!

— Сен яхшироқ биласан буни, — деб мен унинг фикрига қўшилдим. Мен шахматни Баксчалик билмасдим, очигини айтсам, умуман шахмат ўйнамасдим. — Биласанми, Арт, бу жиноятнинг шахматга қандайдир жуда боғлиқлик томони бор. Тергов гуруҳига бошчилик қилган зобит менга, масалан, шундай бир воқеани айтган эди: жиноят содир бўлган пайтда “Альбатрос”да дам олаётган одамларнинг ҳаммаси — ўзимизнинг фуқаролар ҳам, ажнабийлар ҳам — моҳир шахматчилар экан. Улар пансионатда ҳатто шахмат турнирини ҳам ўтказишибди.

Аристотель Бакс ўйланиб қолди. У кўзини футбол майдонидан узмас экан, хаёлидан тамомила бошқа нарсалар кечаётгани яққол сезилиб турарди. Ўйин уни бутунлай қизиқтирмай кўйган эди. Мен унинг ўй суришига халал бермай жим ўтиравердим. Мана, ниҳоят, у иягини қашлаб кўйиб менга қаради. Шўх кўзлари чақнаб турарди.

— Павел, — деди у, — шахмат — ажойиб ўйин. Айт-чи, Свиноуйсьцеда менга биронта мўъжазгина кулба топилармикин?

— Демак, розисан-а? — дедим мен суюниб кетиб.

— Айт, топиладими ё йўқми?

— О, мен сенга шаҳардаги энг зўр меҳмонхонанинг энг шинам кошонасини топиб бераман.

— Йўқ, менга бўғот тагидаги биронта одмигина хона ҳам бўлаверади. Ўзинг яхши биласан, мен кўп йиллар шапалоқдаккина хонада яшадим, у ерда нафақат китобларимга жой бор эди, ҳатто ўзим ҳам бемалол оёғимни узатиб ётаолмасдим. Ҳа, мен кўникиб қолганман. Одмигина хужра бўлса бўлди менга. Фақат, харажатларни бошқармангиз тўлайди, ўртоқ майор. Айтмоқчиманки, тежамкор бўл.

— Жуда соз, Арт, келишдик. Ҳозир; матч тугагач, сен билан яхшилаб тушлик қиламиз, кечкурун эса, барибир, “Шаршара”га бориб маишат қиламиз.

“Полония” ютқазди. Гурра кўтарилган оломон бизни оёғимизни ерга теккизмай стадиондан олиб чиқиб кўйди. Менинг оғзим кулоғимда эди. Мамлакатимизнинг энг донишманд кишиларидан бирини бу ўта мавҳум воқеа билан шуғулланишга кўндираман-у, суюнмайми? Эҳтимол, “Альбатрос”да содир этилган жиноят сирини очишга муваффақ бўлармиз энди? Эҳтимол? Йўқ, албатта ечилади у жумбоқ! Наталья Рожновсканинг қотили, у ким бўлмасин, шу дақиқадан бошлаб ҳаловатини йўқотади...

* * *

Эртаси куни эрталаб мен бош оғриғига икки шиша суюқ қатиқ ичиб ҳам ҳеч ўзимга келолмадим. Ўзимни мажбурлаб зўрға ўрнимдан турдим ва бир амаллаб душ қабул қилдим. Ҳар душанба куни бўлим ходимлари билан қисқагина оператив мажлис ўтказар эдим. Демак, хоҳласам-хоҳламасам, ишга отланишим керак... Аристотелга маза, у ҳали бемалол ухлайвериши мумкин. Биз у билан фақат соат ўнда бошқармада учрашишга келишиб кўйганмиз.

Ишхонада мени сюрприз кутаётган эди. Ҳозиргина Свиноуйсьцеда телефонграмма олинди. Уни ўқидиму бошим қотиб қолди ва бутун ақлий лаёқатимни ишга солишга уриниб кўрдим, аммо ҳозирги аҳволи руҳиямда бу осон бўлмади. Бу иш мен кеча ўйлагандан анча мураккаб бўлиб чиқди. Шу

заҳоти ҳужжатлар солинган, анча чанг босган папкани қўлимга олдим ва бу энди унутила бошлаган ишни варақлаб, анча ўнгиган фотосуратларни кўздан кечириб, ўша машъум қотилликни хотирамда қайта тиклашга уриндим. Кейин папкани ёпиб, ундаги “Иш тўхтатилган” деган ёзувни фломастер билан ўчирдим-да, бугун эрталаб олинган телефонограммани папкадаги ҳужжатларга қўшиб қўйдим.

Мен тезкор мажлисни ўтказиб бўлиб, хонамга қайтдим, ўз ўрнимга бориб ўтиришга улгурмай, телефон жиринглаб қолди.

— Ўртоқ майор, — бу навбатчи сержантнинг овози эди, — сизни сўраб келишди. Ҳозир ...исмини айтишга қийналяпман. Яна бир қайтаринг, гражданин!

— Сўрама фамилиясини, дарҳол бу ерга бошлаб кел уни!

Яна бир дақиқадан кейин шубҳаланган сержант кузатувида Арт жилмайиб кириб келди ва “тап” этиб ўзини роҳаткурсига ташлади. Сержант чиқиб кетди.

— Наҳотки у Аристотель деган исми умрида ҳеч эшитмаган бўлса? Мени Марсдан тушган махлуқ деб ўйлади шекилли, роса паспортимни айлантириб кўрди. Биласанми, мен ўзимни унча яхши хис қилмаяпман.

— Мен ҳам, янги гапни эшит, эрталаб Свиноуйсьцедан телефонограмма келибди. Мана у. Бугун тунда “Альбатрос”да Мария Решелни ўлдирмоқчи бўлишган, эсингдами, кеча сенга бу рўзғорбоши ва ошпаз аёл ҳақида гапирувдим.

— Ие, унда нима қилиб ўтирибмиз бу ерда? — У жиноят содир бўлган ерга шу заҳоти ўқдай учиб бормоқчи бўлгандай сакраб ўрnidан туриб кетди.

— Ҳа, биз чинданам ҳозироқ йўлга тушишимиз мумкин, лекин буюмларинг...

— Улар ўзим билан бирга! — деб Арт кўпни кўрган сафар сумкасига шاپатилаб қўйди. — Ҳамма юким шу ерда. Яна мана бу бойликларга ҳам жой топилади, — у ҳужжатлар папкасини шартга олиб сумкасига солди.

Мен муовинимга қисқагина хат ёзиб, Свиноуйсьцедаги маҳаллий милиция бўлимига бизнинг жўнаб кетаётганимизни хабар қилиш ҳақида фармойиш бердим. Яна бир дақиқадан кейин милициянинг “Фиат” машинаси бизни курорт томон шамолдек учириб кетди.

— Менга сени худонинг ўзи етказди, Арт. Энди кўряпсанми бунинг қандай душвор муаммо эканлигини?

Бакс орқа ўриндиққа жойлашиб ўтириб олиб, иш материалларини кўздан кечираркан, бу душвор муаммо билан танишарди. У дам-бадам “ҳм...ҳм...” деб қўйиб, бир нималарни гўлдирар, баъзи бир ҳужжатларни ўқимай четга олиб қўяр, баъзиларини бир неча марталаб қайта-қайта ўқиркан, тўсатдан бир нуқтага тикилганча қимир этмай қолар, сўнг сочларини тутамлаб, кўзига тушган соч толаларини қайтариб ташлаб, яна ҳужжатларни варақлашга тушарди. Мана, ниҳоят у папкани ёпди ва бир сўз ҳам айтмай менга қайтариб берди. Аминманки, тергов материалларининг энг майда тафсилотиғача, фото суратларнинг ҳар бир белгиси, ҳар қайси этиборсиз нуқтасигача унинг ўта нодир хотирасида муҳрланиб қолган эди.

— Ҳарҳолда, шарф масаласи нима бўлган эди?

— Ҳеч нима аниқлай олишмади, шекилли. Нега бу арзимаган матоҳни суриштириб қолдинг?

— Матоҳ дегин? Қойилман бўлимингдаги одамларга!

Бакс бир нималарни ўйлаб, сукутга толди, сўнг тўнгиллаб қўйди:

— Қизиқ, жуда қизиқ.

— Нима қизиқ?

— Шуниси қизиққи, бугунги чала бўғилган рўзғорбоши аёл шахмат ўйнамас экан.

Турган гапки, мен ҳеч нимага тушунмадим.

— Арт, Свиноуйсьцеда юз берган қотилликнинг шахматга нима боғлиқлиги бор? Шунингдек, бугунги аёлнинг жонига қасд қилинишининг ҳам?

— Осмондаги ойнинг сувдаги балиққа қандай боғлиқ жиҳати бор? — деб у саволимга савол билан жавоб қилди. — Бир қараганда, улар бир-бирига

мутлақо бегона тушунчадирлар, лекин шунга қарамай улар ўртасида боғлиқлик мавжуд. Сен балиқчилардан балиқни қачон тутган яхши — денгизда сув кўтарилган пайтдами ё пасайган чоғдами, деб сўраб кўр, улар сенга аниқ жавоб беришади.

Арт ўзининг бадҳазм феълини шу тарзда намоёниш қилиб, сўнг асосий масалага ўтди. Бу жуда узун ва ғоятда чалкаш монолог эди. Мен дўстимнинг феълини яхши билганим учун, гапини ҳеч қандай савол билан бўлмайд эшитдим. Чамаси, жумбоқли жиноятнинг очилмай қолганлиги Артга қаттиқ таъсир қилган эди, бунинг устига, бугунги ҳодисани айтмайсизми...

Қисқаси, Арт ёнида мен борлигимга ҳам парво қилмай, овоз чиқариб мулоҳаза қила бошлади; у менга маълум ва номаълум бўлган ёки хиёл хотирамдан кўтарилган далилларни бирма-бир ғалвирдан ўтказар, уларни бир-бирига яқинлаштириб, қисқаб кўрар ва турган гапки, ўша пансионатда содир этилган янги жиноятни ҳам улар билан боғлашга уриниб кўрарди.

— Ўн тўртта гувоҳ сўроқ қилинибди. Тахминимча, жиноятчини айнан шу гувоҳлик берганлар ичидан қидириш керак. Хўш, улар ким ўзи? Пансионат соҳиби Роман Боровский. Жуда бадавлат одам. Свиноуёшседаги ҳашаматли пансионатидан бошқа яна фотоательеси ҳам бор экан. Ёшми? Айни қирчиллама йигит ёшида. Уйланмаган. Аҳмоқ одамга ўхшамайди, чунки берган гувоҳликларида биронта ҳам аниқ фикр айтмаган. Кейин: Ака-ука икки швед — олгмиш ёшли, хотини билан ажрашган Ингмар Свенсон ва унинг укаси Вольф хотини ҳамда ўн икки ёшли ўғли билан. Бизнинг ҳушёр милициямиз шу ўғил болани ҳам сўроқ қилишни (ҳаттоки уч марта) унутмаган. Баракалла, азаматлар! Агар у ҳозир ўлдирмаган бўлса, аммо бундан кейин бизнинг саодатли юргимизда бирон кишининг жонига қасд қилишга жаҳд қилса, олдин ўн марта ўйлаб кўради. Ҳа, жиноят аниқлаш — жуда катта мураккаб иш...

Мен Артнинг бу киноя ва қочирик гапларига эътибор бермай, унинг фикрлари йўналишини кузатдим.

— Ажнабийларнинг охиригиси — Петер Нильсон, ослолик адвокат. Энди поляклар; булар: бизга таниш бўлган Рожновска, ёш врач Полтика, толиба қиз Божена Чело (кўзга яқин, дўндиққина қиз бўлса керак), жабрланган Мария Решель ва пансионатнинг икки нафар ходими: печкаларни ёқувчи Лизенга (у айни пайтда яна дурадгор, чилангар, ҳовли хизматкори ҳам) ва ходима Розалия Лукасевич (у айни пайтда яна официант ва фаррош ҳам). Гувоҳлик берганларнинг ҳаммаси уни Розочка деб аташган — истараси иссиққина ва жуда паришонхотир қиз бўлса керак.

Гап шу ерга келганда мен ҳам қочирик қилишдан ўзимни тийлладим.

— Толиба қизни дўндиққина, оқсоч қизни паришонхотир деб хулоса чиқаришда шошқалоқлик қилмадингми, Арт?

У менга худди калтафаҳмлигимдан ҳайрон бўлгандай тикилиб қолди.

— Ҳеч қандай шошқалоқлик йўқ бу ерда. Мен, агар керак бўлса, бу икки қиз ҳақида жуда кўп нарсаларни айтишим мумкин. Мана, масалан, толиба қизни олайлик. Ўзинг ўйлаб кўр, у энди йигирмага кирган, жисмоний тарбия институтида таҳсил олади, демак, қадди-қомати келишган, сарвқад қиз. Унга варшавалик машҳур журналист астойдил шайдо бўлиб қолибди. Нима, у хунук қизнинг кетидан илакишиб юрармиди?

— Ҳай, толиба қиз масаласида мени деярли ишонтирдинг. Айтгандай, Милевскийнинг ёши салкам элликда, айтмоқчиманки, сенда барча имкониятлар бор...

— Кейин кўрамиз, — Арт бу ҳазилимга эътибор бермади. — Гўзаллик — бу муҳим омил, албатта, лекин бизнинг ишимизда энг муҳим нарса гўзаллик эмас, балки... шахматдир!

— Ие, нима алоқаси бор шахматнинг? Сен менга журналист ҳақида гапирмоқчи эдинг.

— Бу Януш Милевский дегани жуда аломат шахс, мен унинг телевизорда олиб борадиган спорт кўрсатувларидан келиб чиқиб шундай деяпман. Сен ҳам бунга эътибор берган бўлишинг керак. Бу қизиқарли шахснинг кўрсатувлари ҳам жуда қизиқарли ўтади. Қисқаси, у Теран заковат соҳиби. Лекин шахмат...

— Сен, билишимча, бу шахмат таъқибидан қутилмаётганга ўхшайсан.
 — Гапинг тўғри, мен уни бир зумга ҳам хаёлимдан чиқара олмаяпман.
 — Нега ахир? Дам олувчилар худди шу тарзда преферанс ёки бриж¹ ўйнашлари ҳам мумкин эди-ку. Ўтган йили бутун август ёмғир тинмади, бошқа нима ҳам қиларди улар?

— Гапинг тўғри, улар преферанс ўйнашлари мумкин эди. Лекин ўйнашмаган! Биласанми, “Альбатрос”даги ўн тўртта кишининг тўққизтаси — шахматчи. Агар печкага ўт ёқувчи билан аёлларни ҳисобга олмасак — ҳамма! Та-содифми бу? Шахмат осон ўйинлардан эмас. Наҳотки шавкатли милициямизнинг зийрак майори бундай далилга эътибор бермаган бўлса? Нима бўлди ўзи? “Альбатрос”га дам олгани келган ҳамма ажнабийлар — шахматчи, Рожновский-ку ҳақиқий профессионал, журналист Милевский шахмат назарияси бобида таниқли мутахассис, пансионатнинг хўжайини бўлса шахматни яхшигина ўйнайди. Сен нима дейсан бунга?

— Вазият тақозоси.

— Балки шундайдир. Лекин мен бир нарсага жуда қатъий ишонаман: жиноятчи дебюгларни жуда яхши нишонга олади, шахмат комбинацияларининг барча сирларини ва эндишилнинг нозик томонларини пухта ўрганган. Мен шуни билдим ва шунга кўра ҳозирданоқ бир неча кишини, яъни умуман шахмат ўйнамайдиган ёки ёмон ўйнайдиган бир неча кишини шубҳа остидаги одамлар сафидан чиқариб юборишим мумкин. Бу кичкина иш эмас.

— Кичкина эмас, лекин жиноятчини топиш учун етарли ҳам эмас.

Аммо шунинг ўзи Рожновскани ўлдирганликда шубҳаланганлардан бири жисмоний тарбия институтининг соҳибжамол толибасидан шубҳа қилмаслик учун етарли далилдир.

— Нима, у шахмат ўйнамас эканми? — дедим мен кулиб.

— Худди шундай.

“Фиат” қитъани Волин ороли билан улаган кўприкдан ўта бошлади. Яна ярим соатдан кейин узоқда Свиноуйсьце чеккасидаги уйлар кўрина бошлади. Паром тўхтайдиган ерда юк машиналар, энгил машиналар турна қатор тизилишиб туришарди. Яхшиямки, ҳайдовчи паромчи йигитлар олдида алоҳида ҳуқуққа эга экан, навбатда турмай паромга чиқиш имкониятига эга бўлди. Паром канал бўйлаб суза кетди ва биз шаҳарнинг ажойиб манзараларини завқ билан томоша қила бошладик. Ҳаммаёқ кўкаламзор, чинланам бутун шаҳар мисоли улкан бир истироҳат боғи эди! Чап томонда эса, замонавий баланд-баланд иморатлар қад кўтарган. Каналнинг гавжумлигини айтмайсизми! Каттаю кичик турли тоифадаги кемалар, дунёдаги барча мамлакатларнинг байроқлари... Ҳамонки, Шепинни ҳаққоний тарзда Польшанинг шимолга боқувчи кўзи деб таърифлар эканлар, Свиноуйсьце, шубҳасиз, шу кўзнинг қорачуғи эди...

Паром манзилга келиб тўхтади. Одамлар соҳилга тушиш таралдулида тирчиллаб қолишди. Ҳамма чиройли ёзлик кийимлар кийган, қувноқ кайфиятда, гангур-гунгур гаплашишади, шўх-шўх кулишади, ҳазил-мутойибалар янграйди — ахир улар бу серкуёш июл ойида денгиз бўйига дам олгани келишяпти-да.

Ҳамма траждан ерга туша бошлади. Бизнинг машинамиз ҳам соҳилга тушди. Биз машинага ўтириб шаҳарнинг денгиз бўйи худуди томон йўл олдик. Мен кўз қиримни ташлаб, теран хаёлга чўмган дўстимни кузатиб боришман.

* * *

“Альбатрос” пансионати чиройли бинога жойлашган эди; уни уч қаватли деб атаса ҳам бўларди, ҳолбуки бу учинчи қават фақат бўғот остидаги бола-хонадангина иборат эди. Умуман, бу жуда ёқимтой уй эди; унинг томи тўққизил черепица билан ёпилган бўлиб, томнинг тўрт бурчагига фақат чиройли манзара касб этиш мақсадида кўркам минорачалар қўндирилган эди. Бинонинг деворлари эса сарғиш ранг билан бўялган бўлиб, деразаларнинг пирамонлариди ва ертўла устидаги нишлар кўнғир рангда эди.

¹ П р е ф е р а н с ё к и б р и ж — қарта ўйинларининг номи.

Бу асосий бинонинг орқасида бошқа иморатлар — гаражлар, омборхоналар бор эди. Бу бино ва иморатларнинг теварак-атрофи яхши парвариш қилинган ям-яшил майсазор бўлиб, бу ерда уч-тўрт туш қорақарагай мағрур қад кўтариб турарди. Бир сўз билан айтганда — бағоят гўзал манзара...

Пансионат жуда қулай жойда — денгиз бўйи хиёбони ўтган ерда эди, лекин бу хиёбоннинг гавжум ери эмас, балки энг охирги сокин жойи эди. Пансионатдан нарида иморатлар йўқ, у ерда фақат қуюқ дарахтзор билан қопланган тепалик бўлиб, бу тепалик орқасидан Германиянинг чегараси ўтган эди.

Биз зинадан кўтарилиб пансионатнинг асосий эшигидан унинг даҳлизига кирдик. Бу ерда бизни уч киши кутиб турарди. Бу учта эркакнинг бири район милиция бўлимининг терговчиси бўлиб, фамилияси Вяттер эди. Кун жазирама иссиқ бўлишига қарамай қора костюм кийиб, галстук болаган иккинчи эркакнинг прокурор эканлиги бир чақирим наридан сезилиб турарди. Мен ана шунақа энди тухумдан чиққан прокурорлар билан ҳамкорлик қилишни ҳеч ёқтирмайман. Эҳтимол менинг омадим юрмагандир, лекин менга, худди атайин қилингандек, доим ақли ноқис, тажрибаси йўқ, ўзига бино қўйган пўрим прокурор йигитчалар рўпара келарди. Учинчи эркак — калтабақай, олифгачасига мўйлов қўйган, қўнғиз мисол қорадан келган одам бизга пешвоз кела бошлади. Афтидан, пансион хўжайини Боровский шу бўлса керак.

— Хуш келибдилар, хуш келибдилар? — деб у атрофимизда парвона бўлар экан биз билан кўришиш учун терлаган юмшоқ кафтини узатди. — Кўзимиз тўрт бўлиб кутаётувдик.

Чамаси бу одам Баксга ҳам ёқмади шекилли, битта бетакаллуф савол билан унинг “попутини пасайтириб” қўйди.

— Бу пансионат нима деб аталади? — гўё қизиқаётган одамдай савол берди Арт.

— “Альбатрос”, ҳурматли пан, “Альбатрос”.

— Мен бўлсам “қирқ қароқчи” даргоҳига келиб қолдимми, деб ўйлабман.

У яна бир қочирлик гап айтишга оғиз жуфтлаган эди, лекин бу пайт терговчи йигит яқин келиб менга вазиятни баён қилмоқчи бўлди. Мен кўл ишораси билан уни гапиртирмадим.

— Ҳожати йўқ, поручик, жабрланган аёл қаерда?

— Ўзида, ўз хонасида тўшакда ётибди, — деди пансионат хўжайини поручикнинг оғиз очишига имкон бермай. — Кўп азоб чекди шўрлик аёл!

— У билан гаплашса бўладими?

— Бўлади, менимча, лекин олдин яхшиси мен билан гаплаша қолинг.

— Сиз билан, яхшиси, кейин гаплашамиз. Врач нима деди?

— У укол қилди, менимча, тез орада оёққа тура олса керак. Оҳ, пан майор, хайрият, бечора жон сақлаб қолди, йўқса, оқибати бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди.

— Поручик, сиз шу ерда кутиб турунг, мен ҳамкасбим билан жабрланганнинг олдига бир зумга кириб чиқаман, — дедим мен прокурорнинг ранжиган қиёфасини гўё пайқамангандек. Ҳа, балоям урмайди унга. Шецинда бу тоифадаги оғалар мен билан бундан ҳам совуқроқ муносабатда бўлишган.

Биз Боровскийга эргашиб узун йўлакдан кетиб борардик. У худди ўрдакка ўхшаб товонларини сиртга қайириб алпанг-талпанг юрар экан.

Боровский йўлакнинг чап томонидаги эшиклардан бирини очди. Хонада торгина катда анча ёшга бориб қолган аёл пешонасига компресс қўйиб, аёл ёпиниб ётарди. Кат ёнидаги столчада сунъий гуллар қўйилган гулдон турар, стол ёнида эскирган шифоньер бор эди. Хона деразасига ошпоқ парда тутилган, ерга ола-чипор гилам тўшалган, деворга эса, қайсиям бир авлиёнинг расми осилган эди.

— Биз милицияданмиз, — дедим мен аёл билан кўришиб бўлгач. — Биз учун бир неча дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?

Аёл базўр бош ирғаб рози бўлди. Сўнг оғир хўрсиниб қўйиб деди:

— Мен энди анча яхши ҳис қилияпман ўзимни, фақат бошимнинг оғриғи ҳалиям қолмаяпти.

Унинг гапириш усулидан, немис аёли эканлигини дарҳол пайқаб олдим. Бунинг учун тилшуносликдан хабардор бўлиш шарт эмас эди.

Мен беморнинг боши томонида турган стулга ўтирдим. Бакс, поручик ва пансионат хўжайини эшик олдида туриб қолишди.

— Илтимос, нима бўлганини сўзлаб берсангиз.

— Оҳ, муҳтарам пан, — деб аёл яна оғир хўрсиниб қўйди. — Мен жуда мудҳиш бир балога мубтало бўлдим! Энг муҳими — сабабини билмайман. Кимга керак экан менинг жонимга қасд қилиш? Душманларим йўқ эди, чунки умрим бино бўлиб биронта пашшага ҳам озор бермаганман. Бу қандайдир даҳшатли тушунмовчилик. Ахир мен кимнинг йўлига гов бўлишим мумкин?

— Илтимос, ўзингизни босинг, биз ҳам шу нарсани ойдинлаштиргани келганимиз.

— Хуллас, бундай бўлган эди. Мен ўзимнинг доимий одатим бўйича кеч соат ўн бирда уйкута ётдим, ётдим-у ҳадеганда уйкум келавермади, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим.

— Бошингиз оғридими?

— Ҳа, йўқ, ошқозоним негадир эзғилаб оғрий бошлади. Ҳатто ўрнимдан туриб, кечирасиз, ҳожатгайа чиқиб келдим. Эҳтимол биронта айниган овқат истеъмол қилдиммикин, деб ўйладим. Ҳолбуки, биз ошхона учун доим энг янги ва сархил озуқаларни харид қиламиз. Ҳожатхонада жудаям ёмон бўлдим, бошим айлана бошлади. Зўрага ўрнимга қайтиб келиб ётдим, сал кўзим илингандай ё хушимдан кетгандай ҳис қилдим ўзимни. Ана шунда бошланди... ўша даҳшат. — Аёлнинг изтиробли кўзларида кўрқув аломати акс этди. — Кўрагимдан зилдай бир нарса босаётганини, нафасим қайтиб қийналаётганимни сезиб, уйғониб кетдим. Оҳ, бу шундай даҳшат эдики, муҳтарам пан! Аввалига, кўрқинчли туш кўраяпман, ҳозир уйғонсам ҳаммаси ўтиб кетади, деб ўйладим. Биласизми, ўтган йили ёзда бизда юз берган фожиадан кейин тез-тез шунақа кўрқинчли тушлар кўрардим.

Аёл гўё ўзининг бемалол нафас олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай, ҳикоясини тўхтатиб, чуқур хўрсиниб қўйди ва бошидаги компрессни тўғрилади. Сўнг яна ҳикоясини давом эттирди:

— Шу маҳал мен бирдан туш кўрмаётганимни, кимдир чиндан ҳам мени бўғаётганини ҳис қилдим. Мен ўзимни унинг чангалидан қутқариш учун астойдил типирчилаб, дод солдим, уни итариб юборишга уриндим — кейин нима бўлганини эслолмайман. Хушимдан кетган бўлсам керак. Ё худоё тавба!

— Тинчланинг, энди ҳаммаси ўтиб кетди.

— Кейин хушимга келганимда, хонамда чироқ ёнган, ҳурматли пан Роман бошим узра энгашиб турарди. — Аёл Боровскийга миннатдорона нигоҳ ташлади.

Аёл ҳали жуда заиф эди, лекин мен, шунга қарамай, энг муҳим нарсалар тўғрисида сўраб билиб олишим керак эди.

— Агар имконингиз бўлса, илтимос, менинг яна бир саволимга жавоб берсангиз. Сиз уйкута ётмасдан олдин спиртли бирон нима ичганмидингиз?

Пани Решель бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Ҳа, чиндан ҳам, икки рюмкагина вино ичувдим... эр-хотин Свенсонлар ва ... ҳалиги, фамилиялари ҳеч эсимда турмайди, расом билан хотинини айтмоқчиман... шулар даврасида ичгандим. Давраимизда пан Милевский ҳам бор эди, иккинчи рюмкани менга шу пан таклиф қилувди. Шундай ёқимли, хуш-такалуф кишининг қўлини қайтариб бўладими? Хуллас, бу ерга тўпланганимизни нишонлаб ичдик-да. Бу сафар дам олувчиларнинг гули тўпланган эди, шундай эмасми, пан Роман? Кечаси ўзимни бирдан ёмон ҳис қила бошладим.

— Ошқозонингиздаги оғриқ ўша икки рюмка винодан ҳам бўлиши мумкин. Билишимча, сиз спиртли ичимликларни унча кўп истеъмол қилмасангиз керак-а?

— Мен, умуман, ичмайман, муҳтарам пан. Нимагайм ичдим кеча ўша байталмон винони?

Мен бу қисқагина суҳбат учун аёлга миннатдорлик изҳор қилдим, тезроқ тузалиб кетишини тиладим. Биз бемор аёл билан хайрлашиб хонасидан чиқдик.

Холда бизни поручик кутиб турган эди. Прокурор, қаттиқ ранжиган бўлса керак, кетиб қолибди. Биз Арт ва милиция офицери билан четроққа ўтдик.

— Терговни Аристотель Бакс олиб боради, — дедим мен поручикка. — Сизнинг вазифангиз — унга ҳар жиҳатдан ёрдам қилиш. Буюраман, сиз пан Бакснинг барча топшириқларини бажарасиз, яна ёдингизда бўлсин — унинг буйруқлари сизга қанчали аломат ва гайритабиий бўлиб туюлмасин, ҳаммасини тез ва аниқ бажаришингиз шарт. Ҳаттоки агар сиз айрим топшириқлар маъносига тушуниб етолмасангиз ҳам, ҳеч хижолат чекманг. Унинг биронта буйруғини бажармасангиз, менинг олдимда бошингиз билан жавоб берасиз. (Ўтган йилги машъум ишимиз мени эҳтиёткор бўлишга ундаётган эди.)

— Буйруғингиз бажарилади, муҳтарам майор! — Офицер дўстимга бошдан-оёқ диққат билан разм солиб чиқди; унинг бу қарашда ҳам таажжуб, ҳам тасанно, ҳам эҳтиром мавжуд эди. Бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ эди, чунки Бакснинг исми милициями ходимларининг ҳаммасига яхши таниш эди, фақат хизматга яқин кунларда кирганларгина уни билмасликлари мумкин эди. Арт олиб борган тергов ишлари худди афсонадек оғиздан-оғизга кўчиб юрар, айримлари эса ҳатто бизнинг дарсликларимизга ҳам киритилган эди.

— Рожновска ишини сиз олиб борганмидингиз? — деб Арт ўз вазифасини бажаришга киришди.

— Ҳа.

— Нима учун аёлни бўғиб ўлдиришда ишлатилган шарфнинг кимга тегишли эканини аниқламадингиз?

— Мен ҳаммадан — чет элликлардан ҳам, Боровскийдан ҳам сўраганман. Ҳеч ким шарф эгасини билолмади.

Арт қисқагина “ҳм-м” деб қўйди, бу ибора унинг маҳаллий милиция қўллаётган тергов усулига бўлган муносабатини узундан-узун жумлалардан кўра аниқроқ ифодалаб берар эди.

— Биласизми, — деб савол беришда давом этди Арт, — Берда ҳимояси билан Рега дебюти бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

Шу пайт бу милиция офицери ўқитувчиси ёзув тахтаси олдига чиқариб, кутилмаганда квант назарияси ҳақида сўзлаб беришни талаб қилган бошланғич синф ўқувчисига ўхшаб кетди. Поручик, турган гапки, чурқ этиб ҳам оғиз очмадики, ҳозир унинг қўлидан келадиган энг ақлли иш шу эди.

— Ундай бўлса, балки бизга Сицилия ҳимоясининг Француз ҳимоясидан нима билан фарқ қилишини айтиб берарсиз? — Бу савол билан Бакс бечора поручикни бутунлай лол қилиб қўйди.

Терговчи нима деб айтишни билмай эсанкираб қолганди, Бакс эса кулиб юбориб менинг елкамга қоқиб қўяркан, деди:

— Айтмабмидим сенга, тергов олиб борган шахс шахмат ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, деб?

Мен бўлсам бечора поручикнинг хаёлига келган: “Бу маълум ва машҳур Бакснинг сал... томи кетган, шекилли”, деган фикрни осонгина ўқиб олдим.

— Бакс бажарадиган иш ҳақида, — дедим мен вужудга келган вазиятни бартараф қилиш учун, — ҳеч кимга, ҳаттоки прокурорга ҳам чурқ этиб оғиз очмаслигингизни сўрайман.

— Айниқса прокурорга, — деб гапни илиб кетди Бакс. — Бу ерда, пансионатда, барибир, кимлигимни билиб олишса керак ҳали, бу қўрқинчли эмас, унғача мен ишнинг тагига етишга улгураман. Бардам бўлинг, поручик! Сиз шахмат ҳақидаги китобларни топиб ўқинг, аминманки, улар сизни қизиқтириб қолади. Шахмат — энг яхши дам олиш тури. Айниқса, энг қийин ақлий меҳнатдан толиққан пайтларда.

Пансионат ҳўжайини келиб бизни тушликка таклиф қилди. Биз унинг таклифини мамнуният билан қабул қилдик, чунки ҳозир айнаи тушлик пайти эди, биз бўлсак бугун нонушга қилишга ҳам улгурмаган эдик.

Биринчи қаватдаги каттакон бир хона пансионат емакхонаси экан. Гарчи у ерда бешта чор бурчак стол турган бўлса ҳам, хонада ҳали бўш жойлар кўп эди. Столларга опшоқ дастурхонлар ёзилган, стуллар қулай, яхши телевизор, дераза олдида эса — пианино. Бизга истараси иссиққина ёш бир қиз хизмат қиларди. Унинг қўйлаги шу қадар калта эдики, хоҳласанг-хоҳламасанг, биринчи навбатда кўзинг унинг оёқларига тушар, шундан кейингина — бошқа ерларига назар ташлардинг.

— Розочка, — деб қизга мурожаат қилди Боровский, — илтимос, бизга тўртта тушлик ва вино. Биласизми, жаноблар, менда яна...

— Вино? — деб афтини бурушгирди Бакс. — Шундоқ ҳам жигилдоним қайнаб ётибди — вино ичсам баттар бўлади.

— Унда, ижозатингиз билан, арақ чақирайми? — Хўжайин меҳмоннавозликни жуда дўндириб бажараётган эди. — Менда арақнинг бир неча навлари бор. Сизга рябина арагини тавсия қиламан.

— Бундай қатта рўзгорни бошқариш сизга осон бўлмаса керак, — деб ҳаётий мавзуда суҳбат бошладим мен Роза чиқиб кетгач.

— Сиз мутлақо тўғри пайқабсиз, ишим жуда қийин, — деб суҳбат мавзуини давом этгирди пансионат эгаси. — Менда яна фотоателье ҳам бор. Сирасини айтганда, мен қийинчиликларни енгишга ўрганиб қолганман. Булар кундалик оддий воқеа... ўтган йили содир бўлган кўнгилсизликлар олдида. У ҳам етмагандай, бугунги фалокатни айтмайсизми! Оҳ, пешонам курсин, тақдир менга қарши тиш қайраганми дейман, ҳурматли жаноблар! Қандайдир шум қисмат мени таъқибига олган.

Мен имконият туғилгандан фойдаланиб:

— Биз овқат пайтида ишдан гаплашишни лозим кўрмаган эдик, — дедим. — Лекин ҳамонки ўзингиз гап очган экансиз, марҳамат қилиб бизга кечаги ҳодисанинг айрим тафсилотларини сўзлаб беролмайсизми? Масалан, бечора аёлнинг фарёидан уйғониб кетганингизда соат неча эди?

— Тахминан, тунги соат иккилар эди. Мен пани Мариянинг ёрдам сўраб қичқирганини, йўқ, агар аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг хириллаган бўғиқ ноласини эшитиб, сакраб ўрнимдан турдим ва йўлакка отилиб чиқдим. Тўғри, мен шу заҳотиёқ чинқираётган пани Решель эканлигини билдим, чунки биринчи қаватда ундан бошқа ҳеч ким турмасди. Мен унинг хонаси эшигини итариб очиб чироқни ёқдим. Тан оламан — жуда кўрқиб кетган эдим.

— Сиз хонага кирганингизда бирон-бир гайриоддий ҳолни пайқадингизми?

— Йўқ, ҳеч қандай гайриоддий ҳолни кўрмадим, очиги, мен хонанинг у ёқ-бу ёғига назар ташламадим ҳам, фақат пани Марияни кўрдим. Ҳа-я, дарвоқе, унинг тўшаги ёнида, ерда манави нарса ётган экан, — шундай деб у чўнтагидан бир парча шойи чиқарди.

— Кимнинг шарфи бу? Биласизми?

— Айтолмайман. Бунақа шарфни кўпчилик бойлаб юради. Менда турувчилардан, масалан, жаноб Ингмар Свенсон, таниқли рассомимиз пан Ковалик яна баъзи-баъзида пан муҳаррир ҳам. Лекин айнан бу шарфни мен ҳеч кимда кўрмаганман.

— Пани Решель кўрдими бунга?

— Йўқ, мен унга сездирмай олиб чўнтагимга солдим. Ўзингиз тушунасиз, ахир ўтган йили ҳам...

— Тушунамиз, тушунамиз, — деб шу чоққача жим ўтирган Бакс Боровскийнинг сўзини бўлди. — Рожновска ҳам худди шунақа шарф билан бўғиб ўлдирилган. Лекин менга айтинг-чи, нима учун сиз пани Решелнинг хонасига дарров кирмадингиз?

Боровскийнинг ранги докадек оқариб, қўлидаги қошиқ титраб кетди. У ўз хаяжонини босиб олиб, жилмайишга уриниб кўрди.

— Яъни қанақасига? Қаёқдан олдингиз бу гапни? Лекин, тўғри, сиз ҳақсиз. Кечирасиз, бу мутлақо қутилмаган саволингиз мени каловлатиб қўйди. Тўғри, мен пани Решелнинг хонаси эшигига боргач, ичкарига кирмай у ерда бир оз туриб қолдим. Ҳа, ҳа, мен кўрқдим. Бу ҳақда сизга боя ҳам айтувдим.

— Панининг эшиги чиндан ҳам ичидан занжирланмаганмиди?

— Худди шундай. Бу жуда галати ҳол эди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, сиз хонага кўрққанингиздан эмас, балки эҳтиёткорлик юзасидан кирмагансиз. Эшикнинг занжирланмаганлиги сизни ҳайрон қолдирган. Миянгизда пани Решель... ўлдирилган, деган фикр пайдо бўлди.

Боровский Арта синчков нигоҳ ташлади.

— Ҳа, мен худди шундай хаёлга боргандим. Лекин бундай хаёл менинг

қўрққанлигимни инкор қилолмайди. Борди-ю қотил эшик орқасида пушиб турган бўлса-чи? Шундай бўлиши мумкин эмасми? Қўрққан бўлсам нима қилибди? Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

— Ҳа, гапингиз тўғри. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, ўлсам ҳам кирмасдим, бошим оққан томонга жуфтакни ростлаб қолардим.

Боровский Баксининг ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий гапираётганини ҳам тушуна олмай, унга шубҳа билан қаради. Мен суҳбатимиз бир оз бошқа томонга бурилганидан фойдаланиб, ўзимни қизиқтирган масалаларни аниқлаб олмоқчи бўлдим.

Пансионатингизда июл ойида дам олганларнинг ҳаммаси жўнаб кетганми?

— Ҳа, эр-хотин Коваликлардан бошқа ҳамма. Улар август ойида ҳам шу ерда дам олишга аҳд қилишди. Бошқа ҳамма дам олганлар жўнаб кетишди. Охирчилари кеча кечкурун хайрлашишди.

— Август ойига ҳамма хоналарингиз банд қилинганми?

— Албатта. Менинг пансионатимда хоналар ҳеч қачон бўш қолмаган. Айтгандай, ўтган йилги мижозларимнинг ҳаммаси бу йил ҳам шу ерда дам олишди. Доимий мижозларинг бўлганига нима етсин! Кимлар дам олиши қизиқтиряптими сизни? Санаб беришим мумкин. Эр-хотин Свенсонлар ўғиллари билан, яна битга жаноб Свенсон. Улар ака-ука шведлар. Норвегиядан жаноб Нильсон келган, Свенсонларнинг дўсти. Жуда маданиятли одамлар...

— Яна кимлар бор?

— Яна пан муҳаррир Милевский, у ҳам жуда маданиятли одам. Сиз уни танийсиз, у бизнинг машҳур спорт комментаторимиз. Гоятда дилбар суҳбатдош, улфатларнинг жону дили. Яна панна Бажена Чело келган, соҳибжамол қиз, толиба. Пан Милевский билан у, — хўжайин худди бир сирни очаётгандай овозини пасайтирди, — сизга айтяпман, гап шу ерда қолсин-у: пан Милевский билан толиба ошиқ-маъшуқ, агар соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бир-бирларига шайдо. Оҳ, унинг профили!

— Милевскийнингми?

— Йўқ, панна Боженанинг. Ўтган йили ёзда мен уни бир неча марта суратта олган эдим, жуда ажойиб портретлар. Билмадим, сизни қизиқтирармикин фотография...

— Жудаям қизиқтиради-да, — деди Бакс шоша-пиша. — Мен яхши фото суратларни йиғишга жуда ишқибозман. Агар сиз менга, ҳеч бўлмаса, бир жуфтгинасини...

— О, агар хоҳласангиз сизга бир дастасини чин дилдан тортиқ қиламан. Яна бошқа олган суратларимни ҳам кўрсатаман сизга, улар орасида жуда ажойиблари бор, гапимга ишонаверинг. Сиз мутахассис сифатида уларнинг қадрига етасиз, деб ўйлайман. — Бу гапидан унинг фотографияга жуда берилганлиги сезилиб турарди. — Лекин, ижозатингиз билан, гапимни давом эттирсам. Демак, битга номеримни эр-хотин Коваликлар эгаллашган. Эри — таниқли расм, хотини — жуда ёқимтой, дилкаш аёл. Жуда маданиятли. Ва ниҳоят, доктор Полтика, гоятда басавлат ёш йигит. Ҳаммалари етиб келишди, ҳеч ким панд бермади.

— “Панд бермади” деганингизни қандай тушуниш керак? — сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

— Одатда мен ҳамма мижозлар билан олдиндан келишиб қўяман, биз ёзишма орқали дам олиш муддатини аниқлаймиз, шунга кўра, биронта одам охири пайтда бу ерга келишдан воз кечса, бу билан мени анча қийин аҳволга солиб қўяди. Биз, хусусий пансионат эгалари, доимий мижозлар билан алоқа боғлашни афзал кўрамиз. Биласизми, шу тарзда одамларга кўникиб қоларкан киши, шунингдек, улар ҳам пансионатдаги тартибга кўникиб қолишади. Мен учун бу жуда муҳим, зеро мен сўққабош одамман, уйимда бекам йўқ...

Афсус, ҳамма хоналар банд экан, ҳолбуки Бакс айнан шу “Албатрос”га жойлашишни орзу қилган эди. Бир уриниб кўрсаммикин?

— Агтанг, пансионатингизда битга ҳам бўш хона қолмабди-да, — деб гап бошладим мен. — Дўстим Варшава университетида илмий ходим, бу ерга уч ҳафтага келган эди — ҳам дам олиш, ҳам швед тили билан шуғулланиш мақсадида. Афсус...

Мен Боровскийнинг захирасида биронта бўш хужра топилади деб умид қилган эдим, янглишмабман.

— Мен бўлсам сизни психолог деб ўйловдим! — деди пансионат хўжайини. — Топилади. Менда битта хона бор. Тўғри, унча каттамас, аммо қулай ва жуда шинам хона. Гарчи деразаси ҳовли томонга очилса ҳам, учинчи қаватда бўлса ҳам, салгина қоронғироқ бўлса ҳам, жуда ёқимтой хона. Очиғи, мен у хонани ҳеч қачон ижарага қўймайман, ўзингиз биласиз, пансионатимда дам олувчи муҳтарам зотлар... Яъни, айтмоқчиманки, менда битта бўш хона бор, агар у ҳурматли панга мақбул бўлса...

— Мақбул, жудаям мақбул, — деди Арт унинг сўзини бўлиб. — Ётишимга жой, ишлашим учун стол бўлса бўлди — бошқа ҳеч нима керак эмас. Мен таътилдаги одамман.

— Оҳ, мен бўлсам таътил нималигини аллақачон унутиб юборганман, — деб хўрсиниб қўйди пансионат хўжайини. — Денгиз бўйида яшайману уни деярли кўрмайман. Хонага жуда қулай кат қўйилган, кўрпа-тўшак бор, ҳозир тошпириқ бераман, ёзув столи олиб кириб қўйишади. Фақат... ижара ҳақи олдиндан тўланади бизда.

Гарчи хона мўъжазгина ва анча қоронғи бўлса ҳам, пансион хўжайини Артдан тўрт минг злотихни шилиб олди. Агарда дўстимнинг бутун ишонгани шу пул бўлганида борми, у эртадан бошлаб ҳамма нарсдан воз кечишга, тишининг кирини сўриб ўтиришга мажбур бўларди. Шунга қарамай, мен Артнинг “Альбатрос”га жойлашганидан жуда хурсанд эдим. Энг муҳими, бу пансионатда юз берган фожиа сирини очиш учун биринчи қадам қўйилган эди.

Мен дўстимни ёлғиз ўзини қолдириб Шецинга қайтдим... кошкийди билсам унинг кимларга рўпара келишини. Муқаррар, у жинойтчи билан учрашади. Ёки жинойтчилар билан. Бечора Аристотель!.. Уни хатарда қолдиришга ҳаққим бормиди? Ҳарҳолда мен уни бир эмас, икки жинойтга озми-кўпми доҳил бўлган одамлар орасида қолдираётганимни билардим-ку! Ахир мен Артнинг феълини биргаликда олиб борган терговларимиз тажрибасидан жуда яхши ўрганиб олган эдим-ку: у, одатда, терговнинг психологик томонига берилиб кетиб, ўзини муҳофаза қилишни тамомила унутиб қўяр эди. Чунончи, у Юзефовада “ўз вазифасини бажариш чоғида” елкасидан яраланган эди, Варшавада икки марта бошига лом билан туширган эдилар, буни оқибаотида анча вақтгача касалхонада ётишига тўғри келганди. Мана энди, “Альбатрос”да ҳам жуда хавфли жинойтчи (ёки жинойтчилар) ҳаракат қилаётгани сезилиб турибди. Ўтган йили Рожновсканинг ўлдирилишида ҳам, куни кеча Мария Решелни бўғиб ўлдиришга уринишда ҳам олдиндан жуда пухта ўйланган ва бир хилдаги воситадан, яъни уйқу дориси ва шойи шарфдан фойдаланиш билан жинойтга қўл урилганини кўриб турибмиз.

Турган гапки, мен Свиноўйсьцедаги милиция ходимлари зиммасига Артни хуфийна ҳимоя қилиш ҳақида вазифа юкладим, лекин бари бир у уйда бўлганида ёлғиз қолаётган эди... лекин ким билан?

* * *

Аристотель Баксга ажратилган хона — болахонада эди. Бу аслида кичкинагина хужра бўлиб, деворлари қийшайиб кетган, кафтдаккина келадиган дарчаси пансионатнинг томига қараган эди. Пансионат хўжайини, нисбатан анча шинам бўлган қўшни хонага қиз Божено Чедо жойлашганини, болахонанинг шу қатордаги деразалари ҳовли томонга очиладиган учинчи хонаси доктор Полтикага берилганини айтди. Болахонанинг иккинчи тарафидаги деразалари пансионатнинг олд томонига қараган икки хонани варшавалик машҳур журналист Милевский эгаллаган бўлиб, бу хоналар, махсус ваннаси бўлганлиги сабабли “кошона” деб юритилар экан.

Қош қорая бошлади. Бакс икки соатгина мизғиб олиб, Шецин “Шар-шара”сидаги кечаги қуюшқондан чиқиб кетган маишат асоратини ҳам, бугунги чарчоқларини ҳам даф қилди. Энди у ўз нарсаларини энги жойлашган хонасида қолдириб жуда муҳим учрашув сари йўл олди. Бугун у умрида биринчи марта... Болтиқ денгизини кўради.

Пансионат бўм-бўш ва сокин эди. Дам олувчилар ҳавонинг яхши келганидан фойдаланиб, оқшомги сайру сайёҳатни тарк эттилари келмас, кечлик қилгани шояшмасди. Пансионатнинг ходим ва ходималари эса пастдаги қаватда ўз ишлари билан машғул эдилар.

Денгиз бўйидаги сайлгоҳ. Сарғиш майда тош сепилган кенг хиёбонлар, ора-ларига санъаткорона маҳорат билан турли хил шаклларда ўрнатилган турфараң ва турли тоифадаги гуллар ўтқазилган ва ҳафсала билан парвариш қилинган чиройли ям-яшил майсазорлар кўзни қувонтиради. Плиткалар ётқизилган йўлчаларнинг икки тарафга қандайдир антиқа шаклдаги номаълум ва нотаниш пак-пакана дарахтлар ўтқазилган. Теварак-атрофда оддий дарахтлардан ташкил топган кичик-кичик ўрмонлар ҳам кўзга ташланади. Кенг зинадан денгиз ёқалаб икки томонга чўзилган, боши-охири кўринмайдиган тўлқин-қайтаргичлар олдига тушиш мумкин. Соҳилда одамлар кўп, улар ҳеч қаёққа шошмайдилар, бамайлихотир оҳиста суҳбатлашадилар, ҳеч ким бу тантанавор сукунатни бузмайди.

Ҳадсиз-худудсиз денгиз Аристотель Баксни қаттиқ ҳайратга солди. Унинг бу маҳобатли манзара таассуротидан ўзига келиб олиши учун анча вақт керак бўлди. У хиёбон ёқалаб икки қатор қилиб қўйилган скамейкалардан бирига бориб ўтирди ва мўъжизакор денгиз ҳавосидан ҳузур қилиб тўйиб-тўйиб нафас олди. Арт Варшавадан бу ёққа жўнаши олдидан бир китоб дўконидан Свиноуйсьце ҳақидаги эски бир китобчани сотиб олган эди. Бу китобчада оромгоҳнинг микроиқлими ҳақида, денгиз бўйи кўрфазининг ноёб шифобахш хислатлари ҳақида кўп қизиқарли маълумотларни ўқиган эди, мана, энди у ана шу азон ҳавосидан, йод, бром ва ҳоказоларнинг микроскопик тузлари сингиган энг соф ҳаводан ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас оларди. Йўқ, ўша китобча “бу улкан табиий ингалаторий инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали” деганида ҳеч ҳам муболага қилмаган экан.

Одамлар хиёбонда сийрақлаб қолишди. Энди бу ерда фақат жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрганларгина учрарди. Бу тушунарли ҳол — ошиқ-маъшукларнинг сайр қилиши учун бундан аялороқ жойни топиб бўлмасди...

Узоқдан сарвқад бир қиз Арт ўтирган скамейка томон яқинлашиб кела бошлади. “Оёқлари чакки эмас”, — деб кўнглидан ўтказди Бакс қизни кўз қири билан кузатаркан. Қиз тўхтаб, у ёқ-бу ёққа қаради, панжара олдига бориб, денгизни томоша қила бошлади. У шу алпозда бир оз вақт маёқ шуьласи билан ёритилган денгиз тўлқинларини кузатиб турди, сўнг бошини кўтариб, у ёқ-бу ёққа назар ташлади-да... бизнинг изқувар ўтирган скамейка томон йўл олди. Артнинг қанчалик саросимага тушганини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Нима бўляпти ўзи? Балки бу қиз унинг қисматимикин-а? Ё у қизни оҳанрабодек ўзига ром этаётган Бакснинг жоду кўзимикин? “Вой, нега бунча безовталаняпман? Ахир ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку, оддий бир тасодиф, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади”.

Қиз келиб скамейканинг нариги бошига ўтирди, шунда Аристотель қизнинг нафақат оёқлари, балки ҳар жиҳатдан чиройли эканлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳай, нима бўлибди шунга? Ахир у ўз феълини яхши билар ва бундай дилбар қиз билан бутун тун бир скамейкада ўтириб чиқса ҳам, ҳаттоки эртаси кунни ҳам кун бўйи ёнма-ён ўтирганида ҳам биринчи бўлиб гап бошламаслигига имони комил эди, зеро, ҳеч қандай куч Артни бундай тортинчоқликни енгишга мажбур қилолмасди. Ҳа, ҳа, энг жайдари, бемаъни, аҳмоқона тортинчоқлик эди бу. Бошқалар унинг ўрнида бўлганида, аллақачон об-ҳаво тўғрисидами ёки бошқа биронта одмигина, аҳамиятсиз нарса ҳақидами гап очиб суҳбатни бошлаб юборган бўларди. Нега энди у бундай қилолмайди? Ахир об-ҳаво ҳақида ҳам, бошқа қатор қизиқарли, ажойиб нарсалар тўғрисида ҳам гапириши мумкин-ку! Ҳа, мумкин эди, агар журъатсизлик деган бир бало унинг ақли ва тилини шол қилиб қўймаганда. Доим ўзи шунақа бўлади. шунинг учун, мана, ёши ўтгиздан ошибдиёмки, ҳанузгача нафақат уйланмади, ҳатто биронта қизни жиддий тарзда кўз остига олмади ҳам. Майли, бўлганича бўлди — шу ерда жимгина ўтириб бу нотаниш соҳибжамол қизни зимдан кузатганча мароқланавради.

Қиз оёғини чалиштиради, шунда Арт унинг ҳали-бери туриб кетмаслигини тушунди. Балки бу қиз айнан шу скамейкада ўз севгилиси билан учрашмоқ-

чидир? Йўқ, бундай дилбар қиз ҳеч қандай ошиқ йигитни кутишга зор эмас, бу аниқ. О, профили жуда гўзал экан! Оёқлари ҳам...

Худди шу пайт қиз йигит томонга ўтирилди: унинг суҳбатлашиш нияти борлиги яққол сезилиб турарди. Ҳозир Арт жон-жон деб ўзини денгизга отган бўларди, лекин унинг бундай қилишига яна ўша журъатсизлиги йўл қўймади: у туйғу йигитнинг аъзой баданини шол қилиб, ўтирган ўрнига “михлаб” қўйган эди.

— Кечирасиз, — қизнинг ипақдек майин ва назокатли овози тортинчоқликдан мутлақо ўзини йўқотиб қўйган йигитнинг онгига анча кеч етиб келди, — билишимча, сиз билан қўшни эканмизми?

Арт жидду жаҳд билан ғайриинсоний куч ишлатиб, миясини ишлашга мажбур қилди. Қўшни? Нималар деяпти ўзи бу қиз? Ахир у бу қизни умрида биринчи марта кўриб турибди-ку — бу аниқ, чунки унинг, хотирам чатоқ, деб зорланишига ҳали эрта. Лекин ҳатто хотираси чатоқ бўлган одам ҳам шундай гўзал хилқатни унута олармиди? Эҳ аттанг, ҳозир бу қиз ўзининг янглишганини тушунадияю бутун бу жаннатий фароғат барҳам топади. Ҳей бола, бирон нима десанг-чи, токайгача гунг бўлиб ўтирасан? Жонинг борми ўзи!..

— Айтмоқчиманки, биз қўшни эканмиз, — деб бояги гапини такрорлади қиз. Ана шундагина Бакс ортиқ мум тишлаб ўтириш мумкин эмаслигини тушунди. Лекин калласида биронта ҳам бамаъни фикр бўлмаса, нима деб жавоб қилсин?

— Ҳозирги дамда, — деди у зўр-базўр, — биз чиндан ҳам айрим жиҳатдан...

— Фақат ҳозирги дамдамас.

— Минг афсуски, назаримда, сиз янглишяпсиз... ва мен аминман...

— Мен “Альбатрос”да тураман, учинчи қаватда, — жуда хотиржамлик билан деди қиз, — мен сизни пан Боровский билан қўшни хонага кираётганингизни кўрувдим. Ё янглишяпманми?

“Вой, қари аҳмоқ! Наҳотки шуниям фаҳмлай олмадинг?”

— Сиз... сиз... Божена Чедосиз-а? — Арт сакраб ўрнидан туриб, қизнинг қаршисига келиб тўхтади, унинг тиззалари қалтирарди. — Ижозатингиз билан, ўзимни таништирай, Ар... Артур Ковальский.

— Жуда хурсандман, — деб жавоб қилди Божена. — Бундан чиқди, кимлигимни дарров билиб олибсиз-да? Пан Боровский айтган бўлса керак-а? Жуда хушиллифот одам, тўғрими? Ундан кейин, биласизми, жуда ажойиб фотопортретлар ишлайди. Утган йили менинг бир нечта портретимни ишлаган эди, улардан бир нечтасини ҳатто қайсиям бир кўрғазмага юбормоқчи бўлудди, мен рози бўлмадим.

— Тўғри қилпансиз. Ўша кўрғазмаларда яхши портретларни ўғирлаб кетишади...

— Вой, нималар деяпсиз? У фақат калламни суратга оларди, айтдимку “портретимни” деб, эшитмадингизми?

Арт, нафақат яхши эшитдим, балки портретлардан бир нечтаси менга ваъда қилинди, деб айтишга оғиз жуфтлади-ю лекин вақтида тилини тийиб қолди.

— Мени кечиринг, хафа бўлманг, сал бемаъни гап айтиб юбордим.

— Ҳечқиси йўқ. Свиноуйсьцега биринчи келишингизми?

— Умуман, Болтиқ денгизи бўйида биринчи бўлишим. Қандай ажойиб денгиз!

— Баски биринчи марта келишингиз экан, унда денгиз синовидан ўтишингиз керак.

— Қандай илиб?

— Денгиз сувини ичиб.

— Мен денгизнинг ярмини ичишга ҳам тайёрман, шу шарт биланки, кейин мен билан бирон ерга бориб бошқа ичимлик ичсангиз, — деб шартта гашириб юборди Аристотель ва бундай гапга бурролигидан ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Майли, кўраимиз, лекин сизни огоҳлантириб қўяй, мен фақат вино ичман. Сиз пансионатимиздаги бахтсиз ҳодиса ҳақида эшитдингизми?

— Ҳа, пан Боровский айтиб берди. Сизларда кўп бўлиб турадимиз бундай ҳоллар?

— Тагин ҳазил қиласиз-а! Ўтган йили бу ерда қотиллик юз берган эди, бу ҳақда эшитгандирсиз?

— Эшитдим. Нохуш ҳодиса. Сиз илгари ҳам бўлганмисиз Свиноуйсыцеда?

— Ўтган йилиям шу ерда дам олган эдим. Сиз мабода милиция ходими эмасмисиз?

— Худо сақласин! Наҳотки менинг сохт-сумбатим...

— Йўқ, фақат савол қўйишингиз шунақароқ... Ахир милициянинг кўзи қаёқда-а? Нега шу чоққача жинойтчини топишмадийкин?

— Биласизми, статистика маълумотларига кўра, бизда жинойтнинг фош этилиши масаласи...

— Бечора пани Решель! Шундай мулойим, шундай камсуқум аёл. У нима ёмонлик қилиши мумкин, нега энди шўрликнинг жонига қасд қилмоқчи бўлишдийкин?

— Сиз мутлақо ҳақсиз, — деб Арт қизнинг фикрини қувватлади. — Аслида бошқа одамни, масалан, биронта шведни ёки... пан Милевскийни бўғиб ўлдирмоқчи бўлишган.

Бу бегараз, арзимаган ҳазил қизга жуда ёмон таъсир этди. Анча қоронғи тушиб қолган бўлсаям, унинг қаттиқ сесканиб, ранги бўздек оқариб кетганини аниқ кўриш мумкин эди. Қизнинг шундоқ ҳам катта-катта кўзлари кўркувдан янада катталашди.

— Э худо, сизга нима бўлди? — деди Арт қизнинг қўлидан ушлаб. — Кечиринг, мен сизни чўчитмоқчи эмасдим... Ёмон ҳис қиляпсизми ўзингизни?

— Йўқ, йўқ, ҳаммаси ўтиб кетди. Мен, шунчаки, кўрқиб кетдим. Ўтган йили юз берган дахшатли қотиллик эсимга тушиб кетди.

— Худо ҳаққи, мени кечиринг, бемаъни ҳазил қилганим учун. — Толиба қизнинг бу гапдан кутилмаганда қаттиқ таъсирлангани Бакснинг ўзини ҳам чўчитиб юборган эди.

— Ҳеч азият чекманг, мен ўзимга келиб қолдим. Сиз варшаваликсиз-а?

— Ҳа.

— Унда сиз спорт комментатори Милевский ҳақида эшитгандирсиз?

— Эшитганман ҳам, кўп марта уни телевизорда кўрганман ҳам, мақолаларини журналларда ўқиб тураман ҳам. Жуда қалами ўткир йигит.

— Ростданми? — Божена суюниб кетди. — Биз у билан танишмиз, мана шунинг учун ҳам тахмин қилинаётган қурбонлар қаторида унинг исмини тилга олганингизда, жудаям кўрқиб кетдим. Балки бир оз юрармиз?

— Жоним билан. Келинг, яхшиси, соҳил бўйлаб юрақолайлик, ахир мен денгиз синовидан ўгишим керак-ку.

Улар ўринларидан туриб, ҳамон қуёш тафтини сақлаб турган қумлоқ соҳилга зинадан тушиб бордилар. Божена оёғидан сандалини ечиб қўлига олди ва биринчи бўлиб сувга қадам қўйди. Бакс бир қиё боқишдаёқ қизнинг сарвақад вужудини кузатиб улгурди ва ҳаттоки оёғи остида қум гижирлаганини ҳам эшитмади.

Сув илиқ эди, соҳилга оҳиста чўлп-чўлп урилаётган тўлқинлар уларнинг оёқларига ҳузур бахш этарди. Сув кечиб юриш шу қадар ёқимли эдики, улар икки чақиримча йўл босиб қўйганларини пайқамадилар ҳам. Бу икки ёш деярли сукут оғушида эди, зеро ҳад-худудсиз улуғвор денгиз, сокин илиқ оқшом уларни ўзига буткул ром қилган ва ҳар бирлари ўз хаёллари билан банд эдиларки, фақат аҳён-аҳёнда ўртага бирон лўқма сўз ташлаб кўярдилар. Шу зайлда улар то давлат чегарасигача бориб қолишди ва узоқда чегарачиларнинг қораларини кўриб орқага қайтишди.

— Ие, денгиз синови нима бўлади? — деди Божена юришдан тўхтаб. — Келинг, шу ерда ичақолинг, бу ерда поляк суви немис суви билан омухта бўлган.

Арт денгиз сувини ҳовучига тўлдириб олиб бир симиришда ичиб юборди. Сув бемаза, шўртанг, аммо у ўйлаганчалик шўр эмас эди.

— Мана, энди сафимизга кирдингиз. Бу сайр ёқдим сизга?

— Жудаям ёқди. Денгиз бўйида сайр қилиш бунчалик фараҳбахш бўлади, деб ҳеч ўйламаган эдим.

— Сиз денгизни кун ботар чоғда кўрдингиз. Энди уни тонг отар чоғда ҳам кўришингиз керак. Ишқилиб, жонингизга тегмадимми эзмалик қилиб.

— Нималар деяпсиз, панна Божена, сиз билан то тонг отгунча ҳам жон-жон деб сайр қилган бўлардим...

Узоқдан тўлқинқайтаргичнинг қораси кўринди. Қиз сандалини кийиб олди ва улар зинадан хиёбонга кўтарилишди. Бу ер ҳали ҳам одамлар билан гавжум эди, сайлгоҳлар ранг-баранг чироқлар билан ёритилган, сон-саноксиз қаҳвахоналар, пансионатлар, дам олиш уйлари, санаторийларнинг деразалари чароғон эди.

Йигит билан қиз пансионатнинг холлида энг яқин танишлардек хайрлашишди. Қиз ошхона томон йўл олди, бизнинг изқуваримиз эса, бу янги танишув таассуроти остида ва Боженанинг нима сабабдан кутилмаганда чўчиб кетгани сабабини ўйлаб, сал бўлмаса, зина ёнида турган палмага боши билан урилиб кетаёзди.

* * *

Августнинг биринчи куни “Альбатрос” хўжайини курорт мавсумининг очилиши муносабати билан ўз пансионатида дам олаётганлар учун танца оқшомига ўхшаган ўтириш уюшгирди; одатда барча нуфузли санаторий ва дам олиш уйларида янги келган дам олувчилар учун шундай оқшомлар уюштирилиб туради.

Бакс пастга тушганида, пансионат аҳлининг ҳаммаси меҳмонхонага йиғилган эди. Бу ерда деярли оилавий муҳит ҳукм сураб эди, чунки ҳамма дам олувчилар ҳам ўтган йили айни шу пайтда бирга дам олишган эди. Пансионат соҳиби ўз мижозларининг кайфиятини кўтариш учун астойдил ҳаракат қилган кўринади: хушоҳанг мусиқа янграр, столларда шамлар, қаҳва, вино ва унга мос ширин газаклар...

Боровский меҳмоннавоз мезбон ролини аъло даражада ижро этаётган эди: унинг бичими жуда ўхшатиб тикилган кулранг костюми остидан кўриниб турган кўйлагининг опшоқ ёқаси ва манжетлари ажнабий меҳмонларнинг қордек опшоқ кўйлақларидан қолишмасди. Гўдак Олаф Свенсон ҳам шу ерда катталар билан бирга эди. Унинг амакиси Ингмар аҳён-аҳёнда магнитофонни ўчириб қўйиб, пианино олдига ўтирар ва ўзининг санъатқорона ижроси билан бу тантанали оқшом муҳитини янада безашпа салмоқли ҳисса қўшарди.

Арт меҳмонхонага қадам қўйиб кириши билан бу ердаги ҳамма одамларнинг нигоҳи унга қаратилди. Аввалига Бакс ўзини хийла ноқулай ҳис қилди, лекин тезда ўзини тутиб олди ва ўзига кўрсатилган жойга ўтириб, бу ерга йиғилганларни бир-бир кўздан кечира бошлади.

Сочига оқ оралаган баланд бўйли эркак Ингмар Свенсон пианинода таниқли оперетталардан парчалар ижро этар эди. Одатда биз ҳақиқий инглиз жентльменларини шундай қиёфада тасаввур қиламиз. Вольф Свенсон, агар бўйининг сал пастроқ эканлиги ҳисобга олинмаса, акасига худди қуйиб қўйгандек жуда ўхшаб кетарди. Вольфнинг хотини — дохилан ҳақиқий швед аёлини эслатувчи, оч-сариқ сочи силлиқ таралган, ҳаммаёғидан қимматбаҳо атир иси уфуриб турган вазминтабиат, кўнгилчан аёл, яхши она, яхши бека деган таассурот уйғотарди кишида. У жилмайганча шумтака ўғли Олафга дам-бадам танбеҳ бериб турарди.

“Мана бу одам энди Полтика бўлиши керак”, — Аристотель кўзига гардиши жуда салмоқли каттакон кўзойнак таққа жуссаси тўладан келган йигитга разм солди. Бу ёш врач ўзини басавлат қилиб кўрсатишга жон-жаҳд билан ҳаракат қиларди-ю, аммо уринишлари зое кетарди. Эҳтимол, бунга сабаб одми кийими: фланел матодан тўқилган кўйлаги ва кўк жинси шими бўлса керак.

Дераза олдида икки эркак ўзаро суҳбатлашиб турарди. Улардан бири, испанча фасонда калта соқол қўйган, оғзида тамаки трубкаси бор, энгига олмигина бичимдаги аммо қимматбаҳо костюм кийган, ёши анчагина ўтиб қолган одам ҳақиқий иши яхши юришган мансабдорни эслатар, лекин жуда чиройли бичимдаги очранг костюм кийган, ғоят башанг иккинчи ёшроқ суҳбатдош кўринишидан тадбиркор одамлар тоифасидан эмас эди. “Булар Петер Нильсон билан журналист Милевский, — деган қарорга келди детектив. —

Милевскийга қирқ ёшдан ортиқ бериб бўлмасди, ҳолбуки тергов материалларида унинг эллик икки ёшда эканлиги қайд қилинган. Қизиқ одам кўрилади”.

Божена ғоятда латофатли эди. Сут кўшилган қаҳва рангидаги нафис кўйлаги унинг офтобда қорайган баданини янада назокатлироқ қилиб кўрсатарди. “Оҳ, қандай дилбар қиз-а!”.

“Мана булар энди эр-хотин Коваликлар”, — деб тахмин қилди Аристотель. Ўрта ёшлардаги тимқора сочли (сочи ва мўйловини бўяганлиги сезилиб турибди) эр-рассом ўз қадрини билувчи санъат намоёндаларига хос ғайритабиий бичимдаги костюм кийиб, бўйнига очиқ рангли шойи шарф боғлаган. Унинг ранг-рўйи, хусусан, бурнининг қизилиги ўткир ичимликларга майли борлигини билдириб турарди.

Рассомнинг эридан анча катта ёшда бўлган хотини (“албатта, ўн ёш фарқ бор эди улар ўртасида”) ҳар қадамда ўзини эрининг “меҳрибон малаги” ва “ҳомий фаришгаси” қилиб кўрсатишга шу қадар очиқдан-очиқ хиралик билан уринардик, “ҳимоядаги” эрнинг уни жеркиб беришдан зўрға ўзини тийиб тургани яққол кўзга ташланарди.

Пансионат соҳиби тўшланганларга янги келган дам олувчини таништирди (“Пан Артур Ковальский, Варшава университетининг илмий ходими”) ва ҳаммани жой-жойига ўтиришга таклиф қилиб, ўз касбига хос табассум билан “об-ҳавонинг хайрли бўлиши, ҳамманинг бу таътил пайтда соғайиб куч йиғиб олиши, ҳар куни қуёш чарақлаб туриши ва ҳамма худди мафтункор панна Божена сингари чиройли қорайиши учун” қадаҳ кўтаришни тавсия қилди. Умуман олганда бу сийқаси чиққан қадаҳ сўзи эди. Фақат “ўтган кечасидагидек ҳодиса камроқ бўлсин” деган истаккина янги гап бўлди.

Мария Решель юз берган кўргиликдан кейин анча ўзига келиб қолибди шекилли, меҳмонларга хизмат қилишда Розочкага кўмаклашарди. Ҳаммага вино тортилди ва Аристотель рассомнинг бундай ичкиликдан бурнини жийирганини кўриб қолди.

Хушбахра муҳит, ҳузурбахш кошона, дилкаш жамоа. Бакс ҳам қизгин дилкашлик қила бошлади, лекин бу ерда кўрганлари ва эшитганларидан мудом дохилан ажабланарди. Зеро, бу дўстона йиғинга келганлар орасида қотил ҳам ўтирганлигини у жуда яхши биларди — ўтган тунда юз берган воқеа буни аниқ исботлаб турибди. Улар буни билмасликлари мумкин эмас, лекин шунга қарамай, бу шумшук ҳодисага чидаб ўтиришибди, гўё ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандай тутишяпти ўзларини. Нега? Нима учун улардан бирон киши эътироз билдирмаяпти, аччиқланмаяпти. Ва ниҳоят, ўзини бу машъум тўддан олиб қочмаяпти? Йўқ, улар ўз ҳаётдан мамнун одамлар ниқобини кийиб олиб, ниманидир кутишяпти. Лекин нимани? Милиция келиб жиноятчини ҳибсга олишиними? Ёки яна янги бир жиноят содир бўлишиними? Шундай экан, улар навбатдаги қурбон ким бўлишини билишармикин? Э, бўлмаган гап! Улар буни билолмайдилар... ичларидан фақат бир киши билиши мумкин буни... Ёки мана Мария Решель. Ҳозир у бундан бир неча соат олдин ўзини бўғиб ўлдирмоқчи бўлган одамга қаҳва узатаётгандир эҳтимол, э, йўқ, нега энди “эҳтимол”, бу аниқ! Жин урсин, нималар бўляпти ўзи? Йигирманчи аср, Оврупонинг маркази, маданиятли одамлар, тинч-осойишта Польша ва кутилмаганда бундай шум ҳодиса! Бу одамларни ўрганиб чиқиш учун, уларнинг ҳар бири нималарга қодирлигини билиш учун ҳали бир неча кун керак бўлади. Бунинг уддасидан чиқа олармикин Бакс? Ҳозир энг муҳими, бу одамлар унинг кимлигини имкон борича узоқроқ билмай турганлари яхши. Кишининг ўзига ўхшаган дам олувчи одам билан мулоқотда бўлиши бошқаю унинг детектив, терговчи ё милиционер билан алоқа қилиши бутунлай бошқа. Тезроқ швед тилини ўрганишга киришиш керак.

Бу пайт меҳмонхонада суҳбат немис тилида борарди. Арт икки швед билан норвегияликнинг немис тилини жуда мукамал билишини, талаффузлари аъло даражада эканлигини ўзича қайд қилиб қўйди ва бу ҳол уни мутахассис сифатида ҳатто ажаблантирди ҳам. Боровский ҳам немисчани ёмон билмас экан-у, лекин, гапирганида маҳаллий шева сўзларини кўп ишлатаркан, журналист эркин, жуда тўғри гапирар, унинг талаффузида биронта ҳам хато сезилмас-

ди, рассом немисчага поляк сўзларини қўшиб гапирар, унинг хотини-ку ўз фикрини шундай бир афсонавий тилда изоҳлардики, буни у немис тили деб ҳисобларди, доктор бу тилни деярли билмаса ҳам, сал-пал тушунарди, толиба Божена тилни ёмон биларди. Баксининг ўзи-ку бу Гёте тилини худди чет элликлардек ва Милевскийдек жуда пухта билар, лекин даврада ўтирганларга буни билдиришни истамасди, шунинг учун, суҳбатта аралашган пайтларида немисчани атайин бузиб гапира бошлади.

Аъло навли вино бир неча қадаҳдан ичилгач, янги мавсумнинг очилишига бағишланган бугунги оқшом ҳарорати гарчи олдинга анча совуқ бўлган бўлса ҳам, энди анча қизий бошлади. Рассом Боровский билан қизгин мунозара бошлади. Маълум бўлишича, уларнинг икковини қўздан бери бир мавзу: рассомни — ранг тасвирдаги, пансионат хўжайинини эса, фотографиядаги портретлар қизиқтирар экан. Рассомнинг хотини ёш доктордан ўзи учун қандайдир муҳим бир маслаҳатни текинга “ундириб” олиш учун унга канадек ёпишиб олди, унинг ҳар икки гапининг бирида: “сиз нима деб ўйлайсиз, пан доктор”, “демак, сизнингча шундай қилишим керак экан-да, пан доктор” каби ялтоқланган жумлалар эшитилиб турарди. Доктор ўзининг бу қадар ҳурматта молиқлигидан янада шишиниб кетди ва пани Коваликнинг илтимосини ерда қолдирмай, унга насиҳатомуз маслаҳатлар бера бошлади. Эҳтимол, доктор ўз кўнглида, жуда оқилона маслаҳат бераяпман, деб ўйлагандир, лекин четдан кузатган одамга, унинг ҳамма айтган гаплари жуда кулили бўлиб эшитиларди, чунки у “Р” ҳарфини сира гапира олмасди.

— Сизга бу нағса муғлақо тўғғи келмайди, муҳтағама пани, — дерди у. — Мен буни эътиборли олимларнинг фикридан келиб чиқиб эмас, фақат ўз шахсий кузатувагим кўрсатмалагидан келиб чиқиб гапиряпман.

Денгиз ортидан келган меҳмонларни Польша иқтисодиёти, савдоси, маданияти масалалари қизиқтирарди.

Милевский Боженадан бир қадам ҳам нари кетмас, унинг атрофида парвона эди. Журналистнинг бу қиз билан бунчали бетакалуф муомала қилиши ўзаро жуда яқин муносабатда эканликларидан далолат берар эдики, Бакс дида бу одамга нисбатан қандайдир нафратта ўхшаган туйғу уйғонганини ҳис қилиб, ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Йўқ, қолмаган энди бизнинг давримизда санъатга ҳомийлик қилувчи сармоядорлар, — дерди рассомнинг рафиқаси. (Ўзининг кўнглисиз хаёллари билан овора бўлган Бакс Коваликларни ташвишга солган бу мавзудаги суҳбат қачон ва қай тарзда бошланганидан гофил қолган эди.) — Рассом ижод кишиси бўлишига қарамай, ҳозирги пайтда ўзининг бебаҳо вақтини пул топиш ташвишидек арзимаган масалаларга бағишлаганга, фақат бугунги кун талабига мослашиб, шоша-пиша ишлашга мажбур бўляпти.

Журналист бу аёлга эътироз билдиришга чоғланди, лекин хотин киши билан баҳслашиб барака топмайсан, деган қарорга келиб, мавзунини ўзгартириш мақсадида Баксга юзланди:

— Эшитдим, сиз ҳам варшавалик экансиз, ҳампортим билан учрашганимдан беҳад хурсандман. Сизга ёқдими бу ер?

Милевский пани Ковалик билан бошлаган нохуш суҳбатига барҳам бериш учун Бакс билан гаплашишни ихтиёр қилди, лекин у қордан қутулиб, ёмғирга тутилди. Бакс расм-таомилларни инобатга оладиган одамлардан эмас эди, шунинг учун у журналистнинг саволига, “гап келганда отангни аяма”, қабилида андишасизлик билан жавоб қилди.

Шаҳар ҳам, пансионат ҳам ёмон эмас, денгиз аъло, бу ер ҳам менга ёқиб турибдию, лекин қоронғи тунда мени ҳам бўғиб ўлдиришга жазм қилишларини ўйласам, қўрқувдан вужудим титраб кетади. Гап шундаки, ҳали шу чоқ-қача мени ҳеч ким бўғишга уринмаган...

Бундай баёнотта журналист чурқ этиб ҳам оғиз оча олмасди. Милевский саволини поляк тилида берган эди, жавоб ҳам шу тилда бўлди, лекин чет элликлар қандайдир ғайриодатий ҳол юз берганини сезишди, чунки бу ерда ҳозир бўлган поляклар “Альбатрос”нинг янги меҳмони айтган гапдан ҳангу манг бўлиб қолган эдилар. Ҳаммалари кўзларини бақрайтириб, оғизларини очганча Баксга тикилиб қолдилар. Ҳа, ҳаммалари — фақат толиба қиздан бошқа.

“Бу қиз ўзини жуда галати туяпти, — деб ўйлади Бакс. — Денгиз бўйида айтган гапидан жуда қаттиқ чўчиб кетганини яшира олмаган эди, бу ерда бўлса, гўё ҳеч нима эшитмагандай ўзини бамайлихогир туяпти”.

Баксининг дағаллик билан айтган гапига доктор жавоб қайтаришни лозим топди:

— Сиз бекоғга хавотиеланяпсиз, бифодағи азиз. Бу иш билан теғов оғанлағи шуғулланишяпти, яқин оғада улағ ҳамма учун қоғонғи бўлган бу машбум жумбоқни ечишлари муқағғаф деган умиддамиз.

“Камдан-кам учрайди бунақа тўнка”, — деб Арт бу ёш врачнинг суҳандонлиғига ўзича баҳо берди.

— Билмадим, билмадим, — деб эътироз билдирди унга журналист, лекин бу кўнгилсиз мавзудан қочишга уринмади. — Лекин, биласизми, мен ўша сиз таърифини келтирган тергов органларига сизчалик ишона олмайман. Сизчи, фикримга қўшилишасизми? — деб у Баксга мурожаат қилди.

“Нега мунча ёпишиб олди бу менга? — аччиғи чиқди Артнинг. — Шошмай тур, ҳозир эшитасан эшитадиганингни”. У шундай деди:

— Муғлақо қўшилишаман гапингизга. Ўзим ҳам айнан шундай деб жавоб қилмоқчи эдим. Мен ҳам, бизнинг жинойт қидирув ходимларимиз учун жуда мураккаб иш деб ҳисоблайман бу... шахмат жумбоғини.

Энди журналист бир сесканиб тушди, ичаётган виносидан қалқиб кетди, қорачадан келган рангида қон қолмади. Лекин тезда ўзини қўлга олди ва Арта савол берди, чунки Баксининг иборасини эшитган ҳар қандай одам ҳам албатта шундай савол берган бўларди.

— Нима деяпсан ўзи? Тушунмадим, бу жинойтга шахматнинг нима дахли бор?

— Ҳеч қандай. Шунчаки, оғзимга келган гапни айтдим-да. Ахир мен сиз билан гаплашяпман-ку, пан муҳаррир, зотан сизнинг шахсингизни кўрган ҳар бир телетомошабин, биринчи навбатда, шахматни кўз олдига келтиради.

— Ҳа-а, гап бу ёқда денг! — деб журналист ҳар қандай америкалик киноартистнинг ҳам ҳавасини келтирувчи чиройли тишларини кўрсатиб жилмайиб қўйди. — Ўзингиз шахмат ўйнайсизми? — Эҳтиром юзасидан қизиқсиниб сўради у, ҳолбуки кўзларида безовғалик акс этарди.

Камдан-кам, лекин шахмат масалаларини ечишни жуда яхши кўраман. Мен сизнинг “Шахматлар” журналида босилган шахмат композицияларингиз устида жуда кўп соатлаб бош қотирганман, эътироф этишим керак, ҳамма топшириқларингиз жуда усталик билан берилган, уларни ечиш жуда-жуда қийин.

— Миннатдорман сиздан, мен шахмат масалаларини тузиш билан кўп йиллардан бери шуғулланаман. Бу менга ҳузур бағишлайди, яна... чойчақа ҳам. Нима, ҳеч синаб кўрмадингизми ўзингизни ўйинда?

— Ўзим билан ўзим ўйнайман ва доим ютқизаман, ҳа-ҳа-ҳа. Ҳеч қачон ҳақиқий шахматчидек ўйнай олмасам керак, чунки учтадан ортиқ юришни олдиндан кўзлаб олишни ҳеч билолмадим-билолмадим.

— Вой, қандай яхши-я шахмат ўйнамаганингиз, — деди Божена. — Демак, ҳамма бу телба ўйин билан банд бўлганида сиз билан дилкашлик қилишим мумкин экан.

Детектив ўзини бу гапдан ҳайрон бўлгандай қилиб кўрсатди. Гарчи у нўноқ артист бўлса ҳам, ўзининг овсарона ташқи қиёфаси билан бу артистликни амалга оширишда қийналмади. Шунга қарамай, журналист бу янги меҳмонга Боженанинг нима демоқчи бўлганини тушунтириб қўйишни лозим топди.

— Биласизми, ўтган йили биз бу ерда шахмат турнири ўтказган эдик. Меҳмоннавоз пансионат соҳиби соврин, яъни қумуш қадаҳ билан бир шиша “Наполеон” коньяги таъсис этди. Айтгандай, коньякни ўзимиз ўртада пул йиғиб олдик. Аломат соврин, шундай эмасми? Бу йил ҳам шундай турнир ўтказиш ниятимиз бор, балки сиз ҳам иштирок этарсиз?

— Бе, шундай кучли ўйинчилар билан беллашишга йўл бўлсин менга! Таклифингиз учун раҳмат. Очигини айтсам, менинг ниятларим бошқа. Мен бу ерга нафақат дам олгани, шунингдек, ишлагани ҳам келганман — швед тилини ўрганиш билан шуғулланишим керак. Очигини айтсам, келаси йили мени узоқ вақтга Стокхольмга командировкага юборишмоқчи.

— Ўҳҳў! Зўр-ку!

— Мен кўникиб қолганман. Муҳими бу эмас, пан муҳаррир. Сиз панна Чедонинг гапани эшитдингиз-а? Агар у жиддий гапиратган бўлса, мен нафақат шахматдан, швед тилини ўрганишдан ҳам воз кечипга тайёрман!

— Мана буни мен жуда муҳим далил деб ҳисоблайман! Гарчи шимолдаги кўшниларибиз тилини бир ой ичида ўрганиб олишингизга кўзим етмаса ҳам.

— Уриниб кўраман. Шу билан бирга, турнирингиздаги энг қизиқарли ўйинларни кузатишга ҳам вақт топа олсам керак деган умиддаман... пани Чедонинг жонига теккан пайтларимда.

— Ундай бўлса, ишончим комилки, сиз биронта ҳам ўйинни кўра олмай-сиз. — Кўзингни оч, Божена, — деб Милевский ҳазиломуз танбеҳ бериб қўйди қизга. — Агар масалани шундай жиддий қўядиган бўлсанг, мен ҳатто турнирда иштирак этишдан ҳам воз кечаман.

— Ўзинг биласан. Агар сен таътилимни якка-ёлғиз ўтказишимни, соҳилда ёлғиз сайр қилишимни, пляжда ёлғиз ётишимни кўзлаган бўлсанг...

— Ундай бўлса, буни кўпчилик ҳал қилсин. — Милевский ажнабий дам олувчиларга қаради.

— Турнир сизсиз ўз файзини йўқотади, — деди ака-ука Свенсонларнинг каттаси.

— Бунинг устига, сиз бу турнирнинг фаворитисиз, — деб акасининг гапани маъқуллади кичик Свенсон. — Ўтган йилиёқ кубок соҳиби бўлишингизга бир баҳя қолган эди.

— Ие, сиз ютмаганмидингиз? — деб ўзини ҳайрон бўлгандек қилиб кўрсатди Арт.

— Афсеуски, финалда ютқазиб қўйувдим... пани Рожновскага.

— Нима?! — деб чинқириб юборди Бакс ўзини ҳеч ишонмагандай, жуда ҳайрон бўлгандай ва қаттиқ асабийлашгандай қилиб кўрсатишга уринаркан. — Сиз-а, Польша шахматчиларининг энг зўри-я, аёл кишига ютқаздингизми?

Бу саволга жавобан Милевский ўзининг телевидение юлдузига хос табасумини намоиш қилди, аммо бу галги табассуми бир қадар зўрма-зўраки бўлиб чиқди.

— На чора, мен ҳамини жентльмен бўлганман. Агар жиддий гапиратган бўлсам, пани Рожновска жуда кучли шахматчи эди. Биз уюштирган турнирда у биронта ҳам партияни ютқазмаган эди, ҳолбуки, сизни ишонтириб айтишим мумкин, бизнинг скандинавиялик дўстларимиз ҳам кучли ўйинчилар. Қолаверса, турнирнинг бошқа қанташчилари ҳам анойилардан эмаслар — мен бу билан ҳузуримизда ўтирган пан Боровскийни ҳамда қўли гул мусаввиримиз пан Коваликни назарда тутяпман.

Журналист бу охириги фамилияни тилга оларкан, талаффузида сезилар-сезилмас киноя ишлатди.

— Рожновский-чи? У ўйнамаганмиди?

— Рожновский турнирда иштирак этмади, чунки у кунора Шецинга ўз иши юзасидан қатнаб турди. Агар у ўйнаганида, ҳар қайсимиздан ҳам қўли баланд келган бўларди. Хўш, қандай қарорга келдингиз, ўйнайсизми биз билан?

— Йўқ, миннатдорман сиздан.

— Аттанг, жуфт-жуфт бўлиб ўйнашимиз учун бизга битта ўйинчи етмай турувди. Ҳозир ўйинчилар етти киши.

— Мен ўйнайман! — деб чинқириб юборди Олаф.

— Одоб сақла, Олаф, — деб онаси унга танбеҳ берди, лекин Милевский боланинг ёнини олди:

— Майли, ўйнайқолсин, у ўз ёшига нисбатан ёмон шахматчи эмас. Ўтган йили ўйинга конкурсдан ташқари қатнашиб, анча қаттиқ жанг қилди...

— Мен пан докторни ютгандим! — деди бола яна мақтаниб. Бу билан у яна онасининг аччиғини чиқарди ва уялган докторнинг икки юзини чўгдек кизартириб юборди.

“Курорт мавсумининг очилиши муносабати билан уюштирилган” тантанали кеча яна узоқ давом этди. Унинг яхши ўтишига бошқа ҳеч нима халақит қилмади. Танца ҳам тушишди, яна бир неча қадаҳ шароб ҳам ичилди.

* * *

Одатий курорт кунлари бир-бирини қувалаб ўта бошлади. Ҳаво очиқ, қуёш қиздиргандан-қиздирарди. “Альбатрос” аҳли ҳамма дам олувчилар сингари бутун кунни пляжда ўтказарди. Улар фақат тушлик пайтидагина бир-бирларини ҳолдан толиққан, офтобда қорайиб, ҳатто терилари пўстлоқ-пўстлоқ бўлиб туша бошлаган ҳолда кўришарди.

Фақат эр-хотин Коваликларгина пляжга боришмасди. Рассом хоналардан бирини устахонага айлантириб, кун бўйи гоҳ бинойидай манзаравий суратлар, гоҳ натюрмортлар чизиш билан машғул эди...

Аристотель Бакс Свиноуйсьцега келганининг тўртинчи куни швед тили грамматикаси билан луғатини қўлтигига қистирганча шаҳарнинг марказий кўчасидан шаҳдам-шаҳдам юриб борарди. Изқувар почтамт биносига кириб, Шецин билан гаплашишга буюртма берди.

“Воеводалик милиция бошқармаси коммутаторими? Илтимос, мени майор Шиманский билан уласангиз... Павелмисан? Салом! Янгиликми? Ҳозирча ҳаммаси жойида, ҳаво жуда яхши. Менга Рожновский керак, ҳа, эртага сенинг хонангда, эрталаб Шецинга етиб бораман, бу ерда сув ости қанотли катерлар мунтазам равишда қатнаб турар экан, ўша ерда гаплашамиз, саломат бўл”. Арт давлат пулини камроқ сарфлашга астойдил ҳаракат қиларди, шунинг учун гапга яқун ясаб дарров гўшакни илиб қўйди. Ҳолбуки, бир дақиқали суҳбат учун ҳам уч дақиқали суҳбатнинг ҳақи тўланарди...

Эртаси куни эрталаб Шецин портида мен Артни бошқарма машинаси ёнида кучоқ очиб қарши олдим.

— Ҳўш, қалай боряпти шахмат партиянг? — сўрадим мен ундан.

— Ҳозирча юриш рақибдан, мен, мана, кўриб турибсан, грамматика ва луғат билан бандман.

— Ие, тугадими шахмат партияси?

— Йўқ, энди бошланади. Бу жуда ақлли ўйин, Павлик, шунинг учун ҳам ажабланмаяпман сенинг бу...

— Рожновский ҳадемай етиб келади, — деб унинг сўзини бўлдим соатимга қараб қўяр эканман. — Ўзинг айтганингдек, биз уни соат ўнга чақиртирдик. Протокол ёзувчи керак бўладими сенга?

Арт менга таънаомуз қараб қўйди:

— Сеням офтоб урдими дейман... Бу нусха ўз хотинини ўлдирганига икром бўлиш учун келаётгани йўқ бу ерга. Шунинг учун магнитофон қўйиб, тасмани бекорга исроф қилмаям. Агар у чиндан ҳам икром бўладиган бўлса, унда бошқа гап.

Эшик тақиллаб, сержант менинг ҳузуримга Рожновский деган одам келганини хабар қилди. Мен уни бу ёққа таклиф қилишни буюрдим.

Эллик ёшларга бориб қолган Рожновскийни ҳатто ташқи қиёфасига қараб ҳам бутун умри ҳузур-ҳаловатда ўтган одамлар тоифасидан эканлигини аниқ айтиш мумкин эди. Ўз қадрини билувчи бу сипотабиат одам ўзини жуда эркин тутарди; мана, у роҳат курсига жойлашиб ўтирди ва мен таклиф қилган сигаретани олиб тутатди. Артга у ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, бу сочини силлиқ қилиб тараган, чехраси кўримсизгина йигитнинг юзини эслаб қолиш амри маҳол эди. Лекин Арт, ҳар эҳтимолга қарши (ким билсин, Рожновский бирдан “Альбатрос”га бориб қолиши ҳам мумкин-ку), кўзойнагини олиб қўйиб, сочини силлиқ қилиб тарадию таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди қолди; натижада унинг ташқи қиёфасини ўзгартириш чораларини кўришга бошқа эҳтиёж ҳам қолмади.

— Биз сизни хотинингизнинг ўлими муносабати билан чақиртирган эдик, — деб гап бошладим мен ва у ёғига аниқ бир нима дейишга қийналиб қолдим, Аристотель бўлса, менга ёрдам беришга шошилмай, сукут сақлаб ўтирарди. — Мана, ҳаммасим баъзи нарсаларни сўрамоқчи сиздан...

Шундагина Рожновский лутф кўрсатиб, эътиборини Баксга қаратди:

— Бу ҳақда бирон янгилик борми сизда?

— Унчалимас, — Бакс кўзойнаксиз жуда аломат кўринар, худди тортинчоқ ўспирин йигитга ўхшаб кетган эди. — Мен сиздан... сиздан... нима учун ўтган йили “Альбатрос”да ўтказилган шахмат турнирида қатнашмагандингиз, деб сўрамоқчи эдим.

Мен бу саволнинг замирига тушуниб етмасимдан олдин Рожновскийнинг ундан қаттиқ таъсирланиб кетганини кўриб таажжубда қолдим. Унинг ранги докадек оқариб кетди, кўллари қаттиқ қагираганидан сигаретасини зўра кулдонга эзиб ўчира олди. “Афтидан бу шахмат ўйинида бир гап борга ўхшайди”, — деб ўйладим ичимда.

Рожновский ҳамон сукутда эди. Арт унга яна савол берди:

— Сиз саволимни тушунмадингизми?

— Йўқ, тушундим албатта, — деди у бирдан хушини йиғиб. — Кечирасиз, ахир у... лекин мен... бунга мутлақо кутмаган эдим. Бутун мен милиция бошқармасига ўз ишим юзасидан бирон янгилик эшитарман, агар зарурат тугилса бирон-бир кўшимча маълумот берарман деган умид билан келувдим...

— Ҳозир ҳам сиз ўзингизни, милицияга янги маълумотлар беришман, деб ҳисоблайверинг. Кулоним сизда.

Рожновский дарҳол жавоб беришга журъат этолмади, унинг ўз фикрларини жамлашга уринаётгани, нима гапириши лозимлигини ўйлаётгани яққол сезилиб турарди.

— Ҳайронман, шахматнинг нима дахли бўлиши мумкин бу ишга, майли, агар бу нарса сизни қизиқтирса... Биласизми, ўтган йили мен таътилда эмас эдим. Сирасини айтганда, менда ҳеч қачон таътил бўлмайди — бу одат тусига кирган. Мен, агар билгингиз келса, Шециндаги унча катта бўлмаган бир корхонага эгалик қиламан. У менинг мунтазам равишда бу шаҳарда бўлишимни талаб қилади. Ундан ташқари, ўтган мавсумда, яъни кузда ва қишда шахмат ўйнайвериш жуда чарчаганман, хуллас, катта спортни тарк этиш ниятидаман, ёшлар орқамиздан қувиб келишяпти.

Рожновскийнинг гаплари чалкаш, фикри тарқоқ эди. Бакс иккинчи саволини жуда тушунарли қилиб берди:

— Хотинингиз шахмат ўйинида қанчали кучли эди?

— Наталья, худо раҳматига олган бўлсин уни, яхши ўйнарди, аёллар орасида-ку, жудаям яхши ўйинчи ҳисобланарди, агар Польшада ўтказилган аёллар чемпионатида қатнашганида, энг кучлилар қаторидан жой олган бўларди, лекин у чемпионатларда иштирок этмаганди. У шахмат назариясини жуда яхши билар, партиялар устида бош қотирганимда менга кўмаклашарди, мен билан бирга мусобақаларга, ҳатто чет эл мусобақаларига ҳам борарди. Масъулиятли турнирларда, гарчи ёнимда ёрдамчиларим бўлса ҳам, умр йўлдошимнинг ёрдами мен учун ҳамшиша жуда асқотарди.

— Илтимос, ўтган йили турнирда иштирок этган бошқа шахматчиларнинг кучи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Яхши. Милевский жуда кучли шахматчи, менинг назаримда. Ҳаддан зиёд таваккалчи, лекин кўпинча айнан шундай ўйинчилар ажойиб партияларни яратадилар. Шунингдек, норвегиялик ҳам жуда яхши ўйнайди.

— Қолганлар-чи?

— Иккала швед ҳам ёмон ўйинчи эмас, лекин турнирда қатнашиш учун уларга тажриба ва руҳий вазминлик етишмайди. Қолганлар эса, олий шахмат назарияси алифбосидан ҳам беҳабар ҳаваскор ўйинчилар. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, пансионат хўжайини пан Боровский бир неча марта ўзининг кучли эндшпиллари билан бизни ўйлантириб қўйди, тўғри, унинг бу эндшпиллардан самарали фойдалана олмаган пайтлари ҳам кўп бўлди. Ҳа, сабоқ етишмайди унга...

— Демак, хотинингиз ҳаммани ютган-а?

— Йўқ, ҳали у яна норвег жаноб Нильсон билан бир партия ўйнаши керак эди. Бу турнирнинг ҳал қилувчи партияси эди. Шу партия ғолибни аниқлаб бериши керак эди. Шуни ҳам айтишим керакки, хотиним бу партияда

¹ Э н д ш п и л ь — шахматда ўйиннинг охири.

дурранг ўйнаса ҳам кифоя эди, чунки Милевский билан ўйнаган адвокат бир очко йўқотган эди.

— Борди-ю хотинингиз ютқазса-чи?

— Унда, норвегда ҳам, Милевскийда ҳам, менинг хотинимда ҳам биттадан ютқизиқ бўлганлиги сабабли, уювлари кўшимча партия ўйнашлари лозим бўлар эди.

Рожновский энди ўзини босиб олган ва Бакснинг саволларига қисқа-қисқа ва аниқ сўзлар билан жавоб қайтарар эди. Унинг суҳбат мавзуини чуқур ва пухта билиши сезилиб турарди. Арт, ўз олати бўйича, соч толасини орқага қайтариш учун кўлини кўтарди, лекин сочи силлиқ қилиб таралганини вақтида эслаб қолди.

— Сенда ичгани муздайроқ бирон нима топиладими? Чидаб бўлмаяпти-ку, бу жазирамага...

Мен телефон қилиб, буфетдан бир неча шиша пиво келтиришларини буюрдим. Биз ҳузур қилиб муздек пивони қулгумлаб ича бошладик. Бир неча дақиқа хонада сукунат ҳукм сурди. Мен камзуримни ечдим ва Рожновскийга ҳам камзурини ечиб қўйишни таклиф қилдим. У менга тақлид қилди, лекин бояги-боягидек жиддий қиёфада тумшайиб ўтираверди.

— Қизиқ, — деди Арт гўё ўзига ўзи гапираётгандай. — Жуда қизиқ. Энди менинг гапимни эшитинг. Хотинингиз, ҳозир ўзингиз бизга айтганингизга қараганда, шахматни унча яхши ўйнамаган.

— Мен рост гапни айтдим! Ҳайронман, нега энди...

Арт бўшаган стаканни четга қўйиб, ўрнидан турди, дераза олдида борди. Бир неча марта хонани кезиб чиқди. Айтишича, шу ҳаракати унга ёрдам қиларкан. Ниҳоят, ўз жойига қайтиб Рожновскийга юзланди:

— Қани, менга ростини айтинг-чи: раҳматли хотинингиз шахматни қандай ўйнарди?

— У ёмон ўйнамасди...

— Ёмон ўйнамасди... Бу гапингиз ҳали ҳеч нимани билдирмайди. Майли, сиз менга рост гапирдингиз, деб фараз қилайлик. Унда... нима учун хотинингизга ёрдам қилдингиз?

Рожновский тошдек қотиб қолди, ранги бўзариб кетди. Қалтироқ кўли билан стаканни оғзига олиб бориб, унда қолган пивони ичди, лекин бир сўз ҳам айтишга мадори қолмади. Мен унинг олдида сигарета кутисини суриб қўйдим. У чекди, шундагина мутлақо ўзгарган овозда деди:

— Мендан шубҳаланишяптими?

Бакс ўйлаб ўтирмай, шартта қатъий жавоб қилди:

— Албатта! Сиз шубҳа остига олинганлардан биттасисиз. Шу билан бирга, ўша шубҳа остидагилар орасида фақат сизгина чалғитувчи чалкаш гувоҳлик берайсиз. Сиз хотинингизнинг ўлимига бевосита алоқадор бўлган далилларни тергов органидан яширяпсиз. Минг афеуски, сиз ҳақиқатни сир тутишга уриняпсиз. Павел, магнитофонни ёқ, расмий сўроқни бошлаймиз.

— Шошманг! — деб Артнинг сўзини бўлди Рожновский. — Расмий сўроқнинг ҳожати йўқ, мен бор ҳақиқатни айтиб бераман. Мен шунчаки бунинг бирон аҳамият касб этиши мумкинлигини ўйламаган эдим.

— Бевосита аҳамият касб этади!

— Хотиним менга ўша бадбахт турнирда ғалаба қозониш унинг учун жуда зарур эканлигини айтган эди. Сабабини — худо ҳаққи, билмайман.

— Ҳозир ҳақиқатни гапиряпсизми?

— Марҳуманинг руҳи ҳаққи, онг ичаман — ҳақиқатни! У мендан илтимос қилди — йўқ, нима деяпман? Ёлборди, ҳатто турнирда ютиб чиқишига кўмаклашишимни сўраб, тиз чўкиб илгижо қилишга ҳам тайёр эди у. — Рожновскийнинг бўзарган икки юзи қизариб кетди.

— Сиз сабабини сўрамадингизми?

— Такрор-такрор сўрадим. Лекин у айтмади. Ҳозир мендан ҳеч нима сўрама, кейин ҳаммасини айтиб бераман, деб ваъда қилди. Хуллас, мен рози бўлдим.

— Қай тарзда бажардингиз бунини? Бирон-бир шартли белгилар, имо-ишоралар тизимини ўйлаб чиқдингизми?

— Ҳа, — Рожновскийнинг ҳозир ўзи учун кўнгилсиз бўлган нарсалар ҳақида гапираётгани, шу боис қаттиқ хижолат бўлаётгани сезилиб турарди. —

Мен умримда биринчи марта журъат этдим бундай қилишга, гапимга ишонинг, ундан олдин қанча вақт шахмат ўйнаганман, лекин бирон марта ҳам... — у ҳаяжондан дудуқлана бошлади, уялганидан чўдек қизариб кетди. — Аввалига, Наталья шведлар билан ўйнаганида ёрдам сўради, улар хотинимга нисбатан кучлироқ эдилар, ундан кейин... кейин у Милевский билан ўйин бошлаганида... Қолганларни бўлса менинг ёрдамимсиз ўзи эплади.

— Айтгинг-чи, сипоҳ суришни қай йўсинда шишшигансиз хотинингизга?

— Бу жуда осон, болалар ўйини каби. Биз ҳар бир сипоҳни ифодалаш учун, имо-ишоралар, маълум қўл ҳаракатлари кашф этдик. Шунинг ўзи кифоя эди, қолганларини кўз уриштириш билан бажариш мумкин эди.

— Илтимос, Милевский билан бўлган ўйиннинг қандай боргани ҳақида батафсилроқ сўзлаб беринг. Наҳотки у пайқаманган бўлса?

— Йўқ, у билан бўлган ўйинда бошқача усулдан фойдаландик. Наталья билан Милевский нонушга туташди биланок, шахмат тахтаси теграсига ўтиришган. Мен бу пайтда у ерда йўқ эдим. Гап шундаки, хотиним оқ доналар билан ўйнаган, бинобарин, партияни бошлашда қандай йўл танлаш Натальяга боғлиқ бўлган, биласизми, шахмат ўйинида бу жуда муҳим аҳамиятга эга, зеро, дебют ўйинида қандай тактика ва стратегияни танлашни белгилаб беради. Биз хотиним икковимиз олдиндан муҳокама қилиб олиб, ўйинда ҳужум тактикасини қўллаш билан журналистни қопқонга илингириш керак деган қарорга келгандик...

— Чаккимас...

— Бу фақат айтишга осон, бажариш эса жуда маҳол. Мана ўйин миттелшпиль¹ босқичига келди, аммо рақибнинг имконияти ҳамон хотинимники билан деярли тенг эди. Тушликка чиқиш учун танаффус эълон қилинди. Бу аснода мен ўйинни давом эттиришнинг икки хил йўлини ўйлаб чиқишга улгурдим: биринчи йўл қатъий кафолатланган дуранг, иккинчи йўл мазмунида фириб мавжуд эди... Журналист қармоққа илинди, бунинг ҳеч ажабланидиган томони йўқ, сизга боя айтган эдим, Милевский таваккал қилишни ёқтирарди, очиги, менинг ҳам бутун умидим шунда эди. Милевский иккита шёдани қўлашга берилиб кетиб, бу ёқда рухни бой бериб қўйди ва таслим бўлишдан ўзга иложи қолмади.

— Ўйиннинг эндишпиль босқичида сиз залдамидингиз?

— Ҳамма гап шунда-да, йўқ эдим. Ахир биз...

— Тушунарли.

— Мана шунинг учун ҳам у ҳеч нима сезмаган.

— Ўзингиз уни ютган бўлармидингиз?

— Ҳа, ҳеч қийналмай. Милевский назарий жиҳатдан жуда пухта тайёрланган бўлишига қарамай, турнирда ўйнаш учун унга тажриба, кураш малакаси етишмасди. Мусобақаларда ютиб чиқиш учун яхши назариячи бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Айтгандай, назариянинг ҳам баъзи соҳаларида у анча заиф экан, унинг бу камчилигини мудофаага ўтганида сездим.

— У қандай қабул қилди ўз маълумиятини?

— Жуда қаттиқ хафа бўлди, ўзи менга “қуюшқондан чиқиб кетдим”, деб тан олди. Ҳолбуки, у партияни дуранг билан тутатиши мумкин эди.

Мен бу суҳбатни зўр қизиқиш билан тинглардим. “Шахмат моҳияти”нинг жиноят эканлиги, Бакснинг терговнинг дастлабки ҳоёларида айтган фикрлари тасдиқланаётганлиги мен учун секин-секин ойдинлаша бошлади. Тўғри, дўстимнинг қандай ҳолларда далилларга суянганини, қандай вазиятларда эса, ички ҳиссиёт бўйича ҳаракат қилганлигини мен ҳали билмасдим, лекин унинг жиноят ечимига олиб борадиган йўлни топгани аниқ эди. Ҳа, айнан Арт топган эди буни. Менинг ходимларимдан энг тажрибали терговчилар ҳам “Альбатрос”да юз берган жиноят изини топиш учун... шахмат назариясидан фойдаланишларига асло кўзим етмасди.

— Хотинингизнинг қандай буюмлари ўғирланган эди? — Бакснинг навбатдаги саволи шу бўлди.

Рожновский дўстимга ялт этиб қаради, унинг бу боқишида ошқора таҳсин учқуни мавжуд эди.

¹ М и т т е л ш п и л ь — шахматда ўйиннинг ўрта босқичи.

- Сиз буни қаяқдан биласиз? Ҳа, дарҳақиқат, унинг қимматбаҳо буюмлари ўғирланган эди. Меросий буюмлар.
- Уларни мукамал санаб берсангиз.
- Қимматбаҳо тошлар қадалган тўртта тилла узук, икки шода жуда қиммат турадиган маржон, олгин тўғноғичлар, бир қанча нафис занжирлар ва яна анча-мунча майда-чуйда тақинчоқлар. Хотиним уларни бебаҳо қадама нақшлар билан безатилган чиройли темир қутичада сақларди.
- О, бу бутун бир хазина-ку!
- Сиз ҳақсиз, миллион злотих турарди улар; ҳозирги пайтда-ку уларни қандай баҳолашларини айтиш қийин. Уларга бундан бир неча йил олдин нарх қўйган эдилар.
- Хотинингизнинг шунча қимматбаҳо буюмларни курортта олиб келишига рози бўлганмидингиз?
- Нима қилай, бу унинг шахсий мулки эди. Тўғри, мен уни бу аҳдидан қайтаришга уриниб кўрдим, бу ишинг хатарли, ўғирлаб кетишлари мумкин, деб тушунтирдим, лекин у менга қулоқ солмади. Бу бойликларнинг ўғирланганини мен хотиним ўлгандан кейин билиб қолдим.
- Лекин бу ҳақда милицияга хабар қилмабсиз-да?
- Хабар қилмадим. Ортиқча сўраб-суришгиришлардан кўрқдим. Мен, уму-ман, бойлигимиз миқдорига одамлар диққатини тортишни истамовдим.
- Сизларда ўша қути борлигини бирон киши билармиди?
- Йўқ... менимча, йўқ. Лекин аниқ айтолмайман.
- Хотинингиз ўша қутини қаерда сақларди?
- Ҳамма гап шунда-да! Биз Свиноуйсьцеда бўлган бутун вақтимиз давомида мен у қутини бирон марта ҳам кўрмадим. Тан оламан, бу мени хавотирга солди, мен ҳатто ўша бебаҳо қутини ўзим қидириб топмоқчи ҳам бўлдим, лекин, биласизми, ўз хотинингдан шубҳаланишинг жуда ноқулай туюлди, шунинг учун у ёқ-бу ёқни тинтигандай бўлдим кейин қидирмай қўйдим.
- Балки пани Рожновска ўз бебаҳо меросини пансионат хўжайини пан Боровскийга асраб қўйиш учун бергандир?
- Ўзимда ҳам шундай тахмин пайдо бўлган эди, ҳатто бу ҳақда пан Боровскийдан сўраб ҳам кўрдим. Лекин Наталья унга ҳеч нима бермаган экан.
- Ҳамма сукутга толди. Уни Бакс бузди:
- Гапларингизга ишонишим керакка ўхшаб қолди. Агар ҳозир бизга ҳақиқатни гапирган бўлсангиз, тўғри йўл тутгансиз. Шундай бўлса ҳам, мен сизга танбеҳ беришдан ўзимни тута олмайман. Гап бундай, агар сиз шахмат турнирида хотинингизнинг ютиб чиқишига, айниқса, — Милевский устидан галаба қозонишига кўмаклашмаганингизда эди, ҳеч қандай шубҳам йўқки, ҳозир сиз... бева бўлмаган бўлардингиз.
- Бу шафқатсиз сўзлар бизнинг норасмий суҳбатимизга мутлақо мос тушмасди, лекин энди мен ҳеч нарсага ажабланмайдиган бўлиб қолган эдим.
- Афсуски, сиз ҳақсиз, — Рожновскийнинг афти руҳий тушкунликдан буришиб кетди, — ўзим ҳам ўша турнирнинг нимасидир менга ёқмаётганини сезган эдим. Хотиним ғоятда пуржурьат аёл эди, шахмат менинг қўп вақтимни банд қилгани учун корхонамиз деярли бошдан-оёқ унинг зиммасида эди. Ҳа, у ўз аҳдидан қайтмайдиган метин иродали аёл эди, мабодо миясига бирон фикр келса, ҳеч қачон менинг фикримга қўшилишмасди. Ҳозир мен сизларга бор ҳақиқатни сўзлаб бердим, жаноблар ва ҳамма айтганларимни расмий протокол учун такрорлашдан ҳам қайтмайман.
- Мен сизга ишонаман ва яна такрор айтаманки, биз хотинингизнинг қотилини қидиряпмиз ва бу ишда сиз бизга ёрдам беришингиз, халақит қилмаслигингиз шарт.
- Бугун мен сизларга ўзим билган ҳамма гапни айтиб бердим. Жамики авлиёлар ҳаққи қасам ичаманки, сизларнинг ҳар қандай қарорингизга сўзсиз итоат этаман.
- Ҳозирча бошқа саволимиз йўқ сизга, фақат илтимос, бугунги суҳбатимизни ҳаммадан сир тутинг. Ҳеч қандай суҳбат бўлмади, деб ҳисоблайлик.
- Тушунаман.
- Мабодо яна бирон-бир эътиборга лойиқ нарса, масалан, ҳо у арзимас

икир-чикир гап бўлсин, ҳо бирон суҳбатдан бир парча бўлсин, эсингизга тушса, илтимос, мана бу телефон орқали майорга қўнғироқ қилинг. Бордию сиз менга керак бўлиб қолсангиз...

— Мана бу менинг ташрифномам, бу ерда ҳам уйимнинг, ҳам устахонамнинг телефони ёзилган. Мен доимо Шециндаман, бу яқин ўртада ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасман.

Рожновский чиқиб кетди. Арт менга ўтрилиб қаради. Чамаси, кўринишим сал овсарона бўлса керак, “ҳм” деб қўйди, сўнг ўзини тутолмай хандон ташлаб кулиб юборди.

— Арт, буни қандай тушуниш керак?

— Мен далил қидиряпман.

— Шахматми далил?

— Шахмат — бу жумбоқни ечадиган калит, холос. Мен буни тергов материаллари билан танишган пайтимдаёқ тушунганман. Рожновский билан бўлган бугунги суҳбат тахминимни тасдиқлаб берди.

— Балки менинг одамларим ҳам бу ишни ўрганганлари маъқулдир?

— Майли, ўрганишга қолсин, лекин эҳтиёт бўлишсин.

— Тушунарли. Демак, сен калитни топгансан. Яхши бўларди энди кулфни ҳам топсанг...

— Кулфни? — у кўзларини пирпиратди, бирдан кўзойнагини эслади-да, шимининг чўнтагига қўл тикиб, кўзойнагини бурнига қўндирди, кейин, ўз одатига кўра, сочини ҳурпайтирди. Шундагина мен қаршимда ўзимга таниш бўлган Аристотель Бакс ўтирганини кўрдим. — Кулфни ҳам топаман. Мен “Альбатрос”да ўтказилган шахмат турнирининг голибига бериладиган мукофот мутлақо қумуш кубок ва бир шиша коньяк эмаслигига қатъий ишонган эдим. Энди менинг фикримга қўшилишсанг керак, деб ўйлайман? Турнирга тикилган дов жуда катта, шу қадар катта бўлганки, шу деб қотилликка қўл уришдан ҳам қайтмаганлар. Мен ўша тикилган дов нима эканлигини билолсам, кулфни қўлга киритган бўламиз. Агар сенинг мажозий мулоҳазангни давом эттириб айтадиган бўлсам, шундагина мен қотил яшириниб олган эшикни очаман.

Арт Свиноуйсыцега жўнаб кетиш олдидан, унинг ўз таъбири билан айтганда, бир неча “деталлар”ни аниқлашни илтимос қилганди мендан. Милевский, Коваликлар, Боровский, Полтика ва Мария Решелнинг таржимаи ҳолларига тааллуқли бўлган “деталлар” ичида скандинавияликларга дахлдор бўлган бир неча саволлар ҳам бор эди: ака-ука Свенсонларни норвег Нильсон билан боғлаб турган ришга нимадан иборат? Бу учта скандинавияликнинг мулкдорлик ҳолати қай даражада? Улар илгари ҳам Польшада бўлишганми?

— Нима, тергов материаллари ичида бундай маълумотлар йўқ эканми? — дедим мен ажабланиб, гарчи Артнинг барча маълумотларни ўз миясида жуда яхши сақлашини билсам ҳам.

— Оз-моз бор, лекин улар камлик қилади. Сен хафа бўлма, оғайни, у тергов ҳужжатлари ичида маълумотлар қалашиб ётибди, лекин мутлақо бешфойда улар.

— Нега панна Чедони тилга олмадинг? Мутлақо қизиқтирмайдими у сени? — деб мен ҳам қочириқ гап айтишга журъат этдим.

— Бу нуқтаи назардан, у қиз мутлақо шубҳадан холи. Лекин, умуман, бу қиз ҳақида гапирадиган бўлсак... Оҳ, қария, бунақа қиз камдан-кам топилади дунёда. Бунинг устига, у ақли ҳам.

— Божена шубҳадан холи, сабаби... соҳибжамол бўлгани учунми?

— Йўқ, шахмат ўйнамагани учун.

* * *

“Альбатрос”да янги шахмат турнирини ўтказиш учун тайёргарлик кўрила бошлади. Бакс билардики, бу турнир фақат — майнавозчилик, янги жиноятга ҳозирлик кўраётган қотил учун куюқ тутун, ниқоб эди, холос. Хўш, бу турнирга қандай дов тикилган ўзи? Детективнинг тахминича, турнирнинг асо-

сий фаворити¹ Милевский эди, унинг галаба қозонишига фақат норвегиялик Петер Нильсон гов бўлиши мумкин. Кумуш кубок ва бир шиша “Наполеон” коньяги... Шоҳ ва мот... Бу галаба ўлимни ифодалаш мумкин. Рожневскани турнирда фақат голиб чиқишига юз фоиз ишонганлари сабабли бўғиб ўлдирган. Энг қадимги ажойиб ўйин, бу ерда эса... Буни қандай тушуниш керак? “Қора асп” — номаълум душманни Аристотель шундай деб номлади — ўзини панага олган эди ҳозир.

Бакс дераза олдида турганча, кўзини денгиздан узмасди. Маҳобатли пўртана қутурарди, қудратли тўлқинлар пляж майдонига мўйсафид кўпикларини жаҳлат ила олиб келиб урарди. Денгиз сатҳини вазмин қора булутлар қоплаган.

“Ҳали август ойи шуми? Кўпроқ ноябрга ўхшайди-ку”. Арт совуқдан жунжикди. Ёмғир уч кундан бери бир зум ҳам тўхтамай шаррос қуярди, ҳаво совиб кетди. Пляжлар хувиллаб қолди.

Детектив ўй сурарди. Ҳеч қандай натижа йўқ. У “Альбатрос”га келганидан бери иш бир қадам ҳам олдинга силжимаганлигини тан олишга мажбур эди. Қайтага, швед тилини ўрганишда у анча катта ютуқларга эришди. У ҳалидан грамматика асосларини ўзлашгирди, муомалада энг кўп ишлатиладиган бир неча юз сўмни ўрганди ва бу тилда анча равон гаплашиш малакасини эгаллади. Шубҳасиз, бу ишда унга “Альбатрос”да дам олаётган шведлар катта ёрдам кўрсатишди. Айниқса, у кўпроқ Олаф билан чуғуллашишни ёқтирарди. Бу бола, ўз навбатида, муаллимлик қилаётганидан фахрланарди.

Аристотель бир неча марта Божена билан сайр қилди, улар танца майдонида бўлишди, одамлар билан гавжум газакхоналарда қаҳва ичиб суҳбатлашиб ўтиришди. Қиз зерикаётган эди, ёши ўтиб қолган журналист эса, сирасини айтганда, Боженанинг ёшлик ғайрати билан тенглашишга, ўйин-кулгига чанқоқлигини қондиришга қодир эмас эди. Шунга қарамай, Милевский қизнинг кўнглини расмий тарзда овлашни давом эттирардики, бу ҳолни Бакс маъжослик билан эътироф этишга мажбур эди.

Йигитимизнинг фикрлари узук-юлуқ, бебош, улар худди денгиз узра гужгон ўйнаётган булутлар сингари парча-парча бўлиб йиртилларди.

— Қайси сипоҳни юриш ҳақида ўйлаясизми? — деган овоз унинг хаёлини бузди.

Бакс ўгирилиб қаради. Журналистнинг чиройли чеҳраси дўстона жилмайиб турарди.

— Йўқ-е, мен шахмат ўйнамайман-ку, пан муҳаррир.

“Мана бу ҳақиқий эркак! — деб ўйлади у. — Ёши эллиқдан ошган-у, ҳалиям қиличдай ва ўктам! Тағин, шундай жонон қизни илинтириб олганини айтмайсанми!”

Журналист ўз ёшига нисбатан анча ёш кўринарди. Бунга унинг келишган хушбичим қомаги, ёқимтой, хайрихоҳ табассуми, мудом хуш кайфиятда бўлиши ва одамлар билан тез ва осон дўстона алоқа боғлай олиши ҳам кўп жиҳатдан ёрдам берарди. Ҳозир Бакс унинг қайси сипоҳни суриш ҳақидаги гапини ўйлаб қолди. Бу билан нима демоқчи у? Наҳотки...

— Ҳавонинг авзоини қаранг, — деди у.

— Ҳа, август ёмон келди, — деб қўшилишди Милевский.

Меҳмонхонада улардан бошқа яна Свенсонлар ўғлилари Олаф билан ҳамда норвегиялик бор эди. Улар телевизорда қандайдир фильмни томоша қилишарди. Қолган дам олувчилар хона-хоналарида эди.

— Мен сиз билан икки оғиз гаплашиб олиш ниятида эдим, пан... Ковальский, — деди журналист овозини пасайтириб.

— Нима учун менинг фамилиямни айтишда дудуқланиб қоляпсиз? Наҳотки уни талаффуз қилиш шунчалик қийин бўлса?

— Қийин, лекин, илтимос, мени тўғри тушунинг. Мен иккиёқлама вазиятда бўлишни ёқтирмайман. Гап шундаки, бир куни Варшавада менга сизни кўрсатишиб, фамилиянгизни айтишган эди. Мен хотирамнинг пастлигидан ҳеч қачон шикоят қилмаганман.

“Мана, мени фош қилишибди дарров, — деб ўйлади Бакс бамайлихотир.

¹ Фаворит — ўйинда галаба қозонишга кўпроқ имконияти бўлган ўйинчи.

- Лекин буни мен бошлаган ишга нимаям аҳамияти бор? Барибир, яхши бўлмади”.
- Кулоғим сизда, пан муҳаррир.
- Ишончим комилки, пан Бакс, сиз бу ерга швед тилини ўргангани келмагансиз. Мен, сизни танимайман, деб ўзимни гўлликка солишни хоҳламасдим, лекин сизга сўз бериб айтаман — ўз кашфиётимни албатта сир сақлагайман.
- Кимпигимни ҳатто панна Чедога ҳам айтмайсизми?
- Айтмайман, жентельменлик сўзим. Яна, сизга ёрдам беришни хоҳладим.
- Ҳм... Миннатдорман. Мен ҳеч нима билмайман ва ҳеч қандай иш бошламоқчи эмасман, шу боис менга ҳеч қандай ёрдам керакмас. Қолаверса, бу иш билан соф назарий жиҳатдан қизиқмаётувдим.
- Мен сизнинг соф назарий жиҳатдан олиб борган терговларингиз натижасида қанчадан-қанча жиноятчиларнинг соф амалий тарзда дорга осилганидан хабарим бор, ҳа-ҳа-ҳа! Менинг бир ҳамкасбим бизнинг тележурналимиз учун музейлардан ўғирланган суратлар ҳақида, яъни сиз фотс қилган иш ҳақида жуда қизиқарли кўрсатув тайёрлаганди. Қаранг, роса додини бергансиз-да ўша азаматларнинг!
- Ҳамкасбингиз жудаям муболаға қилиб юборган мен ҳақимда, қолаверса, ўша иш унчали мураккаб ҳам эмас эди. Жазо чорасини эса, мен эмас суд белгилайди.
- Турган гапки, сиз ҳақингизда ёмон гап айтиш ниятим йўқ, албатта. Келинг, яхшиси, овсарларимиз масаласига қайтайлик. Гапим жиддий, сизга ёрдам беришим мумкин деб ўйлайман ўзимни.
- Ундай бўлса, кулоғим сизда, пан муҳаррир.
- Сизга буни қандай аниқроқ ифодаласам экан... Авваламбор, мени тўғри тушунишингизни истардим. Гап шундаки, мен бу жиноятнинг мумкин қадар тезроқ фотс бўлишидан шахсан манфаатдорман, десам ҳам бўлади.
- Манфаатдорсиз?
- Сизга очигини айта қолай, гап Божена ҳақида, панна Чедо ҳақида боряпти. Ўтган йили менга турмушга чиқишни сўрагандим ундан.
- Табриклайман: пан муҳаррир, дидингиз ўткир экан — жуда ажойиб қаллиқ танлагансиз, — деди изқувар, ичида эса, “Ёрилиб ўл, лаънати!” деб кўйди.
- Лекин у ўйлаб кўриш ва ота-онасининг розилигини олиш учун фурсат сўраб “ҳа” деб ҳам, “йўқ” деб ҳам жавоб қилмади. Дарвоқе, мен унинг ота-онаси ҳузурда ҳам бўлдим, улар турмуш қуришимизга қарши эмас. Ишимиз энди юришиб кетганда, “лоп” этиб бошимизга мана бу фалокат тушганини айтмайсизми...
- Ҳамонки суҳбатни очиқчасига бошлаган эканмиз, айтинг-чи, нега ўшанда сиз шахмат турнирида ишгирик этдингиз?
- Журналист изқуварни эҳтиёткорлик билан кўздан кечирди:
- Бу қочирингиз мени ажаблантирмади, лекин сиз, агар ўша қотиллик билан беозор шахмат турнири ўртасида қандайдир алоқа бор, деб ўйлаётган бўлсангиз, қаттиқ янглишасиз. Аммо сиз бир нарсада ҳақсиз — Рожновсканинг ўлими менинг уйланишимга халақит қилди. Бу мудҳиш қотиллик негадир Боженага шундай ёмон таъсир қилдики, у ўша пайтдан бошлаб жудаям ўзгариб қолди, муносабатимиз ҳам бутунлай совиди. Ҳозир унда аввалги самимият, ишонч қолмаган, у доим мендан ўзини олиб қочмоқда.
- У сизнинг таклифингизга жавобан нима деди? Орадан шунча вақт ўтибди, ахир, жавоб қиламан, деб сўз берган экан-ку.
- Божена яна бироз вақт кутишни илтимос қилди. Ишимиз на у ёғли, на бу ёғли бўлмай, шу залда резинкадай чўзилиб ётибди, мен бўлсам, ўзингиз биласиз, энди ёш эмасман, тезроқ оила курсам дейман. Қачонгача пайсалга соларкин?
- Нима учун унинг сизга бўлган муносабати ўзгариб қолди?
- Билмайман. У мени ўша мудҳиш воқеага алоқаси бор деб ўйламаяпти-микин? У бирон марта ҳам мен билан бу мавзуда очиқчасига гаплашмади.

— Сиз уни севасиз, балки шунинг учун ҳам бўрттириб гапираётгандир-сиз, аслида эса, бунчалик эмасдир.

— Пан Бакс, агар у менга турмушга чиқишга рози бўлса, менга бўлган совуқ муносабатини унутиб юборардим, аммо унинг муносабати ҳозирги вазиятда мени ваҳимага соляпти.

— Хўш, мenden нима истайсиз? Балки, агар жинойтчи қўлга олингудек бўлса, ўша жинойтчининг сиз эмаслигингиз вазиятни ўзгартиради, деб ўйлаётгандирсиз?

— Худди шундай. Сезяпман тергов ҳали-бери тугамайди, шунингдек, яна менинг шахсим шубҳага олинганлар рўйхатидан бу яқин ўртада ўчирилмаслигини ҳам биламан. Шунинг учун ҳам менинг ёрдамимни қабул қилишингизни сўрардим. Зеро, мен сизни баъзи бир маълумотлар билан таъминлашим мумкин, деб ўйлайман.

— Бу умидбахш ваъда, пан муҳаррир.

— Гапимни мухтасар қиламан. Сиз Рожновский билан қизиқиб кўринг, яна — гапимга ҳайрон бўлманг — Боровский билан ҳам.

— Нима сабабдан?

— Мен биламан: пани Рожновскада қимматбаҳо буюмлар солинган қутича бўлган. Буни менга айнан Боровский айтганди. Хуллас, Рожновсканинг ўлимидан кейин ўша қутича йўқолган. Жинойт сабабини шу ердан қидириш керак эмасмикин?

Бакс Милевскийнинг у билан ўйин қила бошлаганини дарҳол тушунди, бунинг устига, у кимсан Аристотель Баксни худди тентак боладек лақиллатмоқчи бўляпти.

— Тергов материалларида бу ҳақда ҳатто эсланмаган ҳам.

— Э худо! Ўша тергов ишларининг ҳаммаси сариқ чақага ҳам арзимади! Биласизми, нима қилди милиция? Ҳар биримизни бир неча мартадан сўроқ қилишди-ю, шу билан ишни ёпишди-қўйишди. Пан Бакс, сиз Боровскийдан албатта қутича ҳақида сўранг, керак бўлса, у билан юзлашишга ҳам розиман.

— Раҳмат бу ҳимматингиз учун, пан муҳаррир, лекин унутманг, мен бу ерга бошқа ном билан келганман, ундан ташқари, сиз пансионатдаги ҳаловатли муҳитни барбод қилиб қўйишдан қўрқмайсизми? Яхши бўлмас, агар... Келинг, шу ҳақда гаплашайлик. Демак, қутича ҳақида Рожновский ва Боровский билишган?

— Ҳа.

— Қолганлар-чи?

— Билишмаган бўлса керак. Сирасини айтганда, бунақа бойликни кўпчиликка кўрсатиш хавфли.

— Шунингдек, уни курортга кўтариб келиш ҳам.

— Шундай аёллар борки, улар ўз бойликларини бир кунга ҳам холи қолдира олмайдилар.

— Гапингизда жон бор. Ўзим ўқиганман, ҳалиги... София Лорен билан Элизабет Тейлор ҳақида. Лекин пани Рожновска кино юлдузи эмас эди-ку. Сиз ўша қутичани қотил олиб кетган деб ҳисоблайсизми?

— Бўлмаса ким оларди? Ахир қотиллик юз беришига шу аёл сабабчи бўлган-ку.

— Масалан Рожновский ўша қимматбаҳо буюмларни Шециндаёқ гумдон қилиши мумкин эди-ку.

— У ҳолда фақат ундан шубҳаланган бўлишарди.

— Бу тўғри фикр. Хўш, Боровский-чи? Ахир бу одам пашшага ҳам озор бермайди-ку!

— Сиз унинг “юмшоқ супирги” лигига қараманг, пан Бакс. Боровский ичидан пишган, ишнинг кўзини биладиган одам. У Решелнинг пулларини ўзлаштириб ётибди!

— Лекин у шундоқ ҳам жуда бой-ку.

— Бой ҳамиша, яна бойсам, дейди. Сизга яна бир маълумотни айтмай: бу сизни қизиқтириб қолса ажаб эмас. Бундан икки кун бурун мен пани Решелнинг хонаси ёнидан ўгиб кета туриб, Боровский билан Решелнинг шангиллаб жанжаллашишпаётганини эшитиб қолдим. Биласизми, улар нима сабабдан тортишаётган эканлар? Боровский Решелга уйланишдан бош тортаётган эди!

— Боровский-а? Мария Решелга уйланиш керак эканми? Бунга ишониш қийин. Чунки ҳали Боровский ёш, Решель эса деярли кампир бўлиб қолган. Йўқ, мен бунга ишаномайман!

— Мен янглишаётганим йўқ, пан Бакс.

— Илтимос, мени Ковальский деб чақиринг. Ҳарна бўлгандаям, бу маълумотингиз учун миннатдорман сиздан. Энди қутича масаласига келсак, бу нарса муҳим аҳамият касб этиши мумкин, текшириб кўриш лозим бўлади.

— Мен бу ҳақда ёзма равишда тегишли баёнот беришга ҳам тайёрман.

— Ҳозирча баёнотнинг кераги йўқ. Келинг, яхшиси, суҳбатимиз муқаддасига қайтайлик. Сиз жиноят изининг тезроқ топилишидан манфаатдор эканлигингизни айтгундигиз, яна муҳим бир маълумот ҳам бердингиз ва бу хизматингиз учун биз сиздан миннатдоримиз. Айтинг, сизга қандай яхшилик қилишим керак?

— Гап Божена ҳақида боряпти.

— У шубҳа остидагилар ҳисобига кирмайди.

— Боженанинг жиноятга дахли бўлиши мумкин эмас, буни ҳамма яхши билади. Мен бошқа нарсани назарда тутувдим. У менга бўлган муносабатини ўзгартирса, девдим. Мана, сиз гап орасида мени ёқлаб унга икки оғиз илиқ сўз айта олмасмикинсиз? Эҳ, эсим курсин, — журналист афтини буриштириб, иягини ишқалаб қўйди. — Ахир у сизнинг кимлигингиздан гофил-ку...

— Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, пан муҳаррир, агар биз панна Чедо билан сиз тўғрингизда гаплашадиган бўлсак, у мендан фақат мақтов сўзлар эшитади сиз ҳақингизда. Энди унинг сиз билан турмуш қуриши масаласига келсак... агарда унинг ўзи хоҳламаса, мен, ҳаттоки Мэгре ё Пуаро бўлганимда ҳам, уни сизнинг никоҳингизга ўтишга кўндиролмасам керак. Қолаверса, мен бундай миссияни бажаришга ўлсам ҳам бош кўшмаган бўлардим. Сиздан илтимос, менинг вазифам ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасангиз. Бу нарса биринчи навбатда... сиз учун муҳим.

Дераза ортида ругубатли ҳавонинг авзои тобора баттар бузилаётганди. Шимолдан эсан шамол булутларни ҳайдаб келишда давом этарди. Барвақт қоронғи тушди. Уйда чироқлар ёқилди, дастурхонга кечки таом тортилди. Пансионатнинг барча аҳли емакхонага йиғилди.

— Об-ҳаво бюроси ҳавонинг бағқағоғ бўлиши ҳақида кафолот берган, — деб ҳазил қилди доктор. Демак баҳузуг тугниғни бошлайверсак ҳам бўлавегади.

Турнир тўпланганлар суҳбатининг асосий мавзуи бўлади, ҳамма турнирни муҳокама қилишда фаол иштирок этди. Суҳбат немис тилида бўлди.

— Мен уни эртагаёқ бошлашни таклиф қиламан, — деди пансионат соҳиб-би. — Кумуш кубок билан коньяк, — деб у сервант томонга ишора қилди, — голибни кутиб қолди. Пан муҳаррир, ўйинга қатнашувчилар рўйхатини тузишга рози бўларсиз? Ҳарҳолда қоидага риоя қилишимиз керак.

— Жоним билан. — Журналист ёнидан блокнот билан шарикли ручка чиқарди. — Менимча, ўйновчилар саккиз киши бўлади.

Чиндан ҳам рўйхатга саккиз киши ёзилди. Булар икки швед, норвегиялик, Ковалик, врач, Боровский, Милевскийнинг ўзи ва Олаф эдилар.

— Мен, — деди журналист блокнотини ёпиб, — энг ҳаваскор, энг фикрдор ўйинчи учун махсус соврин — “Шахмат олами” деган альбом таъсис этишга қарор қилдим. Демак, қуръа тортиш маросими эртага нонушпадан кейин бўлади.

Божена Чедо ўзининг бундан норозилигини “Бошланди!” — деган кесатик сўз билан аниқ ифодалади ва атайин ҳаммага эшиттириб Баксга юзланди:

— Сизни Шецин денгиз кемачилиги бошқармасининг кемаларидан бирида денгиз саёҳатига таклиф қилсам майлими?

— Боженка, жинни бўпсан, шундай ҳавода-я?! — Милевский очиқ кўнгли билан жилмаймоқчи бўлди, аммо буни эпюломади. — Ахир бу жуда хафлику, бунинг устига, кўнглинг беҳузур бўлади кема чайқалишидан!

— Энди менга келсак, — деб жавоб беришга шошилди Аристотель, — мен бундай таклифни рад этолмайман, ҳаттоки денгизда тўфон кўтарилган тақдирда ҳам!..

— Сен мендан хавотир олма, Януш, — деб қиз журналистни бадтар мул-

зам қилди. — Аксинча, мен сендан хавотир олишим керак, турнирдаги ўйининг қандай боряптигидан, деб.

Бакс ака-ука Свенсонлар ёнига келиб ўтирди. Улар чорак соатча дам швед тилида, дам немис тилида “эркин мавзуда” суҳбатлашишди. Ҳар оқшом такрорланувчи бундай суҳбатлардан ҳатто шведлар ҳам ҳузурланардилар. Бакс эса лингвистга хос динг қулоқлари билан швед тилининг барча нозик фонетик жиҳатларини илғаб олар ва уларни мутлақо беҳато талаффуз қилишга ури-нарди.

— Сизларга ёқдими Польша?

— Ажойиб мамлакат. Ўтган йили биз Варшавани, Краковни бориб кўрдик, тоққа чиқдик, яна Закопанеда бўлдик. — Ингмар Свенсон ҳар бир сўзни шош-масдан аниқ ва дона-дона қилиб гапирар, қийин иборалар келганда қайта-қайта такрорлаб сабр-бардош билан Аристотелга тушунтирарди. — Бу йил эса Мазур ороллари ва Гданьскка боришни режалаштирганмиз...

— Айтинг-чи, сизнинг назарингизда бизларда нима яхшию, нима ёмон?

Бу саволга кичик швед — Вольф жавоб берди.

— Менга қолса, сизларнинг ёмон томонингиздан кўра яхши томонларингиз кўпроқ, деб айтган бўлардим. Биринчи навбатда, бизга полякларнинг миллий характери яъни — уларнинг гайрати, қобилияти, кулгига мойиллиги, бошига оғир кунлар тушганида руҳий тушкунликка учрамаслиги, уларни гай-ритавсиф меҳмондўстлиги, сабру бардошлилиги ёқди. Биз уруш култепага айлантирган шаҳар ва қишлоқларингизни шунчалик тезлик билан қайта тикла-ганингизни, янги ажойиб йўллар қурганингизни кўриб ҳамон ҳайратдамиз. Мамлакатингиз ғоятда мафтункор ва турфа хил табиатга эга.

Хўш, бизнингча, мамлакатингизнинг салбий томони нимадан иборат? Агар очигини айтидиган бўлсак, сизлар жуда кўп ичаркансизлар. Ахир бу билан ҳар бир кишига алоҳида ва бутун миллатга ялписига биологик зиён етказасизлар-ку. Мен энди ичкиликбозликнинг иқтисодингизга зарар етказишини айтмай қўяқолай. Ўзига тўқ, анчагина бой-бадавлат бўлган биз скандинавия-ликлар, уйда, айтилик совитгичи, телевизор, машинаси бўлмаган одамнинг қандай қилиб охири злотихини алкохол учун сарфлаганини кўриб ҳайрон-ҳайрон қолдик. Ҳолбуки бундай одамлар сизда ҳар қадамда учрайди.

— Бизни яна гашимизни келтирган кўнгилсиз ҳол шуки, — деб Ингмар Свенсон гапга аралашди, — меҳмонхона, ресторан, магазинларнинг ходимлари чет эллилар олдида хушомадўйлик қилишади. Нимага энди улар ўз одамлари билан ёмон муомалада бўлишадию чет элликларга ялтоқлик қилишади? Шахсан мен ўзимни бундай ҳолда жуда ноқулай ҳис қиламан. Тўғри, булар арзимас камчиликлар, албатта...

“Оламшумул мавзулар”даги суҳбат бора-бора кундалик жайдари, аммо ҳеч қачон жонга тегмайдиган мавзу — футболга ўтди. Шведлар билан ҳар оқшом бўладиган бундай гаплардан Бакс швед тили дарслиги ва луғатидан олган маълумотлардан кўра кўпроқ нарсаларни ўрганарди.

У кечликдан кейин тепага, ўз хонасига кўтарилаётганида, журналист зинада унга етиб олди.

— Аъло нав вискидан қиттай-қиттай олишга қандай қарайсиз? Менда бир шиша “Олд Смаглер” бор...

— Мен, ўзи “Кин Энн”ни афзал кўраман, лекин сиз билан, пан муҳаррир, ҳаттоки скипидар ичишга ҳам тайёрман.

Милевский жойлашган иккита хона чиндан ҳам қошона эди. Пат гиламлар, сердабдаба кат, рангли телевизор, кўшалок телефон (бири ички, бири шаҳар телефони), ваннахона. Жовондаги бар ранг-баранг шишаларда лиқ тўлган, ҳатто бутун бошли... никоҳ тўйига ҳам етарди ундаги ичкиликлар.

— Биласизми, миямга бир гап келди! — деди Милевский биринчи қадаҳ ичилгандан кейин. — Сиримиздан Боженани огоҳ қилсак қандай бўларкин? У сир сақлай оладиган қиз. Мабода машҳур детективимиз унинг қулоғига, менинг ишим жойида эканлигини шипшиб қўйса, у албатта гапингизга ишонарди, ана унда шу ойнинг ўзидаёқ сизни никоҳ тўйимизга таклиф қилган бўлардим.

— Лекин, барибир, ўттиз кун кутишга тўғри келади-ку.

— Биз ҳамма зарурий ҳужжатларни ўтган йилиёқ загга бериб қўйганмиз, бу томондан ҳеч қандай тўсқинлик бўлмайди. Сиз эртанги сафар чоғида у билан гаплашиб олишингиз мумкин эди.

— Ҳм... Ўйлаб кўриш керак. — Бакс шундай деб туриб, журналист билан очикчасига беллашишга аҳд қилди. Мабода ютқизса, фақат таътил кунлари куярди, холос! Лекин шошилиш керак, вақт физиллаб ўтиб бормоқда. — Яхши, мен розиман, панна Чедога менинг кимлигимни ва бу ерга нима мақсадда келганлигимни айтишингиз мумкин, фақат, илтимос, менинг арзимас хизматларимни зинҳор бўрттириб кўрсатманг. Майли, келишдик, эртага у билан сиз ҳақингизда гаплашаман, аммо эвазига битта саволимга жавоб берсангиз.

— Розиман.

— Айтинг-чи, ўтган йили сиз қандай қилиб пани Рожновскага ютқазиб қўювдингиз?

Милевский бу саволнинг ўзи учун қандай зарба бўлганини сездирмасликка уришиб, Аристотелга бошдан-оёқ синчков разм солиб чиқди ва имкон қадар хотиржам жавоб қайтаришга ҳаракат қилди:

— Шунчаки, у мендан кучлироқ эди.

— Балки унга эри ёрдам қилгандир? Сиз ҳеч нима пайқамовдингизми?

— Бўлмаган гап. Рожновский ҳеч қачон бундай ишга қўл урмаган бўларди. Ундан кейин, ҳожати ҳам йўқ эди. Нимага энди?

— Сиз сезмаяпсизми, нимагалигини?

— Йўқ, ахир бу оддий бир ўйин, эрмак эди-ку, нимага энди фирромлик қиларкан?

— Бу эрмак Рожновсканинг ўлимига сабаб бўлди.

— Рожновсканинг ўлимига биз ўтказган турнирнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— Эҳгимол... Ҳўп, мен борай энди. Қиладиган ишларим бор эди. Виски учун раҳмат.

— Балким яна бир кулгумдан олармиз? Рост, сиз мени қизиқтириб қўйдингиз.

— Яхши, фақат охирги марта, — деди Бакс бир хўрсиниб қўйиб. — Ҳозир у журналистнинг нима ҳақда ўйлаётганини билиш учун ҳеч нимасини аямаган бўларди. — Биласизми, пан муҳаррир, мен жиноятчини топиш учун келганман бу ерга. Лекин вазифам бу билан чекланмаслигини ҳам биламан, аниқроқ қилиб айтсам, фаҳмляяпман, яъни олдиндан ҳис этияпман буни.

— Гапингизга тушунмадим.

— Менинг ҳозирги дамда энг асосий вазифам — Янги жиноятчининг содир бўлишига йўл қўймалик.

— Янги жиноят? Нималар деяпсиз?

— Буни сизга изоҳлашим мумкин. Қотил ҳозир пусиб ўтириб янги зарбани беришга тайёрланыпти. Мен унинг кимлигини билмайман, лекин қурбони ким бўлишини биламан.

Журналистнинг ранги қув ўчиб кетди, табиатига мансуб бўлган такаббурлиги ғойиб бўлди.

— Худо ҳаққи, айтинг — ким экан? — деди у хирқироқ овоз билан ва қўлидаги виски куйилпан қадаҳни столчага қўйди, чунки қўли қалтирай бошлаган эди.

— Агар жудаям билишни истасангиз... Лекин буни фаҳмлаш ҳеч қийин эмас. Шахмат турнирида ким ғолиб чиқса, шу ўлдирилади. Хайрли тун, пан муҳаррир.

* * *

Кейинги кун сал илиқроқ келди, лекин ёмғир ҳамон бояги-боягидай қўйиб ётарди. Нонуштадан кейин изкувар уй соҳибидан шамсия сўраб, сайр қилгани чиқиб кетди. Унинг ихтиёрида икки соат вақт бор эди ва шу вақт ичида у иккита ишни амалга ошириши лозим эди. Соат ўнда теплоход денгиз саёҳатига жўнайди ва у Божена билан бандаргоҳда учрашиши керак — шундай аҳдлашишган. Ҳозир пансионатда турнир бошланади, журналист шу топда шах-

мат тахтаси олдида ўтиргандир. О, қизини ўзимга оғдириб олсам зўр бўларди-да! Вой, қари эшак-е, иштаҳанг баланд-ку! Унга тенг келармидинг? Сираям-де!

У шаҳар истироҳат боғи ёнига жойлашган район милиция бўлимига кириб, поручик Вяттерни кўрсам бўладими, деб сўради.

— Иккинчи қават, йигирма олтинчи хона, — деб йўл кўрсатди навбатчи.

Поручик Бакснинг кириб келганини кўриб ҳайрон бўлди, чунки у шу пайтгача бирон марта ҳам милиция бўлимига келмаган эди.

— Хўш, ўрганиб қолдингизми? — деб қизиқсинди Аристотель.

Офицер столи галадонидан шахмат ўйини дарслигини олиб кўрсатди.

— Ўғлим икковимиз машқ қиляпмиз, — деди у. — Ҳозирча у мендан яхшироқ ўйнапти.

— Нима, у сизни ютыптими?

— Ҳозирги ёшлар жуда ақлли чиқишди.

— Ҳа, яхши, сиз машқни давом эттираверинг. Свиноуйсьцедан жўнаб кетишим олдидан икковимиз бир қўл ўйнаймиз, хўпми?

— Жоним билан. Хўш, хизмат? Тергов материалларига яна бир бор кўз югуртириб чиқмоқчимисиз?

— Йўқ. Сизга Рожновсканинг қимматбаҳо буюмлари солинган қутича ҳақида бирон нима маълумми? Тергов ҳужжатларида бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз ёзилмаган.

— Бу ҳақда энди эшитишим.

— Ана, кўрдингизми! Ҳа, яхши. Рожновска бўғиб ўлдирилган шарф қаерда?

— Шу ерда, сейфга қўйиб қўйганман. Хабарингиз бор, биз уни Варшавадаги криминал лабораторияга юборган эдик, унда бирон-бир из қолмаганмикин, деган мақсадда.

— Хабарим бор. Ўша шарфни менга беринг, ўзим билан олиб кетаман.

Бу шарф узунлиги саксон сантиметрча келадиган энсизгина оч-яшил рангли майин шойи мато бўлиб, унда жигарранг япроқлар ва яна қандайдир сапсарик чизиклар тасвирланган эди.

— Бунга ювишмаганми?

— Йўқ.

— Афсус, ювмасдан боғлаб бўлмайди-да. — Детектив шарфни буклаб, чўнтагига солди. Сўнг офицер билан хайрлашиб, милиция бўлимини тарк этди.

У кўчага чиққанида, шамсияни поручикнинг бўлмасида унутиб қолдирганини билди. Яна ичкарига қайтиб киргиси келмади ва камзурининг узун барини бошига ёпганча почта биноси томон югуриб кетди. Об-ҳавонинг ёмон келганлигидан почта биноси курортда дам олаётган одамларга тўлиб кетган эди. Биров — хат, биров — бандероль юборгани, биров — уйидагилар ё ишхонаси билан телефонда гаплашгани келгани ёмғир сабабли.

Арт Шецин билан гаплашиш учун берган шошилинч буюртмасини йигирма дақиқадан кўпроқ кутди.

— Шиманский эшитади.

— Салом, қария, мен сўраган материаллар нима бўлди?

— Салом. Ҳозирча ҳеч нима йўқ. Шу кунларда кутяпман.

— Нега бунча бақириб гапиряпсан, Павел?

— Овозинг ёмон эшитилипти.

— Унда, сен эмас, мен бақириб гапиришим керак, лекин иложим йўқ, почтамздан кўнғироқ қиляпман.

— Ахир кабинка ичидамисан? Бақириб гапиравер, бўлмаса эшитмаяпман. Арт, мен “Альбатрос”га сени сўраб кўнғироқ қилувдим, ўзимни университетдаги ҳамкурсиман деб танитдим. Менга сенинг денгиз сайрига жўнаб кетганингни айтишди. Шу ростми? Ё буям сенинг найрангингми?

— Найрангим. Мен бу найрангни журналист Милевскийга нисбатан ишлатмоқчиман. Ҳа, чиндан ҳам денгиз сайрига чиқмоқчиман. Яна ким билан, дегин! Божена Чедо билан.

— Пансионатдагилар менга шундай деб айтишганида, ҳазил деб ўйловдим. сен-а? Божена Чедо билан-а? Бўлиши мумкинмас! Тагин шундай ёгингарчиликда-я?

- Сен қаяқдан билдинг бу ерда ёмғир ёғаётганини?
- Об-ҳаво у ерда қандай бўлса, Шецинда ҳам доим шундай бўлади. Бу кўлдан маълум ҳаммага. Сенга хунук хабар айтмоқчиман, Арт.
- Нима, уйланыпсанми?
- Нафасингни шамол учирсин. Сен, яхшиси, ўзингни ўйла. Рожновский... қочиб кетибди!
- Ие, қанақасига?
- Кеча тушдан кейин сохта паспорт билан паромда Истаттга¹ жўнаб кетибди.
- Уни кузатишни кимга топширгансан? Ўшанинг жигини эзиб қўй. Гапимни эшит, Павел, сен Рожновский ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўпла — биринчи навбатда унинг Шециндаги танишлари ҳақида.
- Ҳозир шу билан шуғулланыпмиз. Шахмат нима бўлди?
- Бугун турнир бошланади.
- Сен ўйнамайсанми?
- Йўқ, агар ўйнасам ҳам турнирда ўйнамайман. Ҳа, Рожновский бизни бошлаб кетибди.
- Менимча, у лаънатининг виждони пок бўлмаса керак. Кўнглим жуда гаш, оғайни, бундай бўлганидан.
- Унда то маст бўлгунча ич аламингдан. Хўп, хайр, мен ишюняпман.
- Эгнига қайтарма қалшюқли ёмғир ўтказмайдиған плаш кийған Божена Баскни бандаргоҳда кутиб турарди.
- Вой-бў-ў, роса ивиб кетибсиз-у, юринг тезроқ.
- Улар тахта зинадан мўъжазгина пароходга югуриб чиқишди ва столчалар билан юмшоқ диванлар қўйилган салондан ўтиб, шу салон остидаги йўловчилар учун мўжалланган каттакон хонага тушишди. Бу ерда улар ихчамгина, шинамгина буфет борлигини кўриб, шу ерда қолишга қарор қилишди ва бу ердаги столчалардан бири атрофига ўтиришди.
- Денгиз сайрига чикувчилар кам бундай ҳавода, — деди толиба қиз атрофига кўз югуртириб чиқиб. У спортсменларга хос — шим ва свитер кийган эди.
- Жуда яхши-да, мен оломонни ёқтирмайман, айниқса, денгизда. Нима ичамиз?
- Мен вино ичаман.
- Бизда вино бўлмайди, — деди ҳам ошхона, ҳам омборхона вазифасини ўтовчи мўъжазгина қазноқнинг эшигида пайдо бўлган бармен. — Бизда фақат коньяк, виньяк ва пиво бўлади. Иссиқ таомлардан — сосиска ва чой, мутлақо.
- Детектив унга синчковлик билан кўз югуртириб чиқди, унинг гапириш усули “Альбатрос” хўжайинининг нутқига жудаям ўхшаб кетаётган эди, айниқса, унинг “бизда бўлади” ва “мутлақо” деган сўзлари. Қариндошмикин-а? Йўқ, ўхшамайди. Бармен баланд бўйли, тўладан келган, сариқ соч одам эди.
- Балки коньяк ичарсиз, Божена?
- Ёмон кўраман уни.
- “Плиска” энг яхши коньяк, мутлақо, — деб орага суқилди бармен.
- У сизларда энг яхши ҳисобланади, мутлақо, аслида “Плиска” энг бе-маза коньяклардан бири. Арманларнинг коньяги ёки грузин коньяги йўқми сизда?
- Қидириб кўрамиз. Иккита катта қадаҳдами?
- Битта катта, битта кичик қадаҳда, шеф.
- Ёшлар сукут сақлаб ўтиришарди. Қиз Артни қизиқсиниб, ҳатто қандайдир эҳтиром билан кузатарди. Бу унинг Арт ҳақида Милевскийдан олган маълумотлар натижаси эди. “Истараси иссиққина экан, — деб ўйларди қиз. — Чувак юз, сочлари жиққа хўл. Ноёб қиёфа. Демак, машҳур поляк изкувари шу экан-да? Януш, уни бутун дунё танийди, деб айтди. Бунчаликмасдир-ов, лекин, умуман олганда, ёқимтойгина экан”.
- Баксининг қизига тикилиб, нима ўйлаётгани ҳақида-ку гапирмай қўя қолайлик — бу шундоқ ҳам маълум. Қиз унга тобора кўпроқ ёқа бошлаган эди.

¹ И с т а т — Швецариянинг жанубидаги порт шаҳри.

- Божена коньякдан бир ҳўлаб афтини буриштирди:
- Ўткир экан.
 - Қайтага яхши-ку, исиниб оламиз.
 - Менга Януш айтдики, сиз...
 - Албатта ўзидан қўшиб, қўпиртириб гапирган бўлса керак, журналистларга теккан касал бу. Биз кеча у билан гаплашгандик... сиз ҳақингизда.
 - Қиз ўзини ажаблангандай қилиб кўрсатди.
 - Мен ҳақимда? Хўш, нималарни билдингиз мен ҳақимда?
 - Кўп нарсани, гарчи мен сўрамаган бўлсам ҳам.
 - Ҳа, Януш ичида гап ётмайдиган эркаклар тоифасидан.
 - Сиз кўп эркаклар билан мулоқотда бўлганмисиз?
 - Менинг дўстларим, курсдошларим жуда кўп.
 - Дўст бошқа лекин... қайлиқ бошқа.
 - Ҳа, у чинданам эзмалик қилиб юборибди. Йўқ, мен ўзимни унинг қаллиги деб ҳисобламайман.
 - Ахир у сизга ўз никоҳига ўтишни таклиф қилибди-ку.
 - Сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин. Ахир у мендан... айтмайман қанчалигини, катта-ку, ҳарҳолда, анча-мунча катта.
 - Севган киши учун ўттиз ёш фарқ эканми?
 - Севадими, йўқми — билмайман, лекин у менга ёқади, бу аниқ. Сирасини олганда, у кимга ёқмайди, дейсиз? Мана, сиз ўзингиз севгига ишонасизми? Бизнинг давримизда севишиб никоҳдан ўтганлар борми ўзи? Сиз эпитганмисиз шундайлар ҳақида?
 - Ҳозирги замон адабиётида ва кинода бундайлар йўқ, бу аниқ, аммо ҳаётда бормикин шундайлар? Билмайман, хабарим йўқ.
 - Лекин менинг хабарим бор: мингтадан битта топилади... агар уям топилса. Януш менга, сени севаман, деб айтади, лекин мен унга ҳеч қачон бундай демаганман, нафақат унга, умуман, ҳеч кимга айтмаганман, эҳтимол, бошланғич синфларда ўқиб юрганымда биронта синфдошимга айтган бўлсам айтгандирман. Хўш, сиз менга нима маслаҳат берасиз, шавкатли изкувар?
 - Ўқишни тутатинг.
 - Ўқишимга ҳалал бермаган бўларди никоҳ.
 - Бола нима бўлади? Йўқ, буни ўзингиз ҳал қилинг. Ота-онангиз нима дейишяпти?
 - Менинг ота-онам... кичкинагина бир шаҳарчада яшовчи одмигина, жайдари одамлар. Улар Янушни кўриб, айниқса, унинг машинасини, пулга лиқ тўла ҳамёнини кўришган заҳоти бизга оқ фотиҳа беришди. Януш отамга иссиқхона қуриш учун пул ваъда қилди. Отамдек қашшоқ бир одамга иссиқхона эгаси бўлиш қандай бахт эканлигини сиз ҳам тушунсангиз керак?
 - Тушунаман. Бу — эрта пишар, демакки, қиммат бодринлар, помидорлар, гуллар, бир сўз билан айтганда, катта пул. Ота-онангиз ҳақида бундай дейиш яхшимас, Божена.
 - Ота-онам-чи? Улар мени тезроқ бағирларидан ситиб чиқариш пайида бўлдилар-ку! Баски йигирма иккита кирган эканман, улар учун қари қизман. Мунча ўткир бўлмаса бу коньяк!
 - Боя айтдим-ку сизга, мутлақо арман коньяги деб, — яна бармен гапга аралашди.
 - Сиз мутлақо бошқа гапни айтдингиз, шеф, сиз “Плиска”ни мақтадингиз. Ҳа, майли, бўларича бўлди. Биз билан ҳамқадаҳ бўласизми, шеф? Нутқингиз гоятда назокатли экан...
 - Яхши меҳмонларга улфат бўлиш жону дилим, мутлақо. Менинг нутқим масаласига келсак... кўп яхши таълим олганман...
 - Менга киттаккина, — деди қиз. — Ҳалитдан бошим айланяпти, маст бўлиб қолдим, шекилли. Яхши жой экан...
 - Ҳозир мен сизга лимонли чой олиб келаман, мутлақо, — деди бармен ва ҳажми битта шкафдакина келадиган ошхонага кириб кетди.
 - Биласизми, — деди Божена бирдан ўзини дадил тутиб нигоҳини Баксга

қаратар экан, чамаси, чиндан ҳам унинг сал кайфи ошиб қолган эди. — Менда бир таклиф бор, брудершафтга¹ ичмаймизми?

— Нима? Ҳа, ҳа, албатта, жоним билан. Буни нишонлашимиз керак. Шеф, илтимос, бир шиша коньяк!

— Мутлақо ўзим ҳам шу фикрдаман, ўзим косагуллик қиламан. Мана, марҳамат.

— Агар учиб қолсам ўзинг мени пансионатга олиб борасан. Божена (энди “панна” демасдан), саломат бўлайлик.

— Арт...

— Жуда аломат, чиройли исм экан. Бу кичрайтирилганми? Қайси исмдан?

— Мени отам кўхна дунё жинниси бўлган... эски фанлар, лотин, қадимги юнон тили унинг жони-дилди эди...

— Энди, Арт, мени ўп! Йўқ, унақамас, юзимданмас, мана бу еримдан ўп. Шеф, тескари ўтирилиш! Вой, нима қилисан, Арт, мана бундай!

Қиз йигитнинг бўйнидан кучоқлаб, маҳкам бағрига босди. Арт, гўё бошидан бир челақ қайноқ сув қуйиб юборилгандек ҳис қилди ўзини. Наҳотки, бу ҳаммаси коньяк туфайли бўлаётган бўлса?

— Вуй, мунча тортинчоқ бўлмасан! Лекин коньяк жуда ўткир экан! Балки биттадан сосиска ермиз?

— Бўлмасам-чи, еймиз. Шеф! Икки порция иккитадан сосиска! Нега ҳеч ким йўқ буфетингизда?

— Мутлақо! Қайтага, хурсанд бўлишингиз керак. Бугун теплоходда сайр қилувчилар унча кўп эмас, улар ҳам ҳозирча тепада ўтиришибди, ҳали очиқ денгизга чиққанимиздан кейин, кўникма ҳосил қилишади-да, ҳаммалари бу ерга тушиб келишади, ўшанда кўрасиз, бу ерга одам тикилиб кетади, мутлақо.

— Ўзи қачон жўнаймиз?

— Қизиқмисиз? Суза бошлаганимизга ярим соат бўлди.

— Ростданми? Сезмабман ҳам.

— Сизнинг ўрнингизда мен ҳам ҳеч нима сезмаган, эшитмаган бўлардим, мутлақо. Мен бу тоғорада бир неча йилдан бери сузаман, лекин бунақа дилбар қизни ҳеч кўрмаганман.

Бакнинг боши бир оз гувиллаб турган бўлса ҳам кайфи жуда чоғ эди. Фақат кўнгилни хушлайдиган гаплар айтгиси келарди.

— Биласанми, Божена, Милевский... чаккимас.

— Ўзинг нима маслаҳат берасан менга? Унга тегайми ё алоқани узайми у билан?

— Уз алоқани ва менга тег.

— Кайфинг ошиб қолибди, Арт, бўлди, бошқа ичма.

— Энг доно фикрлар кайфим ошган чоғда келади миямга.

— Қулдирма! Сен уйланганмисан?

— Йўқ.

— Юрадиган қизинг ҳам йўқми?

— Йўқ. Шу билан бирга пан муҳаррирникидақа машинам ҳам йўқ. Рост, бундан икки йил бурун битта “Фиатча” сотиб олувдим, аммо оёқларим жудаям узун бўлганидан қийналдим. Энди каттароқ машина сотиб олмоқчиман.

— Вой, сен чинданам жуда ҳазилкаш экансан! Машинанинг нима алоқаси бор? Менга айт-чи, Януш аралашганми бу воқеага?

— Аралашган.

— Қай маънода?

— Том маънода. У шубҳа остидаги одамлардан бири.

— Януш бу ишга қўл урган бўлиши мумкин, деб ўйлайсанми?

— То ҳақиқий жиноятчи топилмагунча, менинг шахсий мулоҳазам ҳеч бир аҳамиятга эга бўла олмайди. Кел, сенга яна куяй.

— Йўқ, менга етарли, олдин сосиска еб олай, балки кейин яна ичарман.

Қиз чиройли бурунчасини жуда қулгили қилиб жийирди ва Арт билан

¹ Б р у д е р ш а ф т — бир-бирини сенсирашга, яъни ўзини яқин тутишга ўтиш учун қадаҳ кўтариш.

барменнинг ўз қадаҳларини бир кўтаришда сипқориб бўлганларини кўриб қулиб юборди.

— Жаноблар, ахир бу коньяк-ку, уни бунақа ичмайдилар.

Бармен унга эътироз билдирди:

— Мутлақо. Бу йигитнинг нимадандир авзои бузуқ кўринади, қўяверинг, қандай хоҳласа шундай ичаверсин.

— Арт, кел, юқорига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олайлик, денгиз манзарасидан баҳра олайлик.

Коньяк ўз вазифасини бажарган эди. Бакс торгина зинадан кўтарилар экан, гандираклаб кетиб, зина четигаги тўсиқдан ушлаб олди.

Улар кеманинг тумшук қисмидаги соявон тагига бориб ўтиришди ва шундагина кеманинг қаттиқ чайқалаётганини ҳис қилишди. Бир метрдан ҳам баландроққа кўтарилаётган тўлқинлар кемани астойдил тебратар, денгиз суви палубани ювар, салон дарчаларига кўпик пуркар эди. Болтиқ денгизи осмондаги қорамтир булутлар тусида эди. Шамол кучайгандан-кучаярди...

Улар пансионатта етай деб қолганларидагина Божена Баксни қизиқтирган мавзуга яна қайтди.

— Нима учун сендан Януш ҳақида сўраганим сабабини биласанми?

— Бу тушунарли ҳол. Ахир у сени ўз никоҳига олмоқчи, сен уни ўз қайлигинг деб ҳисоблайсан. Мана шунинг учун ҳам сен унга тааллуқли ҳамма гапни билишни истайсан.

— Яна бошқа гап ҳам бор. Илтимос, ҳеч кимга айта кўрма, гап шундаки, у менга ўзи билан Швецияга жўнаб кетишни таклиф қилди.

— Нима?!

— Тўйдан кейин, албатта.

— Ҳали, четга чиқиш учун рухсат ҳам олингандир?

— Ҳамма расмий тафсилотларни у ўтган йилиёқ бажариб қўйган.

— Эҳ, қизлар, ҳаммангизнинг фикру хаёлингиз чет элга бориш. Швеция — яхши мамлакат, албатта. Лекин, ҳеч бўлмаса, ой охиригача кутиб тур.

— Мен айнан шу гапни эшитмоқчи эдим сендан. Раҳмат.

Улар даҳлизда жиққа ҳўл кийимларини еча туриб, ойнабанд эшиқдан одамларнинг шахмат тахталари узра эгилган бошларини кўрдилар.

Бакс Розочкани, мен тушлик қилмайман, мазам йўқ, ётмоқчиман, деб огоҳлантирди.

— Соат нечада уйғотай? — деб қизиқсинди ходима.

— Йўқ, йўқ, ўзим тураман, тагин, худо кўрсатмасин, мени уйғотгани кўлингизда шарф билан кириб борманг...

— Ҳазилингиз қурмасин! — деди қиз ранжиб.

— Бўлди, жоним, хафа бўлма, лекин эҳтиёт бўл: ўша нусха фақат аёл зотини бўғаркан!

Бакс ўз хонасига кириб наридан-бери ювиндию кўрпа остига шўнғиди. Унинг табиати ўзи шунақа эди: керагидан ортиқроқ ичиб қўйган пайтларида, албатта бир-икки соат ухлаб олиши шарт эди, бундай пайтда уни замбараклар гумбири ҳам, момақалдиқроқлар дағдағаси ҳам уйғота олмасди. Ҳолбуки, чиндан ҳам ўша пайт чақмоқлар чақилиб, тинмай момақалдиқроқ гумбирлаётган, бўрон тобора авжга минаётган эди.

У кеч соат еттиларда уйғонди. Ўзига сал оро берди, ҳатто шимини дазмоллаб кийди — булар Божена туфайли эди! Сўнг пастга, емакхона вазифасини ўтовчи меҳмонхонага тушди. Турган гапки, пансионатда дам олаётганларнинг ҳаммаси шу ерда эди. Улар Баксдан кўз узмай, тикилиб қолишди. Швед Ингмар Свенсон ҳатто “дик” этиб ўрнидан туриб кетди, бир нима демоқчи бўлиб оғзини очди-ю, лекин яна “турс” этиб ўрнига ўтириб қолди. Укасининг хотини кўлидан тушиб кетган санчқи “жинг” этиб талинкага тегди.

Арт, гўё ҳеч нима бўлмагандай, бамайлихотир ўз столи ёнига бориб ўтириб, бўйнидаги капалак нусха қилиб боғланган шарфнинг тутунини тўғрилаб қўйди — у иккита шойи шарфни бир-бирига улаб бўйинбоғ қилган эди. Бу шарфлардан биттаси билан ўтган йили Наталья Рожновска бўғиб ўлдирилган, иккинчи шарф ёрдамида эса, яқинда Мария Решелни нариги дунёга равона қилмоқчи бўлишганди.

— Сиз... қаёқдан... қаёқдан олдингиз... бу шарфларни? — Швед аёли бу сўзларни жуда қийналиб гапирди.

— Шарфларни айтяписизми? Нимаиди? Ёқдими сизга?

— Мени кечиринг, — деб гапга аралашинга журъат этди Ингмар Свенсон. — Булар... менинг шарфларим. Анави оч-яшил рангли шарфим ўтган йили йўқолган эди, иккинчиси эса, бир неча кун бурун ғойиб бўлди.

— Мен буларни ўз хонамдаги шкафдан топдим. Бугун биров шамоллаб қолиб томоғим оғрий бошлади. Ўзимда шарф бўлмагани учун, бўйнимга боғлаб олдим. Кўзимга жуда чиройли кўринди булар. Сизга буларни эртага эрталаб қайтариб берсам майлими?

— Йўқ, ҳожаги йўқ, — деди швед шоша-пиша. — Ўзингизда қолаверсин, менда яна учта шунақа шарф бор.

— Ўтган йили бу ёққа, Польшага жўнаш олдидан биз акамга шунақа шарфдан бир комплект совға қилган эдик, — деб тушунтирди Вольф Свенсон.

* * *

Орадан икки кун ўтди. Бакс анча барвақт турди; у то нонупгагача самарали сайр қилмоқчи эди. Электр устарада соқол-мўйлабини шоша-пиша олиб, иссиқроқ кийинди-да, эшик томон йўл олди. Шу пайт бирдан бу уйнинг эрта тонг сукунاتини ғоятда даҳшатли фарёд бузиб юбордики, детектив турган ерида тош қотиб қолди. Бу қичқирик қаердандир, пастдан, бинонинг ҳовлига чиқадиган қисмидан эшитилаётган эди ва бу, шубҳасиз, аёл кишининг фарёди эди, лекин айнан ким қичқираётганини аниқлаш қийин эди. Ҳушини йиғиб олган детектив чинқирик эшитилган томонга ўқдай учиб бораркан, пиллапояларнинг икки-учтаси оша ҳатлаб тушиб, холлни ва йўлакни кесиб ўтди.

Мария Решель хонасининг эшиги ланг очик, остонада эса пансионат ходимаси ва официанти — Розочка гужанак бўлиб ёнбошлаб ётарди. “Ҳушидан кетган бўлса керак, — деб ўйлади Арт. Бу пайт йўлакдан шу томонга югуриб келаётган пансионат хўжайини, норвегиялик Петер Нильсон ва шведлар кўринди — ҳаммалари пижама ва халатда, ҳаммаларининг уйқули кўзини ваҳима босган эди.

— Нима гап? — деб сўради Боровский титроқ овоз билан.

— Чинқирган, менимча, шу бўлса керак, — деб жавоб қилди Бакс қизни қўлтигидан олиб кўтариб, уни пансионат хўжайинига тошшираркан; сўнг ўзи хонага кирди. Гира-шира тонг палласида у даҳшатли манзаранинг шоҳиди бўлди. Мария Решель ўз тўшагида чалқанча ётар, башараси мудҳиш бир тарзда буришган, оғзидан чиқиб турган тили гезариб кетган, бармоқлари гўё ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлгандай нижимланган кўйлагининг ёқасини чангаллаганча акашак бўлиб қолган, бўйнида эса...

Изқувар сесканиб кетди, газаби қайнаганидан икки юзи чўғдай қизарди. Мария Решелни бўғиб ўлдирган сиртмоқ куни кеча ўзининг бўйнига боғлашиб, ҳамманинг диққатини тортган ўша иккита шойи шарф эди.

Бу очикдан-очик сурбетларча жигта тегиш эди. Жиноятчи Артни Варшава университетининг илмий ходими Артур Ковальский деб ҳисоблайдими ё детектив Аристотель Бакс деб биладими, барибир, бу густохона даъват шахсан унга, Аристотель Баксга қаратилган эди... Жиноятчи зулмат тунда яна бир қотиллик қилибди ва айни пайтда, Аристотель Бакс устидан очикдан-очик, сурбетларча ва густолик билан кулишга журъат этибди. Бўрон қутурган рутубатли тун зим-зиё эди. “Қора асп” эса ўз қурбонларини фақат кечалари ўлдирётган эди.

Бакснинг кетидан хонага бошқалар ҳам киришди. Анча вақтгача ҳеч кимдан садо чиқмади, хонада юракларни эзувчи, машғум сукунат ҳукм суларди. Арт ҳаммага бир-бир кўз ташлаб чиқди. Ангмар Свенсон ранги докадек оқариб, тамомила эсанкираб қолган эди, ахир ўзингиз ўйланг: ўтган йили Рожновскани ҳам, мана энди Мария Решелни ҳам айнан уники бўлган шарфлар билан бўғиб ўлдиришибди-ку! Унинг укаси деворга орқасини тираб турганча кўзини марҳуманинг юзидан узмасди. Ахир у акасига бу шарфларни совға

қилганида, уларнинг бундай мақсадда қўлланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди-ку! Бир зумда ўзини олдириб қўйган пансионат хўжайини худди мушт еган одамдай гужанак бўлиб, ҳадеб халатининг қайтарма ёқасини азза-базза гижимларди. Чамаси, бу уйда пайдар-пай содир бўлаётган бахтсизликлар уни буткул ҳолдан тойдирган эди. Норвегияликнинг тош қотган чеҳрасида сезилар-сезилмас таажжуб аломатидан ўзга ҳеч нима акс этмасди. Лекин рассом, аксинча, мулақо ўзини боса олмай қаттиқ даҳшатта тушган эди — у худди қуруқликда қолган балиқ сингари оғзини очганча энтикиб-энтикиб нафас оларкан, осилиб қолган пастки жағи дағ-дағ қалтирарди. Журналистнинг чеҳрасидан ҳеч қандай ҳиссиётини англаб бўлмасди — у ўзини дадил тута биларди.

Биринчи бўлиб Боровский ўзига келди.

— Ҳеч нимага қўл теккизмаслигингизни сўрайман! Ҳозир милиция чақираман.

Улар бирин-кетин хонадан чиқишди. Йўлақда ранги докадай оқарган, кўзлари жикқа ёш ходима қиз стулда ўтирар, пансионатдаги барча аёллар: Божена, рассомнинг хотини ва Свенсон хоним унинг атрофига тўпланишган, Олафнинг онаси энгашиб, Розочканинг юзини ҳўл сочиқ билан артар эди.

Ҳамма даҳлизга тўпланди, Боровский ҳам шу ерга келди.

— Мен милицияга кўнғироқ қилдим, ҳозир етиб келишади. Бу қандай бахтсизлик-а! — деб у икки қўли билан бошини чангаллади. Ортиқ оёқда туролмай, стулга чўкди.

Етиб келган тезкор гуруҳ тўрт кишидан иборат эди. Булар: поручик Вяттер, фуқаровий кийимдаги одам — прокурор бўлса керак, милиция сержанти ва суратчи эди. Боровский уларни йўлақдан марҳуманинг хонаси томон бошлаб бораётганида Бакс поручикка аста пичирлаб қўйди:

— Бу иш билан ўзингиз шуғулландинг. Мен йўқман бу ерда.

“Тез ёрдам” машинаси етиб келди, врач билан санитар ҳалок бўлган аёлни кўздан кечира бошлашди. Врач ўлим бўғилиш оқибатида юзага келганини қайд қилди. Сержант билан сураткаш фотокамера билан бармоқ изларини суратта ола бошлашди. Прокурор даҳлизга қайтди, поручик унга эргашиди.

— Нима бўлди ўзи, пан Боровский, — деди прокурор (афтидан, у пансионат эгасини таниса керак). — Яна сизда кўнгилсиз воқеа содир бўлибди. Сиз менга “Альбатрос”да турувчиларнинг рўйхати билан ҳалок бўлган аёлнинг ҳужжатларини ҳозирланг. Пансионатда яшовчиларнинг ҳаммаси ҳозир шу ердами?

— Ҳа.

— Уларни сўроқ қилишимизга тўғри келади.

— Бизда нонушта соат саккизда.

— Унда нонушта тугани билан бошлай қоламиз. Пани Решелни энг аввал ким кўрибди?

— Розочка, панна Роза, ходимамиз, у чинқириб ҳаммани уйғотиб юборди... Эшикни очиб, ўликни кўрган-у... хушидан кетган.

— Хонага ким биринчи бўлиб кирган?

— Мана бу одам, — деб Боровский Баксни кўрсатди.

Прокурор баланд бўйли Бакснинг жуссасига, бу одам ким бўлдийкин, дегандек назар ташлади. Унинг кўзларида таҳаййор аломати акс этди, у ҳатто бир нима деб гапиришга чоғландим-у, лекин бу ниятидан қайтди ва орқасига ўтирилиб, “Альбатрос” хўжайинининг хонаси сари йўл олди. Боровский билан милиция офицери унинг орқасидан эргашишди.

Нонушта жимгина ўлди, кўпчилик таомга ҳатто қўл ҳам урмади. Нонуштадан сўнг Бакс ўрнидан туриб дераза олдига борди. Шу заҳоти унинг ёнида журналист пайдо бўлди.

— Нима, улар кимлигингизни билишмайдими? — деб сўради у прокурор билан милиционер ҳақида.

— Мен уларга халақит қилмайман, улар менга. Ундан кейин, улар ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар... шахмат масаласида.

— Пани Решель ҳам шахмат ўйнамасди. — Журналистнинг овозида ошкора киноя мавжуд эди. — Тан олишингизга тўғри келади: бу юриш душманингиздан бўлди.

— Бу позицион ўйин, пан муҳаррир.
— Прокурорнинг авзоига қараганда, у сизни шубҳа остидаги одамларнинг биринчиси деб ҳисоблаётганга ўхшайди.

— Ҳеч ҳам биринчиси эмас, жуда нари борса, иккинчиси бўламан. Пан Полтика биринчи бўлади.

Журналист ялт этиб орқасига ўтирилиб, емакхонада ўтирганларни бир зумда кўздан кечириб чиқди ва бармоқларини шиқиллатиб қўйди.

— Сиз ҳақсиз, азбаройи худо! Чиндан ҳам докторимиз кўринмайди. Қизик бўлдию! Балки у ҳалигача ухлаб ётгандир?

— Бунақа шовқин-сурон ҳатто ўлик... — дедию тилини қисиб қолди Бакс. — У уйда йўқ, минг афсус. Ҳамонки қотиллик, аниқроғи, тунда содир этилган экан, пан Полтика, биринчи навбатда ўзининг беайб эканлигига далил қидириши керак.

— Менда далил бор, мен ўз бўлмада баҳузур ухлаб ётган эдим. Биласизми, бу ерда, денгиз бўйида қаттиқ ухлайман.

— Бунақа далилни бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам келтириши мумкин, демак, у далил бўлолмайди.

Боровский кириб келди, энди у ўзини анча тутиб олган, деярли бамайлихотир кўринарди.

— Жаноблар, прокурор сизлардан бир оз вақт шу ерда бўлиб туришингизни илтимос қилди, у ҳаммангиз билан бир-бир гаплашиб олмоқчи. Йўқ, йўқ, бу расмий сўроқ эмас, фақат оддий суҳбат бўлади. — Боровский имкон қадар, ҳаммага тасалли беришга уринарди. — Ҳозир сизларга қаҳва билан коньяк келтиришади. Прокурор эса, сизни ўз ҳузурига таклиф қилипти, пан Ковальский.

Изкувар хонага кириб, прокурорнинг таклифи билан стол ёнидаги стулга жимгина ўтирди. Бу унинг умрида биринчи марта прокурор билан шубҳа остидаги одам сифатида гаплашиши эди.

— Сизга тикилиб-тикилиб қараяпману ҳеч тушунолмаёйман, — деб гап бошлади прокурор. — Сиз билан таниш эмасмизми? Ё илгари бирон ерда учрашмаганмизми?

— Эслолмайман.

— Наҳотки янглишаётган бўлсам? — Прокурор пешонасини тиришгирди, унинг сийрак қошлари қаншарида бир-бирига туташди. — Менинг кўриш хотирам жуда яхши. Сиз қамоқда ётиб чиқмаганмисиз? — У ўз олдида ётган “Альбатрос”нинг рўйхат дафтарига қаради. — Балким, Варшавада учрашгандирми? Мен бир қанча вақт пойтахт прокуратурасида ишлагандим.

“Минг лаънат ўзингаям, ўша “жуда яхши кўриш хотира”гайм!” — деб жаҳл билан сўкиниб қўйди ичида Аристотель. У бир пайтлар Варшавада жиний қидирув ходимлари учун семинар олиб борган эди. Шунинг учун, ҳали бу прокурор мени таниб қолмасайди, деб чўчиётган эди, чунки у олиб борган ўша машгулотларга прокуратура ходимлари ҳам келишарди.

— Ҳа, бўпти, бунинг аҳамияти йўқ, — деб прокурор Баксни қаердан танишлигини эслашдан воз кечди. — Ишга ўгайлик. Ҳалок бўлган аёлнинг хонасига сиз биринчи бўлиб кирдингизми?

— Буни айтолмайман. Мен пани Решелнинг хонасига соат олтидан йигирма дақиқа ўтганда кирдим.

— Нима, қўлингизга соат кўтариб олганмидингиз?

— Соат тақиб олгандим.

— Ҳм... У ерда сиздан олдин бирон киши бўлган, деб тахмин қилиш қийин.

— Тахмин, денг? Ҳа, албатта бўлган!

— Ким?

— Қотил!

— Қойил! — пичинг отиб кулди одил суднинг қаттиққўл ходими. — Сизда далил борми?

— Нима ҳақда далил?

— Бугунги тунни қандай ўтказганингиз ҳақида.

— Мен ўз хонамда ухладим.

— Ана шу-да! Демак, далилингиз йўқ?

— Агар мен бу шўрлик аёлнинг бугун тунда ўлдирилишини олдиндан билганимда, албатта ўз хонамга кимнидир, масалан, биронта гўзал қизни таклиф қилган бўлардим. Лекин барибир, сиз менга ишонмасдингиз.

— Албатта, ишонмасдим! Сиз ва гўзал қиз! Тасаввур қилаоласизми, поручик?

Юқорида келтирилган “суҳбат” бошланган чоғдаёқ поручикнинг кўзларида қувноқ кулги учкунлари пайдо бўлган эди, мана энди у фурсат келганидан фойдаланиб, астойдил хахолаб кулиб юборди.

“Зўр” ҳазил қилганидан мамнун бўлган прокурор сўроқни давом эттирди:

— Бўпти, ҳазилни йиғиштирайлик. Сиз хонада бирон-бир ғайриоддий ҳолатни пайқаддингизми?

— Албатта. Пайқаганда қандоқ...

— Нимани?

— Ўлдирилган пани Решелни.

Прокурор мутлақо расмий қиёфа касб этди, қаддини ростлаб, қўлларини стол устига қўйди. Қўллари худди ойимтилла аёлларникидек пардоз қилинган, сугдек ошпоқ эди. Чамаси, у ўзини офтобдан олиб қочувчи, курорт неъматларидан фойдаланишни истамовчи одамлар тоифасидан бўлса керак.

— Мен сизнинг ҳазилкашлик кайфиятингиз сабабини тушунолмаяман, лекин огоҳлантириб қўяй: сиз шубҳа остидаги одамлардан бирисиз.

— Сиз ҳам ҳозир мени шубҳа остидаги одам сифатида расман сўроқ қиляпсизми?

— Ҳм... Процессуал жиной кодекс билан танишлингиз сезилиб турибди. Янаям яхши. Йўқ, ҳозирча мен сизни гувоҳ деб ҳисоблайман ва сиз билан гувоҳ сифатида суҳбатлашяпман.

— Ундай бўлса, сиз арзимас бир ҳолатни унутиб қўйдингиз. Сиз фақат ўша кодексингизни бузишни биласиз. Хўш, яна нима истайсиз мendan?

— Ҳозирча ҳеч нима. Ҳозир сиз дарҳол сўроққа чақирувчи расмий хабарнома оласиз! Поручик, илтимос, сиз бу гражданин номига расмий хабарнома тўлдириб, қўлига тошпиринг.

— Мен хабарнома бланklarини олиб кетмаган эдим.

— Ҳм... Унда мен сизга расмий хабарномани курьер билан жўнатаман. Ҳозирча сиз бўшсиз, кейинги гувоҳни бу ёққа киритиб юборинг. Януш Милевскийни, — деди у блокнотига қараб қўйиб.

— Энди бу иш асло менинг вазифамга кирмайди, пан прокурор!

Бакс ўз хонасига кўтарилиди ва тўшакка чўзилиб ётди. Уни жангга даъват этаётган эдилар, бу аниқ. “Бечора аёл! Назаримда, унинг бирон гапдан хабари бўлган, бўлмаса нега ўлдиришади? Ахир у шахмат ўйнамас эди-ку. У нимани билганикин? Рожновсканинг қотилиними? Ё бирон қинғир ҳаракатни сезганмикин? Жинойтчи шошиляпти, нимадир уни шоширяпти. Бу лаънати шахмат ўйинига қандай дов тикилган бўлиши мумкин? Нима учун менинг расмий талабимга Шециндан ҳалигача жавоб келмаяпти?”

Бу чигал шахмат жумбоғи калитини мамлакатимиз ташқарисидан қидириш керакка ўхшайди, чунки бу ўйинга анча-мунча ажнабийлар аралашган. Бунинг устига, Рожновскийнинг Швецияга қочиб кетгани ортиқча бўлди, бу ёқда журналист ҳам Божена билан биргаликда ўша ёққа отланяпти, бу тасодиф бўлиши мумкин эмас, тагида бир гап бор! Рожновский, агар хотинини у ўлдирган бўлса... Тўхта, тўхта, унда бу ишга Решелнинг қандай алоқаси бўлиши мумкин? Ҳеч қандай, жин урсин!”

Изқувар иккала қўлини боши тагига қўйиб ётаркан, кўзини шифтга тикиб ўй сура бошлади. У Рожновска бўғиб ўлдирилган шарфни эслади, эсладию, “Ҳали хонамни тинтиб чиқишибди-да!” — деб ғазаби қайнади. Беҳаёларча мазах қилишганди уни! Лекин шу пайт миясига келган бошқа фикрдан жилмайиб қўйди. У ўрнидан туриб кетди. “Бу нарса жинойтчининг шошаётгани ҳақидаги шубҳамнинг тўғрилигини тасдиқлайди”. Зулмат тун қўйнидаги қотилнинг қиёфаси тобора аниқроқ намoён бўла бошлаган эди. “Нима тикиб ўйнашаётганкин, жин урсин!” Шахмат турнирининг қатъий қоидаси масалани ечишга кўмаклашарди, энди шубҳали одамлар рўйхатида фақат уч киши қолди, фақат уч киши... фақат шу уч кишимикин?

Ковальский номига ёзилган чақиріқ қоғозини Баксга туш пайтида келтириб беришди.

Эртаси куні Бакс чақиріқ қолғозида кўрсатилган вақтда унда тайинланган манзилга егиб борди. Қизғиш гишпдан қурилган бу каттакон бинога суд маҳкамаси, прокуратура ва ҳатто чоғроққина турма ҳам жойлашган эди. Тўғри, турма бошқа идоралардан ажратилган, унга ҳовли томондан кириларди.

“О, универсамнинг ўзи-ку жиноятчилар учун, — деб ўйлади Бакс. — Бу ерга келтирилган одам сўроқ қилинади, уни суд қилишади, устидан ҳукм чиқаришади ва у шу ернинг ўзида қамоқ муддатини ўтайверади; қаранг, ҳатто кўчага ҳам чиқилмайди”.

Соат эндигина саккиз бўлган. Суд ва прокуратуранинг навниҳол хушбичим ходималари йўлақлардан шоша-пиша юриб ўз хоналарига кира бошлаган эдилар.

Хонада прокурордан бошқа унинг ёрдамчиси ҳам бор эди. У ҳам авжи ёз пайти бўлишига қарамай, қора костюм кийган эди. Хизматчилик, албатта... Бу ерда ёрдамчининг бўлиши хона соҳибининг нуфузини бўрттириб кўрсатаётганди.

— Исмингиз, фамилиянгиз, ота-онангизнинг исмлари, қаерда ва қачон тутилгансиз?

Бакс ҳамма саволларга эҳтиром билан аниқ ва... ёлғон жавоблар қилди, ундан паспорт талаб қилмаганлари сабабли. Талаб қилинса борми, қўлга тушиши аниқ эди! Прокурор расмиятчилик амалларини бажариб бўлгач, ўзининг энг оғир замбаракларини хужумга тайёрлаб, улардан бир йўла ўт очди:

— Мария Решель бўғиб ўлдирилган шарфлар сизга тегиштимиди?

— Инкор этолмайман.

— Лекин бу вазиятни ойдинлаштириб бера оларсиз?

— Вазифам. Шунчаки, у шарфларим йўқолиб қолди.

— Бу изоҳингиз мени қаноатлантиради деб ҳисоблаяпсизми?

— Ҳисобламаяпман, фақат саволларингизга жавоб бераяпман, холос.

— Яна таъкидлайман: аёл айнан шу шарфлар билан бўғиб ўлдирилган.

— Ҳамонки сиз ушбу вазиятга шунчалик катта аҳамият бераётган экансиз, сизга ўз фикримни баён қилишга журъат этаман: мен ушбу қотилликда шарфлар сиз тахмин қилган вазифани бажарган деб ҳисобламайман.

— Нега тахмин бўларкан? Ахир у шарфлар жабрланган аёлнинг бўйнида бўлган-ку. Ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўлгансиз!

— Тўғри, мен бу шарфларни жабрланган аёлнинг бўйнида кўрдим, ҳай, нима бўпти шунга? Сиз суд-медицина экспертизаси хулосасини олгандирсиз, албатта?

— Бу энди сизнинг ишингиз эмас! Сиз шубҳа остидаги одамсиз.

— Бир шубҳа остидаги одам дейсиз, бир гувоҳ дейсиз! Ҳаммаси чалкашиб кетди. Майли, гап бунда эмас. Сиз медэкспертнинг хулосаси билан танишиб чиқишингиз керак, агарда шундан кейин ҳам Мария Решелни менинг шарфларим билан бўғиб ўлдирилган, деб таъкидлайдиган бўлсангиз, унда менга қўйилаётган айбга иқроор бўлишдан ўзга иложим қолмайди.

— Ҳали сиз менга нима қилиш кераклигини ўргатмоқчи бўляпсизми? — Прокурорнинг шу қадар руҳи тушиб кетдики, Бакснинг унга раҳми келди. — Қўлимдан келмайди шекилли бу...

— Сабр қилинг, пан прокурор, шошманг. Эсимга тушди, сиз биринчи қаторда ўтирган эдингиз.

— Нима?! Яна қанақа қатор?

— Қани, бир эслаб кўринг-чи, илтимос. Бундан икки йил бурун мен Варшавада Милиция бош бошқармасида бир қатор лекциялар ўқигандим. Ўшанда сиз менга кетма-кет анча-мунча саволлар бергандингиз.

Ҳозир бу прокурор йигитни кўрган киши уни телбаваш деб ўйлаши мумкин эди, лекин шунга қарамай, у ўзининг фикрлаш лаёқатини намойиш қила олди, яъни ёрдамчисига кабинетдан чиқиб кетишни буюрди. Сўнг изқуварга кўришиш учун қўл чўзди.

— Мени афв этинг, пан... Бакссиз-а? Мен бўлсам, кеча то бу ерга келгунимча, қаерда учратган бўлишим мумкин бу одамни, деб роса бош қотирдим. Кечиринг, танимабман.

— Ҳеч ўйламанг буни. Менинг бу ерда иш олиб бораётганимни фақат икки киши: майор Шиманский — у Шециндан — ва поручик Вяттер билади. Бу жуда оғир иш. Хўш, нима дейилибди медицина экспертизасида?

— У ҳали тайёр эмас, ҳозир тезлаштираман.

Орадан сал вақт ўтгач, улар медэкспертнинг хулосасини ўқишди. Унда бошқа гаплар билан бир қаторда қуйидаги жумлалар ёзилганди: “Ўлим бўғилиш натижасида, аниқроғи, қўл билан бўғиш оқибатида содир бўлган. Жиноятчи шофёрлар киядиган қора қўлқопда бўлган — мархуманинг бўйнидаги бензин ва ёғлаш мойининг доғлари бундан далолат беради”. Врачнинг таъкидлашича, қотиллик тунги соат икки билан уч ўртасида амалга оширилган.

— Қаёқдан билувдингиз буни? — деб сўради ҳайрон қолган прокурор.

— Биласизми, гап шундаки, биз, тергов олиб борувчилар — яъни сиз пан прокурор, милиция ходимлари ва мен жиноят билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳолатга иккита бошқа-бошқа нуқтаи назардан қарашимиз лозим: бир кўз билан бутун ер кўрасини кўз олдимизга келтиришимиз, иккинчи кўзимиз билан унда бўй чўзаётган ҳар битта гиёҳни кузатишимиз керак. Бунинг ўзи кифоя эмас, биз яна ҳар бир гиёҳнинг қандай ўсишини эшитишимиз ҳам керак... Сиз бу шарфларни менга беринг, нима бўлганда ҳам улар менинг бўйнимга жуда ярашади.

— Лекин уларда бармоқ излари бўлиши мумкин-ку!

— Турган гапки, менинг бармоқ изларим. Яна жиноятчи кийган қўлқоп излари ҳам.

— Қаёқдан билувдингиз буни? — деб прокурор саволини такрорлади.

— Шарфлар шундай назокат билан боғланган эдики, одатда сайр қилишга чоғланган киши шундай чиройли қилиб капалакнуса тугун тутади. Ундан ташқари, билардимки, фақат менинг жигимга тегиш учун қилинганли бу найранг. Жуда ақлли нусха кўринади бу жиноятчи. Энди кетсам бўладими, пан прокурор?

Прокурор конвертдан шойи шарфларни олиб, уларни Баксга узатди.

Пансионатдаги ҳаёт аста-секин аввалги ҳолига туша бошлади. Осмонни ҳамон қора булут буркаб олган, гарчи ёмғир энди аввалгидай шаррос қуймаётган, фақат севалаб ёғаётган бўлса ҳам, пляжлар хувиллаб қолган. Одамлар фақат сайрга чиқиш, экскурсияга бориш ва яна шахмат ўйнаш билан вақт ўтказишарди. Турнир қатнашчиларидан фақат икки киши: Милевский билан норвегиялик ҳали бир очко ҳам йўқотишмади. Милевский ўз рақибларини тамоман эзиб ташлади, Нильсоннинг уйини унча самарали бўлмаган бўлса ҳам, у ўзининг метин иродасини намоён қилди. Рассом ҳаммани ҳайратда қолдирди: олдинга иккала шведни енди, кейин Боровский билан чиройли дуранг қилди, Пансионат хўжайинининг шу қадар руҳи тушиб кетдики — ахир бу партиядо голиб чиқиши яққол кўриниб турган эди-да, — ичиб, ғирт маст бўлиб қолди ва бегуноҳ Розочкаҳонга дағдага қилиб, рўзгор ишидаги қандайдир арзимас камчилиги учун қаттиқ койиб берди. Шўрлик қизга шундоқ ҳам осон эмас эди, зеро Мария Решель ўлганидан кейин зиммасига озиқ-овқатлар харид қилиш, ҳисоб-китоб билан шуғулланиш, янги ишга тайинланган ходимага кўмаклашиш каби яна бир қанча қўшимча вазифалар юкланган эди.

Доктор Политика анча-мунча кўнгилсиз воқеаларга учради. Ўша машбум кунда у пансионатга эрталаб соат тўққиздан ошганда кириб келди ва биринчи навбатда, ўз фаолиятини намоён қилиш иштиёқида ёнаётган прокурорга рўпара келди. Шу заҳоти прокурор бутун ғайратини ишга солиб бечора доктор билан шуғуллана бошлади.

Медицина ходими прокурорнинг биронта ҳам саволига (қаерда эдингиз, ким билан бўлдингиз, нима иш қилдингиз?) жавоб бермаслик учун роса тер тўкиб хушомад қилса ҳам, муғамбирлик ҳам қилиб кўрди. Ҳамма ўйлаб топган ваз-қарсонлари тутагач, бирданга, худди томдан тараша тушгандай, у... бу врачлик сирини, деб баҳона қилди ва врач этикаси ҳақида аллақандай муж-

мал фикрлар баён этди, ҳолбуки, унинг кўчада кимлиги номаълум бир хоним билан тасодифан учрашиб, тунни унинг тўшагида ўтказганлиги ҳеч қандай этика ҳам, врачлик сири ҳам бўла олмасди. Қолаверса, юқорида эслаб ўтилган хоним ўша кунийёқ “Альбатрос”га докторни сўраб келиб, тўғри қонун ҳимоячиси прокурорга рўпара келиб қолди ва ҳамма бўлган воқеани оқизмай-томизмай ростини сўзлаб бераркан, бу висол онини оташин муҳаббат деб таърифлади ва докторни бир кўришдаёқ чин дилдан севиб қолганини айтди. Унинг гапига қараганда, доктор ҳам унга нисбатан шундай қайноқ ҳиссиётда бўлганмиш.

Бу ишқий воқеа қаттиққўл прокурорнинг қалбига заррача ҳам таъсир қилмади ва қўрқанидан капалаги учиб кетган доктор кейинги тунни район милиция бўлимининг қамоқхонасида ўтказди. Поручик Вяттер фоҳиша аёлнинг оғзаки берган гувоҳликларига ишонмади, бильакс, ҳамонки ҳозирги вазиятда гап қотиллик ҳақида бораётган экан, бундай гувоҳликларни қайта-қайта текшириб кўриш лозим, деб билди у. Эртаси куни поручик докторни қамоқхонадан чиқариб юбораркан, унга шундай шарт қўйди:

— Сизни ҳозирча озод қиламан, биз аниқладик: кеча чиндан ҳам сиз ўша ойимчанинг уйида бўлгансиз, лекин кечаси аста-секин унинг қўйнидан чиқиб кетган ва жиноят содир этган бўлишингиз ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун сиз шубҳа остида қолаверасиз, пан доктор.

Бу тиббийёт арбоби, ҳар эҳтимолга қарши, маслаҳат сўраб адвокатга ҳам мурожаат қилиб кўрди, лекин у ердан мутлақо юрагини олдириб, нажотга бўлган сўнгги умидидан ва бир дунё злотихлардан ажраб шалвираб чиқиб келди. Бугунлай эс-ҳушини йўқотган шўрлик доктор ўзининг бу “мараз қотилликка” ҳеч қандай дахли йўқлигини “Альбатрос” аҳлининг ҳар биттасига қайта ва қайта тушунтиришга уриниб кўрди. Аммо одамлар унинг устидан мудом шафқатсизларча кулишарди.

Шўрпешона доктор энг кўп Боженадан дакки еди — толиба қиз, гўё ҳеч нарсага тушунмайдиган оми одамдек ундан бу бир кўрганда ошиқ бўлиб қоладиган “қулинг ўргилсин муҳаббат воқеаси”ни сўзлаб беришни яна ва яна илтимос қилиб, унинг жонига тегарди.

Изқувар ўз хонасида у ёқдан-бу ёққа танда кўяркан, нима ҳақладир астойдил бош қотирарди. Шу пайт тасодифан кўзи девордаги календарга тушиб, бугун ўн иккинчи сентябр эканлигини дилида қайд қилди. Демак, шахмат турнири бир ҳафтадан кейин тугайди, ўн кундан кейин эса, “Альбатрос”да дам олаётганларнинг муддати тугаб, жўнаб кетишади. Шундан кейин скандинавияликлар, ўз режаларига кўра, Мазур оролларида бориб, ой охиригача ўша ерда бўлишади.

“Қандай қилиб ўғирладийкин жиноятчи менинг шарфларимни? — деб ўйлай бошлади Арт ва ўзига ўзи жавоб берди: — Бу — оппа-осон: у менинг йўқлигимдан фойдаланиб, холлда турган яшиқдан хонамнинг калитини олган”.

Аристотель шундай хулосага келдию дарҳол магазинга бориб — милициянинг пулига, албатта, — ўз хонасига ўрнатилган қулфга жудаям ўхшайдиган қулф сотиб олди. Кейин қандайдир одмигина ускуналар ёрдамида қулфни алмаштирди ва Розахонга, менинг хонамни йиғиштирмай кўя қолинг, деб тайинлаб қўйди. Ходима бундан хурсанд бўлди, Бакс эса шу пайтдан бошлаб хонасининг калитини яшиқда қолдирмайдиган бўлди.

Пастдан ходима қиз югуриб чиқиб келиб, Баксни маҳаллий телефонда сўрашаётганини айтди. Вяттер кўнғироқ қилаётган экан: одамлари ҳозиргина янги хабар тошиб келишибди — “Янтарь” ресторанида ишловчи буфетчи аёлнинг ҳикоя қилишича, ўша машъум тунда — “соат иккиларда!” — доктор Политика ундан ярим литр арақ сотиб олибди. Виждонли милиция офицери арақнинг рябина эканлигини ҳам аниқлабди.

— Газак ҳам сотиб олибдими? — деб қизиқсиниб сўради Арт.

— Бунисини... билолмадим, — деб довираб қолди поручик. — Олган бўлса керак.

— Ҳеч қандай “бўлса керак” кетмайди, аниқ билиш керак. Шахмат ўйинингиз нима бўляпти?

— Ютуқлар ҳам йўқ эмас: ўғлимни икки марта ютиб олдим.

— Табриклайман, энди кучлироқ ўйинчи билан куч синашиб кўринг.

— Ҳўп бўлади!

Бакс меҳмонхонага тушди. Эркаклар шахмат столчалари атрофида ўтиришарди, Божен Свенсон хоним билан суҳбатлашарди. У Баксни кўриши билан швед аёлидан узра сўраб, йигитнинг ёнига келди.

— Дарров танишлар орттирибсанми? Анойи эмассан!

— Тушунмадим.

— Сени телефонга чақирганларини эшитдим.

— А-а, у бир оғайним эди.

— Арт, эҳтиёт бўл, тагин шарманда бўлиб қолма, бизнинг пан докторга ўхшаб.

Шахмат столчаси ёнида ўтирган доктор Политика ўзини Боженанинг ҳазил гапини эшитмаганга солиб жим ўтираверди.

“Доктор негадир ҳамма гапни очиқ айтмади”, — деб ўйлади изкувар. Лекин бу ўткинчи ҳаёл эди, зеро, унинг бутун фикру зикри ҳозир Боженанага қаратилган эди. У ҳар кеча Артнинг тушига кириб чиқарди, лекин ўша денгиз сайридан кейин, қиз негадир у билан ёлғиз учрашишдан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. “Унда нима учун сайлга чиқди? Бу нима, олдий инжиқликми ё журналистнинг рашк қилишини хоҳлаяптими?” Милевский бўлса, ўша куннинг эртасигаёқ Баксга гўё ҳазил қилаётгандек бепарволик билан шундай маломат қилди: “Қойилман, роса ёрдам қилдингиз менга! Энди Божена менга никоҳ ҳақида оғиз ҳам очирмай қўйди!”

Меҳмонхонада шахмат ўйини давом этарди. Улар нимани кўзлаб ўйнашяпти, бу ўйиннинг асл иштирокчилари кимлар? Бакс турнирнинг боришини диққат билан кузатар экан, ўзича бир нечта аниқ хулосалар чиқарди. Олаф билан доктор бу катга ўйиннинг иштирокчиси бўлмасалар керак, чунки улар анча ёмон ўйнашарди. Бу биринчи хулоса. Иккинчи хулоса: Боровскийнинг ҳам, Вольф Свенсоннинг ҳам, унинг акаси Ингмарнинг ҳам ўйинда голиб чиқишларига ҳеч қандай имконият қолмади — буларнинг ҳаммаси икки партиядан ютқазишди, пансионат соҳиби эса, устига-устак, рассом билан ўйинида дуранг натижага эришиб, яна ярим очко ютқазди. Рассомнинг галаба қозонишига ҳали имконият бор эди, лекин бунинг учун у ҳали ҳам норвегияликни, ҳам журналистни ютиши лозим эди. Хуллас, турнирнинг бундан кейинги тақдирини ҳамон мавҳумлигича қолди. Бу мавҳумлик бутун кечқурун, рассомнинг Нильсон билан ўйинидан кейин қисман ойдинлашиши мумкин. Ана, ҳозир улар бир-бирининг рўпарасида бутун диққатларини ўйинга қаратиб, жиддий қиёфада, бутун жону танлари билан курашга киришиб ўтирибдилар.

Ҳа, — шахмат бу кураш. Биринчи галда, асаблар кураши. Бу ўйинда маънавий, руҳий собитлик энг улкан аҳамиятга эгаки, кўпинча бу собитлик ҳал қилувчи омил бўлиб қолади. Қолган амалларнинг ҳаммаси худди ҳақиқий жанда бўлганидек: стратегия, энг яхши йўлларни танлай олиш, эпчил тактика, олдиндан танланган айрим вариантларни, шахмат тахтасидаги вазиятнинг қандай ривожланишига қараб, яхшироқ вариантлар билан алмаштира олиш, ўйинда энг яхши позиция учун ва рақибнинг доналарини эгаллаш учун курашиш, рақибнинг қайси донани суришини олдиндан билиб олишга интилиш, ўз ўйинида бешта, олгита, ҳаттоки еттита йўлни олдиндан ҳисобга ола билиш. Шахматчи компьютердек бой хотирага, қиличбозга хос ҳушёрликка, альпинистга хос дадиллик ва жасоратга эга бўлиши керак.

Норвегиялик хўмрайганча лабини тишлаб олди, у ўқтин-ўқтин асабийлашиб, соқолини силаб қўярди. Рақибни сурган ҳар бир донадан сўнг, шахмат тахтасидаги вазиятни астойдил мук тушиб диққат билан таҳлил қиларкан атрофида нималар бўлаётганини тамомила унутиб қўярди.

Рассом ўзини мутлақо бошқача тутарди. У ўтирган ўрнида ҳадеб питир-питир қилар, муваффақиятли дона сурган пайтларида кафтларини бир-бири-

га ишқаб қўяр ёки хатога йўл қўйганида эса, столга мушт туширарди. У ҳар гал донани шахмат тахтасига атайин “тўқ” этиб уриб қўяр ва тиржайганча, “қалай, бошладимми?” дегандек ҳамма кузатувчиларга бир-бир нигоҳ ташлаб чиқарди. Рассомнинг ўйин чоғида ўзини тутиши рақибнинг гашига тегиши мумкин эди, чамаси, у норвегиялик билан ўйнаётганида шундай бўлди ҳам. Ковалик оқ доналар билан ўйнаётган эди. У бу ўйинда ҳужум усулини танлади, у амалга оширган имправизацион юришлар унга ғалаба олиб келиши мумкин эди-ю... лекин рассом хатога йўл қўйиб қўйди.

Ўйин ярмига борганда ослолик адвокат кучларни тенглаштиришга улгурди, кейин оқлар бир пиёдани йўқотишди, шу билан бирга позицион тенгликдан маҳрум бўлишди. Ана шунда, Коваликнинг шу партиядан кейиноқ голиблик шон-шухратига эришолмаслиги аён бўлди-қолди. Бу партияни Нильсон, гарчи моҳирона ўйнай олмаган бўлса ҳам, ўзининг зиғирдаккина имкониятидан собитлик ва изчиллик билан имкон қадар тўла фойдалана олди, ниҳоят, шахмат тахтасида оқ шоҳ битта пиёда билан, қора шоҳ эса иккита пиёда билан қолганида, у биринчи марта жилмайиб бошини кўтарди.

— Таслимман! — деди рассом ва норвегияликка қўлини чўзди, лекин руҳи тушиб кетганини яшира олмади. — Бўлмади.

— Сиз мен учун жуда оғир рақиб бўлдингиз, — деб норвегиялик унга тасалли бергандай бўлди, лекин бу гап рассомнинг юзини худди изтироб чекаётгандай, буриштирди. Бу турнирда мағлуб бўлганини ҳис қилган Ковалик ўрнидан турди ва журналистга юзланди:

— Эртага сиз билан жанг қиламиз. Айтиб қўяй, мен шердек олишаман, ё ол худо, ё бер худо! Бир қадаҳ отиб оламан-да, кейин бир додингизни бераман!

Милевскийнинг одатий хушқайфиятлиги ҳозир унга панд бериб қўйди ва у Коваликнинг ҳазилига жаҳл билан жавоб қилди:

— Кучингизни эртадан кейинги кунга ҳам озроқ сақлаб қолинг, ҳали, Олаф билан ҳам ўйнашингиз керак-а!

У рассомнинг пўписасига парво ҳам қилмади. Эртаси куни Ковалик билан (журналистнинг омади бор экан — қуръа тортишганида унга оқ доналар билан ўйнаш насиб этди) ўйнаганида шиддатли ҳужумга ўтиб, рақибини осонгина ютиб олди. Рассомнинг руҳи тушиб кетди.

— Агар оқ доналар билан ўйнаганимда, кўрардингиз, — деб икки гапнинг бирида зорланавергач, охири Милевскийнинг аччиғи чиқиб кетди ва Коваликка конкурсдан ташқари яна бир партия ўйнашни таклиф қилди. Йигирма учинчи юришда Ковалик ажойиб мот бўлдию шу билан унинг шахмат оламидаги фаолияти ниҳоясига етди.

— Сиз бу бечорага нисбатан жуда бешафқат бўлдингиз, — деди изкувар Милевскийни ғалаба билан қутларкан.

— Шафқат ва спорт бир-бирига зид тушунча, — деб эътироз билдирди журналист. — Шунингдек, бемулоҳаза иш кўриш билан рақибни менсимаслик ҳам. Боровский пан Коваликни менсимамай ўйнади ва оқибат ярим очко ютқазиб қўйди, норвегиялик эса, гўё олдинда дуранг натижани кўзлагандек ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўйнади ва натижада сал бўлмаса ютқазиб қўяёзди. Мен рассомга ўхшаган импровизаторларга қарши импровизация қуролини ишлатаман ва ҳужумга ўтаман!

— Сизнинг фақат норвегиялик билан ўйинингиз қолди. Унинг ютқазилишига шубҳа йўқ.

— Йўқ, янглишасиз! У назарияни жуда пухта билади ва нормал шароитда, яъни икки партиядан иборат матчда, рассомни маҳв этган бўларди худди мен сингари. Лекин фақат битта партия ўйналаётганида, унинг натижасини олдиндан билиш қийин, энг ношуд ўйинчи ҳам ютиб қўйиши мумкин. Ўтган йилги турнирда мен норвегияликни жуда оғир курашдан сўнг фақат қирқ еттинчи юришда енгандим. У билан бўладиган ўйин мени ваҳимага соляпти.

Шу куни кечқурун серғайрат поручик Вяттер яна Баксга қўнғироқ қилди.

— Янги маълумотлар олинди. Биринчидан, газаклар масаласида. Буфетчи аёл, қаттиқ сиқувга олинганидан кейин айтишга мажбур бўлди: доктор чўчқа оёғидан тайёрланган дирилдоқ билан юнонча пиширилган треска балиғини сотиб олибди.

— Рябина арағига-я? Хўш, сиз, поручик, нима деб ўйлайсиз бу ҳақда?

— Бу шубҳали ҳол.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Буфетчи аёлни ким сиқувга олибди?

— Шахсан ўзим.

— Доктор яна бошқа бирон нима сотиб олмабдими? Печеньеми? Тортми?

— Йўқ. Балки уларда бу нарса...

— Хўш, иккинчидан-чи?

— Мен марҳума Мария Решелнинг буюмларини кўздан кечирдим — ўшанда биз буларнинг ҳаммасини сургучлаб қўйган эдик, — улар ичида хонимнинг хотира дафтари бор экан. Балки сизни қизиқтириб қолар у?

— Нима?!

— Мария Решелнинг хотира дафтари, унга ҳар хил ёзувлар қайд қилинган экан, менимча, сиз...

— Жин урсин! Нимани ўйловдингиз шу пайтгача?

— Ўйловдимки...

— Ҳозироқ олиб келинг уни, сизни кўчада кутаман!

Бу қора дермантин муқовали блокнот тақвим бўлиб, у турли хил ёзувлар билан тўлдирилган эди. Ёзувлар бу дафтарчага икки йилчадан бери қайд қилиб келинган экан.

(Давоми бор.)

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси.



SUMMARY

The may issue of our magazine let's you to introduce with the materials dedicated to the 100th Birthday Anniversary of well-known Uzbek Academic poet Gafur Gulom on first pages. There are given same examples of his creative work. Same opinions and articles explaining his activity. Our readers get acquaint with S.M.Golisin's "The notebook of survived man" (in prose branch) and karakalpak writer, O'rozboy Abdurahmonov's novel "Threshold" in prose branch and with the poems of Maxtumlili at "Regions of Poetry" block of magazine. Also you, dear headers! can read B.Ognev's "Missing Georgia", professor A.Abdumajidov's referat "The Example of Religious & Legal Enlightenment". The fans of detective can read the legend of polish writer Yatssek Roy "Black Horse kills at nights"

Жаҳон адабиёти, 05. 2003.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА

Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ

Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА

Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА

Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теришга берилди 20.03.2003 й. Босишга рухсат этилди 15.04.2003й. Бичими 70x108 1/16.

Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 2200 нусха. К-9877 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2003 й.